

НДЗВ048
3

Жуманиёз
ЖАББОРОВ

Кўнглим
китоби



Жуманиёз ЖАББОРОВ

КЎНГЛИМ КИТОБИ

*(Шеърлар, достонлар, таржималар,
пьесалар ва хотиралар)*

Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти
Тошкент — 2010

84(5У)6

Ж13

Жабборов, Жуманиёз.

Кунглим китоби: (шеърлар, дostonлар, таржималар, пьесалар ва хотиралар) / Ж. Жабборов. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2010. 524 б.

ББК 84 (5У)6

"Кунглим китоби" деб номланган ушбу тўпلام Ўзбекистон халқ шоири Жуманиёз Жабборовнинг, асосан, кейинги йилларда ёзган шеър уғзалари ҳамда мухаммаслари, юксак ватанпарварлик ва инсон маънавияти камолига бағишланган "Йўлдаги уйлар" ва "Кўёш юрти" номли дostonлари, Шарқу Фарбнинг мумтоз шеърояти алломалари — Ал-Мааррий, Фирдавсий, Румий, Убайд Зокий, Мирзо Ғолиб, Мушфиқий, Байрон, Лермонтов ижодиётидан қилинган янги таржималар, шунингдек, ҳаётимиз муаммоларига бағишланган икки сахна асари — "Уйқусиз кеча" ва "Менинг оппоқ кабутарларим"дан иборат бўлиб, бу асарлар бир-бирини мантиқан давом эттиради ва китобнинг шаклий хилма-хиллиги ҳамда қизиқарлилигини таъминлайди.

Ўлмас устозлар ва замондош адиблар ҳақидаги хотиралар ва дил сузлари бир кунгил қадриятлари сифатида қабул қилинади.

ISBN 978-9943-06-279-5

© Жуманиёз Жабборов.

© Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Миллий кутубхонаси
нашриёти, 2010 й.

Алишер Навоий

on Mx

**КЕНГДИР
ШЕЪРИЯТНИНГ
БАҒРИ, САМОСИ,
ВАТАН МЕҲРИДИР У,
ЮРАК САДОСИ**

ЭНГ ОЛИЙ ИШОНЧ

Кимки йуллар очди, яратди шаҳар,
Ўзлигин бахш этди минглар бахтига,
Минглаб чаманларда ундирди самар,
Садоқат кўрсатиб қатъий аҳдига.
Кимки Юрт равнақин ўйлади мудом,
Деди: Осмонимиз бўлсин мусаффо,
Миллионлар қалбига ким солди илҳом,
Кўрсатди халқига ҳамиша вафо,
Абадий таҳсинга лойиқдир ул ном!

Келажак сўрайди: бу қандоқ қаср,
Кимлар барно этди бунча бунёдни,
Бунга журъат этди қайси бир аср,
Ким тасаввур этди бунча ободни?
Кимдир ушбу бунёд олий меъмори,
Қандай тафаккурда аввал урди барқ?
Етгай асрларга қурч пойдевори,
Бир учида Фарбу бир учида Шарқ?

Жавоб шул: Эҳтиром соҳиби ул зот
Юртбошимиз эрур олий, муҳтарам.
Қалбида мужассам буюк эътиқод,
Шул сабаб баланддир халқ ишончи ҳам.
Ижод оғушида буткул диёрим,
Жаннатий маъволар кўрсатмоқда юз.
Куз яйраб, кўнгилда шавқ-ифтихорим,
Унинг тасвирига тополмайман сўз.

Оллоҳ назаридан эрур бунча руҳ,
Ёрқин уфқларнинг эзгу жилоси.
Бу қудрат, бу кўрку барқарор шукуҳ —
Буюк ажодларнинг дил илтижоси.
Тасвирда қанчалик булмагил зийрак,
Қамраб ололмассан сен тўрт тарафни.
Фақат Навоийнинг қалами керак,
Тасаввур этмоққа бунча шарафни.

ШОДИЁНА

Диёрим чехраси қувончдан гулгун,
Меҳрдан, фаҳрдан бағримиз бутун,
Истиқлол, ун саккиз ёшдасан бугун,
Юртим, олтин тўйинг муборак бўлсин,
Жаҳоний обруйинг муборак бўлсин!

Қалби кенг, феъли кенг, шуҳратли Диёр,
Жисмингда, исмингда илоҳий виқор.
Жаҳонга етгулик ғазналаринг бор.
Сунисиз саховатинг муборак бўлсин,
Мангу саодатинг муборак бўлсин!

Сен жаҳон уфқида мардсан, мардона,
Қучоғингда минглаб шаҳру кошона,
Асил фарзандларга онасан, Она,
Юртим, ун саккиз ёш муборак бўлсин,
Соф осмон, шан қуёш муборак бўлсин!

Бағри кенг Ватансан, орзуларинг мул,
Дустларга очикдир чехраю кўнгул,
Сарбонинг кўрсатар сенга ойдин йул,
Юртим, ойдин йулинг муборак бўлсин,
Ғиротинг, Дулдулинг муборак бўлсин!

Боғларингда шарбат, тоғларингда бол,
Ҳаётбахш чашмалар кўксингда зилол,
Бағрингда барқ урди буюк Истиқлол,
Бу улуғ озодлик муборак бўлсин,
Бу мангу ободлик муборак бўлсин!

ОИЛА

Эркак учун дунё уйдир,
Аёл учун уй — дунё.
Бу қадимий мангу куйдир,
Жон ила тандир гўё.

Ул бириси булмас экан.
Бул бириси ҳам йуқдир.
Бири — кема, бири — елкан,
Мисли камон ва уқдир.

Ул иккисин ишқ-вафоси —
Бу дунёнинг устуни.
Ҳар ким билур бахт сафосин,
Топса умр дустини.

Бири майин араз эрса
Ёхуд ширин истиғно,
Бири агар кукрак керса,
Силкинур еру само.

Ҳаёт чексиз, буюк қалъа,
Заминий ё ҳавоий.
Эр — деҳқону аёл — дала,
Демиш буюк Навоий.

Бири 'арқоқ, бири уриш,
Бири кузу бири қош.
Бу — ҳаётни бир хил куриш,
Бир мақсадда қушмоқ бош.

Аёлнинг бир шўх кулгани
Эрни этур сарафроз.
Эр дилининг ишқ гулхани
Аёл кунглин этур ёз.

Аёл уйда дунё тузар,
Давом этар насллар.

Эр йул босиб, денгиз сузар,
Дуч келар түрт фасллар.

Фироқ булар, булар күз ёш.
Севинч булар, дард бўлар.
Ким синовга берса барлош,
Содиқ бўлар, мард булар.

Оила, бу — сеҳру меҳр,
Хаёлот тула олам.
Қайноқ туйғу, ёрқин зеҳн,
Ўзлигин топган одам.

Оила бу, Ватандир бу,
Оллоҳ берган улуғ бахт.
Истаймизки, кўрмай қайғу,
Ободда булсин ҳар вақт!

* * *

Одам-ку мислсиз бир санъат азал,
Жаҳон девонида энг порлоқ ғазал.

Бу ғазал маъносин уқисанг минг йил.
Яна қайнаб чиқар маънолар минг хил.

У — сўнгсиз теранлик, кўз етмас қоя.
Унда нур беҳисоб ва кўпдир соя.

Ҳар сатри, ҳар сузи, ҳар битта вазни —
Буюк тилсимларнинг пинҳоний базми.

На идрок қамрагай, на учқур хаёл,
У минглаб жумбоқдир ва минглаб савол.

Ўзлигин мукамал англаб етган дам,
Ривождан тўхтагай қудратли Одам.

ТАШНАЛИК

Бутун баҳору ёзни,
Барча кузу аёзни,
Қизлардаги шух нозни,
Булбулдаги овозни
Бир косада жам қилиб,
Гулобу шабнам қилиб
Туйиб ичмоқ истайман.

Тоғларнинг бор чашмасин,
Тонгларнинг оқ нашъасин,
Юлдузлар карашмасин,
Бустонларнинг яшнашин
Бир шеърга жо қилиб,
Янада зебо қилиб,
Вазн бичмоқ истайман.

Илҳом деган бир қудрат
Дилимга солиб журъат,
Кўзимга олам — хилқат
Гузал куринган фурсат
Майда-чуйда баҳслардан,
Уткинчи ҳаваслардан
Мангу кечмоқ истайман.

Қалб гупуриб келган пайт,
Дилда борин дангал айт,
Жилолансин олтин байт,
Тош ҳам қолмасин лоқайд.
Қулфу диллар очилсин,
Меҳр нурдай сочилсин,
Бахтни қучмоқ истайман.

ИШҚИЙ ШЕЪР

Ишқий шеърлар ёзсанг кексалик пайти,
Ҳайратдан баъзилар ушлайди яқо.
Шеърнинг энг мўъжиза, энг кўркем байти
Элитмас уларнинг меҳрин муглақо.

Қанчалар ёнсангу қанчалар жушсанг,
“Нотабийи! — дея айтурлар рўй-рост.
Ҳар битта мисрага жонингни қўшсанг,
Улар дейдиларки: Йўқдир эҳтирос!”.

Истеҳзо аралаш мийиғда кулиб,
Тил учида фақат баъзан суярлар.
Гуёки ҳолингга ачинган бўлиб,
“Томи кетибди-ку”, деб ҳам қўярлар.

Улар айтмоғида балки бордир жон,
Лоф урмоқ пайтимас ишқдан ва ёрдан.
Қийқириб кирмаса шеърга ҳаяжон,
Ҳеч қандай фалсафа беролмас ёрдам...

Бироқ яғмо этиб кўнгиллар мулкин,
Қонларга ҳамалнинг тафти юғурса,
Ишқий шеърни қандай ёзмаслик мумкин,
Баҳор эшигингда: Ким бор?! — деб турса.

НИЯТ

Олис кеча аро хаёл кузгуси
Намоён этаркан менга жаҳонни,
Дилда тулқинланиб шоир орзуси —
Бахтли кўрсам дейман ҳар бир инсонни.
Меҳнат жиловдори булган, эй одам,
Қаерда, қай ҳолда булмагин бу кеч.
Истайман, бахт бўлсин сенга ҳамқадам,
Балойи ногаҳон дуч келмасин ҳеч.
Ҳамиша ёр бўлсин орзу-ниятинг,
Нурдай жилвалансин самимиятинг.

Аэропорт... парвозига шай пулат кушлар,
Дустлар тилашади дустига “оқ йул”.
Эзгу тилақларни юрагим хушлар,
Қулоққа чалинар: “Бор бул, омон бул”.
Гарчанд масофалар ётур орада,
Бироқ узилмагай дилларнинг ипи.
Москва, София ё Бухорода
Доим баланд булсин дустлар таърифи.
Яна учрашгунча, азиз дустлар, хайр,
Само йўлларида хушбахт этинг сайр!

Ярим тун. Думбоқлар ухлашар ширин,
Гўдак тамшаниши ширин асалдан.
Бу мурғак дилларнинг бир олам сирин
Қидириб топгайсан қайси ғазалдан?
Туш курар жажжилар: уйинчоқ, копток,
Шухлик ва қийқириқ ҳоким уйқуда.
Бор булсин онаму осмон, офтоб,
Қанча покизалик нафис туйғуда.
Оппоқ тушакларга ғубор қунмасин,
Ғунчага бемаҳал ҳеч қор қунмасин.

Ним ёруғ гулзордан келар шух кулги,
Куз сузук, лаб бўса истаб ошиқар.
Муҳаббат, дустларим, бу олам курки,
Садоқат ёр булсин сизга, ошиқлар.

Оила, тотувлик, меҳру оқибат
Умр оламида яратур куклам.
Нозли бир бусада жам булган қудрат
Бутун коинотни этгудек кўркам.
Бу тун юз минг уйда юз минг гузал тўй.
Эй соқий, менга ҳам гулобингдан қуй!!

Бекаму куст эмас бу дунё, ҳайҳот,
Фарзанд доғи бордир қанча онада.
Отажак тонгидан истаб бир нажот,
Беморлар инграйди ҳастахонада.
Табобат илмига шўнғиб кўп ақл.
Қанча дардга даво истайди ҳали.
Эзгу инсон умрин қиймати ҳақи,
Йўлингиз ёритсин идрок машъали...
Дўстлар, саломатлик тилайман сизга.
Уйнаб-кулиб қайтинг оилангизга.

Ҳали кўп элларда нотинч бир ҳолат,
Қайда бомба портлар, қайда оқар қон.
Бадният аталмиш ёвуз бир офат
Истар: жаҳаннамга айланса жаҳон.
Аммо узгачадир тарих ройиши,
Ёвузни янчгайдир мардлигу сабот.
Дунёнинг эртаси ва осойиши
Ўзингсан, бағри кенг ва меҳнаткаш зот.
Зулмни ёндирсин қаҳр оловинг,
Мағрур ҳилпирасин озод яловинг.

Куйчибон яйловда, лочин самода,
Денгизчи уммонда бўлсин саломат.
Келинлар ёрларин кутсин маъвода,
Тилаб бир-бирига соғлик ва омад.
Сувлар тоза бўлсин, нонлар мул бўлсин,
Она-Ер ҳавоси бўлсин бегубор.
Яхшига кўз тиккан ёниб-кул бўлсин,
Боғимиздан сира кетмасин баҳор.
Мардлик — мангуликни мадҳ этсин қалам,
Яшасин саодат, йуқолсин алам!

ҲАЁТНИ СЕВ

Ҳаёт мураккабдир, мураккаб...
Томчидан то уммонга қадар,
Чигитдан то олтин куракка,
Зумдан тортиб замонга қадар.

Унинг суқмоқлари ва чуққилари
Синайди ироданг билан қалбингни.
Бўлар юксаклари ва чунқирлари,
Имтиҳон этажак қадрингни.

Оталар журъати, меҳнат, садоқат,
Муҳаббат, ёвқурлик, ер ила осмон,
Йул юрсанг уқтамлик, курашда тоқат,
Бу борлик, бу бойлик, бу улуғ замон

Сенга тааллуқдир, сеникидир давр,
Бу шарафга етмоқ енгилмас.
Ҳаёт мураккабдир, чунг, ажабтовур,
Уни улуғлаган енгилмас.

Сен билан юзма-юз туриб сўзлашар,
Чап бериб булмайди тик боққан чоғи.
Сенлашсанг — сенлашар,
Сизлашсанг — сизлашар,
Қондирар чашмаси, ёндирар чақмоғи.

Уни саёз дарё уйлама сира,
Енгил-елпи сузиб булмас маяжида.
Уни эҳтиёт қил, кузингдек асра,
Ҳам кучли, ҳам нозик у жуда.

Сен унга қалбингни эт тортиқ,
Юз қарра қайтарар ҳақингни.
Ҳаётни жонингдан сев ортиқ,
Севурсан ушанда халқингни.

МИНГ ШУКУР

Исмалоққа чиқиб олдик қишдан, минг шукур,
Навбат етди ловуллаган қулупнайга ҳам.
Яна оппоқ садаф тутдан олгаймиз ҳузур,
Ҳақиқ лабдай дилни тортар гилос ҳам там-там.

Яна ўрик пишиб қолур тиллодай сархил,
Манаман деб асалланур луччак шафтоли.
Ора-чира чиқаверар мевалар ҳар хил,
Бир-биридан нафис, хушбуй, тотли, сафоли.

Иштаҳани ёндиради барра бодиринг,
Помидор ҳам тандирдаги чўғ каби ял-ял.
Иштиёқу меҳр билан тишни ботиринг,
Қонингизда минг туйғулар курсатур амал.

Олма чиқар, анор чиқар — минг маржон-маржон,
Саховатин кенг очгайдир ўзбек замини.
Бир томонда тарвуз деган силсила қарвон,
Қовунлардан биз олгаймиз жаннат таъмини.

Қуёшимиз қозонида юз хил масаллиқ,
Бир-биридан жилвагару ҳаётбахш, ширин.
Кафтда тутар — татиб кўрдим, болдан мазалик,
Мағзи-мағзи ичра буюк меҳнат яширин.

Ҳар бир мева ҳароратда офтобга ухшаш,
Биз таҳсинлар айтиб яна анжир, кишмишга,
Томирларни куч-қувватга тулдириб яккаш,
Яна дадил киришгаймиз ижодга, ишга.

ЛАҲЗА ТУЙҒУСИ

Деманг, қаён кетди ул овоз,
Қаён кетди ул тотли жаранг?
Наҳот, сунди ишқу эҳтирос,
Қаён учди боғингдаги ранг?

Оҳ, мўл эди орзую армон,
Тинсиз эди югурик ҳаёл.
Етар қулим, узатсам қаён,
Юлдузлардан тинглардим савол.

Гузаликнинг булиб шайдоси
Туздим нозик, нафис газаллар.
Яхши сўзнинг булиб адоси,
Қушиқ қилди неча гузаллар.

Кучар эдим бир дунё бахтни
Минбарлардан ўқиганда шеър.
Улуғлардим ишқ ила аҳдни,
Тинглар мени гуё само, ер.

Тинглар экан юзлаб қора куз,
Завқ селида оқарди гуё.
Ўрнин топиб шеърда ҳар бир сўз,
Гуё мени қутларди дунё.

Бемаҳалда изгирин эсиб,
Чанг соларкан ҳатто овозга.
Жаранглаган садони кесиб,
Михлар экан фақат қоғозга.

Фақат қалам ва фақат алам
Энди сенга йулдошдир, наҳот?
Қайт тилимга, эй янгроқ яллам,
Тулақонли, мукамал ҳаёт!

Қилинажак иш кўпдир ҳали,
Ҳали кўпдир юракдаги сўз.

Порлагайдир илҳом машъали,
Порлагайдир ҳали куп юлдуз.

Барчасига кексалик сабаб,
Не бор яна бу дарддан булак?
Балки саёз тортгандир асаб,
Ё сусткашлик қилмоқда юрак?..

Йуқ! Дилда куй булиб жилвагар,
Яхши ният айтиб борамиз.
Ёшлик бизга қайтмаса агар,
Биз ёшликка қайтиб борамиз.

* * *

Ойдин,
Фароғатли, осуда бир тун.
Боғ ухлар,
Булбуллар тонгни кутади.
Тераклар осмонга бўлгандай устун,
Ойга, юлдузларга елка тутайди.
Худди нозли шарпа
Ё ширин тушдай
Оқ ҳарир либосда келинчак кеча
Боғ ичра айланиб юрар оққушдай,
Сувлар живиллайди,
Уйқуда ғунча.
Шундай тун висолнинг навбати етиб,
Не ажаб, ошиқлар дилдан сирлашса,
Мангу йўлдошликка аҳд-паймон этиб,
Чўғ-чанқоқ лаблари бир дам бирлашса.
Уйқуни бадарға этиб, оламнинг
Пинҳон сирларига кулоқ соламан.
Сунгра пичирлашин тинглаб қаламнинг,
Тонггача шеър билан уйғоқ қоламан.

* * *


Милдир-милдир
Биллур томчилар
Ирмоқ булиб тушар тоғлардан.
Сунг... сой булиб
Ўтар югуриб
Водийлардан, куп қишлоқлардан.
Даре бўлар
Югурик сойлар,
Гоҳо сокин,
Гоҳо гулдираб.
Сунг... минг тармоқ
Ариқча бўлиб
Ўтар неча-неча боғлардан.
Яхши шеър ҳам
Инсон қалбига
Шундай кириб бормоғи зарур.
Минг йилларни босиб келгандай
Юлдузлардан ёғилувчи нур.

* * *

Ҳар бир отган
Янги тонг
Такрор бўлмас умрда.
У сенга олий тақдир
Инъом этган неъматдир.
Худди шабнам донаси
Ялт этганидек нурда,
Тонг, аслини олганда,
Бир умрлик ҳикматдир.
Один ўтган минг тонглар,
Сунг келажак минг тонг ҳам
Ўшал бир тонгнинг урнин
Боса олмас, этсак жам.
Бахтлидир
Ўшал тонгни
Бахш этиб меҳру онгни
Арзанда этган одам.

ОЙ

Боғлар оша
Секин, билдирмай,
Зарланиб уфқдан кутарилар Ой,
Гулханда тобига келган чилдирма
Мисоли тарангдир.
Чертсанг, ҳойнаҳой,
Даранглаб хуш садо солар оламга,
Нур бўлиб ёғилар жисмидан қуёш.
Балки бу лавҳани олиб қаламга.
Юз мингинчи шоир қотирмоқда бош.
Асрий муаммолар булаётир ҳал,
Ой — илм қўлида бир сиқим тупроқ,
Яъни ўнқир-чунқир, чугир, нотугал
Фазовий заррадир.
Мен эса купроқ
Унинг гузаллиги, олтин уроги,
Нури, тўлиқлигин мангу асири.
Ой — ишқий шеъримнинг вазну туроги.
Ишқий дostonимнинг жозиба сири.
Гарчи, тез йилларда Ой ва Ер йўли
Яқинлашиб қолар қош орасидай,
Серқатнов йулчининг биттаси бўлиб,
Неча бор учарман иш борасида.
Аммо
Шу ишончга қўнгил ёр экан.
Шундай бир ҳақиқат сўнмас, ҳойнаҳой:
Токи бу жаҳонда севги бор экан,
Ошиқ-маъшукларга зийнат бўлур Ой.



* * *

Йуллар...

Тоғ йуллари, жилғадай оқиб,
Қоялар оралаб шунғиб кетасиз.

Қарайман:

Мисоли сунгги йуқ оқ ип
Булиб туюласиз, мафтун этасиз.

Гоҳ ғойиб буласиз,

Гоҳ яна пайдо,

Олға югурасиз беором, шошиб.

Гоҳ пастга тушасиз,

Тик чиқасиз гоҳ,

Манзилга чопасиз чуққилар ошиб.

Ўйлайман:

Улуғвор мақсад йуллари

Сиздай гулқинлидир, сунгсиздир ҳар вақт.

Интилиб орзулар чуққиси сари

Яшамоқ, ишламак ўзи — буюк бахт.

* * *

Она

Фарзандига булиб парвона,

Тунлар алла айтар:

— Ўсгин, оппоғим.

Оналик завқига қона ва қона,

Юпатар,

Эркалар умр ардоғин.

Йиғласа, ғам чекар,

Шолланар, кулса,

Дилига пайванддир ҳар бир нафаси.

Бола тез улғайса,

Чин одам бўлса —

Шудир онаизор орзу-ҳаваси!

Шу ният йулида тунлари бедор,

Фарзанди меҳрига фарқ булар аёл...

Бола усган сари сочга қуниб қор,

Ўзи кексайишин қилмайди хаёл.

* * *

Кечаги совуқдан,
Ёмғир, намдан сўнг
Баҳорий бир ҳаво бирдан очди юз.
Кеч кузнинг
Наврўзий жилвасин кулинг,
Ё, тавба, шунчалар дилбармидир куз?
Офтоб бир ёрқинки,
Ҳаво бир шаффоф.
Олис-олисларни хаёл илғайди.
Сувлар куз ёшидай тиниқ, зилол, соф,
Гўёки шодликдан ранглар йиғлайди..
Тўлғоқ азобидан чиққан навжувон
Онадек кулимсаб, яйраб, томланиб,
Меҳрдан, қувончдан шод, оловланиб,
Табиат дам олар масъуд ва шодон.
Кетмиш вужудидан барча чарчоғи,
Ёнбошида гўё... кўш чақалоғи.

* * *

Коинот сўнгсиздир,
Бепоён, беҳад,
Оламлар жойлашган
Унда қатма-қат.
Унга қанча теран
Шунғиган сари,
Тасавурдан шунча кетгайдир нари.
Ана шу оламлар
Нақ уртасида,
Энг олий, мукаммал.
Шоҳ ўрдасида
Марказий оламдир
Биз турган олам.
Унинг авж нуқтаси —
Қудратли олам.
Ана шул шарафни
Бағринга босиб,
Яшамоқ керак
Шу номга муносиб.

•ТАШКИЛ ҚИЛИНАДИ•

Баъзи кимсаларнинг наздида дунё
“Ташкил қилиш”лардан иборат гўё.
Агарчи қармоққа чувалчанг илсанг,
Аниқки, қандайдир балиқ илинади.
Лекин ушал кимса фикрича, билсанг,
Бу, албатта, “ташкил қилинади”.

Меҳру муҳаббат бор, обрў, ишонч бор,
Одам одамга доим илинади.
Кимсанинг наздида, бунча эътибор —
Ҳаммаси “ташкил қилинади”.

Дейлик, манглай терин тукиб бир одам
Мансаб поясида юксалди баланд,
Бунда эл ҳурмати тез билинади.
Лекин анов кимса фикрича, ҳарчанд,
Булар бари “ташкил қилинади”.

Биров нишон олди чин меҳнат билан
Ё қалқди севгидан кузга бахт ёши.
Лекин анов кимса дер миннат билан:
Буни “ташкил қилди” бир орқадoshi.

Ҳаётда бор қувонч, қаҳқаҳа, алам,
Гулдан гоҳ яйрайсан, гоҳ қўл тилинар.
Лекин уйлайверар анови одам:
Буларнинг ҳаммаси “ташкил қилинар”.

Уларга писандмас дарз кетса замин,
Сув тошиб, бир элни ютса гирдибод.
Улар бир ночорнинг на сйди ғамин,
На қулоғин тутар биров қилса дод.
Ўйлар: мутасалди бордир бу ишга,
Ўшалар маъсулдир “ташкил қилишга”.

Бир куни деворга боши гегар-да,
Эл дерки: “Бечора тоза шилинди”.

Ушанда ҳам айтар, тушмай эгардан:
Бу гаплар ҳаммаси “ташқил қилинди”.

ОДАМНИ ОДАМ

Дунёда азалдан дард бор, қайғу бор,
Бир куни “гул”ингни, албат, сулдирар.
Лекин дилозорлик — даҳшатли ғубор.
Одамни, аслида, одам ўлдирар.

Ишинг тушиб қолса бирор номардга,
Қўлидан келар-у, лекин ғулдирар.
Мутелик учратар энг оғир дардга,
Одамни, аслида, одам ўлдирар.

Сохталиқ — инсонда энг мудҳиш ғараз.
Гўё қанот бўлиб, сени қулдирар.
Қалбингни емирар яширин мараз,
Одамни, аслида, одам ўлдирар.

Яна адоватдир юракка оғу,
Томиринг қўрғошин бўлиб тўлдирар.
Гўёки қоплонга дуч келар оғу.
Одамни, аслида, одам ўлдирар.

Разилдир таъмаю таъна, бахиллик,
Гоҳ чалиб оёғинг, гоҳо мўлтирар.
Балои ногаҳон — ким тошбағирлик,
Одамни, аслида, одам ўлдирар.

ИЛТИМОС

Мен сенга оламнинг чиройин берай,
Фалакнинг юлдузин ва ойин берай,
Шу улкан коиног саройин берай,
Жаҳондаги етти мўъжизани ҳам,
Жонфизо жамийки мусиқани ҳам
Сенга ҳадя этай,
Само юлдузларин маржон қилиб
Йулларингга терай,
Туннинг қора мушкин
Сочларингга қўшиб ўрай,
Офтобни эритиб, ёноғингга сурай.
Тоғлардаги виқор,
Дарёдаги шўхлик,
Дунёдаги бор гузаллик ва улуғлик
Сенга бўлсин.
Ҳар неки буюрсанг,
Қул куксимда — хизматингда турай.
Бунинг эвазига
Биттагина кулиб боқсанг, бас,
Бошқа ҳеч нарса керак эмас!

АГАР...

Бир қатра булганса Гангда ё Нилда,
Африкада ўқдан ёнса бир дарахт,
Ёвуз хуруж қилса олис бир элда,
Бир умр биноси дарз кетса барвақт,
Бир кўлнинг тақдири қил узра қолса,
Бир севги бағрига урилса ханжар,
Оламдан бир қувонч изсиз йўқолса,
Бир гулшан баногоҳ қолса бесамар,
Сен эса қилт этмай турсанг субҳу шом,
Юрагингга булар солмаса дард-чўғ,
Демак, қачонлардир улгансан тамом,
Демак, бу дунёга келганинг ҳам йўқ.

Сен қалбимни сўрадинг,
 Мен уни ҳадыя этгум,
 Бутун ташвишларию садоқат, ишқи билан.
 Сендай шуҳу сулувдан
 Юракни аяб нетгум?
 Ол уни янграб турган авжли қўшиғи билан.

У ноёб бойлигимдир,
 Бор мазмуним унда жам,
 У севгига тўладир.
 Лиммо-лимдир иҳлосга.
 Аммо уни авайлаб,
 Сақлағаймисан, эркам,
 Чўғни ураб-уддалаб булғаймикин қоғозга?

АҚЛ ВА ЮРАК

Қайнаб ётар буюк коинот,
 Ич-ичию ташқарилари.
 Минг шаклли ҳаракат, ҳаёт
 Ақл билан бошқарилади.

Одамзод ҳам сунгсиз бир қарвон,
 Ҳаракатда ёш-қарилари.
 Иқбол, умид, интилиш, армон
 Ақл билан бошқарилади.

Фақат севги бепоён нақл,
 Замонларга сигмас машқлари.
 Изҳорига етмағай ақл.
 Юрак билан бошқарилади.

БИР КУНИ...

Мен мовий деб ёздим самони,
Таърифладим тонгни, сабони.
— Ҳаётдан узилган, — дедилар.

Севги кўрки — ҳижрону висол,
Диб яратдим минг лавҳа, мисол.
— Соф туйғу бузилган, — дедилар.

Достон қилдим меҳнатни, шонни,
Йўллар, йиллар берган эҳсонни.
— Орғиқча, чузилган, — дедилар.

Лекин бир кун хаёлга толдим,
Ўзлимизни қушиққа солдим.
— Юракдан тузилган, — дедилар.

БИРИНЧИ ДАРС

Ўйлар эдим:
Филдиракларга оғир,
Туну кун сирғаниб,
Йулга урмоқ юз.
Билсам,
Бўлар экан тош йўл ҳам яғир
Филдирак зарбидан кечаю кундуз.
Икки кучнинг шундоқ тўқнашувидан
Туғилади буюк ҳақиқат.
Икки қўлдан чиққандай қарс.
Бу — сен учун
Энг биринчи дарс.

ШЕЪР

Шеър ёзишни саодат билиб,
Фоят оғир йўлга кирганмиз.
Неча йилки, юракни тилиб,
Шу иштиёқ билан биргамиз.

Шеър энг тоза туйғулар истар,
Шеър — фикрнинг учқур маҳали.
Ким ундан бир манфаат қистар,
Шеърдан минг йил узоқда ҳали.

Одам ишқи, олам ташвиши
Қундирмаса кузингга уйқу,
Билки, минглаб инсонлар иши
Битта шеърга жам булгани бу.

Шеър ҳеч кимга уй қуриб бермас,
Ато этмас ё самовий бахт.
У — Робинзон турувчи ермас
Ё султонлар ёнбошлаган тахт.

У — дил нажиб ҳисга чулғаниб,
Жон жилмайиб, кўз ёшланган пайт.
Бир қатрада уммон тўлғаниб,
Бир заррада тоғ бошланган пайт.

АБАДИЙ ЁҒДУ

Хоним дейму ё эркам, жоним,
Бегим дейму ё дейму бону.
Аёл отли буюк жаҳоним,
Сен мен учун абадий ёғду.

Ойим дейму ёҳуд қуёшим,
Барча сифат ожиз қаршингда.
Сенинг билан кукдадир бошим.
Сен порлайсан кўнгил аршимда.

Кўклам ўзинг, кўркам ҳам ўзинг,
Бу оламнинг завқу сафоси.
Дилга қувват меҳрли сўзинг,
Сен — оилам нурли самоси.

Дейдиларки,
Бу олам ичра
Қолса ҳамки бир дона аёл,
Заргар зоти кундузу кеча
Безагини этармиш хаёл.

Сен бўлмасанг, бўлмас муъжиза,
Сен бўлмасанг, шеърят қайда?
Сен бўлмасанг, увол мусиқа,
Эркак зоти қотгай тўқайда.

Тушунгайсан ҳазилни, эркам,
Сенсиз яшаш ўзи бир пулдир.
“Сенинг бирла чиқишмоқлик ҳам
Дағи, жоним, бисёр мушкулдир.”*

Бешик эмас, дунё тебратган
Қулларингни ўпсак бўлур оз.

* Бобур ғазалидан.

Оёғларинг остида эркан
Жаннат деган энг олий эъзоз.

Битта кулгинг — ҳаёт қувончи.
Битта гаминг — жаҳоний андуҳ.
Жаҳонларни қамрар қулочинг,
Оналарда — энг қудратли руҳ.

Сочларингнинг ҳар бир толаси
Сомон йули қадар мунаввар.
Бешикдаги жажжи боласи —
У — келажак аталмиш гавҳар.

Аёл номи қошида дунё
Эҳтиром-ла этгайдир таъзим.
У ҳаётнинг рамзидир гуё,
У ҳаётдай мангу ва азим.

ТУЙЧИ ХАЛҚ

Заб туйчи халқимиз бор-да, ажойиб,
Булишиб есам дер битта майизни.
Меҳнати мевасин оламга ёйиб,
Туйга айлангирар ҳатто мажлисни.

Агар қуйиб берсанг, беш қитъани ҳам
Чорлар, таклифнома йўллаб устма-уст.
Буйрадек ҳовлига дунё бўлса жам,
Бир пиёла чойин ичиб кетса дуст.

Тонгдан ош беради ёзиб дастурхон,
Қиз узатиб, ўғил уйлаш билан шод.
Қарнай янграпти, эй аҳли жаҳон,
Ўзбек хонадонин эт муборакбод!

Яшнар чироқлардан кенг ҳовли юзи,
Турда куёв-келин бахтдан товланар.
Шерали, сиз қушиқ айтинг. Шерқузи,
Кулдилинг, ёшларнинг кукси тоғланар.

Бахтиёр онанинг қувончин куринг,
Узини қуйишга тополмайди жой.
Рузғорга қушилди янги фарзанд денг,
Гуё сузиб кирди хонадонга ой.

Ота муйлов бураб, мийиқда кулар,
Топди бу шодликни ниятдан, ахир.
Битта йигит булса, шунчалик бўлар.
Фарзанди бутун бир элатга фахр.

Келин кирган уйнинг файзи булакча,
Қучар оилани майин табассум.
Ширин орзуларга маскан бу кеча —
Замонлар қаъридан унган олтин зум.

Икки гул бир-бирга чирмашади шух,
Улар қаршисида буткул келажак.

Биринчи орзуни айтмай илож йуқ,
Тебрансин бу уйда доим беланчак!

Ҳаёт бу ҳамиша ойна йул эмас,
Булар юксалишнинг имтиҳони ҳам.
Бу йўлда бир-бирга бўлинг ҳамнафас,
Ҳамфикр, ҳаммаслак, ҳамдард, ҳамқадам.

Бугун минг тўй борар минг хонадонда,
Болажонлик элим, орзуга шайсан.
Меҳнатинг, ҳурматинг билан жаҳонда
Тер тўкиб, тўй қилиб мангу яшайсан.

ТОШКЕНТ ҚАСИДАСИ

Шарқ уфқин чулғайди заррин мавжли тонг,
Товус парларидай кўркам, жилвагар.
Кўнгил равшан тортиб, барқ уради онг,
Сенга бағрин очур қудратли шаҳар.

Шаҳарким, тақдирнинг олий инъоми,
Марказ мақомида ёғду сочган бахт.
Неча аجدодларнинг меҳру илҳоми
Кўксида мужжассам кошона Пойтахт.

Тошкент бу! Ҳаяжон, ишқдан гувиллар,
Ижод ҳарорати — томирида қон.
Япроқдай шабнамлар ила ювинар,
Баҳордай лолагун, шаффоф, беҳазон.

Анҳор мавжларида, гуллар баргида
Сабўхий тиниқлик, масъуд бир хаёл.
Кўёш тик келаркан олтин аркида,
Унга шайдоликдан бўлса, эҳтимол.

Мармар саройлари шоҳона санъат,
Илму ҳикмат мавжуд ҳар бир қадамда.
Истиқлол бахш этган жозиба, ғайрат
Топмиш ўз жилосин ҳар бир одамда.

Амир Темурга хос меъморий қудрат
Юртбошим ишида этмоқда давом.
Барча замон учун бу олий ибрат,
Ўзбек тарихида энг юксак довон.

Ўзбекнинг бош шаҳри истиқлол ўғли,
Барча издиҳомга ўзинг мудом бош.
Минг йиллар қаъридан келурсан туғри,
Қадимий Мингүрик, Бинкент, Чочу Шош!

Теран англар сенда инсон ўзлигин,
Қай водий, қай воҳа булмасин маскан.
Сени юрагим дер дилдан ўзбегим,
Киприк-ла тозалаб ҳар хору хасдан

Жаҳон айвонида кўп рангин манзил,
Уларга ҳам доим тилаймиз омал.
Лекин Тошкент деган бу ганжи асил,
Илоҳий ҳадядир, меҳру саховат.

Жумард ўғлонлари — миллат сайқали,
Гузал қизлари бор ҳар бири ойдек.
О, унинг куксидан буй етар ҳали
Неча Қодирию Фафур ва Ойбек.

Одоб салтанати ҳар бир маҳалла,
Ҳар бир дарвозаси бахтга кенг очиқ.
Барча замонлару барча маҳалда
Меҳмонлар Тошкентга булганлар ошиқ.

Бунда Навоийнинг ҳайкали баланд,
Меҳру оқибатга ундайди элни.
Эзгулик аркаси — юракка пайванд.
Мармар фавворалар яйратар дилни.

Бурро шоирлари, минглаб доноси
Инсон шарафини юксалтган руҳлар.
Бағрида улғаяр Ибн Синоси,
Бешигида неча Беруний ухлар.

Яйраб келаётир шундай бир авлод,
Ҳар бири жасорат, фикрий жавоҳир.
Ғар Ватан буюрса, мисоли Фарҳод
Кафтида тоғларни уйнашга қодир.

Осмон юлдузлари тушгандай қучиб,
Тунлари порласа, ҳавас қилмас ким?
Тошкентни қалбига босиб ва қучиб,
Муборақбод этур Самарқанду Рим.

Бағри кенг, қули гул, дилкаш, тўйчи халқ —
Жаҳон аро Тошкент аҳлин тимсоли.
Бу улуг ҳикматни билур Ғарбу Шарқ
Ва рубъи маскуннинг Жануб. Шимоли.

Бахтлар ошиёни, эй шонли маъво.
Доим ёринг бўлсин омад ва ривож.
Истиқлол минбари, қудратли даҳо,
Сен — юртим бошида ярқираган тож!

* * *

Яқинлар йироққа интиладилар,
Кечалар чироққа интиладилар,
Томчилар ирмоққа интиладилар,
Тулқинлар қирғоққа интиладилар,
Мен сенга интилиб яшайман, элим!

Шу юрту шу элга жон бўлсин нисор,
У — бизга абадий қувонч, ифтихор,
Севгимни ўзингга этурман изҳор,
Тимсолдир шу юртга ой юзли нигор,
Гузалим, ғазалим, танҳо севгимим!

Бу Ватан, бу севги — Оллоҳдан тортиқ,
Не бордир дунёда бу бахтдан ортиқ,
У — менинг жаҳоним, муқаддас борлиқ,
Олий ҳис, тафаккур, умримга Ёрлиқ,
Барин акс эттирар бой она тилим!

ДОВОН

Пиримқұл Қодировга

Умр бир довонким,
Қудратли қоя,
Унинг уч-учига элтар олис йўл.
Унга етказажак мақсад ва гоё.
Ёрқин тафаккуру
Тиним билмас қўл.

Ақл қамрай олди тарихни яққол,
Туйгулар минг суқмоқ очди дилларга.
Даврамиз турида бугун Оқсоқол,
Шукроналар айтур утган йилларга.

Ҳа, йўл олис эди,
Муддао олис,
Машаққат неча бор этди имтихон,
Сиз ҳаёт қошида турдингиз холис,
Дардлар гоҳ ошқору
Гоҳида пинҳон.

Мақсад олий эди, шу эди толе,
Ёрқин манзилларга тикдингиз кўзни.
Ҳорғин қарашларда юртнинг иқболи,
Истиқлол бағрида курдингиз узни.

Тунлар уландилар тонгга-саҳарга,
Миллион юракларга “Илдиз” отди суз.
Фикрлар уюшиб юзлаб дафтарга,
Ундан баҳра олди неча “Қора кўз”.

Булурсиз ҳаётда гоҳ шод, гоҳ тажанг,
Умрдан излайсиз энг олий маъни.
Ижод — яхшилик деб қила билмоқ жанг,
Машаққатни енгиб утмоқлик фани.

“Юлдузли тунлар”га бахш этиб ҳузур,
“Олмос камар” бўлиб оқаётир сой.

Шу соҳилда юрар барҳаёт “Бобур”,
Сиз ҳам шу соҳилда борсиз, ҳойнаҳой.

Бу ижод уфқидан мен суриб ҳаёл,
Салмоғин тасаввур этганим оним,
Қалқар кўз олдимда вафодор аёл —
Илҳом маликаси Сафияхоним.

Бугун саксон ёшда ижодга тулиб,
Кузатиб турибсиз еру осмонни.
Бу оқшом биз содиқ мухлислар булиб,
Сизга тилайдирмиз яна саксонни!

* * *

Умрини ғафлатда утказди биров,
Салқин саҳарларни кутмади бирров.

Зилол чанмалардан баҳра олмади.
Юлдузлар жамолин дилга солмади.

Қалбин титратмади севгидек туиғу,
Унга ҳаёт булди маишат, уйқу.

На кулди бировнинг туйида лаҳза,
На туйди бировнинг дардидан ларза.

Шундай келиб-кетди беному нишон,
Бору йуқлигини сезмади жаҳон.

УМР МАЗМУНИ

Бешикдан то қабрга қадар
Одам умри ажабдир, ажаб.
Боғча фасли тугалса агар,
Кучоғига олгайдир мактаб.

Бир энтикиш, маъюс бир лаҳза
Гудак қалбин имтиҳон этар.
Бу айрилиқ — илк оғир ларза —
Хувиллатиб боғчани... кетар.

Сунг мактабда ўн йиллик ҳаёт,
Ёшлик кечар сойдек гувиллаб.
Бир кун келиб “хайр”, дер, ҳайҳот,
Мактаб қолар ортда хувиллаб.

Сунгра эса олий илмгоҳ.
Бунда умр сабоғин олар.
Бул қаср ҳам бир кун қолур, оҳ,
Олтин давр хувиллаб қолар.

Сунг... ҳаётда минг синов кечиб,
Куражакдир узоқ-ёвуқни.
Гоҳо ширин, гоҳ аччиқ ичиб,
Куп куражак иссиқ-совуқни.

Ҳар бир одам — узи бир олам,
Йуқ ухшаши, такрори асло.
Дунё ичра дунёдир одам,
Бир-биридан фарқли, мустасно.

Кўз олдида эврилар замон,
Фарқ этади бахтни, руёни.
Авж нуқтага етганда инсон
Хувиллатиб кетар дунёни.

ХУШ КЕЛДИНГ

Хуш келдинг,
Хуш келдинг боғимга,
Бахтимга, бағримга хуш келдинг.
Бустондек ярашиб ёшлик чоғимга,
Гуёким бир ширин туш келдинг,
Бир жаннат сафоли қуш келдинг!

Хуш келдинг,
Дуч келдинг севгимга,
Меҳримга, қувончим, сеҳримга,
Бир дунё севинчлар бахш этиб,
Кўнглимга муҳаббат нақш этиб,
Гузалик саҳнида рақс этиб,
Садоқат, севгилан дарс этиб,
Ёруғлик бахш этиб зеҳнимга,
Авж бериб куйимга, шеъримга,
Ишқ майин айлабон нуш келдинг!

Айт менга, айт менга борингни,
Дардингни, аҳдингни, зорингни.
Наҳот, соғинмадинг ёрингни?
Айт менга, айт менга дил изҳорингни!

Таманно, табассум, тарона —
Барчаси узинга ярашгай.
Тасанно, тасанно, тасанно
Айтишиб ошиқлар қарашгай.

Бу висол — энг нозик пайт менга,
Пайт сенга,
Аҳдингни, жонгинам, айт менга,
Айт менга.

ОРЗУ

Бағримизда усган фарзанд
Ут солиб жисму жонга,
Келин булиб кетаётир
Бошқа бир хонадонга.

Кетаётир ҳувиллатиб
Ота-она уйини.
Киприкда ёш, лабда кулгу,
Биз утказдик туйини.

Қалбимиздан бир парчаси,
Узилгандек дафъатан,
Тилаб минг хил яхши ният,
Узатдик остонадан.

Турмуш узи шундай дунё,
Азалдан шу қоида:
Қиз бола бир жойда ўсиб,
Бахт топар булак жойда.

Булак ерни маскан этар,
Ўз уйи, ўз бахти бор.
Ўша ерда илдиз отсин,
Яйрасин мисли чинор.

Илдиз отсин, япроқ ёйсин,
Тўй-томоша, тахт кўрсин.
Қушгани-ла қуша қариб,
Минг йил гурсиллаб юрсин.

Обод қилсин борган жойин,
Булсин ува-жувалик.
Биздан хизмаг: невараларга,
Бувалик ҳам бувалик.

Битта илинж, ота-она
Уйин қилмайин канда,
Ҳафта эмас, келиб турсин
Энг ками ой деганда.

ЙЎЛ

Йулдан иборатдир инсоннинг умри,
Бошқа хил тақдирни мен олмайман тан.
Йул — инсон ҳаётин етакчи нури.
Дафъатан бошланиб, битмас дафъатан.
Қаснда бўлмайлик: кукда, пиёда,
Денгизда ё уйда — ҳамиша, ҳар он:
Газета курсак ҳам,
Бугдой урсак ҳам,
Бино курсак, ёки
Хаёл сурсак ҳам
Биз йўлда бўламиз, йўлдамиз ҳамон.
Поездлар манзилга элтар бизни гоҳ,
Гоҳо булутлардан баланд учамиз.
Шу йул булагидир столу дастгоҳ,
Шу йул йўлагидир ҳовли, кўчамиз.
Бир яхшилик қилсак — йўлда борамиз.
Тер туксак, шеър ёзсак, кон қазсак ҳам йул,
Ҳатто
Тек тургандай шу Сайёрамиз,
Яшин тезлигида йул босади мўл.
Улим ҳаёт йулин тугаши эмас,
Авлоддан-авлодга ўтилар аниқ.
Ким ҳалол яшабди, у ўлдим демас,
Насллар кўксида чироғи ёниқ.
Кимнингки, меҳнатдан чет, йироқ бўлиб,
Умум хизматида кўли узилар,
Дарёга етмаган бир ирмоқ бўлиб,
Худди ўша кунин йўли узилар.

Бордир ҳар бир касбнинг уз иштиёқи,
Уз завқи, уз гашти, ёниқ чироғи.

Дейлик, бирор уйга ут кетди ногоҳ,
Ёнгин учирувчи шу лаҳза огоҳ.

Ҳамма уйдан қочар алғов-далговда,
Ўтбоз узин урар боқмай оловга.

Қумир қатламлари кончи учун хуш,
Фазогир самони доим кўрар туш.

Қилни қирққа ёриб, уйлайди олим,
Мироб хаёлида канал лиммо-лим.

Қурувчи фикрида янги иморат,
Олам кўрки унга шундан иборат.

Боғбон боғни эса, деҳқон пахтани
Уйлар, шунга боғлаб орзу-бахтини.

Агар шу хислатдан кимки маҳрумдир,
Тирик мурдаликка мангу маҳкумдир.

АЁЛ

Барча юлдузларинг қуёшли бўлсин,
Барча оқшомларинг соф юлдузистон.
Сен юрган йўлларга чечаклар тўлсин,
Менинг аёл отлиқ азизим инсон!

Қачонки табиат бор курку ҳуснин
Бир нуқтада кўрмоқ этдию хаёл,
Наздимда, ўзининг олий орзусин
Сенинг тимсолингда яратди, аёл!

Сенда чақмоқ таври, дарёлар феъли,
Тоғдаги ҳашаму тонгдаги зиё.
Меҳрингдан барподир бу жаҳон эли,
Сеҳрингдан гузаллик аталмиш дунё.

Табиат яйратиб бор даҳо кучин,
Яратмиш сендаин эзгу эртакни.
Сенинг улуглигинг бұрттирмоқ учун,
Яна ижод этган мафтун эркакни.

УШОҚ ШЕЪРЛАР

* * *

Эркаклар наздида,
Аёллар —
Етиб булмас олий хаёллар.
Аёллар наздида,
Эркаклар —
Ерда юрган жонли эртаклар.

* * *

Лоладай яшнар ул қиз қарашим,
куз қиримда,
Бундай гузални кўрдим на Римда,
на Қримда,
Ўсар эмиш у танҳо менинг
яшил қиримда,
Гарчи мендан олис у неча юз
чақиримда,
Уни олиб қочгайман буз белов
чопқиримда

* * *

Бир ноўрин таънадан
Қалбим жароҳатланди.
Бу ажиб “таптана”дан
Кимдир жа... роҳатланди.
Дард олай деб танадан
Битта жарроҳ отланди.

* * *

Фикрларнинг қаймоғи,
Туйғуларнинг қайноғи
Илҳом дея аталур.

Гўё манфий ва мусбат
Икки табиий қудрат
Чақмоқлар яратгандай.

Бу икки азалий куч
Бир нуқтада келса дуч,
Олам ёришиб кетгай.

* * *

Шеър деганинг, аслида,
Яйраб келса қаламга.
Дилингадиги туйғулар
Ошкор бўлса оламга.
Кулсанг — яйраса борлиқ,
Йиғласанг — ботса ғамга.

* * *

Осмоннинг шифтини кифтида кутарган
Вазнли тоғлардан вазмин бир садо:
— Дунёдан ҳаммаси-ҳаммаси утаркан,
Неки бор, бир куни булурлар адо
Ва лекин қолгуси оламда яхшилик,
Бу олам уйининг ҳеч ўчмас нақшидек.

* * *

Утмишин унутган кимса нотавон,
Тарихин билмаган халқдир энг ғариб.
Гарчанд “Гул — мен!” дея урса-да жавлон,
Тубанда хазондай қолур сарғариб.
Оёғи тагида бўлмаса нарвон,
Томга ҳам чиқолмас бир инсон қариб.

* * *

Атрофимда тоғлар — зич, метин қурғон,
Тоғлар — ер сиртига урилган эгар.
Кук ўпган қоядир, боқмагил қаён,
Бунда қулни чузсанг, чуққига тегар.
Гарчи ҳузурида заррадир инсон,
Аммо инсонга у буйинини эгар.

ТУЙ

Висол иштиёқида,
Орзулар кучоғида
Талпинган бўйдоқ қалблар,
Бусага чанқоқ лаблар,
Кузлар... нигорон кузлар,
Куша балққан юлдузлар
Байрам қилади бугун.

Қизнинг атир сочлари,
Қошлари қийғочлари
Йигитни сархуш этмиш,
Юрагини куш этмиш.
Тўй — қутлуғ овозадир,
Тўй олтин дарвозадир
Оила чаманига.

“ЁН ДАФТАР”ДАН САТРЛАР

* * *

Ҳозир нима кўпдир — дорихона кўп,
Касал бўлишингга йўқдир баҳона.
Банк кўп, жамғарма кўп, ошхона туп-туп,
Фақат не учундир кам...кутубхона.

* * *

Офтоб кукда порлаб турибди,
Қирларни қопламиш лолалар.
Ҳар хил ишлар қилиб юрибди
Шоир бўладиган болалар.

* * *

Уйларди бир шоир: “Ғазал яратдим”,
Баайни мингларга асал ялатдим.
Шеърим нордон бўлса, мен нима қилай,
Балки билиб-билмай масал яратдим?

* * *

Япон “олти”дан сунг овқат емайди,
Улиб қолса. қорним очди демайди.
Хатто японларнинг чақалоғи ҳам
Соат олтидан сунг “мамма” эммайди.

* * *

Кимдир куяди. кимдир исинар.
Кимдир юксалар ва кимдир синар.
Кимдир тузади, кимдир бузади.
Кимдир боғлайди, кимдир узади.
Кимдир пиширар, кимдир сузади,
Кимдир олади. кимдир чўзади.

* * *

Биров деди: — Бахт — бу чексиз бойлигим,
Биров деди: — Юксак маош, ойлигим.
Биров деди: — Уктам. хотамтойлигим,
Биров деди: — Яхши уйлик-жойлигим.
Биров деди: — Хусниму чиройлигим.
Ҳеч кимса айтмади: Бахтимдир соғлиқ,
Барча мавжудлигим ўшанга боғлиқ.

* * *

Аслида, инсоннинг буткул гавдаси
Терию қон суяк, пайдан иборат.
Қалбу ақл уни нурлантирмаса,
Қулаб тушажакдир бундоқ иморат.
Инсоннинг минг йиллик ҳаст йулида
Барча фожиалар — шунга ишорат.

ТҮРТЛИКЛАР

* * *

— Ватанда сайрон эт! — буюк ҳикмат бу,
Бу сенинг мақсудинг, олий сузингдир.
Ватан — бу узлигинг акс этган кузгу,
Узинг — бу юртни акс этган узингдир.

* * *

Бир дастур яратки, эл ёринг бўлсин,
Унинг марказида диёринг бўлсин.
Жами яхшиликка олтин дарвозинг,
Ёмонликка метин деворинг бўлсин.

* * *

Бир киши куп олис сафардан қайтди,
Қурган-билганларин эл-юртга айтди.
Биров мамнун деди: — Энг бахтли сайёҳ!
Биров деди: — Юрган дайди, бир саёқ!

* * *

Биров куп санъатда бўлдию моҳир,
Маҳорат, қувватин айлади зоҳир.
Сунг манзилга етиб, хулоса этди:
Энди йўл бошига етишдим охир.

* * *

Одамга икки умр этилса ато,
Нақадар қувончга тўларди ҳар ким.
Бирида қилинган жамийки хато
Иккинчида такрор булмасди балким.

* * *

Қоғоз чеҳрасида олам акс этар,
Олам ҳақиқатин қалам нақш этар.
Ўзбекистон деган бойлик кўркини
Саховат уфурган далам нақш этур.

* * *

Саҳрода баногоҳ сароб кўринли,
Олам гармселдан хароб кўринди.
Кимдир шу таппотда қултум сув тутди,
Қултум сув жаннатий шароб кўринди.

* * *

Гар Самарни койисам, Санжар асабланади,
Гар Сафарни ранжитсам, Зафар ғазабланади.
Икки ут уртасида ўртаниб, ёниб, беҳол,
Мен бечора кимсанинг жоним азобланади.

* * *

Ватандир қалбингга абадий ғурур,
Дилингга қуввату кўзларингга нур.
Агар жаҳон ичра мен борман десанг,
Диёринг тупроғин кўзларингга сур.

* * *

Икки одам яшар ҳар бир одамда,
Бири дер: — Бу дунё фароғатин қил!
Бири дер: — Яхши из қолдир оламда!
Рост йўлни тутганлар ҳақиқий оқил.

* * *

Сенга бегонамас ишқинг лаҳжаси,
Майин жилвалари, ширин ларзаси,
Агар шу хислатдан маҳрум бўлса дил,
Жаҳолат асридир ҳар бир лаҳжаси.

* * *

Очолсанг агарда сўзнинг мағзини,
Аниқ ҳис этурсан маъно, вазнини.
Сўзни беҳудага исроф этган шахс,
Оёқ ости қилди ҳалол лафзини.

* * *

Биров меҳнат қилиб ҳазина очди,
Биров бу ғазнани беҳуда сочди.
Бу ҳикматни англаб етгунча охир,
Ерга сингиб кетди юз минг жавоҳир.

* * *

Дема, бағрим ичра от кишнаётир.
Дема, қаҳрим аро қиш қишлаётир.
Вужудингга нафис ғалаён солиб,
Ҳаёт деган буюк ишқ ишлаётир.

* * *

Майли Арасту бул, майли Софокл,
Зур ижодлар ярат, яйра, сафо қил.
Агар самоларга етса-да бошинг,
Кўнгилни кибрдан соф-мусаффо қил.

* * *

Ҳар янги тонг бошинг узра тож эмас,
Ё кимдандир ҳадя бўлган бож эмас.
Ҳар нафасинг учун юз минг шукур қил,
Гарчанд Оллоҳ шукрингга муҳтож эмас.

* * *

Ўз ишингдир қайда туриб, қайла ётурсан,
Ўз ишингдир қайга бориб, қайтаётирсан.
Биттагина айбинг шулки, эй ҳофиз укам,
Сен бировнинг қушигини айтаётирсан.

* * *

Ҳайрат излай билгил, эй азиз одам,
Умрнинг ҳар лаҳза, ҳар бир фаслида.
Сени чулғаб турган бу рангин олам
Ҳайратдан иборат эрур, аслида.

* * *

Қалдирғоч ўзини уради шифтга,
Агар қўйиб берсанг, қунади кифтга.
“Вижир-вижир”идан жон роҳатланар,
Уни жеркимангиз... жароҳатланар.

* * *

Кимга меҳнат, кимга ҳордиқдир ҳаёт,
Ўйламанг, беҳуда тортиқдир ҳаёт.
Сиз уни яшнатгани кўнгил беринг,
Ҳар нечук бойликдан ортиқдир ҳаёт.

* * *

— Биз яхши билурмиз озодлик таъмин! —
Деди мағрур туриб мард Спитамен.
— Қул бўлгандан ўлган минг бор яхшироқ! —
Деди мағрур туриб буйсунмас Широқ.

* * *

Бу дунёнинг бор ишлари бирин-бирин,
Ёзу аёз, фасли баҳор ё изғирин.
Жисмингда ҳам шу товланиш, шу рангинлик,
Лаҳзаларинг гоҳи аччиқ, гоҳи ширин.

* * *

То ҳаёт бор экан дунёда,
Туғилиш ҳам булғай мангулик.
Туғилиш бор экан дунёда,
Ўлим ҳам бўлмагай янгилик.

* * *

Сен чеккан сигарет миллионга этар,
Сен ичган шишалар юз мингдан ортиқ.
Бирининг тутуни кўкни забт этар,
Бирини жам этсанг, булғайдир Болтиқ.

* * *

Узига хуб бино қуйди Фалончиев,
Ичиб олиб, кино қуйди Фалончиев,
Ароқдан сўнг вино қуйди Фалончиев,
Иш деганга хино қуйди Фалончиев.

* * *

“Мен ҳам хато қилурман гоҳо”,
Деган экан қадим бир даҳо.
Сўнг қушимча қилибли узи:
“Хатойим ҳам ноёб, бебаҳо!”.

* * *

Фарқ эта билмайсан ҳазилдан чинни,
Баробардир сенга заҳр ила шинни.
Кимки ҳис этмади сўз таманносин,
Билмади буз ила атлас маъносин.

* * *

Нега туғилдим деб, дўстим, ема ғам,
Куксингни эзмасин минг дарду рўё.
Навоий борлигин билмоқ учун ҳам
Бир келиб-кетишга арзир бу дунё.

* * *

У оғизда ҳар қандай эзгуликка ёр эди,
Лекин қалтис лаҳзада бирмунча хушёр эди.
Манфаат етар бўлса, ҳар юмушга эди шай,
Пул учун яхшилик ҳам қилишга тайёр эди.

* * *

Ҳаётдан кўп нарсани ундирмоққа уринма,
Елкангга оғир тушиб, ҳар қадамда суринма.
Кўп юкни кўтармоқлик жуда қийин булади,
Белинг узилса ногоҳ, бари тийин булади.

* * *

Билмоқ мумкин жаҳонда кўп лисонни,
Авж нуқтада тутмоқ мумкин эҳсонни,
Инсон қалби барчадан мураккаброқ,
Мукаммал ҳеч билиб булмас инсонни.

* * *

Бу дунёда номардлар кўп, мардлар кўп,
Ваъдалар кўп, сенинчлар кўп, дардлар кўп,
Чала қолган аҳду паймон беҳисоб,
Бажарилмай қолиб кетган шартлар кўп.

* * *

Қанча ҳайқирмасин тўлқин бедаво,
Сунгайдир урилиб метин қирғоққа,
Лекин юраклардан юксалган наво
Тусиқ билмай учар йироқ-йироққа.

* * *

Асрлар қаъридан келур санъатим,
Бағрида мужассам қувонч, ҳайратим.
Куйда халқим руҳи барқ уриб турар,
У менинг умримдир, завқим, ҳасратим.

* * *

Дарднинг ҳам ранги бор, дарднинг ҳам ҳиди,
Бун ҳис этгайдир шоирнинг диди.
Менинг бу сўзимни эшитган биров:
— Во, ажаб, бу қандай афсона! — деди.

* * *

Қайдаким ҳокимдир тилёғламалик,
У ерда ҳамма иш бир ёқламалик.
Яъни инсоф, виждон оёқдан қолган,
Унда салом бор-у, йуқ булган алиқ.

* * *

Қоғозбозлик ичра улган миллион ҳарф,
Ҳар бир ҳарф мағзида юрак урган зарб.
“Справка”га кетди умримиз ярми,
Ярмини яшашга этмоқ керак сарф.

* * *

Меҳнат — инсон учун фарз, нашъу намо,
Меҳнатсиз ҳаётнинг узи муаммо.
Меҳнат билан инсон улуғлансин-у,
Иш улови бўлиб утмасин аммо.

* * *

Виждон билан ўйнар у бекинмачоқ,
Совға деб тушунгай олган порасин.
Қорани кўпинча исбот этар оқ,
Билолмас хушомад-хурмат орасин.

* * *

Йил ҳосил булади дақиқалардан,
Томчидан дарёлар, зарралардан тоғ.
Бездим майда-чуйда ҳақиқатлардан,
Менга ҳақиқатнинг узин бер, ўртоқ.

* * *

Гоҳ бирдан олдинмиз, бирдан кейинмиз,
Филнинг қаршисида гоҳо чибинмиз.
Дунёни ўзгартиш керак деймиз-у,
Дунё ишларига томошабинмиз.

* * *

Чанг булмаса, минг йил яшарди инсон,
Занг булмаса, минг йил яшарди маъдан.
Жанг булмаса, олам рангин гулистон,
Ранг булмаса, олам улик бир бадан.

* * *

Қалбингда жам қилиб эзгу ниятни,
Бу олам ишларин яхши уйлаб боқ.
Севмакдан тамомий инсониятни,
Бир инсон кўнглини олиш мушкулроқ.

* * *

Муҳаббатсиз ҳаёт бемаъно, бушдир,
Муҳаббатсиз, дустлар, бахтдан йироқсиз.
Муҳаббатсиз юрак бир нарча гуштдир,
Муҳаббатсиз юрак уйдир чироқсиз.

* * *

Вақтинча “хаста” деб аталиб отинг,
Ётибсан бу гузал шифохонада.
Жорий бир таъмирга қўйиб ҳаётинг,
Ҳордиқ ҳам олурсан шу баҳонада.

* * *

Битта нобакорнинг бебурд бир сузи
Ақлу юрагинга югуртди заҳар.
Уртанма... дунёда бор гап бу узи,
Ундир шу заҳардан керакли самар.

* * *

Адашиб яшабмиз, уйлаб қаралса,
Бу ҳаёт йўллари минг жумбоқ экан.
Булбулдан гоҳ қарға саси таралса,
Гул деб ушлаганинг гоҳида тикан.

* * *

Ҳаётни урганмоқ булиб бир адиб,
Кум-кук қамишзорга қўйибди олов.
Энди шу ишини мақтанар ҳадеб,
Гуё Рейхстагга тиккандек ялов.

* * *

Дунё бир чақалоқ, бешикда дуркун,
Қулига берилган олмос тиг пичоқ,
Ўзин ногоҳ тилиб ташлаши мумкин.
Ақл мизғиб, кўзлар илингани чоқ.

* * *

Бир тикка дарахтдан нақ миллион дона
Гугурт чўпларини ясар эмишлар.
Лекин битта гугурт чўли баҳона
Минг ўрмон ёниши мумкин, демишлар.

* * *

Тарих йўлларида неча юз йиллар
Уриндим, суриндим, изландим, чопдим.
Ўтиб кўп доvonлар, неча манзиллар,
Мустақил юртимни ниҳоят топдим.

* * *

Шеър гутган жойини тишлаши керак,
Керакдир, кутбда қишлаши керак.
У сўздан тузилган гулдаста эмас,
Яхшилик йулида ишлаши керак.

* * *

Сенда китоблар бор, жавонлар ҳам бор,
Сенда нишонлар бор, унвонлар ҳам бор,
Сенда қушиқлар бор, девонлар ҳам бор,
Фақат битта нарса... инсофинг йўқроқ.

* * *

Денгиз соҳилига йул олдим саҳар,
Будутлар ичра ой аста ботарди.
Коинот дам олар эди бу маҳал,
Фақат денгиз тинмай ишлаб ётарди.

* * *

Еримизнинг атрофи самолардан иборат.
Коинотнинг узи ҳам дунёлардан иборат.
Инсоннинг оламини текширгил зарра-зарра,
Аёндан пинҳони куп маънолардан иборат.

* * *

Бу дунё-ку, аслида, тириклик бозоридир,
Инсонларнинг ҳовлиси ўлганда мазоридир.
Сен булбуллар қуйини тинглагил тонг чоғлари:
Шоирларнинг ҳайрати, ошиқларнинг зоридир.

* * *

Қовун тушираяпмиз... йуқ саноғу миқдори,
Қуёшу меҳр билан обдон пишираяпмиз.
Лек ақлга зид бориб, соляпмиз-да дори,
Бу соҳада, аслида... қовун тушираяпмиз.

* * *

Мени ўз ҳолимга қуйиб берингиз,
Қуйинг уз қофиям, уз қушиғимни.
Менинг кунглимдаги кулгим, йиғимни
Мендек айтолмассиз... ҳеч бирингиз.

* * *

Ҳар улуғ шоирнинг эзгу шеърида
Унинг уз диёри қуйланди баланд.
У аввал улғайиб узин ерида,
Сунг жаҳон элига бўлди аржуманд.

* * *

Саҳрони қарғама кўп,
Ундир аввал бир япроқ,
Тунни зулмат, деб сукма,
Ёқиб кўр олдин чироқ.

* * *

Ҳаётга теранроқ шунғиган чоғда,
Шоир оламини кенг гавдалантирар.
Баайни илдизки. чуқур тупроқда
Дарахтни қалинроқ новдалантирар.

* * *

Чирт этиб узилди япроқ бандидан,
Бир юлдуз “лип” учди кук баландидан.
Буг булиб эриди томчигина сув,
Дунёга келмоқ-чун яна янгидан.

* * *

Ер — соҳил, коинот уммондир чексиз,
Энди-энди унда суза бошладик.
Ҳали кўп сирлидир бу улуғ денгиз,
Эндигина унга қармоқ ташладик.

* * *

Гарчанд қофиядир равону довон,
Улар бир-бирини эттирар давом.
Бузилса ривожнинг ушбу қонуни,
Ҳаёт маъносини йўқотур тамом...

* * *

Адабиёт, абадият юрар ёнма-ён,
Қулингга қаламини ушлашдан олдин,
Унинг даҳшатларин ҳис этгил, эй жон,
Ҳар бир ярқиллаган бўлмагай олтин.

* * *

Чироғим учмайди. Шеър ёзаман мен.
Фикр тоғларидан дур қазаман мен.
Оппоқ саҳифани ҳарф билан эмас,
Ватан. меҳринг билан тулғазаман мен.

* * *

Мени ҳеч қандай иш қурқита олмас,
Иродам метиндир ва фикрим олмос.
Фақат бордир менда битта қатъий шарт:
Шу ишни бажарсин мендан бошқа мард.

* * *

Ҳузурингга югурдим ошиб баланд довондан,
Худди олтин ғазални олай дебон жавондан.
Ўзбекистон дурлари ичра асил гавҳарим,
Наманган, гулларингни соғиниб келдим жондан.

* * *

Ҳиндийми, арабий, румийми, русий,
Арманий, озарий, ўзбек қизи ё,
Гузаллар ҳуснининг тиниқ ёғдуси
Ила нурафшондир қадим бу дунё.

* * *

Кўп қутилган хатингиз етди бизга, хайрият,
Етмиш арзи ҳолимиз барно қизга, хайрият.
Йилларки, номаълумлик қийнади бу кунгилни.
Гуёки дунё тушиб кетди изга, хайрият.

* * *

Бир қадаҳ лиммо-лим боржом берди қиз.
Гуё шароб тула бир жом берди қиз.
Бу на сув шифобахш, на шаробдир бу,
Балки сўник танга бир жон берди қиз.

* * *

Соҳил бармоқ бўлса, ул қиз узукдир.
Нафисдир, ажибдир, кўзи сузукдир.
Мавжларга интилган хушқомат қизни
Денгиз сарвинози, десанг тузукдир.

* * *

Бугун ҳаво очиқ, денгиз ҳам очиқ,
Урмон ҳам талпинар — денгизга ошиқ.
Уфқдан ой чиқар чумилмоқ истаб,
Елкада бир тутам булутдан сочиқ.

* * *

Денгиз пойингизда урмоқда долға,
Гуё уз ўрнида топмай қунолға.
У сизга кўп сирлар ҳайқираётир,
Сиз ҳам бир нарса денг, эй Қайсин оға!

* * *

Денгизга ҳеч қараб булғайми лоқайд,
Ҳар мавжи бир қушиқ, ҳар қалқиши — байт.
Тилингда чиқади дилингда бор гап,
Дерлар-ку: “Тушингни сувга бориб айт”.

ТУЮҚЛАР

* * *

Келиб қолди битта меҳмон қунғир отлик.
Ул дедики: Мен деҳқонман, Қунғиротлик.
Биз дедикки: Хуш келибсан, азиз меҳмон,
Ҳеч тортинмай, кулбамизга қун, ғиротлик.

* * *

Дедим: Кимдан ҳадыдир буйнингдаги у маржон?
Қиз дедики: Маржоннинг эгасидир Умаржон.
Мен дедимки: Маржоннинг муборак булсин. сингил,
Маржон нима, сен учун аямайди Умар жон.

* * *

Кучангиздан утурман ҳар субҳу шом, Зиёда,
Пиёда утганлигим минг отликдан зиёда.
Ҳовлингизда ҳар бир гул кўнглим баҳори эрур,
Қалбим қуёшин курдим йилт этган ҳар зиёда.

* * *

Кимки уз шахсига қуяркан бино,
Ақли озор топиб, бўлур нобино.
Шуҳрат соҳилдаги қум мисолидир.
Қумда қуриб булмас мустаҳкам бино.

* * *

Ёнгинангга келдим сойлар кеча-кеча,
Ҳузурингда ўлтирай деб бирор кеча.
Юрагимда сенга айтар гапларим кўп,
Дарвозаниг оч.... гуноҳларим кеча-кеча.

* * *

Фотимага кўп совчилар келишган,
Бир-биридан уддабурро, келишган.
Ул қудалар олди-берди гапдан сунг,
Туй кунини белгилашган, келишган.

САККИЗЛИКЛАР

Фахрим

Ҳикматлар барқ уриб фикру феълингда,
Қалбимни мунаввар этган диёрим,
Яхшилик мул эрур ҳар бир йилингда,
Узингсан ободим ва бахтиёрим.

Бизни Ўзбекистон деб қутлар дунё,
Бу сўз нурдай азиз, метиндек қурч ҳам.
Қанчалик фахр агар унда бўлмиш жо,
Шунча мустақкамдир фидоий бурч ҳам.

Дейдилар...

Дейдилар, тушса гар Оллоҳ назари,
Беҳиштий бир маскан бўлмиш ушал жой.
Менинг юртим эрур юртлар сарвари,
У олий салтанат, беқиёс чирой.

Ҳар битта садоси сеҳрли мақом,
Ҳар битта зарраси ишққа йўғрилган.
Улар қалбимдаги минг йиллик илҳом,
Улар муҳаббатдан, дарддан туғилган.

Мардлар ошиёни

Буюк Ўзбекистон гулдастасида
Ҳар бир вилоятнинг бордир уз ранги.
Созию овози — бахтга қасида,
Истиқлол садоси, ҳаёт жаранги.
Ватаним! — деганда дил яйраб кетар,
Бир дунё гўзаллик кўз ўнгингда жам.
Мард инсонлар унда ошиён этар,
Ҳеч кимдан ҳеч қачон бўлмайдилар кам.

Ўзбек тилим

Агарчи сўз завқин сурмоқ истасанг,
Ўзбек тили деган уммонда сўз.
Унда ҳар ибора — илоҳий жаранг,
Ундаги ҳар бир сўз — нурафшон юлдуз.

Навоий — бу олтин хирмон соҳиби,
Ҳайратин оламга этаркан изҳор,
Қалбида бир дунё гурур бор эди.
“Ҳамса” булиб ёғди ушал ифтихор.

Яшаб бўлмас сенсиз

Бу куприк бўлмаса, одамларга қийин.
Бу қудуқ бўлмаса, утмас кунимиз.
Бу чироқ бўлмаса, яшаш бир тийин,
Зулмат булиб қолар барча тунимиз.

Нон бўлмаса, ёмон, туз бўлмаса, оғир.
Севгию дустликка муҳтож дилимиз.
Ҳаммасига чидаш мумкинدير охир,
Яшаб бўлмас сенсиз, она тилимиз.

Саломнинг кучи

Бир оғиз саломдан юксалур кўнгул,
Бир оғиз яхши сўз — жонингга роҳат,
Бир яхши қаломдан дилда унар гул,
Бир оғиз ёмон сўз — битмас жароҳат.

Бир одам кўнглини гар обод этсанг,
Билгилки, бир дунё савобга қолдинг.
Бировни қайғудан гар озод этсанг,
Бир умр дуою тавофга қолдинг...

Чуқур тушуниш

(ҳазил)

Лайли ва Мажнуннинг оғир қисматин
Бир киши тун бўйи этди ҳикоят.
Сўнг дўстин фикрини билмоқ истади,
Шундай жавоб олди охир-ниҳоят:
— Аламли дostonдан кўп маъно олдим,
Мени забт айлади даҳшатли хаёл.
Фақат бир нуқтасин англамай қолдим.
Лайли эркакмиди ё Мажнун — аёл ?!

Дўстлар учрашганда

Дўстлар учрашганда кузлар учрашар,
Энг яхши орзулар, сўзлар учрашар,
Бугун диёримиз файзи узгача,
Чунким энг қадрдон дўстлар учрашар.
Кўнгилдан кўнгилда йўллар очилсин,
Яхши ният билан қўллар очилсин.
Дўстлар бир-биридан қувват олсинлар,
Биз юрган йўлларда гуллар очилсин.

Икки ақида

— Интилиш ва изланиш инсон учун кўрку зеб,
Бу йўлда бор манзилга бир-бир бориб-қайтилди.
Узингни кўп ёндирма, мўъжиза сўз айтгум деб,
Дунёдаги бор ҳикмат такрор-такрор айтилди.

— Бу фикрингга, дўстгинам, қўшилиб
булмас зинҳор,
Билим йўллари сўнгсиз: унгу терси, чапи кўп.
Миллиондан биригина балки этилди изҳор,
Дунёнинг айтилгандан айтилмаган гапи кўп.

Бир фаразни уқиб...

(ҳазил)

Ҳн миллион йилдан сунг тугармиш ҳаво,
Ҳаёт ҳам сунгайдир, демак, заминда.
Олимлар шу тарзда этмишлар даъво,
Башорат яратиб маънос мазмунда.

Ишқилиб, келмасин ушал шум дамлар,
Фаразларин қаранг, хуп қизиқ экан.
Яшашга шошилинг, азиз одамлар,
Қуриб турибсизки, фурсат зиқ экан.

Аввал ва охир

(ҳазил)

Авваллари чиройли қизлар
Шоирларга шўх қарашарди.
Шеърятни севаман деса,
Ул қизларга куп ярашарди.

Энди... қизлар бозорчиларни
Севамиз деб, этадилар аҳд.
Ё терговчи, ё солиқчининг
Ёри булиш эмиш катта бахт.

Уйлар эдим

Уйлар эдим сени ҳар лаҳза, доим
Бугунинг, эртангни — келажагингни.
Лекин билмас эдим, юрагимга қойим
Очилиб, сочилиб келажагингни.

О, қандай қудратли, муъжизакор вақт,
Ёндим... яна нечун гугурт чақмоғинг?
Бутун авзойимни зириллатди бахт,
Қулимда туггандай баҳор чақмоғин.

Гурлик

Бегараф деб айблманг уни,
Кўшилмас деб ҳеч бир гуруҳга.
Сингдиrolмас машъум туйғуни,
Тарафкашлик ётдир бу руҳга.

Бир оила гар ҳақу ноҳақ
Бир-бирига отиб ётса тош,
Бу ботирлик эмасдир мутлақ,
Ўз гурлигин балки этмоқ фош.

САКСОНБОЙНИНГ ДЕГАНИ

Мана, саксонни ҳам қоралаб қўйдим,
Саксон йил дунёни оралаб қўйдим.
Энди гузалларга гап отиш қайда,
Фақат билдирмасдан мўралаб қўйдим.
Хурсандман, кимларни шод эта олдим,
Минг узр, қай дилни яралаб қўйдим.
Айтдим кўп нутқлар дўстлар шаънига,
Уларни вақт топиб саралаб қўйдим.
Душман қидирмадим инсонлар аро,
Уларни ардоқлаб, “жура”лаб қўйдим.
Қолган гаплар булур чойнинг устида,
Барра кабобларни қуралаб қўйдим.

ЭҲТИЁТКОР НАСИҲАТИ

Эҳтиёткор дейди: — Есангиз асал,
Албатта, чанг солур бедаво касал.
Жонга офат эрур сарёғ билан нон,
Балога гирифтор булгай ошқозон.
Иложи борича ишлатманг тузни,
Ишдан чиқарасиз иккала кўзни.
Сизни мойил этса агарда аччиқ,
Билингки, дўзахнинг эшиги очиқ.
Балиқдан ичаклар кутарар фарёд,
Қаймоқ жигарингиз этгайдир барбод.
Есангиз мабодо ёғлик паловни,
Ютгандай бўласиз чўғни-оловни.
Десангиз йуқотмай ором-уйқумни.
Оғизга олмангиз асло тухумни.
Чой ҳам кони зарар, ҳаттоки нон ҳам,
Гўшт-ку, емиради ақлни кам-кам.
Сувдан сақланингиз, борича илож,
У танни сусайтиб, бермайди ривож.
Яхшиси, ҳеч нарса этмай тановул,
Кавшаниб қўйинг-да, топилса ул-бул...
Кимки мойил бўлса шундоқ сабрга,
Дорухонадан тик боргай... қабрга.

ОЙНА

(Афсона)

Куп қадимдан бу ривоят,
Антиқа хаёл экан.
Бўлган экан бир вилоят,
Подшоси аёл экан.

Вазир — аёл, қози — аёл,
Хазинабон, саркарда...
Аёлларга дунё аён,
Улар тахту эгарда.

Доруғоси, алломаси,
Раҳнамоси — хотинлар.
Хотинлардан валломати,
Хотинларда олтинлар.

Айтганлари зумда бажо,
Деганлари — деганда.
Тулпорлари кўзлар Зуҳро,
Кемалари елканда.

Аёлларда аилу доду,
Ҳукму ижро ва карам.
Бу ердаги эркак зоти
Аёлга экан қарам.

Фармон бериб, қоқиб довул,
Чимирсалар қошини,
Нигоҳлари одам тугул,
Тешаркан тоғ тошини.

Қайси юртга қушин сурмоқ,
Кимдан олмоқ бож-хирож,
Қай соҳада жавлон урмоқ,
Элда нечук эҳтиёж —

Барчасини машваратда
Этишаркан улар ҳал,
Шул сабабли мамлакатда
Ишлар гуё мукаммал.

Хамир қориш, утин ёриш,
Сигир соғиш, ювмоқ кир —
Рузғордаги неки бор иш
Эрларга бўлмиш тақдир.

Таши ёпар, тандир ёқар,
Сув келтирар қудуқдан.
Кечалари бола боқар,
Воқиф ҳулу қуруқдан.

Қовоғидан ёғдириб қор,
Хотинлар этса зугум.
Термулишар эрлар ночор,
Истаб шафқат тараҳхум.

Шу зайлда ўтмиш ойлар,
Ўтмиш неча-неча йил.
Зебохонлар, Олтинойлар
Даврон сурмиш мустақил.

Жангу жадал, савдо-сотик
Олмиш улар оромин.
Вазифага булиб солиқ,
Ўтказар субҳу шомин.

Бир кун тегиб жонларига
Акобирлик, аёнлик,
Уйғонибди қонларида
Оналик ва аёллик.

Шоҳларига этиб таъзим,
Деблилар дил режасин:
— Тузайлик бир улуғ базм,
Токим юртни безасин.

Упа-элик, пардоз-андоз
Биздан тамом бетона.
Аслимизга қайталиқ боз,
Биз ҳам ёрмиз, ҳам она.

Ушбу таклиф тушиб маъкул.
Бир лаҳза жим қолдилар.
Аёлга зеб хусну ақл,
Деб хаёлга толдилар.

Алалхусус, ойна олиб,
Боқдилар-ку ногаҳон,
Бирдан қаттиқ уввос солиб,
Фарёд урди минг жувон.

Нимадир ул кўзгудаги,
Чехрамидир, кўзму, қош?
Во, ажабо! Кузлардаги
Меҳрамидир ёки тош?

Ёноқлари буртиб чиққан,
Уйнар чайир мушаклар.
Кузу чехра хуб униққан,
Унут парқу тушаклар.

Елкалари супадай нақ,
Пайлар заранг ва метин.
Зарофат йуқ зарра, мутлақ,
Шиддад қопламиш бетин.

Қайда ўшал гунча лаблар,
Ўтли нигоҳ, шўх ибo?
Қайда сеҳру шўх талаблар,
Садаф тиш, қадди зебо?

Қаён кетмиш латиф, дилсўз
Нафосату рушнолик?
Усмалик қош, сурмали кўз,
Кўзгу билан ошнолик?

Билмасмишлар алла нима,
Недир бешик тебратмоқ,
Қушиқ нима, ялла нима,
Севги, буса, ноз-фироқ.

Қарар эди ойнадан, оҳ,
Бир тус шаддод ботирлар.
Сафарларда қотган сипоҳ,
Темир тан, тош болдирлар.

Бераҳмсан, сохта кўзгу,
Неки кўрсатдинг — хато.
Суқир дунё, не қисмат бу,
Не “бахт”ни этдинг ато?!

Табиатнинг қонунига
Ё бордикми бизлар зид?
Қайдан кирмиш қонимизга
Қаҳр тула заҳар дил?

Улар бирдан ойналарин
Чил-чил тошга урдилар,
Бувиларин, оналарин
Эслаб, кескин турдилар.

Дедиларки: Бу ташвишни
Биз яхшига йўнайлик.
Эркакларга доир ишни
Эркакларга қўяйлик.

Қаранг, элдан кетмиш буткул
Файзу кўрку латофат.
Гул ўрнида тупроқ ва кул
Рузгорга етмиш офат.

Соғинибмиз уйни, бахтни,
Фарзанду ёр меҳрини.
Керак эмас тожу тахти,
Беринг ҳаёт сеҳрини.

Уз-узича усган бола
Авлюд булгайдир қандоқ?
Бу аччиқ дард, чексиз нола
Барчага булсин сабоқ!

Ушбу олий, олил фикр
Бир қарорда булди жам.
Афсонани этиб зикр,
Уйланиб қолдим мен ҳам.

АРУЗ ГУЛШАНИДАН,
ЯХШИ ҲАВАСДА,
ТУЗМОҚ НИЯТ ЭТДИМ
КАМТАР ГУЛДАСТА

МАНЗАРА

Учрашди икки ёш қалб Зоминтоғ орасинда,
Офтоб чумилган сойнинг зилол канорасинда.

Бахтли эди севишган мастона ёш кўнгиллар,
Хушнуд наволар янграб қалблар ноғорасинда.

Тоғлар ҳавас қиларди, сойлар бахтин тиларди,
Ардоқлаб икки ёшни меҳр фавворасинда.

Қушлар сайрарди обдон, барча мавжудот шодон,
Булгандек гуё меҳмон тўйнинг моҳорасинда.

Икки ёшга бор меҳрин бахш этмиш эди офтоб,
Юлдузлар ваъда айлаб осмон тоғорасинда.

Ушбу сулим лаҳзани тараннум этса ҳофиз,
Арзигаъ "Шашмақом"нинг савти суворасинда.

Антиқа ишқ қувончин ҳис этдим қалбу онгда,
Тасаввур деб аталмиш хаёл минорасинда.

НАВОИЙ ДУНЁСИ

Бул кеча кездим ғазал дунёсида,
Ҳазратим шеърин гузал дунёсида.

Сарв қадларни томоша айладим,
“Чор девон” мулкин асал дунёсида.

Ёр жамоли томчида офтоб эди,
Сайр қилдим минг Зуҳал дунёсида.

Чехралар гул-гул ёнур, кузлар хумор,
Яйрадим ишқу амал дунёсида.

Қалбин очди менга Лайлою Ширин,
Шўх наво, шеъру масал дунёсида.

Бунча санъат, бунча ҳайрат, бунча завқ
Жам Навоийнинг машғал дунёсида.

То жаҳон борки, Навоий барҳаёт
Бул абад бирлан азал дунёсида.

ЧИРОЙЛИК

(хонанда қизларимизга)

Таманнонгиз дилрабо, шуҳ нозингиз чиройлик,
Нигоҳингиз жонбахшу овозингиз чиройлик.

Зарҳалланиб чиқсангиз саҳнаи санъат узра,
Табассумингиз асал, пардозингиз чиройлик.

Куркингизда намоён Чингиз Аҳмар даҳоси,
Беҳзод тасаввур этган тавозенгиз чиройлик.

Дилларни ром этгуси ажиб наволарингиз,
Бағрингизда сайраган ул созингиз чиройлик.

Она-Диёр куркини аке этган зебо санам,
Ажаб дилбар эрурсиз, парвозингиз чиройлик.

Куйингизда жаранглар бахт, истиқлол садоси,
Ғазалингиз муъжиза, “Шаҳноз”ингиз чиройлик.

Фахримизсиз жаҳонда, ўзбегим булбуллари,
Эл аро яхши ному эъзозингиз чиройлик.

МАҶОМ

Дилрабо оҳанг ила дилларни ром этгай мақом,
Яъни инсоний шарафни эҳтиром этгай мақом.

Юксалур муъжиза куйлардан кунгиллар то само,
Яхшилик ҳам эзгуликни бардавом этгай мақом.

Неча минг йиллар садоси унда булмиш барқарор,
Неча аждод санъатин олиймақом этгай мақом.

Ё “Чавандоз”, ё “Муножот”, ёки “Ушшоқ” мавжида
Туйгулар гулдастасин пақ субҳу шом этгай мақом.

Санъатим бир салтанатдурким, унга гултож булиб,
Кўп улуг соҳир наводан издиҳом этгай мақом.

Куйла, дилбар, куйла, ҳофиз, янграсин кунгил уйи,
Ушбу илҳоми илоҳий бирла ком этгай мақом.

Минг висолу мингта ҳижрон ҳар навода дардлашур,
Яъни дилни ишқ тўла тиллоий жом этгай мақом.

СЕНГА ТАНГРИМ ХҮСН БЕРМИШ

Сенга Тангрим ҳусн бермиш, бир жаҳон ҳайрат менга,
Сенга тенгсиз ақлу идрок, ишқ ила меҳнат менга.

Сенга бул олам чиройини ҳаля этмишдир Эгам,
Баҳра олмоқ бул саодатдан улуғ неъмат менга.

Бунчалик оҳанраболик, меҳру шафқат сенга хос,
Бул гузаллик мавжида сузмоқ эрур ҳикмат менга.

Менга, эй дуст, истама минг йил яшаиш бахтин сира,
Ёрни кўрган ҳар нафас — сунгсиз шараф, шавкат менга.

Бул жаҳон асрорларин англашга интил, эй, кунгил,
Унда мавжуд ёр жамоли — энг улуғ санъат менга.

Кечалар юлдузли осмонда нигорим кўринур,
Кундуз офтобим булиб ёғду сочар хилқат менга.

Не улуғ бахтки Ватан гулзорида сайр айламоқ,
Баҳраворлик бунча зийнатдан беҳад иззат менга.

АЁЛ

(Зулфияхоним ҳайкали ёнида)

Келдию дунёга, бир дунёга айланди Аёл,
Ишқ, садоқат бобида танҳога айланди Аёл.

Сабру тоқат, оташин сўздан умр барпо этиб,
Шеърят уфқин безаб, Зухрога айланди Аёл.

Энг асил туйғуларин минг мавжли ирмоқ этди-ю,
Халқ дилин сероб этиб, дарёга айланди Аёл.

Барқ уриб ҳар сатрида юрт меҳри, инсон севгиси,
Гулшан ичра булбули гуёга айланди Аёл.

Васлу ҳижрон имтиҳони минг довулдан утказиб,
Бир улуғ, ардоқли нур сиймога айланди Аёл.

Янгратиб Зебуннисою Нодирам созин баланд,
Нодирин даврон бўлиб, Зебога айланди Аёл.

Келгил, авлод, меҳр ила бул кун улуғ зот қошига,
Мангуликка кўкс очиб, тиллога айланди Аёл.

ИСТАДИМ

Тасвиринг чизмоққа, Юртим, энг асил ранг истадим,
Таърифинг айтмоққа дилдан сирли оҳанг истадим.

Истадим дарёйи Сайхун бирла Жайхундан жило,
Ҳам баланд тоғдан пойингга тахти авранг истадим.

Сафҳа-сафҳа ахтариб олтин китоблардан жавоб,
Маънилар асроридан энг тоза фарҳанг истадим.

Мулки Гангу ё Фарангни бирма-бир кезганда ҳам,
Тутиё қилмоққа ҳар томчию зарранг истадим.

Шаънинга бир тош отишни дилга тугса бир ёвуз,
Бадниятлар ҳолу аҳволин мудом танг истадим.

Неча юз минг қиз-йигитлар куркида мавжуд узинг,
Неча юз гулшан аро озода чехранг истадим.

Бир томон Чотқолу Чортоқ, бир томон Ургут, Китоб,
Зомину Бахмал кезиб, ҳар фаслу лаҳзанг истадим.

Бунча иззат, бунча лаззатким кўнгилни ром этар,
Тасвиринг чизмоққа, Юртим, энг асил ранг истадим.

ФАХРИЯ

Эй Ватан, мадҳинг неча айтган билан кам бўлғуси,
Фахр ила ҳуснинга боқиб кипригим нам бўлғуси.

Тогларингким, буй чўзиб осмон қадар, мағрур боқар,
Бағрида ҳар бир булогинг оби замзам бўлғуси.

Мағрибу Машриқ, келиб юртимни кўр, сайрон этиб,
Йўқса, дунё кўрганинг кемтик ва мубҳам булғуси.

Қайдаким озод ижод, озода руҳ пайванд эрур,
Меҳнату ижод кўнгилларда мужассам бўлғуси.

Неча аждод хикматин кўнгилга сингдирган насл
Бу Ватанга қудрату қалбларга малҳам бўлғуси.

Бунча парвоз, бунча юксаклик недан, деб сўрсангиз,
Битта Истиқдол сўзинда бор жавоб жам бўлғуси.

Кўнғироқлар шуҳ жаранглар, карвон утмоқдадир,
Ушбу йулда барча эллар дўсту маҳрам булғуси.

Ўзбекистоним бу юрт, Оллоҳ назар солган диёр,
То жаҳон бориचा оламда мукаррам бўлғуси.

ЧОТҚОЛ БАҒРИДА

Файласуф тоғлар билан суҳбатдан олдим мен сафо
Ҳам шоир қалбли денгиздан тингладим сирли сало.

Эй табиат, бизга устозсан ҳамиша, ҳар нафас,
Сен билан сирлашмоғу бирлашмоқ — олий муддао.

Бир жаҳон ҳикмат мужассам тошу гомчингда, Диёр,
Бағрида асрар сени офтобга чулганган само.

Бунда ҳар бир ут-улан минг дору дармондан зиёд,
Турфа гуллар атридан жисмимда жон топгай даво.

Эй сабо, оҳиста тсбран, тинглайин оламини мен,
Тинглайин олтин булоқлардан мунаввар бир наво.

Сен ёнимда, мен ёнингда, бахтиёр эрдик, санам,
Ишқу ҳайратдан иковлон масту лолу маҳлиё.

Шул булоқдан бир пиёла сув олиб, боқдим туйиб,
“Ёр аксин майда кур, деб жомдин чиқди садо”*.

* Алишер Навоий ғазалидан.

ЧОРТОҚ ИЧРАМЕН

Не ажаб, дустлар, гагин мен нурли Чортоқ ичрамен,
Дема Чортоқ, мунтазам, минг кўркли чорбоғ ичрамен.

Тўймагай куз неча сайрону саёҳат қилмағил,
Бул гузалликдан мудом мен сирли чанқоқ ичрамен.

Шарқираб оққан булоқлар не ҳикоятлар қилур,
Сирли оҳанг мазмунин ҳайрат-ла чақмоқ ичрамен.

Интиқиб келдим бу манзилни зиёратгоҳ билиб,
Гарчи куп қийналмаган бўлсам-да, чарчоқ ичрамен.

Бунда қушлар шўх садосидан вужудим мавжланур,
Саъваю тути, зағизгон, зағча-чорлоқ ичрамен.

Гоҳ муаттар, хуш ҳаводан масту мустағриқ эсам,
Роҳат этдим гоҳ адирлар узра чақмоқ ичрамен.

Ҳайрату илҳом деган дунёда бор бўлсанг агар,
Кел дилимга ёприлиб, муъжиза Чортоқ ичрамен.

* * *

Тонг хижолатдан қизарди ол ёноғингни куриб,
Тун уятдан парда тортди куз-қароғингни куриб.

Этдилар қаддинг томошо сарвлар саф-саф булиб,
Таъзим айлаб дилрабо бошдин-оёғингни куриб.

Тун шивирлар, тонг жимирлар хайрат ичра мубтало,
Қош-қовоғинг бирла ул сиймин сақоғингни куриб.

Ййрагай буткул табиат фахр ила жондан севиб,
Хусну одоб бобида тенгсиз сабоғингни куриб.

Таҳсин айтдим мен Диёрга, дилрабо ойдин санам,
Она-юртга маҳлиё ошуфта чоғингни куриб.

Мен Ниёз — аҳли сенинг шайдоларинг шаҳзоласи,
Интилиб парвонадек хусни чароғингни куриб.

ШИФО БУЛОҒИМ

(ҳазил)

Утсангиз агар ҳу ана гулзор тарафиннан,
Албатта, олинг қулга, оёққа парафиннан.

Қайнаб келадир ер қаъридан гарм булоқлар,
Яйраб кетасиз Чортоғимиз соф садафиннан.

Узни сезасиз энди туғилган чақалоқдек,
Баҳр олибон она-заминнинг шарафиннан.

Гар хасталик олмоқчи эса домига сизни,
Бир-бир отасиз барчасини сиз карабиннан.

Хоҳланг ичингиз тудирибон кафтни, ҳовучни,
Хоҳланг қуйингиз майда қадаҳга графиннан.

МУҲАББАТ

Уйғонур олий муҳаббат бир қарашда, зумда ҳам,
Меҳр ила йўғрилгай ул дустана табассумда ҳам.

Икки дилнинг уртасинда боғланиш бўлса агар,
Бир-бирин топгай муқаррар Ҳинду Мисру Румда ҳам.

Зарра-зарра ўрнашиб, жисмингни забт этгай тамом,
Ҳуш олиб ҳам товланиб олтин мисоли қумда ҳам.

Ул ҳузурбахш бир шаробким, қатраси — оби ҳаёт,
Дейдилар, асло бузилмас ётса минг йил хумда ҳам.

Эй, ҳаёт, инсонни маҳрум этма олий туйғудан,
Ишқ ўтин ёқ бир нафас маҳрумдаю маҳкумда ҳам.

Севгига ёр бўлса дил, ҳосил булур ҳар муддао,
Ҳатлай олгайдир пиёда Помиру Қулзумда ҳам.

Бул жаҳонга нур бериб турган муҳаббат яшнасин,
Эл дилида шул ният, шулдир, Ниёз, орзумда ҳам.

КҮНГИЛ КУЗГУСИ

Қай кун ул жонон жамол курсатди кунгил тахтида.
Унга етмоқ орзуси юз очди ошиқ аҳдида.

Акс этар оламни дил — муъжиза кузгу ҳар нафас,
Гар уни ёритса идрок энг мунаввар вақтида.

Ҳар одам бир мамлакатдир, барча иқлим унга хос,
Ақлу қалб ҳамкору ҳамдаст булса азму жаҳдида.

Насяда асло қуринмас моҳият — жон мояси,
Балки инсон руҳи барқ урғай ҳамиша нақдида.

Бу кунгил мулки — Ватан, биз ҳам унинг бир мулкимиз,
Унга содиқлик яшар ҳар битта фарзанд бахтида.

Кузга суртиб биз Ватанни ҳар нафас, ҳар лаҳзада,
Сақлагаймиз меҳримизнинг жон деган пойтахтида.

ТОҒЛАР ҚИЗИ — ДИЛБАР САФИНА

* * *

Не бор, барно, гузал холингдан ортиқ,
Лабингдан томган ул болингдан ортиқ.
Бошин ҳайратда эгмиш лолалар ҳам,
Не бор, деб чехрайи олингдан ортиқ.

* * *

Аё, эй тоғ қизи, дилбар Сафина,
Шу эл бағринда сен тенгсиз лафина.
Кузимнинг олдидан жилма бир нафас,
Ўзинг малҳам бу кунгилнинг заъфина.

* * *

Камолингдан буюк тоғлар олур дарс,
Жамолингдан чаманлар ичрадир баҳс.
Диёринг кўркини оламга кўрсат,
Бу дунёда Ватандир энг муқаллас.

* * *

Жаранг соч шеър ила кўркам вазнда,
Муҳаббат янграсин олий назмда.
Шу орзум: сенга бахт, омад бўлиб ёр,
Ҳамиша яйрагил нурли базмда.

УРИКЛИ СОЙ

Бул кеча Урикли сой ухлатмади,
Нақ тепамда турди Ой, ухлатмади.

Айтдилар, хушёрлик — олий муддао,
Бахтни қўлдан берма бой, ухлатмади.

Бул салобатли заминни сайр қил,
Қайда бор мундоқ чирой, ухлатмади.

Буткул олам ушбу тоғлар кифтида
Мисли ойдин бир сарой, ухлатмади.

Бир ҳавоким, жон ҳузур, куз нури,
Ярми қаймоқ, ярми мой, ухлатмади.

Ой нурида ким кезар оқ шуъладек,
Бир париваш, ҳойнаҳой, ухлатмади.

Мен шивирлаб бул гузаллик мадҳини,
Тонгни кутдим — ушбу жой ухлатмади.

ИККИ ЛАВҲА

1. Қиз ва денгиз

Қиз дилин тоғлару денгиз тортадир,
Гоҳ ёлғиз-ёлғиз, гоҳ эгиз тортадир.

Тулқин қават-қават ёприлар, гуё
Лашкарин соҳилга Чингиз тортадир.

Мовий бу гузаллик қайнар бетиним,
Гоҳо қабариб, гоҳ текис тортадир.

Оллоҳ қудрати бу дилбар салобат,
Ақл ила қалбингни тенгсиз тортадир.

Тоғ қизга рашк этиб денгизни кучар,
Бағрига денгизни ул қиз тортадир.

2. Фарангиз

Шу денгиз маликаси эрур гузал Фарангиз,
Фарангиз чўмилганда, сиз денгизга қарангиз.

Яшнаб кетади сув ҳам шодлигидан мавж уриб,
Эй тулқинлар, қиз сочин киприк булиб тарангиз.

Ана, сузиб борар у, уфқларга ошуфта,
Бу шўх лавҳа қошида ожиз ҳар манзарангиз.

Фарангизга бахт тиланг, омад тиланг, завқ тиланг,
Тобе булсин йулида оғир, олис маррангиз.

Сабаб Фарангиз булиб кузимга дур кўринди
Ҳар зумуррад қатрангиз, ҳар бир садаф заррангиз.

* * *

Умр қадрин ўлчагайдир ақлу ҳуш тарозуси,
Яхшилик бирлан ушалгай умримиз бор орзуси.

Акс этар инсон дилинда энг самовий туйғулар,
Қалб уйин ёритса гар ишқу муҳаббат ёғдуси.

Бу жаҳонда энг улуғвор бойлигинг не, деса ким,
Айтажакман, бул азиз бойлик — гудакнинг кулгуси.

Офтоб машшотаси оламга бергай жилвалар,
Ушбу нурдан софланур инсонда кунгил кўзгуси.

На гўзал, ижоду завқинг бирла боғлар гулласа,
Нозланиб оқса пойингда чашмаларнинг инжуси.

Сенга олам кўркидан дилбар ҳикоятлар қилур,
Боғларинг шарбатларию тоғларингнинг оҳуси.

Эй, Ниёз, боқ она-юртнинг ҳуснига минг кўз билан,
Юксалиб борсин тобора дилда фарзанд туйғуси.

ЯХШИ НИЯТ

Яхши ният сенга ёр этгай улуғ орзуни ҳам,
Зим-зиё тун ичра бор этгай ногоҳ ёғдуни ҳам.

Яхши ният бир буюк қудрат эрурким жисм аро,
Аришга элтгай, азм қилсанг, энг чигал туйғуни ҳам.

Сен қанот этсанг уни, тошдан ипак ҳосил булур,
Истасанг, бахтга дунарсан тушни ҳам, уйқуни ҳам.

Бир мунавварлик жаҳонни кузга яққол айлагай,
Сенга тақдир ҳадя этмиш дил деган кузғуни ҳам.

Шодлигинг бор мавж ила унда чароғон акс этар,
Бошлагайсан яхшиликка дардни ҳам, қайғуни ҳам.

Энг оғир ҳолатда ҳам нийятни дилда маҳкам эт,
Қутқазур шердан, агар аҳд айласанг, оҳуни ҳам.

Эй Ниёз, шеър ҳам кунгилнинг дилрабо бир парчаси,
Яхши нийят ҳосил этгай шеър деган инжуни ҳам.

КУНГЛИМДА ОЛИЙ СУВРАТИНГ

Эй Диёр, кўксимда олий сувратинг,
Ҳар ҳужайрамда мужассам сийратинг.

Томиримда оқса гар дарёларинг,
Тоғларинг — кўксимда юксак ҳикматинг.

Тонгларинг — озодалиқ дарси менга,
Тунларинг бағрида ойдин фикратинг.

Боғларинг — шарбат макон, хушбуй сафо,
Дашту водийларда кенглик хислатинг.

Йўлларинг мақсуд сари элтар мени,
Фахр бахш этгай менга ҳар журъатинг.

Кунглим ичра бир жаҳонсан бепоён,
Ишқу ижодда намоён хилқатинг.

Бир қушиқ ёзсам сенга шайдо булиб,
Шул узи ҳам менга чексиз ҳимматинг.

* * *

Эй Ватан, сен меҳримиз сарчашмаси.
Биз — сенинг курку жамолинг ташнаси.

Яшнагаймиз бағринг ичра эрта-кеч,
Барқ уриб дилларда парюоз нашъаси.

Ишқу ижоддан агар дил баҳраманд,
Булғай ул доим гўзаллик ошнаси.

Осмонни кифтда тугмиш тоғлари,
Сойларида офтоб уйнашмаси.

Бул гўзал водийга айланг бир назар,
Ул — бетакрор она-юртнинг каштаси.

Ушбу Юртнинг кўркига найванд Ниёз,
Жону жисмининг узилмас риштаси.

ТОНГ ОТУР

Тонг отур, шарқдан ажиб нурлар келур,
Нур билан осмон тула ҳурлар келур.

Навбаҳорий шуълалан яйрар кўнгил,
Кўп майин оҳангу “қур-қур”лар келур.

Ям-яшил водийларим бахмал кийиб,
Майса, гул бўйнин безаб дурлар келур.

Гоҳ-гоҳ шаддоланиб, шарросланиб,
Кут-барокат кони — ёмғурлар келур.

Навбаҳор айёми ишрат чоғи деб,
Соғиниб дустларни Бобурлар келур.

САВОЛ ВА ЖАВОБ

Осмон дедики, бул кеча ёмгур ёгажакман.
Офтоб дедики, тонгла яна нур ёгажакман.

Дарёга савол айладим, эй, дилда боринг айт?
Ул дерки, элинг ризқи учун дур ёгажакман.

Тоғларга дедим, қайси хаёл ичра чумибсиз?
Дерлар, ёқуту олтину биллур ёгажакман.

Оллоҳ нафаси, айт-чи, шамол, қайга борурсан?
Айтурки, имон аҳлига ҳур-ҳур ёгажакман.

Шоирга дедим, дилда қувонч, кўзда наминг бор?
Дер: эрким этиб эл аро машхур, ёгажакман.

НАСИБ ЭТСИН СЕНГА

Дўстгинам, баҳту баҳор мангу насиб этсин сенга,
Кўнглинг ичра неки бор орзу насиб этсин сенга.

Севги баҳри ичра дил дурдонасин истар кўнгил,
Излаган кўнглингадаги инжу насиб этсин сенга.

Неча тунким, кўзларингга ёндашолмас уйқу ҳеч,
Неча тунда бир келар уйқу насиб этсин сенга.

Бир буюк суз истабон тонгларни кутган чоғларинг,
Ишқ деган мастонавор туйғу насиб этсин сенга.

Неча дўстлар биз тилаймиз ишқинга баҳту камол,
Ушбу дўстлар қалбидан ушбу насиб этсин сенга.

СИРОЖИЛДИН САЙИИДга

Яхши шеър туғилур руҳ эҳтиёжидин,
Порлоқ тасдиқ бунга Сайиид Сирожилдин.

Неки ёзди шоир — ишқу меҳр шеvasи,
Элу юртга улкан садоқат меваси.

Устозлардан урганиб мумтозликни,
Ёш булбулларга қилур устозликни.

Узундан йул босиб келди узун-узун,
Айтмоқ ниятида оламга уз сўзин.

Ҳар бир ёзган ғазали — дил ороми,
Унда акс этди Нигинахон ва Дилороми.

Унда қад ҳам, хат ҳам, ҳад ҳам бор,
Ўрни келиб қолса, “сад-сад” ҳам бор.

Бу табрик хатим ҳажми икки энлик,
Сенга тилайдирман ёш — икки элик.

Дейман, ғазалу шеърни. китобни ёз, ёз!
Шундай ният билан аканг — Жумъа Ниёз.

* * *

Меҳрингиздан истадим бир имтиёз,
Ҳажр аёз этган кунгилга ўтли ёз.

Қаҳрингиз-ку қилча бўлса, шунча кўп,
Меҳрингиз офтобча бўлса, шунча оз.

Кеча кўрдим, солмалингиз бир назар,
Во ажаб, бунча таманно, бунча ноз!

Неча ҳофиз ҳуснингиз малҳ айлади,
Таърифингиз айғди дилда мингта соз.

Севги бу дунёда — энг олий ҳакам,
Эътироф бир ёнда, бир ён — эътироз.

То кутиб бир яхшилик умр ўтказур,
Неча шайдолар аро танҳо Ниёз.

СИЗНИКИ

(ёш дўстларимга)

Оқ кабутардек учинг, нурли фазолар — сизники,
Туш уринг оппоқ булутларга, самолар — сизники.

Бу диёр — олтин замин, боғу чаманлар сиз учун,
Тоғу дарё, кону имкону маъволар — сизники.

Ҳар бирингиз она-юртнинг бахту истиқболисиз,
Байроғу Тугроқу ҳам мағрур Ҳумолар — сизники.

Уй-хаёлингизда акс этсин ҳаёт маънолари,
Яхшиликдан баҳра олган эрк, сафолар — сизники.

Сиз Ватаннинг эрка ўғли, дилнавоз, ҳур қизлари,
Боғ аро шух-шух таралган бул садолар — сизники.

Улғайингиз марду соғлом, дилга юртни жо қилинг,
Чеҳрангиз ҳур-ҳур силаб эсган саболар — сизники.

Сизга боғлиқ юртимиз ободлиги, озодлиги,
Таърифу таҳсину олқиш ҳам дуолар — сизники.

СЕВИБ ҚОЛДИМ ЧОҒИ

Кузларимга ўзгача дунё, севиб қолдим чоғи,
Лолазордир қишда ҳам саҳро, севиб қолдим чоғи.

Кичкина япроқда ҳам бустон курарман, во ажаб,
Томчида қалқиб оқар дарё, севиб қолдим чоғи.

Битта сўзда бир бутун достон мужассам айланур,
Битта оҳда бир жаҳон савдо, севиб қолдим чоғи.

Кул узатсам, неча минг юлдуз қунарлар кафтима,
Йўлга чиқсам, мақсудим пайдо, севиб қолдим чоғи.

Сир уғирлай деб йўлим тўсгай мудом шаббодалар,
Мен утарман зарра бепарво, севиб қолдим чоғи.

Зарралан офтобгача айлар муборакбод мени,
Ҳам ҳавас этгай неча шайдо, севиб қолдим чоғи.

Энди олам аҳлига ошиғлигим нурдек аён,
Бир узингсан беҳабар, барно, севиб қолдим чоғи.

МУҲАББАТ ЧОҒИ

Кузларим лол айлаган гулнинг нафис япроғидур,
Чунки ул гул маскани соҳибжамол ёр боғидур.

Сурмангиз мендан, нечун жисмингда мундоқ изтироб,
Чунки бу ишқ отли бир дарднинг ширин титроғидур.

Кузларингдан ёш келур, дардингни айт деб қистаманг,
Бу неча минглаб севишганлар дилин ирмоғидур.

Бир маҳобатли, улуғ уммон вужудда чайқалур,
Қалб бечора шунча қудратнинг ожиз қирғоғидур.

Бир куриш нурли жамолин менга орзудир мудом,
Дилда бор орзуларим шул орзунинг тирноғидур.

Бўлди, бас, энди севишмоқ қайда, деб жеркманг мени,
“То тирикдурман менга ишқу муҳаббат чоғидур”*.

КЕЗСАНГ ЧАМАНДА

Кезсанг чаманда, сочинг ел бирла уйнашурлар,
Елкаю кўксинг тутиб, бел бирла ўйнашурлар.

Қалбу нигоҳим оқур ушал қаро мавж аро,
Бебош гўдаклардурким, сел бирла уйнашурлар.

Раҳм айла, кўз қароғим ул толаларга шайдо,
Улар-чи, ақлим олиб, феъл бирла уйнашурлар.

Ул толаларки, минг-минг, ҳар тори битта дордир,
Кунглу кўзим бир бутун эл бирла уйнашурлар.

Таслимдир кунглу кўзлар, ҳар буйруғингга тайёр,
Улар меҳрга муҳтож, кел, бирла уйнашурлар.

* Алишер Навоий ғазалидан.

МАНГУЛИК ИЗЗАТ МЕНГА

Хизматингда лаҳза булмоқ мангулик иззат менга,
Иззатинг осмонча тутмоқ энг баланд хизмат менга.

Меҳр ила этдинг табассум, бул — менга олий нишон,
Қаҳр ила нозинг магар ҳам фаҳру ҳам лаззат менга.

Бир қиё боқмас эсанг, сунгсиз булур дардим менинг,
Бир қиё боқсанг — кетиб дардим, келур сиҳҳат менга.

Бир буюк байрам эрур ҳар кун кучангдан ўтмоғим,
Ундаги ҳар зарра тош дурдонадан қиммат менга.

Таъналар бирлан ёзибсан минг хатимга бир жавоб,
Во ажаб, билсанг, нечоғлиқ рутбаю қиммат менга.

Эл агар ошиқлигимдан қулса, ор айлай нечун?
Ушбу иқрор, билсалар, тенгсиз, улуғ ҳурмат менга.

Илтифотинг соғиниб, назру ниёз айлар Ниёз,
Сенга, эй доно санам, шайдолигим — зийнат менга.

НАВРУЗ КЕЛИБОН

Навруз келибон, жумла жаҳон нозланажакдир,
Офтоб қизитиб, аста-секин ёзланажакдир.

Яшнар табиат, дашту адир лола ичинда,
Юртим — чаманим узгача пардозланажакдир.

Ирмоқ куладир, елга ўпич берса бинафша,
Майса қуёш тафтида таннозланажакдир.

Бир лаҳза эшит кумрию булбулни навосин,
Шух-шух таралиб, ялаю шаҳнозланажакдир.

Қайнар сумалак, варрак учар, тую томоша,
Диллар қувониб, соз ила парвозланажакдир.

Жавлон уришар давра тузиб неча йигитлар,
Қизлар безаниб, хусн ила мумтозланажакдир.

Дунёда одам қадри баланд, севса Ватанни,
Юрт ичра яна ҳурмату эъозланажакдир.

АЖДОДЛАР

Не улуғ кошона аждодлар иморат этдилар,
Ул бино ҳар гиштини ишқдан иборат этдилар.

Ҳар китобким, биз учун ёзмиш боболар меҳр ила,
Бахт-саодатли замонлардан ишорат этдилар.

Ўйлаб истиқбону истиқлолу авлод эртасин,
Бахш этиб борлиқларин орзу ифодат этдилар.

Биз уларнинг ҳар сўзин айлаб тумор, ундик букун,
Чунки ҳар сўз қаърида қутлуғ ибодат этдилар.

Юртни севгил, элни севгил, эркин севгил оятин
Кун ҳадислар мағзида бир-бир иродат этдилар.

Биз уларга миңг ташаккурлар десак оздир. Вале
Яхши сўзда ёд этиб қуймоқ ижозат этдилар.

Камтарин, доно мураббийлар, беҳиштий зотлар
Халқимиз қалбинда мангулик иқомат этдилар.

ТОМОШО ҚИЛАР ЭРМИШ

Хуснингни қуёш кунда томошо қилар эрмиш,
Юлдуз била ой тунда томошо қилар эрмиш.

Буткул бу жаҳон, еру само, қатраю заррот,
Не борки бу очунда томошо қилар эрмиш.

Жайхун келадир мавж отиб, ўпгали пойинг,
Тулқин сени Сайхунда томошо қилар эрмиш.

Тоғлар қалашиб, кўрку жамолингни курай деб,
Ҳайрат била афсунда томошо қилар эрмиш.

Бу хусну жамол, кўрку камол фаҳри жаҳондир,
Олам юзи гулгунда томошо қилар эрмиш.

Кўнглида Ниёз ишқи илоҳий била мавжуд,
Куз комилу мавзунда томошо қилар эрмиш.

ЁР УТГАНДА

Табассум бирла ўтдингиз, бу олам нурланиб кетди,
Табиатнинг ўзи ҳам яшнади, мағрурланиб кетди.

Бу не ижодки, Аллоҳ ҳадя этмишдир жаҳон ичра,
Бу хусну бу малоҳатдан замин минг турланиб кетди.

Томоша айлади боғлар, қуёш ҳам қалқди осмонда,
Жушиб ирмоғу сойлар ҳам, шамол ҳур-хурланиб кетди.

Гўё жон кирди япроққа, наводан маст булиб қушлар,
Кириб тилга атир гулларки, тошлар дурланиб кетди.

Баён этмоққа ожизмен илоҳий бул гўзалликни,
Номил айтмоқ билан кунгил уйи маъмурланиб кетди.

ТЕНГ ЁРИТГАЙДИР ҚУЁШ

Тенг ёритгайдир қуёш ободни ҳам, вайронни ҳам
Тафтига олгай текис саҳрони ҳам, уммонни ҳам.

Кулди гулзор, ташрифингдай ярқираб кетди жаҳон,
Шуълавор этдинг, қуёшим, ерни ҳам, осмонни ҳам.

Гар табиатда бу янглиғ оқибат бор, меҳр бор,
Сен-чи, тарк этдинг, нигор, шафқатни ҳам, эҳсонни ҳам.

Сенсиз утган ҳар нафас булмиш асрлардан йироқ,
Бунча сабрим лол этар хушёрни ҳам, ҳайронни ҳам.

Бор умидим, дил уйин равшан этурсан бир куни,
То унутгум бир умр армонни ҳам, ҳижронни ҳам.

Ким бу дунё қуп мураккаб, вақт деган олий ҳакам
Имтиҳон этгай, ахир, донони ҳам, нодонни ҳам.

Яхшилик қилмоққа бел боғлар жаҳонда яхшилар,
Шул ниятга бахш этиб виждонни ҳам, имконни ҳам.

Сузларим дил гавҳаримдир, йўғрилибдир нур билан,
Топмагайсан унда сен кажликни ҳам, ёлгонни ҳам.

Бизга ибратдир заминда боғ яратган боғбон,
Ундирар бир меҳр ила шамшодни ҳам, райҳонни ҳам.

Ушбу шеърнинг матлаи устодлардандир сабоқ,
Эътиқод этгай равонбахш шеърни ҳам, дostonни ҳам.

ИСТАМБУЛДА ЁЗИЛГАН ҲАЗАЛ

Айладим парвоз бу оқшом шаҳри Истамбул томон,
Ҳудди шундоқ интилури булбул саҳарда гул томон.

Кўзга кўз тушганда товлангай меҳр, дер яхшилар,
Чун кунгилдан солинури куприк мудом кунгул томон.

Бир улуғ шаҳри муаззамким, поёну сунги йўқ,
Ястанури Босфор буйинда ул томону бул томон.

Ғарбу Шарқнинг уртасинда бир буюк туркий жаҳон,
Кўксини оламга очмиш: тўрт томон — мақбул томон.

Шавқу шиддат, ишқу ҳайрат, илму санъат бунда жам,
Айтасиз, “энг аввало, бу иш билан машғул томон”.

Неча хил шарбатки, ичсангиз беҳиштий нашла бор,
Қултум ичган бурмагай юз бодайи қул-қул томон.

Баҳри Борон, Баҳри Мармар ҳам Қаро денгиз аро
Мовий кўйлак бирла чақнари унги томону сул томон.

Меваю минг хил мато, зардан фаровон ҳар тараф,
Бир улуғ беҳад бозоргоҳдир, қаранг, буткул томон.

Бир-бировни зиддият этмоққа йўқдир рағбатим,
Бунча булмас Ҳинду Чину Кобулу Муғул томон.

Бу камолотларга, дўстлар, етдингиз дейман нечук,
Бўлдими ё ишларингизда қийин, мушқул томон?

Дейдилар: — Мақсудга идрок бирла йўл топмоқ керак,
Урнида булсин ҳамиша иш томону пул томон.

Куп шаҳар курдим жаҳонда бир-биридан дилрабо,
Лек кунгил оҳанрабодек елгай Истамбул томон.

ПАРИЖДА ЁЗИЛГАН ҲАЗАЛ

Улуғлармен, Фарангистон, бу дунё ичра борингни,
Жаҳон мулки аро тутган мақому эътиборингни.

Париж ичра жамулжам муъжизотлар турфа ҳолатда,
Юракка нақш этиб, кўрдим ушал ҳашму виқорингни.

Самога бош уриб мағрур, жаҳонни лол этар мангу,
Жаҳон пойтахтлари орзу этар Эйфель минорингни.

Бенедиктин шаробингдан ютуб қултум, кунгил очдик,
Тамоман кетказур эркан вужуддан бор ғуборингни.

Лувр сувратгоҳи ичра таҳайюр бирла юрдим маст,
Музайян айламиш мангу Жаконда зардеворингни.

Биби Марям уйи — эҳроми Олийдир, маҳобатли,
Наҳот, инсон яратмиш бунчалик тенгсиз соборингни?!

“Бухоро” деб аталган қаҳвахона кечалар гавжум,
Яна Ҳайёму Саъдий кучаси — кўп шуълаворингни.

Тилингни-ку тушунмасман... Вале ширин талаффузлар
Менга изҳор айларди қувончу иқтидорингни.

“Зафарлар арки”дан утдим кунгилда инжу туйғулар,
Елисей саҳнида кўрдим таманнолик баҳорингни.

Намойиш айлашур минг хил либосни мингта жононлар,
Жаҳон андоза олгайдир кўриб рангин бозорингни.

Иморатларки, тоғ-тоғ, ҳар бири бир санъату бир фан,
Буюкларга қўналга ҳар кўча, ҳар бир канорингни.

Ажаб Париж эрур, “Минг бир кеча” ҳар ғўша, ҳар ёни,
Фарангистон, юракдан қўтлагум оламда борингни.

ДЕҲЛИДА ЁЗИЛГАН ҲАЗАЛ

Сурмаранг осмон эди-ю, манзилим бустон эди,
Яъни мен турган замин афсона Ҳиндистон эди.

Уч дафъа учдим бу кишварни зиёрат этгали,
Дилда ҳурмат-эҳтиром дарё эди, уммон эди.

Буида мавжуд бобурий аждодларим иллизлари
Ҳам туташ диллар уюшган бир буюк қарвон эди.

Келмиш эрди неча элдан кўп шоирлар хушқалом,
Ушбу равшан боғ аро шеър шавқи беармон эди.

Ҳар ғазал мағзин чақиб “Ваҳ-ваҳ!” садолар юксалур,
Эй Мушоира, сенинг сеҳринг танимда жон эди.

Севги рангин товланур ҳар лаҳзаю ҳар лаҳжала,
Ҳар сатр мағзин ёритган Ишқ деган тугён эди.

Пар-пар учгай ҳар ғазалдан истиора қушлари,
Гоҳ мажозу гоҳ ташбеҳдан ақл ҳайрон эди.

Ёр ҳусни, ёр васли, ёр ишқи барқ уриб,
Дил аро анлоқ ҳароратли мунанвар он эди.

Бунча сеҳру бу муъжизот шеър аро қайлин келур,
Балки Оллоҳ марҳамат этган улугъ эҳсон эди.

Қайдаким шеър янграгай фисқу фасол топгай касол,
Ҳар нигоҳда битта оҳ, ҳар оҳда бир дoston эди.

ТОШКЕНТ ҲАЗАЛИ

Доимо бўлсин омон, Тошкент, азиз бошинг сенинг,
Икки мингу икки юздан зиёд ёшинг сенинг.

Минг китоблар бағрида иншо этилмиш бул мақом,
Кўринур олис тарихлар қаъридан Шошинг сенинг.

Санъату ҳикмат сенга икки қанотдир даҳр аро
Ҳамда халқим меҳри бўлмиш мангу наққошинг сенинг.

Қалбга малҳам мавжланиб оққан зилол анҳор суви,
Марвариддан ҳам зиёддир бизга ҳар тошинг сенинг.

Бую бастингга Самарқанду Бухоро елкадош,
Не замонлар забтига куч берди бардошинг сенинг.

Сен бугун тахт қасридадурсан Ўзбекистон бағрида,
Илму санъат ичра тенг олимга фаррошинг сенинг.

Ҳар маҳалланг меҳру бахт, иймону эҳсон қалъаси,
Тонг-саҳардан дошқозонлар лим тўла ошинг сенинг.

Бир вужуд, бир оила, бир хонадон, бир тан ва жон.
Энг яқин дўсту қадрдон — барча қардошинг сенинг.

Қайси бир юртларни кезмай, сенга интилдим мудом,
Жисму жонсан биз учун, биз ҳам кўзу қошинг сенинг.

Бир улуг шаҳри муаззамсан, жаҳон орзу этар,
Нурли манзилларга бошлар шонли Юртбошинг сенинг.

ЖАНОБИ РАСУЛИ АКРАМ МУҲАММАД МУСТАФО ТАВСИФИДА БИР НЕЧА ДИЛ СУЗЛАРИ

Бисмиллаҳир раҳмонир раҳийм,
Меҳрибон раббим, худованди карийм.

Бошладим номинг-ла бу тавсифни,
Расулulloҳ шаънига таърифни.

Сарвари олам — Муҳаммад, ё Расул,
Сенга Аллоҳ сўзлари бўлмиш нузул.

Яъни олам элига сарвар узинг,
Жумла муъмин аҳлига раҳбар узинг.

Неки айтдинг, ғазнаи маъмур эрур,
Яхшилик йулинда бир дастур эрур.

Эзгулик гахтинда чунким шоҳсен,
Умматинг аҳволидан огоҳсен.

Сўзларинг дилга саховат келтирур,
Ким амал этди, саодат келтирур.

Ҳар сўзинг бахту ҳидоят биз учун,
Яхши йўлларда ҳимоят биз учун.

Не амал этдингки, ибрат мактаби,
Ҳосил улғай унда инсон матлаби.

Забт этиб инсон дилин сеҳринг сенинг,
Ҳар сўзингда жо бўлиб меҳринг сенинг,

Бизга Аллоҳ номидин дарс ургатур,
Муътабар ҳисларни дилга урнатур.

Олам ичра утди минглаб анбиё,
Лек сенинг сиймонгда барқ урган зиё —

Марҳамат, шафқат билан булмиш тулиқ,
Ул сени этмиш улуғлардан-улуғ.

Сен таваллуд топганингдин то ҳануз
Гарчи утди даври даврон неча юз,

Бир сўзинг булмай хато, авж ичрасен,
То қиёмат юксалиш, мавж ичрасен.

Чунки сўзинг — барҳаёт ҳикмат фани,
Меҳру шафқат, илтифот, ҳиммат фани.

Дил уйин обод этурға бир низом,
Мағзида олий таважжуҳ, интизом.

Ким амал этди булиб соҳиб камол,
Нури шафқат бирла у очиб жамол,

Қалбида ёнғай адолатдан чироқ,
Ҳам булур кийну адоватдан йироқ.

Яхши феълу яхши иш, кўркам амал
Булгуси инсонга тақдиру тамал.

Неки айтмиш бандага Парвардигор,
Дини ислом ичра булди ошкор.

Яъни Қуръони карим — қутлуғ калом —
Аҳли муслимга эрур нурли наем.

Унда бордир раҳмату ҳам мағфират,
Еру осмоний илмдан маърифат.

Акс этар унда тариқат шуъласи,
Не тариқат, ҳақ-ҳақиқат шуъласи.

Поклигу инсоф, меҳр бирла сабот,
Не улуғ ишдан нурафшондир ҳаёт,

Эйтиқод, иймон надир, одам надир,
Балки буткул коинот, олам надир —

Барчаси ҳар сурада топмиш жило,
Қалбимиз ичра бериб сирли нидо.

Эй Муҳаммад, бемисолдир меҳнатинг,
Меҳнатингдан йуқ сенинг ҳеч миннатинг.

Келди дуч йўлда қабоҳатлар сенга,
Бахш этиб Раббим қаноатлар сенга.

Неча мушрик фитнасин фош айладиңг,
Ранжу заҳматларга бардош айладиңг.

Етказиб Аллоҳ сўзин уммат томон,
Бизни сақлайсан балолардан омон.

Баркамоллик рамзи, эй олийнажот,
Яхши хулқлар бирла сен шуҳратли зот.

Бизни Аллоҳ бирла сен боғловчисен,
Хуш амаллар бирла ардоқловчисен.

Ул таваллуд чоғидин токим абад
Бизга меҳру илтифотинг беадад.

Рост йулдан четга чиқдик неча гал,
Бошимиз чулғаб зулумот ё чигал.

Шунда ҳам ердამга келдинг сен ўзинг,
Булди Аллоҳнинг сузи — ҳар бир сузинг.

Хайриятким, биз бугун ҳақ йулдамиз,
Ҳаққа элтур туғри мутлақ йулдамиз.

Ёйилиб бормоқда ислом турт тараф,
Ким амал этгай анга, топгай шараф.

Ўзбекистоним жаҳоний бир диёр
Булди ислом шуъласидан баҳравор,

Чун унинг куксинда узга ҳол бугун,
Яъни орзу боғи — Истиқлол бугун.

Халқимизга қайтди улкан эрку жоҳ,
Солди халқим куксина Аллоҳ нигоҳ.

Неча вақт булди кунгилда дард ниҳон,
Бизни тақдир этмиш эрди имтиҳон.

Етди-ку Аллоҳга ногоҳ оҳимиз,
Шафқатин тутмай дариг Аллоҳимиз

Бизни қутқарди жаҳолатдан яна
Ҳам маълуматдан, залолатдан яна.

Мустақиллик неъматин бахш этди Ул,
Дилга эзгу орзулар нақш этди Ул.

Ибратингга минг тасанно, эй Расул,
Арзимиз даргоҳида бўлмиш қабул.

Чун бу ишларда сенинг ҳиссанг улуг,
Ҳар неча таъриф десак, қиссанг улуг.

Умматинг — буткул мусулмон олами,
Маънавият, руҳият, жон олами

Сенга таҳсинлар деюр эҳсон учун,
Бизга нозил бўлмиш ул Қуръон учун.

Неча ҳикмат, не даҳолар бизда бор,
Барчасин берган ўшал Парвардигор.

Сен Расулсан, эй Муҳаммад, бахтимиз,
Ҳақ йулин маҳкам тутишдир аҳдимиз.

Фахр этурмиз биз улуғ номинг билан,
Бизга берган олий инъоминг билан.

Ёд этиб номингни биз шому сабоқ,
Урганурмиз яхши ишлардан сабоқ,

Чунки Аллоҳ раҳмати ёрдир сенга,
Икки олам аҳли иқрордир сенга.

Руҳи покинг қуршасин мангу сафо,
Ё Муҳаммад, ё Муҳаммад Мустафо!

ПИТСУНДА ИЛҲОМИ

Не шараф, олам аро доврўғли Кавказ борлиги
Ҳам бу Кавказ бағрида мардона абҳаз борлиги.

Йўқса, Питсунда қаёну биз қаён, денгиз қаён,
Бунда роҳат гўшаси — жаннатмакон ҳаз борлиги.

Дилни тортар йўл яқосинда шинам ошхонамиз,
Бир қалаҳдан қаҳваю хўшлафз ошпаз борлиги.

Очиқ айвон то саҳар янграр мусиқа, базмдан,
Бу садолар ичра энг ҳайбатлиси — жаз борлиги.

Кучаларда неча тусда қиз-аёллар жилвагар,
Шўх либослар ичра соз ўзбекча атлас борлиги.

Гар зериксак, Гагра, Сочи ё Сухуми бир қадам,
Сайр этарга турфа-турфа шаҳру марказ борлиги.

Икки ўн кундан зиёд биз бунда яйраймиз кушод,
Яхшидир ижоду илҳомнинг туганмас борлиги.

Шеър ёзсак, вазнимиздир гоҳи бармоқ, гоҳ аруз
Ҳам тагин гўлқинли илҳом чоғи сарбаст борлиги.

ФОРΟΣ БОҒИДАГИ БИР НЕЧА КУНЛАР

Бир гўзал богким, номин дерлар Форос,
Бағрида кучгай сени шух эҳтирос.

Чунки бошдан то оёқ куйдир зилол,
Ишқу шеър пайвандидандир, эҳтимол.

Пойида қалқиб ётар мовий денгиз,
Бошида чунг қоялар қўш-қўш, эгиз.

Офтоб қутлаб чиқар тонгдан уни,
Ким яратмиш турфа хил рангдан уни?

Айқашиб кетган яшил пистоқига,
Пушти ранг қирмизга, нилий оқига.

Сап-сарик пайваста нонармон билан,
Кимки бир кўрмас, утар армон билан.

Чирмалиб усган баланду пастдадир,
Худди жаннат бағридек орастадир.

Мингта суқмоқ бир-бирин утгай кесиб,
Ҳар куни ун бор алашдим боғ кезиб.

То денгизга тушгунингча минг зина,
Кўп эмас, вақтингни олгай озгина.

Боғ аро ҳам сарву ҳам шамшод бор,
Арчадан тортиб узумдир ё анор.

Бор бу ерда жийда, лиму балх тути.
Саҳнида турли алафлар барқути.

Гул деган-ку минг жило, минг тус билан,
Лолалар пайвастадир кактус билан.

Бу жаҳонда неча хил булса дарахт,
Боридан йўгин ҳисоблаш анча нақд.

Тург ҳовузким, номи “Жаннат чашмаси”,
Куксида олтин балиқ уйнашмаси.

Сачратар фаввора инжу кулгилар,
Ел билан яйраб ифорли гул келар.

Гул уза сайрайди хандон неча қуш,
Масту мустағриқ бу олам мисли туш.

Баъзида тулқин қутургай тоғ-тоғ,
Зур шамолдан тулғаниб, инграйди боғ.

Чун юнон лафзида Форос — бу шамол,
Гармсел ҳам шунга фарзанд, эҳтимол.

Шунчалик қудрат мужассам забтида,
Қалқиғай олам гуё сел кафтида.

Оҳ, ҳаво бўлганда бунда осуда,
Не гузалликлар намоёнди суда!

Соҳил узра товланур минг моҳтоб,
Яйратур нозик баданни офтоб.

Бунда чеҳра, бунда қомат, бунда бел,
Ҳар санамки, курса фарёд чеккай эл.

Соғ баданда булғуси соғлом ақл,
Халқимизда куп синалган бу нақл.

Бунда бир ой дам олиб, куч тупладим,
Нон-тузин тотдим, сувидан ҳупладим.

Бир ҳавоким, бир денгизким, худди май,
Шўх юрарсан кайф демай ё май демай.

Бир туз ичган жойга қирқ кундир салом,
Ушбу шеър — бу боғга дилдан эҳтиром.

УЛФАТЛАР МАДҲИЯСИ

Яхши яйраб, ёмон зоти хор бўлсин,
Дилдан дилга муҳаббат изҳор бўлсин,
Дил Оллоҳда, қўлда эзгу кор бўлсин,
Туйлар бўлсин, туйларда ер-ёр бўлсин,
Барча дўстлар соҳиби рузгор бўлсин.

Ҳар бир сўзи ҳикмат эрур ё мақол,
Дунё кўрган, фикри аниқ ва яққол,
Ўрга ёндир, юздан сунгра булар чол,
Исми шариф — Отақузи оқсоқол,
Мисли Чатқол дунёда пойдор бўлсин.

Бу дунёда бор-ку салом ва алик,
Яхшиларга ётдир оғир кексалик,
Яхшиларга ярашгайдир эркалик,
Шогирд эрур Беҳзодга Абдулмалик,
Лайло каби бир ёрга дучор бўлсин.

Дўст тутиниб қуролу қалам билан,
Гоҳ шодлигу гоҳида алам билан,
Хаёлида бир гўзал санам билан,
Сўхбат қуриб қалаҳ билан, шам билан,
Назарматга ширин орзу ёр бўлсин.

Дутор куйлар... Фуломқодир қўли бу,
Ўзбек халқин босиб утган иули бу,
“Дилхирож”дир ё “Ироқнинг чули” бу,
Устод эрур, улфатларнинг гули бу,
Юрагида ҳамиша баҳор бўлсин.

Ҳар ишида, ҳар сўзида бор низом,
Яъни дейлик соат каби интизом,
Устозидир Фирдавсий бирла Ҳайём,
Шоисломдир Жомий билан ичган жом,
Ижод билан доим бахтиёр бўлсин.

Кейин күйма бугун қилар ишингни,
Жондай асра улфат тутган кишингни,
У ёз этар ҳатто аёз-қишингни,
Агар оғриқ зирқиратса тишингни,
Қудрагилло тилинга шиор бўлсин.

Ижод этиб толиқмайдир Исмойил,
Кунгли доим эзгу ишларга мойил,
Қаҳ-қаҳасин зарби шунчалар қойил,
Сапчиб тушар Истамбулу Исроил,
Бир мизғиса, кўзлари хуммор бўлсин.

Агар айтсам сизга гапнинг пухтасин,
Ўз вақтида кўйинг сўзнинг нуқтасин,
Даврамизда соқий эрур Тухтасин,
Гузалларни курса, узар нухтасин,
Шу йигит ҳам бу оламда бор бўлсин.

Не буюрса дилинг, дустим, шуни ёз,
Шу улфатлар даврасига бўлгил мос,
Тарк этмасин бизни қувонч, эҳтирос,
Вазн бузмай, исмимдир Жумъа Ниёз,
Дустлигимиз доим барқарор бўлсин.

ЙУҚЛАШ

Тукис булмас инсоннинг бахти,
Бир қусурдан ҳолимас тақдир.
Яшнаётган умр дарахти
Неларгадир яна илҳақдир.

Юрагимда ётар бир тугун,
Танга солиб аламли титроқ,
Ечилмайди, афсус, кунма-кун
Тугилади балки қаттиқроқ.

Барча бахтли соатларимга
Бир доғ булиб урали муҳр,
Табиатим, одатларимга
Тамга чекиб кетмиш бир умр.

Юрагимда дардларим ниҳон,
Уртанаман, ёнаман жим-жим.
Гуё бурун қайирган ниҳол,
Тополмайман асло иложин.

Бўм-буш булиб қоламан бирдан,
Ҳазм этолмай яшаш туйғусин.
Топиб булмас сени ҳеч ердан.
Йуқотганим, онажон, бу сен!

Қанча сенга бўлмайин хумор,
Йуқлик сари қўйгансан қалам.
Кўзларимга олам булса тор,
Чигилимни ёзади қалам.

Ҳамма нарсам етарли бугун,
Бахту обрў — бари мукамал.
Орзуларим очилиб гулгун,
Ишқ, ижодда севинчим тугал.

Қани, шодлик, ҳаяжонимга,
Шерик бўлиб, жилмайсанг бир зум.
Эшикдан шод кирган онимда,
Кузларингда ёнса табассум.

Орзуларим сўзласам бир-бир,
Ўгитларинг тингласам қулиб.
Майли, койи, утса бирор сир,
Мен эшитай таслимнинг булиб.

Бироқ энди мумкинмас булар,
Булар энди сароб бир хаёл.
Хаёл баъзан алдамчи булар,
Хаёллардан голибдир ҳаёт.

Дилдан ёдинг сизиб угаркан,
Тиқилади бирдан нафасим.
Оналарни бошга қутарган
Ўғилларга келар ҳавасим.

Шунда сени излаб қоламан,
Фарзандларим қошу кузидан.
Аччиқ ўйлар ичра толаман,
Сўзларингни излаб сўзидан.

Яна меҳринг булади далда,
Дейсан: “Энди кўп куйма, ўғил!”
Сал енгилтик сезаман дилда
Ва иш билан буламан машғул.

Ҳамма нарсам етарли, тулиқ,
Куз унгимда ёп-ёруғ жаҳон.
Фақат энди ёнимда сен йуқ,
Гуноҳимни кечир, онажон!

ТУМАН БОСМИШ ХАЁЛИМНИ

Куйиб бергил менга, соқий, у хумдан ҳам, бу хумдан ҳам,
Кунгил қолди ҳадеб чой ичмоғу қанду тухумдан ҳам.

Газак айлаб менга еткур лиму бирла апелсинни,
Агар лозим десам топгил Ботумдан ҳам, Сухумдан ҳам.

Агар ичсанг, гуноҳларга ботурсан, дер менга носих,
Безибдурман маломат айлаган турфа зугумдан ҳам.

Дедиларки, Қизил ёхуд Қароқумдан шифо топгил,
Давосин топмадим аммо у Қумдан ҳам, бу Қумдан ҳам.

Бу сўзлар фарқига етмай, туман босмиш хаёлимни,
Наҳот, булдим жудо кунгилла кул босган чуғимдан ҳам.

Сатангдек жилвалар бирла мени маст айлабон аввал,
Ки май туйдирди жонимдан — ўзим бездим узимдан ҳам.

Мени тез қутқар, эй тақдир, бу майнинг истилосидан,
Тамоми ажралиб қолмай шу бору шу йуғимдан ҳам.

МАЙХҲҮРНИНГ ТАЗАРРУСИ

Ташнадурмен, меҳрибонлар, майни дам-дам келтиринг,
Лим-лим айлаб косани, соғарни шахдам келтиринг.

Ўзгинам яйраб ичай-да, жон ғамимдан бир кечай,
Майли, мул-мул булсину ё майли кам-кам келтиринг.

Бода кайфин, май шукуҳин оппоқ ичганлар билур,
Майли, жаннат булсин ул, майли жаҳаннам келтиринг.

Гар улар булсам, мазорим бошига йуқлаб утинг
Ҳам ароқий шишани шамдон этиб, шам келтиринг.

Фарқи йуқ оқу қизил — май булса, бас, шай булса, бас,
Барчасин омухта айлаб, барчасин жам келтиринг.

Қатрасинда мушку анбарлар мужассам, дейдилар,
Меҳрингиз тутмай дариг, сиз ҳам мужассам келтиринг.

Шул назар бирланки, дустлар, зое утмиш йилларим,
Менга инсоф келди кечроқ... энди малҳам келтиринг.

ГУШТ ТАЪРИФИДА

Туркча — эт, форсийда — гушт, лаҳм у араб алфозида,
Рус лисони бирла айтсангиз мясо, дейдилар.

Гушт танангни яйратур, жонингга қувватдир яна,
Кун еган туқсонда ҳам юргай беасо, дейдилар.

Ишлагай гушздан вужудда ҳар ҳужайра мисли барқ,
Норасолик кучасин кўрмассан асло, дейдилар.

Шунчалар олий таом, ҳатто лаҳолар тан олур,
Бўлсин ул Гомер, Беруний ё Пикассо, дейдилар.

Бўлгасен гушздан эл ичра мисли Суқротдек ҳаким,
Энг ками ҳикмат аро Машраб ё Руссо, дейдилар.

Гарчи бозор ичра мўлдир, нархи осмондир бироқ,
Сабр қилган бир куни мингуси “Нексо”, дейдилар.

ҚОЛАСАН

Узингдан каттани “жон-жон”лаб қоласан,
Буйнига осилиб, маржонлаб қоласан.

Узингдан кичиклар этсалар арзи ҳол,
Бурнингни кутариб, осмонлаб қоласан.

Бир фойда бор жойда тавозе бепоён,
Нафи йўқ иш булса, шайтонлаб қоласан.

Бир кунда неча ранг турланиб қиёфанг,
Кимни мақтаб, кимни ёмонлаб қоласан.

Ҳеч айбни ўзингга асло ҳам йўлатмай,
Ғуноҳкор “фалону фалон”лаб қоласан.

Бу ҳаёт карвони имтиҳон этадир,
Устамон булма куп, пушмонлаб қоласан.

ҚАЁН КЕТДИНГ?

Нечун барвақт дуконни, эй сотувчим, қулфладинг-кетдинг,
Наҳот, шунча харидор ҳурматиға туфладинг-кетдинг?

Ёхуд ҳордиқ чиқармоққа сафарни ихтиёр айлаб,
Крим, Ялта хаёл этдинг ёхуд Гурзуфладинг-кетдинг?

— Қаён бормоқчисан? — дсб ким савол этса, чиқиб жаҳлинг,
Сукишга шайланиб обдон, оғизни жуфтладинг-кетдинг?

Юракми санчадур ёким асабми қақшаган баттол,
Нафасни ичга ютганча, толиб, уф-уфладинг-кетдинг?

Агар аслин олар булсак, сени тепган эмас бурга,
Бўлар-булмас сабабни шар қилиб пуф-пуфладинг-кетдинг.

ГУЛОБ ИЧРА

(Навоий газалига мухаммас)

Не дардга чулганибсан, эй, нигоро, ваҳм хоб ичра,
Ёнурми ташналаб саҳро сенингдек чуғ сароб ичра,
Шифо истаб, тополмасман давосини китоб ичра,
Иситқон, нозанин, жисмингки тердан тушиди тоб ичра,
Эрур бир оташни гул баргиким ётқай гулоб ичра.

Бу ҳасрат жисму зоримни ёқибдир мисли чақмоқким,
Ишим фарёд ила оламни эмди ўтга ёқмоқким.
Куяр оҳим шароридан бу ўтга булса боқмоқ ким,
Иситма ранжидан, эй, гул, булибсан ғунча андоқким.
Ҳариру хуллалик жисминг тушибдир печу тоб ичра.

Наҳот, нозик бу кўнгил шишаси гам сангидан синса,
Ниҳолимга қазо офаглари ҳар лаҳза ёпринса,
Умидим шул, баногоҳ бунча ғурбатлар тамом тинса,
Иссиғликдан танинг ўт бўлди, тонг йўқ, неча талпинса,
Ҳароратдан қолибдир шуъла доим изтироб ичра.

Иложин қил ўзинг, жоним, нечук ўлмоғим истарсен,
Эзиб жонимни малҳам айласамми жонни асрарсен,
Сариқ ранг солмасин соя, ҳали бир ғунчаи тарсен,
Қизил чодаршабу мовий тушаклар ичра титрарсен,
Анингдекким, қуёш куклар била гулгун саҳоб ичра.

Ҳарорат зўридан гоҳи бўлибсан ҳуд, гоҳи беҳуд,
Кўзингни оч, мени дарду аламда қилмайин нобуд,
Руҳинг ранж чекмасин, эмди саломатлик удумин тут,
Лабинг ёқути ичра қатра-қатра термидур ёҳуд
Тушибдир дона-дона инжу икки лаъли ноб ичра.

Менга етқурдилар ногоҳ, қаро булди деб осмонинг,
Неча кунким бу дард ичра ёнармиш жисм ила жонинг,
Кутар бошинг, кулиб боққил, булай ёнингда қурбонинг,
Делиларким, хароб улмиш иситмоқ бирла жононинг,
Не ўтларким, бу суздан тушмади жони хароб ичра.

Ниёз айтдим узимга: Ёр дуосини зиёд этким,
Булиб ёнида парвона, садоқат, эътиқод этким,
Тилаб соғлиқларин, илгин ўлиб, қутлуғ мурод этким,
Навойй, ёрни топсанг саломат, хайрбод этким,
Яна заъф этса ногоҳ, қолмагай жонинг азоб ичра.

ҚИЗИЛ, СОРИҒ, ЯШИЛ

(Навойй ғазалига мухаммас)

Кузларим лолдир кўриб, бўстон қизил, сориг, яшил,
Неки бўстон, дашт ила майдон қизил, сориг, яшил,
Йўқ, тамомий ер билан осмон қизил, сориг, яшил,
Хилъатин то айламиш жонон қизил, сориг, яшил,
Шуълаи оҳим чиқар ҳар ён қизил, сориг, яшил.

Эсди шухчан бир насимким, сарвқад ул моҳдин,
Энди сиз ақл истаманг мен мубғало гўмоҳдин,
Худ Юсуфдек чиқмоғим душвордир бул чоҳдин,
Гулшан этдим ишқ саҳросин самуми оҳдин,
Ким эсар ул дашт аро ҳайрон қизил, сориг, яшил.

Етти ранг тинмай оқур ул водию бул водидин,
Тинмиш идроким қулоғи шунча ранг фарёидин,
Сақланинг, бор мавжудот, аччиқ оҳимнинг бодидин,
Шишадек кўнглимдадир гулзори ҳуснинг ёдидин,
Тобадоннинг аксидек айвон қизил, сориг, яшил.

Ҳолатим бундоқлиги ширин висолидин эрур,
Фикратимда баққиган тенгсиз мисолидин эрур,
Лаб зилоли, қош ҳилоли, чеҳра олидин эрур,
Орази холинг била хаттинг хаёлидин эрур
Кузларимнинг олдида даврон қизил, сориг, яшил.

Қон била қирмиз булибдир бу кўнгилким ғамзада,
Турфа туғёнлар била ёнғай яна ҳар лаҳзада,
Турт фасл шиддатланур пайваста қалққан ларзада,
Лаългун май тутки, олтин жом бирла сабзада,
Ким булардир яхши йўқ имкон қизил, сориг, яшил.

Қисматимда зору танглик бордур беҳад ва лек,
Энди дунё кузларимга тордур беҳад ва лек,
Кунглим ичра заҳмлар бисёрдир беҳад ва лек,
Фақр аро бир ранглик душвордур беҳад ва лек,
Ҳирқада тикмак эрур осон қизил, сориг, яшил.

Бул жилолардин, Ниёз, бир яхши ахбор истама,
Ярқираб сунган саробдин мавжи анҳор истама,
Парларин бир лаҳза ёйган кабкдин сор истама,
Эй Навоий, олтину шингарфу зангор истама,
Бўлди назминг рангидин девон қизил, сориг, яшил.

ТОРТАЙИН

(Навоий ғазалига мухаммас)

Ишқ аро ҳар ғамки бор, номехрибондин тортайин,
Розимен, етсин маломат ҳар томондин тортайин,
Таънаю дашномлар пийру жавондин тортайин,
Ошиқ ўлдим, неча жавр аҳли замондин тортайин,
Улки онғуби замондир, бори ондин тортайин.

Во ажаб, қолдим бало илгинда умрим борича,
Дуст йиғлар ҳолима, душман кулар майлар ича,
Кундузим гирёнлик, оҳимдан тутаб ёнгай кеча,
Ёр ила агёр зулми ҳаддин ошди, ваҳ, неча,
Васл учун жабру жафо яхши-ёмондин тортайин.

Ишқ водийсинда мен кўкрак керардим мисли шер,
Неча Мажнунлар кўриб бул ҳолатим, устод дер,
Энди арзим тингламас буткул жаҳон — осмону ер,
Ҳажр гирдобиндадур кўнглим, каманди васл бер,
Ким солиб они бу баҳри бекарондин тортайин.

Тобакай ўртар юракни дард-аламлар бунчаси,
Қонли кўнглим дашт-адирлар лоласин гулғунчаси,
Мингта ошиқ қисматин босгай унинг бир кунчаси,
Сен танаъум гулбунидин уз фароғат ғунчаси,
Мен бало пайкони жисми нотавондин тортайин.

Ёр хаёли ичра истармен мудом бир илтифот
Ҳам тилайдурмен фалакдин кўнглима сабру нажот,
То ҳануз олмоқ қийиндир ишқ дарсидин савод.
Борғали куйига эғнимдин чиқар гуё қанот,
Жавридин десам, оёқ ул остондин тортайин.

Бир бошимда ёр савдосин эрур минг ғуссаси,
Келмагай васлу висолин лоақал бир муждаси,
Бир амал топмас, наҳотким, ваъдаларнинг турфаси,
Меҳмоним бўлсанг, оллингда ҳаводис туҳфаси,
Неш тандин, ўқ кўнгилдин, нола жондин тортайин.

Комронлик истадим, топдим вале захру завол,
Мен, Ниёз, аҳли кўнгилни уртагай минг бир савол,
Айламас дуст лутфу шафқат этмагай соҳибжамол,
Эй Навоий, неча қилғайлар этакдек поймол,
Мен дағи эмди этак аҳли замондин тортайин.

НАВРУЗ

(Навоий газалига мухаммас)

Паёпай юксалиб офтоб, ҳарорат авж олиб кам-кам
Эсиб шух жонфизо еллар, яшиллик гуркираб кўркам,
Ёзибдир тоғу саҳрода гуногун сепларин куклам,
Мувофиқ кийдилар, бўлмиш магар навруз ила байрам,
Чаман сарви ёшил хилъат, менинг сарви равоним ҳам.

Дилинда туйғулар қарвон, этиб ақлин анга сарбон,
Юракдан кетқуриб армон, бу боғни айлаган сайрон,
Бисотинг эт намоён, эй баҳорни қутлаган боғбон,
Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавтон,
Анинг шайдоси бир деҳқон, мунга шайдо бари олам.

Бу олам боғида, ёрим, узинг раҳбар, ўзинг сарвар,
Тамоми мавжудотга шуълалар сочган моҳи анвар,
Музаффарсан, мунавварсан, муаттарсан, яна акбар,
Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлиб дилбар,
Ани ел айлабон музтар, бу елдин секратиб адҳам.

Бу ён наргис, бу ён ялпиз, бу ёнда лолаю сунбул,
Бу турфа рангу оҳанглар сени мафтун этар буткул,
Кузим, сипқор бу оламини, бу бахтдан яйрагил, кунгул,
Қўниб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин гулгул,
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушиб шабнам.

Билурмиз, ушбу боғлар ҳам узингдин баҳравор, жоно,
Кутиб ташрифларинг гул-гул безанмиш дашт ила сахро,
Йўлингга термулиб турдик, қиё ҳам боқмадинг ҳатто,
Қилиб оҳим сари парво, бу ён майл этмадинг қатъо,
Сабодин, эй қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам.

Фанимат ушбу боғ ичра баҳорнинг жилва қилмоғи,
Яна қиш фасли етгайдир. сунар тоғларнинг ирмоғи,
Билингиз лаҳзалар қадрин, ҳар ишнинг бор-ку қирғоғи,
Бу боғ ичра май, эй соқийки, бормен асру муштоқи,
Ки анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.

Булур аҳду муҳаббатдан ҳаётда муддао ҳосил,
Ва ҳижрон заҳматин снган бўлур ёр васлига восил,
Ниёз аҳди эсанг, узма умиллардин қўлинг, эй, дил,
Навоий, куйин эт манзил, юзу қаддиға бул мойил,
Ки боғ этмас сени хуш дил, гулу сарв айламас хуррам.

УЛ САНАМКИМ СУВ ЯҚОСИНДА...

(Атойи ғазалига мухаммас)

Тонгда ярқ этди хаёлим кузгусинда турфа нур,
Тортди равшан бу илоҳий шуъладин қалбу шуур,
Куз, етакла, дил букюрган ерга, эй жоним, югур,
Ул санамким, сув яқосинда паритек ўлтурур,
Ғояти нозуклигидан сув била ютса бўлур.

Эй сабо, мендан бурун етсанг қошиға меҳр ила,
Шуълайи офтоб билан ул ой атир сочин сила,
Уп оёғин, мавж уриб, эй, сой, анинг лутфин тила,
То магарким салсабил ойина жавлонин қила,
Келди жаннат равзасиндин оби кавсар сори хур.

Ул хуснким, уз-узин айлар тамошо кузгуда,
Ул нигоҳларким, қиёси булмагай ҳеч оҳуда,
Қад ниҳолин сарвлар кўрмоққа эрмиш орзуда,
Ул иликким, сувдин ориқдур, юмас они суда,
Балки сувни пок булсин деб илик бирла ювур.

Шеър таъриф этмоққа ожиз ҳолатин минг суз билан,
Қошу кўзму — янги ойму сирлашур кўлдуз билан,
Балки чиққандир паризод сайр этиб навруз билан,
Энди билдим, рост эрмиш, балки курдим куз билан,
Улки дерлар сув қизи, гоҳ-гоҳ кўзга кўринур.

Эй Ниёз, оламни ёритган гузал барнога боқ,
Сув булиб дилбар осғи остидан бир лаҳза оқ,
Сувратин нақш эт юракка, суҳбатин эт иштиёқ,
Қошлари ёсин Атойи кўргали хусн ичра тоқ,
Субҳидам меҳробларда сураи ёсин ўкур.

ЎЛАНДАН СЎР

(Фузуний ғазалига мухаммас)

Бу ҳижрон шиддати заҳмини дил абгор ўландан сўр,
Кутардин тоқати тоқ, суврати девор ўландан сўр,
Висол умиди қалбинда ва лекин бор ўландан сўр,
Шифойи васл қадрин ҳажр ила бемор ўландан сўр,
Зулоли завқ-шавқин ташнаи дийдор ўландан сўр.

Тирикман то хаёлинг бирла, биздан энди йўл бурма,
Кириб ағер базмига, ниҳоят, бизни улдурма,
Губори мақдаминг булсин бизим бу кўзлара сурма,
Лабинг сиррин келиб гуфтора мандин ўзгадан сўрма,
Бу пинҳон нуктани бир воқифи асрор ўландан сўр.

Муҳаббат қайда-ю, қайда ушал лоф ургучи жоҳил,
Алар бир лаҳза булгайму муҳаббат қасрига дохил,
Бу дашт ичра кезиб гирёна, истармиз бирор соҳил,
Кузи ёшлуларин ҳолин на билсун мардуми гофил,
Кавокиб сайрини шаб то саҳар бедор ўландан сўр.

Кунгиллар булди садпора бу дашт ичра тиканлардан,
Жафо тийғи егибдир аччиқ-аччиқ жону таилардан,
Тагофил булма фурқат тоғи ичра куҳқанлардан,
Хабарсиз улма фаттон кузларинг жаврин чеканлардан,
Хабарсиз мастлар бедодини хушёр уландан сур.

Хазон япроғидек ҳажрингда сўлди чеҳрайи олим,
Бошимга турфа андуҳларни солди гардуни золим,
Етишмоқ орзуси тақдир китобидан эрур фолим,
Фамингдан шамтак ёндим, сабодан сурма аҳволим,
Бу аҳволи шаби ҳижрон маним-ла ёр уландан сур.

Висол шайдолари бир кун булур ёр васлига восил,
Машаққат чекмайин кимдур қилибдур муддао ҳосил,
Ниёзий иштиёқингда риёзат бандасидур, бил,
Муҳаббат лаззатидан беҳабардир зоҳиди гофил,
Фузулий, ишқ завқин завқи ишқи вор уландан сур.

НАВБАҲОР

(Муқимий ғазалига мухаммас)

Бағрига инсонни чорлар кукни улган тоғлар,
Куз гутиб йулларга норлар нуқра куз ирмоқлар,
Бир томон сайҳонлик эрса, бир томон қирғоқлар,
Навбаҳор, очилди гуллар, сабза булди боғлар,
Сухбат айлайлик, келинлар, журалар, уртоқлар.

Бу чаманким, неча рангда товланур офтоб ила,
Зарра-зарра зар эмиб ҳам реза-реза об ила,
Гоҳ кулиб, гоҳида куйлаб шухлигу одоб ила,
Хуш бу маҳфилда тириклик улфату аҳбоб ила,
Уйнашиб, гоҳе табиатни қилайлик чоғлар.

Неча гулрулар ичидан бир дилоро сайлайин,
Ишқ розин айтғали эмди узимни шайлайин,
Фикри мумтоз, ҳусни зебосин яна мадҳ айлайин,
Рух очиб, куздан ниҳон булса паридек, найлайин,
Айрилиб хушу ақлдан телба булмай соғлар.

Ишқ аро утмишда, дўстлар, не балолар бор экан,
Севгида минг Қайсу минг Фарҳодга олам тор экан,
Гоҳ тикан тутса муҳаббат, гоҳида гулзор экан,
Ҳайфким, аҳли тамиз ушбу маҳалда хор экан,
Олдилар ҳар ерда булбул ошенин зоғлар.

Неча ағёр измини бу йулда инкор айласанг,
Ёхуд ул бемеҳрни аҳлига иқрор айласанг,
Қилмагай баъзида дўст ҳам илтифог, зор айласанг,
Малҳам истаб кимсадин, дил захмин изҳор айласанг,
Чорае қилмоқдан узга устига тирноғлар.

Дустга содиқлик ишида ҳар нафас қойим Муқийм,
Қайтаролмас кимса бу рағбат аро ройим Муқийм,
Шафқат этгай, эй Ниёз, албат, дилоройим, Муқийм,
Тобакай бундоқ маломат кунжида доим Муқийм,
Бу замон кўз тутгил эмди сенга булсин тоғлар.

КЕЛИНЧАК

(Фурқат ғазалига мухаммас)

Келди ногоҳ боғ тарафдан хуш садоли бир жаранг,
Ул томон пешвоз югурдим, ҳайрат ичра ҳангу манг,
Бир келинчак сайр этарди, худди чақмоқдек башанг,
Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинодин лоларанг,
Ҳозадин юзларда тобу усмадин қошлар таранг.

Шунча масъуд, шунча дилбар, тип-тиниқ бир даста нур,
Сайр этиб юрган мисолким равзайи ризвонни хур,
Худди юлдуз тизма-тизма, оқ бўйинда шода дур,
Заъфароний куйлак узра аргувоний камзухур,
Руймол оғушидин пешонанин аҳроли танг.

Пок нигоҳларда юракнинг акси уйнар шўху пок,
Дилгинангни бир боқишда айлагайдир чок-чок,
Бир гузал, навраста гулким, лаб гилосдир, сийна пок,
Бори нозик панжалар олтин узукдин зебнок,
Қўл биларзукдин музайян, нуқрадин оғизда чанг.

Ним табассумли қарашлар кунглинга солгай каманд,
Гоҳ қанот бергай, гоҳо осмонча этгай аржуманд,
Тегмасин куз, барқ уриб, уссин шу боғ ичра баланд,
Гавҳар осқон ҳалқалар сиймин баногушинда банд,
Куринур зулфи тунинда субҳи содиқдек аранг.

Ҳам ғурур бор кузларинда, ҳам нафосатли сурур,
Шух, таманноли нигоҳда неча уйлар чарх урур,
Чашмада гоҳ қул ювур, гоҳ юзни гулларга бурур,
Ғамза бирла ултирур, гоҳ жилвалар бирла юрур,
Турфа бир ноз, офарин, пур ишва таннозу сатанг.

Тишлари қошинда юз дурдона бозори синиб,
Кулгиси олдинда шух оққан ариқлар ҳам тиниб,
Ғунча лабдин лола-гулларга қизилликлар иниб,
Ақлу ҳуш элтар, агар турса парилек силкиниб,
Одамзод ичра ҳам мундоғ булурми шуху шанг?

Энди мен асло қутулмам оху армон дастидан,
Уйлаб-уйлаб ул ғузални, аҳду афғон дастидин,
Булса мумкинди қутулмоқ ҳатто осмон дастидан,
Йуқ қутулмоқлиғ менга ул офати жон дастидан,
Қасдима қошлар камон, пайваста мужгонлар халанг.

Кунглим ичра гоҳ туман бор, ярқирар гоҳи чароғ,
Гоҳ заминдек пастда булсам, гоҳ баландман мисли тоғ,
Икки ёлқин, икки тўлқин ичра қалбим тумтароқ,
Ул париван ишқида гоҳ телбадурман, гоҳ соғ,
Чунки бордир орамизда гоҳи сулҳу гоҳи жанг.

Қай куни тақдир менга бул бахтни кузгу айлади,
Жумла ошиқ, эй Ниёз, бахтингни орзу айлади,
Зарра шафқатни қачон сенга париру айлади,
Жаврларким, Фурқат, ул шуху жафожу айлади,
Бунчалик жабру ситам қилмас мусулмонга фаранг.

ҲИНД ҒУЗАЛИ

(мухаммас)

Мулки Ҳинд ичра кезардим бир замон юртдан нари,
Дилда соғинч, дилда армон, дилда ҳайрат лашкари,
Ўтказардим тунни бедор, уйларим ҳам сарсари,
Тонгда сайрон этгали чиқдим ажойиб Ганг сари,
Соҳил узра ул турарди эғнида гулранг сари.

Мавж ила тоғдан келиб оққан каби саҳрога у
Ёки роз айтмоқ учун чиққан каби Зухрога у,
Бор жаҳонни банд этиб минг шуришу савдога у,
Худди танҳо сарвлек мафтун боқар дарёга у,
Яшнатиб буткул камолин офтоб сепган зари.

Мен ушай барнога чин дилдан тилаб иқбол бол,
Қошида буткул жаҳон бирла турардим дол-дол,
Во ажаб, сиймин бадандир, гунча лаблар ол-ол,
Тим қаро сочлар қаро тундек, эшилмиш тол-тол,
Манглай узра лаъл хол ҳам офатижон кўзлари

Турфа туғён ҳолатимга ушбу дам мосдир, вале,
Бу улуғ бир эътиқод, ишқона ихлосдир, вале,
Ушбу туйғу шоиримдан менга меросдир, вале,
Ҳар ғузалик қошида шайдолигим ростдир, вале,
Бир қиё боқмоқ ила забт этди ҳинду дилбари.

Чин кунгилдан мен уни осмонча этдим аржуманд,
Бир нафис гул хирмониким, қадду ҳусни сарбаланд,
Балки Бобур наслидандир ё Банорасдан бу қанд,
Соядек турдим соҳилда неча уйлар ичра банд,
Билмадим, Панжобидирми ёки Кашмир сарвари.

Ҳар таманноким, сенга минг битта дoston сўзлагай,
Ишваю нозларки, ошиқ мисли тургай бузлагай,
Қалбинг ичра энг нафосатли ғазаллар қузғагай,
Ҳинд элига рамзу тимсолдек уфқни кузлагай,
Ним табасумли нигоҳларда ҳақиқат гавҳари.

Не хаёллар ичра банддир ул ҳарир кийган санам?
Гоҳ боқар дарёгаю гулшанга гоҳ қуйгай қадам,
Гоҳ китоб кўргай, гоҳо илгида уйнайдир қалам,
Толиби илму ҳунардир, она-юрт шайдоси ҳам,
Қатра-қатра шеър ила тулгайму кўнгил дафтари.

Офтоб машшотаси қўйганча биллур кўзгуни,
Акс этарди ул мислсиз турфа рангли ёғдуни,
Кузларингда, эй Ниёз, кўрдим илоҳий орзуни,
Фурқатий шогирдиман, кўнгилга нақш этдим уни,
Бу газал шоядки етса, бир уқиб қўйса пари.

ДУСТЛАР

(мухаммас)

Севги ичра ҳолингиз ҳеч булмасин танг, дўстлар,
Севги, бу — мангу жасораг, бахт учун жанг, дўстлар,
Дилда сеvgи кўзгагай минг завқу оҳанг, дўстлар,
Айтайин мен ишқ дostonимни, тингланг, дўстлар,
Бу кўнгил асrorини кўнгилдан англанг, дўстлар.

Офтобким, рубару уйнаштилар кузгу билан,
Севгидан кўнглим қуши шўх галпинур орзу билан,
Унда шодлик тошқини уйқаш ширин қайғу билан,
Ишқ тулдирди ҳаётим мазмунини ёғду билан
Ҳам умр гулзорига бахш этди ишқ ранг, дўстлар.

Турфа туйғу кўп жаҳонда, сеvgига йўқ иқтибос,
Унда юксак фикр бордир, унда жушқин эҳтирос,
Истасам, кўкларга парвоз этмоғим минг бора рост,
Ёрнинг меҳрини сиз офтоб билан айланг қиёс,
Яшнаган кўнглимни шўх гулшанга тенгланг, дўстлар.

Бу жаҳоннинг қор-борин кўзларим равшан кўрар,
Кўзларим олдида дўстларнинг жамоли хуш турар,
Эзгулик ҳам элга хизматдан ҳаётим гуркурар,
Бахту иқболим салоқат ҳам вафодан барқ урар,
Шул сабаб кўнглимни кўзгусила йўқ занг, дўстлар.

Қайда бахт бор, соядек боргай қошинда бир гами,
Қайда аҳд бор, гоҳ жафожулик булур ишқ ҳамдами,
Ишқ қадрин сарбаланд тутгай камолот одами,
Севги инсоний саодатдир, гузаллик олами,
Сиз уни ноҳуш, совуқ еллардан асранг, дўстлар.

Ишқ қадрин хуб билур дарду фироқин ютса ким,
Ишқдан ҳар лаҳзада бир яхши маъно кутса ким,
Энг оғир чоғларда ҳам идрок йўлини тутса ким,
Бахтлидир ишқ имтиҳонидан йиқилмай утса ким,
Булмагай ҳамроҳ надомаг, оҳу аттанг, дўстлар.

НАВРҮЗ БУГУН

Ёйди сеп офтоб — буюк зардуз бугун,
Яйра, дил, ноҳуш хаёллар, туз бугун,
Арғумоғим, пойгаларда ўз бугун,
Булди олам жилвагар, наврӯз бугун,
Қулда созу дилда жушқин сўз бугун.

Рост яшай билмайди ёлғонлар аро,
Порлагай дур шола маржонлар аро,
Қалқди шодлик ёши мужгонлар аро,
Эзгу ҳислар мавж урар жонлар аро,
Туймагай борлиққа боқиб кўз бугун.

Бир ажиб завқу сафодир унгу сўл,
Рангу оҳанг ичралир бустону чўл,
Улфату суҳбатга элтгай барча йул,
Кез чаманлар ичра, кунглим, завққа тул,
Зора, дуч келса ушал гулюз бугун.

Бунда сиз даврон тақозосин курунг,
Бунча сайлу бу томошосин курунг,
Бахт ила шодликни маъносин курунг,
Даврада қизлар таманносин курунг,
Ҳар бири ойдир бугун, юлдуз бугун.

Қул хино, қош усма этмиш ихтиёр,
Сурмалик кўзлар висолга интизор,
Бағрига гулдаста босган гулузор,
Рози дил айтсам агар, уйланма, ёр,
Тенг келибдир кечаю кундуз бугун.

Товланур куй — нозли дил иқрори бу,
Шўх хаёлу туйғулар изҳори бу,
Илтифоту илтижо инкори бу,
Раиғу оҳангнинг улуғ бозори бу,
Авжда “Ушшоқ”у “Баёт”, “Феруз” бугун.

Не улуғ бахтким, диёр озод эрур,
Баҳр олиб кунгул кунгулдан шод эрур
Ҳам боболар руҳи дилда ёд эрур,
Хонадон меҳмон ила обод эрур,
Дуст ила соз, яхши давра туз бугун.

Қиш ғуборин бошига ёз урди тиг,
Абри найсон бағрида шўх ҳайқириқ,
Бу — барокат, нурли ҳирмондир аниқ,
Тутма навруз бизни меҳрингдан дариг,
Чун меҳр қошинда ожиз муз бугун.

Навруз айёмида, илҳом, ёз қулоч,
Янги бахтларга, элим, бағрингни оч,
Меҳнату ижод берур юртга ривож,
Марҳабо, офтоб, жаҳонга шуъла соч,
Эрк бугун, байрам бугун, навруз бугун!

ЁНИНГИЗДАН УТСАЛАР

*(Айрим қизларнинг ғалати кийинишлари
ақллари “лол” этади.)*

Ланг очилган барча киндик, барча кукраклар яланг,
Истангиз ул ён боқингу хоҳлангиз бул ён қаранг,
Ҳар гузалларким, юришгай сарву шамшоддек таранг,
Эҳтиросдан оҳ урарсиз, ўзни тутгайсиз аранг,
Калта-култа минг матолардан либослар шўх, башанг.

Шул сифат бирлан юрар рўзғорлаю бозорда ҳам,
Шул таманно ичрадир тўйларда ҳам, мозорда ҳам,
Бир-бирин мот айлагай шафқатлаю озорда ҳам,
Бемалолдир ёз-аёзу куз-баҳор, қиш-қорда ҳам,
Чунки ҳамён шуъласидан чеҳраларда ушбу ранг.

Думба бир ён, тизза бир ён, сийнаю сон бир тараф,
Бул томошодан, ажаб, иймон ила жон бир тараф,
Бир томон шайдолик эрса, оҳу армон бир тараф,
Кузу кўнгил ўртаниб, доною нодон бир тараф,
Барча лолу барча ҳайрон, барча масту ҳам гаранг.

Не қилай, боқмай десам ҳам, сирпанур тўймас бу куз,
Лаб очиб бир сўз демоққа йўқдир аммо битта сўз,
Бир кўриб олсанг, шу басдир — бир умрлик ризқу рўз,
Бул текин савдо учун ҳеч ким демайдир “пулни чуз”,
Утсалар айлаб шитоб, бир нечанинг аҳволи танг.

Силкиниб утгай баногоҳ, белда уйнаб сочлари,
Дил уйин яғмо этур чимрилса қалдирғочлари,
Етмагай ҳуснин баҳосига жаҳоннинг боғлари,
Муддаога етса-етсин ошиқу муҳтожлари,
Майли, бўлсин муслиму тарсо, итолёну фаранг.

Бунча шўхлик, бунча ёлқин — барқ уриб ёнган олов,
Сапчигаёй юлдузни кўзлаб, ҳам безовта, ҳам асов,
Лаҳза-лаҳза юзта жонинг булса олгайдир гаров,
Бир нафас ёнида булмоққа юрак бермайди дов,
Чунки ул сирли мулоқотдан чиқарсан ланжу ланг.

Қандайин шайтон этибдир бу муқомни ихтиро,
Ёпирай, деб кўкрагинглан оғилур ҳайрат, нидо,
Балки уз урнида бул ҳам бир нафосатдирму ё,
Эйки, сиз шарму иболи яхшилар, аҳли ҳаё,
Ушбу санъатнинг ижодкорини гурига гишт қаланг.

Гоҳ жаранглаб кулсаю гоҳ минса жаҳлин отига,
Икки ҳолат ҳам ярашгай бул санамлар зотига,
На кулоқ солгай ошиқлар оҳую фарёдига,
На садоқат ё вафони келтирурлар ёдига,
Шунчалик шадлод, асовким, нақ бориб турган сатанг.

Мен уларга яхшиликлан узга ҳолат истамам,
Ёки қарғиш, ёки бир жаҳлу жаҳолат истамам,
Шарму инсофу ҳаё берсин, наломат истамам,
Бахту иқболдан булак бир узга омад истамам,
Севги бустони аро ҳеч юқмасин бир гарду чанг.

КЎКЛАМ МУХАММАСИ

Келди куклам ерга ёйиб, чуғ гилам, гулгун намат,
Тол бутоғи узра саъва қилди булбулнин даъват,
Сайр этар гулзорин ул қиз илгида заррин сават,
Эғнида гулранг либосу дилда орзу қатма-қат,
Бу баҳордир, қизга ёрдир, менга жондан ҳам азиз.

Оҳ, уни ҳар йил куришдан роҳатим оламча бор,
Ассалом, наврўз! — дейинму — Ассалом, гулгун баҳор!
Шул баҳор саҳнида яйраб лола терган гулузор,
Истарам, албатта, бир кун бўлғусидир менга ёр,
Бунча дилбар, бунча барно, сарвқалду ҳам нафис.

Дилда орзулар жушаркан сой бўлиб, дарё бўлиб,
Мен кутарман ул гузални ошигу шайдо бўлиб,
Ул уғиб кетгай, наҳотки, менга бепарво бўлиб,
Унда оҳимдан жаҳон ёнгай-ку вовайло бўлиб,
Ушбу ожиз ҳолатимга не дегай аҳли тамиз?

Бул хитоб ортиқча балким, то жаҳонда меҳр бор.
Шафқату ёғду билан йўғрилган, асли, навбаҳор.
Шунга ундайдир ҳаёт — дарёда мавж, тоғларда қор.
Эй, кунгил, уртанма ортиқ, ташвишу дардинг бекор.
Барқарор булғай ишончу шубҳалар булғай ғализ.

Дов-дарахт оқ- пушти рангдан бош-оёқ тақмиш зирак,
Ушбу йил ҳосил, демакки, бир жаҳон бўлса керак,
Ногаҳон қузғолди кўкда ҳам яшин, ҳам гулдирак,
Ел чопиб, тебранди минглаб оқ бадан толу терак,
Бир ажойиб дам эрурким, ларзақору ҳам лазиз.

Яхшилар васлу висоли — бу жаҳоннинг неъматини,
Шул сабаб кун бебаҳодир Наврузимнинг ҳикмати,
Эй муҳаббат аҳли, ёғсин сизга Оллоҳ ҳиммати,
Узлигин этсин намоён лаҳзаларнинг қиммати,
Севгидир олам китоби ичра энг олий ҳадис.

КЕЛАЖАК ОРЗУСИ

*(Талабалик йилларида, Самарқандда ўқиётган синфдош дўстим
Хушвақт Қўйбоқаровга ёзилган шеърини мактуб)*

“Сен зироат илмида шуҳрат қозонган чоғлар,
Илму меҳрингдан ривож топгай неча тармоғлар,
Бир томон минглаб сурув ҳам бир томон чорвоғлар,
Меваю гўшт бир томон, бир ён — ёғу қаймоғлар,
Офарин айтур сенга минг шаҳру минг қишлоқлар.

Мул булур файзу барокот элнинг дастурхонида,
Гуркираб хайру саховат даштию майдонида
Ҳам самовий бир гузаллик барқ уриб осмонида,
Ўлтирурмиз иккимиз ҳам юртни бахт айвонида,
Жам булиб дусту қадрдон, ақрабо, аймоқлар.

Бир томон Эшқулбек эрса, бир томонда Хужамиз,
Яхши бўлса меҳнатинг, кузда саналгай жўжамиз,
Ўртада ошу кабобу тобга етган гўжамиз,
Яхши суҳбатларга ҳам булғай ушанга фуржамиз,
Майли, айрону қимиздан олса завқ чанқоқлар.

Давраимизга чорлагаймиз дустимиз Нусратни ҳам,
Эслагаймиз бирга кечган кунгузал фурсатни ҳам,
Бирга ургандик тарих, жуғрофия, физматни ҳам,
Энди элга бахш этурмиз иззату хизматни ҳам,
Яйрашиб суҳбат қурайлик неча дуст-уртоқлар...”

Утди ешликнинг замони очлигу гўқлик аро,
Имтиҳон айлаб ҳаслу кунгизимиз оқу қаро,
Аммо дилда соф тугиб олий ниятни мутлақо,
Термулиб доно китоблар мағзига шому сабо,
Қандайин соз эрди дилда ишқ ниш урган чоғлар...

Яхшиям, дунёда бордир нурли олам — хотирот,
Яхшилардан бу жаҳонда қолгай эркан яхши от,
Янги авлод оталарнинг дарсидан олгай савод,
Элу юртга кўрсатиб мангу садоқат, эътиқод,
Халқимиз меҳрин ҳаминша куксида ардоқлар.

ИЛТИЖО

Тонг уфқни долазор этган маҳал,
Боғлару тоғларга сурган чоғда ҳал,
Ҳудди холдек жиймайиб турса Зуҳал,
Сенга дилдан номалар ёзгим келар,
Тасвиринг дафтарга тўлғазгим келар.

Куйларим ҳам уйларим номинг билан,
Субҳу шомим субҳ ила шоминг билан,
Гар керак бўлганда, илҳоминг билан,
Мисли Фарҳод неча тоғ қазгим келар,
Тасвиринг дафтарга тулғазгим келар.

Билмадим, бўлгайми сендан бир нидо,
Бир нидо булсайди, унга жон фидо,
Ушбу шеърим чин кунгилдан илтижо,
Кунглим очиб, сенга кўргазгим келар,
Ташрифингга ўзни тўлғазгим келар.

Не ажабким, ярқираб кетгай жаҳон,
Ташрифинг сезмоқдадир муштоқ бу жон,
Ақлу одоб ичра танҳо, меҳрибон,
Бошни осмонларга етказгим келар,
Дилдаги армонни кетгазгим келар.

СУБҲИДАМ

Бунча кўрамдир бу олам субҳидам,
Ййрагай чин дилдан одам субҳидам,
Кетгуси дилдан алам-ғам субҳидам,
Борлиқ ичра энг нафис дам субҳидам,
Дилда булгай орзулар жам субҳидам.

Бор яшиллик товланур тупроқ уза,
Нуқра, мовий шуъла ўйнар тоғ уза,
Тарқалур дилбар наволар боғ уза,
Парпирар минг томчилар япроқ уза,
Бу сафо ёғдуси шабнам субҳидам.

Чиқ чаман сайрига, дил, гашт истасанг,
Бул томон тоғ, ул томон дашт, истасанг,
Кунглинга завқу тараб, шашт истасанг,
Сухбатинга бир париваш истасанг,
Саргузаштлардан мужассам субҳидам.

Ёндирур кўзларни тонг пайт лолалар,
Бунча рангни, айт, қасндан олалар?
Абри найсон бағридан шуҳ жолалар
Ёприлиб келмоқдадир, қоч, болалар,
Булмайин дерсанг агар нам субҳидам.

Узни гафлат уйқудан бедор қил,
Таънаю ганбеҳлардан ор қил,
Яхши орзуларга дилни ёр қил,
Дил жилосин ёринга изҳор қил,
Севги бергай сенга байрам субҳидам.

ЗАМОНДОШ АДИБЛАРГА ДУСТОНА ҲАЗИЛЛАР

ТОШПУЛАТ АҲМАДГА

Ушбу мажлисга сабабкор Тошпулат Аҳмад булур,
Чунки элдан устма-уст келган унга раҳмат булур.

Куп ғазаллар ёзди ул соҳибжамоллар васфила,
Шул сабаб ҳар сатри бир офат булур, даҳшат булур.

Тошпудотий А. булиб доврӯғ чиқарди эл аро,
Ул Бухорийким, жаҳонда топгани шуҳрат булур.

Шофиркондан чиқди ул шоир узи, шофир ўзи,
Барча қилган ишларин ёзсанг агар, ҳайрат булур.

Қувди ҳар хил майналарни шеърят бустонидан,
Қумрию булбулга доим мсҳрибон улфат булур.

Донишу Айний билан ҳар кеча суҳбатлар тузар,
Боз яна устози олий бемисол Фитрат булур.

Хуш калому хуш табассум, баркамол, дилбар йигит,
Сузларин тинглашга қониб то саҳар суҳбат булур.

Келди Ж. Ж., келди Н. Н., келди С. С. шашқатор,
Орифийнинг даврасинда яхши бир ҳикмат булур.

Юзга киргил, Тошпулат, гулюз билан, юз-юз билан,
Ушбу шеърким дусларингдан сенга бир дастхат булур.

ҲАБИБ САЪДУЛЛОҒА

Булмагай ўлчаб бу шоир сўзларин тилло билан,
Таърифин биз келтирурмиз хат билан. имло билан.

Эй Намангон, қайдасан, деб йулга тушдик биз бугун,
Ж. Ниёзий, Аҳмадий Т., Нормурод, Мирзо билан.

Ҳар сузи бир ҳикмату ҳар бир китоби бир чаман,
Фахр этур аҳли Намангон бул ажиб сиймо билан.

Сўзларин зеболиги эл-юртни мафтун айламиш,
Шоир аҳликим азалдан сузлашур дунё билан.

Ҳар куни утгай кучангдан неча бир барно, Ҳабиб,
Сен эсанг суҳбатлашурсан икки шўх барно билан.

Биз бу кун келдик туйингга, аргувоний бода тут,
Ё кетайликму куниб оддий анор вино билан.

Биз-ку оддий камтаринмиз, суг-қатиқ ҳам бизга бас,
Лек Ҳусниддин Шарифни рози эт пиво билан.

Туй қилибсан, туй муборак, келди дўстлар бир талай,
Таклиф этдинг хуш такаллум ҳам ширин имо билан.

Эй Ҳабиб, шод ул букун, олтмишни ҳам забт айладиңг,
Юзга киргил, ёнгинангда қуш пари зебо билан.

ЖОНИБЕК СУБҲОНГА

Нашриётда ултирар шеърлар куриб Субҳон сариқ,
Во ажаб, қош ҳам сариқ, соч ҳам сариқ, мужгон сариқ.

Гар нафас олмоқ учун майдонга чикса бир нафас,
Булғуси ер ҳам сариқ, сув ҳам сариқ, осмон сариқ.

Шеър ёзаркан, заъфарон рангларга олам чулғанур,
Яъни дафтар сап-сариқ, тасвир сариқ, дoston сариқ.

Бир кун ул меҳмон булиб кирминди бир чойхонага,
Булди айвон, булди шийпон, булди дастурхон сариқ.

Ҳайраг ичра уртанур элким, баҳор айёмида
Ногоҳон куз ёприлиб, саҳро сариқ, бустон сариқ.

Айб эмас, балким гузалликдан нишондир ушбу ранг,
Чунки олтин ҳам сариқ, ой бирла офтобхон сариқ.

НОРМУРОД НАЗРУЛЛАЕВra

Барча кунгилларда шундай бор мурод:
Туйимизда булса меҳмон Нормурод.

Яъни Назрийким, чечандир гапга ҳам,
Соқийи даврон десак ҳам булди кам.

Билмадим, суз бобида ким унга тенг,
Яхши ният бобида ҳам феъли кенг.

Шеър булиб порлаб чиқар ҳар бир сузи,
Даврани қамраб турар уткир кузи.

Шул шоир етмишга етмишдир, қаранг,
Минг кушиқдан тузди даста сержаранг.

Қушиғин айтар неча хонандалар,
Ёнида кундуз-кеча хонандалар.

Гарчи Назрий, аслида, Нарзийдир ул,
Ҳар нечук ҳурматга ҳам арзийдир ул

Ҳам гузаллар ҳуснига шайдо булар.
Қайда бор бир яхшилик пайдо булар.

Шоирим, деб эл уни ардоқлагай,
Доимо суроқлагай... суроқлагай.

ОХУНЖОН ҲАКИМГА

Борай Фарғонанга, дўстим, агар бир томчи қуйсанг ҳам,
Ичурман хоҳи ёқтир, хоҳ қовоғинг. майли, уйсанг ҳам.

Бу ерда ёру дўстлар давраси дунёча мазмули,
Бу хил суҳбатни топмассан агар юз қуйни суйсанг ҳам.

Ажаб ширин-шакар юртким, шароб оққай вужудинга,
Бу водийни булур кам Салсабил, Кавсарга йуйсанг ҳам.

Охунжон, севги ичра шуҳ ғазаллар айладинг пайдо,
Беҳад қаттиқ севарсан ишқ аро суйсанг ё қуйсанг ҳам.

Само буйлаб учар ишқий салолар, тинглангиз, дўстлар,
Охунжон шеърлари янграг агар дазмолни қуйсанг ҳам.

ЖОНРИД АБДУЛЛАХОНОВга

Бошладил шеърдан — насрга утди у,
Бир қасрдан бир қасрга утди у.
Езди Жон Рид бир талай вазмин китоб,
Ул асрдан бул асрга утди у.
Ёзгани ёйилди кўп юрт-элга ҳам,
Тақдим этсанг арзигай Нобелга ҳам.

НОСИР ФОЗИЛга

Булди ижод унга тақдирдан нозил,
Меҳнат билан у булди Носир Фозил.
Қиссаларин гузал эрур ҳар боби,
Пиеса ёзмай, булди санъат арбоби.
Агар ёзса... саҳна яшнаб кетарди,
Кўп “қосиб”лар ишин ташлаб кетарди.

МАҲМУД ТОЙИРга

Ким меҳнатга меҳр берди, бойир булди,
Кўп юртларни кезган одам зойир булди.
Ишқ йўлида ким ўзини койир булди,
Уша одам бир кун гузал шоир булди.
Ушал одам ким, деб мендан сурасалар,
Айтурманки, уша Маҳмуд Тойир булди.

ЗУЛФИЯ МУМИНОВАга

Дарчангни кўчага очиб, боқ қия,
Ўз шеърин шивирлаб борар Зулфия.
Оромижон эрур ҳар битта сатри,
Улардан таралур баҳорнинг атри.
Агарчи шеърда шунчалар мазмун,
Демак, юки ҳам бор салмоқли, вазмин.

СИРОЖИДДИН САЙИДга

Уйнатур сузларни мисли “Дилхирож”,
Чун аруз вазнида ҳам моҳир Сирож.
Анжуманларни муносиб бошқарар,
Номин айтур... ҳеч демас: “ва бошқалар”.
Истагим, ҳеч кўрмасин ул ғам юзин,
Умри ҳам бўлсин Узундан ҳам узун.

УСМОН АЗИМга

Шеърда-ку доврўғлидир Усмон Азим,
Неча мухлислар этур дилдан таъзим.
Олди-ку экранни “Алпомиш” мисол,
Саҳнада ҳам кўрсатур тез-тез висол.
Шеър уқиркан маҳлиё ва ларзакор,
Шевасида гулдирак оҳанги бор.

ТУРА СУЛАЙМОНга

Ҳажм аро кўллар бир ён, ҳайбатли уммон бир ён,
Булди бутазор бир ён, савлатли урмон бир ён.
Халқ йулида кўп шоир айтди бир талай шеърлар,
Аммо барчаси бир ён, Тура Сулаймон бир ён.
Агарчи шеър бобида Сулаймондир, Турадир,
Сирдарё соҳилида камтаргина турадир.

ТУЛАН НИЗОМга

Десаларки, дoston келди, улан келди,
Эл билурки, “Довон” оша Тўлан келди.
Демак, яна нашрларни шеър тўлдирад,
Тулан Низом тўла илҳом билан келди.
Қофиясин, вазнларин эҳ... сони кўп,
Дустларига дил меҳрию эҳсони кўп.

ОШИҚ ЭРКИНга

Ҳар аммонинг бўлар экан бир лекини,
Ҳар даланинг бордир севган уз экини.
Хоразмда энг зур Ошиқ кимдир десанг,
Мана-ман деб уйнаб чиқар уз Эркини.
Қушиқларин ёш-яланглар хумор қилар,
Севишганлар кўзга суриб, тумор қилар.

ТУРА ЖУМАНга

Қашқадарё бағрида Шаҳрисабз туман бор,
Унда шоир оғамиз камтар Тура Жуман бор.
Мироқининг кўксига бадавлат бир хонадон,
Боғларида юз дарахт, яна сарву суман бор.

“Отамиз!” — дейди ёшлар, кексалар дер: “журамиз!”.
Ана шундай дилкашдир бизнинг шоир Турамиз.
Ҳисоблаб чиқиб булмас шеърларининг сонини,
Дейди: “Ёзаверайлик... кейин уйлаб курамиз”.

ОМОН МУХТОРга

Бир қулида Фарб эса, бир қулида “Шарқ”,
Йилда бир роман билан порлар мисли барқ.
Қуп романлар уқидим умримда, аммо
Омонникидан улар кескин қилар фарқ.
Яхши англай десанг Мухтор Омонни,
Уқиб чиқ бошқалар ёзган романни.

ФАРИДА АФРУЗГА

Фарида деганлари — бир дона деганлари,
Бир дона деганлари — дурдона деганлари.

Кимки шеърин эшитди, булди ошиғу шайло,
Яъни ақлу ҳушидан бегона деганлари.

Жам булмиш нигоҳинда сирли, нафис хаёлот,
Ширину Лайло бари афсона деганлари.

Суҳбагида булди ким, ҳайратлар ичра ёнур,
Сафою кайф болидан мастона деганлари.

Не-не манзилу маскан мафтунлик айлар изҳор,
Унинг асил макони — Фарғона деганлари.

Шеърیدا яхши санъат, ўзи ҳам моҳи талъат,
Мағрибу машриқ ҳама девона деганлари.

Лаҳза табассум этса, ёришгай кунгил уйи,
Бу ҳазил ҳам, аслида, дустона деганлари.

**ЙЎЛДАН ИБОРАТДИР
ИНСОННИНГ УМРИ,
ЙЎЛ – ИНСОН ҲАЁТИН
ЕТАКЧИ НУРИ**

ЙЎЛДАГИ ҲЎЛАР

(Достон)

Хизмат сафарини қилиб ихтиёр,
Олис манзил сари бир кун йул олдим.
Купеда туртовлон: оддий пахтакор,
Мену рассом йигит, мўсафид олим.

Сафар қизиқ нарса:
Бир-бирин асло
Кўрмаган кишилар учрашар, ахир.
Қасбу қор, феъл-атвор, ёшдан мустасно
Бир уй, бир хонада яшарлар аҳил.

Аввал салом-алик,
Ҳар хил лутфлар:
— Сиз пастга жойлашинг
— Менга тепа соз.
Ечилиб боради дилдаги қулфлар,
Гаплар ҳам қовушиб боради оз-оз.

Филдирак мавжига тебранган йўсин,
Гап исм-шарифга бориб тақалар.
— Қаердан ўзлари, йўллари бўлсин?..
— Ҳовли-жой омонми... бола-чақалар?

Ўзаро “оқ йўл!”га майдир баҳона,
Ҳар бири егандир узоқ йўл гамин.
Қазию помидор — базми шоҳона,
Дераза ортида чарх урар замин.

Бекатлар, адирлар ўгар кўз сузиб,
Сойлар юзасида қайнар купиклар.
Боғлар яшилланар жилва кўргузиб,
Гулдираб қолади темир кўприклар.

Навбат ҳам стади кулги, ҳазилга,
Аския дарахти оҳиста гуллар.
Ҳали анча олис борар манзилга,
Аммо апоқ-чапоқ булишган булар.

Навоий байтию Хайём ҳикмати
Уланиб кетади ҳар хил нақлга.
Қадаҳда жимиллар узум неъматини,
Парвоз бериб ҳисга, қалбу ақлга.

Назму мусиқадан... донғи эл тутган
Гузаллар мадҳида давом этар гап.
(Бунга ҳозиргина йулакдан утган
Жононнинг бир қис боқини сабаб).

Ҳар ким ўз қараши, фалсафасини,
Таъби нозиклигин солар синовга.
Инсон тинчимайди дил сафосини
Айтиб бермагунча токи бировга.

Кунгил асрорлари очилар бир-бир.
Баъзан латифага берилур сайқал.
Ҳаёт мазмунида бордир неки сир.
Бари тилга кучар тўлиқ, галма-гал.

Биз ҳам амал қилиб ушбу русумга,
Баланд авжда тутиб улфати чорни,
Гап оҳангин буриб турли хусусга,
Тарқатиб борардик йулда хуморин.

Бу олам саҳнида не ҳодиса бор:
Саҳролар сеҳрию уммонлар иши,
Осмон тубларида учган фазокор,
Бошиқа юрак билан яшаган киши.

Ногоҳ босиб кирган оби офатдан,
Ерга ларза солган зилзилагача,
Кутмаганда келган бахту омаддан,
Тупка оролдаги ғалат одатдан

Пахтадан уйилган хазинагача;
Жангдан, ғалабадан... нотинч оламнинг
Ҳануз чекаётган гурбатигача;
Мўъжиза яратган улмас қаламнинг
Дунёни лол этган қудратигача;

Севгидан, севинчдан, рашкдан, висолдан
Сувайш мавжидаги можарогача;
Хоразмий яратган буюк ҳисобдан
Курчатов қўлланган ихтирогача —

Не-не тақдирларга берилиб изоҳ;
Не-не тарихларнинг очилар тахи.
Бундай мулоқотга булгансиз гувоҳ,
Бсором келади йуловчи халқи.

Шуйтиб, кундуз сўниб, қуйилди оқшом,
Лип-лип ёна қолди вагон чироғи.
Деразалан кўзин узмасди рассом,
Хаёлини тортмиш шафақ байроғи.

Байроқки, ловиллаб ёнар эди уфқ,
Қуйилиб қайнарди қирмизи буёқ.
Булутлар лабини қизартиб униб,
Қуёш қанот ёймиш у ёқдан-бу ёқ.

— Қаранг, — дерди рассом, — қандай мўъжиза,
Санъат кургазмасин очгандай сарҳад!
Олтмиш хил жило бор бир ранг узида,
Шингарфу арғувон, зангору зарҳал...

Олим кўзойнагин олиб чунтакдан,
Пахтакор сўз топмай дил изҳорига,
Оламга энди куз очган гудакдай
Чанқоқ боқишардик ғарб гулзорига.

— Беҳад гузал! — дердим маҳлиёю лол, —
Бугунги сайилни тугатди Қуёш.
Томошадан қайтган келинчак мисол
Парку ётоғига қуяётир бош.

— Томоша қаёқда? — дер рассом куйиб, —
Кун буйи ишлади, чарчади, толди.
Ортида юлдузлар хирмонин уйиб,
Тунги меҳнат сари яна йул олди.

Мен дердим: — Зур гулхан ёқибди офтоб,
Рассом дер: — Атласнинг нақ узгинаси!
Мен дердим: — Жом тула лоларанг шароб,
Рассом дер: — Келиннинг зар сўзанаси!

Олим кузларида малол ва койиш,
Узича чақарди бу ҳол мағзини.
Олам хаёлида булиб намойиш,
Узгача ўлчарди борлиқ вазини.

— Ҳайронман, — дер эди, — аҳли санъатга,
Минг йилки, узгармас тасвири, ранги.
Бир тимсолни солиб юз синоатга,
Янги деб аташар чиққанча чанги.

Минг йилки, ой дерлар ёрнинг юзини,
Қошни ёй, қоматни сарв, дейдилар.
Шафаққа тақашиб алвон сўзини,
Гулни ол, чеҳрани сариқ, дейдидар.

Бу гаплар-ку туғри, аммо такрорни
Қандай ҳазм этаркин, билмам, шеърят.
Сигирдай соғиниб битта баҳорни
Эгизак шеърларни қалашар қат-қат.

Ҳамон уша тасвир, уша фикру ҳис,
Андак бошқачароқ фақат таърифи.
Билганни билишми — муддао ёлғиз,
Борни қайд этишми санъат тарихи?

Ҳазаллар суруви ичида кезиб,
Биридан-бирини фарқ этиш мушкул.
Ҳаммаси бир гапни уқдирар эзиб:
“Гулга изҳори ишқ этмоқда булбул”.

Тоғнинг буюкклигин қиладилар пеш.
Шеърга кучиришар денгиз. чашмани.
Буларнинг ҳаммаси — менга маълум иш,
Сув билан босгандай езда ташнани.

Ахир, атом асри, кимё замони,
Билмам, бу гапларга зарурат қанча.
Бу-ку масаланинг битта томони,
Айтилмагани ҳам анчадан-анча...

Пахтакор жилмайиб борарди уйчан,
Олим сузларида истехзо тулиқ.
Ўзимни босишга уринмай ҳарчанд,
Қалбимни куйдирар аламли бир чуғ.

Рассомнинг ҳам таъби тортганди хира,
Саратон авжида тургандай аёз,
Тушуна олмасдан антиқа сирга,
Асабий чайқалиб қуярди бехос.

Даврага дарз кетди. Нохуш бир сукут
Самимият узра босгандай муҳр.
Йулнинг қувончлари булди-да унут.
Вагон ғовурига жой берди ҳузур.

— Узр, — дедим, — узр, ҳукмингиз ғалат,
Бурга деб кўрпани куйдириш-ку бу.
Наҳот, завқ бермаса сизга табиат,
Наҳот, ётдир сизга ҳиссиёт, туйғу?

Юлдуз кулгусидан, сув қушиғидан,
Булбул фиғонидан бебаҳра киши
Оламини сув босса, келмай тупиғдан,
Мумкин лоқайдгина сезмай туриши.

— Лоқайдгина эмиш... қайдам, бу гапнинг
Мазмуни сизгами ё менгами хос?
Сал-пал жиловланг-да ужар асабни,
Масала тубига шунгинг-чи бироз.

Дейлик, сиз айтдингиз баҳор яшил деб,
Шафақ гулгунлигин қилдингиз қушиқ.
Хуш, бундан дунёга нима булиб зеб,
Зебига нимани ололди қушиб?

Ҳеч нарса, шундайми? Севги ё бахтни
Мақтадингиз дейлик. Шуми муддао?
Шу билан инсонни, дарё, дарахтни
Бошқачароқ қилиб қўйдингизми ё?

— Ҳа, худди шу ишни бажарди ижод,
Олам нафосатин кашф этиб минг йил.
Гузалик барқ урган жумла мавжудот —
Ушбу ҳақиқатга ҳар лаҳза далил.

Одамда бор экан ташвиш ё қувонч,
Орзу ёхуд армон дилга экан ёр,
Толеида булса, булут ё қуёш
Санъатга кунглини этади изҳор.

— Қувончу табассум, ташвишу қайғу...
Шеърсиз ҳам бу гаплар мен учун ойдин.
Буларни мисрада изҳор этмоғу
Китоб қилганликдан мен нима олдим?
Ҳеч нарса, шундайми?

— Шундаймас, ҳеч-да!
Исбот қилмоқчисиз қора деб оқни.
Бу агар, билсангиз, зим-зиё кечда
Учириб қўймоқдай ёниқ чироқни.

— Чироқ денг... — маъноли жилмайди олим, —
Балки, шеърятсиз ҳаёт йуқ дерсиз.
Оҳ, бечора қуёш, одаму олам.
Ҳолингиз не эди қушиқсиз, шеърсиз...

— Ҳоли хароб эди, — ёрилди рассом, —
Одамни тасаввур этмам санъатсиз.
Балки ўзингизни ёлғиз сиз осон
Бу камол нуқтага етган санарсиз?

Мутлақо! Шеърят, санъатсиз, ахир,
Одам деганлари ҳечга баробар!
— Яъни, бусиз дунё бўлади охир,
Шундоқ демоқчисиз, азиз биродар?

— Шундоқми, бошқами — бу табиий ҳол,
Агар бу хислатдан қалб булса маҳрум,
Махлуқот олами ичра, эҳтимол,
Урин топмоқликка булардик маҳқум.

— Хуш, касб-чи, ҳунар-чи, меҳнат-чи, фан-чи,
Бунда йўқ эканми инсоний даҳо?
Қай бири инсоннинг кўпроқ таянчи,
Қай бири улугроқ ва қимматбаҳо?

Дейлик, деҳқон сизга улашмаса дон,
Ишчи сизга қурол этмаса инъом,
Қаердан келарди санъату дoston,
Инсонлик мазмуни, идрок ва илҳом?

Қисик кузларини уқ каби қалаб,
Гуё михлаганди мени бурчакка.
Қаердан бу инкор? Бунга не сабаб?
Тиғдай ботар эди сузи юракка.

Гарчанд яраланди иззату нафсим,
Хужум чизифида турар эдим шай.
Ҳаяжон тобидан ёниб нафасим,
Мен ҳам суз найзасин ирғитдим шундай:

— Хуш, фараз қилинг-да, ўзингизни сиз
Санъатдан холи деб тушунинг ҳозир.
Саҳройи самумда турибсиз ёлғиз,
Сизга ошно эмас санъат деган сир.

Беҳзоду Навоий, дейлик, тамом ёт,
На Пушкин этгандир сизни баҳраманд.
На қалбингиз ёққан “Ушшоқ”у, “Баёт”,
На кузингиз элтган нақши Самарқанд,

На гузал Эрмитаж, на Репин ранги,
На дутор тилидан эшилган нола,
На қушлар дунёсин мағрур жаранги
Қалбингизга севинч этган ҳавола.

Олам санъатгоҳи ёпиқ тақа-тақ
На нақшу на рақсу на шеъру на соз
Сизга таниш дейлик, яъни муаллақ
Бир тирик жон бўлиб турибсиз, холос.

Мени кечиринг-ку, бу дақиқада
Даъво қилиб бўлмас инсоний унвон.
Тан берсангиз керак бу ҳақиқатга,
Товуққа ҳам суву ҳам керакдир дон.

— О-ҳо, бу — ажойиб фалсафа жуда!
Тошни тешадиган далилу, исбот.
Қуёшнинг узимас, булоқ мавжида
Акси улуғроқдир деяпсиз, ҳайҳот!

Хуроз ҳам айтармин: “Мен қичқирмасдан
На қуёш чиқар деб, на отар деб тонг”.
Баланд бир нуқтага чиқиб. билмасдан
Олиб қуйибсиз-да, нарвонни, аттанг.

Йуқ, йуқ, азизларим, юза сузаяпсиз,
Қилич кутаряпсиз шамолга қарши.
Сиз айтган буюклар — Гомер ва Ҳофиз,
Толстой, Рафаэль, Бобир, Бомарше —

Менга бегонамас. Менинг ҳам мулким.
Аммо булақчадир гапнинг андоми.
Токай сизга қалқон булиши мумкин
Ушбу улуғларнинг муқаддас номи?

Мураккаб бу фикрий оламда ҳануз
Ибтидий ҳислар — сизларга эрмак.
Баҳор, буса, шафақ, шабнам ва ялпиз —
Сийқаланиб кетган беш-унта эртак.

Меълага тегди-ку турғун бу мақом,
Қани шеърятнинг Прометей ути?
Наҳот, “Восток” билан тургай ёнма-ён
Қофия, вазили сўзлар ўгити?..

Эгардан тушмасди сира рақибим,
Филдиракдай сунгсиз айланарди гап.
Учқун сачратарди баҳсинг чақини,
Бермоқчи эмасман мен утига чап.

— Ибтидодий ҳислар... Балки шеър, ижод
Машинага берсин деярсиз измин.
Темирга бурканиб нафис ҳиссиёт,
Юрак қийса дерсиз қалқону тизгин?

Карра жадвалидай булсинми севги,
Атиргул унсинми ойна тагида?
Булбулга куй бериб автомат сеҳри,
Киме кукарсинми дарахт баргида?

Кулгини радио боншқарсинми ё
Кўз ёши ўрнини боссинми симоб?
Чуян оқимидай тулганиб дарё,
Домнадай чуғланиб турсинми офтоб?

Йуқ, инсон нечоғлик этмасин парвоз,
Табиий ҳиссиёт яшар аздий.
Бошоқ унганидай қирда фасли ёз,
Майса кукаргандай баҳор маҳали.

Сой бўйида севги этилур изҳор,
Чақалоқ кулгиси бахш этар ҳузур.
Қайғуда куюниб йиғлаймиз зор-зор,
Бахтдан кўксимизга тўлиб кетар нур.

Каптар чарх уради кўк гумбазида
Ҳижрону висолдан дилда туну тонг,
Ҳаёт қалби урар шеърнинг вазнида,
Кўзни эркалайди шабнам, шафақ, ранг.

Сийрак оқ сочларин бармоқ-ла силаб,
Олим илиб кетди сўз жоловини:
– Яъни бир оҳангни такрор, юз йиллаб,
Чалавериш мумкин олиб жонини...

Шундай демоқчисиз... Қисман бу қайда
Ҳақиқат борлигин ҳар ким олур тан.
“Ироқ” ёхуд “Ажам” бузлаган пайтда
Олис аждодимдек мен ҳам ёнурман.

Бироқ бергайми бу руҳий бир ҳуқуқ
Ўзим ўз ёғимга қоврилишимга?
Тайёр ип-арқоқдан гиламча тўқиб,
Тайёр ранглар аро қорилишимга?

Хирмондан бир кафтча донни кутариб,
Биридан бирини қилиб булсам фарқ.
Шеър ҳам шу аҳволга келди-ку, қарийб,
Такрорий лойқалар ичра булиб фарқ.

Беҳабар эмасман. Кузатдим купдан
Бахш этиб кундузим, кечаларимни.
Уларни ажратиб булмайди тупдан,
Эслатар фабрика жужаларини.

Севгининг “ўлдим куйдим”ларидан
Севгининг ўзи ҳам, балки, шарманда.
Баҳорий шеърларнинг уюмларидан
Помирдай тоғ тиклаш мумкин, чамамда.

Қани, буюк инсон? Олий тафаккур?
Қани, шеърятнинг жозиба кучи?
Данко юрагидай шеър сочмаса нур,
Олға ундамаса, унда не учун?

Мана, пахтакорни уйланг-чи, уртоқ,
Қайси бир дардини этдингиз изҳор?
Дала — ҳамон денгиз, хирмон — ҳамон тоғ,
Машинаси — кема, ўзи бахтиёр!

Хайр, бу гаплар-ку, аслида, туғри,
Бироқ пахтакорнинг олами қани?
Кул босиб, сундириб қуймасми чуғни,
Қани, шеъриятнинг оташ гулхани?

Иккигиз ҳам жимсиз. Огир муаммо.
Бу гапнинг тагида гап бор салмоқли.
Қанча важ-корсонни пеш қилманг, аммо
Ҳеч маҳал қора деб булмагай оқни...

Шу ерда узилди баҳснинг тори,
Дилтанг асабийлик лаврада ҳоким.
Кунгилда шиддатли суҳбат ғубори,
Жим-жим ўз ўрнида қолганди ҳар ким.

Мен йулакка чиқдим. Фақат чекишдан
Олмоқчи бўлардим ҳамма аламни.
Алҳазар, олисман мен тиз чукишдан,
Бежиз тутмаганман, ахир, қаламни.

Бир кунмас, бир ҳафта тортишмоқ мумкин.
Мумкин ё бепарво кулиб қуйишим.
Жим қолмоққа виждон йул бермас, лекин
Ҳозирча уринсиз бўлар бу ишим.

Рассом тажанг эди. Вагон кузидан
Қоронғига боқар уйқудан кечиб...
Ярим тун. Ўринга ҳамма чўзилган,
Барча купеларнинг чироғи учиб.

Қайсар ҳамроҳимнинг бу баҳс қуюни
Аччиқ ҳақиқатга этиб рубару,
Остин-устин қилиб фикрим уйини,
Қалбу ўйларимга солганди ғулу.

Гувлаб филдираклар интилар олға,
Ойнани беаёв савалар шамол.
Юрагимда қўзғаб тизгинсиз долға,
Уйқу йўлатмасди нотинч бир хаёл...

Кузим илинибди... Қайноқ дашт эмиш,
Ҳароратдан нафас олиш бир даҳшат.
Ялангоёқ юриб, кўнглим ғаш эмиш,
Тиканак заҳрини тортиб бешафқат.

Гоҳ кум ёндирармиш, гоҳо гармсел
Кузим очирмасмиш қуюнга ўраб.
“Сув!” дейман, бир томчи бўлмайдди ҳосил,
Гоҳ чақмоқ чақармиш, ҳаво гуриллаб.

Нортуя устида борармишман гоҳ,
Лукиллаб, додимга солмасмиш қулоқ.
Гоҳ йулимдан чиқиб тубсиз, теран чоҳ,
Қичқирсам, овозим чиқмасмиш бироқ...

Шунда бир оломон булибди пайдо,
Оламга сиғмасмиш одамзод деган.
Суриштириб билсам, бу олов саҳро
Жаннату дўзахга чорраҳа экан.

Соқоли белида, чуқморли, чутир,
Кўзи чўғ, девдай бир барзанги одам,
Яхшию ёмонни ажратиб бир-бир,
Ҳайқириб, пишқириб турармиш бу дам.

Таниш олимимга ўхшармиш афти,
Аммо баҳайбату хунук ва дароз.
Кўп ичида бирдан мени пайқабди,
Қаҳқаҳа кутариб, солмиш гулдурос.

Ўзин тухтатолмай заҳар кулгидан:
“Кўлга тушдинг, — дермиш, — ғазалхон тути!
Жавоб бер-чи, — дермиш, — тўғри кўнгилдан.
Қани, шеърятнинг Прометей ути?”

Қутулиб бўлмасмиш ҳеч таъқибидан,
Қўлида чўяндан гурзи-гарони.
“Омон қочолмайсан мен — рақибингдан,
Ўзингга суртаман, дермиш, қарони!”

Баланд ҳаволатиб чуқмор — гурзини,
Тушириб қолди-ку, юзу бошимга...
Алаҳсираб бирдан очдим кузимни,
Поезд силкишидан келиб ҳушимга.

— Кўрқингиз, шекилли, — деди пахтакор,
Офтоб ҳам чиқай деб қоляпти, ана.
Қани, гезроқ тушинг, нонушта тайёр,
Уйку бўлса қочмас, ухларсиз яна.

* * *

Поезд гувиллар. Ер айланар оғир,
Қамти утирибмиз яна туртовлон.
Бошим қурғошинга тўлгандай оғрир;
Зимдан кузатарди бизларни деҳқон.

Ғаплар қовушмайди, совуқ жиддият
Кўзларда акс этар, сўзлар улчоғлиқ.
Кечаги ҳаяжон, баҳсу зиддият
Тинган, ёмғир босган чап-тўзон янглиғ

Кук чой айланади. Аммо диллар ғаш.
Бу ҳолдан пахтакор андак бўлиб танг,
Томоғини қириб, ҳазил аралаш
Сокин давра мавжин қузғайди аранг.

— Нима бало, жимиб қолдинглар бугун,
Кечаги ут-олов, ҳарбу зарб қани?
Бу хил сўз жангини кўрмовдим бурун,
“Тавба!” деб ҳайратдан тутдим ёқани.

Мен ҳам уруш кўрган аскарман, ахир,
Улоқда ҳеч кимдан тортмаганман тап.
Пахтакор иши-ку, енгилмас, оғир,
Аммо оғир экан гўқнашганда гап.

Санъатдан сўз кетди, Қушиғу ғазал
Бизга ҳам бегона эмас, азизлар.
Болари гуллардан йиғгандай асал,
Китоб ҳам минг меҳнат билан ёзилар.

“Бир гап тирилтирар, бир гап улдиарар” —
Раҳматлик бобомнинг панди эсимда.
Бобом, бахши эди, кузим мултираб.
Достон тинглар эдим бола кезимда.

Шунданми,
Оқолда, жанг чоғлари ҳам
Хатни битар эдим қофия қилиб.
Бу ёғи, юракни янгангизга ҳам
Шеър билан айтганмиз билмай ё билиб.

Ким ҳақу ким ноҳақ? Айтмоғим қийин,
Лекин талай маъно англаганим рост.
Энди, аччиқ-чучук гаплардан кейин
Жиндай кўнгил хушлик булармиди соз...

Биз-ку деҳқон одам: уруғни қадаб,
Сувни тараб юрган ёзу аёзда.
Гапни кўзгаганда қайнар экан гап,
Мисоли кон экан дейман қиёсда.

— Конликка конку-я. — сузланди олим, —
Беҳад бир хазина, гузал ва нозик.
Сузнинг гавҳарлари унда лиммо-лим,
Кўнгилни яйратар тонгдаги создек.

Бироқ ишлатишда ношудмиз ҳануз,
Эҳтиётсиз тилдан у чекар озор.
Мени ваҳм босар... қурбон бўлиб суз,
Ҳиссиз назмларда топганда мозор.

Дод дегим келади... Қаерда инсоф?
Шаҳри бедарвоза эмас суз мулки.
Нечун уни бундоғ этишар исроф.
Токай уволига қолмоқлик мумкин?

Мен-ку, геологман, касбим — кончилик,
Темир зарраси ҳам менга олмосдай.
Деҳқон, айтинг, ерда ётса бир чигит
Босиб утасизми, қулга олмасдан?

Яна гап қўзғалди.
Баҳс тахтасида Олим аспни суриб,
 эълон қилди “кишт”.

Мен ҳам қарши хужум қилмоқ қасдида
Айланма юришни этгандим хоҳиш.

— Гапингиз рост, — дедим, — худди шу хаёл
Мени ҳам уртайди, олиб тинчимни.
Арзон-гаровликдан чекиб куп малол,
Ғашлик кемиради баъзан ичимни.

Лекин бу ташвишнинг чин шеърятга
Алоқаси қанча? Ҳақиқий санъат
Улмаслик бахш этиб олий ниятга,
Асрлар бағрида ярқираб абал.

— Қани шу ярқираш? Баҳснинг туб мағзи
Худди шу масала устида ҳозир,
Алоқаси йўқ деб, туроқли ваъзни
Урчитишдан инсоф емасми озор?

Инкори мутлақдан йироқман, йироқ,
Кузимга сураман шеър юлдузларин.
Фанний муъжизалар даврида бироқ
Истайман юракнинг атом сузларин.

Ахир, уйлаб курунг. Ҳозир шундай давр:
Уммонлар — коса сув инсон қулида.
Олдий бир заррадан қуёшга довур
Камарбаста бўлмиш унинг йўлида.

Чақмоқлар гугуртдай. Ернинг қат-қати
Кафтдагидай аниқ; нурли Қаҳқашон,
Самонинг бепоён сир-маҳобати,
Қатрада акс этган қоинот — жаҳон —

Бутун борлигини очиб қўймиш кенг,
Тарози палласин босмиш тилсимот.
Иккинчи паллани босиб теппа-тенг,
Шайинни баробар тутгайми ижод?

— Гапингиз рост, — дедим, — аммо баридан
Одамнинг олами минг бор мураккаб,
Юрак — мураккаброқ бу Ер шаридан,
Унгай кириб булмас оддий юракка.

Қайгудан энтикиб, севгидан яшнаб,
Бахтдан товланаркан шу бир нарча гушт,
Бу ҳеч вақт булгаими осонгина гап
Ё бунинг нимаси оддий экан, хуш?

Кулги ҳам, кўз ёш ҳам, нафрат ва қувонч
Унга қатлам-қатлам булган экан жо:
Ҳар бир заррасида айланиб қуёш,
Ҳар бир томчисида яшаркан дунё —

Ахир, шу эмасми қўл етмас чуққи,
Теранлик терани — муқалдас борлиқ?
Оламда шундай бир куч-қудрат йўқки,
Булмаса шу юрак измига боғлиқ:

Табиатнинг буюк, мард ҳукмдори
Шафақдан, шабнамдан оларкан баҳра,
Шеърда барқ уради илҳом баҳори.
Инсон туйғусига олам — кенг саҳна.

Пахтакор жим эди, уйчанди рассом,
Олим тайёрланар яна ҳамлага.
Ҳали-бери бўлмас қамалимга ром,
Бу сир маълум эди энди ҳаммага.

* * *

Шу асно секинлаб тухтади поезд,
Гавжум перрон буйлаб юриб ёнма-ён,
Муздаккина пиво излар эдик биз,
Мана, қаршимизда қидирган дукон.

Этни жимирлатиб купирар коса,
Сотувчи қиздан ҳам ололмасдик кўз.
Бир чимдим соф ҳаво нақадар соз-а,
Жиндай шошмасин-да яна тепловоз.

Қизнинг қарашлари, кулгиси, нози,
Мужгон уқин отган қоши ёси ҳам.
Йўлнинг ҳордиғини бир лаҳза ёзиб,
Роҳат бахш этарди шўх имоси ҳам.

Олим хурсанд эди: — Ғоятда гўзал! —
Дер эди пивонинг таъмини туйиб, —
Мана бу, азизим, чинакам ғазал,
Сиз булса гап сотиб юрибсиз куйиб.

Қаранг-а бу қизни, қайси шеърингиз
Уни узичалик этибди тасвир.
Қани, бу лавҳани чизиб берингиз
Шоирлик шавқига булсангиз асир?

Бир лаҳза ичида бунча ўзгариш,
Гўзаллик олдида қалбнинг эриши —
Бирдан баҳор келиб йуқолгандай қиш,
Мени лол этганди тақдирнинг иши.

Аmmo жим турардим одам тўпида,
Ғолиб келганимни ундан яширмай...
Кўнғироқ чалинди, яна купеда
Қамти уриндикда утирардик шай.

— Хўш, энди қалайсиз? — дедим жилмайиб, —
Бир нигоҳ қошида буйин эгдингиз.
Ҳали-қу, санъатни кузга илмайин.
Нафосатдан қўлни ювган эдингиз?

— Йўқ, йўқ, — дерди олим буш келмай ҳамон, —
Иккимиз — икки қутб бу тушунчада.
Ғапимнинг мазмуни булакча тамом,
Билмадим, изҳори дил ҳам шунча-да...

* * *

Яна йўл юрилди, соат айланди,
Бориб келар эди сўзнинг коптоғи.
Ғоҳ унинг домига мен бўлиб банди,
Таслим булар эди менга у ғоҳи.

Гоҳо асабийлик устун келар-у,
Фикр шамширлари гўқнашар кескин.
Баҳор булутидай тошиб гоҳи у,
Гоҳ мантиқ мавжида оқарди секин.

Гоҳо жиззакилик илгида асир,
Шеърый далилларни тизардим қатор.
Гоҳ олам сирини очиб бирма-бир,
Авж нуқтада мени этарди тор-мор.

Шубҳаю ишончнинг беаёв жанги
Тугён солар эди тану жонимга.
Дилни тийра этса гоҳ шубҳа занги,
Гоҳ ишонч кирарди бирдан ёнимга.

Шу зайлу оқимда утди яна тун,
Йўлдан узун эди баҳснинг ҳам йули.
Ҳар ким уз фикрида собиту устун,
Ҳар кимнинг ўзича баланддир қўли...

Манзил яқин эди. Йўлкага чиқиб,
Роҳат сипқорардик шафақ баҳридан.
Уфққа лоларанг байроғин тикиб,
Қуёш уйғонарди урмон бағридан.

Яшиллик яшнарди, майса хуш буйи,
Булбуллар қўшиғи дилни этиб маст.
Она-табиатнинг гўзаллик туйи
Кўзларни эркалаб, қўзғарди ҳавас.

Уфқлар сузарди ҳарир пардада,
Қирларда қизғалдоқ ёнарди лов-лов.
Олам нафосати ҳар бир заррада,
Ўн саккиз ешлидай табиат асов.

Тиззадан шабнамли угни оралаб,
Сой лабига хурсанд келаётган қиз,
Гуллар узаянсан сара-саралаб,
Қалбинг гам булутин кўрмасин ҳаргиз!

Рассом қувноқ эди, олим ҳам масъуд,
Пахтакор шод эди бу манзарадан.
Недир кунгилларнинг заҳрини босиб,
Ғуборни олгандай бизнинг орадан.

Уйлар эдим: Олам нақадар рангин,
Нақадар мураккаб инсон — олий зот.
О, унинг мукаммал ҳислар жарангин
Ифода этгайми бирорта ижод?

У қия очилган эшиқдир ҳали,
Унинг қат-қатида кун жумбоқлар жам.
Бусагадан нари утмоқнинг гали —
Ҳали олимизда, терандир одам!

Олимнинг ўзи-чи? Яхлит бир қоя,
Бағрида не ҳикмат, сирлар яширин,
Унинг қалб турига пояма-поя
Тушиб, очмоқ учун муъжиза сирин

Қанча қудрат лозим, қанча ҳаяжон,
Сўзнинг нурланиши, ёниши керак.
Олам зиддиятин идрок этган жон
Симобдай чайқалиб турувчи юрак.

Йулдош олимимнинг сафар сабоғи
Оламини кенг очди гуё кузимга.
Ялт этиб ҳақиқат ўткир чақмоғи
Аён кўрингандим ўзим ўзимга.

* * *

Поезд ҳам тўхтади.
Улкан шаҳарнинг
Оғуши очилди шодлик-ла бизга.
Шу ерда тўхтатиб қизгин сафарни,
Таралиб кетамиз инн-ишимизга.

Бир-бир хайрлашдик, эсонлик тилаб,
Яна учрашурмиз, булсак соғ-омон!
Майус қўл беришиб, эҳтиром қилиб,
Тўртимиз йул олдик шуида тўрт томон.

Олим жунар экан, бутун вужудим
Алланечук бум-буш туюлди бирдан.
Энг азиз нарсадан ажралгандай, жим,
Бир лаҳза куз узмай қолгандим ердан.

1968-йил

ҚУЁШ ЮРТИ

(Достон)

Туйга айтилганман, Толимаржонга,
Қани, ҳей, Анварбек, машинани қуш.
Йилонлар зилолин сингдириб жонга,
Салқин саболардан этайлик-да нуш.
Уч-тўрт кун ҳордиқни ўрнига қўйиб,
Болалик чоғларин кезиб саросар,
Дусту ёронларнинг васлига тўйиб,
Яна қайтар булсак, койимас шаҳар.

Юрган — дарё, дерлар, ўтирган — бурё,
Шуйтиб, йўлга чиқдик нақ тонг маҳали.
Юрганга жамолин кўрсатар дунё,
Юрмаган — бешикда бир гулак ҳали.
“Жигули” торгарди йўлнинг танобин,
Қишлоқлар, манзиллар қоларди ортда.
Уқиб табиатнинг кўклам китобин,
Гўё учар эдим елдирим отда.

Она-Ер! Нақадар фараҳли дунё,
Мовий уфқларда уйнар кўзларим.
Бир ёним тоғ эса, бир ён шўх дарё,
Пайвастдир уларга дала-тузларим.
Мен — йўл шайлоси. Йўл — тириклик тарзим.
Ҳаёт сатрим улар, минг тармоқ-тармоқ.
Улардан умидим, бахтим ва қарзим,
Хоҳи равон бўлсин, хоҳ ёлғизоёқ.

Алқисса, Тошкенту Жиззах уртаси —
Ярқ этиб кўринган ойнаин жаҳон.
Бош узра сурмаранг само ўрдаси,
Бетон тасмалари югурар равон.
Яқинлашиб қолди дарёйи азим,
Рухафзо салқинин сезар жону тан.
Улуғ Сирдарёга шараф ва таъзим,
Қадимий Яксарт бу, замзамли ватан.

Йўл — мовий ҳошия, баралла очик
Беҳаду бепоён залворли китоб.
Яшил гулистонлар, мен сизга ошиқ,
Муаттар ҳаволар уфур, эй, офтоб.
Ғуза қийғоч унган, миллион тизимлар
Баркут сўзанадек тутмиш ҳар ённи.
Ҳаттоки шамолнинг ҳиди сезилар,
Сархуш бир таманно қучган жаҳонни.

Тарк этиб димиққан уйлар ҳавосин,
Зилол кенгликларга чиқмоқ — саодат.
Адирлар сабосин, булбул самосин,
Саҳарлар сафосин эммак на роҳат!
Тафаккурга ундар ҳар битта гиёҳ,
Ҳаяжонга чулғар музайян борлиқ.
Кумуш жийдазорлар элитар нигоҳ,
Қирлар бошдан-оёқ қип-қизғалдоғлик.

Ҳозир-ку баҳор бу. Қишдир ёхуд куз.
Сурганман бу йўлда тўрт фасл гаштин.
Ҳар бирин васфида юритганман сўз,
Баҳона этарак чаманин, даштин.
Алишмам йўлларнинг баҳру сурурин
Тургун маишатлар силсиласига.
Йўлларим, сиз — менинг фаҳру ғурурим.
Туғашсиз ўғлингиз қалб-сийнасига.

Чунки сиз элтасиз одамлар сари,
Бир-бирга боғланур меҳрибон диллар.
Қай манзил қунолға булмасин, бари
“Ҳуш келибсиз!” дейди ва “Оқ йўл” тилар.
Уртада дастурхон — очик кўнгил бу,
Бағри кенг бир муҳит сенга парвона.
Кўзлар кўнгилларга булғай-да кўзгу,
Қалбингга қуйилар ишқу тарона.

Одам одам билан тирик. Бу гап — ҳақ.
Ўз уйинг, ўз юртинг, ўз қариндошинг.
Куксингдан сирғалиб ташвишлар мутлақ,
Жунарсан, самога етгудай бошинг.

Яна шу манзара булади такрор,
Балки бошқа рангда, бошқа алпозда.
Боғбонми, олимми ёхуд пахтакор
Меҳрин дариф тутмас қишдами, ёзда.

Аслида, инсоннинг умри — узи йул,
Не ўй, не юмушга бўлмасин ул банд,
Қандай эзгуликка ё урмасин қул,
Йул деган улуғ бир маънига пайванд.
Жиндай хотирогга майл этсанг магар,
Олис уфқларни қамрар хаёлинг.
Умринг довлонлари булиб жилвагар,
Акс этар босган йул — бахту малолинг.

Ҳар кимда бу йулнинг уз ранг, уз тархи —
Гоҳ нузли чизикдек, гоҳ мавҳум соя.
Қатланиб этади йиллар тарихи —
Ё баланд, ё тубан элтувчи поя.
Шовулар ё чинор, ё салқин канал,
Авлоддан-авлодга элтар яхши ном.
Биолар ярқиллар, боғларда амал,
Булар ҳам йул, ахир... Хулласи калом,

Йул давом этади. Нақ икки тараф
Ранго-ранг лавҳалар — дилбар ва гулру.
Ижодкор меҳнатга абадий шараф,
Минг йиллик орзулар ҳақиқати бу.
Мирзачул бағрида сулим Гулистон,
Оппоқ иморатлар тизмасига боқ,
Чул эди бир пайтлар бу яшил майдон,
Бир пайт ботқоқ булган манов сунгсиз боғ.

Бу ҳам йул-да, ахир. Олтмиш йил бурун
Бошланган Мирзачул бахтли сафари.
Бағишлаб халқимиз қалбининг қўрин,
Ёзилли саҳронинг олтин лафтари.
Бу элда менинг ҳам дўстларим бисёр,
Муҳиддин Карим ё Собиржон Сиддиқ.
Улар шу заминга ишқ этиб изҳор,
Бунда яратдилар минг олтин сандиқ.

Илк ариқ қазиган, илк ниҳол эккан
Мардлар барҳаётдир бунда ҳар нафас.
Тузону гирдибод, гармсел. тикан
Заҳрин ютганларнинг руҳи муқаддас.
Талабалик пайтим, ҳар йил фасли куз
Пойтахтдан келардик қилгали ҳашар.
Ўшал илк пайкаллар завқин то ҳануз
Унутмам, қалбимда абадий яшар.

Эсимда, эгатлар оралаб бир вақт
Мамажон акага булдим суҳбатдош.
Ҳеч вақт осонликча келмагандир бахт,
Марҳум шу тупроққа қуйди азиз бош
Ва лекин ул мерос — ёниқ эҳтирос
Шогирдлар қалбида ҳокимдир бугун.
Йўлнинг мазмунидир эътиқод, ихлос,
Шуршок чехрасида барқ урган гулгун.

Мармар биноларнинг шодаси қалин.
Пахтазор аталмиш нурли бустон бу.
Жаҳонга кенг очиб меҳнаткаш қалбин,
Бахтдан сузлаётган Ўзбекистон бу.
Оламда антиқа жой куп чиройлик,
Фаройиб сирларга туликдир олам.
Аммо бу юртдаги энг буюк бойлик —
Ҳалоллик, саҳоват юксалтган одам.

Тасаввур уфқимда неча бир ҳолат,
Неча бир тақдирлар, неча бир сиймо.
Ўтган азизларга ҳурматдир одат,
Ерда қолиб кетмас эзгулик асло.
Ташаккур айтароқ ҳар бирига боз,
Номларин кўнгилда этар эдим қайл.
Поезд угиб қолди солиб гулдурос,
Жиззах сарҳадига етибман бу пайт.

Сангзор соҳилида лаҳза ҳордиқ ол.
Муздай сувга чайсанг юз билан қулни,
Гуё бир муъжиза руй берган мисол,
Яқин этажаксан энг олис йулни.

Бу ер — қутлуғ замин. Ҳамид Олимжон
Шеърига йўғрилган бу ёрқин само,
Мазмунида жамдир илоҳий бир шон.
Сердовруғ улус бу азиз ва зебо.

Гарчанд бир Ватанмиз, бир юртмиз яхлит,
Лек турфа гузаллик мул унда гоят.
Худди марғилоний шух атлас тахлит
Порлар ўз рангида ҳар бир вилоят.
Андижоннинг “Боғи шамол” иши қур
Ё туна бир оқшом зилол Ёрлонда,
Дилда ёлқин тараб авжланади қур,
Мавжланади рангин туйғулар жонда.

Бир томон Хоразм, бир томон Термиз,
Қадим тарихларнинг мангу гувоҳи.
Ҳар бирин Ватаннинг бир узви дермиз.
Янги замонанинг юлдузи, моҳи.
Қуш, шамол тинар-у, тиним билмаган
Меҳнаткаш, филоий, ташти элим бу.
Яхшилигин асло миннат қилмаган,
Жаҳонга кенг очиқ, ойдин дилим бу.

Йул экан, саёҳат ё иш баҳона
Неча диёрларни этдим зиёрат.
Лекин ҳаёлимда булди Фарғона,
Бухоро туюлди ҳар бир иморат.
Сузмай океанда ё кезмай Римда,
Қай қитъа, иқлимда булмайин қуноқ.
Шу эл, шу юрт булди ую фикримда,
Кунмас, соат санаб тоқатларим тоқ.

Ҳар эли кўнглимга яқин Ер шарин,
Замин бир, ҳаво бир, ягона офтоб.
Томиримда оққан қоним башарий,
Олам тақдирига излайман жавоб.
Юртимга қайтурман доим соғиниб,
Инжиқ эркаликка йўйманг бу гапни.
Елкадан иргитиб ҳижрон тоғини,
Упганман ҳар тошу ҳар бир алафни.

Ўзингга буюрсин уз юртинг, ипсон,
Яхшию ёмони ўзингга маҳрам.
Бу — сенга тақдирдан абадий эҳсон,
Бу — сенга оташин бахту эзгу ғам.
Бутун мамлакатга эгасан, билсанг,
Саҳроси, Ороли — уз туғма дардинг.
Бир дарахт қуласа, кўксинг босиб занг,
Бир ариқ қуриса, ёндинг, сарғардинг.

Қаршингда муаммо, юмушлар талай,
Ялпи байрам эмас, аслида, ҳаёт.
Далада аёллар... пахта, ҳар қалай,
Кетмондан қоматлар дол эрур, ҳайҳот.
Азиз сингилларим, узр минг бора,
Енгил қилолмасман хизматингизни
Бутун дардингизни берингиз, зора,
Ўрнига қўёлсам иззатингизни...

Йўл давом этади. Муаттар ислар
Томир-томирингга сингиб бегубор,
Қузғайди қалбингла дилрабо ҳислар,
Ҳазилми, юзма-юз сен билан Диёр.
Минг йиллик тарихлар чарх урар ёлда,
Кўксидан юксалиб навқирон олам.
Шундай маҳобатки, чунг-фавқулолда
Шарҳини ёзмоққа ожиздир қалам.

Авжида кўкламнинг шўх-шаддод феъли,
Ялт-юлт чақмоқ тилар булутлар қатин.
Ўнгирдан қуйилиб келади сели,
Тонусранг камалак ёяли патин.
Яна манзил-манзил товланади йул,
Кўл ҳали бекатлар, сайҳону доvon.
Ҳали шаҳарлар бор, ҳали бордир чул,
Ўйларим шу йўлдай олис ва равон.

Болалик аталминш сулим бир маскан,
Бир элки, илк севгим барг ёзган диёр
Тўйга чорламиншдир унут этмасдан,
Тўй демак — дўст ила қуришмак дийдор.

Таниш кучалардан утмоқ пиёда,
Серюлдуз тунлардан булмоқ файзиёб —
Дунёда ҳар қандай завқдан зиёда,
Ҳар қандай савобдан энг улуг савоб.

Бировким, қадами узилиб буткул,
Туғилган заминдан тушаркан йироқ,
У — тувак устида унган ожиз гул,
Қилг этган шамолдан танида титроқ.
Яъни, англай билмас уша эл кунглин,
Иссиғин-совуғин ҳис этмас тамом.
Қаҳқаҳа урса ҳам, вужуди мунгли,
Дономен деса ҳам, карахт бир авом.

Бахт деб атагани — қуруқ бир мансаб,
Қувончин замири — алам ёхуд гаш.
Томиридан узиб ташланса алаф,
Таъсир қила билгай на обу оташ.
Алҳазар, бундаин қисмат, алҳазар,
Ҳеч кимнинг бошига солмасин соя.
Фақат ёнбағирлар узра юксалар
Манаман деб гердайган ҳар қандай қоя.

Ҳай, булар бариси шунчалик бир гап,
Йулдаман, хаёлим хуш уйларга банд.
Яна бир соат-да, сунгра ярқираб
Вужудим сеҳрлар қадим Самарқанд.
Хушбуй нонлар ҳили тутур ҳавони,
Мунаққаш пештоқ-ла сирлашурман боз.
Бундаин муқаддас, олий маъвони
Замонлар бош узра этурлар мумтоз

“Бир кун туз берганга — фарз қирқ кун салом”¹,
Халқим удумига этарак амал.
Сенга чин юракдан олий эҳтиром,
Тоғлар маликаси, жаннатий Бахмал!
Дустлар даврасида қолиб то саҳар,
Қимиз сипқорганман келиб бу ёққа.
Ҳурматларим булсин навқирон шаҳар —
Маъданлар қайнаган Маржонбулоққа!

Куп қадим йўллар бу, айтгандек устод,
Олис замонларга гувоҳдир тилсиз.
Улар кечмишини нечун этмай ёд.
Қайда дарахт унган, айтнинг, беилдиз?
Искандар, Кутайба, Чингиз шиддаткор
Бу замин бағридан сурган экан от,
Менинг ҳам кўксимда наълин захми бор,
Абадий сабоқдир, ахир, хотирот.

Куп қадим йўллар бу, ҳар бир қадами —
Бир тарих, бир аждод, бир ибрат тақдир.
Не-не жаҳонгиру замон ҳаками
Аталмиш зобитлар топтаган бир-бир.
Тупроққа қорилган ашки хуноба,
Султонлар фикрида қатлу интиқом.
Бири қаср қурган, бири сардоба,
Бири эл қонидан тутган тилло жом.

Бирдан зулумотга киргандай жаҳон
Тутди еру кўкни қора гулдурос.
Гуё тунтарилган денгиздир осмон,
Найсон булутлари қуярди шаррос.
Бир муддат бошпана этиб йул четин,
Саробми, хаёлга шунғийман роса.
Лашкарлар тўлқини тутар ер бетин,
Қаршимда у машҳур Темур дарвоза.

Темур дарвозаси! Чурт кесилиб тоғ,
Дарвоза булгандек Темур йўлига.
Жаранглаб неча минг шамширу яроғ,
Тўлди от дупури Малик чўлига.
“Ур-ҳо!” тутиб кетди само тоқини,
Қоронғилик қалқиб, чекингандек нур.
Шунча оломоннинг сўнгсиз оқими
Ичидан мен сари юзланди Темур.

Гижинглар тагида арабий бедов.
Мағрур боқишида қаҳр ва шитоб.
Аввал гангиб қолдим, сунгра топиб дов.
Истеҳзо сузига бера олдим тоб.

— Хаёлингни сезиб турибман, шаккок,
Сен ҳам ўшалардан, билиб ё билмай,
Менга минг даъвони тиркаб аламнок,
Тавқи лаънат муҳрин урмоқликка шай.

Ёғий қочар булса, кунайгандек мард,
Номимни минг куйга солурлар ҳамон.
Жаллод, каллакесар, бузрук ва жумард,
Ҳар бир қадамимдан сачраб турган қон.
Сарҳалларга қилич сермаб югурган.
Оқ ила қорани этолмаган фарқ.
Гуё нафасидан ўтлар уфурган.
Гуё сўзларидан ёлқинланган барқ.

Уларнинг бирдан-бир дегани шулким,
Мен инсон шаънида гуё ўчмас доғ.
Осон-да йироқдан этмоқлик ҳукм,
Ойни этак билан мушқул бекитмоқ.
Яратган эрканми ушал замонам,
Мен унинг измида мудом сурдим от.
Вайрони — вайронам, қасри — қошонам,
Бор-ку куп эзгулик мендан хотирот.

— Маъзур тугинг, дейман, улуғ жаҳонгир,
Мен ҳам айтиб олай неки дилда бор.
Нечун куп юртларни топтаб бирма-бир,
Бошлар чаноғидан қурдингиз минор?
Нега шаҳр урнида экдингиз тариқ,
Нега тинч элларга солдингиз хатар?
Буни унутарми ҳаққоний тарих,
Заруратми эди бу янглиғ сафар?

Қаҳқаҳа ингради ногоҳ: — Эй нолон,
Нечун бир заминда ўнлаб салтанат?
Жаҳонга етгай-ку бир соҳибқирон.
Керакми минг қуроқ юзлаб мамлакат?
Дунёга яхшилик қилмоқ булдим-ку,
Дилга тугун қилиб барҳақ ниятни.
Буйсунмас ёғийга мен солдим ғулу,
Барқарор этай деб бу ҳақиқатни.

Қузлаб боравердим Эрон, Ироқни,
Ҳатто Боязид ҳам булди-да таслим,
Забт этдим ундан ҳам йироқ-йироқни,
Шавкат қучсин дея насабим-наслим.
Бироқ мендан сўнгра... Нифоққа ботиб,
Авлюдим булиниб кетди ҳар тараф.
Ҳайҳот! Магрур туғим эгилди — ётиб,
Шамдай суна борди қудрат ва шараф.

Сузларин журъат-ла булиб шу асно,
Дейманки, сунмоғи эди муқаррар!
Салтанат куч бирла уюшмас асло,
Уюшган чоғда ҳам омонат самар.
Зеро, от туёғи, қиличлар дами
Озод нафас учун ётдир мутлақо.
Алолат, аслида — бу эркининг жами,
Истибдод ҳеч маҳал билмагай бақо.

— Эҳ-ҳа, бурро, — дейди, — тилинг, — жаҳонгир. —
Туғилиб неча ун буғиндан сўнгроқ,
Менга тил урмоғинг балки осондир,
Лекин бу тафтишнинг ақлдан йироқ,
Сен уз заминингдан туриб урма лоф,
Мақсудим англамай атама зобит.
То жаҳон бор экан, бор экан офтоб,
Мен уз ақиламда қолурман собит.

Қуйгил Самарқандни, оддий овулим
Бағдоду Фориш деб олган эрса ном,
Демак, қитъаларга етган довулим,
Топганман буюклик бирла эҳтиром.
Уйлардим мен билан этурсан деб фахр,
Гарчанд мен фахрингга эмасман муҳтож.
Беҳуда саволинг не керак, ахир,
Сенга бегонадир шавкат, тахту тож...

Бехос, қўшин ичра солиб рустахез,
От сурди жаҳонгир, қалбимда ларза.
Сесканиб, уйларнинг гирдобидан тез,
Ёруғ жаҳонимга қайтдим шу лаҳза

Во ажаб! Хаёлми, рўёми, не ҳол?
Маънос қотган эдим, тиниб кузларим.
Уқувчим! Кечиргил, қалтис, эҳтимол,
Пойма-пой айтилган ушбу сузларим...

Бензинга тулдириб темир “курсоқ”ни,
Ичиб уч-турт қултум термос чойидан,
Яна узангига босиб оёқни,
Силжитдим “тулпор”ни турган жойидан.
Ёмғир ўтиб кетган... Чақнарди қуёш,
Намоён этарак нурбахш феълени.
Обдон пардозланиб, гуё ювиб бош,
Баҳор жилмаярди — олам келини.

Билиб турибсизки, энди олдинда
Зарафшон аталмиш бир наҳрул ҳаёт.
Не қилай, йул шавқин дилга солдим-да,
Энди бу мавзудан жилмоқ мушкулот.
Сизга сабр тилаб, узимга илҳом,
Тоғлар сиртмоғидан чиқиб сайҳонга,
Билдириб йулларга иззату икром,
Кетиб бормоқдаман Толимаржонга.

Унда болалигим излари қолмиш,
Унда илк бусамнинг ширин таъмлари.
Наҳот, ул болалик мангу йуқолмиш,
Қайтмагай умрнинг ўсмир дамлари?
Наҳот, ўтиб кетди буткул бир ҳаёт,
Дилда из қолдириб укинч, малолдан?
Яхшиям, инсонда мавжуд хотирот...
Бир қалқиб кетаман ғамгин хаёлдан.

Қуй, ноҳуш ўйларни, дўстим, йулга боқ,
Болалик уфқига қайтмоқдасан-қу.
Болалик — камолга элтувчи ирмоқ,
Ҳаёт фалсафаси азалдан — ушбу.
Бул кеч содир булгай ушал мулоқот,
Юзма-юз келгайдир фасли наврузинг.
Хушнуд учрашувни уйлагил фақат,
Фақат эзгуликка буюрсин сузинг.

Тўй, ахир! Дустларим унда булур жам,
Чироқлар маржони ёритиб бағрин,
Биз билан қўшилиб чулнинг ўзи ҳам
Тантана қилажак ошиқлар бахтин.
Шавқи — йигит исми, Ойсулувдир қиз.
Аму соҳилида сирлашган икков.
Келин Қаршидандир, билмоқ булсангиз,
Шу дашт ўғлонидир ошуфта куёв.

Бир пайт чул саҳнида, мен кеза-кеза,
Излаб достонимга мос бир қаҳрамон,
Дучлашдим жунбишли, асил, покиза
Севишганлар билан йулда ногаҳон.
Умр сўқмоқлари чатишса магар,
Масофа не эмиш? Минг тош — бир қалам.
Муҳаббат инсонни этгай музаффар,
Севгида ярқираб курингай одам.

Кунгилда қузғалиб шеърий эҳтирос,
Кечмиш улар билан баҳорим, ёзим.
Танқидчи айтмоқчи, ёзмоқ учун рост
Ҳаёт қозонида қайнамоқ лозим.
Энди бормоқдаман, тўй иштиёқи
Яхши ниятлардан бир тимсол янглиғ.
Агар шу тўй аро сўз берса соқий,
Шундай бир қадаҳни айтмоғим аниқ:

— Сизга бахт тилайман ҳаммадан олдин,
Оқ булсин ишқ аро доим йўлингиз.
Тупроқ ушласангиз, бўлсин соф олтин,
Фарзандларга тулсин ўнгу сўлингиз.
Севгингиз боғидан кетмасин кўклам,
Бир-бирга шу қадар булингки пайваст,
Ҳатто чеваралар курган вақтда ҳам
Муҳаббат майидан бўлинг, майли, маст...

Бунда Ботир ҳам бор, бордир Хушвақт ҳам,
Ултирар бир ёнда Мурод ва Ашур.
Гулоблар таъсири билиниб кам-кам,
Даврага тушсак ҳам, балки ярашур.

Қушиқлар авжланар, янграгай шўх куй,
Қизлар даста-даста товланур яшнаб.
Не қилса, тўй, ахир, гулобингдан қуй,
Ярашмас утирсак иякни қашлаб.

Тўй, ахир! Истақлар чамани рангин,
Пайванд уриб кетгай икки ёш ниҳол.
Бу танноз кечанинг буткул жарангин
Қуша қаригунча, ёшлар, дилга сол!
Оила муқаллас! Барқ урган ният,
У бахтдир абалий, фарзанддир азиз.
Оила кўркидан кўрчдир жамият,
Ундандир эл аро ҳурмат ва тамиз.

Яна яхши гаплар айтгум бир талай,
Нурли тилақларга кўнгил лиммо-лим.
Алжираб кетмасам керак, ҳар қалай,
Сўз билан ўйнашур қайси бир олим?
Аввал фикр керак, сунгра зикру баҳс.
Сўз улўғ қудратдир, амал ва имон.
“Уни булар-булмас ишлатгувчи шахс
Хиёнат йўлига киргандан ёмон”.

Сино айтмишларки, сўз — бу кескир тиг,
Кесиб ташлай олгай теккан ерини.
Яхши сўз — инсонга қанот, суянчиқ,
Ёмони тириклай шилгай терини.
Шул сабаб, ҳар сўзни ишлатган чоғи,
Унинг олмос қадрин туга бил баланд.
Сўз — бу тафаккурнинг олтин чироғи.
Сўз бу камолотнинг сурати монанд.

Қишлоқ мактабидан чиққан успирин,
Уруш йилларидан сунгги бир дастёр
Бундан ронпа-роса ўттиз йил бурун
Шу йўлдан Тошкентга ўтганман илк бор.
Жо қилиб қалбимга дорилфунунни,
Беш йил устодлардан тингладим сабоқ.
Хат узра тонгларга уладим тушни,
Тақчиллик кунлар ҳам булган бесаноқ.

Қайда ушал йиллар? Улар — ширин туш.
Қизгин, “илмий” баҳслар, довдир донолик,
Шеърый машқлар билан юрардик сархуш,
Юксак чуққиларга булгандек молик.
Ҳамид Сулаймоннинг ҳар битта дарси
Ҳикмату ҳайратга ғазна эди нақл.
Домла Ойбек сузи, Шайхзода баҳси,
Ғафур Ғулом билан учрашув — не бахт!

Эсимда, ҳаяжон ичра зир титраб,
Устоз ҳузурида ўқиганим шеър.
Ғафур Ғулом, ахир, ҳазилми бу гап,
Замона яратган янги Алишер.
Сўнгроқ-ку иш-хизмат тақозо этиб,
Доно сузилан кўп булдим баҳравор.
Неча ҳикоятин тилидан битиб,
Оққа кучирганман шеърларин такрор.

Баҳор булутидай кирса гуркираб,
Хонага туларди кулгию нақл.
Очиқ, кенг манглайи, бутун кўркида
Барқ уриб турарди шарқона ақл.
Қалбида қайнарди асил шеъроят,
Давра, анжуманга завқ бағишларди.
Куксида тонглаздай мусаффо ният,
Латифа бўларди қилган ишлари.

Йулга чиқар булса, бутун бир диёр
Уйининг тўрини унга атарди.
Қитъалар кашф этган Колумбдан зиёд,
Янги илҳом билан уйга қайтарди.
Шеърда балқирди қуёшли водий,
Севги севинчлари, бахту ҳаяжон.
Сатридан булбулнинг чиқиб саводи,
Сўзи уликка ҳам бахш этарди жон.

Келган Лоҳутий ҳам, Самал Вурғун ҳам,
Қабрида тинч булсин ул азиз зотлар.
Абадият булмиш уларга ҳамдам,
Оташин сўзларин ўқир авлодлар.

Умрим йулларига қаёндан боқиб,
Қай бир довинини кузатмай мафтун,
Қуринар улугвор дарсхонам балқиб,
Фанлар такагоҳи ул дорилфунун.

Хаёлдан не кечмас юрган чоғингда:
Ширин учрашувлар, севги онлари...
Далалар чарх уриб сулу соғингда,
Сенга қамти учар юрт бўстонлари.
Бир лаҳза машина рулин четга бур,
Нафасни ростлайлик, Анвар, бир нафас.
Ахир, қаршимизда Самарқанд турур,
“Самарқанд — сайқали руйи заминаст”.

Унга кириб бўлмас лоқайд ё беҳис,
Кириб бўлмагайдир йул-йўлакай ё.
У — тоғдай азамат, қушиқдай нафис,
Қават-қават ётган сир тула дунё.
Имтиҳон олдида турган шогирддай,
Чўққини кўзлаган альпинист мисол
Ажиб бир туйғулар дилни ёриттай,
Бир муддат қошида қотажаксан лол.

Гумбазлари осмон ичра бир осмон,
Мовий пештоқида асрлар яшар.
Улуғбек термулган шан қолдузистон,
Улуғ Навоийга муаллим шаҳар.
Ассалом алайкум, нуруний тарих,
Навраста бугуним, бахт таманноси.
Қайси бир хислатинг этайин таъриф,
Дунё сайёҳларин, эй, қадамжоси!

Фазал сеҳргари Ҳофиз суриб рахш,
Васф этиб туркона шўх дилорони.
Ул қаро холига этмоқ бўлган бахш
Шундоқ Самарқанду ҳам Бухорони.
Ғалат йуқ, иштибоҳ авжида шоир
Бу улуг масканни тутмиш сарбаланд.
Яъни энг беқиёс хуснга доир
Зийнатосо мезон бўлмиш Самарқанд.

Куҳак тепасидан, дил тула сафо,
Оламга боқмоқнинг ўзи бир гурур.
Шифтдай яқин бўлур бош узра само,
Қўл чузсанг, юлдузлар кафтингга қўнур.
Худди бултур эди, француз меҳмон —
Қаламкаш бир адиб Жорж билан бунда
Тун буйи қолганмиз, замин у замон
Хаёллари ичра фикрий тўлқинда.

Бунда кўк чой таъми, чинни жаранги,
Илму шеър баҳсидан янграйди заллар.
Нақшин эскиртолмас замонлар чанги,
Бунда талаффузи ширин гузаллар.
Эпителик кетаман, Душан ё Марди
Билишса, Оҳақлик элтишар судраб.
Чой сабаб, дийдор-да инсоннинг дарди,
Йўқ, унда йўлингдан қолишинг — ҳеч гап.

Кириб бозорига, сипқориб хуш бўй,
Харид қилган бўлиб данак ё мағиз,
Регистон олдида лаҳза суриб уй,
Тарих-ла рўбару қолурсан ёлғиз.
Ўзинг ўзлигингни яна бир таниб.
Замонанг ҳурматин солиб кунгилга,
Улғайиб, бар ёйиб, мусаффолашиб,
Тушиб кетажаксан давомли йўлга.

Боғлар оғушидан майин сирғалиб,
Ўрлаймиз кук воҳа бағридан илдам.
Дарахтлар авж гулда — миллиард сирғали,
Деҳқон эгатларда ғимиллаган дам.
Не бахтки, кўртингни жонингга босиб,
Булогидан татиб, қониб меҳридан,
Ҳар фаслу гушасин қалбингга ёзиб,
Ҳайратлана билмоқ курку сеҳридан.

Суз ожиз қолганда тилга киргай соз,
Муסיқий тўлқинда ўлкам этур ром.
Улкан чорраҳада биз тухтаймиз боз,
Ургут тоғларига салом — эҳтиром!

Қалқиб чиқмиш ердан неча хил ранглар,
Таъму ҳид мавжида дашту тоғу тош.
Шундай зилолликки, қалбинг жаранглар,
Шундай хушбўйликки, гир айланар бош.

Ватан, буюклининг ҳис этган маҳал,
Қалбимда туғилур ажиб туйғулар.
Замини офтоб-ла йўғрилган зарҳал
Бу диёр тимсоли дилни улуғлар.
Бир пайтда тўрт фасл барқ урган олам,
Тоғлари самони упгувчи диёр
Кузларим унгида ярқираб шул дам
Қўзғар вужудимда чексиз ифтихор.

Бесаноқ йул-бекат босиб бағрингда,
Ўз уйимдек билдим барча манзилни.
Кездим урмонингда, суздим баҳрингда,
Бағишлаб мадҳингга ўтли назмни,
Муштоқман сахаринг жилваларига,
Меники — сахроми, чаманми ё чўл!
Мафтунман тоғларинг жилғаларига,
Хизматингда булмоқ — мен танлаган йул.

Энди чўл! Денгиздай чайқалган борлиқ.
Неча бир рангларнинг уйғун ёниши.
Яшил ёнбағирлар атру ифорлик.
Муаллақ қотгувчи турғай хониши.
Чучмома, тарғилбош, қоқигул, равоч —
Саноғи дафғарга сигмас доривор.
Баҳмалдай ловуллаб, кенг ёйиб қулоч,
Чўл сенга қувончин этади изҳор.

Бу ҳали дебоча. Жомдан сунгра чўл.
Чироқчи ҳалига қуйганда оёқ,
Курурсан, уфққа сингиб кетган йул
Қанча елган билан булмагай адоқ.
Баҳри муҳит ичра сузганман бир ой,
Ҳафталаб тўлқинда юрганам ҳам рост.
Шунда ҳам хаёлда чўл ёйиб чирой,
Денгизни чўлларга этганман қиёс.

Оқ утовлек қалқар уфқда гирдоб,
Чағалайлар гүё яйлов лочини.
Сою қирларда ҳам мавжлар сершитоб,
Офтоб силаб ётар яшил сочини.
Йилқилар кишнаган, қуй сурув-сурув,
Ўтлар белга урган — ложувард бойлик,
Наздимда, ҳар қанча денгизча сулув,
Ҳар қандай гулшанга ўйқаш чиройлик.

Адирларни тутиб шовуллаб бугдой,
Элнинг ризқу рузи, тақдири азал.
Омборинг ғаллага булсагина бой,
Тилингдан тушмагай қушиғу ғазал.
Олий ҳақиқат бу! Хирмон-хирмон дон —
Барча ноз-неъматнинг аввали, боши.
Тандир-тандир булиб узилган ҳар нон —
Дастурхон осмонин ёниқ қуёши.

Мен ҳам нон қадрини билгувчи авлод,
Унутмам зоғора қимматин, доғин.
Уруш йилларида бурда нон — ҳаёт,
Кузларга суртганмиз, ахир, ушогин.
Шул сабаб, тиззадан нонни синдириб,
Эскисин ахлатга ирғитган туйбон
Ёхуд молу ҳолга тиқиб едириб,
Ишшайиб гурган зот ёмондан-ёмон!

Хирмон ҳам янчганман, терганман машоқ,
Ҳу, анов қирларда янтоқ чопганман.
Сув истаб, ташнаком ҳам ялангоёқ,
Қудуқдан томчимас, гавҳар топганман.
Томчи сув — арзанда. Қатранинг қадрин
Офтоб ёндирмаган билсин қаёндан?
Ҳозир-чи, миллионлаб гулларнинг атрин
Шаббода уфурар азим ёбондан.

Фақат баҳор шундоқ. Оташ пусқуриб,
Минг тандир ҳарорат ёғдирганда ёз,
Сен заъфар заминнинг ёнишин куриб,
Нечук изтиробга тушурсан бехос?

Уфқлар куяди, сароб урганур,
Гармсел оламга сочгудек завол.
Жаҳаннам бу ердан сабоқ урганур,
Томчи сув анқога шафе бир аҳвол.

Табиат яратар чоғида, наҳот,
Соқит тутмиш буни яхши нигоҳдан?
Шунча қаҳатмиди ул оби ҳаёт,
Танқислик бормиди яшил гиёҳдан?
Бунда саховат йуқ, йуқдир адолат,
Хатою саҳвга туладир тақдир.
Аму соҳилида тонганча горат,
Фарёд чекиб ётсин бу дашти кабир?!

Бунда қудуқ номи азиз, муқаддас,
Оққудуқ, Шурқудуқ ё Узунқудуқ.
Бирор манзил топиб тўхтадингми, бас,
Чалоб тутадилар товоқ лим тулиқ.
Корсонда чаккини майдалаб эзиб,
Шопириб сув билан, бурттириб мойин.
Ичсанг, вужудингда бир қудрат сезиб,
Унутгинг жаҳоннинг пивосин, чойин.

Қайда бобо Рустам, ул пири чўпон,
Сахро донишманди, минг қўйли донгдор?
Унинг утовиди кўп бўлиб меҳмон,
Яйловда изма-из юрдим неча бор.
Бутун бир фан эрур ота билгани,
Кукрагида Юлдуз, мош-гуруч соқол.
— Чалобдан соғломдир чўпоннинг тани,
Ҳар қандай тафтингни кўтарур дарҳол.

Сен чўлни уйлама яланг бир бадан,
Жизғанақ, тап-тақир, қурумсоқ ва оч.
Ажодод-авлодимга бўлмишки Ватан,
Шунда томир отдим ва топдим ривож,
Шаҳарнинг салқини сингиб қатма-қат,
Бегона бўлдими сенга бу замин?
Қарашларинг бошқа, фикринг ҳам ғалат,
Унутиб қўйибсан чалобнинг таъмин?

— Қани кийик, — дейман, — қани минг оху!
Гуруҳ-гуруҳ елган ажиб махлуқот?
Йурға тустовуқлар пат ёйса, ёху,
Қошида шафақлар булмасмиди мот?
— Сузинг тўғри, — дейди ота уй суриб. —
Чиқиб ҳаромтомоқ неча бир овчи,
Қувиб мошин билан, милтиқдан уриб,
“Қаҳрамон” саналди, юришиб авжи.

Бу ҳам майли-куя, уғрининг қулин
Тутгувчи бирор мард булмади кўп вақт.
Улар таладилар ўз уйин, чўлин,
Қўлга киргизганин ҳисоблашиб нақд,
Яширмоқ инсофдан эмасдир, ўғлим,
Биз ҳам томошабин бўлдик кўп маҳал.
Арз билан тепага бормадик, тўғри,
Бир жойга шу гапни қўймадик дангал.

Рост гап, бепарволик қайда қўйса ин,
Виждон бир лаҳзага мудраса ёким.
Унда палак ёзар хусумат ва кин
Ёхуд хужасизлик булгайдир ҳоким
Ва лекин бу чўллар ғазна бошдан-бош,
Унинг тағ-тагида қанча бойлик жам.
Чорва бу, буғдой бу, яйлов бу, қуёш,
Газу нефть қайнаган сир тўла олам.

Дилда такрор этиб ўшал суҳбатни,
Уйчан турмоқдаман адир тўшида.
Қанча муаммою қанча ҳикматни
Бу чўл ошкор тутар ўз оғушида.
Сигмас тасаввурга эн билан буйи,
Жо булгай бағрига неча бир диёр.
Магар пахтазорга айланса рўйи,
Оламни момиққа чулғар ҳадди бор.

Магар чорва қилсанг — дарё-дарё сут,
Антиқа қоракул, қозон тула мой.
Дон сепсанг, поёнсиз баракаю қут,
Силсила-силсила уюлган буғдой,

Майли, шаҳар қургил, майли, гулшан туз,
Оқиз қувурлардан ҳароратми, нур.
Бу улуг кенгликда не муъжиза юз —
Кўрсатса, ватандош, сенга ташаккур!

Бу — сенсан, ҳаётнинг таянч нуқтаси,
Дарёларни бурган, яратган денгиз.
Меҳнату ижоднинг қурч омуктаси,
Қулф урган япроғу ҳам теран илдиз.
Аму соҳилидан келмоқда сасинг,
Каналлар салқинин сезурман кушод.
Баҳор яратмишки меҳру нафасинг,
Бунда Чўли бобо руҳи кезар шод.

Курурман чорпахил, азамат чолни,
Лекин кўзларида бор жиндек малол.
Табиат ёқтирмас: “Тез бул”, “Ур-сол”ни,
Чўлга панжа ургил ўйлаб ва ҳалол.
Одамга боғу роғ, кўлу чаман — зеб,
Тог билан дарёдек зарурат-да чўл.
Қайси бир аъзосин бу нокирак деб,
Кесиб ташлай билган қайси овсар-гул?

“Чулни қувинг!” — дейди газету журнал,
“Чулга ҳужум!” дея шоир солур дод.
Чорва чаман ичра утлаб қай маҳал
Элни тўйдирибди? Кўрганми ҳеч зот?
Керак Қизилқум ҳам, Оролу Тайга,
Керакдай қишу ёз, кўклам билан куз.
Чул бўлмаса, молни ҳайдаймиз қайга?
Кераклир дону сув, шакар билан туз.

Меъёр бузилмасин, ҳарорат лозим,
Даштим ҳирмонлари булсин десанг мул.
Пахтани пиширган қозони азим,
Аслини олганда, шу қуёш, шу чўл.
Бунинг ост-ости ҳам тиллою ёқут,
Ер эмас, ҳазина қопқоғи бу ер.
Қалам сурганда ҳам шуни ёдда тут,
Шуни мағзига сол ёзганинга шеър.

Чулнинг фалсафаси ўзи янглиғ кенг,
Баҳши ҳаёлидай қамровли жаҳон.
Ҳар сузи, аслида, бир мақолга тенг.
Ҳақ гапни юракда тутолмас ниҳон.
Йигитин Алпомиш, сулувин Барчин,
Дея ҳайқирмоққа топсам-да асос,
Истамам уларнинг содда, уқтам, чин
Феълин эртақларга этмоқни қиёс.

Азизим, Ватаннинг боғу чулида
Ярқираб турурсан мисоли қоя.
Эртақлар сен томон етмоқ йулида
Тубан-тубанларда турган бир поя.
Манов қир кўксида бир оқшом қолиб,
Бир кеча кузатсанг юлдуз тўйини.
Неча хил муъжиза уйларга толиб,
Ҳис этгунг ҳаётнинг мангу куйини.

На лаззат оламда яшамоқ баҳти,
Севиниб, севилиб, ўртаниб, ёниб!
Вақт — эзгу юмушлар бажармоқ вақти
Интилиб, орзиқиб, қувониб, қониб.
Умр деган инъом берилгай бир бор,
Лаҳзанинг қадрини тута бил баланд.
Замину замонга бўлиб даҳлдор,
Яхши тилақларга ўзни этгил банд.

Хушбахтдир, бусадан сархуш булган дил,
Мардона енголган дуч келганда ғам.
Бировнинг оғирин ким этиб енгил,
Бировнинг шодлигин кўролса баҳам.
Хушбахтдир, ким тўкиб реза-реза тер,
Бир ариқ қазиса, экса бир ниҳол.
Кимга дил розини очиб она-ер,
Ердан ўз розини тутмаган ниҳон.

Хушбахтдир, ҳис этган шудгор нафасин,
Кон очган, фан битган, шеър тузган одам.
Салқин саҳарларнинг суриб сафосин,
Шафақларга пешвоз ташлаган қадам.

Оламда яхшилар кўп, бениҳоя,
Мунаввар орзулар — инсонга қанот.
Бу бахтга ғаламис солмасин соя,
Бу бахтни ғафлатдан айланг эҳтиёт!

Ва лекин оқладар, нонкур оломон,
Бомбалар “шавқи”дан мастона гуруҳ
Ерни қоқ нишонга олиб беомон,
Тайёр ҳар дақиқа этмоққа мажруҳ.
На мажруҳ, бир қисм кул бўлса бўлсин
Гўдакми, аёлми, гулшанми, орзу.
Истар, ҳаволарга қора дуд тўлсин,
Зулмат гирдобиди маҳв ўлсин ёғду.

Эй ақл, сен дадил сарҳадларда қалқ,
Жангга кир, диёнат, виждон ва инсоф.
Шу бугун, шу лаҳза чақнаб мисли барқ
Ерни сақлай билгил шудрингдай шаффоф.
Коинот уммони ичра бу замин
Ноёбдир, нажибдир, дурдонадир пок.
Агар ҳис этмасанг она-ер гамин,
Сен ўзинг ўзингни этурсан ҳалок!

Оғир хаёлларнинг забтидан чиқиб,
“Жигули” жиловин тутганча маҳкам,
Олга интиламан яна интиқиб.
О даштим ҳавоси, юракка малҳам,
Машина сиртини шиббалаб тезкор,
Гувиллаб оқҳувчи дарёи азим,
Сенга айтадиган кўп гапларим бор,
Сени яратган бу заминга таъзим!

Бунда тарвуз битса ё пишса узум,
Қанду курс бозори касоддир буткул.
Янтоқ шакар боғлаб кўрсатар ўзин,
Сайраб, юлдузларни маст этгай булбул.
Бунда Чимкўрғону бунда Панж камар —
Лаболаб чайқалган ҳавзаи зилол.
Томчиси — атиргул, томчиси — самар,
Анжиру анорга сачраб чиққан бол.

Муккамал жилюсин билмоқ истасанг,
Бир кеча меҳмон бўл Кифтоб ерида.
Унинг минг қирраси топгандир жаранг
Шоир Абдулланинг янгроқ шеърида.
Қўйчибон, пахтакор, олим, бахши эл
Ватанга бағишлар воҳам неъматин.
Кенгдир шу заминдай унда қалбу феъл,
Ўрганар ҳаттоки само ҳикматин.

Ҳосилдор далалар ёйиб кенг қулоч,
Уфқда кўринар ясси Кунғиргоғ.
Навраста боғларда эркин бир ривож,
Қашқадарё эрур, ҳу, баланд қирғоқ.
Мана, Қаршим узи турар қаршимда —
Менинг туғма шахрим. чуллар малаги.
Қуёшга чўмилиб порлар аршимда.
Либос — гул, чеҳра — гул, гул — жамалаги.

Муъжиза шаҳар бу, қадимий Нахшоб.
Минг бир хазинали диёр ўртаси.
Шудгорлари бўлиқ, сувлари нишоб,
Орзулар чамани, иқбол ўрдаси.
Муборақда газлар уммони қалқар.
Бешкенту Нишоннинг пахтаси — ипак,
Дунёда неча хил бойлик булса гар,
Истасанг, баридан топмоғинг бешак.

Фаввора мавжида қуёш зарҳали,
Раъно гуллар тузган мастона базм.
Ахир, шу эмасми орзу амали,
Мен буюк меҳнатга этгумдир таъзим.
Офтоб богаётир мағрибни тутиб,
Шуъласи каналлар мавжида олтин.
Аму шаббодасин мириқиб ютиб,
Баҳор уфқларга ёйган қанотин.

Баъзан шундай истак бўлади ҳоким.
Шундай бир туйғулар урлар юракка,
Дашт ила юзма-юз қолсанг-да, токим
Дарлларинг сўзласанг яккама-якка.

Бошингдан не кечди, ўтди нечук сир,
Кунглинда не орзу, не укинч, ҳавас —
Барчасини унга айтсанг-да бир-бир,
Юракни бушатиб олсанг бир нафас.

Заррадан йуғрилган каби азим тоғ,
Қатрадан уюшган мисоли денгиз,
Миллионлар меҳнати бир қушилган чоғ
Муъжиза руй бергай бемисол, тенгсиз.
Қалбу нигоҳимда минг битта талқин,
Вужудим чулғанмиш шух ҳаяжонга.
Юрак гупиради... манзилим яқин,
Қамти бормоқдаман Толимаржонга.

Бир ёнда қулбола денгиз жилвагар,
Чағалай садоси тутган самони.
Юксакка урлайди шух шаршаралар,
Чулга ёймоқ бўлиб зилол сафони.
Бинолар, манзиллар, уйлар, чироқлар —
Эртақ оламида қолурсан ногоҳ.
Кузингда жам бўлиб яқин-йироқлар,
Инсонлар қалбига ташлайсан нигоҳ.

Раҳмат, азизларим, қалби дарё эл,
Сизга ҳамдам бўлмоқ — менга буюк бахт,
Не улкан юмушга боғлабсизки бел,
Барин меҳнат ила этолдингиз нақд.
Уйғон, эй Муқанна, уйғон Насафий,
Кўринг, Чули бобо, чул кўркин бугун.
Буюк Амир Темур насли-насаби
Чулни мангуликка этмоқда гулгун.

Бир кунлик лавҳалар кунгилда қалқиб,
Неки ҳис этибман, солдим кўшиққа.
Толимаржон турар қаршимда балқиб,
Гуё олмос кўздек олтин кўриққа.
Ана, карнай-сурнай овози баланд,
Туйхона яқинлаб қолди, чамамда,
Дўстлар даврасига мен бўлиб пайванд,
Бир яйраб олурман яшил чаманда.

УСТОЗЛАР СЎЗИДАН
ЁРИШАР ОЛАМ,
УЛАР – АҚЛГА КУЧ,
КЎНГИЛГА МАЛҲАМ

АЛ-МААРРИЙ
(араб шоири, 973 — 1057)

* * *

Кундузлари ғам-алам ичида қотса бошим,
Кечалари кўзимдан оқарди аччиқ ёшим.

Сочим қораси... менга эслатса қора тунни.
Тишим оқи... кўрсатар келажак нурли кунни.

Биз ҳаётни севамиз, гарчи аччиқ бўлса ҳам,
Гарчи ҳар лаҳзасида кўзимизда бордир нам.

Одам нола қилади: “Умримни чўзгил, Ҳаёт!”,
Ҳаёт дер: “Фурсат етди, йўқ энди зарра нажот!”.

Қачон бу айрилиқлар ниҳоя топар, алҳол,
Қачон ўз мақомини топажак васлу висол?

Сени ўқдан сақлади неча бор содиқ қалқон,
Энди воз кечгил ундан, битди энг сунги имкон.

Баъзилардек ўлимдан кўрқмаган зот эмасман,
Ўлиму Ҳаёт менга бефарқ нарса демасман.

Жасадимни ғассолга топширган чоғда ҳатто,
Чин кўнгилдан намозим этажакдурман адо.

Гарчандки вужудингни қучса-да қора зулмат,
Дуойи хайринг бўлур ёнингда содиқ улфат.

Дустлар, орзум ўшал пайт ёнингизда мен турсам,
Ўзимнинг жанозамни ўз кўзим билан кўрсам.

Оҳ, бундай муъжизага урин булмагай мутлақ,
Ҳаёт — аччиқ ҳақиқат, ўлим — бу дунёда ҳақ!

Олим зоти қолмади. Ҳар ён зулмат, қоронғу,
Оддий одам фарзандин насибасидир оғу.

Кўзга кўринган бир пайт бирор кимсаки бордир,
Қонунсизлик илгида барчаси хор-зордир.

Аёлу эркаклару барча-барча — ҳаммамиз
Қуллик исканжасида кеча-кундуз ғамдамиз...

Оллоҳнинг мулки эрур Ою Қуёшу само,
Еру денгизу уммон тоғлару гулхан, ҳаво.

Оллоҳга тегиш эрур юлдуз тўла қаҳқашон,
Яъники бизни ўраб турган ушбу кенг жаҳон

Мисоли қалин тўрдек ташланган бошимизга,
Шулар ҳукмида булмоқ абадий тақдир бизга.

Буюк раҳнамо эрур оламга Парвардигор,
Сен ушбу ҳақиқатни ҳар лаҳза айла такрор.

Ҳаёт демак — туну кун айланажак чархпалак,
Икки ранг илон бўлиб одамни этур ҳалак.

Биз ажал ҳузуринда қарздор эруرمىз ҳар гал,
Лозим топган пайтида бизга уражак чангал.

Сувдан тенг баҳра олур боғлару дашту ангор,
Чорволару подасию барча вуҳушу жонвор.

Умримиз оқибатин уйласак эди агар,
Қонни сувдек оқизиб яшамасдик, алҳазар.

Ҳаёт, аслин олганда, ўтгувчи тезкор лаҳза,
Уни даф этар зумда бир қилич ёки найза.

Баҳам кургил борингни муҳтож билан, эй дустим,
Бу дунё омонатдир, шу сенга айтар сўзим.

Оллоҳга ҳамду сано! Ундандир ризқ-рузимиз,
Мардлигу шарм қочди. Гуноҳқормиз узимиз.

Саховатли булса қалб, ҳатто ўлим чоғи ҳам
Гурнинг азоби бўлгай барча малҳамдан малҳам.

Энг охирги лаҳза ҳам нафас бўлса танга ёр,
Ҳомийларга ҳомийлик қилишга ҳам мен тайёр.

Дуогўйлар ичида юриб кундузу кеча
Эътиқодли бир одам топмадим излаб неча.

Билганим шул булдики, бу изғиган галалар,
Кўзи очиқ кўрлару ақлу ҳуши чалалар.

Бирови олғир бироз, узин санар авлиё,
Такаббурлик бобида англайди ўзин танҳо.

Аслига назар солсанг, бориб турган лақма, гул,
Бошқаларин қусури уникидан анча мўл,

Яъни ҳар бир лаҳзада битта шумликка тайёр,
Бири ғирт ёлғончию бири ўлгудек айёр.

Дунёда бор маразнинг ҳаммасидан бор, бешак,
Уларнинг қилиғидан хижолат тортар эшак.

Биз-ку камбағал инсон, кийгани жанда, ямоқ,
Лекин анов зотлардан неча бора биз бойроқ.

Биз ўлимдан қўрқмаймиз, биз ҳаётни севамиз,
Лекин ишқ-муҳаббатдан маҳрум бўлдик нега биз?!

Тирикликда топмадик содиқ дустларни асло,
Балки ўлган чоғимиз булар бу иш мустасно.

Қуёш ҳам балқиб боқар, нурлари яйраб оқар,
Ҳаёт қувончи балки ушанда бизга ёқар.

* * *

Жафокашларни эркка йуллаш келар қулимдан,
Қаршилиқ қилсалар ҳам, қайтмасдим бу йулимдан.

Асрим-ку жонга тегди. Мен ҳам тегдим жонига,
Ақлим етди, ниҳоят, шу ҳикмат поёнига.

Билурманки, ажалим етган ушал соатда,
Ҳиндий шамшир-ла бошим кесажақлар, албатта.

Ҳаёт — бир йурға нордир, тошдан туқим-эгарӣ,
Фақат улим сени бу даҳшатдан этар нари.

Икки эшик ораси эрур бизнинг бу олам,
Ўз-ўзинг билан ёлғиз қолган чоғинг, эй одам,

Алоқани узгил-у, дарҳол бу дунёдан кет.
Бефойда бу ҳаётнинг баҳридан уту тарк эт!

Хоҳ кураш, хоҳ курашма — икки йулинг ҳам тенгдир,
Қай бирини танламоқ, дўстгинам, ўз ишингдир.

* * *

Кимки оғир пайтда ҳам оғзини тутса маҳкам,
Ушал одам ҳаётда бўлғай азиз, муҳтарам.

Сергаплик одам зотин дучор этар балога,
Сукут одамни асрар, кутаргайдир самога.

Камтарлик билан одам юксалур тоғдек баланд,
Мағрур кимса бўлғайдир изтироб билан пайванд.

Балолардан қутулмоқ истаган азиз инсон,
Қаергаки бормагил, кўрмассан беғам бир жон.

Ҳар хонадонда учрар номуси поймол аёл,
Одам Ато фарзанди шароб ичиб масту лол.

Бундай юртнинг подшоси елкага жанда илиб,
Газнаю саройи йўқ манзилга кетсин... билиб.

* * *

Ўз фойдангни уйламай, одамга яхшилиқ қил,
Ундан бир наф топишни ўйлама, бўлсанг оқил.

Ер юзини ахтариб чиққил қадам-бақадам,
Камдан-кам учрагайдир олийжаноб бир одам.

Одамларга қўрқинчни сингдирар шоҳлар бутун,
Чангалида захрини жам этган каби қузғун,

Баланду пастликлари билинар кўз қиридан,
Улар жабру зулмда қолишмас бир-биридан.

Бизнинг шоҳ эса... халқни талаб бўлди-ку обдон,
Кўз ёши дарёсида сузиб юрар эл нолон.

Тошбағир амалдорлар тўлдиришиб саройни,
Тинч қўйишмас бечора бир жоннию бир жойни.

Масжиду работларни талашдир муддаоси,
Аслин олсанг, шоҳ ўзи — бу ишнинг раҳнамоси.

* * *

Ёлғиздирман, бўм-бўшдир энди буткул ҳаётим,
На фаришта, на шайтон бўла олгай нажотим.

Кўнглим даштидан кетди ўйнаб юрган минг жайрон,
Хувиллаган чўл қолди, ҳаммаёқ бўм-бўш, ҳайрон.

Фақат жисм шишаси синди деб этманг хаёл,
Балки руҳ булди мажруҳ — оёқ остида поймол.

Кимки ёшлиқ пайтида топмади дилоромин,
Умр бўйи топмагай энди у дил оромин.

Мен таслимман... ҳаётнинг ушбу йўлидан бордим,
Ҳеч ким мадад этмади, ҳар нечаки ёлбордим.

* * *

Мисрда улат кезар, лекин айтинг, қайда бор
Одами ўлмайдиган жаҳонда бирон диёр?

Ақлимиз чора истар ундан булмоққа холи,
Аммо бундоқ юмушнинг кўринмас эҳтимоли.

Қайси араб, қайси форс с қайси битта юнон
Ҳаёг гулшани ичра юрар мангу қучиб шон.

Хоҳи пайғамбар булсин, хоҳи булсин шаҳаншоҳ
Ажалнинг нигоҳидан қочиб қололғай ногоҳ?

“Қочиб қолинг”... ниятин ҳеч қандай иложи йуқ,
Нишонга шартта теккай ажал отган утқир уқ.

Ҳар лаҳзада қалбимиз аниқ сезиб туради,
Ортимиздан ажалнинг ўзи пойлаб юради.

* * *

Эй қаламкаш маллоҳлар, айтинг, бугун қалайсиз?
Ҳар балоларни мақтаб, пашшадай гўнгиллайсиз.

Шоирларингиз изғир, буридай қидириб ов,
Улар севган емиши, албатта, ширин мақтов.

Улар худди каламуш, ёвдан баттар минг бора,
Муттасил ўғирлашар бирор шеърий ибора.

Қабул қилингиз, дўстлар менинг мақтовимни ҳам,
Ҳар бир сўзим, аслида, сўкинишдан эмас кам.

Энг гуллаган вақтларим даврангизда утди ҳайф,
Энди кексалик чоғи сиздан нима топгум кайф?

Хайриятки, сизлардан анча энди олисман,
Айтадиган гапим шу, истасангиз... холисман.

* * *

Беркингил уз-ўзингга. Чунки танҳодир Оллоҳ,
Шоҳлар иноқлашур деб марҳамат кутма ногоҳ.

Камбағал дўст қидирар, агар бермаса толе,
Бу ҳам бир яхши нарса, балодан булар холи.

Агар кечаю кундуз зулматда утса рўзгор,
Демак, эру аёлнинг ўзларидир гуноҳкор.

Агар шу хилда булса инсонга тақдир нақши,
Инсоннинг гудакликда улиб кетгани яхши!

Мана у, яшаётир тақдирни қарғаб-қарғаб:
“Онагинам дардига бўлдим деб танҳо сабаб!”

* * *

Олдинги мардликлардан қолмади дея урвоқ,
Ғам чекиб, оҳ урмоғинг беҳуда эрур, уртоқ.

Ироқ билан Сурия очкузларга ем агар,
Демак, бошларида йуқ салоҳиятли раҳбар.

Аждаҳолар утирар бош бўлиб салтанатга,
Улар хизмат қилурлар ҳамини шайтанатга.

Ушал подшоҳ дегани шароб ичиб айш этар,
Бундай пайтда оч юрти азоб чекмасдан нетар?

Бошқа тилга қушилиб, булғанди-ку тилимиз,
Боболарнинг тилидан маҳрум булди элимиз.

Қачон дунёга келур энди бир оқил имом,
Бизга ҳақиқат йулин курсатса эди тамом.

Оллоҳга ибодат қил, нажосатга юрт тўлди.
Бу ифлослик қошида — таппи ҳам ҳолва бўлди!

* * *

Қизларни ургатингиз тикиш, туқиш ишига,
Уқиш, ёзиш дегани фойда бермас кишига.

Яхшиликка ундайди аёл дуосин узи,
Уларга шарт эмасдир улуг китоблар сузи.

Бу гапларни эшитиб ва кўриб турган инсон,
Дуо ўликларга жон берур десалар, ишон.

* * *

Эҳтиросин босгали эр борар хотин томон,
Куз очгайдир дунёга бундан учинчи бир жон.

Туққиз ой бу ўртада утаркан бирин-бирин,
Она бечора билгай умрнинг аччиқ сирин.

Қайта-қайта бу ҳолат такрор булаверали,
Одам сони кўпайиб... бир-бир ўлаверали.

* * *

Дунёда яшайсанки, учдирсан маишатга,
Шу интилиш бошлагай сени офат, иллатга.

Ном кўйиб чиқадирсан қуруқликка, сувга ҳам,
Ою юлдузларни ҳам улчайсан қалам-қалам.

Ҳаттоки офтобга ҳам ташлайсан очкўз назар,
Бу қилмишинг ўзингга қайтажак булиб ханжар.

ФИРДАВСИЙ

(форс шоири, 940 — 1025)

ҲИНД РОЖАСИНИНГ НЎШИНРАВОНГА ШАТРАНЖ ЮБОРГАНИ

Муъбад шундай очур бу куннинг баҳсин:
Шоҳ румий ҳарир-ла безатди қасрин.

Тождор тахтга чиқди, тахти сож эди,
Бошида мунаққаш гавҳар тож эди.

Барча бурж моҳлару тахтларда шоҳлар,
Лашкарга гулганди барча боргоҳлар.

Балх ила Бомидан эл келмиш гуррос,
Муъбаду ҳақиму қанча хосу мос.

Зийрак ишбозилар етказди хабар,
Хабарин эшитди шоҳи муътабар:

Келмиш ҳинд подшоси юборган элчи,
Фил-фил мато ортган сувори, тилчи.

Минг норли юк билан ҳозир булди у,
Подшоҳни зиёрат қилмоқдир орзу.

Бу сўзни эшитиб мамнун бўлиб шоҳ,
Унга пешвоз чиқ деб юборди сипоҳ.

Рожа чопарлари — ўнлаб паҳлавон
Улуғ шоҳ олдиға келишган замон

Шоҳлар одатича дуо айлашди,
Шоҳи офаринга сано айлашди.

Шоҳнинг оёғига гавҳар сочди у,
Зарру зеварларнинг тахин очди у.

Ҳиндий чатрларки, безак-тиллолар,
Яна жавоҳирдан хил-хил жиллолар.

Боргоҳда ёйди у жамики юкин,
Кўз-кўз этган каби хазина кўркин.

Санаб бўлмас эди нуқраю зарни,
Хушбўй удларнию мушку анбарни.

Кўп эди олмосу ҳинд тиги, ёқут,
Тигми у, самода чақинми ёхуд?

Қанча жонвор бўлса Каннужу Мойда,
Барчаси муҳайё эди бу жойда.

Ушбу бойлик томон ташларкан нигоҳ,
Тахтдан мамнуният билан боқди шоҳ.

Рожаки юбормиш дунё чекиб ранж,
Кисро қабул этди ганжга қушиб ганж.

Сўнг ройнинг номасин олдию расул,
Нўшинравон сари секин элтди ул.

У деди: “Сарф этиб қанча давлат, ранж,
Бир ҳунар яратдик, номидир шатранж.

Ул ройдан келтирдим шу хилда пайғом,
Шоҳим, умринг этсин минг йилча давом!

Кимки билимлардан очур лоф сузин,
Амр этки, шатранжда кўрсатсин ўзин.

Унинг тахтасида санъат бешумор,
Ҳар бир муҳрасининг бир маъноси бор.

Билмоғи керакдир ҳар бир донасин,
Юрмоқ йўлини-ю, тутган хонасин.

Пиёда қайси-ю, қайси фил, сипоҳ,
Қандай юрар фарзин, асбу руҳу шоҳ?

Бу ажиб ўйинни агар билишса,
Билишиб, бир-бирин мот ҳам қилишса,

Биз божу хирожни айнан нақдида
Этказиб тургаймиз, шоҳим, вақтида.

Эрон донолари очолмай оғиз,
Агар бу билимда қолсалар ожиз,

Унда санагаймиз бизларни ғолиб,
Бож-хирож заҳматин бошлардан олиб.

Молу мулкдан илм чексиз юксакдир,
Уни бождан афзал кўрмак керакдир”.

Диққат-ла тинглади расулни подшоҳ,
Чуқур мазмунлардан булгудек огоҳ.

Сунг Кисро ёнига шатранж қўйилди,
Ҳар муҳра муъжиза янглиғ туюлди,

Филнинг суягидан бўлган ҳар дона
Кўзни олар эди худди дурдона.

Расулдан суреди шоҳ ҳайратомуз,
Бу тахту муҳрадан очгил дея суз.

Элчи жавоб қилди: “Аё, шаҳриёр,
Бунда жангу жадал томошаси бор.

Кургил бу муҳралар соф оройишин
Бошлашур жанггоҳнинг усул, ройишин”.

Шоҳ деди: “Бир хафта менга бер муҳлат,
Токи бу ҳунарда кўрсатай санъат”.

Зийнат-ла яшнатиб шинам айвонни,
Шунда қолдирдилар азиз меҳмонни.

Оқилу муъбаду талай раҳнамо
Сунг подшоҳ қошида бўлдилар пайдо.

Шатранж тахтасига югуртдилар куз,
Барча хаёл ичра тикилди бесуз.

Ҳар ким муҳраларни ҳар хил кўрарди,
Бири ўйнар эди, бири сурарди.

Бир-бирига айтишар саволу жавоб,
Аммо ўйин сирин билмас ҳеч арбоб.

Элни ғамгин этди бу ишқал сеҳр...
Шунда яқин келди у Бузуржмеҳр.

Шоҳни ноҳуш кўриб бу можародан,
Ғуссани кўтармоқ бўлди ародан.

Кисрога деди ул: “Аё, шаҳаншоҳ,
Ҳушёру фармондор ва олампаноҳ!

Чиройли ўйнайман мен бу ўйинни,
Раҳнамо этарак фикру ўйимни”.

Унга подшоҳ деди: “Киришгил тезроқ,
Кам бўлма оламда, жонинг бўлсин соғ!

Биздан қулмасин ул Каннужнинг ройи,
Бу ишда йўқ экан деб раҳнамойи.

Муъбадларга етар унда ёмон от,
Даргоҳу тожу тахт бўлди дея мот”.

Хаёл-ла чулғаниб ўлтирган вақтла,
Бузуржмеҳр олдиға қўйилди тахта.

Гоҳ ўнгу гоҳ сулдан суриб донасин,
Изларди муҳралар тугган хонасин.

...Бир кеча, бир кундуз излаб топди у,
Сунг подшоҳ тахтига қараб чопди у

Хурсанд суз бошлади: “Эй бахтиёр шоҳ!
Тахта уйин сириин англадим ногоҳ.

Ажаб бир уйинни пайдо айладим,
Иқболим қушини шайдо айладим.

Чақиргил қошингга рожа расулин,
Ким истар, курсинлар уйин усулин.

Узинг ҳам шаҳаншоҳ, кургил, аввало,
“Бу — жанггоҳ-ку!” — дерсан, айтиб тасанно”.

Шаҳриёр бу гапдан шод бўлган эди,
“Некқадам, хуштоле узингсан”, — деди.

Амр этди, муъбаду оқиллар бари,
Номдору улуғлар келди тахт сари.

Рожа элчиси ҳам шу ерда ҳозир,
Шинам айвон ичра турар мунтазир.

Бузуржмеҳр боқди-ю, ундан суради:
“Аё, офтоб юзли роининг муъбади,

Бу муҳра ҳақинда не девди шоҳинг,
Айтгил, хирад бўлсин доим ҳамроҳинг”.

Жавоб шундай бўлди: “Ул фархунда рой
Тахти пойи узра олганимда жой.

Дедики, муҳралар сождан ясалмиш,
Яна бир хиллари ождан ясалмиш.

Қулоқ ос муъбадлар қилган пандига,
Олиб бор буни тож худовандига.

Кимки бу ўйиннинг топса йўлини,
Кимга маъқул тушса шатранж ўйини,

Умримиз борича, борича илож,
Тулармиз чўрию хирож, зарру бож.

Қудрат на ганж эрур, на лашкар, на тахт,
Илмдан ҳаққоний қудрат ила бахт.

Борди-ю ул шоҳу неча фарзона
Туғри суролмаса уйинда дона,

Талаб этмасинлар биздан божу ганж,
Бу ишдан донолар тортгусидир ранж.

Мана, саънатимиз курсин, синасин,
Агар тан беришса, бизни сийласин”.

Сунг шатранж қўйилгач шоҳнинг ёнига,
Масъудлик югуриб унинг жонига,

Деди: “Муъбадларим, доно идроклар,
Улуғ хиралманллар ва қалби поклар,

Билдингиз элчининг кунгил дардларин,
Унинг зийрак шоҳи қўйган шартларин.

Ул доно шундайин жанггоҳ яратмиш.
Лашкар ўртасида подшоҳ яратмиш.

Шоҳнинг унг-сулида қўшин саф тортиб,
Пиёда олдинга чиқмиш батартиб.

Оқилона дастур шоҳнинг қўлида,
Раҳнамолик қилур уруш йўлида.

Филлар икки ёнда жангга шайланган,
Бири бири учун мадад айлаган.

Сунг отлар киришар майдонга руй-рост,
Икки покиза дил устида сарбоз.

Яна бир-бирига қамти турар руҳ,
Акс этиб бастида қатъият, шукуҳ”.

Бузуржмеҳр донани майдонга солди,
Оқиллар бу ишдан ҳайратда қолди.

Ғам билан чулғанди ул ҳиндий расул,
Ошқора булғанди кўп махфий усул.

Бузуржмеҳр санъати уни этиб лол,
Вужудин қуршади минг чигал хаёл.

“Ажаб, — дерди, — шатранж кўрмаган бир шахс,
Тингламай ҳинд устод мактабидан баҳс,

Қандай бу матлабдан булди хабардор,
Бунга тенг келгувчи дунёда ким бор?”

Кисро кўп шод булди Бузуржмеҳрдан,
Ундаги некбахтлик, ноёб сеҳрдан.

Шоҳнинг амри билан келтирдилар жом,
Шоҳона гавҳарлар лиқ тўла инъом.

Яна мўл динору от билан эгар,
Минг-минг офарин ул донога тегар.

БАРЗҮЙНИНГ ҲИНДИСТОНДАН “КАЛИЛА ВА ДИМНА”НИ КЕЛТИРГАНИ

Барзуй ҳикоятин эшитгил бир-бир,
Суз айтилган чоғда ниҳон қолмас сир.

Шаҳаншоҳким, эрур Нушинравон ном,
Шон-шуҳрати этсин минг йиллар давом.

Саройга чақирди тахт аҳлини ҳам,
Ақл мумтозлари бунда булди жам.

Жам эди сардору ҳаками ҳозиқ,
Муннажжим, файласуф, сузамол нотик...

Улар орасида яна бир даҳо
Бор эди, илмда, ҳунарда танҳо.

Барзуй дер эдилар ўшал ҳақимни,
Улуғ ёш, билгувчи қадим-қадимни.

Барча илмлардан эди баҳраманд,
Номи шараф билан пайвасту пайванд.

Шоҳ қошида бир кун сўзлади ул зот,
Ташриф чоғи сўзни этиб эҳтиёт.

Деди у: “Эй, доно подшоҳи замон,
Доно шоҳлар аро олий нуктадон.

Мен бугун уқидим ҳиндлар китобин,
Тингладим фозиллар сўзин, хитобин.

Ёзилмиш: Ўсармиш Ҳинднинг тоғида
Бир гиёҳ, нур порлаб ҳар япроғида.

Кимки у гиёҳдан истаса тарёк,
Майдалаб, кафтида этар эмиш пок.

Сунг улик устига сепилган заҳот,
Шу лаҳза мурдага инармиш ҳаёт.

Агар рухсат этса менга шаҳриёр,
Мен шу қийин йулни этгум ихтиёр.

Тангрим бу мақсадда булса раҳнамо,
Эҳтимол, бу сирни этгумдир ифшо.

То сиз шоҳ экансиз руйи заминда,
Барча улим билмай, бўлурлар зинда”

Подшо жавоб қилди: “Бу гап куп ғалат,
Синовдан утказмоқ керакдир, албат.

Менинг хатим етказ у ҳиндий ройга
Ҳам боққил беназир хинд дилоройга.

Бу йулда узинга олгил ҳамсафар,
Бахтинг бу сафар ҳам келтирсин зафар.

Бу гапда куп сиру асрор мужассам,
Рост булса, қайтадан тугилгай олам.

Неки лозим эрса, олсин ушал рой,
Фақат у булғуси сенга раҳнамой”.

Очди Нушинравон ганж дарвозасин,
Хазина мулкининг асил, тозасин.

Динору дирхаму шоҳию ҳарир,
Сирғаю гултожу мушк ила абир.

Тузилгач нақ уч юз туялик карвон,
Улар Ҳинд йулига бўлдилар равон.

Рой олдига етиб, мактубни берди,
Келтирган дунёсин куз-кузлар эрди.

Подшо номасини уқиб чиққан дам,
Рой деди: “Эшит, эй пок қалбли одам!

Кисро ганжин нечук олгаймиз, ахир,
Қўшини шоҳлигу насибамиз бир.

Бу адлу шукуху подшоҳлик тахти —
Бизнинг улканинг ҳам қувончи, бахти.

Бу гаплар аён-ку ул жаҳондорга,
Тириклик таянчи, умри пойдорга.

Тоғ ичра ҳар қанча булса бараҳман,
Ҳаммаси сиз билан, бир жону бир тан.

Бутга сажда қилмоқ менинг дастурим,
Удир беҳад ганжим ҳамда ганжурим.

Шулардир молу мулк, бойлик ва шуҳрат,
Сизнинг қудратдандир мендаги қудрат”.

Рой олдида турар Барзуйи доно,
Ажиб бир манзилдир гузал ва зебо.

Нозу неъматларни тукиб-сочдилар,
Заррин сарполарнинг тахин очдилар.

Каннуж улуғлари, фозил кекса-ён
Тонггача у билан булди сўхбатдош.

Тоғдан бош кутариб мунаввар офтоб,
Олам чехрасига бергач заррин тоб.

Рой йиғди ҳакимлар аҳлин саройга,
Донолар ҳурмат-ла келдилар ройга.

Келдилар илмда моҳир булганлар,
Ҳақимлик ишига қодир булганлар.

Барзуй ҳузурда кўриб ўзларин,
Тинглашди у оқил айтган сўзларин.

Уларни бошлади Барзуй тоғ сари,
Эрганиб бордилар ҳакимлар бари.

Тоғларни кездилар улар пиёда,
Йулбошчи изидан ўру қиёда.

Хулми, қуриганми булса не гиёҳ,
Баридан йиғдилар, булишиб ҳамроҳ.

Турли алафлардан йиғиб қанчасин,
Мурдаларга сепиб кўрди барчасин.

Ҳеч улик тириямас, бу қандайин сир?
Гиёҳлар заррача этмасди таъсир.

Тоғларни кездилар қадам-бақадам,
Машаққатлар тортиб яна дам-бадам.

Билдилар: Бу — фақат Тангрининг иши,
Уликка жон бермак — унинг хоҳиши.

Бунчалик ташвишдан бўлиб хижолат,
Барзуйда руй берди маъюс бир ҳолат.

Энди у не дегай фармонравога,
Ўзи уз сузидан қолди балога.

Пешкаш қилинганди қанча молу ганж,
Бехуда қилмишдан тортар эди ранж.

У ҳиндий китобга қилиб зиддий баҳс,
Дерди: “Ёзган экан қандай подон шахс?”

Шамол дафтарига суз битмоқ нечун,
Бунча ёлғон ҳосил ҳам этмоқ нечун?..”

Оқилларга боқиб яна деди у:
“Аё, ишбилармон, фозил, бообру

Ёронлар, айтинг-чи, юртингиз аро
Бормилир сиздан ҳам аллома — доно?”

Барзуйга дедилар: “Бордир шундай зот,
Бизнинг диёр ичра кечирур ҳаёт.

У биздан улуғдир ёшу ақла,
Улуғлар аро ҳам номи нақлда”.

Ҳиндиларга боқиб Барзуй суз бошлар:
“Аё, номдорлару қалби қуёшлар,

Тортган ранжингизни лариф этингиз,
Ўшал доно сари мени элтингиз.

Шояд, бу сирни у аён айлағай,
Менинг мушқулимни осон айлағай”

Дилларда андиша, тилларда армон,
Барзуйни элтдилар у доно томон.

Барзуй таъзим қилиб, айтди арзини.
Бир-бир баён қилиб заҳмат тарзини.

Уқиган китобин келтирди мисол,
Ҳикоятларидан этиб қийлу қол.

У олий муйсафид сузга очди лаб,
Ривоятлар сирин бирма-бир қалаб.

Деди: “Биз орзуни китоб айладик,
Бу сирни билмоққа шитоб айладик.

Қилибсиз бу ишнинг аҳду азмини,
Эшитинг бу сирнинг бошқа рамзини.

Гиёҳ — суҳандону илм тоғ эрур.
Фаҳмсиз гуруҳдан кўп йироқ эрур.

Ўлган тана гуё илмсиз одам,
Нодонда фароғат булмагай ҳеч ҳам.

Дониш-ла тирилгай ҳатто мурда ҳам,
Хушбахтдир бу йулда ранж тортган одам .

Бир китоб безар шоҳ ганж эҳромини,
“Калила” дейдилар унинг номини.

Билимни тоғ десанг, гиёҳ — “Калила”
Унга етиб булмас, подонлик ила”.

Унинг сузин тинглаб Барзуй булди шод,
Чеккан азобларин унутди кушод.

Оловдай тез етди шоҳ саройига,
Офаринлар айтиб ҳинлнинг ройига.

Таъзим айлаб деди: “То Ҳинд барқарор,
Унга узинг булгин доим шаҳриёр.

Бор эмиш хазинанг аро бир китоб,
Ҳиндлар “Калила” деб этармиш тавоф.

Ганжу мулкинг ичра ниҳон эмиш у,
Матлабу билимга чин кон эмиш у.

“Калила” рамзимиш изланган гиёҳ,
Фақат лутфинг билан курмоқ мумкин, шоҳ.

Ганжурга, амр этсанг, эй шоҳи азиз,
Менга шу китобни топширсалар тез”.

Чуқур уйга толди рой бу тилакдан,
Надоматлар чекиб юрак-юракдан.

Деди Барзуйга у: “Ҳеч ким то шу чоғ,
Ҳади сурамаган бизлардан мундоқ.

Аммо Нушинравон шоҳи жаҳондир,
Истаса, жонимиз ҳам армуғондир.

Унга пешкаш булсин бору йўғимиз,
Бисоту хазина, кунгил чўғимиз.

Лек сен бу китобни бунда уқигил,
Бизни шубҳалардан буткул ҳалос қил.

Истаймиз, то ундан нусха кучмасин,
Мазмуни эллардан элга учмасин”.

Барзуй унга деди : “Аё шаҳриёр,
Бу лугфу карам ҳам сендан ихтиёр”.

Китобни келтирди ройининг ганжури,
Бу китоб Барзуйнинг бўлди дастури.

Китобдан уқилган ҳар бир дурдона
Унинг қалби ичра топарди хона.

Оқшомми, кундузми, кечами ё тонг,
Уни сипқорарди ташна қалбу онг.

Такрор этиб ҳар бир сүзин дилида,
Махфий ёзар эли ларий тилида.

Хат билан йулларди шоҳи оламга,
“Калила” мазмунин солиб қаламга.

Барзуй бу китобдан, беҳад бўлиб шод,
Кунглини билимдан айлади обод.

Хатларига жавоб олди бир куни:
“Бизга аён эрур китоб мазмуни”.

Рой қошига келди етганда фурсат,
Йўлига қайтмоққа сўради рухсат.

Рой уни иззату икром айлади,
Ҳиндча зар хилъатлар инъом айлади,

Ёқут куз узуклар, дурру исирға,
Шода гавҳарларни берди у бирга.

Ҳиндий шамширларки, қўлда тутган чоқ
Ярақлаб, чақнайди мисоли чақмоқ.

Шоду хуррам чиқди Барзўй Каннуждан,
Нур олиб ул китоб бахш этган кучдан.

Йўл юриб етди у шоҳ дарборига,
Борди Нушинравон ихтиёрига.

Курган-билганларин айтди бобма-боб,
Гиёҳнинг ўрнига етказди китоб.

Шоҳи олам деди: “Толеи баланд,
Гўё танларга жон айладинг пайванд.

Энди хазинамдан истаганча ол:
Олтинми, ёқутми, лаълими — керак мол”.

Ганжина ичида кезиб у доно,
Ганжурни ташвинга қўймади аммо.

Гавҳару дирҳамнинг қилмай таъмасин,
Олди фақатгина шоҳнинг жомасин.

Шу хилъат бўлдию унга зару зеб,
Йўл солди саройга тезда етай деб.

Кисро ҳузурига қилдию азм,
Офаринлар айтиб айлади таъзим.

Шаҳриёр Барзуйга синчков тикиб куз,
“Гавҳар, динор қани? — дея қотди суз. —

Сен бу муддаода тортдинг талай ранж,
Кимки ранж тортибдир, лойиқ унга ганж”.

Барзуй ҳам подшоҳга айлади жавоб:
“Тожингдан жилобахш ой ила офтоб,

Кимки шоҳ хилъатин эгнига илса,
Тахту бахт ушбудир, мабодо билса.

Курар шоҳ хилъатин кийиб чиққан дам
Яхши ҳам, ёмон ҳам, дуст ҳам, душман ҳам.

Ёмонларнинг қалби бўлур қоронгу,
Дустлар хушнуд булур юзида ёғду.

Бир орзуйим бордир сендан, шаҳриёр,
Токи қолсин мендан оламда ёдгор.

Бузуржмеҳр сабт этсин ушбу китобни,
Унутгум ушанда ранжу азобни.

Аввало, номимни дилдан ёд қилсин,
Шаҳаншоҳ фармон-ла мени шод қилсин.

Менки бу дунёдан юмганимда кўз,
Садоқат, ранжимдан қолсин яхши суз”.

Деди унга подшоҳ: “Бу — юксак орзу,
Инсофли одамга ярашиқдир у.

Сенга арзигайдир ҳар не мукофот,
Аммо бир китобга сифмас бу сифот”.

Бузуржмеҳрга шоҳ амр этди масрур:
“Бу тилакни бажо келтирмоқ зарур”.

Шунда хаттот қалам олди қулига,
Барзуй мадҳин солиб китоб йулига.

Шоҳона бир китоб ёзиб битдилар,
Паҳлавий тилида шарҳин этдилар.

Шоҳнинг ганжи аро бир ганж булди у,
Ёмон куздан сақлаб, асрашди мангу.

Ҳукм сурганда ҳам араб алфози,
У булди паҳлавий тилин мумтози.

Жаҳон равшан булди Маъмун даврида,
Улчанди ой, қуёш унинг таврида.

Тинглаб у муъбаду қаёнлар арзин,
Равнаққа бошлади илму фан дарсин.

“Калила” арабий тилга олинди,
Нусхаси жимжима хатта солинди.

Жаҳоннинг тахтига то чиққунча Наср,
Арабий тил билан уқирди аср.

Булфазл Насрга чин вазир эди,
Илму сухан аро беназир эди.

Фармон берилдики, бу азиз китоб
Форсий-дарий билан битилсин шитоб.

Барча хусуматлар топиб интиҳо,
Вазир ушбу ишла булди раҳнамо.

Бир ният қиларди ниҳону ошкор:
Жаҳонда узидан қолса бир сдгор!

Чорлатиб гуянда бир хуш забонни,
Уқитди Рудакий учун дostonни.

У тарқоқ заррадан нур ижод этди,
Гуёки салафдан дур ижод этди.

Сухандон бу ишдан топди куп ҳузур,
Нодонга лойиқдир афв ила узр.

Ҳадисларки, эрди куп пароканда,
Гуё жипс этилди бир жону танда.

Улмасин шаҳриёр борича жаҳон,
Унга банда бўлсин замину замон.

Кўнгил шоҳ Маҳмуддан бўлурди хуррам,
Ёмонларнинг тухми бўлганида кам.

Дилинг ранжимасин андишадан ҳеч,
Жаҳонда ризқинг — шу, узгасидан кеч.

Гоҳи баланддасан, гоҳи пастдасан,
Гоҳ ботир, қурқувга гоҳ пайвастасан,

Булардан ҳеч бири доимий эмас,
Кўнгил ҳеч бирига мойилман демас.

ЖАЛОЛИДДИН РУМИЙ

(форс шоири, 1207 — 1273)

* * *

Аё бебахра дил, Баҳромдан қурқ,
Ки шоҳлар курсатур икромдан қурқ.

Ширин бир донаким шоҳ қилган иззат,
Ушал дон қоншида бор домдан қурқ.

Ёғин неъматдир-у, чақмоғи даҳшат.
Хуш айём чоғи шу айёмдан қурқ.

Агар шоҳ лутфидан сармаст эурсан,
Шу жомнинг остида бор жомдан қурқ.

Агар шер кулса, сан осуда булма,
Заҳар тишли у қонхўр комдан қурқ.

Шакар лабга ёпишма, паниша дил нахс,
Бодом кузу қабоқ — бодомдан қурқ.

* * *

Ранж чекма, эй биродар, хожанг мумсик, карахтдир,
Бировга ҳақ беришда хасисдир у, балбахтдир.

Нил дарёси боғини сероб этиб оқса ҳам,
Хожанг ҳосилдан маҳрум, тикка ўсган дарахтдир.

Гарчанд чехраси очиқ, лек ёпиқдир киссаси.
Зар тўшагига учма, бўлсин аёну нақддир.

Икки қули тахтага миҳлангандек ўлтирар,
Бу қандайин салтанат, бу қандай тожу тахтдир?

Вужуди тоғ мисоли яхлит кўринган билан,
Унда саховат ўлик, нокаслик унга тақдир.

Бор, бошинг қуй болишга, фақат менга раҳо қил,
Уйқудан маҳрум айлаб, харобу мубтало қил.

Кечаю кундуз бошим савдойи мавж аро ғарқ,
Хоҳи келиб кечиргил, хоҳи кетиб жафо қил.

Мендан қочгил, балога учраш хаёл этмасанг,
Саломатлик йулин тут, тарки дарду бало қил.

Биз кўзи ёшлилармиз ғам буржида эзилган,
Кўз ёшимиздан юзлаб тегирмон осие қил.

Жону оромим олган бағри тошдир у золим,
Ўлдирар-у, кимсага айтмас, буни баҳо қил.

Вафо вожиб эмасдир, гузалларнинг шоҳига,
Эй заъфар юзли ошиқ, сен сабр қил, вафо қил.

Бу шундайин бир дарлки. ўлимдир унга чора,
Қандай маъно бўлурким, десам агар: “даво қил”.

Кеча тушимда кўрдим ошиқи зор кексани,
Ишорат қилиб дейди: “Биз тараф марҳабо қил”.

Ғар йулингда аждаҳо бўлса ҳам, ишқ олмосдир,
Шу олмос чақмоқ ила аждаҳони адо қил.

Бас қилки. мен беҳушман, агар ҳунарвон булсанг,
Ибн Синодан гапир, зикри Абу Аъло қил.

Шамсу қамарим келди, кузу гавҳарим келди,
Кумуш тан парим келди, чун кони зарим келди.

Мастлик асарим келди, равшан назарим келди,
Гузал сарварим келди, не булса — барим келди.

Йулдан урувчим — ўзи, ваъда бузувчим — узи,
Юсуф чеҳра, сийм тан, моҳи пайкарим келди.

Кечагимдан бугуним яхшироқ, эй азиз дуст,
Мастлик чоғимда ногоҳ яхши хабарим келди.

Кеча-ку чироғ тутиб қидирган эдим ёрни,
Бугун йулимда яшнаб, гул барги тарим келди.

Мени маҳкам оғушлаб, бағрига олди барно,
Гузаллар олаמידан танҳо нафарим келди.

Боғу баҳорини кур, шароб хуморини кур,
Хушбуй, хуштаъмин кур, ширин — шакарим келди.

Улимдан нечун қурқай, ул — менга оби ҳаёт,
Таънадан нечун қурқай, қалқон сипарим келди.

Букун нақ Сулаймонмен, менга узук бердилар,
Бошимга тож қўйдилар, тожи аҳмарим келди.

Дардим ҳаддидан ошиб, ишқ мулкига шунғидим,
Ё Рабб, нечун бахтдир бу — ишқий сафарим келди.

Шароб ичиш вақти бу, хушдан учиш вақти бу,
Парвоз, учиш вақти бу — қаноту парим келди.

Ҳам товланиш вақти бу, ҳам товланиш вақти бу,
Наъра уриш вақти бу — шерлик залварим келди.

Сўнг икки байт қолганда, мени олиб кетдилар,
Гапнинг қисқаси яхши, гап мухтасарим келди.

Ошиқ баҳори келмиш, ерлар гулистон булиб,
Осмон нидога тулмиш, қушлар ғазалхон булиб.

Денгизлар бағри гавҳар, шўр сув ҳам мисли кавсар,
Тош ҳам лаълию ахмар — бир жисму бир жон булиб.

Ошиқ кузин ёшидир булут қуйган туфонлар,
Тан ичра чақмоқ мисол диллар нурафшон булиб.

Билурсенми, ошиқлар нечун жола тукарлар,
Чунки булут ашк урар, ой унга пинҳон булиб.

Қандай шодон бир пайтки булутлар йиғлаган дам,
Ё Рабб, бахтли ҳолат бу, чақмоқлар хандон булиб.

Ул юз минг қатралардан биронта ерга тушмас,
Тушса агар, бу дунё қолғуси вайрон бўлиб.

Жаҳон вайронасига ишқ боисдир, Нуҳ ила
Кема тушган ғарқ улур маҳкуми уммон булиб.

Агар туфон секинлаб, осмон айланмас эрса,
Тулқинлар ҳаддан ошур, ваҳми намоён булиб.

Олам савдосин уйлаб, ғам егил ё емагил,
Донолар ҳам ер ичра ётгай зимистон булиб.

Униб тупроқдан бир кун, намлар илдизу шоҳни,
Қуруқ ёғоч шоҳида ҳаёт жовидон бўлиб.

Қуруқ шох олов бўлиб, жонни иситар бир кун,
Айланма бу жаҳонда гуногун жавлон булиб.

Мастлик оғуши яна олди тилимдан сўзни,
Сен нимадан ҳайронсан, у сенга ҳайрон булиб.

* * *

Кеча шундоқ ичибман ёна-ёна,
Тополмасман қаён уй, қайда хона.

Бсорлик бирла риндлик фош булди,
Маю чангдан бўлак барча бегона.

Менга бегонадир меҳробу масжид,
Ошиқлик, риндлик ичра мен ягона.

Белимга куфр зуннорин урабмен,
Чу муғлар жойи менга ошиёна.

Кечибман зуҳду орифлик йулидан,
На сув менга керак, на нону дона.

Кел энди, борлигинг баҳридан ҳам кеч,
Соқий, сун майни, тортай қона-қона.

Лабо-лаб май бериб, бизни тирилтир,
Кулиб боқсин ҳаёти жовидона.

Мен ишқ майдони ичра Шамсдурмен,
Танам Рахшу дилим марди замона.

* * *

Маст бўлай ёхуд булай ҳушёр мен,
Ул гузал, шўх кўзга хуб хуштор мен.

Ул жаҳоноро жамолнинг ёдисиз,
Жон-жаҳонимдан тамом безор мен.

Қалди сарвим сувратин истаб мудом,
Эртаю кеч кезгани гулзор мен.

Чеҳрасин кўзгусидан кўз узмоғим
Мушкулоту тортгани озор мен.

Ёр деди: “Жону жаҳонингман ўзим”,
“Бул ҳақиқатга, — дедим, — иқрормен”.

Айтди: “Ҳаргиз куйдурурман ут аро,
Барқ уриб, ёққувчи шуъладормен!”

Мен дедим: “Минг розиман, куйдир мени,
Дудларим тўлғоғи ичра бормен”.

“Шундайин шаъмменки, шуълам ичра сен
Худди парвона қуярсан, нормен”.

Келди соқий, қуй дедим лаззатли май,
Чун гаровдан қочмаган дастор мен”.

* * *

Эй чехраси оташ нишон, кулбамни, кел, вайрона қил,
Дилдан олиб ақлу имон, иста тамом девона қил.

Хумхонага кир бостириб, қулингга ол паймонани,
Афсонага барҳам бериб, зоҳидлигим афсона қил.

Соқий, келтир ул жомни, биздан олиб оромни,
Тарк айлабон исломни, каъбамни буз, бутхона қил.

Ошиқлар ичра фард эсанг, қадаҳга жон тик мард эсанг,
Жамшид жомидан дард эшит, бошни анга паймона қил.

Эй ишқ, жафо бирла мени куйдирмоғингми шунчалар,
Ёр куйига бир дам бориб, галаб васли жонона қил.

Эй офтоб, осмон аро юзни бекитдинг шармдан,
Гар фитна истарсан яна, қуш кокилингни шона қил.

Кел, Шамси Табризий, буен, кетдим узимдан бир нафас,
Ақлу хушимга ут куйиб, майли, мени девона қил.

ҲОҚОНИЙ ШИРВОНИЙ

(1120 — 1399)

* * *

Эй дил, бир тола қилча озод булолмассан,
Қилдек оздинг-у ғамдан, ҳеч шод булолмассан.

Осудалик ичра ҳам раҳна уриб киргай ғам,
Бу раҳналар дастидан обод булолмассан.

Пулоднинг ҳам оташдан сув булганин куп кўрдим,
Сен сув булиб оқ энди, пулод булолмассан.

Эй ғамзада, узинг-ку тупроқсан. ғамда жуш ур,
Сув бўл, оловдан холи барбод бўлолмассан.

То исгарсан адолат, чекавер унинг ранжин,
Сокинлик истар эсанг, аҳли дод булолмассан.

Қанчалик кавлама тоғ, унда гавҳар топилмас,
Фақат тоғ кавлаш билан Фарҳод бўлолмассан.

Маломат майдонида чавгонинг сурма қанча,
Саломат қасри учун бунёд булолмассан.

Ғамдан туғилдинг узинг, гулдек беланиб қонга,
Шодликка майдек ҳеч вақт ҳамзод бўлолмассан.

Қон ёш тўкиб, туфонда қолган Куфадек булдинг,
Энди ҳеч бахтинг кулиб, Бағдод булолмассан.

Хоҳ шоҳлик лофин қилиб, хоҳ дарвешлик дамин ур,
Ҳар бир ҳолатда ғамдан озод бўлолмассан.

Ҳоқоний, агар олам сенинг аҳдинг ёд этса,
Узинг узгалар аро ҳеч ёл булолмассан.

* * *

Ҳалқа-ҳалқа зулфинг то эшиб суманбар қилдинг,
Эзиб узру тавбамиз, шикаста назар қилдинг.

Гоҳо истехзо ила ғулу солиб фалакка,
Гоҳ ноз ила юлдузни шамга баробар қилдинг.

Эй ой юзли, осмонни забт этурсан, истасанг,
Лекин осмон не қилгай? Сен тенгсиз лашкар қилдинг.

Аста-аста Хуросон мулкини олдинг қўлга,
Худди шул шитоб ила сен фатҳи Санжар қилдинг.

Ишқнинг шоҳ кўчасинда ҳар бир бекатки мавжуд,
Дуч келган дилни вайрон этиб, қаландар қилдинг.

Бурчак-бурчакда изғир минглаб жигарсўхталар,
Кибр кулоҳин кийиб, алардан ҳазар қилдинг.

Бир сиқим тупроқни ҳам ғорат этиш мушкулдир,
Сен Искандар тилсимин барбод, бесамар қилдинг.

Ҳоқоний дилин жафо бирла топтаб утдинг-ку,
Лаълингдан товон тўла, дурни хокистар қилдинг.

Эй Ҳоқоний, бу Ширвон маскан булолмас сенга,
Парвоз эт Ироқ томон, агар болу пар қилдинг.

* * *

Ҳоқоний, давлатга қўп мағрур булма,
Давлат бир сояким, булмас пойдор.

Давлат мағрур қилган кимса баайни
Утга қарши юрган қамини найзадор.

Аввали тонг булиб, сунгги гул булур,
Бари — бироз умру озгина қарор.

Фалак нилий рангин этмагил ҳавас,
Нилийда мотамнинг рамз-тимсоли бор.

Ундан баҳра олма, саробдир, асли,
Умрни оқибат этгувчи абгор.

Давлатнинг меваси заҳматдир мудом,
Оловдан қисм қул қолгандек ёдгор.

Меҳнатнинг охири давлатдир яна,
Билки, қиш сунгида унгай навбаҳор.

Боши ғурур эса, уртаси — ишрат,
Охири — заволдир давлатнинг, эй ёр.

Баайни шаробдир: аввали — ғурур,
Урта — кайф, охири — бош огриқ, хумор.



Бадхуликдан ўзни холи бир дам қилмадинг,
Бизнинг жонимизга муруват ҳам қилмадинг.

То аввал-бош неки қилган бўлсанг бизга,
Сунгида ҳам ундан ҳеч кам қилмадинг.

Сенинг аҳдингда доим устивор қолдим,
Феълингдан кечиб, сен қарам қилмадинг.

Лутфу эҳсонингга кўз тикдим-ку талай,
У оламда қилурмисан, бу олам қилмадинг!?

Қайда бир ваъдангки, бугунни айтиб,
Минг бор “эртага” деб, ғам қилмадинг.

Бир бўса деб ҳовзингни минг айландим,
Бир бор дилни дарёйи пурнам қилмадинг.

Ҳоқоний аҳволини шу тарз эшиттинг куп,
Аммо кўз олдингда тасаввур ҳам қилмадинг.

* * *

Унинг феъли бепарволикдан кам бўлмади,
Менинг кўксим куйди-ю, кўзим нам бўлмади.

Халқдан уялиб ёв ҳам бир-бирга булур дуст,
Биз бечорага нисбатан бу ҳам бўлмади.

Турли илтижолардан тилимиз булди қадоқ,
Бундан унинг феъли қилча ҳам бўлмади.

Бирор кун юзимдан ғамгинлик аримай,
Бу ғамзада кўнгил ҳеч хуррам бўлмади.

Кўксим гавҳарини ипга тизгандан сўнг
Садафдек очилди-ю, лек малҳам бўлмади.

Сув угириб ичгач бошимдан ишқинг,
Яна ғамдан ўзга бизга маҳрам бўлмади.

Олам жафосига ҳамжинс бўядим-у, аммо
Дардимга ҳамжинс бир олам бўлмади.

Ҳоқоний йулини босди ғам тикани,
Уни олиб ташларга қаддим ҳам бўлмади.

* * *

Кулган чоғинг билурман, оғзинг тору танг эрур,
Садаф гавҳарин сочган лабинг ҳақиқранг эрур.

Куриб шӯх кузларингни Бобил сеҳргарлари,
Юзин тирнаб, лаб тишлаб, ҳайрон-ҳангу манг эрур.

Жону жигар темирдай эриб оқсин йўлингда,
Кор этмас сенга оҳлар, дилинг метин-санг эрур.

Тонг чоғлари фалакда васфингни куйлар Зухро,
Ҳаво савтида оққан чанг берган оҳанг эрур.

Қошинг камони отса гамзаю ноз уқларин,
Тошларни тешиб утган ул тийри хаданг эрур.

Лаълу шакардир лаби, бахтсиз бўлмасам, нега
Заҳар сузи ҳам менга ширин, хуш жаранг эрур.

Оби ҳаётдир лаби, қалби Искандарона,
Зулми ҳам ором менга, гарчанд ҳолим танг эрур.

* * *

Ҳоқоний, дил берма давру давлатга,
Бу айём бир ҳафта, тез булур абас.

Тун ва кун — оқ тилло, қора кумушдир,
Умринг бу иккисиз бир чақа эмас.

Ҳеч нарсанг булмаса, ақлинг не керак?
Кимнингки пули йуқ, ақли булур паст.

Замон давлатидан кўп гурурланма,
Бетамиз жаллод у, қилич солур даст.

Ҳув. бола кетидан чопар улоқча,
Чунки майиз берди, нафси қонса, бас.

Шу бола қулида суйилар бир кун,
Шу билан тугайди орзую ҳанас.

УБАЙД ЗОКОНИЙ

(1270 — 1369)

* * *

Ҳаётимиз ҳосили уволдан ўзга эрмас,
Умрдан олганимиз малолдан ўзга эрмас.

Дунёнинг қуръа тошин ташлаб ҳарчандки кутма,
Беш кунлик дунё деган ҳаёлдан ўзга эрмас.

Мансабу мулку молни орзу этмаган бахтли,
Булар азоб, залолат, заволдан ўзга эрмас.

Хотиржамдир рутбаю давлатга учмади ким,
Мартабаю мулку жоҳ шамолдан ўзга эрмас.

Мумсик дастурхонидан бир луқма талаб этма,
Тариқат аҳлига бу танг ҳолдан ўзга эрмас.

Умр аҳволотиға ақлинг кўзи билан боқ,
Саволингга топганинг саволдан ўзга эрмас.

Гузаллар зулфи янглиғ чигалдир бунда ҳар иш,
Саркашлик даъво этган поймолдан ўзга эрмас.

Эллар бошига тушган бул фитнали замонда
Арзинг эшитган танҳо жалолдан ўзга эрмас.

Кўнгиллар ғамга шундоқ тулғинки, бундан буён
Ёлғиз малҳами унинг мажолдан ўзга эрмас.

Жоним ушал соҳибдил фидосидирки, айтмиш:
“Камол аҳлига Шероз деволдан ўзга эрмас”.

Дарвешлигу ғариблик заҳмат жонлардан ўтли,
Бундан ортигин уйлаш ҳаёлдан ўзга эрмас.

* * *

Биз қаландар қавмидан, бизда риё бўлмагай,
Макру фирибу алдов бизга зиё бўлмагай.

Ҳеч мамлакатда ҳеч ким биз билан бўлмаган дуст,
Яна бизга ошно ҳам бу шаҳр аро бўлмагай.

Агарчи номимизни билмаслар, билмасунлар,
Бизда либосу бойлик, мулку ашё бўлмагай.

Биз ғарибларни ҳеч пайт зар бандида кўрмассан,
Биздек девоналарда боғу бино бўлмагай.

Бизнинг кулбамиз ичра ғамдан асар сезилмас,
Сафодир бизга йулдон, жабру жафо бўлмагай.

Қўрққаймиз муҳтасибдан, шаҳар ҳокимидан ҳам,
Таслим аҳлида қўрқув отлик бало бўлмагай.

Қўлимизга гул эмас, тикан кирса ҳам шодмиз,
Ултирсак басдир ер ҳам, агар буйро бўлмагай.

Умиди бор ҳар кимнинг ўзига хос гуруҳдан,
Бизга Худодан булак бошқа худо бўлмагай.

Ғадоликдан Убайддек биз ҳам қилмагаймиз ор,
Қаланлар мазҳабида шоҳу гадо бўлмагай.

* * *

Куп соз булурди, булсанг ёримиз,
Мунис, меҳрибон, дусти зоримиз.

Бўлсанг кундузлар бизга ҳамнишин,
Тунлар оғуида шўх дилдоримиз.

Барча бандангмиз, буюр қулларга,
Булгил ишбоши ҳам саркоримиз.

Итдек кезайлик чопиб ортингдан,
Биз сайёд булиб, сен шикоримиз.

Ғам юқмас эрди хотирамизга,
Бир дам булсайдинг ғамгусоримиз.

Дилимиз доим беқарорингдир,
То сен бизларнинг беқароримиз.

Мен ҳам Убайддек содиқ қулингман,
Токим сен бизнинг шаҳриёримиз.

* * *

Аҳволимда мудом оҳу воҳ кураман,
Дилим номасини сиёҳ кўраман.

Нафс шумлигидан чехрам Юсуфин
Ҳамиша асиру банди чоҳ кураман.

Уқисам умримнинг тумор хатини,
Ҳар сатрин ғамдан огоҳ кураман.

Беқарор дилимга тапласам назар,
Нолаю андуҳу эвоҳ кураман.

Йул узундан узоқ, мен узимни
Сафарда беюк, бематоҳ кураман.

Унинг қулин тутган асил кимсани
Олий илтифотга ҳамроҳ кураман.

Бечора Убайднинг тавбасида
Марҳамат, қарами подшоҳ кураман.

* * *

Тонг пайти қадаҳ тула шароб яхшидир,
Навою нағмаю чангу рубоб яхшидир.

Фаттон куз ила масту хароб эггувчи санам
Олдингда утирса масту хароб яхшидир.

Саҳар пайти хумор уйқудан уйғон,
Банг хаёлию айши майи ноб яхшидир.

Агар боғ ичра нигор васли насиб этса,
Сув соҳилию равшан моҳитоб яхшидир.

Кеча жонон чехрасин тушимда кўрдим,
Умидим бўлмаса бу туш ё сароб яхшидир.

Убайд бу уч-тўрт байтни айтди шилдатвор,
Агар маъкул топсангки, жавоб яхшидир.

* * *

Суман баргини сабо улиб уйғотган замон,
Булбул чаҳ-чаҳи билан яйраб кетди гулистон.

Бомдодда гул ичидан елиб утган шух шамол
Юз йиллик мурдани ҳам гирилтиргай бегумон.

Сайроқи қушчаларнинг хонишига қулоқ сол,
Довуднинг нағмасини унутгайсан ушал он.

Ғанимат бил бу ишрат мавсумин, аё қўнгил,
Умринг лаҳзасин елга учирма, азиз инсон.

Қўлингдан келгунча то хотирингни шод айла,
Бул бир-икки нафаснинг ғаниматин англа, жон.

Бу шундайин тупроқки, Сулаймоннинг тахтию
Қубоднинг салтанатин елга отган беомон.

Ушал чархи гардун — бу Кайқубоднинг бошини
Сиёвушнинг қонини тупроққа қорган даврон.

Эй Убайд, сен жаҳоннинг ғамидан кўп очма сўз,
То имконинг борича яшаб қол шоду хандон.

* * *

Менга ёр шавқидан булак илтифот йуқ,
Жонимга парвою бошимга коинот йуқ.

Агар ёр снидан лаҳза жудо гушсам,
Олган нафасим бекор, менга ҳаёт йуқ.

Ҳажр балосига қайла сабру тоқат,
Бу шундоқ ривоятки, шарҳга сабот йуқ.

Бу риндлик шеваси ошуфта этмиш,
Бу хаёлдан узга хаёлот йуқ.

Ёр кўйи булибдир бизга қиблагоҳ,
Булак бир Каъба, бошқа Суминот йуқ.

Лабингдан бир буса талаб айласам,
Дейсанки, кет, Убайд, бундоқ закот йуқ.

* * *

Тун-оқшом куз ёшим дарёга оқди,
Дилим зулфи қаро барнога оқди.

Заифман, бемажолман, нола урсам,
Тулиб ашким чулу саҳрога оқди.

Гоҳи куз ешларим қоплаб заминни,
Гоҳи ашким баланд Зухрога оқди.

Бошимда чарх уриб ёрнинг хаёли,
Унинг ишқи билан дунёга оқди.

Балокаш кўзлари боқиб дамодам,
Курур, қон ранги минг маъвога оқди,

Тонг отгунча хаёли бирла ёндим,
Вужудим сув бўлиб руёга оқди.

Убайд ғамзанг ўқидан дилфигордир,
Шифо истаб, дили зебога оқди.

* * *

Келгил, жонон, дилимда сенсиз асло мадор йуқ,
Бу хил интизорликка яна сабру қарор йуқ.

Ишқинг балосидан, ёр, девоналик шунчаким,
Дилимда ором йуқдир, ақлимда эътибор йуқ.

Кулгинг — менинг муродим, хироминг эрур орзу,
Не истасанг, шуни қил, менда ҳеч ихтиёр йуқ.

Сенинг ишқинг борлиги давлатдир менга улкан,
Буса, оғуш завқидан ортиқ кайфу хумор йуқ.

Эй дилгинам, ҳамиша мастона бўл, ошиқ бўл,
Масту ошиқ йуқ жойда, билиб қўйки, ҳушёр йуқ.

Ишқ аҳли бирла ултир, йироқ юргил ақлдан,
Ким ақлга ошнодир, ундоқларда барор йуқ.

Ҳар қавмнинг мавжуддир уз йули, уз қибласи,
Убайдга ёр қуйидан булак олий гузор йуқ.

* * *

Жафо қилма, гузаллар ичра бундоқ олат йўқ,
Жудо қилма, жудолик азобига тоқат йўқ.

Сенинг шавқу оташинг вужудим ичра ҳар дам,
Шундоққим, ул оташдан бир дам менга роҳат йўқ.

Аввал вафо курсатиб, сунгра жафо не учун?
Ошиқларда бу ойин, дилбарда бу сифат йўқ.

Солиб партави ҳуснинг, қўзимга нур бағишла,
Чунки қўзимга бундан олий ҳусну талъат йўқ.

Қачон сендан бир бўса мумкин истаб олмоғим,
Айланурман кўчангни, гадоликка журъат йўқ.

Фақат интилмоқ билан етиб булмас висолга,
Буюрганга — муҳаққақ, югурганга давлат йўқ.

Эй Убайд, ишқ кечаси муяссар булса кимга,
Билки, шоҳлар аро ҳам бундай улуғ шавкат йўқ.

* * *

Турк гузали қулга майи саҳбо тутадир.
Олам элини бундан шуру наво тутадир.

Жаҳонда унинг хусни — офтоб жамолин акси,
Шуъла урса, юз кишвар бағрин зиё тутадир.

Агар сабо сочларин силаб утарса ногоҳ,
Бустонни бирдан мушки сумансо тутадир.

Оҳим тутуни ютса олам элини, не тонг,
Портлаб устма-уст оташ, бу уг дунё тутадир.

Дилим ундан бир буса талаб этди-ю, лекин
Унинг тош бағрин қачон бу нидо тутадир.

Куйган дили дардини Убайд ҳар замон айтур,
Қанча бошламай бошдан, қайта пайдо тутадир.

* * *

Зулфинг занжири мени девона қиладир.
Маст кўзларинг масканим майхона қиладир.

Ҳайратдамен, ишқинг балоси мени
Қайдан топди ё сайри вайрона қиладир.

Менинг дилим қулоғингдаги дурлар ҳавасидан
Кўз ёшим қатрасин мисли дурдона қиладир.

Юзинг шами шуъласида куйиб ўлсам, не тонг,
Давлат топганим шу, дил ўзни парвона қиладир.

Бу воиз бошимизни гаранг этади-ю, узи
Гўё лугф этдим деб яна афсона қиладир.

Нечун девоналигимни ўртага солдим, мақсад
То воиз унутса бизни, узин фарзона қиладир.

Меҳринг майдан маст бўлдим, мисли Убайд,
Энди кўнглим на ҳаваси соғар, на паймона қиладир.

* * *

Жудолик ҳаддан ошли, ҳаддан зиёддир жафо,
Кел, маишат мавсуми оламга ёйди сафо.

Лабингдаги қизиллик — ошиқ қонин чизгиси,
Тилармен, уртамизда губор қолмасин асло.

Қаро кузларинг сурди мени бало домига,
Йўқса, ошиқлик қаён, қайда ошиқ-мубтало?

Қайда туркона кузлар дастидан булмоқ халос,
Жаҳоннинг ақлу ҳушин тамом этмишлар яғмо.

Сенинг зулфу холингдан диллар бўлолмас холи,
Ул икки ҳабаш қушин билмас шафқату раҳо.

Сенга интилган дилим зулфингдек паришондир,
Ҳамиша паришонлик элга келтирур савло.

Убайд лабу оғзингни таърифу тавсиф этиб,
Қаранг, ўзин фикри ҳам бўлибдир нозик адо.

* * *

Биз қаланлар қавмидан, бизда қалам булмагай,
Вужуди покимизда ваҳми адам булмагай.

Султонмиз умримизга, гарчи зоҳиран бизнинг
Лашкаримиз қулида таблу алам булмагай.

Халқдан ягоналармиз, фақирликка юз тутган,
Бу йуқлик, фақирликдан бизларда ғам булмагай.

Қулу ҳамёнимизда динор кўрмагай ҳеч ким,
Кўнгил зарбхонамизда нақши дирҳам булмагай.

Топгайдир даврамиздан кўнгил ҳар бир муродин,
Риндлармиз, нилий ва ол жило ҳеч ҳам бўлмагай.

Ҳеч маҳал бир кимсага истамаймиз ёмонлик,
Топсак ҳам дилозорлик, кўнгил мулзам булмагай.

Фақирликдан лоф урмоқ беҳудадир бу йулда,
Убайд, бу ишда ҳеч ким собитқадам булмагай.

* * *

Олма юзинда ул шўх тузиб қатлимга чоҳни,
Улдирли ғамза бирла менингдек бегуноҳни.

Ҳинду холин асири булдим, билмадим аммо
Бизни қул этмоқ учун ижод этмиш сиёҳни.

Кузу қўнглин домига минг бор илиндим ва лек
Ҳануз булмадим ҳушёр, топмадим туғри роҳни.

Унинг меҳри нуридан олис тушмоғим мушкул,
Чулғагайдур гуримдан унган ҳатто гиёҳни.

Улсам унинг жабридан, этса иноят агар,
Яна қайта тирилгум, илғаб ўшал нигоҳни.

Убайд, ёр қарамидан узма умидни ҳаргиз,
Унинг лутфи ёритгай бизга шому сабоҳни.

* * *

Эй дил, муғ аҳлидан ошнолик иста,
Майхона пиридан рушнолик иста.

Қаноат бурчига гар топмасанг йул,
Девоналардан донолик иста.

Агар покизалик авжин тиларсан,
Табиат домидан сафолик иста.

Агар ориф эсанг, майхонага юр,
Агар аблаҳ эсанг, порсолик иста.

Хаста дил давосин дарддан қидиргил,
Наводан кечу бенаволик иста.

Айём андуҳидан қолсанг чорасиз,
Хасислан чиқмас минг мумиё иста.

Убайд, гадоликни ғанимат англа,
Гар подшоҳ эрсанг, гадолик иста.

* * *

Менинг ишқим ути жонингни ўртар,
Ҳамма ошқору пинҳонингни ўртар.

Ёнар қалбу совуқ оҳимдан асран,
Олов ҳам ях бўлиб қонингни ўртар.

Унга найрангу достонинг бакормас,
У юз найрангу достонингни ўртар.

Ёқурман шам, дея оввора бўлма.
Ки вақт етса, шабистонингни ўртар.

Этокингдан туташган ушбу оташ
Ёниб бирдан, гирибонингни ўртар.

Дилим васлингга пайванд, қурқажакмен:
Бу оташ, десалар, жонингни ўртар!

Бу топган бир дамингдан фойда йўқдир,
Убайд, ул номусулмонингни ўртар.

ҲОФИЗ ШЕРОЗИЙ

(1325 — 1390)

МУЖДА КЕЛДИ

Мужда келди, энди ҳеч қайғу билан ғам қолмагай,
Аввал-охир неки мавжуд булса, ул ҳам қолмагай.

Ҳокисор булдим агарчи ёрнинг наздида мен,
Қошида ағёр ҳам ҳаргиз муқаррам қолмагай.

Бу забаржалли равоққа ёзилибдур зар ила:
Яхшилик қолгай жаҳонда, ўзга олам қолмагай.

Пардалорким, барчани бир-бир кесар шамшир била,
Ҳеч бир инсон даҳр аро муқийму маҳрам қолмагай.

Неку бад нақшин кўриб, шукру шикоят этма кўп,
Хатти борлиқда рақамлар ҳам мужассам қолмагай.

Мажлиси Жамшид аро шундай қушиқ бор, мазмуни:
Бода тутгил, жом узатгил, бир куни Жам қолмагай.

Эй товангар, сен бу дарвишнинг дилини қулга ол,
Бу ҳазина ичра зар ё ганжу дирҳам қолмагай.

Сен ғанимат англагил парвонанинг васлини, шам,
Бил, қўш чиққач, бу нозик дилрабо дам қолмагай.

Ёрдин сен таъмаю умидни узма. Ҳофизо,
Ҳам жабрдан бир нишон, нақши ситам ҳам қолмагай.

* * *

Замон андуҳига ҳеч соҳилу поён кўрмасман,
Бу дардга арғувон майдан бўлак дармон кўрмасман.

Дедим: Майхона пирин хизмагин тарк этмагум асло,
Бу аҳддин узга ўзимга бирор имкон кўрмасман.

Хуморман, томчи майни менга лозим кўрмагай ҳеч ким,
Демак, аҳли жаҳонда дуст ила ёрон кўрмасман.

Ошиқ аҳли Худо бирла яқин дерлар, ўзингни тий
Ки, шаҳрим шайхларида ишқдан унвон кўрмасман.

Белинга кокилинг — унга дилимни боғлаишман мен,
Булибман зулмати зулфинг аро пинҳон, кўрмасман.

Сенинг қаддинг менинг кўз ёшларимдан баҳралар олгай,
Бу хил оби равону ҳам сулим бустон кўрмасман.

Бу ҳайрон икки кўзимдан, минг афсуским, минг афсуским,
Икки оинадирки, ҳусни нурафшон кўрмасман.

Бу дарё мавжида Ҳофиз дили бир кемадек сузгай,
Қуруқ сузу сухандан фойдаю эҳсон кўрмасман.

* * *

Сенга изҳори дил қилмоқ ҳавасдир,
Сенинг қалбингни ҳам билмоқ ҳавасдир.

Рақиблардан, қаранг, ошкор дардим
Ниҳон тутмоққа интилноқ ҳавасдир.

Нафис дурдоналарни тори дилга
Меҳр-ла инжудек илмоқ ҳавасдир.

Мадад бергил, сабо, тун ичра менга,
Саҳарда гул-гул очилмоқ ҳавасдир.

Бу лутфинг-чун кучангни кипригим-ла
Супирмоқликка эгилмоқ ҳавасдир.

Ёзиб риндона шеърлар худди Ҳофиз,
Даъво аҳлига бас келмоқ ҳавасдир.

КАМОЛ ХҲЖАНДИЙ

(1318 — 1400)

ТОПМАДИ

Дил сенинг васлингдан ўзга бир таманно топмади,
Кўз сенинг ҳуснингдан ўзга бир томонно топмади.

Ақлимиз айлаб жамолнинг жилвасинда сайри боғ,
Холу зулфингдан зиёд шавкатли савдо топмади.

Кўз юзинг курган замон шундоқ мунаввар дам эди,
Бунча шан фурсатни ошиқ аҳли асло топмади.

Ишқдан маст кўзларим ҳеч туймагай ҳайрон боқиб,
Чунки бундоқ сарвқад барнони дунё топмади.

Кўзларим йиглаб дегайлар: Бундайин гавҳарни ҳеч
Зоти инсон излабон минг битта дарё топмади.

Ҳусну қалдинг сирру асрори юракни уртагай,
Фаҳму идрок бунчалик мушкул муаммо топмади.

Эй Камол, жаннатдан орғиқ бир макондир ёр кўйи,
Ҳеч бир ошиқ сенчалик доврўғли маъво топмади.

АБДУРАҲМОН МУШФИҚИЙ

МЕРОС ТАҚСИМИ

(ҳажвиядан парча)

Бобом мотамин харжи, сингилжон, сенга бўлур,
Сабр менга-ю... чоп-чоп, оҳ-афғон сенга бўлур.

Омбор тула ғалласи менга тегишли, албат,
Далада қолган хашак, хас-сомон сенга бўлур.

Бобомдан қолган танбур меникидир, шубҳасиз,
Ундан чиққан тарона, авж-илҳон сенга бўлур.

Бобомнинг бор уй ичи менга насиб айлагай,
Сочилган эски тасбеҳ ва маржон сенга бўлур.

Бобом ураган дастор, жомаю фута — менга,
Бетоқатликда булмоқ андармон сенга бўлур.

Кафтгир, қозон-қозонча бобомдан менга мерос,
Бузилган учоқ-тандир ва мурқон сенга бўлур.

Танга тула ҳамён ҳам менга аталгани рост,
Тангадан чиққан жаранг — шавқи жон сенга бўлур.

Барча гиламу қолин — бобомдан менга ҳада,
Титилиб кетган буйра армуғон сенга бўлур.

Ҳовли саҳнидан тортиб томгача жой — меники,
Томдан Сурайёгача бор осмон сенга бўлур.

Бобом дафнига элни йулламоқ — менинг ишим,
Кафану кумиш ғами беармон сенга бўлур.

Бобом қабрин зиёрат этмоқ менинг бурчимдир,
Чалпак пиширмақ, ёймоқ дастурхон сенга бўлур.

АГАР БЎЛСАМ САЛОМАТ

Муродинг ўлдиришми мени, эй, сариқомат,
Улдирсанг, бугун улдир, эртан булур қиёмат.

Ҳар баргки турбатимнинг гиёҳинда кўрингай,
Ишқни инкор этганга булгай санги маломат.

Агарчи йиғлар эсам, дунёда қалқир туфон,
Ҳар битта гардим аро ётгайдир минг надомат.

Мусофирлик балоси бизни мустамад этди,
Ёр юзини кўргайман, агар булсам саломат.

Йўлинггадир кузларим, ҳар лаҳза минг интизор,
Эй сабо, ер гардини етказ айлаб каромат.

Ушбу фалак остинда муъжизалар кўп булур,
Мушфиқий ҳам, не ажаб, ишқда қилса иқомат.

НАРГИС КЎЗИДАН КЎНГИЛ

Наргис кўзидан кўнгил мастона бўлди охир,
Аввал ҳушёр эди-ю, девона бўлди охир.

Мажлисида ел эди-ю, шам шуъласи эгилди,
Ул шуълага дил куюк парвона бўлди охир.

Ул шухга умрим бўйи вафо намоен этдим,
Ул эса не боисдан бегона булди охир.

Сенинг ишқингда, эй ёр, дардимни пинҳон тутиб,
Халқ орасинда номим афсона булди охир.

Ул фазол кўзларингки мени девона этди,
Мажнун каби масканим вайрона булди охир.

Мушфиқий дили ҳарчанд Каъбадин излаб нишон,
Зебо сувратинг кўриб бутхона булди охир.

ЭТМА МЕНИ БЕҚАРОР

Кунларим тундек қаро хуснинг чароғисиз, ёр,
Агар хато гапирсам, ул утда ёнай зинҳор.

Майли, мени уртайвер, истаганингча ёндир,
Майли, бу танг дилимни этгил яна тангу тор.

Сийнамни алам тийғи билан чок-чок этдинг,
Фироқинг оташинда булайин мангу абгор.

Қалбимизнинг фонуси хийра тортибдир обдон,
Зулмат кечамни ёрит, шуълангга жон интизор.

Мушфиқийман, оёғинг остида хоки пойинг,
Бундан булак бир жойда этма мени беқарор.

ЖОНИМ ГУЛШАНИ, ЭЙ, ЁР

Жоним гулшани, эй ёр, сенга остона булсин,
Унда очилган ҳар гул итингга хона булсин.

Майли, буткул бул таним, жамийки усгухоним
Жабринг уқига ҳар дам аниқ нишона бўлсин.

Битта вафо урнига, минглаб жафо қилурсан,
Майли, бунча ситамлар менга туёна булсин.

Ул сарвақддим томон бормоққа ҳаддимиз йуқ,
Эй қумри, майли, сенга унда ошёна булсин.

Салтанати ҳусн ила, майли, неча жабр эт,
Чунки даврингдир сенинг, сенга замона бўлсин.

Мушфиқийнинг қалами ўт олди, куйди бирдан,
Сени таъриф айлар-да, майли, яксона булсин.

МУТРИБ КЕЧА ХУСНИНГНИ

Мутриб кеча хуснингни таронайи соз этди,
Жамолинг шами сари кунгиллар парвоз этди.

Қошларингни ёсидан меҳроб ҳам хижил улиб,
Имом уни курибоқ гақвою намоз этди.

Дедимки: “Ҳар нозингга минг жонни садқа айлай”,
Бул сўзимга куз сузиб, ишва билан ноз этди.

Мен киму сенга бунча таманно изҳор этсам,
Ҳар имонгга минг жонлар борлигин ниёз этди.

Висол баҳори кетиб, бошланди фасли хазон,
Изтиробимни ҳижрон туни куп дароз этди.

Мушфиқий, итларингга садқа этсам бошимни,
Аҳли вафо лол булиб, мени сарфароз этди.

БОВАР ҚИЛА БИЛМАС

Тарки жафо менга ситамгар қила билмас,
Жон берсам ушал лабгаки, бовар қила билмас.

Ишқ йулида жонни берур аҳли муҳаббат,
Ҳеч ошиқ буни менга баробар қила билмас.

Ул икки қузи менга беҳад жабрлар этди,
Бул жабру жафони пари пайкар қила билмас.

Ошиқ дилини шўхи санам лолазор этди,
Ҳеч маъшуқа бу ишни муқаррар қила билмас.

Майли, кузим кўр бўлибон кўрмасин элни,
Бул бошим итинг хизматиини гар қила билмас.

Хубларга боқиб кўз ёшимиз дарёдек оқди,
Шодлик дегани бир лаҳза назар қила билмас.

Мушфиқий умрин ҳосили бўлди гузал ёр,
Бундан-да улуғ бахтни муяссар қила билмас.

МЕҲРИБОН БУЛМАДИ

Меҳрсиз ой юзлигим ҳеч меҳрибон булмади,
Раҳму шафқатни билмас, ороми жон булмади.

Оҳим дудидан кулбам қоронғу зулмат бўлди,
Куриб турса-да, бир тун бизга меҳмон булмади.

Ёрни кузимга жойлаб, қалбимга нақш айладим,
Вале ул ёр бир лаҳза бир ҳамзабон булмади.

Оҳу нолам эшитиб, уйқудан куз очмади,
Бахти қаро эканман, менга осон булмади.

Йилларки ёди бирла уртаниб булдим адо,
Огоҳ бўлмади мутлақ, дилга дармон бўлмади.

Мушфиқийман, иглари олдида ҳам қадрим йўқ,
Меҳру шафқатдан бизга асло нишон булмади.

ҲУСНИ НЕЧОҒЛИҚ ОРТСА

Ҳусни нечоғлиқ ортса, мен шунча зор булурман,
Ул қанча эъзоз топса, мен шунча хор булурман.

Дардимга чора истаб қайси томонга бормай,
Тобора дардим ортиб, беихтиёр булурман.

Бу турфа ғамлар аро бемор булибман андоқ,
Қанча парҳез этмайин, шунча бемор булурман.

Фироқида куз ёшим дарёдек тулқин отди,
Яна неча туфонга, албат, дучор бўлурман.

Муҳаббат кучасинда жафокаш бир ошиқман,
Қанча алам тортмайин, лек вафодор бўлурман.

Дардимга даво истаб Каъба сари йўл олсам,
Қанча ибодат этмай, кўп гуноҳкор булурман.

Бул ҳажр туфонида Мушфиқий гум бўлгайдир,
Яна васлин излашга мен талабгор булурман.

ҚАЙСИ ТОМОН БОРУРСАН?

Эй сарвиноз, қай томон уриб жавлон борурсан?
Мен узимдан кетяпман. сен-чи, қаён борурсан?

Куксим чок-чок айлаб, интилурман ёнингга,
Сен бепарво, тонг ели янглиғ равон борурсан.

Куз ёшларим шашқатор оқаётир бетиним.
Дейман: Сен ҳам ёр томон куп фаровон борурсан.

Ошуфта насим бўлиб ёки саргашта сабо
Сунбул буйин таратиб, шўху шолон борурсан.

Ҳайрат ичинда, эй дил, оҳ урарсан устма-уст,
Ёр жамолин кўргали ошиб доvon борурсан.

Сенсиз бу Мушфиқийнинг дили ҳар лаҳза қондир,
Шафқат истабми ёрдан, эй дил, нолон борурсан?

НА ХУШ ДАВЛАТКИ

На хуш давлатки, ҳар тун дилдорни тушда курсам,
Шод уйғонурман ҳар тонг ул ёрни тушда курсам.

Тонглар гулистонидир чехранг, аё гузалим,
Насим булай боғинда, гулзорни тушда курсам.

То жоним бор оёгин изларини излагум,
Ҳар куйга киргайман шуҳ рафторни тушда курсам.

Шуҳи ситамкордурсан, хўблар аро бераҳм,
Жон олғувчи ул кўзи маккорни тушда курсам.

Зулфингни бир толасин қўлда тутмоқ — умидим,
Аммо қўрқиб кетурман озорни тушда кўрсам.

Кўз ёшларим мавжлари бало тўлқини янглиғ,
Емиргай сени тусган деворни тушда курсам.

Фам туни, албат, ўтгай, шамингни ёқ. Мушфиқий,
Тонггача оғир булгай, нигорни тушда курсам.

ДИЛИМНИ БИР НАФАС

Дилимни бир нафас хурраму шод кўрмадим,
Ғам чангалидан узни лаҳза озод кўрмадим.

Ғам чекмасанг, дейдилар, булмассан манзил обод,
Ғам чекдим-у, аммо дил уйин обод кўрмадим

Замонанинг зулмидан нолалар урдим, вале
Жаҳон элида бундоқ оҳ-фарёд кўрмадим.

Ошиқ булиб сабр уйин тиклай дедим-у, аммо
Умр ўтиб, бу бинони асло бунёд кўрмадим.

Зоҳид хилватгоҳига йўл тутай ледим, лекин
Бу йўлда ҳам кўнгилга лаҳза нажод кўрмадим.

Ишқинг ўти қалб уйин андоқки этди барбод,
Замон элида бундоқ зулму бедод кўрмадим.

Мушфиқий, ишқ айшининг не булури билмадим,
Бу йўлда ҳосил улган мақсуд-мурод кўрмадим.

БИР КУНГИНА КЕЛ ДЕСАМ

Ноз қилиб, мен томонга ул ёр бир келмайдир,
Бошқалар кўп келар-у, аммо нигор келмайдир.

Толей йуқ ошиқман, боқмас дилором қиё,
Бир кунгина кел десам, ойда бир бор келмайдир.

Ул шух жоним балоси, нигорон айлар мудом,
Ҳеч булмаса, балодек бир бор дучор келмайдир.

Дунё гузалларининг шоҳидир ул дилором,
Йуқлаб бир оқшомгина белор бир келмайдир.

Жоним оғзимга келди зулми изтиробинда,
Кулбамни этиб обод гулзор бир келмайдир.

Токи тирик эканман, аҳдимда барқарорман,
Тилимда йуқ бошқа ном, зинҳор бир келмайдир.

Мушфиқий бу ишқ аро кийди бало либосин,
Бул кийим унга ғоят тангу тор, бир келмайдир.

МИРЗО ҒОЛИБ

(1797 – 1869)



Мен жафо муштоқиман, ҳар не жафо қил, розиман,
Менга зулминг ўтказишдан хуб сафо қил, розиман.

Эй, қамар рашкин оширган ойжамол, уксинма кул,
Ошигинг бисёр, тағин минг ошно қил, розиман.

Сен санамсан, офтобсан, балки ортиқсан, баланд,
Ул самодин ҳам баландроқ бир само қил, розиман.

Неча ҳурлар ҳусн бобинда олур сендан сабоқ,
Ғамзаю ишвангни эл ичра бало қил, розиман.

Беқарор кунглим куйинг истаб мудом парвоз этар,
Майли, остонангни Каъбадин аъло қил, розиман.

Мақтагай зоҳид ҳамиша боғи жаннат куркини,
Сен кучанг гардин менга жаннатбаҳо қил, розиман.

Жаннату дузахни қушсанг, бир буюк бустон булур,
Сайлу сайронинг учун улкал бино қил, розиман.

Илтифот айлаб менга оби ҳаёт тутгил, ичай,
Ташна кунглим қондириб, меҳринг ато қил, розиман.

Бул ғазалниким Алюйи менга иншо қилдирур,
Энди ҳар ҳукмингни Ғолибга раво қил, розиман.

* * *

Тоқатим тоқ булди ишқдан, чорайи жон истарам,
Меҳр курсат, дилрабо, меҳрингни чандон истарам.

Хору хас гулханга тушгач, лов этиб ёнгай бешак,
Мен лабинг завқ утида ёнмоқни обдон истарам.

Рашк этурман сенга куз солса баногоҳ бир рақиб,
Келмогинг жавлон уриб бул кеча, жонон, истарам.

Кузларимга жо булиб, уйқуни куздан маҳв эт,
Лаҳза-лаҳза шафқатинг кўрмоқ фаровон истарам.

Мен жамолинг кўргали муҳтожу муштоқман, гузал,
Бунчалик гурбатни даф этмоққа имкон истарам.

Нағмаи базми хаёлингдан дилимда минг савол,
Бизга ҳам булгайму, деб бир лаҳза эҳсон, истарам.

Сен — вафо бегонаси-ю, мен — ҳавас ошуфтаси,
Майли, меҳринг соғиниб, утмоқни сарсон истарам.

Баски, бизга шафқатингдан бир жило курсатмагил,
Лек хаёлинг мавжида сурмоққа даврон истарам.

Голибо, гарчи жафолар илгида қондир жигар,
Ранж агар шундоқ ширин, бул ранжни ҳар он истарам.

* * *

Дилиминг бул шеваси аёндиру аёнмас,
Унинг туйғу, аъмоли гумондиру гумонмас.

Дилбарни бул ғамимдан десам огоҳ этайин,
Ичимдаги гулғула баёндиру баёнмас.

Жоним ичра фармонинг, ҳар хизматингга шайман,
Ҳар пардада дил дардим равондиру равонмас.

Аҳли назар қошида дардимни айтсам агар,
Бўсага ташна ул лаб даҳондиру даҳонмас.

Кезарман гулшан ичра, баҳору... ҳеч вақо йуқ,
Гулхан булиб куринган хазондиру хазонмас.

Дарёга тушса қатра, сингиб кетгайдир, албат.
Бу қандайин синоат? Зиёндиру зиёнмас.

Баҳор завқи-ла яшнаб, шохда гуллар урар мавж,
Гул косасида бода ниҳондиру ниҳонмас.

Ғолиб, назардан утказ атрофда бор сафони,
Парда ортида сирлар аёндиру аёнмас.

* * *

Не сўз демай, эшитиб, эшитмасликка олар,
Субҳу шом ҳолим билиб, ўзин билмасга солар.

Банддан бушалган оҳу орзу қилурму домни,
Кунглимизнинг ғизоли шубҳалар ичра толар.

Эй соқий, шафқат айлаб, бир коса бода тутким,
Жигар қон бўлди ғамдан. Шу сендан илтижолар.

Ёр дийдорин қуришдан бир яхши пайғом кутдим,
Муштоқ булиб кузларим неча шому саболар.

Юздан суриб пардангни ноз билан утқил, дилдор,
Оинайи жамолинг берсин дилга сафолар.

Кузимдан оққан ёшнинг ҳисобин қилиб бўлмас,
Унда қон мавж ураркан, жоним не ҳолда қолар?

Гулгун майдан бул кеча ҳузурбахш булай лаҳза,
Дейдиларки, паймона кунгиллар зангин олар.

Андух хуружи, Ғолиб, кунгилга солмиш ғулу,
Оҳим эшитиб, шояд, қилса раҳму раҳолар.

* * *

Ишқ майдонига марду ҳам жасур инсон керак,
Булмаса, қизғин курашларга чидам бермас юрак.

Мен улимдан титрар эрдим ҳар гасолиф чоғида,
Рангу рўйим қаҳрабоси — бул ҳақиқатдан дарак.

Ишқ-вафодан бир рисола ёзгали урдим қалам,
Аммо фикрим куп паришон эрди, жоним жонсарак.

Томиримда қон оқур, мисли ҳаёт дарёси ул,
Бағримиз водийсини алвон гулистон қилгудак.

Севги дарди қалбимиз ичра абад булгайму ҳеч,
Сунса ҳам қалб, дейдилар, дарди яшар эрмиш, бешак.

Ёру дустлар толмади ҳаргиз жунунимга даво,
Гарчи манзил булди менга об-ҳавосиз, тор катак.

Бир жасад булмиш кафансиз бул Асад ошиқу зор,
Шафқат айлаб, кунглига нурини сғурсин фалак.

* * *

Қайским сахрою даштда кўп кезибдир зор-зор,
Бошқа ошиқларга жой бермабди дунё — кўнгли тор.

Ишқ ҳавосидан юракка неча утлар ёндашур,
Неча оташ тафтидан кўнгил булармиш нор-нор.

Мен тушим, унгимда сен-ла қанча суҳбат айладим,
Не зарар, не суд кўрибман, барчаси бекор кор.

Ишқ мактабгоҳида шогирди содиқман ҳануз,
Не саводим чиқдию не тарк қилдим ихтиёр.

Бир улим бирлан кафан айбимни ёпгайдир фақат,
Йўқса, ҳар қандай либосда бору йўгим ошкор.

Эй Асад, Фарҳод неча тоғни кесар полвон эди,
Аммо ошиқлик йулинда булди ул ҳам тор-мор.

* * *

Такаягоҳ аҳду забонингдан ғалат булди, ғалат,
Ҳам ширин ўтли баёнингдан ғалат булди, ғалат.

Хокисор этдинг рақибим қошида гарчанд мени,
Бу ғалатдир, жон-жаҳонингдан ғалат бўлди, ғалат.

Фунчага солсанг назар, бўлгай хижолат, чунки ул
Бемисол ширин даҳонингдан ғалат булди, ғалат.

Ҳар жафойингким, менга минг бир вафодан ҳам зиёд,
Дил уйи бундоқ гумонингдан ғалат булди, ғалат.

Раҳм қил, дарду ситамлардан Ғолиб ўлгай, бешак,
Такаягоҳ аҳду забонингдан ғалат булди, ғалат.

* * *

Гар денгиз чайқалса, не аҳволга тушгай хас-хошок,
Худди шундай, ҳар нигоҳингдан танимда жон ҳалок.

Файзиёб бўлсанг агар май оташин дарёсидан,
Сунгра жисминг музлатур, албатта, ул ваҳшу нопок.

Гар чароғон булса хонанг, сенга зулмат хавф эмас,
Чуғ курингай кузларингга музлаган бир парча хок.

Бул ҳароратдан вужудинг яйрагай хушнуд бўлиб,
Барча нохуш туйғулар ҳар ён титилгай чок-чок.

Ушбу айёмни ёмонлаб гап сотишдан фойда не ?
Тақдиринг шундоқ булишин, асли, ёзмиш чарх бебок.

Қул-оёқ жойида булгач, бизга ким заҳмат берур?
Қай маҳал йиқди Фаридунни ушал Заҳҳок-хок?

Таъбимиз равшанлиги ҳар бир суҳанда акс этур,
Тут кунгилни, Фолибо, ҳар лаҳзада озода-пок.

* * *

Жамолинг торож айлар ҳар қандайин назарни,
Хироминг помол этур сарв ила санобарни.

Шавқ оташинг ёндириб диллар уйин саросар,
Тийғи захминг ўлдирди неча қалбу жигарни.

Дарлингда улар булдим сендан узоқ тушган чоғ,
Ёндим эшитганим чоғ келишингдан хабарни.

Хабардор бул азобинг тортган харидорингдан,
Нолам етказур сенга дилдаги бу қадарни.

Шод эдим бу хилватда, олисда шум рақибдан,
Йулингда уйғоқ турдим кузатиб ҳар гузарни.

Кузларим ёш тукарди умидвор илинж ила,
Гарчи сезса-да қалбим бу йулда бир хатарни.

Эй бармоқлар, кузимдан олингиз дарҳол ўзни,
Покдомонин силангиз — ўшал моҳи қамарни.

Тути шакарни истаб, не куйга солур узин,
Ғолиб, сен ўшал лабдан топурсан қанд-шакарни.

* * *

Нурли офтоб бодасин узатган чоғи осмон,
Ранглар намоёишидан яйраб кетди гулистон.

Бизнинг офтобимиз-чи, дариг тутар меҳрини.
Шул боис ҳаётимиз шоми ғариб, ногавон.

Офтобимиз биз учун душману ҳамлард яна,
Шам билан суҳбатимиз тонгга қадар беармон.

Навбат била икки нур кўнгилга солур ёғду,
Кулфату фароғатни бизга тутиб ёнма-ён.

Мана, баҳор гуркираб, олам муаттар улди,
Шабнамлар шуъласида гўё акс этди жаҳон.

Май базмида латофат суҳбати авж олғуси.
Қадаҳлар садосидан диллар булиб нурафшон.

Ғолиб, сабуҳий завқин кўнгилга солди наҳор.
Нурли офтоб бодасин узатган чоғи осмон.

МУҲАББАТНИНГ СЎНГГИ ХАЙР-МАЪЗУРИ (Байрондан)

Урмимизнинг боғида ишқ-муҳаббат гуллари
Ажал шабнамни эмиб унгайдир, йўқ назири.
Аммо шадлод вақт қули юлқиб ташлар уларни,
Айтилганда севгининг сунгги хайр-маъзури.

Беҳуда эркалашлар бизни эта олмас шод,
Аҳд қиламиз — севгига садоқатдир мазмуни.
Аммо бир соат утмай, уни этажак барбол
Ўлим олди айтилган ишқнинг хайр-маъзури.

Далда бериб кунгилга хаёл шивирлаб утар:
“Йулимизда яна дуч келажакмиз охири!”
Аммо алдоқчи тушлар заҳарни пинҳон тутар,
Айтилганда севгининг сунгги хайр-маъзури.

Қаранг! Мана икковлон: бу — беғубор муҳаббат
Болаликдан гуллашга лойиқ эди, арзирди.
Эндигина очилгач, совуқ урди бешафқат,
Айтилганда севгининг сунгги хайр-маъзури.

Соҳибжамол! Кўз ёшинг тукилади шашқатор,
Сени қутқармоқ маҳол, бу — ишнинг энг оғири!
Ақлсизлик ақлингни емирди-ку ларзакор,
Айтилганда севгининг сунгги хайр маъзури.

Кимдир бу жабрдийда? Одамлардан ҳайиқар.
Урмонли мағорага жунаш булмиш тақдири,
У шамолу тоғларларга ўз дардидан ҳайқирав,
Мазмуни — муҳаббатнинг сунгги хайр-маъзури.

Нафрату ғазаб билан юраги тула нуқул,
Ўтмиш осудаликнинг қолмаган учкун-нури.
Надоматлар ўтида ёниб битгандир буткул,
Айтилганда севгининг сунгги хайр-маъзури.

У пулатга айланган қалбларга қилар ҳавас,
Кимнингки бу ҳаётдан ҳиссиз утаркан умри,
Ундайларда ҳаяжон, утмиш завқи қузғалмас,
Бефарқдир муҳаббатнинг сунгги хайр-маъзури.

Орзу-армонлар угиб, борамиз улим сари,
Муҳаббат ҳам узгарар, бўлма севги маҳзуни,
Эҳтирослар тулқини ёшлиқда булар бари,
Кафандир муҳаббатнинг сунгги хайр-маъзури.

Астрей шундай қонун этади бизга тортиқ:
Ўч-қасосга элтади лаззат, ҳаёт ҳузури.
Муқаддас муҳаббатга кимки бўлибди содиқ,
Гуноҳин ювар ишқнинг сунгги хайр-маъзури.

Яллиғланган у қутлуғ қурбонгоҳга пешма-пеш
Сарву мирт гулчамбарни бир-бир қуй, шу охири,
Мирт хуш буйи лаззату оромингга булар эш,
Сарвда — муҳаббатнинг сунгги ҳайр-маъзури.

СЕВГИНИНГ ИЛК БҮСАСИ

(Байрондан)

Йуқол, эй жимжимадор, алабий инжа сузлар,
Тарқал, ёлғону яшиқ, ғийбатларнинг тўдаси.
Нурин сочиб мафтункор, нафису шаҳло кузлар,
Сархуш этади мени севгининг илк бўсаси.

Хаёлу тасаввурга асир қофиябозлар,
Етар чучмал туйғулар ва оҳанглар нағмаси.
Совуқ сонетларингиз — бачкана эҳтирослар,
Сизга танишмас жонбахш севгининг илк бўсаси.

Агарки сен илҳомдан булолмассан баҳраманд,
Ташриф этмас Апполлон — ишқу илҳом музаси.
Ушанда сен ўпичнинг сеҳри билан бўлгил банд,
Илҳом-ижод манбаи — севгининг илк бўсаси.

Муздаккина уйдирма гаплар туқинмас касбим,
Эй беибо риёкор, чинқирганинг нимаси!
Қалбим шеърият билан мустаҳкам чамбарчаским,
Нур-ҳарорат бағишлар севгининг илк бусаси.

Чупон қизу сурув ҳам кунгилга берур ором,
Аммо туғен уйғотмас қонда уларнинг саси;
Сўнар ҳар қандай орзу, ҳар қандай гузал мақом,
Кучини курсатганда севгининг илк бусаси.

Одам Ато давридан токи бу кунга қадар
Доим бебахт бўлмаган, билсанг, инсон боласи.
Ер юзининг жаннати битмагандир сар-басар,
Уни намоён этар севгининг илк бусаси.

Лаззат дамлари утар, сўнар завқу эҳтирос,
Тутишга қодирмассан, утар йил силсиласи.
Барча хотиралардан энг азизу беқийс
Абадий хотиралар севгининг илк бусаси.

ҲУЗУРИНГДА ЧҮКМАГАЙМАН ТИЗ

(М. Лермонтовдан)

Ҳузурингда чукмагайман тиз,
На саломинг, на таъна тошлар
Ҳоким булмас қалбимга ҳаргиз,
Бегонамиз бугундан бошлаб.

Сен унутдинг. Ҳурлик — дилга зеб,
Алдоқларга булмагай завол.
Ахир, кулгинг, қузларингни деб,
Куп йилларим бўлди-ку увол.

Етар, сенда шунча кўрганим
Ёшлигимнинг орзулар кучин.
Мен дунёдан куз угиргандим
Фақат сени севмоқлик учун.

Бошим уриб, ўлиб-ўргулиб,
Шайдоликда утган ҳар бир пайт —
Ҳар лаҳзани илҳомдан юлиб
Олгандим-ку ...сен не бердинг, айт?!

Балки қувват бериб қаламга,
Ҳисларимга сайқал этиб бахш,
Шеърлар ҳадя этсам оламга,
У менга шон бергайди яккаш.

Нега аввал айладинг ваъда,
Босурман деб шон-шараф ўрнин?
Ҳозир булсанг қандай аҳволда,
Нега шундоқ булмадинг бурун?!

Мен мағрурман!.. Айбим булса кеч!
Энди изла бошқа бир хуштор.
Ҳатто осмон уйилса минг бор,
Ҳеч кимга мен қул булмайман ҳеч.

Жануб ёққа — тоғларга томон
Олиб кетай бошимни бугун.
Бир-биримиз англадик обдон,
Бирдан айру тушмоққа бугун.

Ҳисларимни қондириб юриб,
Лаззатларга бўламан йулдош.
Ҳамма билан сузлашиб, кулиб,
Кузларимга келтирмайман сиз.

Беорларча алдайман мен ҳам,
Яна бошқа севмаслик учун.
Менга вафо қилмагач санам,
Хотинларга ҳурматим нечун?!

Тайёр эдим азоб, улимга,
Дунё билан жангга ҳам ҳатто.
О, ақлсиз! Яна бир марта
Оппоқ қўлинг қиссам қўлимда.

Тушунмасдан макринг, вафосиз,
Берган эдим сенга қалбимни.
Билармидинг унинг баҳосин?
Сен билардинг, билмасдим сени.

1832 йил

САШКА

Ахлоқий достон

1

Аянч ва кулгили бизнинг замона,
Унга қатлу занжир, қувғинлардан ёз,
Диллар қора мавжин чизган ҳамона,
Фақат эшитасан мунг, дардли овоз.
Ким уйқу-оромга бўлса бегона,
Хаёл, хотиротга банда бўлса ким,
Бу гап ушаларга маъқулдир балким.
Мен ҳам бу балога бўлгандим дучор,
Фақат кўзларимга етказдим озор.
Энди мен булакман. Куйлайман беғам,
Куламан. Қувноқдир қаҳрамоним ҳам.

2

У билан дуст эдик. Ғамдан холи дил,
Туйғулар ва пуллар уртада баҳам.
Бир ойга қарз олиб, чузарди бир йил,
Жаҳдим чиқмас эди бунга зарра ҳам.
Навбат етгач, мен ҳам қилардим шу хил;
Дарди бўлса менга айтарди дарҳол.
Кўзга кўринмасди бўлганда хушҳол.
Зерикканда менга бор орзуларин
Яширмай, сенсираб сузларди барин.
Мақтар, кўнга манзур хислатимни у,
Кадрилда келардик доим рубару.

3

У билан дуст эдик. Ундай дуст қайда...
Тинч ётгил гурингда, Саша-азизим!
Қалбинг ёт далада, бегона жойда
Хотирам қабрида ётган сокин, жим
Дустларимиз каби бўлсин авайда.
Сен ўлдинг кўнлардай бешовқин-сурон.
Бироқ қатъий эдинг. Сирли бир армон

Хатто кузларингни юмган маҳали
Сенинг манглайингда кезарли ҳали;
Ўлар чоғингдаги айтган сүзингни
Ҳеч ким тушунмасдан юмдинг кузингни.

4

Балки она-юртга топширдинг салом,
Ё бирор дустингнинг номин қилдинг ёд,
Ёхуд ёш умрингдан укинч бир қалом,
Ёки жон узилиш олдидаги дод? —
Қандай англаш керак? ташвишда мудом
Утган бу юракни бундай соатда
Нечук ҳислар чулғар экан, олатда?
Буни ёлғиз дустинг тушунар эли,
Қулига қаламни оларкан энди,
Ёзар саргузаштинг, орзу, ишингни.
Ибратлаб дунёга бор қилмишингни.

5

Азиз китобхоним, бардош қил, бардош,
Олам, Ҳавво насли булсанг ҳам, ахир.
Балки бамаънисан, балки бир бебош,
Сабр қил, барчасин сузлайин бир-бир!
Эски ўлчовлардан мен тортмайман бош, —
Чунки кексаларга ҳурматим улуғ,
Ҳозир қаён боқма, қарига тулиқ...
Кимки ун саккизда булмабдики чол,
Дунёни кўрмапти дейвер бемалол;
Лаззат ҳақида у эшитган фақат,
Фақат бино бўлиб кўрган машаққат.

6

Дустим москвалик, шу важланми ё
Ёқмас менга Нева, Нева тумани.
(Гувоҳ була олур сүзимга дунё)
Унда вақтичоғлиқ — ҳамён душмани,
Меҳнат — рус ақлининг эгови гўё.
Худди фин кўрфазин қиргоғи мисол,
Унда ҳаёт нопок, бум-буш, хафаҳол.
Москва бошқача. То борича жон,
Унга содиқман деб ичажакман онт.

Орзу ва саодат кунлари илк бор
Мен унда севгилан булдим бемадор.

7

Москва, Москва!.. Содиқ бир фарзанд,
Бир руслай севаман угли, мустаҳкам.
Улуғвор бастингга дил мангу пайванд,
Севдим кунгурадор Кремлингни ҳам.
У маккор ҳукмдор сендан еди панд,
Беллашиб кўҳна рус полвони билан,
Беҳуда ҳийлаю ёлғони билан
Сени йиқмоқ булди, кучанди бекор,
Силкинишинг билан жон берди ғаддор!
Олам ҳайрон қолди... Шарафга тўлиқ
Барҳаёт турибсан абадий, улуг.

8

Барҳаётсан!.. Борсан, ҳар тошинг ҳатто
Авлод-авлодларга бебаҳо мерос.
Минораиғ остида, сояда гоҳо
Мафтуи кузатардим, дил тўла ихлос:
Зах кавакда моҳни ўйнар нур-зиё,
Тепадан — инидан чиқиб қалдирғоч
Пасту баланд учиб, чарх уриб қийғоч.
Бош узра чуғурлаб парвона эди,
Одамларга тамом бегона эди.
У эркин қушларга боқиб ҳавасда,
Эҳтиросга тўлиб турардим настда.

9

Файласуф эмасман — сақласин Эгам! —
На бир ҳаёлканман. Қуш учса, кўриб,
Болалик чоғидай, қўлтиқда ўпкам,
Ортидан чопмайман елиб-югуриб.
Эй илҳом париси, одимла иллам,
Буялган саҳфалар қолсин йулингда!
Туғри чоп, бурилмай ўнгу сулингга...
Энди Кремлдан жўнаймиз қаён?
Дарвозаси кўндир, олам бепоён!
Қайга? “Пресняга отингни бургил!” —
“Кампир, қоч!.. Югурдак, четроқдан юргил!”

10

Қишки будутларда кезиб юрар ой —
Варяг қалқони ё голланд пишлоғи.
Ташбеҳим далилдир, чунки, ҳойнаҳой,
Зодагон наслиман, ахир, бир ёғи.
Тун посбони ногоҳ чўчиб, пойма-пой,
Уйғониб, будкадан солади гулу:
“Кимдир у?” — “Бу муза!” — “Қандай шайтон у?”
Жавоб йўқ. Ҳовуз ҳам кўринди шу чоғ,
Куприк ҳам оқарди, икки ёнда боғ
Қалин қиров босиб ухларди ҳорғин;
Темир панжарала ой нури ёрқин.

11

Фриз шинелида, улуғвор тусла
Енгилтак сайрчи, ширакайф уғлон,
Телба-терс босганча борар оҳиста,
Панжара темирин ушлаган ҳамон.
Панжара тугади. Оёқ остида
Ғичирлаб қолади изи тушган қор,
Гул уйилган мрамар янглиғ нақшинкор.
Кулбалар занжири чузилар йироқ,
Узоқдан лип этди у таниш чироқ.
“Қани, қордан кетдик, музам, ҳушёр бул.
Этакни баландроқ тутганинг мақбул”.

12

Дарвоза гижирлар. Ҳовли зим-зиё,
Тахтадан крмоқлик жуда ноқулай.
Мана, зина, даҳлиз; куп жойни аммо
Қор босган. Оёқни шарт тойдурғудай
Шалақ зиналарки, омонатнамо.
Ичкари киришар. Кузга урур нур,
Йуғон оқсоч хотин, чимрилиб, қурғур,
Меҳмонлар йўлини тўсди бемалол,
“Сизга ким керак?” деб беради савол.
Муносиб жавобни эшитган ҳамон
Эшикни қарс ёпар... Сўкиниб ёмон.

13

Биз шунга қарамай, кирдик ичкари,
Музаю шоирга очиқ барча йул.
Шайтон ҳамма уйга кирган сингари,
На таъқиқ, на сеҳр келар бунда қул.
Столнинг ёнида мисоли пари
Куйманиб ултирар қуш соҳибжамол,
Соҳибжамолларки, кузни этар лол!
Бизнинг аёллардан бир нарсани сиз
Билиб олмоқликни унутманг ҳаргиз:
Қишлоқ ва пойтахтда қай бири афзал —
Қиз булган тузукми ё булмоқ гўзал?

14

Стол атрофида соҳибжамоллар
Ўлтириб қартада очишарди фол,
Келажак ҳақида эзгу хаёллар.
Бир умид уларга куринар яққол
(Бизга ҳам кўринган бу хил иқболлар).
Титраб ёнар эди стол узра шам,
Баъзан ёлқинланиб кетарди бир дам
Шифту деворларни мунаввар қилиб,
Бурчакда бугларни олтин-зар қилиб.

15

У икки гўзалдан бирин, айтайин.
Тенгсиз деб булмасди, аммо униси...
О, тушда кўрганмиз фақат бундаин
Бизни забт этганда жаннат уйқуси!
Деворга бошини сал эгиб, жим, майин,
Столга тикилиб кўзлари — жоду,
Бир қадар бемалол утирарди у.
Қарталар орзудан берса башорат,
Диққат-эътиборин булмай, шу ҳолат,
Дугонасин айтган ҳар бир гапига
Аранг жавоб берар ё “йуқ”, ёки “ҳа“.

16

Ажиб бмр дилором эди у санам,
Поляк паннасининг баайни ўзи;
Муносиб тушарди унга жуда ҳам
Мағрур бир ифода акс этган юзи.
Сусанна мисоли, ноодил ҳакам
Қаршисига дадил борғудай, совуқ,
Бепарво бир ҳисга нигоҳи тулиқ;
Бундай омухталик саналмас қусур,
Чунки, ишонингки, отаси қурғур —
Жухуд эди. Онаси Прага ёқдан,
Польшалик. Бу гаплар холи чагоқдан.

17

Прагани Суворов этганда қамал,
Жосус бўлган унинг отаси бизда.
Польша мундирида билдирмай, бир гал
Истеҳкомлар буйлаб сайр этган кезда,
Бевақт лайди уқдан етибли ажал.
Куплар дейишганди ушанда: “Афсус,
Калтақдан улмади у балбахт жосус!”
Беш ойдан сунг унинг бева хотини
Бир қизча туғди-ю, қизнинг отини
Тирза деб атади. Бу ажойиб ном
Бир корнетдан булмиш уларга инъом.

18

Жулдур кийимларда ўсли бечора,
Жаҳолат қуйнида улғайди. Эсиз.
Қуримсиз бир утдай, дили юз пора,
Яхши-ёмон нима, билмай ўсли қиз.
Аммоки ишқ фасли етиб, шу ора
Қайси бир бандаси икки сўз қотди,
Қиз унинг бағрига узини отди;
Орадан олти кун ўтди-ю, ҳайҳот,
Жонига тегди у кароматли зот;
Хато қилмайин деб, ушандан бўён
Барчага табассум этар армуғон.

19

Тумандай тарқалиб ишқ орзулари,
 Ҳар нарсадан унга эрк бўлди азиз.
 Алдоқларга алдоқ бўлди ҳунари,
 (Шундай эшитганмиз бунни сизу биз).
 Кескин ифодали юз белгилари
 Жанубга хос эди ҳамда барқарор
 Бир ўт ёнар кўзда; ёрқин, беғубор
 Бир шабнам қоплаган, паришон нигоҳ,
 Худди юлдуз шундай кўк юзида гоҳ
 Сайр этар, — бу сирли, оғир ва пинҳон
 Юрак дардларидан эди бир нишон.

20

Бу мубҳам қайғулар урнини ногоҳ
 Эгаллаб оларди қувонч, эҳтирос.
 (Бу хил дардни бермас ҳар кимга Оллоҳ)
 Кукраклар мавжланиб, ўт жанубга хос
 Бир оташ рухсорин яшнатар; ошноқ
 Инжу тиш ҳалқаси тез-тез очилар.
 Бошларин кўтарар, муаттар сочлар
 Навжувон чеҳрани босар паришон,
 Майин, қора тулқин бағишларди жон.
 Оёқчаси ўйнаб нотинч, беибо
 Тизгача очилиб қоларди гоҳо.

21

Кулиб, юз ноз билан қувнаб, ишвакор
 Уринга чалқанча ташларкан ўзин,
 Юрагин англамоқ эмасди душвор.
 Аммо ўзидан у хабарсиз бутун.
 Болалай ўйноқи қалбга гул рухсор
 Буйруқ беролмасди. То келиб биров
 Журъат, меҳр билан бу дилга олов
 Солмагунча оғир... Шундай қаҳрамон
 Келдими ёки йўқ, бу гап даргумон,
 Балки кутилмоқда, билиб қоламиз,
 Вақти билан барин билиб оламиз.

22

Дугонасиға ҳам утайлик, ахир,
 Манзара мукаммал булмоғи учун.
 Уларни яқинда дуч этли тақдир,
 Лекин дарддош чиқди диллари бутун,
 Неки уйласалар, уйлари ҳам бир.
 О, агар билсангиз, қанчалар аъло,
 Пок ҳис булар бу хил қалбларда! Аммо
 Диққатлар ялтироқ мола билан банд,
 Оҳ уриб, изидан чопсак-да ҳарчанд,
 Афсус, дустлар, сураб сунг биламиз-ку,
 Мола дуконидан қарз... гүзаллик бу!

23

У ҳам нафис, лупни ва қордай оппоқ,
 Шодмон кулганида, юрганида ё
 Буйни, кукраклари ва ўтли ёноқ
 Ёқимли титрарди; ифбат ва ҳаё
 Бу тантиқ ҳуснга қурбондир. Бироқ
 Бенармона башанг, кенг-мул юбкаси,
 Қабарик куксию очиқ елкаси
 Курганнинг дилини ёндираар эди,
 Ёндириб, кузини тиндираар эди.
 Бутун санъагини қилиб намойиш,
 Туйғуларга бермас зарра осойиш.

24

Исми Варюшадир. Мен булсам, ҳайҳот,
 Унга бошқа бир ном истардим аниқ;
 Дустларим бу номни эшитган заҳот
 Оёқ ости булган бир илон янглиғ
 Дилимда вишилллар машъум хотирот;
 Ва уша шум илон харобасимон
 Юрагим ичида ўрмалар ёмон.
 Шунда сукут ичра ёнаман ғамгин,
 Ё ер тепинаман сукиб уй ичин.
 Бу балодан қочиб, энди атай биз
 Варяни Параша дея агаймиз.

25

О, кечмиш йилларнинг телба уйқусин
 Кулиб такрорлашга созим ожиз, лол!
 Қадимги мурдахур рудапо тусин
 Қайгу сувин сепиб тирилган мисол,
 Даҳшат-ла хотирот кўрсатди юзин
 Ҳамда қамраб олди фикримни... Наҳот,
 Утган шунча йиллар, серғусса ҳаёт
 Сурмабди куксимдан унинг ёдини,
 Шаҳло кўзларини, барно қаддини?
 (Кейинчалик, дўстлар, булайки иқрор,
 Ундан афзалларин кўрганман бисёр).

26

Жуда кўп йиллардан азоб-изтироб
 Ҳукмини юргазди менга то шу дам;
 Аммо илк ҳаяжон садо берган тоб
 Кўксингни тарк этмас, — ташвиш ва алам —
 Булутлари босиб, булганда бетоб,
 Гўё туллар кўкда булут кучганда,
 Қалдироқлар ваҳм солиб учганда,
 Уларнинг дуқидан қўрқмай, бемалол,
 Кўкдан шуъла сепган бир юлдуз мисол,
 Ожиз ақлим дарддан абгор кезлари,
 Шафқат-ла боқар менга унинг кўзлари.

27

Уй суриб ўлтирар иккита жонон
 Ёниб булаёзган шамнинг олдида.
 Уларни чучитиб қўярди бурон
 Ёқимсиз чийиллаб тишда — ҳовлида,
 Сиздай зерикканди улар ҳам обдон...
 Шу пайт ташқарида бирдан ит ҳурди,
 Қопқанинг зулфини кимдир туширди.
 Товуш эшитилар... оёқ шарпаси...
 Зинадан бировнинг келар нафаси...
 Параша қўзғалди ва эснаб олди,
 Стулдан қулашга салгина қолди.

Тирза ташқарига югурди шу зум,
 Эшик очилди-ю, усти-боши қор
 Меҳмон кириб келди... Кулгили таъзим...
 Чопганми, ҳаяжон қилганданми қор,
 Стула гурс тушди... Ошиқона разм,
 Меҳрибон қул билан Параша бирдан
 Меҳмоннинг илашин ечди-ю, бир дам
 Ипак сочларининг қорини қоқди,
 Меҳмон Парашага, чамамда, ёқди...
 Ёшлигу гўзаллик шудир ва фойда,
 Манфаати тегиб қолар ҳар жойда.

Сочлари таралган силлиқ ва башанг,
 Эпчилди, дид билан кийинганди у.
 Галстук балдагидай тортилган таранг,
 Бармоқда узуклар сочарди ёғду.
 Йигирма ёшга ҳам етмаган, қаранг:
 Нозик ёноқлари ва пеннонаси
 Заъфарон, бу балки — дард нишоннаси,
 Шундай из қолдирган балки қайғу-ғам,
 Бу тус таниш эди кўпдан менга ҳам.
 Лабларида илон захридан ортиқ —
 Бир киноя мудом титрарди аччиқ.

Кўриниб турарди, кичик ёшлиқдан
 Балават муҳитда униб-усгани.
 Бир қисм тунлари шум бебошлиқдан
 Паркет топташ билан ҳайфга утгани.
 Холимас қолгани ҳам уйнашлиқдан...
 Тез англаш мумкиндир: ғамгин ва ошкор
 Қарашда нафрат, кибру ҳаво бор;
 Бирор бефаҳм турк ё бой лорд янглиғ
 Мағрур эмаслиги бўлса-да аниқ,
 Ҳар ҳолда, қушоёқ зотлилар аро
 Ўзини кўплардан тутарди доно.

31

Фурур тугдиради курашмоқ. Аммо
 Осон енгилмайди инсоний бидъат...
 Йулбарсу айиқни йиқмоқ муаммо
 Эмасдир қошида. Берганда нисбат:
 Ўнгайдир душманни маҳв этмоқлик ё...
 Онтлар ичарманки, зур даҳо керак
 Бидъатни отмоқ-чун мисоли куйлак.
 Худо амри билан бамисли шимол
 Жануб булса мен устим ечганим мисол.
 Ҳозир аксинча бир хавф юзланмоқда:
 Нева эримай, Неаполь музламоқда.

32

Ким булди бу меҳмон? Pardon, сабр этинг!
 Фаромушлик... таниб олурсиз ҳозир:
 Дустим, қаҳрамоним — Сашка!.. Афсус денг.
 Шундай вазиятда, шу лаҳза тақдир
 Сизни учраштирди... Ишонинг, минг-минг
 Унга мен таъкидлаб келганман мудом
 Бундай “сайр”ларнинг этишин бадном.
 Сузлардим, тингларди бериб эътибор,
 Лекин оқшом чуқса — шу ерда тайёр!..
 Насрий насиҳатдан кура, назмда
 Уни улуғламоқ мақбул, наздимда.

33

Қаҳрамоним Сашка галстугини
 Оҳиста ечади... “Сашка” — эски ном!
 У “Сашка” кўрмаган нашр юзини,
 Етилмай қувғинда сўнганди тамом.
 Сашкамиз бу номда билар узини.
 Дустлар аро бошқа йуқ бу хил исм:
 Яхшими-ёмонми бу, дустлар билсин.
 Галстугин ечиб, манглайин силар,
 Чимрилиб, фаромуш бир ҳолда сўрар:
 “Қани Тирза?” — “Уйда”. — “Куринмайди-ку?”
 “Ухляпти”. — “Оббо, уятсизлик бу!”

34

Шошиб оромгоҳга киради йигит,
 Бунда Тирза билан ишқ уйинида
 Белдор тунлар ўтган... Ҳаммаёқ жимжит,
 Сирли, оҳанрабо кеча қўйнида
 Олтин ой ойнадан боқиб бир тахлит,
 Нури кузга урар, ойнага қунар.
 Муз нақшида заррин учқунлар уйнар.
 Мовий ёғду билан безаниб девор
 Хаёлни тортади кўркам, шуъладор.
 Менинг Сашкам секин қулоқ солади,
 Кимдир тушакда тин. нафас олади.

35

Қўлин ҳаяжонда узатар, лекин
 Деворга тегиб, чўзар бу қўлини ҳам,
 Панжалари учин пийпаслар секин.
 Сунг болдирин тутди: о, юмшоқ, куркам
 Нозик пойга озор етмадимикин? —
 Деб Саша бир нафас уйланиб қолар.
 Ўзин беихтиёр койиб ҳам олар.
 Аммо ўрмалар қул қургур юқори,
 Мана тиззачаси... ва ундан нари...
 Мана, кулаяпсиз етмай турибоқ,
 Қўлингизга тегди қўш чуққили тоғ...

36

Бебаҳо дақиқа! Ўтдир нафаси,
 Александр эгилар қизнинг бошига.
 Муҳрдир куксига оташ бусаси,
 Белидан кучоқлаб, тортар тушига.
 Ўзини унутиб, ёниб муттасил.
 Йигит ўйлар эди: “Тирза қадрдон!
 Ҳаёт, туйғу билан уйнашиб хандон,
 Булдим одамлардан сен каби йироқ,
 Сендай ёлғиз қолиб эрк билан ҳар чоқ,
 На бирор дўстим бор, на душманам бор,
 Сендай яшаш — аҳдим, англагил, дилдор!

37

“Кеча тақдир бизни қўшди даъфатан,
 Эртага даъфатан ажратар мангу, —
 Бир йилми, бир кунми, бир дамми... зотан
 Сен-да бирга булмоқ — энг буюк орзу...”
 Қора кўзларини ҳеч узолмасдан
 Энтикиб боқарди... у тенгсиз барно
 Ёлғондан уйқуга чўмганди гуё,
 Гуёки уйғониб қолар-да ногоҳ,
 Саросима ичра тулғонар... эвоҳ...
 (Чучини ва таажжуб бундай соатда
 Хотинлар жонига оро, албатта.)

38

Апил-тапил кўзин қўл билан артиб,
 У сўради: “Кимсиз?” — “Мен сенинг Сашанг!” —
 “Жуна, кундан кутиб ётар Парашанг.
 Тухга, мен уйғонай, қаслим олай”, деб,
 Йигитнинг қулидан ушлаб олди у
 Ҳамда жаҳл билан тишлаб олди у,
 Эй, палил танқидчи, қайрама тишни,
 Тишлашдан фарқ қилгин олдин упишни,
 Шундай оғизлар ҳам борки дунёда,
 Тишлаши асалдан булар зиёда!..

39

Тирзани кўрганда агар Сулаймон,
 У билан безарди балки тахтини.
 Оёғи остига ташлаб бегумон
 Қонуну салтанат, шону бахтини...
 Демасман бу сўзим қатъийдир, ишқон!
 Ҳукмдорлик эмас менинг насибам,
 Улар саховатин қайдан билдим ҳам?
 Аммо Шарқнинг қалим афсонасини
 Эслатган дилбари — жононасининг
 Ёногини, кулгисини, қошу кўзларин
 Дунёга олишмас эди Сашкам, чин.

40

“Қайдан пайдо булдинг?” — “Сурама, жонон!
 Балда эдим!” — “Балда! Балинг нимаси?” —
 “Эҳ, нодон! Бал — шовқин, говур-туполон,
 Ақсиз шаҳарлик масглар тудаси, —
 Сирти ялтираган алдамчи макон;
 Кўз-кўзлаб айланар қизлар либосин,
 Бозорга солишар кўзу овозин.
 Бири — бирни, бири мингларни асир
 Қилишар... Уларга бермаганман сир.
 Қанчалик севмайин вақтичоғлиқни,
 Ой гувоҳ, юрагим сента боғлиқдир”.

41

Қалб тушиб янги бир ҳисга, тўлқинга
 Тинглар яҳудий қиз унинг ҳар сўзин.
 Аввал кулгилидай туюлар унга
 Шаҳар гўзаллари... Сунг тутиб узин,
 Шундай бир фикрни олар тугунга:
 У ҳам рақсга солиб бор малоҳатин.
 Титратса булар-ку эркаклар зотин.
 Баянд ойналарда кўриб жамолин,
 Беғараз ҳасад-ла гўзаллар ҳолин
 Танг этса булар-ку ва олам аро
 Довруғ солса бўлар, мағрур ва барно.

42

Йигит-ла жипслашар. Шу тахлит япроқ
 Бутоққа ёнишар буронни кутиб.
 Ним очик лаблари олов сочароқ,
 (Қалб болғадай уриб, узни унутиб)
 Нелардир шивирлар. Бошдан то оёқ
 Ловуллаб ёнарди. Таранг, ёш кўкрак
 Олмадай қалқарди, тебраниб куйлак,
 Кўкракда Сашканинг қули кезарди,
 Майин ва беозор уни эзарди...
 Найлайин, ҳаётнинг илгин тутаман,
 Бир соатлик гапни ташлаб утаман.

43

Уй ичи жимжитдир. Оқ булут қат-қат
 Тулин ойни пардага ураб келарди.
 Тунги чигиртканинг овози фақат
 Аҳенда нолишдай эшитиларди;
 Қайси бир бурчакда сичқон бетоқат
 Қигирлатар эди обой қоғозни.
 Менинг кушоқларим ишқ-эхтиросни
 Уринлатиб ётар айш қуйнида маст,
 Тонг отиб қолишин уйлаб ҳам кўрмас...
 О, бундай тунлардан унтасини сиз
 Умрда кўргансиз ё кўрмагансиз...

44

Сукунатни Тирза бузади шу дам,
 Дер: “Тингла, азизим, ҳазилларни қуй!
 Булар-булмас гапга берайлик барҳам.
 Хаёлимга келди ғалаги бир уй:
 (Бағрига босади йигитни маҳкам),
 Не булар, бебаҳом, жон қадрдоним.
 Ором олсин десанг менинг ҳам жоним,
 Театрга элтсанг эртами-индин,
 Ёлғиз илтимосим шу эди сендан.
 Биламан, сен учун мушкул эмас бу,
 Сўзимни қолдирма, бир армоним — шу”.

45

“Майли!” — дея Сапа беради жавоб,
 Тирза сўзин чала эшитди гарчанд.
 Қамиш пояни қуш этгандай, шу тоб
 Уйқу оғушида бўлган эди банд.
 Ҳавасим келади унга! Мен хуноб —
 Бедор утказаман кўп кечаларни,
 Гудакликдан топдим бу оғир дардни.
 Қалбда шу хогирот... қайноқ — болишим.
 Ўт булиб ёнади манглайим, боним.
 Уйларим бемаъно изғир, довларар,
 Рус қашшоғи янглиғ дайидир, жовдирар.

46

Бир пайтлар Саулни қийнаган бало —
 Очкуз қурт қалбимни кемирар ёмон.
 Арфа торларидан юксалар садо,
 Сирли парвоз этган бир малаксимон.
 Саул жонига сал кирган-ку аро,
 Қузғатган куз ёшу ишонч ва орзу,
 Ут ёнган қабоғини юма олган у.
 Куй билан уйлари топганда шукуҳ,
 Унга йўлолмади ҳатто ёвуз руҳ.
 Энди оламда йўқ ундайин садо,
 Сехрли арфа ҳам йўқдир мутлақо.

47

Барчаси йўқолар. Ишончим комил,
 Бизнинг нурсиз дунё — бошқа бир йироқ
 Олам қабристони, ҳоло... минглаб йил
 Асрлар жангида соғ қолган тупроқ,
 Сунг олам уфқига булғандир восил.
 Оғаш либос кийган кўп сайёралар
 Еримизга оға-ини саналар.
 Уларнинг ҳаётбахш таъсирини биз
 Сезиб турамиз шу қардонлик боис...
 Тўқнаш келсаларми, лейман, мабодо
 Бир сиқим кул қолгай бизнинг дунёдан.

48

То уша дамгача порлашсин, майли,
 Тунги фаришталар чирогисимон.
 Бешак, тугаб бир кун ҳавоий сайли,
 Уларнинг жумбоғи счилар ёмон.
 Ер жимжит, осмон соғ булган маҳали
 Қўнғироқхона ё бирор чуққидан
 Боқардим уларга кечиб уйқудан,
 Утли занжирларин севиб тобора,
 Уйлардим, ер билан юлдузлар ора
 Бор шоир қалбига томон нурли йул,
 Сочар шуълаларин бошидан мул-қул.

Шуйтиб қаҳрамоним пинакка инди,
 Ором ол, тинч ухла; сиз-чи, уқувчим,
 Лутф этиб, тинглайсиз давомин энди,
 Йўқса мажбур қилгум ишлагиб кучим...
 Олга, эй дostonим! Қайга илинди,
 Олдинга чопмасми? Қайтамиз ортга,
 Қаҳрамон уйқуда ётган соатда
 Сузлаб берай унинг асли-наслини,
 Дунёга кўз очиб келган фаслини,
 Бу нопок гушага қуйганин қадам,
 Устоди, қароли ким булганин ҳам.

Отаси симбирсклик зодагон эди,
 Иван Ильич NN-ов, барваста киши,
 Бадавлат отага у углон эди.
 Ўзи ҳам бой эди: ақлли, ҳушли,
 Муҳими — мансабдор бир аъён эди,
 Ун тўрт ёшдан ишлаб, беқусур, ахир,
 Истеъфога чиқди, булиб бригадир.
 У яхши замонлар “Бригадир” одам
 Буларди ақлли, ҳушли бир одам.
 Иван Ильич Симбирск доирасида
 Машҳур эди яхши феъл борасида.

Китоб ва шоирни душманим дерди,
 Адлиядан анча маълумоти бор.
 Кўп ухлар, тўрт одам овқатин ерди,
 Ҳеч кимга ҳеч қанча қилмас эътибор.
 Жон ҳузури — ёлғиз ташвиши эрди.
 Ўзидан бадавлат, зўрни кўрганла,
 Қаддини ҳам қилиб буларди бонда.
 Чунки бу асрнинг фармон-қонуни
 Талаб қилар эди ҳамиша шуни:
 Таъзим зарур эди. Қонун ва амал —
 Иккиси ҳам бир гап эди у маҳал.

Узидан каттани ҳурматлар ҳар дам,
 Ҳурмат хуш келарди унинг ўзига.
 Хонимларга рашкли хуштор булса ҳам,
 Адашиб уйланган, ўзин сўзича.
 Нимага адашган, буниси мубҳам,
 Очиқ айтмам, аммо биламан шуни,
 (Рост бўлса), никоҳнинг иккинчи кунини
 Ғам билан чулғаниб, юрган беқарор.
 Эрлар бу хил ғамга кўп булар дучор.
 Бундай эрлар мутлақ худбин, менимча,
 Хотинни айблар, гуё узи мусича.

Менга таҳсин ўқи, о, аёл зоти!
 Демосфенингман мен: ҳурлигинг учун
 Жар солиб дейманки, қалбим нафрати,
 Ҳайвонтарз махлуққа ёғилсин бутун!
 Нечук ҳоким улар?.. Исён соати
 Етди, қўзғалингиз! Чек қўйинг! Шошинг,
 Марья Николаевнага дадил эргашинг!
 Биламан, сиз мени англайсиз осон,
 Танингизда оққан сут эмасдир, қон.
 Эркаклар кузию таънасидан гоҳ
 Қизариб кетмоққа мойилсиз ногоҳ.

Иван Ильич қалим одатга содиқ,
 Хотинни авайлар ҳамиша, ҳарчанд.
 Унинг бу феъли чин ҳурматга лойиқ,
 Номусни қадрлар эди у баланд.
 Қув қайлиги булса, (айтаман очиқ),
 Қоронғи шийпонда тонггача қолиб,
 Жирканч романлардан кўзлари толиб,
 Ўқир.. Тулин ойдан кўзин узмас ё,
 Эзгу иш чиқмас ой, романдан асло.
 Чунки кўзгар улар турли ҳис-хаёл,
 Йулдан озмоқликка қолади хиёл.

55

Еб қўйғудай латиф, дилдор у гузал
 Гулғула солганди қанча кўнгилга.
 На илож: ари ҳам тошга ҳеч маҳал
 Қўнмайди, ошиқар ҳаминша гулга.
 Туйғуга фармон йўқ. У санам ҳар гал
 Иссиқ тўшагида эрига ёқиб,
 Мумингина бўлиб ётарди балқиб.
 Дерлар, бу сўз балки ёлгон ва бенаф,
 Хотинлар вафоси — ошиқча бир гап.
 Бундай аёлларда. (очиғин айтсам),
 Номига булади эр дегани ҳам.

56

Симбирскда, баланд бир ерда, собор
 Қаршисида эди Иван Ильичнинг уйи.
 Биз курган пайтларда ётарди бекор,
 Қаровсиз, ташландиқ, хароба кўйи,
 Гуё жангдан чиққан огир ярадор,
 Бир пайт гузал маскан булгани аён,
 Куркам устунлари турибди ҳамон.
 Нафис панжаралар билан ўралиб,
 Қафасдай болхона турар муралаб.
 Ойна, эшикларда пардалар асил,
 Тартиб-ла осиглиқ турар муттасил.

57

Уй ичи серҳашам: қатор столда
 Рангдор дастурхонлар соз товланарди.
 Гуё юлдузлар аке этгандай кулла,
 Ойнада қандиллар оловтанарди.
 Вакиллаб, бир-бирин қолдириб йулда
 Лайчалар қаршилар келган одамни,
 Меҳмон ичкарига қўйғач қадамни,
 Кук тўти қичқирар: “Ким келди?... Тентак!”
 Меҳмон уйлаб қолар жилмайиб андак,
 Аммо уй бекаси шод қаршиларкан,
 Тўти-ла сал утмай ярашиларкан.

Деразадан асн гузал манзара:
 Чап қулда, ғарб ёқда ярқиллар қатор
 Томлар ва мурилар. Бу лавҳа ора
 Черковнинг думалоқ гумбази ҳам бор.
 Кундузги оромгоҳ, салқин ва сара —
 Рябина, малина усган жажжи боғ
 Шийпонли, гулзорли, худди қуғирчоқ.
 Бир боғки, хонимлар ичида тапҳо
 Қолган деҳқон қиздай ёноғи хумро.
 Бир боғки, ҳашамдан ҳайиқиброқ сал,
 Ибо билан турган қиз каби гузал.

Шу тупроқ қурғон ва адирдан пастроқ,
 Кулбалар қалашган манов ўнг ёқда
 Кенг бир ҳошиядай ёйилиб оппоқ
 Сокин ва улугвор Волга оқмоқда.
 Кемалар бекати гомонга бир боқ,
 Поладай тиқиндир баржа ҳамда сол,
 Мачталар паррагин гуллатар шамол,
 Арқонлар ёғжиллар; тун булар дохил,
 Узоқдан оқариб кўринар соҳил.
 Қум босган қирғоқлар кузга ташланар,
 Тунги шовқин-сурон чоғи бошланар.

Қупол ва бетартиб саслар говури
 Кемалар аро гоҳ эсиб қоларди;
 Сувчиларнинг кулги, қушиқ, ур-сури
 Қудратли наърадай гоҳ юксаларди.
 Булмас диққатни шом шафақин нури,
 Кузига кўринмас даргазаб шамол,
 Елкада иссиқроқ либос ё рўмол,
 Французча китоб қулда, аксари,
 Ойнада ултириб мовий мавж сари.
 Боқар... Тулқинларнинг шаддол, беором,
 Заррин ёлларида куз олмай мудом.

61

Эр-хотин икки йил турди шу зайл,
 Хамон хотинига нимча келмас тор.
 Ёрнинг ихчам тани шунгами мойил,
 Улуғ ёшли эрда ё бир бало бор?..
 Оилавий ишга булмасман дохил!
 Иван Ильич угилни қиларди орзу,
 Гарчи бойваччалик орқасида у
 Бола ҳам курганди бир вақт бир талай,
 Қонунсиз болалар; уларни атай
 Тарқатиб юборган у ён-бу ёнга,
 Таънага қолмайин деган гумонда.

62

Хаёлан: Мен ота! — дейиш қандай соз
 Ва бу уйда яна сирли кўп дард бор —
 Бир из қолдирсанг-у дунёда, бехос
 Ўзинг ҳам даф булсанг! Қанчалик беор,
 Золим булмоқ керак бунга руйи рост.
 Ҳаёт — зил тиканли бир гултожсимон,
 Ҳарҳолда, шундай дер эътиқод, имон.
 Бизни қасн, қайга элтади ҳаёт,
 Фаҳм этишдан ожиз ақлимиз, ҳайҳот,
 Болалик ва уч-турт кундан булаги
 Ҳаёт деган бебурд мерос булади.

63

Шундай шум уйлардан кунгил ғаш булиб,
 Бир пайт кузларим кўп ёш тўккан эди.
 Қоғозни ёққан бу ёш оташ булиб,
 Болаликнинг у телба уйқуси энди
 Дашт устидан ўтган зим-зиё булут
 Каби кўпдан кечмиш; утли руҳ аммо
 Бир лаҳза сўнмади, саҳрода пайдо
 Булган бурон янглиғ эсиб, тинди тез.
 У бурон, кўз ёшлар ўрнида аччиқ,
 Дардли кулги қолди акс садо янглиғ...
 Баҳор тошқинлари югурган жойда,
 Жонсиз тошлар ётар гуё бефойда.

Яхшийди бу ҳақда жим қолсам, рости,
 Аммо тўғри келмас менга жим туриш,
 Мақтовга мен муҳгож эмасман асти,
 Шоир дегани ҳам мисоли бир қуш,
 Гулларни севади, бўлиб гул масти.
 Муаттар япроқлар узра куйларкан,
 Бу ажиб сас нечук сирлар суйларкан? —
 Булбулдан буни бир суранг-чи, шу тоб
 Сизга у куй билан беради жавоб.
 Мен ҳам дилда борин қиламан баён,
 Шул сабаб шеърим ҳам оқади равон.

Икки йил утди-ю, учинчи йили
 Ноумид эр-хотин булдилар куп шод.
 Бир угил курдилар, ишқнинг ҳосили —
 Ширин ташвишларнинг боиси зурёд
 Кўз очди. Уй ичи байрамдай мисли
 Уч кун хурсандликдан ичдилар пайваст,
 Извозчи, энага — ҳамма-ҳамма маст.
 Бироқ остонани қуршаган куйи
 Итлар улиб чиқди бутун тун буйи.
 Ҳаммадан даҳшатлиси, чақалоқ тани
 Эслатарди сертук айиқ болани.

Кампирлар айтдилар: бахтдан нишон бу,
 Иқбол белгиси, деб йуйдилар шу он.
 Менга ҳам қилинган бир пайт шу орзу,
 Қанчалик ушалди — Худога аён!
 Аксинча, дейдилар, ит тортса улу,
 Ёки том устида нақ ўша соат
 Қўрқинч шовқин қупса — бу шум аломат;
 Лекин мен пайғамбар эмасман, бу рост,
 Бу гапга бош ирғаб қўяман, холос.
 Гамлет ҳам айтган-ку: “Ушбу дунёда
 Донолар учун ҳам сирлар зиёда”.
 Сирлар, у Гамлетга, айтинг-чи, шоир
 Ишонмаслиги ҳеч мумкинми, ахир?..

Кундан-кун улгайиб борарди гулак,
 Кузлари милтирар, қулчалари гул.
 Сочлари шу қадар майин, жингалак,
 Таниш-билишларни дол этар буткул;
 Куйлакка алмашди урнини йургак;
 Илк шухлик дамлари бошланиб бутун,
 Тутию итларга бермас эди кун.
 Йил утиб, беш ёшга қуйганда қадам,
 Яхшидан ёмонни ажратолди ҳам.
 Лек туғма бир ҳисга мойил эди у,
 Бузарди... бузишга қойил эди у.

У усар... Отаси жеркирди мудом,
 Ёшлиқда куп лакки еганди узи,
 Худога шукурки, бўлди заб одам,
 Бинойи. беқусур, бамаъни сўзли.
 Паст эди у замон тушунчалар ҳам...
 Саша мағрур қалб-ла туғилди аммо.
 Ғазаб, заҳар тўла бу мағрур сиймо
 Тақдиру иғволар аччиқ зарбига
 Бўйин эгмас сира, тушмас забтига.
 Ким озор етказса, эслаб юрарди,
 Шу ваздан отасин ёмон курарди.

Буюк гуноҳдир бу!.. Аммо дилда чўғ
 Қанчалик зур бўлса, унда шу қалар
 Жануб ерида тез унгандай уруг.
 Улгайгач муҳаббат, гурур ва калар.
 Меҳрибон отага дуч келаркан, шўх,
 Ўйинқароқ Саша чимириб қошини.
 Бирдан титраб кетар, чулғаб ич-тошин
 Алам уртар, балки кулгилидир бу,
 Ва лекин, начора! — севишга мажбур.
 Овқату калтагу сарқит сабаби
 Эгасини севган лайчалар каби.

У жуда ёш эди ёғоч тобутга
 Онасин куй айтиб қўйишган маҳал,
 Эсида, қора поп қулида тутган
 Қалин бир китоб ҳам, бор расму амал.
 Румол билан тусиб юзин, сукутда
 Ота бир чеккада турган шу фурсат,
 Онасин сунгги бор ўпмоққа рухсат
 Беришган чоғида бақриб, хунграб
 Йиғлаб юборгани ва ундан сунгра
 Гаплари қовушмай, ота жаҳдан
 Беаёв ургани... ўтади дилдан.

Ақая опадан йуқ эди асар,
 Сирли азобларин бўлишмас ҳеч ким.
 Уйин-кулгилардан кечиб сарбасар,
 Сунгсиз шубҳаларга берилганча жим.
 Болалик завқидан қилганди ҳазар.
 Ҳаслда яратиб бир ажиб дунё,
 Шу дунё бағрига сингиб кетар гоҳ.
 Уммон ичра шудир оролнинг ҳоли,
 Гузалу — танҳолик булар заволи.
 Қайиқлар меҳмонга бормас у томон,
 Гуллари иссиқдан куяр тамоман.

Туғилди бир маъсум юлдуз остида,
 Абадият янглиғ орзуси чексиз.
 Орзулар қалби-ла кураш қасдида
 Бекойиш кунларин заҳр этмиш, эсиз.
 Улар чарх уришар нақ тепасида
 Худди шоҳ тожидай; Аммоки тож ҳам
 Ғарибга ортиқча юк каби мубҳам.
 Ҳислари гўёки илоҳий бир ут
 Меҳробин ёндириб, этганди нобуд.
 Оламга ишонч-ла қилдию хитоб,
 Қалбин нидосига топмади жавоб.

73

Бир рухшунос каби мен бошдан-оёқ
 Саша фьёл-атворин, бор буду шудин
 Очик-ошкор қилиб қуймайин. бироқ
 Талаб этгум унинг энг қатъий судин.
 У чиндан қаттиқроқ ҳукмга муштоқ!
 Ҳар нарсадан воқиф журналист, майли,
 Бундаги йиғи ва кулги туфайли
 Нима деса десин. Сашани шайтон
 Тийиб турар деса-десин, юз чандон
 Розиман, бебошлик, шумликда гарчанд
 Дустим шайтонга ҳам берар эди панд.

75

Асил зот француз устози эди,
 Marquis de Tess деган кунгли тор киши.
 Бурни узун, аммо чаккмас лиди,
 Пулни ҳам шу сабаб умарар яхши.
 Хонимчалар эди орзу-умиди,
 Сонетлар ёзарди, соатлаб гарчанл
 Бир қофия узра бўлса ҳамки банд:
 Қочириқ сузларга бой луғати бор,
 Уни ёндан қўймас мисоли тумор.
 Хонимлар шафқатин уйлаб маст эди,
 Аммо баланд-пастни уйламас эди.

76

Де Тесснинг отаси — бадавлат маркиз —
 Исён маҳалида бўлганди қурбон:
 Фонарда осилиб ўлибди бир кез,
 Безак ўрни шу мода эди у замон.
 Парижли дустимиз бизнинг Адонис
 Ота ҳокин тақдирга қолдирган қўйи,
 Ўлим чалгисига эгмасди бўйин.
 Мағрур, жим нафратлаб халқу ҳурликни,
 Оч-наҳор йулга тушди, барча хўрликни,
 Азобларни енгиб, у бардош этди,
 Фан ривожин қўзлаб Россияга етди:

Саша тинглар, уни бериб эътибор:
 Оломон қайнайди, ур-сур ғалаён,
 Эҳтирослар жанги... Жафокаш тождор
 Кечирган сунг дамлар... Барчаси аён
 Булиб, тасавури неча-неча бор
 Париж оломони узра кезарди:
 Бошлар кесилишин якқол сезарди.
 Миллионча исёнкор қашшоқ ҳайқирар,
 Нон ва пули йуғу, кулар, бақирар,
 Тинмай нидо этиб: “Яшасин қонун!”
 Талаб қилишарди Маратнинг қонин.

Ҳамон куз унгида дор ости, кунда...
 Зиналарни босиб бир тузал аёл
 Минбарга чиққанда даҳшатли кунда...
 Ташвиш, сирли азоб тула бир хаёл
 Юзида акс этар... Халқ-чи, тўлқинда
 Уни олқишларди... Олтин сочлари,
 Навқирон эгилди гулчамбарли бош,
 Кундага буйинини қўйди у ёввош...
 Ё Рабби! Ёвузлар, сабр этинг бироз!
 Бир дамда калласиз қолди сарвиноз...

Шундан бери дарё-қон оқиб ётди,
 Тинмади ойболта хунхур овози.
 Сен ҳам, шоир, мағрур, мардона зотни
 Сақлаб қололмалинг! Илҳоминг сози
 Беҳуда тўлдирди бор кoinотни,
 Қалбингнинг бойлиги — ишонч ва орзу,
 Суз ва қайғуларинг ҳаммасини у
 Беҳудага сочди. Ололмай қасос,
 Қонли йўллар босдинг. Шоир қалбга хос
 На совуқ бир кулги, на аччиқ сатр
 Сенга меҳмон бўлди — улдинг беқадр...

Сен билан изма-из Франция ҳам
 Йиқилди золимлар оёгин кучиб.
 Топилмади бирор исёнкор одам.
 Қалбаки гаплардан мардона кечиб,
 Қалбин пок сақлаган, бардошли, бардам
 Кишилар йуқ эди. Аммоки, пинҳон
 Тожу тахт йулини топди Наполеон...
 Бундай сатрларни куп ёзиш мумкин,
 Ҳақиқат модани ёқтирмас лекин.
 Газеталар ёзди бу ҳақда юз бор.
 Яхшимас— бор гапни айламоқ такрор.

Сергап насихатгуй эмасман асло,
 Қидириб юрмайман яхши-ёмонни.
 Жаллодга қурмайман мақтовни раво,
 Аммо камситмайман ҳеч қаҳрамонни
 Игво-пигво билан. Аччиқ истехзо
 Ва ҳайрат мурдага этмайди таъсир.
 Подшоми, авомми, энди барибир,
 Мақбаралар учун марҳумлар, аммо
 Биздан булмагайлар миннатдор асло.
 Мақтов, қасидага фақат эснашар.
 Эснаб, утмиш тахтни фақат эслашар.

Шундай буюраман, умрим сунгида
 Мурдамни кумсинлар саҳрога элтиб.
 Баланд тепа уйиб, қабрим дунгида —
 Бузилмас севгини нишона этиб —
 Бир бут урнатсинлар: булут чангига
 Ботса осмон, туман ёприлса ёки,
 Бу водий бағрида адашмай токи,
 Қашшоқ бир йуловчи шу даргоҳ томон
 Этиб олар, мулжал қилиб, соғ-омон.
 Ҳассага суяниб сунгра ҳорғин, лол,
 Утмиш, келажакни суриб у хаёл, —

Лаънатлар муқаллас бутга энгашиб
 Само ва табиат, эл ва замонин.
 Момақалдиروقнинг аччиқ инграшин
 Ҳам утли фикрнинг ожиз туғенин...
 Йуқ, йуқ, мен нетгайман инсон куз ёшин?
 Керакмас қора бут, гур, даҳма, нола.
 Мени табиатга этинг ҳавола!
 Шамолу ҳайвону еру қуш, оташ
 Розиман қилса ҳам мени хомталаш.
 Қалбим айлансину шаффоф ҳавога,
 Майли, сингиб кетай юксак самога!..

Майли, ғаму андуҳ, жами кори ҳол,
 Таассуфлар билан тўла бу қалбим
 Заҳар-заққум тўла бир идиш мисол
 Беизлар йуқолсин... мен — осуда, жим
 Томчи-томчи этдим заҳрим истеъмол;
 Юзу кузларимга боққан халқ аммо,
 На даҳшат кўрдилар, на дарду бало.
 Дедилар: шу рангга ургангандир у.
 Шундан буен тилим касб этиб огу,
 Авомга қарши уч ҳиссига гулиб,
 Уни камситаман мақгаган бўлиб.

Бу нохуш лавҳани этайлик адоғ,
 Қаҳрамонга ҳам қайтайлик энди.
 Ҳаёт ташвишидан фориғу йироқ,
 Уйин-кулги қувиб кун кўрар эди,
 Ширин эҳтирослар ила дуст-иноқ,
 Дафтар, китоб аро утар узун йил.
 Тарих, жуғрофия, назария, тил,
 Жаҳон фалсафаси — эди унга фан.
 Бешта системани маркиз олар тан.
 Сабабин сурсангиз, мағрур дерди ул:
 “Monsieur, c'est monaffaire”* — менга шу мақбул!

* Жаноб, бу менинг ишим (французча).

Саша диққат бермас унинг сузига,
 Қўллари беқарор ва паришонҳол.
 Бир гўзал суратин қоғоз юзига
 Чекарди. Нигоҳи қуш юлдуз мисол.
 Бир олов яширин эди қузига.
 Сунгра узоқ боқар ҳаяжон-ҳисла,
 Ширин бир уф тортиб, уни оҳиета
 Сирли жавоҳирдай, тенгсиз инъомдай
 Дафтар қати ичра солар инонмай.
 Япроқ ё мактубни, туғноғични ё
 Шундай авайлашар баъзилар гоҳо.

Ким бўлди бу гузал? Ўсмирнинг бошин
 Гангитишдан қандай наф экан унга?
 Юрак-бағрин ўртаб мисоли яшин,
 Нечун ҳисларини солмиш тўлқинга?
 Қалимий Фоблаздай ғоят оташин
 Севмоқ учун, ахир, жуда ёш-ку у.
 Нечун ёш юракка бу қадар ғулу?
 Кавказ қор чўққиси янглиғ бегубор
 Ва жануб кўкидай муҳаббати бор —
 Ким у қиз? Жуда ҳам эмас зур татноз,
 Буфетчининг қизи Маврушка, холос.

Ун тўртга тулганди Саша у маҳал,
 (Айта қолай муҳим сир йуқ-ку, асли.)
 Оқсоч қизлар ичра у галу бегал
 Ивирсишни севар. Аксар ёз фасли
 Ой нафис нур ила ёғдираркан ҳал,
 Қалин акац усган осуда боғла
 Бу уй санамлари сайр этган чоғда,
 Ҳиёбондан келса сирли, майин сас,
 Саша қувлаб егар эли шу нафас;
 Гоҳ маъсум, содда дил устидан қизлар
 Қаттиқ ҳазиллашар. (Тушунасизлар).

Шулар ичра бири ажиб дилором:
 Курганда юраклар этарди жиз-жиз.
 Мафтуни буларди хаёлу ором.
 Бироқ истамайман, эй дўстларим, сиз
 Тинчингиз йўқотиб қўймангиз тамом.
 Суратин чизмайман. Юракни ёққан,
 Томирларда утдай мавж уриб оққан
 Бир ишқ билан Сашам севарди, бироқ
 Дилида курашар шарму иштиёқ.
 Уйлар, ишқин нечук изҳор этмоқни,
 Бир қатъий фикрда қарор этмоқни.

90

Шу ҳам таажжубми? Мен ҳам ун тўртда
 Аёллар аҳлидан қанча панд едим,
 Хотин зоти борки, бари бир гур-да, —
 Деб жаҳон элига уқтирар эдим.
 Нафис, оппоқ тушлар шўх мавжланур-ла!
 Оташ пуркаганда қирмизи лаблар,
 Танда қузғаларди ажиб талаблар.
 Силлик елкаларга сал тегса қулим,
 Титраб кетар эдим... Либоссиз, сўлим
 Танларни хаёлда курардим, холос.
 Бу гаплар янгилик эмаслиги рост.

91

Уйқу, иштаҳани йўқотганди у,
 Кундуз жим... кечаси алаҳсирарди.
 Йулакда фаромуш кезар эди-ю,
 Қизлар одимини эшитмоқ — дарди.
 Пойлар ўт нигоҳни... Дуч келса гулру,
 Совуқ бир табассум касб этиб шу тоб,
 Қизғин боқишларга берарди жавоб...
 Муҳаббат — қисматдай муқаррар бир гап,
 Қалб-ла олишмоқдан чиқмаган ҳеч наф!
 Тақдирга тан бериб Саша ҳам охир.
 Дардин Маврушага айтмоқчи бир-бир.

Ёз ойлари эди, кун ёнар қизгин,
 Йулларда бурқирар чанг бениҳоя.
 Томлар узра солиб йул-йул чизигин,
 Баланд трубалар ташлаган соя.
 Тошлардан буг чиқар. Симбирск элин
 Уйқу ва танбаллик забт этган; ҳатто
 Волга ҳам оқарди секин, бепарво.
 Боғда нам-қоронғи, ашлоқда шу кез
 Нимялонғоч ётар қаҳрамонимиз.
 Ширин висол онин қилади орзу.
 Хаёл сурмоқ учун арзирлик гап бу.

Ногоҳ ўнг қул ёқдан, сирень бутаси
 Остидан либослар шарпаси келди.
 Тулқинли кукракнинг утли нафаси,
 Қизгин бир бусанинг оҳ-саси келди.
 Саша нима қилсин? Кукрак қафасин
 Тешгудай қалб тепар... Уйланмай узоқ
 Буталар оралаб соялай шу чоқ
 Югурди топмоқ-чун хилват гушани.
 Ҳайҳот! Тушга босиб ёш Маврушани
 Иван Ильич ётар гилос остида,
 (Гангри тутсин уни ҳимоясида!)

Қалин ут устида, ҳайҳот, айш суриб,
 Мальун чол уятни иткитиб бу дам.
 Момиқдай жононни ётарди суриб,
 Аямасди оппоқ болдирларни ҳам,
 Ҳам юмшоқ тиззани ҳар ёнга буриб.
 Жуда кун уринди, аммо беҳуда!
 Кучдан ва оташдан маҳрум эди-да.
 Турли-ю, уф чекди (бошқа илож йўқ).
 Шимини кутариб, икки кўзи лўқ,
 Чол жўнади. Қизча қолган эди лол,
 Фазабга учраган Ариадна мисол.

Сабаби, шубҳасиз, маълумдир... шу он
 Саша не қилди денг? Қатъий, тик боқиб,
 Совуқ ва лол қотиб оқ мраморсимон,
 Қўрқув ва ҳирс этиб дилини таъқиб,
 Дузаҳ, беҳишт аро ҳайрон-саргардон,
 Бир лаҳза жим қолар нимадир уйлаб,
 Манглайда япроқлар сояси уйнаб
 Турар-у... ногоҳон портлаб эҳтирос,
 Қалбига ғалаён солди-ю, беҳос
 Гуёки осмондан тушган инсу жин,
 Қизга ташланди-ку шурлик ўспирин!

Ташланди! (Ё, Рабби!) Худдики илон
 Маврушани чулғаб бағрига олди.
 Гоҳ муз бўлиб, гоҳ оташ-саратон
 Жўшқин бир ҳирс билан оғушда толди,
 Эси оғиб қолди... ер билан осмон
 Тумандай... Мавруша ширин инграрди
 Ҳамда жилмаярди, тулқин сингари
 Кўкси тез-тез қалқиб, мастона кўзлар
 Худди нури учган сўник юлдузлар
 Каби лол, маъносиз сузилар, эвоҳ,
 Қўрқув, ҳаяжонга тула бир нигоҳ.

Энди айтинг, дўстлар, ким бунга айбдор?
 Мен бўлсам шайтонга тункардим барин, --
 Шайтон бу гапларга урганган. Юз бор
 Баъзиларнинг заҳар-заққум тилларин
 Оллида ҳавфсиздир тирноқли шохдор...
 Шундай қилиб, кузга куринмас у руҳ
 Мағрур, ёвуз тусда, бераҳму шукуҳ,
 Сукиш, дуғу бутни ҳис этмай асло,
 Саша тақдирини тупдай бепарво,
 Асов раъй фармонин бажарган кўйи,
 Ирғитиб уйнарди баланду қўйи.

Икки ой утди, Бир қоронғи, зулмат
 Кечаси зинани бир-бир босибон,
 Бошга жун румолин ташлаган ҳолат,
 Саша ҳузурига келди ёш жонон.
 Чироқни пуфлайди. Шалақ каравот
 Суянчиғин тутиб ҳаяжонли қул,
 Қайноқ кучоқ томон интилар нуқул.
 Сунгра пар тушакка тортилар аста,
 Кўрпага кўмилиб кетар бирпасда;
 Куксидан оғилар чуқур оҳу воҳ,
 Оташ бусаларга ғарқ бўлди ногоҳ.

Бунга кўп вақт бўлди. Аммоки бир кун
 (Билмайман, қайси кун эди ушанда),
 У олис висолга булганча мафтун,
 Ёлғиз ётар эди Саша тушакда.
 Сунг дарча ёнига аста кучди. Тун
 Бузариб, сўнардн ойнинг шўъласи,
 Атрофин қуршаган булут ғаласи
 Тулқинли попуқлар янглиғ куринар,
 Борлиқ мудрар, аҳён-аҳён уринар
 Дераза кўзига шамнинг зиёси,
 Рембрандт чизгандай кампир сиёғи.

Лип этиб ойнада кўриниб бир зум,
 Яна йўқоларди. Бўм-бўш майдонга
 Қўнғироқхонанинг қоп-қора, узун
 Сояси тушганди сирли томонга
 Элтувчи йул каби. Уфқлар сузгун
 Зулматга шунғиган. Саша уй суриб,
 Утирар... Паридай хиромон юриб,
 Эшикдан бир гўзал аста кирарди,
 Бехос сапчиб тушар Сашка юраги:
 Қошида ойдан ҳам мунаввар бўлиб,
 Шаҳло кўз қиз гузарар ҳуснга тўлиб.

101

Танир Маврушани... Яратган эгам!
Бунча узгарибда бу нозик ижод!
Наққош танасини чизганми, билмам,
Жон урнига Худо солмиш алам-дод,
Бир нафас уҳ тортиб турди-да, шу дам
Саша томон келар, қулларин тутар,
Совуқ қули билан ёпишар, упар,
Тинимсиз ёш гукар дардли кузлари,
Ёши куйдиргудай йигит юзларин...
Айбдор Мағдалина пушаймон-зори
Аталмиш расмни қурмаган борми?

102

Гвидо-Ренининг буёғига хос
Ҳаёт, ҳаяжонни ким тасвир этур?
Юракни куз оша аён этган холст
Аниқ фикри билан ҳам асир этур, —
Тиз чуқмоқ буласан. Қалбингни руй-рост
Сирли қурқув босиб, ул торисимон
Томир-томирингни тигратар ёмон.
Нодонлар даҳо деб атасин номим,
Деб ғам-таъналарга бардош этса ким,
Қалбин тобут қилиб ким яшар экан —
Бундан сирли бир куч англашар экан.

103

Узоқ, ич-ичидан йиглар у барно,
Юмшоқ елкалари сочларин кучиб,
Таралиб ётарди мисоли дарё.
Аҳён-аҳён бир “уҳ” лабидан учиб,
Дардини ошкора ётарди, зеро,
Суздан аниқ эди садоси қалбин;
Сашкам англар эди унинг бор дардин
Худди уз дардидай, она гилидай.
Қули билан аста тутиб белидан,
Кучоғу бусани ҳеч аямасли,
Мақсад — хотимага боришли асти.

104

У дерди: “Не учун бу азоб, жоним?
 Ёшсан, севиклисан — гурбат на ҳожат?
 Кузингда акс этар жону жаҳоним.
 Ширип бўсаларинг узи бир жаннат...
 Ёки бирор ёвуз макри ниҳонин
 Ишлатиб, кунглиннга бердимми озор?
 Йуқ, йуқ, бундай ишга кимнинг ҳаққи бор?!
 Отам қариб борар, француз булса,
 Бу хил ишга қурби етмайди, улса...
 Бас, стар! Ёш тукма, ёнимга келгин!”
 Сашага чирмалиб қиз ёрар дилин:

105

“Эшитинг, сунг дафъа буен келишим,
 Хавф, жазо, номусга бермай эътибор,
 Барча-барчасига булмасдан ишим,
 Сизни бир кўрмоқни қилдим ихтиёр.
 Қўлингизни упиб, хайрлашишим —
 Виждон амри... севинг мен бечорани,
 Қалби ҳур.. бардошли бир оворани
 Кимдир игво қузғаб уйғотмиш ҳасад,
 Энди Иван Ильич қилмоқда ғазаб,
 Мени ҳалок этур у Ванька ёвуз!
 Узрим... Нигоҳ ташлаб, айтинг бирор суз!

106

Отангизни дея умримда илк бор
 Ҳаёдан кечдим мен — бсҳимоя қул.
 Қамоқ-ла кўрқитди, Худо хабардор,
 Ҳафта утмай туриб унутди буткул...
 Энди пок муҳаббат булмас менга ёр.
 Ҳақорат эшитдим падарингиздан.
 Билмадим, мен кимман назарингизда,
 Қулми? Йуқ, қўғирчоқ! Икки ё уч кун
 Айш қилиб, сунг топтаб кетмоқлик учун!”
 Ёш тукиб, арзи ҳол қилар эди қиз,
 Саша тинглар эди уни парвосиз.

107

“Оҳ, кўриб турибман, бепарво, барин,
 Сузим ҳам, ўзим ҳам сенга буткул ёт!..
 Қайтариб булмайди висол дамларин,
 Ула-ўлгунимча аммо қилгум ёд...
 Иккимиз айбдор-у, мен чеккум дардин.
 Шундай экан, сунгги бу тун бемалол
 Кўзимдан, куксимдан тўйиб буса ол!..
 Тонгда мен шурликни олиб кетарлар,
 Узоқ бир қишлоққа тезда элтарлар,
 Пахмоқ соқол мужик ва ғам бўлғай ёр...
 Сен эса бошқага ишқ этгунг изҳор.

108

Қиз йиғлар. Қувғинди бу гузал сўзин
 Сизга айнан айтиб беришим маҳол;
 Муқаддас сузларнинг дилдаги изин
 Вақтнинг ҳалокатли кучи бемалол
 Супуриб кетгуси. Юмгандир кўзин
 Менга бу қиссани сузлаган олам,
 Бундай йўқотиниша йиғламас олам!
 Пайғамбар эмасман, қидирмам имон,
 Гарчи интилса-да қалбим Шарқ томон,
 Авлод-ажлодимиз утган у ерлар
 Ҳозир шароб, чўчқа камёб жой дерлар.

109

Қиз тинганди. Саша дилида ғулу,
 Боса олмас эди узини ҳамон:
 “Ёвуз! Золим!” — янглиғ латиф ва дилжу
 Минглаб сузлар билан уни беомон
 Сукарди, сукарди. Бахтиёр уйқу
 Кузларидан тамом учиб кетганди.
 Йигитни фаҳш уйлар мойил этганди.
 Майин нар тушакда бу сунгги соат
 Бир маза қилишни этганди ният.
 Кайф қилган сингари бушашиб қиз ҳам
 Ёйилиб ётарди, бирдан, ё Эгам!

110

Аллаким бир тепиб юборди очиб
 Дераза-эшиқнинг қуш тавақасин.
 Тунги чироқ хира ёғдусин сочиб,
 Ёритди кимнингдир ориқ гавдасин.
 Гуё уйқусидан тургандай чучиб,
 Тузгин. ялангоёқ, бир куйлак устда,
 Кирди-ю, Сашкага сузлар шу тусда:
 “En bien, monsieur, qui vois — je? — “Ah, c’estvous!”
 “Pourquoi ce bruit? Que faites-vous dane? — “jef (...)!”
 (Кечир, музам) шундай сузларни айтиб,
 Сашка французни чиқарди ҳайдаб.

111

Қиз бечора чиқди ортидан чоғиб,
 Кавказ жайронидай эпчил, бежуръат.
 Иссиқ кафти билан юзини ёғиб...
 Хайр-хуш қилмади, бир боқди фақат.
 Сашка ҳаяжонин босолмас ёғиб:
 “Муҳаббат — балбахтлик, беҳуда бир гап!” —
 Дея шивирларди. Булутни тараб —
 Садаф шуъла билан тонг ҳам оқарди,
 Бу нур азиз меҳмон янглиғ ёқарди.
 Бир маромда ёғиб ҳовлида шу чоқ
 Садо бериб қолди маъюс қунғироқ.

112

Сашка ҳаяжонда ёнарда лов-лов,
 Деразадан қарар: извош турарди.
 Ямшчик ҳам утирди, қулида жилов,
 Кимдир: “Хуш, тайёрми?” — дея сўради.
 “Тайёр”. Сўнг ўтирди. У пайқар дарров:
 Маврушка! Бўйнига рўмолин чулғаб,
 Одатий табассум билан бош ирғаб.
 Извош капасига киради секин.
 Қамчи ҳам бош узра қарсиллар кескин:
 “Жунадик!” Гурсиллаб кучар гилдирак...
 Қўйинг, ўзга дарди бизга не керак?

* “Хуш, тақсир, бу қандай гап?” — “Э, сизмисиз!”
 “Бу нима шовқин? Нима қиялпсиз?” — “Мен (...)!”

113

Ана шундай булиб улгайди Саша.
Энг зарур жойларин айтдим мен сизга...
Отаси билан у қилиб хархаша,
Сукишиб қоларди ва бундан узга
Булиши ҳам қийин — бермагай нашъа
Унга, пасткашлигу сохта илтифот,
Аммо чин қасос-чун ёярди қанот.
Бу ужар феълига урмоқлик жилов
Бенафлигин отаси англади дарров,
Француз, хизматчи уғлига йулдош!
Москвага жунатди тукиб сохта ёш.

114

Уни қабул қилди кампир холаси,
Ҳоким-ди таъбида қатъий бир тартиб.
Дейдилар, севгининг шаддод боласи
Кунидон қўймаган уни қизартиб.
Шундай хонимларданки зуваласи,
Муқаддас никоҳдан қурққани сабаб,
Қатъий ишорага берар экан чап.
Шу боис шубҳада буларкан адо,
Қарта уйинига чорлашгунча то.
Қолган умрин этиб шу тахлит давом,
Қарта, иғво узра қиларкан тамом.

115

Бирор эҳтиёткор, виждонли қарол
Садоқат, итоат кургузиб ҳар гал,
Бекасин ёнига кириб бемалол,
Ётоқхонасига бераркан сайқал;
Яъники хизматкор, оқсоч бир аёл
Урнида иситар экан ҳар ёғин:
Курпасин, ёстиғин, қулин, оёғин...
Яна нелар булар тун ичра содир,
Шайтон ҳам билмоққа эмасдир қодир.
Қанийди, бир карра булиб у гувоҳ,
Кампирнинг ухлашин курса бегуноҳ.

116

Янги пансионга берилди бебош,
 Бунда урганди у хулқу одобни.
 Дастлаб китобларга мафтун булган бош,
 Нафрат-ла тарк этди сўнгра китобни.
 У кўрди, дўстлик ҳам таъзимга ўхшаш
 Мужмал бир нарсадир; ювошлар купроқ
 Зериктирар сени, булолмас уртоқ,
 Ақли бори — эрмак бўлади сал-пал
 Мингта меҳрибондан битта шўх афзал.
 Шу сабаб душмани ошиб тобора,
 Бир ойда кўзтага етди ошкора.

117

Ва улар суратин рангдор буялган
 Қўша саҳифада дафтарга солиб,
 Безаб, қулфлаб, шоҳи билан уралган
 Ҳолда ўз ёнида юрарли олиб,
 Авайлаб эҳтиёт қилгани-қилган.
 Севар, нодўстларин жамики пинҳон
 Фаразин суз билан этмоқни яқсон.
 Севар, лол этмоқни қўққисдан ёвин,
 Дуқларга истехзо булар жавоби.
 Ё бир нодон, бефаҳм турқин олганча
 Лақиллатар эди уларни анча.

118

Тезда пансиондан у чиқиб кетди,
 Жонига текканди “алиф”лар, “бо”лар.
 Талабаликка у ўзин бахш этди,
 Фан уйига мағрур у кириб борар.
 Эй муқаддас маскан! Туш каби энди
 Эслайман кафедранг, йулагинг, залинг,
 Шогирдлар баҳсига тулган маҳалинг.
 Уларнинг баҳсида: олам ва Олло,
 Ром чой билан созми ё чойсиз авло?
 Такаббур ҳокимлар қошида мағрур
 Юриш-туришлари ҳамон кўринур.

119

Соат нақ саккизга урганида бонг,
 Олим оломонга куча туларди.
 Кими китоб узра кутган бўлса тонг,
 Кими балчиқда маст ётган бўларди.
 Лекин осуда, тинч ҳамма дарс томон
 Оқар... Профессор кирарди узун,
 Беҳуда бўлса-да, қиларди таъзим,
 Сўнг китобни очар, ўқир... тўполон...
 Жонга тегиб, чиқиб кетарди шу он.
 Сашкага бу ҳаёт жаннатдан маъқул,
 Бу дўзаҳни жуда қурарди мақбул.

120

Биз ташлаб утамиз роса икки йил...
 Сал битмай турса ҳам, майли, достоним,
 Ўқувчи биларки, қиялпман ҳазил,
 Шу сабаб ҳалолу покдир вижлоним.
 Гарчи, тан олайн, жуда кўп, ҳар хил
 Ажиб тарихларни ташлаб бораман,
 Пайт етиб, бу маънос лавҳаларни ман
 Қисқартиб, олдинга шошиб югурмай,
 Кичик бир қўламда мен гирдоб урмай,
 Сашкамиз кечирган бекору бенаф
 Йилларга фикрингиз боргум етаклаб...

121

Энди қаҳрамонни уйғотсак арзир,
 Тўғрилаб олишсин кийим-кечагин.
 Эслайсизми, Тирза ҳаловат-ҳузур
 Кўйнида ўтказмоқ бўлиб кечани
 Ширин ухлаганди? Қаламим ҳозир
 Шундай кетяптики, тутиб бўлмас ҳеч,
 Балки шу сабабдан қиз уйғонди кеч...
 Тўзгиган сочларин орқага солиб,
 Усти-боншига ҳам бир қараб олиб,
 Уйқули куз билан қилди табассум,
 Сўнгра эснаб олди узоқ ва маъсум.

122

Роса эзилганди, утли ва қайноқ
 Бўса оқ сийнага солганди изин.
 Сочини турмаклаб, қистириб тароқ,
 Шошар апил-танил ювмоққа юзин;
 Сунгра ич қуйлагин счар-да, ошпоқ,
 Момиқ, майин танин юва бошлайди,
 Ювган сари тани-жони яшнайти.
 Яна олма мисол тарангу хушру,
 Халатин елкага илганича у.
 Порлаб нимяланғоч бир сурат, тусда,
 Сашканинг ёнига келали аста.

123

Уриндиқ юзига утириб, юзи
 Танига сув сочар, сув мунча совуқ!
 Уйқудан йиғитнинг очилиб кузи,
 Кўрарки, уй ичи тамоман ёруғ,
 Демак, турмоқ керак. Қишнинг кундузи
 Шуъла сочар. Ойна кумуш гул тақмиш,
 Хонага зарра нур тулганиб оқмиш
 Чанаю туёқлар оғир кучидан
 Янги қор гичирлаб турар кўчада.
 Ғашимни келтириб ҳар галги каби
 Шаҳарда қўнғироқ янграб асабий.

124

Нақадар ажойиб бу кун, бу олам!
 Кўк саҳни ложувард! Сашам туриб, тез
 Кийинар ва боғлар галстугин ҳам,
 Жингалак сочларда қолдирилмас из
 Ҳаяжонга тўла тунги у ҳарам.
 Фақат кўз остида кўк доираси
 Фош этиб турарди... гапнинг сираси.
 Уртада қолсин-ку, қусур эмас бу.
 Бу ҳол хонимларда ҳам учрайди-ку —
 “Хотинлар — фаришта”, дея мен ҳарчанд,
 Бошимни гаровга қўйсам-да гарчанд.

125

Хонасидан чиқиб бизнинг қаҳрамон
 Узун каридордан тинч қадам ташлар.
 Катеринага кузи тушгани ҳамон
 Совуқ нигоҳ билан жим саломлашар,
 Секин ўтиб кетар. Бошқа бир ошён,
 Бошқа бир хонада хурракни отиб,
 Бурканиб олганча, юз тубан ётиб,
 Параша ухларди каравотида.
 Планчини кийиб чиқди. Ортидан
 Ваъдани унутма дегандай, шитоб
 Эшитилар эди турлича хитоб:

126

Яъники қадрдон Тирзаси учун
 Янгича усти-бош, безағу либос...
 Тайёр қилсин эмиш. Чиқарсам учин,
 Сашка бу гаплардан шодлангани рост.
 Хилма-хил безанган рангдор зал ичин
 Жалб этгайми экан бундай маскарад?
 Юпатиб яҳудий қизни, масхара
 Қилмоқчи тудлага боққанча мағрур,
 Адабларинг бериб қуйса на булур?
 На аҳмоқлар ҳукми, на кампир макри,
 Полькаю кадриллар беролмас дакки!

127

Саша уйда. Хола ёнига шу он
 Кириб апил-тапил упар қўлини.
 “Не билан тугади кечаги бостон!?”
 Менга берсалар ҳам дунё пулини,
 Кунмасдим бунақа уйинга, ростдан.
 Тишингиз тузукми? Фиделка қалай?
 Камнамороқ булиб қолди ҳар қалай.
 Бизнинг бу киборча туриш ва турмуш
 Келмай қолдимикан бу хонимга хуш?
 Айтгандай, холажон, шу кеча-кундуз
 Ерга урилармиш қандайдир юлдуз?..

* *Бостон* — қарта уйини.

128

Хайр, майли, Кузнецкда янги магазин
 Очилди, бир борсак буларди дуруст.
 У ерда ишлайди хонимча Aline,
 Жаноб, Dupre, Duranb асил француз,
 Ҳозир у савдогар, асли дворянин;
 Armand хоним билан серноз ва айёр
 Faneaux хоним деган қора қиз ҳам бор.
 Қошида ёш-яланг йигит урар чарх.
 Аммо мен барига боқаман бепарқ,
 Бир муҳим сабабдан синиб қанотим,
 Оддий томошабин буламан доим.

129

Сабабки, “Ҳамёним буш қолди, хола,
 Худди французнинг калласи каби.
 Ақлимни йигаман энди бир йўла,
 Енгил-елпиликнинг йўқ экан нафи!” —
 Сохта ўкинч ила, надомат ила,
 Уҳ гортиб, бошини эгди холага
 Ва найранг иш берди, охир, болага.
 Сандиқчасин хола очиб қолади,
 Сандиқча тубига қулин солади,
 Олади уч дона шалдироқ қоғоз...
 Сапанинг юраги ёришар бироз.

130

Сўнгра у йўл олди хонаси томон,
 Эшиги олдида турар тик қараб
 Олифта кийинган, салласи алвон,
 Садоқатли қули — хизматқор араб.
 Юзи лок қоплаган қурч-чуянсимон,
 Арпа ёрмасидай оппоқ тишлари.
 Дадил кўзларининг ўт боқишлари, —
 Бирор сўз айтаркан, қулар экан у, —
 Юракка соларди даҳшат ва қўрқув.
 Гоҳо телбанамо димоғ сезилар
 Унинг овозида, — дейди баъзилар.

131

Саша купдан иноқ эди у билан,
 Фалати иттифоқ тузишган улар.
 Сухбаглари ухшар сир-уйқу билан:
 Икковлон уғридай баъзила тунлар
 Йўқолиб қоларди. Фаҳм-туйғу билан
 Зийнатланган эди бизнинг у ошно,
 Шарқийча сўзларга ошиғу шайдо.
 Шу сабаб қаролин лақаби “Зафар”,
 Изидан қолмасдан юрар ҳар сафар,
 Бамисли бир руҳдай сим-сиёҳ эди,
 Хунук афтга барча маҳлиё эди.

132

Зафар бир дам тинглар Сашканинг сўзин.
 Жингала бошини ирғар қора қул.
 Силовсин кўзидай ярқ этиб кузи,
 Сунг пулни оқ кўлдан олар қора кўл
 Ва эшик олдида турганча, узин
 Тилида, ёт тилда гўлдиради у,
 Зафарни қандайдир оташли туйғу
 Жонлантирган эди. Саша согога
 Тирсак-ла суяниб, уй сурган ҳолда,
 Секин қулоқ солар араб сўзига,
 Бақрайиб боққанча икки кузига.

133

Қулин силкиб қуйди ниҳоят Сашка,
 Соядай йўқолди куздан хизматкор.
 Қув ва мағрур Зафар сув ва оташга
 Узин уриш учун ҳар доим тийёр,
 Урганган эди у шундай яшашга:
 Мефистофель янглиғ сўзсиз, совуққон,
 Неки буюрилса — яхшими-ёмон —
 Тез ва итоаткор адо қиларди,
 Хўжа фармонини қонун биларди.
 Сезар, бу дунёда бир Саша фақат
 Уни ўйлар, қилар меҳр ва шафқат.

134

Аммо утмиш булган у бир замони,
 Узоқ Гвинея наҳрин буйида
 Буларди кулбаси, хотини, дони,
 Қип-қизил маржонлар порлар буйнида
 Шода-шода булиб ва хоналони
 Бахтли оилалар ичида мумтоз!..
 Муқаддас саҳрони энди кўрмас, рост.
 Унда булутгача усар хурмолар,
 Салафдай купириб оқар дарёлар,
 Бусалар куйдирар, санчилар кузлар,
 Тунда қаро тушли булади қизлар!

135

Эрку ватан бари худди хотирот,
 Узоқ туман ичра йўқолди мангу.
 Темир кишанларда куз очди, ҳайҳот.
 Ёрқин шаҳарларга хос шовқин-ғулу
 Ёввойи бу қалбга буткул эди ёт.
 Қалди роқ зарбидан узилган булут
 Шу тахлит самода булганча унут,
 Қуёшдан, оламдан, шовқиндан айру,
 Қаёнга боришин билмай тенгир у.
 Умум шодлигидан ажралиб қолар,
 Хумрайиб, дарага кириб йўқолар.

136

Қандай соз, ғуж бўлиб қуюқ булутлар
 Тоғ узра ғалаён қилишган маҳал.
 Пулат қубба қалпоқ устида укпар
 Мисоли тебраниб туришар! Зарҳал
 Либос кийиб, сокин карвондай утар,
 Гулдирак, чақиндан хабардор этиб,
 Сунгра туманларга қўшилиб кетиб.
 Худдики илонлар тудаси мисол,
 Қоя-қояларда мудрашар беҳол.
 Вақт етиб, шамоллар уларни ҳар ён
 Қувлайди. Ким билар: “Қаёққа, қаён?”

Ва қолмас оламда улардан бир из
 Шоирнинг умидсиз севгиси янглиғ,
 Ёки дўстларга ҳам ноаён, азиз,
 Айтилмаган уйи, орзуси янглиғ.
 Сен ҳам, эй, ҳаёти бир учар юлдуз
 Каби орамиздан утиб кетган зот,
 Дардингни сўз билан этолмассан ёд”,
 Сўқротдай ғаразлар заҳрини кулиб
 Ичмоқ истамадинг муғомбир булиб;
 Сиру асрорингни нодон оломон
 Пайқай олмай ўлдинг... тилайман имон!

Суюқларинг гурда тинч бўлсин! Улар
 Чириб борар ҳарбий либосда нуқул...
 Тору зулмат маскан-манзилинг булар,
 Навбатсиз соқчидай унутсан буткул.
 Нима ҳам қилардинг? — Кут, балки келар
 Утмиш дўстларингдан бири ёнингга,
 Ёримиз оғушлар навқиронига
 Ошиқдир... Жавоб бер менга, эй шоир,
 Қаён даф булдинг сен? Бошингда ҳозир
 Нечук гулчамбар бор? Ва ҳали-ҳамон
 Бизни севаганими, умидвор инсон?

Сизлар ҳам, сизлар ҳам неча-неча бор,
 Мен қадаҳ узатган ошно-ёроилар,
 Ёш-ёш умрингизни не этди абгор,
 Суриб кетди сизни қандай буронлар?
 Мен бунда ёлғизман. Меҳробимга ёр
 Муқаддас ўт сўнди. Шараф орзуси
 Шарпадай йуқолди. Ҳақ чиқдингиз сиз:
 Тугилибман дўстлик, базм учун, лекин
 Хаёлларим билан дарвешдай эркин.
 Эманзор, даралар, эрк фарзандиман.
 Инсиз бир кучманчи қуш монандиман.

Яхши иш учун жон берардим аввал,
 Аммо эвазига кўрдим мен нафрат,
 Куп қусуру, иллат-ла кўргузиб амал,
 Аччиқ лаззатлардан тўйдим мен беҳал.
 Сўнг босган йўлимга куз солган маҳал:
 Ўтмиш кўнларимнинг сулим, ярқироқ
 Суратидан ҳайдаб нурли ранг, бўёқ,
 Ниқоб кийдим ва сўнг қаҳқаҳа солиб,
 Овсарлар иғвосин босдим мен ғолиб.
 Уч олдим, истехзо билан чилпора
 Этиб, мангуликка қилдим ишора.

Мангулик, мангулик! Ердан ташқари
 У олам уфқида не топармиз биз?
 Ҳудудсиз муҳитдай даҳшат манзара:
 Билмас асрлар ҳам ном, саноқ ҳаргиз;
 Юлдузлар изғишар минг-миллион зарра,
 Барча мавжудотдан ақл яралган,
 Ўсимлик, ҳайвонни ошаб, яйраган
 Табиатнинг мағрур ҳокими одам
 Бу соқов оқимга ирғитилган дам
 Нима қилар экан? Онт ичгум шунга,
 Ўзи ҳам жуда куп ушар маймунга.

О. пуч уринишлар! Салкам бир тангри
 Ҳисобланган сизнинг қудратли инсон
 Санъат билан еру денгизнинг барин
 Ишғол қила олган бўлса-да, бенон
 Уч кўн яшай олмас. Бас, бу сарсари
 Ўйлар — васвасаси шайтоннинг, ахир,
 Худосиз асрдир — бизнинг бу аср.
 Бирор жосус англаб бу сузимни гар
 Жар солса, чуқиниш кўп мушкул булар.
 Унда бир мунофиқ булиб муҳаққақ,
 Ишонган нарсангдан кулишинг ҳам ҳақ.

143

Хушбахтдир, саодат, муҳаббат, осмон,
 Валий, набийларга ишонган киши.
 Ер узра у узоқ яшайди омон,
 Дарс булар авлодга ҳаёти, иши.
 Мағрур ўйларини мағрур оломон
 Қошида тизгинлай олган бахтиёр.
 Хушбахтдир, арғувон лаблар, беғубор,
 Олмосдай кўзлардан баҳр олмай токим
 Оғир туноҳларин юва олса ким!
 Хушбахтдир, бировлар кибрини курса,
 Бошини эгмасдан ким мағрур турса!

144

Хушбахтдир, ким қуюқ ўрмонлар аро
 Дуркун ва ёввойи ёш терак мисол,
 Яшил барглар шовқин солган, дилоро.
 Соя-салқин жойда усса баркамол.
 Юксақдан қуйилган булоқ — фаввора
 Пастлаги тошларга бағишлаб юз ранг,
 Сачраб, ярқиллайди ва берар жаранг.
 Ҳу, тепада унган асрий бир қайин
 Кеча зулматланиб келгани сайин,
 Муъжиза руҳ каби сирли куринар.
 Гоҳ-гоҳ узоқда шох қирсиллаб синар.

145

Хушбахтдир, ким яйдоқ чўллар кўксида
 Усибди ёввойи уюрлар ичра;
 Чаққон, илдам, чайир отлар устида
 Елдай уча билса, гуё зар, нуқра
 Булутлар беғубор ёшлик кўкида
 Тепамиздан чопиб ўтгандай. Боннин
 Ёлга тираганча, саҳролар ошиб
 Девсимон югурса, янгроқ туёқлар
 Ерга урилганда сачраб тупроқлар,
 Олдинга интилса учқур отида,
 Беқиёс тезликнинг ҳур қанотида.

Хушбахтдир!.. Юраги соф, тиниқ садо,
 Нафосатга доим булажак тула,
 Орзу майин ичиб этолмас адо,
 Жингала сочлари недир оқ тола
 Талай вақтгача билмагай асло;
 Йигирма ёшида нимаyki орзу
 Этса, узоқ уйлаб угирмайди у.
 Утгиз ёшларида юртини ташлаб
 Кетмас, қайғу билан кюзини ёшлаб.
 Журъат этмас фақат зериккан чоғи
 Қулин сиёҳ этиб, шеър ёзмоқни.

Ёки мол сиёғли улыб ишламас
 Зодагон сафида, қулдай эзилиб,
 Мунофиқликни ҳеч қалби хушламас,
 Мансаб деб таънадан юрмас эгилиб.
 Ёки немисларга таъзим пешламас...
 Немис славяндан не билан афзал?
 Балки қайга отса тақдири азал
 Ватану картошка топгани созми,
 Шуниси билан ё у сарафрозми?
 Қаранг, ноқобилу ҳукм юргизар,
 Пулингиз нақд булса, хизмат кўргазар.
 Узи-чи, барчани аёвсиз эзар,
 Ўзин урсанг, на хафа булар, на безар.

Қизиқ қабила: ҳар иблиси барон!
 Ҳар бир этикдузи — бир профессор!
 Курсисига утириб олгани ҳамон
 Ҳайиқмай, ошқора гап сотиншин кўр!
 Бақирар, чақирар... Бизнинг бу осмон
 Тагида унмаган... нима ҳам дерлик,
 Бизнинг азиз чуллар оддий бир ерлек
 Кузига қуринлар шарафсиз, сонсиз,
 Лоқайд кўзлар билан боқар ишпончсиз.
 Асрлар даҳшатин кўролмас унда,
 Улар унутилиб кетган тўлқинда.

Ким бу сўзларимдан булса норизо,
 Журналхонага ҳам арз этсин. майли:
 Сўзин таслиқ этсин ноширу ошно,
 Майлига, бу ёвуз игво туфайли
 Менга лаънатнома қилсалар иншо!..
 Тугатдим... сунг бет ҳам бўлди саришта,
 Чироқ учар... ниҳоя борлир ҳар ишда:
 Урушлар, буронлар, напалеонларга,
 Ҳатто сабр-тоқат... шеър-достонларга.
 Шеърим кўпдан буён бермасли жаранг,
 Шунча гап айтворди қаламим, қаранг!..

“Сашка” шеърый роман тарзида ёзилган асар бўлиб, шоирнинг ўз замондошлари ҳис-туйғулари, уларнинг ахлоқий интилишларини акс эттиради. Пушкиннинг “Евгений Онегин”и таъсири унда яққол кўриниб туради. Тадқиқотчилар асар ёзилган вақтнинг 1836 ёки 1839 йил деб белгилайдилар. Бу борада ҳали аниқ фикрга келинмаган. “Сашка”ни баъзи олимлар тугалланган асар деб ҳисобласалар, баъзилари шоир асарнинг иккинчи қисмини ҳам ёзишни мўлжаллаган дейдилар (*Таржимон*).

ЗАМОНЛАР ҚАЪРИДАН
КЕЛУР САНЪАТИМ, У
МЕНИНГ БАХТИМДИР,
ДАРДУ ҲАЙРАТИМ

МЕНИНГ ОППОҚ КАБУТАРЛАРИМ

(Икки парда, уч кўринишли комедия)

Қатнашадилар:

Қизлар:

Барчин — Қаршидан.
Анорхон — Андижондан.
Ойбика — Хоразмдан.
Зумрад — Тошкентдан.
Ҳасстхон — Намангандан.
Бахшанда — Бухородан.

Йигитлар:

Бахшулло — Бухородан.
Ҳафизхон — Намангандан.
Валижон — Қаршидан.
Итолмасов — хужалик бошлиғи.
Комиссия раҳбари ва аъзолари, телемуҳбирлар.

Асарга атоқли бастакор Икром Акбаров мусиқа ёзган. 1991 йилда Муқимий номидаги ўзбек мусиқали театрида саҳнага қуйилган. Комедияда пахта яккаҳокимлиги даври воқелиги бир неча қизу йигитлар тақдири орқали кўрсатилади.

БИРИНЧИ ПАРДА

Биринчи куришин

Саҳна очиқ. Ним қоронги. Томоша бошланишига вақт бор. Пуфайка, кирза этик кийган бир неча қ и з, худди саҳна ишчиларига ўхшаб, аллақандай юк-қопларни у ёқдан-бу ёққа ташиб, эшик-ромларни аргиб-бўяб, миҳ қоқиб, учоқ бошини тозалаб, радиони бураб, ҳар ким ҳар хил иш билан банд бўлиб, куймаланиб юрибди. Томошабин уларни саҳнани беэъётган ишчилар деб ўйлаши мумкин. Чироқ ёниб, музика чалингандагина, қ и з л а р ҳақиқий воқеани бошлайдилар.

О й б и к а. Ваҳ-ваҳ-ваҳ, турқи-тароватингни қара, жулдурвоқининг узи!

А н о р. Узинг-чи, узинг? Подизнинг қуриқчисига ухшайсан.

Б а р ч и н. Шу туришингни кўрган эркак, улай агар, бола ташлайди.

Ҳ а ё т. “Пуф” деса, башарангдан бир қоп чанг ёғади-ю, тилинг бир қарич.

А н о р. Тилю — тупроқнинг ичилаям тилю!

О й б и к а. Ҳайт, отдан тунсалар ҳам, эгардан тушмайдилар.

Б а р ч и н (*бақириб*). Бас қил-э! Нарвонни суришиб юбор, Зумрад!

З у м р а д. Чекингга тушдими? Қилавер. Кечаси билан жигарим санчиб-санчиб огриди.

О й б и к а. Ўтиб кетади. Ёқмаган нарса егандирсан.

А н о р. Ўғитни ташимасанг булар экан, улиб кетсин.

Ҳ а ё т. Кечасиям илгариб чиқдинг, уртоқжон. Духтирга куринишинг керак.

З у м р а д. Духтирни пишириб кўнибдими, шу бийдай қип-қизил дантда.

А н о р. Қозон бошига бир челақ сув. Ҳаётхон!

Ҳ а ё т. У ёқдан-бу ёққа югураверсам, усмани ким сиқали!

О й б и к а (*микрофонга пуф-пуфлаб хит булади*). Ул,овозинг чиқмай!

Ҳ а ё т (*тушунмай*). Нега қарғайсан?

О й б и к а. Нимангни қарғайман. Манови улғир ишламаяпти.

А н о р. Сув деяпман, каркулоқлар! Комиссия дегани ўзи бўладими, унияма оғзи бор, қулоғи бор. Ейман дейди, ичаман дейди.

Б а р ч и н. Комиссияга бало борми! Бугун — озодалик куни. Ўзимиз бир маза қилайлик-а, қизлар.

З у м р а д. Қайси бир ишни расвойи радди қиламан десанг, комиссия туз деган экан битта каллалик одам.

Ҳ а ё т. Илло-билло! Бугун ўзимизнинг уз режамиз бор.

А н о р. Сув деяпман! Ҳаёт!

Ҳ а ё т. Бу ер Намангонимидики, сувлар шарақлаб ётган бўлса-ю, идишларингни гулдириб-туллириб ташлайверсам. (*Ярим челақ сувни зарда билан қозон бошига “тақ” этиб қўяди*).

А н о р. Зардангдан ўргилиб кетдим. Намангонингни тушда кўрасан. Бурнингни жийирма. Келишсан олдин уйлаш керак эди, чамалон кутариб чопмасдан.

Ҳ а ё т. Вай-вай-вай, чамалон кутариб чопибманми? Ўзинг-ку: “ундоқ қиладурмиз, мундоқ қиладурмиз, қийинчиликларни мардонавор енгиб ўтамиз!” — деб оламга жар солиб, телевизорни бошига кийиб олган. Ёлкангда пуфайка, оёғингда кирза этик... енгаяпсан. Томчи сув — анқоннинг уруғи.

Б а р ч и н. Ёнбошгинангда Амударё! Яна нима керак?

О й б и к а. Ҳаммаси бўлади, қақиллайверманглар. (*Ганни чалигитиб*) Мана қасри олиймизгаям жон кириб борапти. Чудда сузиб кетаётган кемага ўхшайди-я, жонивор. Ҳайт!

З у м р а д. Кампирнинг тобутига ўхшамай улсин. Бир гала эркакнинг ел... елкасида лопиллаб кетаётганга ўхшайди...

А н о р. Нафасингни иссиқ қил-э. Ҳар ҳолда, янги рўзғормиз. Жужабирдай жон.

Ҳ а ё т. Рўзғорликка рўзғормиз-у, лекин “кишт” дейишга говугимиз, “пишт” дейишга мишигимиз йуқ.

З у м р а д. Вой, уят гапларни гапирма. Мушук ле.

О й б и к а. Бахшанда бўлса “пишак” лерди. (*Кулишади*).

Отини эшитган Б а х ш а н д а қизларга яқинлашади. Боши-сочи оппоқ қатиқ.

Б а х ш а н д а. Ҳай, яна нима иғво. Уyesi бузилган аридай бунча гувиллайсанлар. Иби-иби, нима бало, ҳаммаёқни буяб ташлопсан-ку. Турмушга чиқайтикон булдингни бирортанг?

А н о р. Ўзинг ҳам бету бошингни оқлаб ташлабсан-ку, бир гапинг борга ўхшайди.

Бахшанда. Ҳафтада бир бош ювсам, гапми?

Зумрад. Балиқ бун кет-эй (*кулишади*). Битта латифа айтайми, қизлар...

Четдан. қизларга билдирмай Бахшулло куринади.

Бахшулло (*шивирлаб*). Бахшанда! Бахшандажон! Бу ёққа келинг, жоним, зарил гапим бор эди.

Бахшанда (*шод, лекин эҳтиёткорона*). Лаббай. Шу аҳволимга-я.

Бахшулло (*бутун вужуди билан талпиниб, бағрига босмоқчи*). Улайтикон булдим-ку, кечалари юлдуз санаб. Золим экансиз. Битта муччи... иттимос.

Бахшанда. Сабр. Сабрнинг таги олтин.

Бахшулло. Ургилиб кетдим-э олтинингиздан. Эргашиб келаверибман-да бу ёғини уйламай.

Бахшанда (*кулиб*). Куни кетиб, ози қолибдур.

Бахшулло. Раҳм қил, айланай. Улдирма, жоним. Қорангни қуришга зорман.

Бахшанда. Чидаганга чиқарган. Соғинсангиз, қадрим ошади.

Бахшулло. Қадринг шундоғам баланд ўзи... Мановини ол. Кеча марказга туниган эдим. Беш метр... тоза атлас... ол (*бағрига босмоқчи булади*).

Бахшанда. Вой, уятсиз, қизлар кўрса, нима дейди?

Бахшулло. Деса-десин. Шармандаликни буйинимга олмасам булмайди энди.

Бахшанда. Ана ҳолос, уят булади-я (*кетеди*).

Бахшулло. Тухтанг, тухтанг деяпман, зарил гапим бор.

Бахшанда қулини силкиб, кулиб, қизлар ёнига боради.

Ойбика (*қизлар кулгисини босиб*). Латифанг қуриб кетсин-э, ишдан қолдириясан. Бугун — озодалик куни... Фақат қорним очди, бир пиёладан чой ичиб олайлик. Комнессия келсаям, уялмаймиз.

Анор. Чойдан гапирма... Битта угил болача ош сймиз бугун. Фақат кечқурунга тайёр булади. Зирвасини етилтириб қўяман.

Зумрад. Анжанча ош! Ҳар бир гуручи сайрайди, ўзинг айтмоқчи.

А н о р (*капгирни ўйнаб*). Сайраганда қандоқ! Барчинга ўхшаб биринжни пишириб, устига сабзи босиб келмайман, отини палов деб.

О й б и к а. Ош қиламан деб... шулла қилиб қуйма.

А н о р. Шулла Хоразмда булади.

З у м р а д. Ошнинг зури Тошкентда! Тўйники — бир булак, уйники — бир бошқа. Самоварники — одамнинг жони! Еган одам жаннатга кириб чиқади.

Б а р ч и н. Олиб қоч! Қаршининг думба паловини емабсан, дунёга келмабсан!

Қ и з л а р т р и о с и

А н о р:

Андижонга бор, агар ош истасанг,
Ластахон устинда қуёш истасанг.
Ҳар гуручким, сайрагай булбул булиб,
Еб уни, дарё булиб тош, истасанг.
Жисми жонинг ичра офтоб мавж урар,
Ҳам ато этгай неча ёш, истасанг.

З у м р а д:

Дунёда энг зур палов Тошкентдадир,
Дунёга машҳур палов Тошкентдадир.
Тўйники бир бошқа-ю уй-бир булак,
Дона-дона дур палов Тошкентдадир.
Таърифин ким билмагай чойхонанинг,
Қази-қарта, палов Тошкентдадир.

Б а р ч и н:

Гап билмаган бас қилади,
Билганга ҳавас қилади.
Думба палов Қаршида -ку,
Ҳиди узи маст қилади.
Қоп-қора қучқорни суйиб,
Уртага кук чойни қуйиб,
Ким емаса туйиб-туйиб,
Уз жонига қасд қилади.

З у м р а д (*ўзича қотиб-қотиб кулиб*). Гўнгини қозонга босиб, қайнатиб-қайнатиб, отини шурва деб ичаверишди булар... Хафа булма, дугонажон.

Б а х ш а н д а. Сафсаталарингни эшитиб, бошимдаги қатғим қуриб қолди. Ҳалақит берманглар менга (*яна бош ювгани кетади*).

О й б и к а. Уф, чарчадим... Акам монтер эди, қўлига қараб, унча-мунча ақтим етувди... лекин дим қийин экан, манглайи қора.

З у м р а д. Утирасанми ўзингни қийнаб... Ҳу, нариги далада думбиллаб юрган йигитлардан биттасини чақириб, “акам буласиз”, деб элансанг, ишингни битказди-қўяди.

О й б и к а. Аскиянгдан ўргилдим, эланадиган аҳмоқ йуқ.

Б а р ч и н. Барибир йигитларсиз ишимиз битмайди... қизларжон.

Ҳ а ё т. Битмайди... қийин, албатта... Шундай у-тибб кетамизми ҳали... дунёдан?

А н о р. Ким билади дейсан.

О й б и к а. Ётавер-чи ҳамманг, келди ўзи, от уйнатиб... қилич ялангочлаб.

Ҳ а ё т. Келса, арзимабмизми?

О й б и к а. Нимангга келди?... Чангингни қоқармиди?

Ҳ а ё т. Даланинг упаси шунақа. Чидаганга чиқарган.

З у м р а д. Барчин! Чалоб! Юрагим куйиб кетвотти!

Б а р ч и н. Ҳали жигаримдан урди, дейсан, ҳали юрагим куйвотти, дейсан. Тайнинг борми ўзи?

З у м р а д. Ҳар ким ўзидан ўтганини ўзи билади... Кайфиятни бузмайлик. Ким нима билан банд эди? Нера анграйиб қолдинг, Ойбика?

А н о р. Рейимжонни уйлаб қолди-ёв. Бирдан эсига тушиб кетади. Уям кела қолмайди.

О й б и к а (*уйланиб*). Кўз олдимда шундайгина турибди бечорам, мултайиб, манглайи қора. (*Эслаб*) Олдинига уйланиб қолди... хаёл сурди... лекин юраги узилиб кетгандай булди, назаримда. Кузидаги ёшдан билдим. Хивалаги гилам фабрикасида ишлар эдик-да, бирга. Тоғасиннинг бойвучча қизига уйлантирадиган бўлибди ота-онаси. Уша етимхонадан чиққан суюгоёқ қизни десанг, оқ қиламиз дейишибди. Сенга топилгани менга ҳам топилар, деб аччиқ устида ҳайё-ҳайт жунадим-вордим.

Ҳ а ё т. Қанақа йигит эканки, йиғлаб-йиғлаб қолса бола пақир.

О й б и к а. Дунёнинг ишлари шунақа, оғайни. Тошкенту Москвадаги икки-уч фестивалда қатнашиб келганим учун, суюгоёқ бўлиб қолган эмишман.

З у м р а д. Хафа булма, айланай, хафа булма.

А н о р. Бўлли-е. Йигиштиринглар ортиқча гап-сузни. Хафа бўлмайди Ойбика. (*Зумрадга.*) У сен йиғлаб-йиғлаб юрадиган бир бевафонинг дастидан, жигарингдан уриб.

З у м р а д. Дардимни тушунмасанг, нима қиласан, ойимқиз. (*Кузига ёш олади*) Ҳали угит ташийман деб баттар бўлдим.

А н о р. Кечир, айланай, кечир. Бу имиллашда улгуриб бўлмайди-ла. Зумраджон. Ниманинг нима булишини ҳисоб-китоб қилиб бўлдингми, ишқилиб?

З у м р а д (*кўз ёшини артиб, хаёлан бир-бир санайди*). У бўлди... анови бўлди... Костюм тайёр... бир даста гул... иссиқ нон, албатта... фақат конфет чатоқ ... Шампан-чи?

Б а р ч и н. Бор. Шампансиз булар эканми.

О й б и к а. Катталарга хабар қилмаймизми?

А н о р. Куйсанг-чи, катта-патангни, ўзимиз... Бир яйрайлик, мажлис қилмай.

З у м р а д. Мажлис деганингга битта латифа айтиб берайми. Анор?

А н о р. Зуридан айт.

З у м р а д. Бир идора бошлиғи буларкан. Ишдан кейин ҳаммани олиб қолиб, алламаҳалгача мажлис ўтказиб, ҳар куни бирор масалани кўндаланг қилиб, ваъз айтавераркан-айтавераркан... Шунақа мажлислардан бирида бола тарбиясидан вайсайверса, бир аёл урнидан шарт туриб кета бошлабди. Бошлиқ бақирибди: “Шундоқ муҳим гапни ташлаб, қаёққа кетяпсан?!” “Э-э, бунақа мажлисбозликда боланинг узи қачон булади. Эримнинг ёнига!” — деб жавоб қилган экан аёл.

Кулишади. Боши чала ювилган Бахшанда яна қизларга яқинлашади.

Б а х ш а н д а. Кушда тиним бор, сенларда тиним йўқ-а. Нима бало, ишларинг битмай ўлди. Иби-ибни, ҳали гапирасизлар, ҳали гапирасизлар, жағ-жағ-жағ-жағ...

Ҳ а ё т. Обке қошингни, айланай, битта ўсма қўяй, янаям очилиб кетасан. “Сурмадин кўзлар қаро, қўллар хинолин доларанг. Ҳозадин юзларда тобу ўсмалин қошлар гаранг”.

Б а х ш а н д а (*эриб*). Вой, тилингдан... Туққан ачангдан ўрғилай.

О й б и к а (*бирдан хурсанд*). Ҳайрият, микрофон ишлаб кетди. Пуф-пуф-пуф... алло-аллю... Беш... тург... уч... икки... бир... Урра!

(Радиога тақлидан) Диққат! Диққат! Эшиттиришимизни бошлаймиз. Жумҳуриятимизнинг олти тупкасидан тупланган олти нафар тоғни урса, талқон қиладиган... ойпарча қизлар... Об-ҳаво қийинчиликларини мардонавор енгиб... жавлон уриб... Мапа, бир ярим йилки...

Муסיқа.

Қ и з л а р қўшиғи

Олтовлон ола бўлса,
Оғзидагин олдирар.
Дўст булса, вола булса,
Дунёни лол қолдирар.

Зумрад, Ҳаёт, Ойбика,
Бахшанда, Барчин, Анор.
Анорхон - бизга бека,
Ҳаммамизга у сардор.

Дўстлармиз, қадрдонмиз,
Бир-бировга арканда.
Сенга фидоин жонмиз,
Бахшандамиз, Бахшанда!

Ҳаётсиз булмас Ҳаёт,
Барчиннинг ўзи дoston.
Маҳкам булса эътиқод,
Мушкуллар бўлур осон!

Зумрад товлан, кулиб боқ,
Ҳазинасан, гавҳарсан.
Жонажон, доно ўртоқ,
Сен ҳам бизга сарварсан!

О й б и к а (*давом этиб*). Демак, ойпарча қизлар...

З у м р а д. Ойпарча... деганинг нимаси? Ойбика деявер-да.

О й б и к а. Куз тегмасин дейман. Гапнинг белига тепма. (*Давом этиб*) Олти нафар тоғни урса, талқон қиладиган, ана бор, Ойбика қизлар Қарши чулининг қоқ белида битта бригада тузиб... бош ювиб, ўсма сиқиб, ош дамлаб маза қилиб ёғишибди.

Кулишади.

А н о р. Бас қил-е, дунё эшитали.
О й б и к а. Эшитсин, ҳавас қилсин.

Қ и з л а р к в а р т е т и

О й б и к а:

Момиқ Хива гиламларим
Чулга андоза булсин.
Гунча ёзиб тилакларим,
Юртга овоза булсин.

З у м р а д:

Анҳор суви равон-равон,
Дил яйратар шамоли.
Кулсин чулда алвон-алвон,
Тошкентимнинг жамоли,

Б а х ш а н д а:

Заррин дуппи, заррин либос,
Булсин шу чулга оро.
Кунглимдаги улуг ихлос,
Сендан, она Бухоро!

Ҳ а ё т:

Намангоним боғдир гулгун,
Булбул сайрар шохинда.
Кунглим ичра тапҳо тугун,
Соғинч бор нигоҳимда.

А н о р:

Кувна, куйла, дугонажон,
Орзуларинг ушалсин.
Куркин бериб Андижон,
Чулга бахмал тушалсин.

О й б и к а. Агар Тошхон Термизига, Мунисхон Қўқонига қочиб кетишмаганида, улар ҳам бир нарсалар айтишарди.

А н о р. Майли, утган ишга саловат. “Бугунги шодликда кечаги гамдан гапирманглар”. Ойбика, доира - танбурларинг тайсрми, ишқилиб?

О й б и к а. Ҳовва. Уйнаймиз, куламмиз, чамамиз, оппарамиз!

Ҳ а ё т. Дод, узийниям тоза тобига кебсанлар-да.

Б а х ш а н д а. Нима, бирон-бир меҳмон-пеҳмон келайконми, ё комиссиями? Нега илдамайсан? Жавоб бер.

А н о р. Жавоб шулким, айланиб кетай, узимизнинг битта ҳақиқий, бозиллаб турган ош егимиз келиб қолди. Хоналаримизни тартибга солмоқчи булдик. Узимизни узимиз сийлагимиз келди. Вассалом! .

Ҳ а ё т. Ҳай-дод. “Уйида йуқ гужалик, кунгли тилар хужалик”.

З у м р а д. Навоий бобомизнинг “Сабаъи сайёр” достонларида етти иқлимдан келтирилган етти гузал етти рангдаги етти қасрда яшайди. Биз олтовлон булсак битта олачалпоқ, илма-тешик шийпонда! Бераман деса, ҳеч гап эмас !

Ҳ а ё т. Ҳали нима дединг, Зумрад? Кампирнинг тобути дедингми? (*Қотиб-қотиб кулади*).

А н о р. Нафасингни иссиқ қил. Ҳали шунақа қасрлар қуриладики, Навоийнинг ҳам хаёлига келмаган.

Б а х ш а н д а. Радио эшитавериб, маҳмадана булиб кетибсан ҳамманг. Оғзинг билан дунёни яратасан.

О й б и к а. Ол-ла, радио эшитишга вақт бор эканми, кун буйи чангга ботиб, офтобда куйиб.

Ҳ а ё т. Кеча туш курсам, қизлар... (*Уялади*).

З у м р а д. Айтавер-да, кимдан уяласан...

Б а р ч и н. “Тушга нима кирмайди, душман нима демайди”.

Ҳ а ё т. Гулзор эмиш... Иккита попукдай-попукдай болакай уйнаб-уйнаб юрган эмиш... капалак қувиб... бири ўғил, бири қиз. Болаларим эмиш... (*Уялади*).

О й б и к а (*гую чақалоқни бағрида эркалаб*).

Алла, болам , алла, қузим.

Сенга фидо булай узим.

Бор бўл онангининг бахтига.

Узинг бахтим, курар кўзим.

Бир ёнимда Зухро бўлса.

Бир ёнимда Ҳасан бўлсин.

Бири гулдай зебо булса,

Бири қанду асал булсин.

Алла,болам, алла кўзим...

А н о р. Жуда соз-да. Бўлади бу гап. Сента мана шу чулнинг... гирдиғумдан келган, чорнахил, ғулабирдай йигитидан бигтасини топамиз.

Ҳ а ё т. Ўл. Ҳазилнинг курсин. Ҳафизхон акам қўяр эканмишар. Еб қўяр йигит-пигитинг билан қушиб.

О й б и к а. Ана энди очилдинг.

А н о р. Ойбика! Чироқ, чироқ, чироқ... эсингдан чиқмасин.

О й б и к а. Ҳей, она хотин, иш буюришга ёмонам ургандингда, оғзингни бир чеккасидан чиқиб кетади-я.

А н о р. Ҳамма ишда интизом керак. Буёқ-муёғингни тугат, Барчин.

Б а р ч и н. Энсани қотирма. Яна ун дақиқа.

А н о р. Пахта билан ёзиш сенга, Ҳаёт.

З у м р а д. Йўқ, пахтаги қайдан олади. Бир саваминиям қолдирмай олиб кетган-ку ҳукумат. Килосига беш тийин тулаб.

Ҳ а ё т. Куп буғилаверма, шунча қиздан бир савамгина пахта чиқмай ўлдими.

Қ и з л а р кулишади.

Б а х ш а н д а (уялиб). Нималар деясанг, вой, улмасам.

О й б и к а. Комиссия келадиган булса-ку, бир тоннасиям топилади пахта қуйишга.

Шу аснода... шошилнч тарзда ўқдай отилиб кирган И т о л м а с о в комиссия яқинлашиб қолганини билдиради. Қилиқлари, эпчилиги пўла гавдасига ярашмайди. Шийпонни куздан кечириб, чала-чулпа ишларни дарҳол уддалашга ҳаракат қилади. Чаққонлик қиламан деб, туртина-суртина лапанглайди. Қиёфаси. гап-сузи, имо-ишораси кулгили. Қ и з л а р га турли-туман, керак-нокерак кўрсатмалар бериб, ўз раҳбарлигини таъкидлашга уринади. Ёнидаги икки шотири уша пайтдаги янги йўлбошчи портретини эскидан қолиб, сарағайиб кетган олдинги катта йўлбошчи портрети урнига шитоб билан ёпиштиради. Яна бир неча портретлар билан шийпонни “бсзаб” ташлайдилар. “Жонажон Ватанга 5 миллион тонна “Оқ олтин” етказиб берамиз!” деган шиорлар ва яна “Ароқ — саломатлик душмани”, “Чекиш қатъиян ман қилинади”, “Спиддан сақланайлик!” қабилидаги плакатлар қоқиб ташланади. Қ и з л а р бу ҳаракатлардан лолу ҳайрон қотган.

И т о л м а с о в. Ҳаммая яхши булади. қизлар. Фақат кўрқманглар. Ўзларингни дадил, тетик тутинглар. Комиссия ҳам грипдай бир гап. Бир ёпишади-ю, утиб кетади.

О й б и к а. Вой, қалтираб кетяпман-эй, шайтонлаб қолмасам гурга эди-я.

И т о л м а с о в. Э, нима баю, одам кўрмаганмисанлар. Очиқ чеҳра билан, кулиб-қувнаб кутиб олинглар. Қилаётган ишларингдан хурсанд эканликларинг билиниб гурсин. Маймун кўрган боладай бақрайиб, мени шарманда қилиб утирмайлар. Ишонаман-а...

А н о р. Улибмизми сизни шарманда қилиб... Узингиз ушанақа-ку...

И т о л м а с о в (тушунмай). Баъли, баъли, Анорхон!

А н о р. Лаббай.

И т о л м а с о в. Насиб бўлса, салаганг кетай, яхши ниятларимиз бор. Жиянчаям шу томонларда ишлаб юрибди гирди капалак булиб... (*Гоҳ Зумрад, гоҳ Ойбикани ҳирс билан кузатиб, алоҳида "меҳр" намоён қилади*). Ҳаммаси яхши булади, салаганг кетайлар. Ижараям, меҳнат-пеҳнатам, ялло-таралдоям... Тирик юрибмиз-ку, ҳар ҳолида. Яхши ниятларимиз кўп ҳали. Яқинда шийпонларингга магазин жунаттираман. Пул етишмаса, пул ҳам берлирамиз. Иложи бор. Майда-чуйда дегандай. Яна утиб берилади, сув ҳам. Қийин кунлар утиб кетади. Яшашимиз ҳам керак-ку, ахир. Ҳали атаганларимиз бор сизларга. Растаю пештахталарни импортга бостирамиз, насиб бўлса...

Б а х ш а н д а. (*Итолмасовга*.) Итолмасов амаки, уй-пуй ҳам қуриладими ёш оилаларга. . .

И т о л м а с о в. Эҳ-ҳа, сизларга қийин булиб кетди-да. Айни гул ёзган чоғларингда... Биринг чайлада, биринг каталакда... Да, да... қийин, қийин. Бўлади! Лекин комиссиянинг олдидан ажаб утирманглар... Ай, молодец, оппоқ қизлар... дундиқ қизлар. Мен ҳозир...

Ташқарига чиқади... Яқинлашаётган машина шовқини, одамлар овози эшитилади. Бир неча дақиқадан сўнг И т о л м а с о в етакчилигида 3-4 кишидан иборат, олифта кийинган кишилар — к о м и с с и я кириб келади! Айни чоғда уч-тўртта т е л е в и д е н и с е х о д и м л а р и ҳам турли асбоб-ускуна, репортёрлари билан залда, саҳнала ҳаракатга тушиб кетадилар.

К о м и с с и я р а ҳ б а р и. О, салом! Здравствуйте, қандай гузал қизлар! Қандай яхши, озодалик! Жанговар ёшлар! Ватанпарвар ёшлар!

И т о л м а с о в. Булар жумҳуриятнинг турли вилоятларидан келишган! Андижон, Бухоро, Тошкент, Хоразм, Наманган.

Қарши ва ҳоказо. Ажойиб гулдаста. Фаҳримиз. Баҳтимиз. Келажагимиз.

К о м и с с и я р а ҳ б а р и. Яхши, яхши, яхши. Дастурхон тула ноз-неъматлар. Катта, сунгсиз бойликлар бор Ўзбекистонда! Олтин дейсизми, пахта дейсизми — ҳаммаси кўп, беҳисоб! Масалан, мана бундай гилос, помидору бодринглар, бундай иссиқ нонлар биз томонларда бўлмайди! Шунча хазинага эга бўла туриб, нега давлатдан қарз олиб яшайсизлар — буни тушуниш қийин... черт побери...

А н о р (*киноя билан*). “Нариги дунёда” нима гаплар, меҳмонлар?

К о м и с с и я р а ҳ б а р и. Нариги дунё деганингиз нимаси? Қарда у?

А н о р. Москвада, масалан...

К о м и с с и я р а ҳ б а р и. О... тилингиз ўткир. Сизлардан умидимиз катта, қизлар. Ижара — бу келажак! Бозор иқтисоди — энг тўғри йул. Фақат ишлаш керак. Филокорона, ўзни унутиб, куйиб-ёниб ишлаш керак. Ўшанда коммунистик кенгликларга чиқиб кетамиз... Лекин бугунги тантанавор тукин дастурхоннинг мазмуни нимада? Туйми? Тугилган кунми? Ҳар куни шунақами хаётингиз? Зўр-ку!

И т о л м а с о в (*шошиб-пишиб*). Ҳурмаг юзасидан меҳмонларга бир пиёла чой қилишган, бу миллий одатимиз. “Меҳмон - отангдан улуғ...”

К о м и с с и я р а ҳ б а р и. Поранинг бир куриниши булмасин тагин? Ҳамма катта хатолар мана шунақа кичкина зиёфатлардан бошланади. Қайноқ меҳнат фаслида аллақандай хотиржамлик, тантанавор руҳ, байрамонга кайфият... Ҳамма нарса ўз ўрнида булиши керак... черт побери.

И т о л м а с о в. Ҳаммаси яхши бўлади. Ҳаммасини уйлаб куйганмиз. Мана бу чиллаки узумлардан олинглар...

К о м и с с и я р а ҳ б а р и. Менинг... қизларга бир неча саволларим бор.

И т о л м а с о в. Марҳамат, марҳамат...

К о м и с с и я р а ҳ б а р и. Айтинг-чи, вот сиз, сиз... Нарх-наволар қандай?

А н о р. Осмони фалакда.

К о м и с с и я р а ҳ б а р и (*тушунмай*). А что такое “фалакда”?

И т о л м а с о в (осмонни кўрсатиб). Баланд... баландда.

Комиссия раҳбари. Аҳ-ҳа, тушунарли. Маданий ҳаёт қандай, театр бор?

Барчин (*бурмакдаги приёмникни курсаптиб*). Бор. Сессияларни эшитиб ётибмиз.

Комиссия раҳбари. Энди жумҳурият мустақил. Сизга ёқдими, маъқулми? Эркин ҳаво!

Ҳаёт. Худога шукур. Узингизга маъқулми, ишқилиб?

Комиссия раҳбари (*тушунмай*). Что такое “ишқилиб”? (*Итолмасов узичи тушунтиради*). А... да-да... Энди тўла она тилига утасизлар. Пахта куп булади. Фақат ишлаш керак. Дангаса ёмон.

Зумрад. Раҳмат-э, шуларни тушунмай қийналиб юрүвдик.

Бу орада телевидение ходимлари ҳам турли-туман саволлар билан саҳнадаги қизларни, залдаги томошабинларнинг бошини қотириб ташлайди.

— Қанча пенсия олаяпсиз? Етадимми?

— Ер участкаси берилганидан хурсандмисиз?

— Пахта яккаҳоқимлигига муносабатингиз?

— Орол муаммосини ҳал қилиш мумкинми?

— Мабодо, раҳбар булиб қолсангиз, ишни нимадан бошлар эдингиз?

— Даромадингиз буромадингизга туғри келадими?

Телемухбирлардан бири саҳнага югургилаб чиқиб, Ҳаётхонга яқинлашиб, микрофон тутади.

Мухбир. Мана, масалан, сиз, кечирасиз, исмингиз?

Ҳаёт. Ҳаёт, Ҳаётхон.

Мухбир. Яхши. Қаердан келгансиз?

Ҳаёт. Намангандан.

Мухбир. Ў-ў! Намангандан. Айтинг-чи, Ҳаётхон, сизни бу ерларга қандай олий мақсадлар бошлаб келди? Тортинманг, тортинманг... марҳамат.

Ҳаёт (*ийманиб*). Нима десам экан... Келутдик-да ўзимиз... (*Дидилганиб*) Аграномликни Тошкентда битириб, кутилмаганда райкомга ишга тушиб қолдим. Қоғоз-поғоз, буйруқ, телефон, одам чақир, қарор ёз, машинка чиқиллат... келган меҳмоннинг қулига сув қуй, сочиқ тут. Ишонасизми, жонимга тегиб кетди...

Уз касби коримга юборинглар десам, қўйишмайди денг, ҳеч қайёққа бормайсан... Райкомгаям хушрўй қизлар керак, дейди каттамит... Ёқмай улсин! Ҳофизхон акам билан маслаҳатни бир жойга қўйдим-у, Анорхон уртоғим билан эргашиб келавердим. Омма-лекин орзу-армонларимиз куп, ака.

М у х б и р. Қойил, Ҳаётхон. Худди шундай дангал жавоб кутган эдим. Айтинг-чи, энди, мабодо дейлик, Президент бўлиб қолсангиз, ишни нимадан бошлардингиз?

Ҳ а ё т. Амалдор зотини қоқ ярмига қисқартириб ташлардим, авваламбор. Кетига, бемаъни солиқлардан қутқазардим элни... Хотин-қизларнинг қадри-қимматини кутаришга бағишлардим узимни.

М у х б и р. Энди, кечирасиз, кичкинагина шахсий савол. Оила қуриш ниятингиз...

Ҳ а ё т. Бу гапни узимизга ҳавола қиласиз...

К о м и с с и я р а ҳ б а р и (қизларга). Айтмоқчи, болалар яслиси, боқчалари бор сизларда?

Қ и з л а р қулишади.

А н о р, Аввало, бунинг учун турмуш қурилиши керак эмасми?
К о м и с с и я р а ҳ б а р и. Менга айтдилар, Сизда оилаликлар бор...

Б а х ш а н д а (узликчираб). Ўша бизлар. Яқингинага турмуш қилганмиз. Бухоройи шарифлан...

К о м и с с и я р а ҳ б а р и. О-о-о, Бухара, Бухара! Катта тарих! Минора! Старая Мохосса!

Б а х ш а н д а (қулиб). “Старая” эмас, Ситорайи Мохосса!

Ҳ а м м а л а р и қулишади.

К о м и с с и я р а ҳ б а р и. Яхши, яхши. Бу масалани ҳам ҳал қиламиз. Бошқа оилалар ҳам ташкил қилинади. Марказий ҳукумат олдига қўямиз. Вой-бу... Кеча-бугун нечта колхозларда бўлди-а: “Ленин йули”, “Ильич нури”, “Ленинизм”... Ҳали Фрунзе, Куйбишев колхозлари турибди олдимизда... Иш жуда кўп... Кўп... Так. Энди, янглишмасам, бирор жойда тушлик қилишимиз керак-а, Уртоқ Итолмасов? Аввал иқтисод, кейин сиёсат, лейдилар. Дарвоқе, Итолмасов, дегани нимани англатади?

И т о л м а с о в (ноқулай вазиятда). Шунақа ирим бўлган. Ота-онамизнинг болалари турмаган. Нобуд бўлаверган. Кейин... “Ит

хам олмасин. яъни ит ҳам қарамасин”, деган маънода қўйинган... уртоқ пачальник.

Комиссия раҳбари. Аҳ-ҳа. халқ доно. Халқ — философ.

Комиссия ва Итолмасовлар қандай кирган бўлса, яна шундай тез, қуюндай чиқишди. Итолмасов бир лаҳзага гўё муҳим бир гап айтмоқчидай қайтиб киради.

Итолмасов. Анови, бошчиқ катта-катта даштларни, дашт шамолини, дашт кечасини томоша қилишни яхши курар экан. Дашт кечасида юлдузлар гулхандай ловуллаб куринади, қул узатсанг, кафтингга қунади, дейди. Оқшомги зиёфатдан кейин яна ёнларингга қайтсак, ажабмас. Лаббай, Зумрадхон?! Сизларни яккалатиб қўймаймиз, а, лаббай?!

Энциси қотган қизлар тескари қараб, ўз ишларига банд бўлидилар.

Анор. Худога шукур-эй, ўтиб кетди балойи қазо... Ваҳимасини қара. Марказий ҳукумат олдиға қуярмиш... ҳа-ҳа-ҳа. Бошингда қолсин!

Ҳаёт. Шунга ойлик олиб, бола-чақа боқади-да, бечора.

Ойбика. Хуш, узимизни гапга утайлик-чи. Нимада қолувдик. (*Эслаб*) Ҳа, ҳа, ҳа, ҳа...

Иккинчи кўриниш

Яна ўша манзара. Қизлар ҳар хил ишлар билан банд. Чап томондаги хона айрича безатилляпти. Барчиннинг қўли-қўлига тегмай, ҳали оқлайди, ҳали эник-дерази артади. Анорхон капгир ўйнатиб, қозон бошида ош масаллигини тайёрлаш ҳаракатида. Ойбика сим тортиб, қўлбола микрофонга пуф-пуфлаб, электр чирокларини текширади. Зумрад қўлидаги аллақандай рўйхатни пичирлаб ўқиб, яна нималар қилиш кераклигини мулжаллайди. Ҳаётхон бир чеккада ўсма сиқишга тушган. Бахшанда қизлардан анча нарида, бошига қаттиқ суриб, соч ювиш билан андармон. Қизларнинг ҳаммасига Анорхон — онабони. Қувноқ қушиқ уларни бир-бирига боғлаган.

Бул кечаси бир яйрасак, нима бўпти?
Тўлиб-тўлиб бир сайрасак, нима бўпти?
Дилда ётган умид билан армонларнинг
Изҳорини биз айласак, нима бўпти?

Юрак тўла дардимиз бор, арзимиз бор,
Бир-бировга на ҳасад, на қарзимиз бор.
Дил амрига содиқ булиш фарзимиз бор,
Дўст кунгилни авайласак, нима бўпти?

Юлдузларга етсин букун қувноқ садо,
Юракларга қўнсин бу кеч ёрқин сафо.
Анорхонни узимизга гар раҳнамо —
Онабоши деб сайласак, нима бўпти!

А н о р. Мен раҳнамо — она боши эмишман. Ёқмай улсин.
Унда айтганимни бажарасанлар... Дастурхон тузаш ўзимга.

Б а х ш а н д а (*ҳайрон*). Келайтикон ким ўзи? Нима гап ўзи?
Ичимдагини топ экансан-да ҳамманг.

А н о р. Энг асосий иш сенга, Бахшанда. Қошинга усмани
қалдирғоч қаноти қилиб қўясан. Учаман десин.

Б а х ш а н д а (*мамнун*). Меники осон экан-ку.

А н о р. Энди, жонончалар, гап қайтариш йўқ. Хўш, кимдан
бошладик? Сендан. Ҳаётхон. Манови йиртиқ-ямоғингни счиб,
энг яхши, энг асил кийимингни кийиб чиқасан... ялтир-юлтир...
Олдин душга ўтиб ол. Сув баданни яйратади. Қани, кутяпмиз.

Ҳ а ё т х о н чиқади.

Ҳ а ё т х о н. Булдингми, Зумрад? Хонайи хуршид тайёрми?
З у м р а д. Ёғ тушса, ялагундай.

А н о р. Спальный гарнитур олиб кирилсин, Ойбика!

Ҳ а ё т. Дод! Отлиққа йўқ мебель бу кишимга!

О й б и к а. Хўп бўлади, она хотин.

З у м р а д билан иккаласи иккита шаллағи чиққан ёйма кароватни
хонага олиб кирадилар. Б а х ш а н д а ҳайрон.

А н о р. Энди шифонер! Стенка! (*Эски тумбочка билан икки
чамадон тантанавор киритилади*). Баракалло! Бахмал тушак, атлас

курпа, пар ёстиқ! (*Барчин билан Зумрад аҳори тўқилган матрас, чит кўрпа, ёстиқ киргизадилар*). Биллур қандил ёқилишига вақт бор ҳали. Узим айтаман.

Бахшанда ҳайрон. Яхши кийиниб, очилиб-сочилиб Ҳаёт кирали. Ҳақиқий гўзал. Қизлар дафу танбурни жўр этиб, уни Намангонча усул билан қутлайдилар.

Келди гўзал, барно санам,
Бизга Намангон боғидан.
Қўзлар қаро, қошлар қалам,
Зулфи суман япрогидан.
Оппоқ садаф — оқ тишлари.
Жон ёндирар боқишлари.
Ёнсин юрак олқишлари
Олам уйин ҳар ёғидан.
Хиром айлар аланг-жаламг,
Қўйида ўлгай еш-яланг.
Кузлар қаро, юз лоларанг,
Ўткир само чақмоғидан.

Барчин. Дод! Бор экансан-ку, оғайни. Бу туришида дунёга ут қўйиб юборасан. Ана қадду ана қомат, ана ҳусну ана малоҳат!

Анор. Ҳафизхонингни қандай тирик юрганига ҳайронман. Эски-тускининг ичида юрган экансан-да хор булиб...

Барчин. Садафнинг ичида дур булади, дейдилар.

Ҳаёт (*фахрланиб*). Олиб қочмайлар... Қозонда бори чумичга чиқади.

Анорхоннинг имоси билан ичкари кириб, яхши кийиниб, гулгул очилиб чиққан Ойбика Хоразм наволари билан қаршиланади.

Гўзалмисан, ғазалмисан, намасан?
Шакармисан, асалмисан, намасан?
Бир курганда ақлу ҳушим йўқотдим,
Наврўзмисан, ҳамалмисан, намасан?
Кўз унгимда бўстон булиб ёнурсан,
Ҳамалдаги амалмисан, намасан?
Қош қоқишинг, шўх боқишинг ўзгача,
Юлдузмисан, Зухалмисан, намасан?

А н о р. Ана бу бошқа гап. Бир кучоқ атиргулнинг узи! Ловлов!

О й б и к а. Қип-қизил чўлнинг уртасида бу ҳолатимизни кўрган одам, ажина базм буляпти, деб юраги чиқиб кетса керак.

Ҳ а ё т. Фаришталар базми, де, ҳеч булмаса.

О й б и к а. Бекорчиликдан нимани уйлаб топмайди одам...

А н о р. Нега бекорчи эканмиз? Театр боролмасак, сайлга чиқолмасак, битта пачоқ телевизор, уям ишламаса, нима, ўлайликми димиқиб! Қани, уйин давом этади! Ўзимиздан қолмайлик.

З у м р а д. Йигитлар булмасаям... булмас экан.

А н о р. Бир бало тегди ҳаммангга. Бирдан... йигитсираб қолдиларинг.

О й б и к а. Туғри-да, она-хотин. Ҳар куни бир хил гап. Жонга тегиб кетади-да. На учрашув бор, на изҳори кунгил.

Б а х ш а н д а. Сенларга қушилиб, мен ҳам издан чиқиб кетдим.

Ҳ а ё т. Қийин-қийин — сенга қийин, дугонажон.

З у м р а д. Ҳеч кимгаям енгил эмас.

О й б и к а. Ол-ла, ғуссага бостирма ҳамма ёқни.

А н о р. Қани, уйин давом этади!

Худди шу алпозда Зумрад, Барчин ва ниҳоят Анор ясениб- тусаниб бирма-бир чиқадилар. Ҳар бирининг чиқиши ўзига хос латиф куй ва лапар, ҳазил ва қочириқ билан тақдирланиб туради.

Ҳ а ё т х о н (*Барчинни кутиб олаётиб*).

Доллама, доллама, дод-дод саси келди,

Қаршининг чўлидан ёр-ёр саси келди.

Қиё-қиё шўх боқиб, ўлдирасан-ку.

Раҳминг келсин, кулиб боқ, зор саси келди.

Базмимизга куёш бўл, қалбимизга қувонч бул,

Тўйимиздир бу оқшом, тор саси келди.

З у м р а д (*Анорни кутиб олаётиб*).

Андижонда бир чинор,

Аскар отин қамчилар.

Анорхон, тилларингдан

Қанду новвот томчилар.

Устингда гулранг атлас,

Курганлар этгай ҳавас.

Ўлдирма шайдоларни,
Дунёни айлаб қафас.
Сув келар гулдур-гулдур,
Дунёни завққа туллир.
Туйингда бир уйнасак —
Қизлар орзуси шулдир.

О й б и к а (*Зумрадни кутиб олаётиб*).

Ошиқ дилин вайрон қилиб,
Кўрганни дол-хайрон қилиб,
Гулшан аро сайрон қилиб,
Келур соллона-соллона.
Астогина, бир-бир босиб,
Исми жисмига муносиб.
Зумрадгинам, дурлар осиб,
Келур соллона-соллона.
Осмондаги олтин юлдуз,
Кўзлар қаро, қошлар қундуз.
Кечаларни этиб кундуз.
Келур соллона-соллона.
Анҳор буйи кўк мажнунгол.
Соҳилда бир соҳибжамол.
Кокилларин уйнаб шамол,
Келур соллона-соллона.

А н о р. Булли-е, қизлар. Улдирдиларинг одамни уйнатавериб,
Вой-вой-вой... (*Ниманидир эслаб қолади*).

Қ и з л а р:

— Ҳа, намунча, вой-войлаб қолдинг?

— Ё... эсингга тушиб кетдимиз?

— Олазарак булаверма.

А н о р. Бахшанда!

Б а х ш а н д а. Шергаман. Тухтаб турибман.

З у м р а д. Нега бир ўзинг серрайиб қолдинг, уртоқжон?

Ҳ а ё т. Бахшандани ҳаммамиз безатамиз.

А н о р. Тўғри.

Б а х ш а н д а. Иморат эмасман безайтикон, шу кийимим
булаверали.

О й б и к а. Булмайти. Хонаи — палос, одами — либос. Узинг
айтмоқчи.

Б а х ш а н д а. Сенларга ухшаб, киногами, меҳмонгами
бораман, деб қумсаб улаётганим йўқ.

Б а р ч и н. Нега булмаса, бошингни қатиқ билан қиртишлаб ювдинг? Қатиқнинг эг-гаси бор эди-ку.

Ҳ а ё т. Ҳей, ҳалеб менга пичинг қилаверма наманганлик деб. Қатиқ ҳаммагаям керак.

А н о р. Мовини қаранглар, узингга олаверасанми ҳадеб... Бахшанда!

Б а х ш а н д а. Лаббай, тасалдиқ?

А н о р. Келинлик либосингни ҳаммасини олиб чиқ бу ерга, ўзимиз кийинтирамиз. Айнаниб кетай, бора қол... бора қол... чалварингни еч, атлас лозим кий, зар жияклари ялтиласин.

О й б и к а. Чаққон-чаққон! Ерга урса, кўкка сачрайдиган вақтинг. Шалпайма?

Б а х ш а н д а. Чамадонини олиб чиқиб ўртага кўяди.

З у м р а д. Душга ўтганмисан?

Б а х ш а н д а. Ҳаммангдан олдин. Навбат кутишга тоқатим борми...

О й б и к а. Навбатсиз иш битар эканми, бир кулча совуқ олиб бўлмайди-ю...

Қ и з л а р. Чамадонни очиб, Б а х ш а н д а ни ўртага олиб, ҳали унисини, ҳали бунисини кийгизиб, ойна курсатиб, астойдил безай бошлайдилар. Б а х ш а н д а ҳам бу маросимни ҳазил тушуниб, ўзиям яхшироқ кийинишга тушиб кетади. Ниҳоят, париваш Бухоро қизини кўрамыз. Қ и з л а р уни қий-чув билан муборакбод қила бошлайдилар.

А н о р:

Кўрки Бухорони куринг,
Шуҳи дилорони куринг.

Ҳ а ё т:

Жон офати булмаса-чи,
Нозу таманнони кўринг.

Б а р ч и н:

Тоҳиру Фарҳоди қани?
Ширину Зухрони кўринг.

З у м р а д:

Чўлга ғулу солди ўзи,
Энди бу савдони куринг.

О й б и к а:

Ўзи ширин, сўзи асал,
Қалбида дарёни куринг.

А н о р:

Бир курди-ю булди адо,
Кекса бу дунёни куринг.

Ҳ а м м а:

Тўй бўлади. Тўй булади,
Базму томошони куринг.

А н о р. Микрофон текширилсин! Дастурхон тузалсин! Куёв бола чақирилсин! Ойбика, чақир микрофонингдан!

О й б и к а. Хабар бор, таклиф қилинган.

Б а х ш а н д а. Нимага узи бунча данғир-дунғир? Тушунолмаяпман. Бошқа иш йўқми?

Б а р ч и н. Бунча энди “иш, иш”, деб қолдинг? Озгина одамга ўхшаб яшаш керакми?

Б а х ш а н д а. Иш деб келганимиз-да, дугонажон. Ёш оила булсак. Оёққа туриб олишимиз керакми? Битта пожарнийнинг топгани нимага етарди. Орзу-ҳавас деган гаплар бор. Жарақ-жарақ пулинг булмаса, пишак ҳам офтобга чиқмайди.

О й б и к а. Оласан, шарақ-шарақ, санаб-санаб! Қопинг каттароқми, ишқилиб?

Б а х ш а н д а. Пичинг қилма, Худога шукур, кучимиз бор, улиб-йитиб булсаям — ишлаймиз.

О й б и к а. Узинг учун ул, етим.

З у м р а д. Минг йил яшагил ўзни дебон, заҳр тутунсан, Бир лаҳза курин халқни дебон, барқ булажаксан!

О й б и к а. Айланай файласуфларимдан.

Б а х ш у л л о кириб келади. Қотма, тақа муйлов йигит. Усти-бошни чанг-ғубор. Бу ердаги антиқа манзара, ясан-тусан, кулги-ҳазил, фавқуллода қувноқликни кўриб, ҳангу манг туради. Уни биринчи булиб Б а х ш а н д а илғаб қолиб, пешвоз талпинади.

Б а х ш а н д а. Мирзо ака, Мирзажон ака... Кунглим кашол булиб турувди...

Б а х ш у л л о. И-я, и-я, нима гаплар ўзи? Вой-бў, гулшану гулзор бўлиб кетибсизлар-ку. Адашиб жаннатга кириб қолмадим-ми? Омонликми?

А н о р. Омонлик. Лекин жаннат ҳам тайёр.

Б а х ш у л л о. Иб-бе, ана Худо урди. Ўлдирмоқчимисизлар мени?

Б а х ш а н д а. Худо сақласин. Шайтоннинг буйни синсин.

А н о р. Қисталанг гап бор, Бахшулло ака. Тез ювиниб-тараниб, қайта кийинасиз.

Б а х ш у л л о. Иб-бе, ювинасиз? (*Четга*) Жаннат дейди, юнамиз дейди! Гапларига тушунолмайд қолдим.

А н о р. Кутяпмиз.

Б а х ш у л л о. Э-э, ана холос, ҳазилниям, аммо-лекин ямонам қотириб ташлайсизлар-да... Кийинишга вақт қайда, дейсиз, ойпарчалар, олтмиш гектар еримизнинг ҳаммасини қадам-бақадам айланиб чиқдим. Бир ён ғуза, бир ён беда, бир ён полиз. Эҳ-ҳей! Қараб-қараб, яйраб кетаман. Сувга обдон қондирдик. Оқшомги салқинда энди гуркирайди. Кечаси билан ухламай, айланиб чиқаман, бо янамбо.

А н о р. Эрга-тонгдан ҳамма коржома княши. Лекин бу оқшомги мулжалимизга ҳалақит берманг. Ювининг, кийининг.

О й б и к а. Вой, улсин. Яна уша қуққиларни киямизми?

Б а х ш у л л о (*ҳайрон булиб*). Узи пима гап, омонликми?

А н о р. Бугун базми жамшид. Бугун Бахшандахонни узатаяпмиз.

Б а х ш у л л о (*тушунмай*). Ё пирай, ё пирай... Бахшандахонни? Бизнинг жононни-я? Кимга?

Ҳ а ё т. Ўзингизга.

Б а х ш у л л о. Ўзимга икки ой олдин теккан эди-ку, яна уйланаманми, Худо уриб...

З у м р а д. Ҳадеб чайлада ётавериш жонингизга текқандир?

Б а х ш у л л о. Мен гапирмай, сизлар эшитманглар.

А н о р. Вой, поччаси қурғур-эй, раҳмат демайсизми?

Б а р ч и н. Мана, уйларингиз тайёр.

Б а х ш а н д а. Ўзларинг қаерда ётасанлар?

О й б и к а. Учгамиз бу ёғида, учгамиз у ёғида эдик... Энди... бештамиз бу ёқда, иккитамиз у ёқда буламиз.

Ҳ а ё т. Етгита буламиз!

Яна ушандай шитоб билан Б а х ш у л л о ни кийинишга қистайдилар. У, аввало, ҳайратланиб, сўнг ноилж, кула-кула панага утади. Бу орада шийпонга адёл қоқиб, устига:

“Бахшандахон ва Бахшулло,
туйлар муборак!”

сузларини пахта билан ёзиб бўладилар. Қ и з л а рнинг қўли-қўлига тегмайди.

А н о р. Биллур қандиллар ёқилсин, Ойбика!

О й б и к а чироқларга жон киргизади. Магнитофондан гўзал куй таралади. Б а х ш у л л о қушиқ ва рақслар орасида кийиниб кирган бўлиб, қ и з л а р даврасида беихтиёр гир-гир айланади. Тантанали вазият уни ҳам ўз гирдобига тортган. Ҳам ҳайрат, ҳам қувонч.

Б а х ш у л л о (*ўзини босиб*) Ана, холос, бо янамбо уйланаманми?

Ҳ а ё т. Бизларга туй қилиб беришингиз керакми? Керак!

О й б и к а. Ҳаражатдан қочманг, ўзимиз кутарамиз.

Б а х ш у л л о. Ўзи икки ойгина булудди дангир-дунгиримиз тугаганига.

Б а х ш а н д а (*фахрланиб*). Ўзиям бир туй булли...

Б а х ш у л л о. Биз томонларда, қизлар, туйнинг ҳамма галваси кўвнинг елкасига тушади.

Ҳ а ё т. Ҳамма жойдаям бир гур.

А н о р. Роса эзилганингиз кўрнаниб турибди.

Зумрад. Тошкент томонларда қиз чиқарган балога қолади — ҳали мебелга чоп, ҳали карнайчи топ...

Б а р ч и н. Эй... айрим расм-русумларимиз ўлиб кетсин. Фирт даҳмаза

З у м р а д. Ҳамма гапирсаям, сен жим тур. Қалинга сотиласизлар, ҳалиям. Ота-онангни зигирча тапшиши бўлмайди.

Б а р ч и н. Ўл-а, минг йил орқада қолиб кетгансан.

Б а х ш у л л о. Ана шундайчикин десангиз, қизларжон, ойимтилло ваъдани қуюқ қилган эканлар сизлар билан, шартларини қабул қилиб, лўкиллаб келавердим орқаларидан, чамадонни кутариб... керакли тошнинг огири бўлмас деб...

Б а х ш а н д а. Керак булганда қандоқсиз, акажон.

А н о р. Ўлай деб турган экан ўзиям.

З у м р а д. Кунгли алағда эди.

Б а х ш у л л о (*гапни давом этиб*). Районимиздаги пожарний командада ишлар эдим. Зерикиб ўлдим роса, Азбаройи, яхши ишлаганимиздан булса керак, ҳеч жойга ўт тушган эмас, тушмасин ҳам. Лекин юрагим... (*Ҳижолат билан энтикади... гапни буриб*) Сувларинг булмаса, икки сатул келтирай... Қудук ҳайло-ку...

Ҳ а ё т. Келин-куёвни чимилдиққа киргизишдан олдин рози-
ризолик олинади. қизлар.

А н о р. Тугри айтасан, қақилдоқ. Янга узинг буласан.

Ҳ а ё т. Алжима. Шпионликка тоқатим йуқ.

А н о р. Гул гутилсин, совға улашилсин!

Б а р ч и н. Тайсалламайлар... тез, тез.

Қ и з л а р бу вазифани ҳам бир зумда уддалайдилар. Яна
“Раққосалар” оҳангида чиройди уйин бошланиб, Б а х ш у л л о
қизларнинг ҳар бири билан алоҳида-алоҳида рақс туша бошлайди.
Навбат Ҳ а ё т х о н билан рақсга етиб, шўх-шўх ўйин булаётганда,
оппоқ костюм-шим кийган, бошида шляпа, галстук таққан бир йигит
саҳнага кирган булиб, бу базмни таажжуб билан кузатади ва
заҳарханда чапак билан гўё табриклайди.

Ҳ а ф и з х о н. Офарин, офарин, офарин! Гулдурос қарсақлар!

Ҳ а ё т (*бирдан қуриб қолиб*). Ҳафизхон ака?! Қаердан?! Қачон?!
Вой ўлмасам... Нега хабар қилмадингиз? Ассалому алайкум.

Ҳ а ф и з х о н. Ва алайкум. Нима гаплар буляпти ўзи,
фаришталар? Бунча тантана?! Қурултойми дейман?

О й б и к а. Қурултой кечаси буладими, бир камимиз шу эди.

Ҳ а ё т. Туй... туйимиз... Қизлар, бу кишим — уша кишим...
айтган кишим (*уялади*). Ҳафизхон ака, туй, туйимиз.

Ҳ а ф и з х о н. Билдим, тоза ич-бағирларига шўнғиб кетибсиз.

Ҳ а ё т (*қизларни кўрсатиб*). Ҳа, биз бир-биримизга жудаям
берилиб кетганимиз.

Ҳ а ф и з х о н. Кўриб турибман, кузларингиз сузилиб-сузилиб
кетяпти.. Ўзи буладими...

Ҳ а ё т. Қийин бўлди, албатта, то бир-биримизни тушунгунча...

Олдин ҳайрон бўлиб кузатиб турган қ и з л а р бирдан
чугурлашади.

А н о р. Чувилламанглар! Ҳеч нарсани тушуниб бўлмаяпти.
(*Гап нимадалигини илғаган Анор қизларга шумлик билан:*
“*Айтганимни қилинглар, гапни айлантираминиз*”, — *маъносида ишора*
қилади). Келинг, меҳмон, бош устига. Қадамларига ҳасанот.

Ҳ а ф и з х о н. Раҳмат. Узим шундай... Чопқиллаб
кюрибсизларми?

А н о р. Курсига марҳамат, меҳмон.

Ҳ а ф и з х о н. Раҳмат. Узим шундай... Янги ерларни очяпсизлар те-с-ер тукиб?

А н о р. Қўлимиздан келгани — шу. Бузчи билганини туқийди.

Ҳ а ф и з х о н. Ҳо, дуруст, дуруст. Вақтичоғлик экан-да бу оқном. Бизнинг Ҳаётхонни зериктириб қўймаяпсизларми?

А н о р. Зерикишга вақт қайда дейсиз. Нега сизники бўларкан Ҳаётхон?

Ҳ а ф и з х о н. Э, э, бу гапни бутун дунё билади-ку.

З у м р а д. Насиб булса, туйларини утказиб олсак омон-эсон...

О й б и к а. Қўшганлари билан қўша қаришсин.

Б а р ч и н. Бахтли бўлишсин.

Ҳ а ё т. Ҳазилларинг қуриб кетсин.

А н о р. Келганингиз яхши бўлди. Азиз меҳмонимиз булинг.

Ҳ а ф и з х о н. Ҳаётхонни ростдан ҳам эрга беряпсизларми?

А н о р. Хайрли ишни орқага суриб булмайди. Кунгил қуйишибдими, бахтли бўлишсин.

Б а р ч и н. Утиринг, мундоқ, оловга келганмисиз?

Ҳ а ф и з х о н. Ким экан куёв булмишимиз?

А н о р. Узимиздан. Мови киши... Бахшулло ака.

Б а х ш а н д а. Вой улмасам, нима деяпсан?!

З у м р а д. Ажойиб йигит эканлар.

Ҳ а ф и з х о н. Биратула ҳаммаларингга ёқиб тушганга ўхшайди, ким булсаям.

Б а х ш у л л о. Анорхон, синглим... (*Анор “жим туринг, илтимос” ишорасини қилди*). Нимага гирифтор қиляяпсизлар одамни, ё товбангдан кетай...

Ҳ а ф и з х о н. Бизга яраша хизмат борми. Ҳаётхон?

А н о р. Туйнинг тури — меҳмонники, айланай. Астойдил айтаётган булсангиз, ошни сузишда қарашворасиз...

Ҳ а ё т х о н. Вой-вой, нималар деяпсан?

Ҳ а ф и з х о н. Ана холос... Тайёр ошни сузгани келган эмишман. Кимдир кўзини сузади, кимдир ош сузади... (*Бахшуллони курсатиб*) Куёв денглар. Мўйловиям буюртмага ўхшайди. Хўроздай диконглаб турнишдан билувдим.

Б а х ш у л л о (*ҳайрон*). Мани айтаяпсизми, ака мулло? Қанақа хўроз?

Ҳ а ф и з х о н. Қанақа бўларди? Бабақ! Даканг! Ширага қўнган аридай гунгиллашингни қара-ю.

Б а х ш у л л о. Э-э, ҳазиллаяпсизми... Бирдан пойчадан оладиган одатингиз бор экан-ку... тишингиз бор экан-ку...

Ҳ а ф и з х о н. Пойчангни курсатиб қуяман.

Б а х ш у л л о (*бирдан жаҳш чиқиб*). Қанақа автиёсан узи? Аввал шляпангни қўлга ол. “ҳорма-бор бул” деган гаплар бор дунёда... Кимсан ўзи? Ким чақирди? Туйимизга келган булсанг, марҳамат, адашиб келиб қолган булсанг — тўрт томонинг қибла! Йўл кўрсатиб, ковушингни тўғрилаб қуяй.

Ҳ а ф и з х о н. Сенми уйланаётган?

Б а х ш у л л о. Аканг қарағай булади. Шулардан биттасини танлаб-танлаб, чертиб-чертиб оляпман, агар хоҳласанг.

Ҳ а ф и з х о н. Дидинг чакки эмас, хуроз.

Ҳ а ё т. Ҳафизхон ака, ўтиринг мана бу ерга, дустларим билан танишинг... (*Саросимада аланглайди*).

Б а р ч и н. Утиринг, оловга келганмисиз?

Ҳ а ф и з х о н. Оловни мендан оласиз... Олдин манови жазман билан тиллашиб олай... (*Бахиуллога*.) О, йигит!

Қ и з л а р ҳайрон. А н о р х о н уларга “жим” ишорасини қилади. Ҳ а м м а, жумладан Ҳ а ё т ҳам бу имони англаб, узини тутиб олади.

Ҳ а ф и з х о н. Уйланыпман де? Олдиндан гаплашганмидинг?

Б а х ш у л л о. Гаплашмасан буларканми? Ҳар хил гаплардан гаплашганмиз, бошимиздан ўтганидан, дунёнинг баланд-пастидан, меҳр кўзла булишидан, яхши орзу-умидлардан...

Ҳ а ф и з х о н. Сени севар эминми?

Б а х ш у л л о. Суриштириб ўтирмадим.

Ҳ а ф и з х о н. Мабодо севган одами булса-чи?

Б а х ш у л л о. Йуқдир-ов. Булганида шундоқ оппоқ, сулқиллаган нарсани шунақа бедаво жойларга ёлғиз юбориб утирармидим?

Ҳ а ф и з х о н. Узи жунаворган... Кутаман деган... Ҳалиям ўйлаб кўр.

Б а х ш у л л о. Энди бу ёғи тақдирнинг иши, оғайничалиш. Юрагимга тушган утни учирадиган куч дунёда булмаса керак. Ёнапман. Лов-лов! Жингиртоб! Ўлдирсаям, севги-муҳаббат ўлдирсин. Ўзим пожарнийдан чиққанман.

Ҳ а ф и з х о н. Пожарнийдан дейсанми? Зур-ку! Бир пожарний музикадан имтиҳон топширгани кирганда, домла савол берибди:

— Рояль билан скрипканинг фарқи нимала?

— Рояль скрипкага қараганда узоқроқ ёнади! — деб жавоб берган экан пожарний... Худо раҳмати.

Б а х ш у л л о. Иб-бе, ўлиб кетганми?

Ҳ а ф и з х о н. Гапни чувалатма. Эсингни йиг. Эгаси бор.

Б а х ш у л л о. Булсаям, бир ланашанг, хушбичим, олифта, такасалтанг булса керак-да. Югурганники эмас, буюрганники, ака, бу дунёнинг ишлари.

Ҳ а ф и з х о н. Гапларинг мунча совуқ. Садқан пожарний! Муз океанидан чиққанмисан, нима бало?

Б а х ш у л л о. Истасанг — яхлатаман, истасанг — куйдираман. Бу — биринчидан. Иккиламчи, мен билан яна “сенсираб” галлашадиган булсанг, яхшилик курмайсан.

Ҳ а ф и з х о н (*юмшаб*). Асли, шу ерданмилар... ё ағдан-бағдан...

Б а х ш у л л о. Бухоройи шарифдан, ака. Шу ерларга ният билан келганмиз. Қаллигим билан. Бухоронинг пишак ёнбошласа, думи кучага чиқиб ётадиган тор ҳовлисида димиқиб кетдик-да.

Б а х ш а н д а (*ганга аралашиб*). Журиб уриб супурайкон еримиз ҳам йуқ эди-да бир кафгча. Биттагина зардолучамиз бор эди, уям кучага чиқориб солайди мевасини.

Ҳ а ф и з х о н. Қаллигим денг?

Б а х ш у л л о. Ҳа, қаллигим. (*Севиб*) Тантигим, балигим, олтин сандигим..

Ҳ а ф и з х о н. Вой, бечора-сй... Муйтовдан булак ҳам юкингиз бор экан-да?

Б а х ш у л л о. Ё, товбангдан кетай, ё, товбангдан кетай! Қанақа одамсиз ўзи? Тоза учнга чиққан боди экансиз-ку! Қаердансиз? Йуллари бусин?

Ҳ а ф и з х о н. Оёқни библиб-библиб босиш керак, йигитча. “Узингни эр билсанг, узгани шер бил”, дейдилар. Учқургондан курсатиб қўяман!

Б а х ш у л л о (*ёнига такалиб бориб, киноямуз*). Қайси боғнинг гулсиз, оғайни? Мунча талгайиб очилибсиз?

Ҳ а ф и з х о н. Намангоний.

Б а х ш у л л о. Касб-корингиз?

Ҳ а ф и з х о н. Айгиб бўлмаиди... нозик...

Б а х ш у л л о. Бу ер — чулнинг қоқ ўртаси. нозик касбингиз кетмайди. Бу ерда чўрткесар одамлар керак.

Ҳ а ф и з х о н. Сиз чўрткесар бўлиб қолдингизми? Қойил-э. Оғзингиздан гап тушиб кетяпти-ю... Муйлов узингизини. ишқилиб? Тулуклаб ёпиштирилган эмасми?

Б а х ш у л л о (*бирдан қичқириб*). Ҳай, қизлар! Ҳозир мени уштамасанглар, нимталаб ташлайман.

Ўртага отилиб чиқмоқчи бўлади, қизлар чувиллашиб, йулини тусади.

Б а х ш а н д а. Нима буляпти, ўзи?!

З у м р а д. Нима буларди, чапнасига айланиб кетди.

Ҳ а ф и з х о н (*Бахшуллони курсатиб*). Жуда зур-ку бу муйлов, қардан топдиларинг?

Б а х ш а н д а. Бунча муйловларига ёпишиб олди.

Б а х ш у л л о. Ё, товбангдан кетай... Ердан чиқдимми, осмондан осилиб тушдимми?

О й б и к а. Буям бир кургилик, манглайи қора.

Б а р ч и н. Қош қуяман деб, куз чиқариш бу.

З у м р а д. Аталадан суяк чиқмай улсин.

Ҳ а ё т. Ҳаммасига Анор улгир айбдор. Жим туролмайди бир жойда, жилланглайвериб.

Ҳ а ф и з х о н (*Бахшуллога*). Жа-а қизларнинг пинжига тиқилиб олдингиз-ку, азамат. Иссиққина эканми?

Б а х ш у л л о. Яхшиям шу қизлар ора кирди жонингизга, тугдай тукиб қуярдим... леҳқончасига.

Б а х ш а н д а. Бир гапдан қолсангиз-чи...

Ҳ а ф и з х о н. Мен тугдай тукилар эканманми? Жаҳлим чиқмасин... “ман-ман” деганини экиб қуяман.

Б а х ш у л л о. Тушингизни сувга айтасиз. Яхшиси, озгина узингизни босинг, манови қизлардан уяляпман.

Ҳ а ф и з х о н. Уятниям биладилар шу туришларида.

Б а х ш у л л о. Ё, товбангдан кетай, ё, товбангдан кетай, нима кунларга қолдик.

Ўртага Б а х ш а н д а чиқали. Кулгиси гажбга айланган. Жигибийрон.

Б а х ш а н д а (*Ҳафизхонга*). Қайси гурдан келдингиз узи? Нега менинг турмуш ўртоғимга ёпишиб қолдингиз?

Ҳ а ё т. Гўрдан дема, дугона, гапингни билиб гапир...

Ҳ а ф и з х о н. Турмуш ўртоғингиз? Нечтага турмуш ўртоғи будмоқчи бу жингиртоб?!

Ҳ а ё т (*чидай олмай*). Ҳафизхон ака, олдин билинг-да бир гапни. Бу киши — Бахшулло ака. Ўртоғимнинг турмуш ўртоғи. Манови — Бахшандахоннинг.

Ҳ а ф и з х о н. Турмуш ўртоғи булса, йиғиштириб олсин-да Балахшонингиз, нима қилади утганнинг уроғини, кетганнинг кетмонини олиб?

Ҳ а ё т. Бадахшон эмас, Бахшанда. Булар уйланишяпти, тушунсангиз-чи. Аслида, илгариям уйланишган.

Ҳ а ф и з х о н. Қўш хотинчилик? Бу қанақаси? Шундай фаровон замонда?

Ҳ а ё т. Туйлари булиб утган Бухоросида. Энди бизга... бизларга... биз учун уйланишяпти.

Ҳ а ф и з х о н (*захарханда билан*). Ҳаммаларингизгами? О, омадни қаранг! Бераман деса қуша-қуша.

Б а х ш у л л о. Инсоф деган нарса борми узи? Эгардан тушинг мундоқ. Сиз зур, сиз яхши, сиз доно, сиз улуғ...

А н о р қитмирлик билан гулханга мой сепади.

А н о р. Яхшиси, тўйимизга бош булиб, Бахшулло акам билан Ҳаётхонга яхши ниятлар қилинг.

Ҳ а ф и з х о н. Бизгаям бордир-да буюргани.

А н о р. Бу бошқача гап. Танланг биттамингни. Қолинг биз билан.

Ҳ а ф и з х о н. Тилингизга шакар. Очиққина нарса экансиз. Бир қоп ёнғоқ. Шалдир- шулдир.

А н о р. “Нарса” эмасман ахборотингиз учун. Ёнғоқ ҳам эмас.

Ҳ а ф и з х о н. Биздан утди, биздан утди... маъзур тутасиз. (*Анорхонни четга имлаб, Бахшуллога алам қилдириш учун барчага эшиттириб*) Анови... Бахшандахон деганларингиз кузга яқингина нарса... узр-узр... узумнинг сувидакқина, сүлимгина экан... (*Эҳтирос билан шеър ўқийди*).

Упай

Қатра-қатра сув ичарсан,

куринур ҳар томчиси,

Оқ гулу оқ шоҳи янглиғ

оқ томоғингдан упай.

Чеҳра очсанг, бул жаҳоннинг

гуллари қошингда лол,

Олмани шарманда қилган

ол ёногингдан ўпай.

Хоҳи улдир, хоҳи тиргиз,

хоҳи отгил, хоҳи сот,

Ҳар нечук ҳолатда булсанг,

қош-қабогингдан ўпай.

Кўзларинг қилгай имо, қасд
айламоқ-чун жонима,
Қоп-қора тунларни куйдирган
қароғингдан улай!

Боши очиқмикан?

Б а х ш у л л о (*газаби оловланиб*). Ё, товбангдан кетай, ё,
товбангдан кетай, нима кунларга қолдик... нега чақирдинглар
мени?! Масхара қилишгами?! Ёриб ташлайман манови олифтани!

Ҳ а ф и з х о н. Ия, ия, ҳали пичоғиям борга ўхшайди
кетмончи оғайнимизнинг. Ўтмас пичоқ кўл кесали.

Б а х ш а н д а. Газабини босолмай унга яқинлашади. Сўнг қизларга
булурчи.

Б а х ш а н д а. Нариди чиқиб туринглар, қизлар, кулоқларингга
пахта тиқиб олинглар... Бу лўттибоз олифта билан ўзим
гаплашаман.

Б а х ш у л л о. Мен турганда, сиз гаплашинг? Иб-бе, қиёмат!
Ҳали ўлганим йўқ.

Б а х ш а н д а. Йўқ. Ўзим. Берироқ келинг-чи, йигит... Қайси
шамоллар учирди?

А н о р. Бас қил-э. Ўз оёғи билан кириб келган бир бечорани
талайвериш инсофдан эмас?

О й б и к а. Бечора эмиш-а. Юлдузни бенарвон урамандейди-
ю... Шляпаларингиз бунча чиройлик.

Ҳ а ф и з х о н. Бори шу. Парижда олганман.

О й б и к а. Осмондан келишини қаранг, манглайи қора.

З у м р а д. Жиззахнинг яқинидаги Форишдан олгандир-да.

Ҳ а ф и з х о н (*Бахшандага*). Гаплашиб қуймоқчи эдингиз.
Кулоғимиз сизда. Арзи додингиз булса, айтаверинг.

Б а х ш а н д а. Арзи додингизни, мана, биз эшитамиз. Йуллари
булсин?

Ҳ а ф и з х о н. Ҳа, энди, келутдик-да бир чаҳ-чаҳлашайлик
деб.

Б а х ш а н д а. Марҳамат. Ким буласиз? Касб-корингизни
айтинг?

Ҳ а ф и з х о н (*суё илманган булиб*). Уялтирманглар одамни...

Б а х ш а н д а. Ҳай, одам деган ишидан ҳам уяладими?

Ҳ а ф и з х о н. Нозикроқ... Аёл доктор... Ҳалигидай...
чақалоқларни дунёга келтириш масаласи...

Ҳ а ё т. Вой, улмасам.

Қ и з л а р чувиллашиб уялишади.

Ҳ а ф и з х о н. Ҳали мен доктор сифатида ҳаммаларингни битта-битта куриқдан ўтказишимга ҳам туғри келади. Бу — биринчидан...

Б а х ш у л л о. Иб-бе, қиёмат. Тоза тепамизга чиқиб оляпти-ку.

Б а х ш а н д а. Чақирмаганмиз, шекилли.

Ҳ а ф и з х о н. Аҳамияти йўқ. Иккинчидан, Ҳаётхон мен билан кетади.

А н о р. Тушингизни сувга айтасиз! Учинчидан.

З у м р а д. Сизга берадиган қизувиза йўқ!

Ҳ а ф и з х о н. “Қизувиза йўқ”, дейсиз-у, мени кечирасиз, узингизнинг ранги руйингиз ҳам бир ҳолатда. Чарчагансиз. Соғлиққа қараш керак.

Б а х ш а н д а. Яхши ният қилинг. Фолчимисиз, нима бало?

О й б и к а. Кашпировский!

З у м р а д ўртанади.

Б а р ч и н. Ҳаётхон кетмайди. Яна қанақа давойингиз бор?

Ҳ а ф и з х о н. Иложи йўқ. Бу ерда жуда озиб-тўзиб кетибдилар. Чўлнинг қуюнидек чарх уриб уйнайвериб. Тўйимиз булиши керак. Августда.

Б а х ш а н д а. Тўйни ўтказаверинг шу ерда, хизматда булайлик.

Ҳ а ф и з х о н. Иложи йўқ. Тўйдан олдин соғлиқларини обдон текшириб олишим керак. Келажакда фарзанд куриш умидимиз бор. Бунақа гапларни ҳеч ким уйламаяпти.

О й б и к а. Узи ёшулли булсаям, бачкана экан, манглайи қора.

А н о р. Ёшингиз жичча каттароқ-да, булмаса, олардингиз оладиганингизни.

Б а х ш у л л о. Мана, ҳозир олади оладиганини. *(Яна уртага талпинади)*.

Ҳ а ф и з х о н. Ҳов, йигит. Упкани босинг. Дунёга сал очикроқ кўз билан қараш керак. Кетмон елкалаб, куч орқалаб юраверган билан иш битмайди. Мана бу қизлар эртага оналар булишади.

Оналар! Биласизми, нима деган гап бу?! Булар эрта бир кун фарзанл кўришлари керак. Булар — ўз бағрида инсониятни тарбиялаб берадиган кишилар. Булар — гулдай яшнаб, булбулдай сайраб, ҳаётимиз кўрки бўлиб турадиган зотлар! Оналар, ёрлар, опа-сингиллар! Мен аёл кишининг куча супуриб юргангани курсам, йиғлаб юбораман. Буларнинг соғлигини ким уйлайди? Ким? Буларнинг қонида, жигарида заҳар-заққум йўқ, деб ким айта олади? Ким? (*Зумрад узини ноқулай сезиб, четга олади*). Ҳаётхон! Олиб чиқинг нарсаларингизни!

Ҳ а ё т уйга кирмоқчи. Қизлар саросимада. Б а х ш у л л о асабий.
Қ и з л а р қий-чув билан парда ёпилади.

ИККИНЧИ ПАРДА

Учинчи кўриниш

Бу сахна — биринчи ва иккинчи кўринишнинг давоми. Ҳ а ё т х о н доғ қотган. Б а х ш у л л о асабий. Ҳ а ф и з х о н қатъий қиёфада. Қ и з л а р З у м р а д ни ўртага олиб, сочини силаб, юз-кўзларини артиб, уқинч, ёлбориш билан тикилиб, унга далда бермоқдалар. (Музика)

З у м р а д арияси

Дўстларим, сиз бирла ҳолим узгача,
Қалб аро унган ниҳолим ўзгача.
Даврангизда бахтиерман, ўйламанг,
Бор кунгил ичра малолим ўзгача.
Энди сиздан айру тушмасман сира,
Сиз билан бахту камолим узгача.
Сочларим эсгай силаб шаббодалар,
Дашт аро инган шамолим ўзгача.
Бор умидим, яхши кунлар келгуси,
Тақдиримдан бор саволим ўзгача.

А н о р (*Ҳаётга*). Хуш, нега ҳайкалдай қотиб қолдинг.
Ҳаётжон?

Ҳ а ё т. Гишт қолипдан кучганга ухшайди. Анор...

Қ и з л а р ч у в в о с б и л а н у н и ў р т а г а о л а д и л а р .

Ҳ а ф и з х о н (*кутилмаганда юракдан чиқариб қаҳ-қаҳ уриб кулади*). Ҳаммаларингизни танийман., гузал сарвинозлар. Мана бу ер — қизлар шийпони, атрофи — қизлар бригадасига тегишли майдон... Олтмиш гектар ерни ипакдай элаб, барака уруғи қадаб, жавлон уриб, орому ҳузурдан кечиб, “оқ олтин” ва ҳоказо етказаяпсизлар. Кузда “зангори кема”нинг пулат этакларидан момиқ шалоласи ёғдириб, оппоқ хирмонлар уясиз. Ҳозир эса ойнинг ним ёғдусида жўяклардан оби ҳаёт қушиқ айтиб оқяпти. Бу ерда эса гуй, қувонч, базм, севги-муҳаббат... (*Қизлар даврасида айланиб...*) Исми шарифларингизни ҳам биламан. (*Бир-бир кўрсатиб*) Анорхон, Барчиной, Зумрадхон, Ойбика, Бахшанда ва бизнинг Ҳаётхон, менинг Ҳаётим!

А н о р (*узича*). Ҳаёт ёзган, қаердан билади булмаса?

Ҳ а ф и з х о н. Ким қаердан келганию феъл-атвори қанақалигиниям ипидан игнасигача биламан. Беш панжадай. Анорхон, сиз бошлиқсиз бу ерда. Ойбика булса Райимжоннинг йўлига интиқ-интизор. Зумрадхон Тошкентдан, Барчиной — меъзон, Қаршидан. Бахшандахон билан Бахшуллохон булса сизларга Бухорода утган тўйнинг давомини қилиб бераётган булиши керак. “Қирқ кечаю қирқ кундуз тўй бериб, муроду мақсадларига етибдилар” деганлари — ана шу.

З у м р а д. Улгир, Ҳаёт ёзган, уша, уша!

О й б и к а. Хўш, билар экансиз, нима қилардингиз от уйин кўрсатиб?

Ҳ а ф и з х о н. Ҳозир шунақа. Дунёла борингни билдириб турмасанг, иш битмайди.

Б а х ш у л л о. Улдирдийиз-ку, одамни, оғайничалиш.

Ҳ а ф и з х о н. Вазифамиз шунақа. Баъзан улдириб ҳам турамиз. Докторчилик.

З у м р а д. Кирганингиздаёқ билувдим, бир қамчи йургангиз борлигини.

Ҳ а ф и з х о н. Бор. “Яхши отга бир қамчи”. Қаёққа бораётганини узи билади.

Б а р ч и н. Лолу ҳайрон қолдирмай бечораларни деганларда...

Ҳ а ё т (*бўйнига олиб*). Хат ёзганим рост, қизлар. Мақтаган эдим сизларни...

А н о р. Мақтовинг улсин, қуйди-чиқди бўлишига жичча қолди-я.

Ҳ а ё т. Жим туrolмайман. Истасанг — шу.

Ҳ а ф и з х о н. Ҳамма гапни тушундим, дилрабо жононлар, дилафруз барнолар, қани, гап-сузни йиғиштириб, тўйни бутун салобати, мафгунокор жилваси билан бор буйига ва энига давом эттирайлик. Чолғу чалинсин, машшоқ дўстлар, ким мен билан ўйини тушмоқчи, марҳамат! Қовоғларни уйиш тўхтатилсин, кайфият баланд кутарилсин. Бахшандахон ва Бахшуллоннинг ёрқин, оламшумул бахти, абадий гузал севгиси учун!

Даврага яна енгиллик қайтиб туй, базм тулқини ёшларни уз оғушига олади. “Раққослар” қушиғининг шуҳ, сирли мавжи яна дилларни қитиқлайди. Қийқириқ, кулги, рақс, куй тўйни безайди.

Қ и з л а р ва Б а х ш у л л о дуэти

- Сурнай чалиниб, оҳанги “ёр-ёр” келаётир.
- Мавжлан, юрагим, гулшанинга ёр келаётир.
- Согинган эдинг, йўлларингга жонни бағишлаб.
- Не бахтки, букун аҳдга вафодор келаётир.
- Бир-бир босибон, меҳру ҳаё ичра ёниб ул.
- Гул-гул очилиб, яхши ният ёр келаётир.
- Оламни гутиб сочларинг хушбўй атри.
- Ташна бу дил уфқига гулзор келаётир.

Б а х ш у л л о:

- Ёрнинг йулига айла, кўнгил, узни поёндоз,
- Орзу тоғининг бағридан анҳор келаётир.
- Дўстлар, не ажаб, етса самоларга бу бошим,
- Кузимга жаҳон, шодлик ила тор келаётир.

Ҳ а ф и з х о н (*ўйшдан тўхтаб*). Жула мириқдим, яйрадим, яшнадим, дилафруз гузаллар, дилрабо жононлар! Йўлнинг чарчоғи ҳам чиқиб кетди. Ҳаётхон, энди тонгда йўлга тушамиз? Ўша гап — уша гап.

Ҳ а ё т (*ўялиб*). Ўйлаб курамиз.

Б а р ч и н (*ҳайратда*). “Ўйлаб курамиз” дейдими?

А н о р. Юрак ўйноғи гапларингизни йиғиштиринг, почча.

О й б и к а. Ҳазил ҳам ўлиб кетсин.

З у м р а д. Гапларида лекин жон бор, қизлар. Тошхон билан Муниҳон ҳам бекорга кетишмади.

Ҳ а ё т. Туғри қилган, ажаб қилган.

Худди шу гаплар асносида саҳнага В а л и ж о н киради. Дўлвор, оддий меҳнаткаш йнгит. Устида, иссиқ бўлишига қарамай, қора костюм-шим. Этик кийган. Кўкрагида нишон. Бир қулида кетмон. Жуда тортинчоқлигидан бўлса керак, қизариб-бузариб ўзини қўйгани жой тополмайди. Манглайдаги терни ҳадеб артгани-артган...

В а л и ж о н. Ҳорманглар-ов, яхшилар.

Б а р ч и н. Саломат булинг. Марҳамат, марҳамат.

В а л и ж о н. Ҳаётхон керак эдилар (*тутилиб*)... Ўзаро гапимиз бор эди... озгина-гина-гина... Ўзлари айтган эдилар... Келишган эдик.

Ҳ а ё т. Келинг, Валижон.

В а л и ж о н. Яхшигина юрибсизми? Димоққинангиз чоғми? Дамликкинамисиз?

Ҳ а ё т. Раҳмат.

В а л и ж о н. Узингиз айтган эдингиз... келгин деган эдингиз...

Ҳ а ф и з х о н. Э, ана холос, ана холос. Томдан келинг, шомдан келинг... эшик ёпиқ бўлса агар, ромдан келинг... Ҳаммаёқ ваъда, ҳаммаёқ висол... Бозорингиз роса чаққонми дейман. Ҳаётхон?

Ҳ а ё т. Озгина ҳап туринг. Гап бошқа ёқда.

В а л и ж о н. Бемаврид келдимми дейман-ов. Гапнинг белига тепмадимми?

Ҳ а ё т. Йўқ, айна вақти. Тўйнинг устига чиқдингиз.

В а л и ж о н (*бирдан узғариб*). Тўйнинг? Қанақа тўйнинг! Ё, алҳазар, ё, алҳазар... Жинни қилиб қуясизлар-да одамни... Биз ҳали ҳеч нарсани келишиб улгурганимиз йўқ. Шошириб қўйманглар одамни.

А н о р. Вой, соддалигини бечоранинг.

З у м р а д. Тўй қизиқ нарса-да, қизлар. Чақирса-чақирмаса, одам деган ёғилиб келаверади.

Ҳ а ф и з х о н. Қули буш қолди, узбек тўй қилади.

В а л и ж о н. Ҳамманиям тўйга етказсин. Бемаҳал келган бўлсам, узр, опалар.

О й б и к а. Опалар ҳам бўлиб қолдик, ҳали.

В а л и ж о н. Э, узр-узр, тилим курсин, ҳурмат қиламан деб...

Б а р ч и н. Ундай деманг. Ҳечқиси йўқ.

В а л и ж о н. Келаётувдим, денг, йулда анови, Тоживой шилқим деганимиз анча тўхтатиб қолди.

Б а х ш у л л о. Тоживойнинг синглиси қайнонаси билан айтишиб қолган эмишми? (*Қизлар кулишади.*)

В а л и ж о н. Қайнонасининг ўзи бемаза аёл, одам топилмаса, эшикнинг тирқиши билан ҳам уришади.

Б а х ш у л л о. Таксани сақламабсиз-да, барвақтроқ келардингиз.

В а л и ж о н. Бу ёққа такса юрар эканми? Ўзингиз зўрмисиз, ишқилиб?

Б а х ш у л л о. Худога шукур.

В а л и ж о н. Ҳаётхон, мен ҳалиги гап билан...

Ҳ а ё т. Ҳозирда, мана ҳозир. (*Қизлар давраси ичида Анорни сургаб чиқади. Анорга*) Гаплаш, улдирма бечорани пичоқсиз.

А н о р. Келинг, келинг... Ҳаяллаб кетдингиз?

В а л и ж о н. Узр... узингиз... дамликкинамисиз, ишқилиб?

О й б и к а. Э, э... Мунча дамликкинамисиз дейверади, нима дегани?

З у м р а д. Дамлаб қўйилганмисиз деганидир-да.

Б а р ч и н. Билмасанг, нима қиласан тушунтириб, бардаммисиз дегани...

А н о р (*Валижонга жавобан*). Раҳмат.

В а л и ж о н. Сувдан хурсандмисиз?

А н о р. Минг раҳмат, Валижон ака. Далаларимга қараб тўймайман. Қаранг, жуякларнинг ичига ойна ётқизилгандай... Ҳур-хур шамолда яйраб, сувга қоняпти мурғақлар. Унутилмас яхшилик қилдингиз. Бу яхшилигингизни қандай қайтаришни билмайман.

В а л и ж о н. Ундай деманг, ундай деманг... Алмашлаб экиш бўлди-ю, ишлар ўзи юришиб кетди. Сувлар ҳам режага тушди.

Аста-секин одим билан и к к а л а с и саҳнанинг олд қисмига келиб, икки чекадан бир-бирига майин, сирли термулади.

В а л и ж о н (*ўзича*). Нима десам экан? Уялиб кетяйман... Кўзида сеҳр бор... Бир йилки, аҳвол шу, оромим йўқ. Кўрдим, тилим тугилади. (*Анорга*) Ишқилиб, дамликкинамисиз?

А н о р. Минг раҳмат... Ҳаво айнаётгани дейман. Қаттиқ шамол турди-ёв.

В а л и ж о н. Шамол турмаса, теракнинг учи қимирламайди, дейишади... Кунботар томонда тўзон кутариши. Осмон қоп-қора.

А н о р. “Туяни шамол учирса, эчкини осмонда кўр”, дейишади.

В а л и ж о н. Эчки ледингизми... Ажойиб маҳлуқ-да, жонивор...
Сутидан ичганмисиз?

Ҳ а ё т. Учирма гап бўляпти, қизлар.

А н о р. Айтинг-айтинг, дулу жаласидан сақласин.

В а л и ж о н (*гап тополмай*). Анорхон, шу... Ҳаётхон деганларингизнинг тили бирам ширин-эй...

Ҳ а ф и з х о н. Ўрнидан кескин туриб, В а л и ж о н га еб қўйгудек тикилади. В а л и ж о н сезмайди. Сунг Ҳ а ё т х о н нинг ёнига боради.

В а л и ж о н. Гапираётганида, ўлиб қоламан, булбулнинг узи!
Одам боласиям шунча буладими, жонингни оламаг дейди-я.

Ҳ а ф и з х о н (*Ҳаётга*). Нечтасининг жонини олгансиз. Буям ошиқларингизданми? Хомталаш-ку ҳаммаёқ.

Ҳ а ё т (*чалғитиб*). Нима қилай узлари осилинса?

А н о р. Нимасини айтасиз. Агар шу Ҳаётхон бир кун булмаса,
Худо кўрсатмасин, жинни булиб қолсак керак.

В а л и ж о н (*Анорга*). Нима бўляпти узи бу ерда? Мажлиси?

А н о р. Тўй.

В а л и ж о н. Э, эй, бир огиз билмабмиз-да. Қуруқ келаве-
рибмиз.

Ҳ а ф и з х о н. Ҳозир қўлга қарайдиган замонми, қолоқ йигит экан.

О й б и к а. Қолоқ эмиш... Фалон сум бермай, балнисасига ётиб бўлмайди-ю...

А н о р. Ҳечқиси йуқ. Бахшандахон деган қизимизни Бахшулло деган йигитимизга узатаяпмиз.

В а л и ж о н (*ҳайрон*). Қайси Бахшулло? Яна қанақа уйланиш?
Эру хотин-ку улар...

А н о р. Энди ўзимиз учун туй қилиб беришяпти.

В а л и ж о н. Бахтли одамларнинг салафаси кетсанг арзийди,
Анорхон!

А н о р. Лаббай?

В а л и ж о н (*Ҳафизга ишора қилиб*). Анови киши ким?
Катталарданми? Комиссия-помиссия?..

А н о р. Комиссияга бало борми. Кўнгил берган қизини йуқлаб кепти... Намангондан...

В а л и ж о н. Намангондан?! Жуда обод жойлар дейишди.
Қиз қуриб кетган эканми уша томонларда?

А н о р. Қизи шу ерда. Ўзимиздан. Ҳаётхон.

В а л и ж о н (*ўзича*). Э, божа булар эканмиз-да... (*Ҳафизхонга*)
Намангонданман денг, ана холос. Унда Қарши бозорнинг арк
ларвозасини қуриб берган уста Ҳайбатуллони танирсиз? Яхши
қурибдиларми, ишқилиб?

Ҳ а ф и з х о н. Раҳмат. Ҳозир эски шаҳаримиздаги дукончада
шим сотадилар.

В а л и ж о н. Э, шим сотадилар? Гулдай ҳунарларини
ташлаб-а?

Ҳ а ф и з х о н. Иш бўлмаганидан кейин, нима қилсин?

В а л и ж о н. Анорхон!

А н о р. Лаббай?

В а л и ж о н. Анови... узимизнинг гап масаласида...

А н о р (*билмасликка олиб*). Қайси?

В а л и ж о н. Анови... Ҳалиги... Келишмоқчи эди... одамлар.

А н о р. Қанақа одамлар?

В а л и ж о н. Соғчилар.

А н о р. Кимга?

В а л и ж о н (*уялиб*). Сизга...

А н о р. Вой! Кимдан?

В а л и ж о н. Билмасликка олманг... узимдан...

А н о р. Ана, холос... Бригадамизга сувларни бемалол қилиб
қуйиб, қарашиб юрганингизнинг сабаби бор экан-да, ана холос...

Ҳ а ф и з х о н (*аралашиб*). “Сендан угина, мендан буина...”
Бу дунёнинг ишлари.

Ҳ а ё т. Шусиз иш битар эканми. Поездга чипта олиб бўлмайди-
ю.

О й б и к а. Аслида, яхшилик қилинаётган бўлади, тагида ним
косаси бор.

Ҳ а ё т. Анов куни Итолмосов билан шу масалада қаттиқ
талашдик. Бу йилни ҳам шу шийпонда омонат ўтказадиганга
ўхшаймиз. Бир нарса таъма қиладимиз-эй.

Б а р ч и н. Ургоқ Итолмосов — директор. Мақсадлари —
жиянлари Валижонга, нима бўлсаям, Анорхонни оғдириб
бериш...

А н о р (*ганга аралашиб*). Ана холос, ўзингдан топ, мени “оғ-
дирибб” булар эканми?

В а л и ж о н. Ҳай, қизлар, аданмайлар. Тоғамнинг алоқаси
йўқ бу ишга.

Ҳ а ё т. Биз билан мусобақадон ийигитлар бригадасининг
аҳволига вой. Уларга на ўғит, на сув, на аҳамият. Бечоралар ўз
ёғига ўзи қоврилиб, жизғанак булиб ётибди.

З у м р а д. Эй, йигитлар булгандан кейин узлари уддалашсин-
да, олма пиш, оғзимга туш, деб утиришадими...

В а л и ж о н. Ана бу гапингиз булакча.

О й б и к а. Шунинг-чун ҳам бир томон гуллаган, бир томон
кулаган. Икки хил ҳолат, икки хил натижа. Ҳар кимга ҳар хил
кўз билан қаралади: қариндоши, яқини, аммасининг угли,
тоғасининг невараси...

В а л и ж о н арияси

Мен севарман, лек унинг парвоси йўқ,
Билмагай ул, мен каби шайлоси йўқ.

Кўзларимга уйқу келмас неча тун,
Ишқнинг бундан оғир савдоси йўқ.

Кўзларимдан дардларимни англаб ол,
Раҳму шафқатдан булак даъвоси йўқ.

Неча мажнунлар менга этсин ҳавас,
Ким уларнинг мен каби Лайлоси йўқ.

А н о р арияси

Оқ кўнгилдир, сузлари этгай аён,
Яхши кўргай, кўзлари этгай аён.

Бағрида ишқ борки, дуч келсак агар,
Меҳрини чўғ юзлари этгай аён.

Ҳар киши севса, унинг дил рўзини
Ёки хат, ё дустлари этгай аён.

Кўнглим ичра ниҳтилиш бор, севги бор,
Чўлни бу юлдузлари этгай аён.

Б а р ч и н. Ҳай, қизлар, тўй бўляптими ё Анорхон билан
Валижоннинг учрашувими? Ё бригада мажлисими?

Б а х ш а н д а. Аралаш-қурлаш.

А н о р. Валижон ака, хуш кўрдик, нимага келувдилар,
тўйгами? Марҳамат.

В а л и ж о н. Мен ўзимнинг... Ҳалигидай... тўйимиз масаласида...

А н о р. Ота-оналарим Андижонда... (Эслаб-энтикиб) Эшигимизни соғиндим...

В а л и ж о н. Чақиртирамиз. Эшагингизниям... Э-э-э, кечирасиз, эшигингизниям олиб келишади.

А н о р (кулиб). Ана холос. Тарихда бўлмаган гап-ку... Қизнинг уйига борилади-ку, одатда. Бу — биринчидан...

В а л и ж о н. Кечирасиз, шошиб қолдим... Борамиз... бутун қишлоқ кўчиб боради, керак бўлса... Эшигимизниям олиб борамиз... кечиринг... тажрибасизлик... Истасангиз, тоғамнинг ўзлари — Итолмасовнинг шахсан ўзлари совчи бўлиб бормоқчилар.

А н о р. Гапни қаранг, “истасангиз” эмиш.

Қ и з л а р. Итолмасовнинг “улуғвор” салобати, раҳбарий қилиқларини ўзларича талқин этиб кулишади.

А н о р. Иккинчидан... Орамиздан ҳали жиддий, бирон гап ўтгани йўқ...

В а л и ж о н (шошиб). Утказамиз... қачон десангиз...

З у м р а д. Ҳай, қизлар... тўйимиз кечикиб кегяпти-ку, масала таллашиб.

О й б и к а. Узи буладими?

Б а р ч и н. Қизлар, келинлар, қани, ҳамма жой-жойини эгалласин. Келин билан куёв турга, бошқалар — икки қанотдан.

Ҳ а ф и з х о н. Мана бу гап бошқача! Йигитлар ҳам уч дона бўлиб олдиқ, ризқимиз қушилган экан.

А н о р. (кулиб) Яна уч дона булса. умумий тўй бўларкан-а...

О й б и к а. Насиб булса уям булади. Ҳозирча нақдидан келайлик.

Кулги, шўхликка пайваста “Тўйлар муборак!” садоси янграб, ҳамма жой-жойини эгаллаб, келин-куёв, яъни Бахшулло ва Бахшандани турга оладилар.

А н о р қушиғи

Бахшандахон, нақш олмажон,
жонона бўлдинг бу кеча,
Бахтинг кулиб, чин соҳиби
кошоно бўлдинг бу кеча.

Яйраб, кулиб, пайваста бўл
 бахтинг билан, тахтинг билан,
 Севгинг билан, аҳдинг билан
 ҳамхона булдинг бу кеча.
 Юлдуз тўла осмон сени
 қувиб муборакбод этар,
 Шўх дустларинг ичра асил
 дурдона бўлдинг бу кеча.
 Давранг тулиб, мезбон бўлиб,
 севгинг ўзи жавлон урар,
 Хижрон кетиб, ғамдан тамом
 бегона бўлдинг бу кеча.

А н о р (*уйиндан тухтаб*). Қизлар дейман, айтинг-айтинг, бу машмашамизни биров билмасин. Ярим кечала чулнинг уртасида бу ҳангомамизни кўрган одам бир жойга ўт кетди деб ўйлайди, ҳойнаҳой.

О й б и к а. Қўрқадиган жойимиз борми, менга деса утакаси ёрилиб улмайди.

Б а х ш у л л о. Мана биз эски пожарний. Биз бор жойда ут кетмайди, яхшилик бўлади, Худо хоҳласа.

З у м р а д. Мақтанманг, сизлар ҳам ёниб бўлгандан кейин класизлар, ноғора чалиб.

Ҳ а ё т. Бир тупкани тагида ётган булсак, ким ҳам биларди, дейсан.

З у м р а д. Айниқса, директоримиз Итолмасов эшитсами... шайтонлаб қолар-ов.

Ҳ а ё т (*курсатиб*). Қоринларини айтмайсизми, узларига ярашади. Столбага тарвузни бойлаб қуйгандай.

А н о р. Қуйсанглар-чи уша тепса-тебранмас Итолмасовни. Ётгандир-да бир жойда ҳуррак тортиб.

Ҳ а ф и з х о н. "Эларо бордир масал: хурракни дур-рак тортадир".

В а л и ж о н. Тоғам булсалар ҳам, аммо-лекин гапнинг уғил боласини айтдингиз, кўлни тайланг, ака мулло!

Ҳ а ф и з х о н ўрнидан кескин кўзғалиб, ҳаммани оғзига қаратиб, қадаҳ айта бошлайди.

Ҳ а ф и з х о н. Ҳурматли меҳмонлар, ушбу хонадоннинг соҳиби ва соҳибалари, азиз отахонлар ва мунис онахонлар! Опа-сингиллар...

О й б и к а. Туйларда айтиб юрган гапини такрорляпти, тутиқуш.

З у м р а д. Туй бошқарадиган жуқилардан булса керак.

Ҳ а ф и з х о н (*давом этиб*). Диққат, диққат, тинчлик сақлансин. Ҳозир бир фалсафий гап айтмоқчиман. Қадимда, бир олис вилоятда аёл киши подшолик тахтига чиққан экан... Чиқибди-ю, ҳамма олий мансабларга аёлларни тайинлай бошлабди. Вазир — аёл, хазинабон — аёл, лашкарбоши — аёл, борингки, жамийки амалдору казо-казо — аёллардан. Ҳатто аскарлар ҳам... Шу зайлда, десангиз, жанговар йиллар утиб, кунлардан бир куни уша аёл бошлиқларнинг кунли бир базм тузишни тусаб қолибди. Ясан-тусан, мушку анбар, атру уша истаги қонларида ғулув қузғаб, қўлларига ойна олиб, ўзларига бир қарасалар, ё, Раббий!... Ҳаммаси бирдан чуввос солиб, ўкириб йнглаб, ёқаларини вайрон қилибди. Во ажаб, во ажаб! Ойнадан: тош қотган мушаклар, ажинли юзлар, дурлоқ лаблар, эркакбашара дагал кимсалар қараб турганмиш! Даҳшат! Улар оналикни ҳам унутган, фарзанд меҳрини ҳам тунунмайди, аяла айтиш нима, бешик тебратиш нима, оила нима — бу туйғуларнинг барчасидан йиллар мобайнида маҳрум бўлишибди-да! Даҳшат! Сунг ойналарни ерга уриб, чил-чил синдириб, яна табиат қонунларига биноан, уз аёл моҳиятларига қайтишибди ва ҳоказо...

Б а х ш у л л о. Аммо-лекин жидоям маъноли гап айтдингиз. Эрдан чиғмайतिकон.

А н о р. Аёлларни камситиш учун уйлаб топилган афсона.

О й б и к а. Дим ёмон курганим — мажлисбозлик...

З у м р а д. Ундай эмас, тагдор гап бўлди.

Б а р ч и н. Тагдор гаплари шуки, қизларга йул булсин чул узлаштириш, деяптилар.

Ҳ а ф и з х о н. Сизлар шундай деб тургандан кейин, мен бошимни қайси тошга уриб ёрай. Биз кўпинча қилаётган ишимизнинг бориши, яхши якунланиши билан қизиқиб кетиб, унинг негизига, моҳиятига нигоҳ ташламаймиз.

В а л и ж о н. Мулло одам экан. Нуқул “моҳият” дейди.

Ҳ а ф и з х о н (*давом этиб*). Мана дейлик, сизлар... яъни қизлар, ёш аёллар... менинг азизларим, фаришталарим. Нима қилиб юрибсизлар бу оқтобда, чатнаб ётган дашти Карбалонинг қоқ уртасида? Тупроққа ботиб, ҳаловатдан кечиб, севгидан, севинчдан, инсончасига янашдан маҳрум бир қиёфала узингизга мос булмаган юмушлар билан шуғулланиб? Қаҳрамонлик учунми?

Тошпириқми? Буйруқми? Ташаббусми? Агар ташаббус булалиган бўлса, мени кечирасизлар, бу қутир байтални ҳадеб қамчилайвериб, жарнинг ёқасига келиб утирибмиз-ку!

А н о р. Ҳей, дўхтир ака, сиёсатдан ваъз ўқимай, ўз касбингизни, чақалоқларни жичча уйласангиз-чи.

З у м р а д. Бирор ташкилотдан юборилган бу киши.

Б а р ч и н. Маданий-оқартув олиб боряпти.

О й б и к а. Ҳаммаси майли-ю, туйимизга путур етди.

Ҳ а ё т. Путур етмайди! Қизлар, бушашманглар, қани музика, қани рақс!

Б а х ш у л л о. Йўқ, гапирсинлар, эшитамиз.

Ҳ а ф и з х о н. “Чақалоқларни жичча уйласангиз-чи”, дейилди ҳозиргина. Худди шуни уйлаганим учун ҳам юрак-бағрим куйиб кетутти. Пахтанинг кўр-кўрона мубталоси бўлиб, ерни, сувни, ҳавони заҳарлаб, ўзимизни юз хил касалга гирифтор қилиб, ошшоқ пахтани қон-қора балога айлантириб қўйдиқми? Қўйдиқ! Буни уйлашимиз керакми? Керак! Сизлар эса гўё яхши ният билан келиб, сохта ташвиқотларга учиб... ана шу бўлажак чақалоқларни, келажагимизни ҳозирданоқ, дунёга келмасидан олдин ҳалокатга маҳкум эътиписизлар. Гуё билмасдан, гуё яхши ният билан! Биз эркаклар-ку кўр бўлиб, сизларнинг нозик елкангизга шу тоғдай зил юкни ортдик. Қани сизнинг исёнингиз, қани ўзлигингизни ҳимоя қилишингиз? Ҳаммасини пеннонадан кўриб, куниб кетаверасизлар. Ҳолбуки, сизнинг ғазабингиздан бу дунё портлаб кетиши керак эди!

Б а р ч и н. Тухтанг! Нимаси ёмон, биз янги ерлар очиб, чулларни гулистонга айлантурсак? Савоб иш эмасми бу?

О й б и к а. Одам дунёга бирор хайрли иш қилиш учун келали-ку, аслида. Тоғларга чиқмасдан дулона қайда?

Б а р ч и н. Китобларда ҳам шундай ёзилган.

З у м р а д. Зарурат булганда кейин на илож! Юргга, мамлакатга, дунёга пахта керак эмиш.

А н о р. Пахта, пахта! — деб Турсуной Охуновалар ҳам утиб кетди дунёдан.

О й б и к а. Пахтани қарғай-қарғай жон берган экан, бечора.

Ҳ а ф и з х о н. Гап пахтада эмас. Гап бизнинг унга топинишимизда. Туғрироғи, қурқоқлигимизда. Ол, деганда югуриб кетаверишимизда. Шунга урганиб қолганмиз. Биз эркаклар эса, ҳар қандай ҳалокатнинг олдига сизни қалқон қилиб чиқамиз. Бу етмаганидай, сув келса — симирамиз, тош

келса — ксмирамиз! — деб кукрагимизга ҳам урамиз. Фожеамиз ана шунда. Пахта биз учун эмас, аксинча, биз — пахта учун!

В а л и ж о н. Бизларнинг нонимизни яримта қилиб, шүримизга шурва тукиб, манови сингилларимизни бездирмоқчимисиз бу ердан? Оғзимиз ошга етганда...

Ҳ а ф и з х о н (*пинагини бузмай*). Асло бездирмоқчи эмасман, Валижон, мана сиз билан ҳам бир қадар танишиб олдик, тушунадиган йигитга ухшайсиз, ниятингизга етинг, тупроқ олсангиз, олтин булсин ва ҳоказо.

В а л и ж о н (*кафтани кафтига ишқаб*). Айтганингиз келсин, илойим.

Б а х ш а н д а. Қизларимизнинг гърифини келтирсангиз, уша тузук эди қайтанга, бир бошладингиз-у, бошқа ёққа утлаб кетдингиз.

Б а х ш у л л о. Ушандан олинг-эй, ака. Фуссали гаплардан одамнинг упкаси тулиб кетади.

Ҳ а ф и з х о н. Бепоен мавзу бу. Миллион китоб ёзилган ва яна ёзилажак бу ҳақда. Аёл — дунёнинг курки, ҳаёт ибтидоси, оила манъали, гузаллик-меҳр тимсоли! Аёл парвариш талаб қилади. Парвариш булсагина, у паривашга айланади! (*Шеър уқийди*)

Қалбимизда унган абадий кўклам,
Бизга доно аёл ёрлигидандир.
Балки бу дунёнинг гузаллиги ҳам
Дунёда аёллар борлигидандир.

В а л и ж о н. Янланг-эй, ака!

Б а х ш у л л о. Тилингизга шакар!

Ҳ а ф и з х о н (*ҳамон уша хаяжонда*). Аёлни эркак билан тенг ҳуқуқли деб эълон қилиш моҳиятига назар солганда — бу уни камситишдир, бу уни эркак даражасига тушириб қўйишдир.

Б а х ш у л л о. И-бе, қиёмат! Маззайиз яхшими, ишқилиб.

В а л и ж о н. Бу ёғи қандоқ булди?

Ҳ а ф и з х о н. Катта бир шоир шундай деган. Ва мен бунга кўз фоиз қўшиламан.

О й б и к а. Нима, уйларнинг эркатойи булиб, кокил тараб утиришимиз керакми, бундан чиқди?

А н о р. Бола боқиб, кир ювиб, таппи ёпиб.

Барчин. Озгина кўнгил очиб утираман десаиғ ҳам,
мажлисга айланиб кетади-я, ё, товба!

Ҳаёт. Дуо кетган ўзи.

Ҳафизхон. Инсониятнинг энг гўзал қисми бўлмиш
аёлларни арзанда қилиш, ардоқлаш, уларнинг соғлиғи, бахти,
ошаниғи, камоли ҳақида қайғуриш жамиятнинг бош вазифасидир
ва ҳоказо.

Анор. Бу — жуда умумий гап. Етмиш йил эшитдик бу хил
шиорларни, энди ишнинг ўзига утиш керак.

Ҳафизхон. Балли. Сизлар бу ерга шиор, чақириқ, танаббус
билан келгансиз. Ҳолбуки, булар инсонни камситади.

Анор. Қачонгача осмондан мўъжиза кутиб ётамыз. “Ҳолва-
ҳолва” деган билан оғиз чучимаиди-ку. Ўзимиз яратишимиз керак
эмасми ўз бахтимизни?!

Ҳафизхон. Балли. Шиорлар эмас, шароит керак! Шундай
шароитлар керакки, инсоннинг ўзи шиорларсиз, чақириқларсиз
янада купроқ, янада яхшироқ ишлайдиган бўлсин, токи! Шундай
шароитлар керакки, токи инсон ўзини инсондек юксак, ўз
олий мақомида ҳис этсин. Етар, мана бу хилдаги омонат,
олачалоқ кулбалар! Мен сизни тупроққа қоришган ҳолда
кўришни истамайман, азизаларим!

Анор. Хуш шу шароитларни ким яратиб беради?

Ҳафизхон. Жамиятнинг вазифаси бу. Нега сизлар турли-
туман маҳрумиятларга учраб, узингизни тажриба учун синаб
кўрилаётган, кечирасизлар, маҳлуқлар ҳолатига тушириб
қўйишларингиз керак?

Яна бир совуқ сукунат чўкади.

Ҳафизхон. Ё, масалан, Анорхонни олайлик. Барқ урган
жаннатий гўзаллик! Муомала, одоб, ширин сўзлар. Ҳатто жаҳди
чиқиб кетишям одамни мафтуну мубтало қилади. Барчиной
ҳақида-ку сўз бўлиши мумкин эмас. Бу — ўйна Алломиш қалбини
забт этган гўзал Барчинининг нақ ўзи!

“Қурре ё қур, ҳайто, тўрамнинг оти.

Оқ тўшим ййловинг, сочим супурги”.

“Сочи бирла бўйини тенг яратди!”

Бахшанда сиймосида эса, Бухоро зардўзлигининг бутун
назокати ман-ман деб турибди! Ойбика — Хоразмнинг асил
дурдонаси. Опноқ кабутар!

Кезсанг чаманда, сочинг ел бирла ўйнашурлар,
Елкаю куксининг тутиб, бел бирла ўйнашурлар.
Қалбу нигоҳим оқур ушал қаро мавж аро,
Бсбош гўдаклардирким, сел бирла ўйнашурлар.

А н о р. Ҳаёт, навбат сенга етди.

Ҳ а ф и з х о н (*Ҳаётга энтикиб-энтикиб қараб суз излайди.*
Ҳаётхон тортиниб, гандан қочади). Менинг Ҳаётим! Борлигим!
Бу дунёда юрганимнинг боиси...

Ҳ а ё т. Бўлди, бўлди. Уялтирманг одамни.

Ҳ а ф и з х о н қушиғи

Бир-бирингиздан гўзалсиз,
Бир-бирингиздан асал,
Шаънингизга арзига
Юлдуз бўлиб ёгса газал.
Меҳрингиздан минг кўнгилларда
Баҳорлар барқ урар.
Сеҳрингиздан тоғу дарёларга
Тушгайдир амал.
Сочингиз хушбуйидан
Олам муаттардир тамом,
Қошингиз ёси кўнгиллар
Мулкани этгай қамал.
Кузингиздан, сўзингиздан,
Ўзингиздан мастман.
Ҳар бирингиз бир гузаллик
Тахтада танҳо гўзал!

Буларнинг ҳар бири ҳақида минг бир кеча ҳикоят қилсам
бўлади ва ҳоказо.

В а л и ж о н. Акажон, яхши ният-да, насиб бўлса, бизни
туйни ҳам ўзингиз бошқариб берасиз.

Б а х ш у л л о. Мен ҳам энди туй кўргандай бўляпман.
Билимдонларнинг тасаддуғи кетсанг арзийди.

Ҳ а ф и з х о н. Билимдонлик эмас. Аксинча, куп нарсаларни
тушунмайман:

— Нима учун сулим қизларимиз чўлда ер тирнаб, соғлиғини,
тароватини ерга кумиб, янги-янги пахтазорлар очиши керак?!

— Нима учун беш-олти ёшли гудаклар алифбо урганиш урнига тонгдан-шомгача пахтазор оралаб, юз хил касалга чалиниши керак?!

— Нима учун олтин ерларимизнинг ҳаммаси пахтанинг маҳрига тушган бўлиши керак?

— Нима учун она-заминнинг барча бойликлари ўзимизга буюрмай, бутун дунё билан баҳам кўрилиши керак?

— Нима учун тоза ҳаво урнига заҳару заққум, тоза сув урнига қуланса балчиқ ютишимиз керак?! Мен тушунмайман, тушунолмайман асло!

Б а х ш у л л о. Баракда ётиб юришлар ҳам жонга тегиб кетди.

В а л и ж о н. Бизга шуям йуқ.

О й б и к а. Одам ўз бахтини ўзи яратиши керак.

З у м р а д. Олма пиш, оғзимга туш билан иш битмайди-ку.

Ҳафизхон. Бу гапларнинг ҳаммаси юзаки. Ҳамма фожеа — ўзимизни ўзимиз алдаб келишимизда ёки қурқоқлигимизда. Моҳиятини кура билмаслигимизда. Сизларнинг бу ердаги ясама ҳаётларингизнинг ўзи ҳам шунинг бир қурилиши. Фидойилик! Ватанпарварлик! Ташаббус!

Б а х ш у л л о (*урнидан кескин қўзғолиб*). Тоз-за қўйиб берса, осмону фалакка чиқиб кетяпсиз-ку. Бу ёшларнинг кўнглини совитиб, тарқатиб юбориш учун келганмисиз? Маззайиз яхшими, ишқилиб?

В а л и ж о н. Э, менга ёқмаяпти гаплари, энди елкамизга офтоб текканда...

А н о р. Бескорчиликдан бир тўй ўйлаб топувдик, унгаям куз тегди.

Ҳ а ф и з х о н. Энг аввало, қадр-қиммат масаласи. Мен аёл кишининг утин ёришини, оғир юк кутаришини, қомати дол бўлиб, офтоб чўғида ёниб, териси суягига ёпишиб хизмат қилишини аҳлоққа зид, ғайри инсоний нарса деб биламан. Чунки бола тарбиясининг бузилиши ҳам, аёлнинг ўз-ўзига ўт қўйиши ҳам, пароканда рузғор ҳам, жинояту хиёнат ҳам — ҳамма-ҳаммаси шундан! Фарзандларнинг она бағридан, она тарбиясидан маҳрум бўлиб усаётганлигида ва ҳоказо...

Б а х ш у л л о. Хуш, нима қил дейсиз, оқсоқол. Бошимиз гангиб кетди-ку!

В а л и ж о н. Ёнимизга бир яхши одам қушилди десак...

Ҳ а ф и з х о н. Мен ҳамма нарсага ақл-идрок кузи билан қарашни истайман, холос. Шури чиқиб, оғпоқ туз бўлиб ётган

ерга чигит қадаб, сувни ҳам, меҳнатни ҳам исроф қилиб, бир гектардан ун центнер пахта оламанми-йўқми деб, ўзини утга-чўққа уриб ётишни, кечирасизлар, энг камида она-еримизга, ўз-узимизга ҳурматсизлик, деб биламан.

Б а х ш у л л о. И-бе, қиёмат! Туйимиз нима булди? Бизни гурга утказиб, суд қилишга чақирган ким ўзи?

Б а х ш а н д а. Ким буларди, анови Анорхон-да, бир жойда жим туролмайдиган. Ҳаммани қузғаган уша.

А н о р. Ёмон иш қилибманми?

З у м р а д. Бундан ортиқ буладими?

Б а р ч и н. Даф булди вақтичоғлик.

О й б и к а. Даврамизга дарз кетди.

А н о р. Ҳаёт!

Ҳ а ё т. Лаббай?

А н о р. Гапир. Жиймгина бўлиб, пусиб қолдинг. Йурғалашларинг қани?

Ҳ а ё т. Ҳар ким узига-ўзи жавоб берсин. Кўнглимдаги гапни айтяггилар Ҳафизхон акамла. Бизни водийда томнинг тепасигача пахта экиб булинди-ку. Ер йўқлигидан келаверганмиз ҳамма шароит тап-тайёр! деганлари учун.

З у м р а д (*узига ўзи, уйчан*). Севиб турмуш қурган эдим. Тошкентнинг Кукчасиданман асли... Ўртада бола бўлмаслиги сабаб, муросамиз келинмай, эрим уйланиб олди. Талабалик йилларим пахта теримига бора-бора — бир балони ортириб олдим, чоғи. Қузимга дунё қоронғи бўлиб турган кунларнинг бирида маъови Анорхон телевизорга чиқиб, жавраб қолди-ю, бахтим очиларми деб, гаваккал қилиб келавердим. Ота-онамнинг аҳволиям ўзига яраша. Олтита синглим бор. Уларни узатишнинг ўзи бўлмайди. Озгина пул топсам, бир кунларига ярармикан, деб ўйлабман. Бу ёғини тақдирим билади.

А н о р. Ташаббус билан чиққанам рост. Андижондаги Пахтачилик институтини битирдим-у, кўнглимда ярқ этиб бир учқун чақнади: бир гуруҳ қизлар нима учун узимизни кўрсатишимиз мумкин эмас!

О й б и к а. Учқундан аланга чиқариб утирибсан.

Б а р ч и н. Биров бир нарса деса, лаққа учиб, ишдан қулмиз совурмиди, ана гап-а, нима оловга келганмисизлар?

Б а х ш а н д а. Чилаганга чиқарган.

Б а р ч и н (*гамгин*). Мен сизларсиз яшай олмайман, қизлар, елғиз овунчоғим, излай-излай топганим, суянганим тоғим,

кунглимдаги чирогим сизлар эдингиз. Севган, аҳд-паймон қилган йигитим армиядан ўлиб қайтди-ю, яшашнинг қадр-қиммати қолмади... Узимни-узим нобуд қилай деб турганимда, сизларни Худо етказган эди. Энди мени шу бахтдан ҳам бенасиб қилманглар.

Х а ё т (*Барчинни қучоқлаб*). Мени кечир, дугонажон. Лекин кетмасам бўлмайди. Гап шунақа бўлган. Кетишим керак. Кетаман!

Х а м м а ҳайрон.

А н о р. Қасққа?

О й б и к а. Ҳазилинг курсинг.

Х а ё т. Ҳазил эмас. Қарорим қатъий.

З у м р а д (*уйчан*). Бу гап бўлиши аниқ эди.

А н о р (*Ҳаётга*). Яна бир марта айт.

Х а ё т. Кетаман.

Б а х ш а н д а. Бизлар-чи?

Х а ё т. Ўзларинг биласизлар. Бу ғариб, омонат турмуш (*қизларни курсатиб*) буларнинг ҳам жонига теккан.

З у м р а д. Ҳарҳолда, яхши бўлмади.

Х а ё т. Лекин дўстлигимиз қолади.

А н о р. Ярим йулда ташлаб кетиб, яна дўстлик, дейди.

Изтиробли бир маъюслик ҳамма ни забт этган, бир-бирларининг кўзларига қарашга ботинолмайдилар.

В а л и ж о н (*Ҳафизага*). Аммо-лекин, оқсоқол, ёмон иш қилиб кўйдингиз. Қадам олишингиздан хавотирда эдим.

Б а х ш у л л о. Бемаҳал бало-қазодан узинг асра, ё, товбангдан кетай!

Бахшидахон! Сизга нима бўлди? Ҳар нарсани кунгилга олаверманг. Нима бўлди? Нега рангингиз...

Б а х ш а н д а. Кунглим аиниди (*қайт қилмоқчи булади*).

Қ и з л а р. Ҳ а ё т х о н н и кўйиб, энди уни ураб оладилар.

А н о р. Доктор чақирай десанг, телефон ўлгир йўқ.

О й б и к а. Телефон бўлгандаям, доктор қани?

Х а ф и з х о н. Мана мен — доктор. (*Бахшандага*) Бу ёққа келинг-чи, синглим. Қизлар, берироқ, илтимос. Ёки нарироқ

туринглар. (*Сумкасини очиб, юрак эшитадиган асбобини олиб, Бахшандага*) Бир чеккага утинг-чи, мен бир эшитиб курай.

Б а х ш у л л о. Ҳей, нима қиялпсиз, қанақа одамсиз!

Ҳ а ф и з х о н. Ҳалақит берманг. Вазифамни бажаришим керак.

Б а х ш у л л о узини қасрга қўярини билмай, типирчилаб қолади. Ҳалиги ҳолат янада мураккаблашади. Ҳ а ф и з х о н Б а х ш а н д а н и четга олиб чиқади. Б а х ш у л л о уртанади. Уқ еган арслондай саҳна айланади.

Ҳ а ф и з х о н (*уртага чиқиб*). Ҳеч нарса эмас. Утиб кетади. Табиий ҳолат... Ҳалигидай... бошқоронғилик. Табриклайман, Мирзожон.

Б а х ш у л л о (*ута шод*). Ия-ия, ана холос, бошқоронғилиқ дейсизми? Ё, қудратингдан! Бахшандахон! Нима тусаяпти кунглингиз? Дунёнинг довуччасини узиб келаман. Уртоқлар, дўстлар, қизлар! Мен ота бўляпман. Эшитяпсизларми? Мен ота бўляпман! Бахшандахон, буюринг, жонингиздан ургилиб кетай. Нима истасангиз, буюринг. Бу туй кимники эди ўзи? Э, эсимни қаранг. Узимизники, шекилли. Бутун дунёга туй бераман. Бор-йўғимни йулингизга совураман. (*Ҳафизхонга*) Сизни худо стказди чоғи, қадамларингиздан ургилиб кетай (*Бахшулло ҳаммани бағрига босгудай давра айланади*).

Қулоқ солинг, одамлар,
Эшитингиз, одамлар,
Мен — ота бўлмоқдаман!

Эшитингиз, юлдузлар,
Кечалару кундузлар,
Мен — ота бўлмоқдаман!

Аммалару холалар,
Саҳродаги лолалар,
Мен — ота бўлмоқдаман!

Яйранг, ҳайқиринг, чуллар,
Шодон чайқалинг, қуллар,
Мен — ота бўлмоқдаман!

Садқа қилай боримни,
Кучай азиз ёримни,
Мен — ота бўлмоқдаман!

Бахшандахон!

Бахшанда. Кулогим сизда, даласи.

Барчин (*уялиб*). Даласи дейди-я, вой, улмасам.

Анор. Бир гапи бор экан-да. Фикри-ёди довучча эли.

Хафизхон (*хурсанд-мамнун*). Демак, чўлда биринчи чақалоқ туғилади! Мен эса, болалар доктори сифатида бу кувончни ташлаб ҳеч қаяққа кетолмайман.

Хает. Мен ҳам! Шу гапингизга интизор эдим.

Валижон (*ҳайратда*). Ё, товбандан кетай, бирдан узғариб кетдингиз, оқсоқол, омонликми ўзи?

Хафизхон. Омонлик, омонлик. Валижон. Ҳар бир касбинг ўз меҳрингисини булади. Фақат узига хос. Дейлик, бирор уйга ўт кетса, ҳамма гашқарига қочади жонини ҳовучлаб. Ут учирувчи эса узини уйга-ўт ичига уради. Бу — унинг стихияси! Биласизми?! Биз ҳам ушанақа!

Бахшулло. Билганда қандоқ. Илойим, ўт кетмасин. Бизда ўша фидойи. Ўлсак ўламиниз-у, учириб ташлаймиз.

Хафизхон. Балли. (*Қизларга уғирлиб*) Сизлардан олис кетиш энди менга йўл булсин! (*Эркалаб*) Менинг оппоқ кабутарларим! Муштипарларим! Ҳамма машаққатни биргалашиб енгамиз, насиб булса.

Қовоқларингизни очинглар, дунёга кулиб боқинглар, менинг гузал фаришталарим! Беғуборларим! Оппоқ кабутарларим!

Анор. Шу гуришимизнинг ўзи бир жаннатий томоша, қизларжон. Энди алови ёниб кеткур чуврини қўсқиларимизни киймаймиз.

Қизлар. Киймаймиз!

Ойбика. Асю! Олиб чиқинглар, қизлар!

Эски пахталик, кирза этиклар бир уюм қилиб, уртага ташланади. Шу аснода... машина гудоги, одамлар шовқини, кулги-ҳазил эшитилади. Қизлар хайратланиб қулоқ тутадилар. Ширакайф Итолмасов, комиссия раҳбари ва бошқалар киришади.

Итолмасов (*комиссия раҳбарига*). Қирнинг устига чинқанда роса маза қилдингиз-да, оқсоқол.

Комиссия раҳбари. Нимасини айтасиз! Шамолини қаранг. Роҳат, роҳат! Қанотинг булса, учираман дейди. Юлдузлар худди гулхандай ловуллайди. Қул узатсанг, кафтингга қунадигандай. Қоп-қоронғи кечага беҳисоб машғалларни осиб қўйгандай...

Итолмасов. Мана, гузал қизларимиз ҳам у-ў-утиришибди, юлдузли осмонни томоша қилиб.

Комиссия раҳбари. Да, да. О, базм ҳамон зур-ку! Катта, порлоқ меҳнатдан сўнг ҳар қанча дам олинса, роҳат қилинса ярашади. А, между прочим, Итолмасов, қизларингиз жуда жозибали. Буларни зериктириб қўймаслик керак. Бунақани чиройли либосларни биринчи кўришим.

Анор (*ижирганиб*). Дастурхонга марҳамат, меҳмонлар.

Комиссия раҳбари. Раҳмат. Биз ҳозиргина зур утиришда бўлдик. Колхоз боғида. Товуқнинг сутидан бошқа ҳамма нарсани едик, ичдик. Гушт куп сизда. Мева куп. Шароб куп. Эй-х, черт побери, Мария Петровнаиям олиб келиш керак эди-да. Бир яйрар эди бечорагинам. Бизнинг хотин. Осиде кўёши қуйдиради, деб қўрқиб юради.

Барчин (*кинояли*). Дастурхонимиз колхоз боғидагидай булмасаям... кўнглимиз очик. Марҳамат, хурсандчилигимизга шерик бўлинглар.

Итолмасов (*хушёр тортиб*). Хурсандчилик?! Айтмоқ-чи, нима гап булаяпти узи? Бунча безаниб олибсизлар? Анови бегона йигит ким? Валижон нима қилиб юрибди, тентираб, ярим кечада?

Анор. “Узумнини егин-у, боғини сўрама”, дейдилар. Уз оёқларинг билан келдинглар, утиринглар-да... маз-за қилиб, музыкамиз бор, уйнанглар ундан кура.

Комиссия раҳбари. О, қойил! Мана бу бошқа гап. Дашт кечасида рақс тушиш! Бу — афсона! Бу — эртак! Уйга қайтганимда Мария Петровнага гапириб берсам, улай агар, ҳайрагдан ёрилиб кетади.

Ҳафизхон. Ҳурматли комиссия, битта саволим бор...

Комиссия раҳбари. Айтилсин, биз ҳар қандай муаммони ечишда кўмакка тайёрмиз.

Ҳафизхон. Айтинг-чи, Мария Петровнанинг боласи негга?

Комиссия раҳбари. Битта. Уз ёшлиги, гузаллигини узоқ сақлаш ниятидаким, биттадан оширмайман дейди. Куп бола гуғиш — қолюқлик, ўрта аср, ибтидоийлик қолдиғи, дейди.

Ва туғри айтади. Одам дунёга бир марта келади. У, аввало, узи учун яшаши керак. Ўзини уйлаши керак.

Х а ф и з х о н. Бошқа саволим йуқ.

К о м и с с и я р а ҳ б а р и. Бу митингга рухсат олинганми ўзи?

Б а р ч и н. Митинг эмас, тўй бу.

И т о л м а с о в. Тўй? Қанақасига?

Б а х ш у л л о. Тўйнинг қанақаси буладими. Иб-бе, қиёмат... Булли-булли, нима бўлли... битта тўй-да.

Х а ф и з х о н. “Порлоқ” меҳнатдан кейинги тўй.

К о м и с с и я р а ҳ б а р и. Сиз ажойиб Шарқсиз. Сизни гушуниб бўлмайди.

А н о р. Очиғини айтаётганингиз учун раҳмат. Ёшларга бир нарса денг...

К о м и с с и я р а ҳ б а р и (*қадаҳни қўлга олиб*). Мен ёшларни табриклайман, албатта. Бу — менинг гражданлик бурчим. Биз доимо халқ орасида булишимиз керак. туғрими, Итолмасов? Халқ эса улуғ куч! Халқ — доно! Халқ — философ! Айниқса, ўзбек халқи — тарихий халқ! Бутун борлиғини — тилласини, газини, ғалласини, пахтасини, пилласини, нимайки бойлиги булса барчасини, ҳатто соғлиғини Вағандан, давлатдан, партиядан, дустлардан аямайдиган халқ. Еб турган бурда нонини, ичиб турган қултум сувини меҳмонга тутади. Жонини аямайди. Суякка, чўпга айланса айланадики, сузининг устидан чиқали. Оч қолса, яланғоч қолса қоладикки, дўстни тўйгазади, кийинтиради. Мен бу ҳақиқатни кун эшигган. Уқиган эдим, бугун ўз кўзим билан курдим. Итолмасов! Мана сизлар, қизлар, ҳар қандай комфорт-фароғатдан кечиб, бизни ўйлаб, ишлаб ётибсиз, минг раҳмат! Мен ёшлар учун ушбу қадаҳни бор буйинга кўтараман! Нима баю, шампанни дейман бу? Хай, майли, кетдик!

Хулласи калом, булар ҳам ушбу шодисёнага аралашиб кетали. Бутун алами томоғига қадалган, пичоқ суякка етган қизлар кутилмаганда исён кўтариб, шиппонни ағдариб ташлайдилар. Бу — рамзини маънода омонат, зурма-зўраки қурилган тузумнинг қулаб тушмоғидир. Бир жойга туланган этик — нуфайкаларга ут қуймоқчи бўладилар. К о м и с с и я р а ҳ б а р и ва И т о л м а с о в ўзларини йўқотиб қўйиб: “Нима қиялсанлар, бу қандай даҳшат!” — деб дод солишиб, тилвасада югурдилар.

К о м и с с и я р а ҳ б а р и. Нега бузяписизлар? Бу қандай бебошлик? Бу — исён. Мен бунини марказий ҳукумат олдига қўяман!!!

Қ и з л а р *(қаҳ-қаҳ уриб куладилар)*.

— Марказий ҳукумат олдига қўяр эмиш, ҳаҳ-ҳаҳ-ҳаҳ! Марказий ҳукуматнинг бошингда қолсин!

Талотуп, кутилмаган натижа...

Ҳ а ф и з х о н. Мана бу бошқа гап. Қолганини уйлаб қўрамиз.

Б а х ш у л л о. Тоз-за ўлдирдийиз-ку оламни, бомисиз, оқсоқол, мазайиз яхшими, ишқилиб?

Ҳ а ф и з х о н. Сизлар билан бизни бу ерда улуғ муҳаббат туйғуси, тақдирнинг узи учраштирди, чамамда. Муҳаббат бор жойда гўзаллик бўлиши муқаррар. Гўзаллик эса, оламни ўзгартиради *(қўйлайди)*.

Бу дунё ичра бир дунё яралгандир муҳаббатдан,
Жаҳонга эзгулик, ёғду таралгандир муҳаббатдан.

Жаҳон тарихлари ичра агар дурдона изларсан,
Ҳамиша энг асл маъно сўралгандир муҳаббатдан.

Матонат бирла мардликдан ҳаётда қадру қиммат бор,
Шу қудратнинг баҳоси ҳам қаралгандир муҳаббатдан.

Бу боғлар, бу чаманлар меҳнатингдан баҳралар олмиш,
Раиғ олгандир, нур олгандир, зар олгандир муҳаббатдан.

Гўзал ёр, ақлу ҳуснингдан камолог бор ҳаёт ичра,
Агар парвоз этар қалбим, пар олгандир муҳаббатдан.

В а л и ж о н. Ақлимдан озишимга сал қолди-я. Анорхон! Худо бир сақлади.

Яна ўйин-кулги, тўй қувончи давом этади.

П а р д а

УЙҚУСИЗ КЕЧА (Икки пардали драма)

Қатнашадилар:

А к б а р о т а.

М о ҳ и р а, Т о ҳ и р а. Ш о и р а — отанинг қизлари.

А д ҳ а м, Б а ҳ р о м, Б о т и р — отанинг куёвлари, яъни божалар.

Д и л б а р — отанинг набираси.

БИРИНЧИ ПАРДА

А к б а р отанинг осойишта ва саришта хонадони. Чароғон ва куркам зал. Диванда ёшгина талаба қиз Д и л б а р журнал варақлаб утирибди. Эшик тақиллайди. Қ и з эшикни очади. Остонада қувноқ қиёфала шу хонадоннинг уртанча қизи Т о ҳ и р а ва унинг эри Б а ҳ р о м куринадилар.

Д и л б а р . Ассалому алайкум, почча, аммажон. Марҳамат, марҳамат!

Б а ҳ р о м. Во алайкум ассалом, Дилбаргинам. Яхшимисан, жиян. Узгинанг утирибсанми, зерикиб...

Т о ҳ и р а. Доногина Дилбарим, меҳрибон жиянгинам нега зерикар экан...? Яхшимисан, ўқишларинг қалай? Ота-онангни соғинмаяпсанми?

Д и л б а р . Раҳмат, аммажон. Имтиҳонларга тайёрланиб утирибман. Мана бу ёққа. диванга ўтиринглар.

Б а ҳ р о м. Раҳмат. Бахтли бул, илойим. Амаким қанилар?

Д и л б а р . Бобом ҳализамон келиб қоладилар. Гузарга, саргарошхонага чиққан эдилар.

Б а ҳ р о м. Фасон булиб келарканлар-да бобой.

Т о ҳ и р а. Узларига қараб юрсалар яхши-да. Онаминг вафотидан сунг анча чукиб қолдилар-да. (Эслаб) Қандай одам эдилар-а...

Б а ҳ р о м. Ҳамманинг бошида бор гап бу. Ҳеч ким дунёга устуи булган эмас. Эй, ёлғизлик қурсин... Ҳеч кимни жуфти ҳалолдан бемаҳал ажратмасин.

Т о ҳ и р а. Шунақа дейсиз-у... баъзида тириклай тиқиб келишгайм тайёрсиз...

Б а ҳ р о м. Ўзинг ҳам ошириб юборасан-да. Жанжалга тап-тайср турасан. Жаҳлинг бурнингни учида...

Т о ҳ и р а. Айтганимни олиб бермаганингиздан кейин...

Б а ҳ р о м (*ижирганиб*). Э, уша нарсаюм ўлсин..

Т о ҳ и р а. Дугоналарим тўю ҳашамда тиллою бриллиантларини намоиши қилиб ўтурса-ю, мен чеккада шумшайиб қолаверсам... Кимга ёқади?

Б а ҳ р о м. Бу гаплар ярашмайди сенга, хотин. Кимсан фалончи бизнесменнинг аёлисан!

Т о ҳ и р а. Оти улуг, супраси қуруқ.

Б а ҳ р о м. Яна эски гап... Айтмоқчи, Ўткирбек...

Т о ҳ и р а. Ўткирбек акам уша биринчи аямиздан. Лекин уртада ҳеч қандай угайлик булмаган.

Б а ҳ р о м. Биламан, биламан... барибир сезилади-да. Катта ишда ишлайдилар-у... лекин сизларга мундоқ бир иқтисодий маънода қайишмайди-қу... (*Уйни, зални суқланиб кузатиб*) Шундай ҳашамат ҳам... уша кишининг кучи билан-да...

Т о ҳ и р а. Кечириб қуясиз. Бойликлари булса, узларига! Дадам бутун умрини, меҳрини, бор-йўгини бағишлаб узлари тиклаганлар бу иморатни.

Б а ҳ р о м (*гапни буриб*). Лекин қайнатамнинг иродасига қойилман. Бир эмас, икки хотиндан ажратиш... огир... огир... Бу — трагедия!

Т о ҳ и р а. Нега ёлғиз буладилар. Бир эмас учга қизлари, учта суқсурдай куёвлари бор-қу. Ўғиллари катта бир шаҳарнинг обрўли хўжайинларидан.

Б а ҳ р о м. Ҳа, энди, шунчалик айтдим-да, Тоҳирахоним. (*Четда тузатиб қўйилган дастурхонни кўриб*) Э,э, тайёргарлик катта-қу. Шиншалар ҳам бор. Яна кимлардир келишадими?

Т о ҳ и р а. Билмасам. Дарров шиншаларни кузингиз қура қолади. (*Дилбарга*) Нимага чақиртирибдилар алам?

Д и л б а р. Билмадим... Мен ҳозир... (*чиқади*).

Т о ҳ и р а (*уйланиб*). Тугилган кунлари эмас, унда, билардим. Тўй маслаҳатиям эмас. Меҳр кузда, дейдилар. Шунақа курсатув ҳам бор телевизорда. Одамлар эллик йилдан кейин ҳам бир-бирларини топишяпти.

Б а ҳ р о м. Биз эса бир жойда туриб, бир шаҳарда яшаб... ҳар замон-ҳар замон қунғироқ қилиб туришгаям эринамиз. Тоҳирахон!

Т о ҳ и р а. Лаббай?

Б а ҳ р о м (*уйни қузатиб*). Эсингиздами...

Т о ҳ и р а. Нима?

Б а ҳ р о м. Нима буларди? Сизга мубтало бўлиб, шу уй агрофида гирди капалак булганларим.

Т о ҳ и р а. Мен қайдан билай, юрагингиздан қандай гаплар ўтганини. Купинча ширакайф ҳолатда бўлардингиз.

Б а ҳ р о м. Йўқ. Мен хаёлингиз билан маст булардим. Сизга эришгунча нималар ўтмади бошимдан.

Т о ҳ и р а. Ўша ширакайфлигингиз...

Б а ҳ р о м. Ошиқлигингиз денг...

Т о ҳ и р а (*давом этиб*). Ўша ширакайфлигингиз, бинойидек иккинчи касбу корингиз бўлиб қолди-ку. Мана ҳозир ҳам анча гайёрсиз. Адамдан уяламан.

Б а ҳ р о м. Янглишасиз, жонидан, янглишасиз. Мен ҳамон ўша, ўша... мафтунингизман, мубталонгизман: “Кўргали ҳуснингни зору мубтало булдим сенга, Не баюлиғ кун эликим, ошно булдим сенга”. Мана шундай хонадоннинг куёви булиш асрий орзуйим эди.

Т о ҳ и р а. Бешта дўконнинг хўжайиниман деб кериласиз-у, ўша дўконларингизни ўзим қимирлатаман-ку ўлиб-йитиб. Улфатчиликдан қўлингиз бушамайди.

Б а ҳ р о м. Булди, булди, мен ёрдамчингизман, дедим-ку...

Яна эшик тақиллайди. Д и л б а р эшикни очали. Бусағда А к б а р отанинг тунғич қизи М о ҳ и р а эри А д ҳ а м билан куриналилар. Б а ҳ р о м божасини кучоқ очиб қаршилади.

Б а ҳ р о м. Эй, товба, эй, товба. Адҳамжон ака, кўрар кун бор экан-ку... Яхшимисиз. Моҳирахон она. (*Адҳамни кўрсатиб*) Шу бепарво акам билан муросайи мадора қилиб юрганингиз учун сизга унта... (*божасининг бошига ишора қилиб*) хайкал қўйилса ҳам камлик қилади!

А д ҳ а м. Аскиянинг ҳам расвосини чиқардингиз-да, божа. Ақли бошдан тушиб кетати ёмон сочлар.

М о ҳ и р а. Хайкални бошимга ураманми. Менга ўзлари соғ буясалар, катта давлат. (*Тоҳирага*) Нима гап экан, Тоҳира, билмадингми?

Т о ҳ и р а. Ҳар ҳолда, бежиз эмас...ёки шунчалик... Ким билади яна...

Т о ҳ и р а. Шамол бўлмаса, теракнинг учи қимирламайди.

Б а ҳ р о м. Тинмағур отажонимиз бирор корхонами, дорихонами очаетган бўлсалар, ажаб эмас.

А д ҳ а м. Йўғ-е! Қайнонам раҳматлик ўлим тўшагида ётиб, мендан кейин оталарингиздан тез-тез хабар олиб туринглар, деб васият қилардилар. Шу-да... Айтмоқчи, отамизнинг узлари қаердалар?

Б а ҳ р о м (*кулиб*). Сартарошхонага кетибдилар.

А д ҳ а м. Эҳ, ҳа... Бунақа ишларни жойига қўяди отамиз. Эртага дам олиш кунин... бир шакарғуфтарлик қилгилари келгандир-да, (*Утиришади*). Баҳромжон!

Б а ҳ р о м. Лаббай?

А д ҳ а м. Бизнес ишларингиз яхши давом этяптими, ҳар нечук? Ё ҳалиям бориб келишнинг узими?

Б а ҳ р о м. Жудаям осон эмас экан, божа. Бешта дуконни қимиллатиб туриш учун минг кавакка кириб-чиқишга тўғри келади.

А д ҳ а м. Илойим, кириб-чиқишдан қолманг. Ҳозир ҳаммагаям осон эмас. Каллани обдон ишлатиш керак бўлади.

Б а ҳ р о м (*яна ҳазилга олиб*). Агар уша калла бўлса денг.

А д ҳ а м. Бўлгандаям, ҳушёр калла керак.

М о ҳ и р а (*аскияни тушуниб*). Ҳазилларингиз қуриб кетсин.

А д ҳ а м. Мана мен, масалан, домламан, ҳарҳолда, тафаккур кишисиман. Ҳодисалар моҳиятини аниқлашга интиламан. Етти улчаб, бир кесин тарафдориман. Буни илмий ишларимда ҳам назарий жиҳатдан асослашга уринганман. Бу мавзуда олтита китобим бор. Олтита!

Б а ҳ р о м (*киноя билан*). Биламиз..

А д ҳ а м (*англамай*). Ана шунақа, буни бутун дунё билади.

Б а ҳ р о м (*четга*). Магазинларда чанг босиб етибди, тахланиб... Ҳаммаси эскича, шуравий гаплар.

Эшик тақиллайди. Д и л б а р очади. О т а нинг кенжа қизи Ш о и р а эри Б о т и р билан киради.

А д ҳ а м. (*ҳайрон*) Ана халос, ана халос. Жамоат жам бўлди-ку. Кенжатоё божамиз — Ботиржонга бир дунё олқишлар! Шоирахон, марҳамат! Отажонларингиз билан бир яйрашар экансиз-да бугун...

Б а ҳ р о м (*Ботирни бошдан-оёқ кузатиб*). Ботиржон, бу ангиқа либосларни қаердан топасизлар, валлаҳи аълам? Бу дунёнинг кийими эмас-ку? Шоирахон-ку инчунин!

Б а ҳ р о м. Кайфиятингиз узи баланд экан, яна бир поғона кутармоқчи булди-да. (*Кулишади*).

А д ҳ а м. Муборак бўлсин, муборак бўлсин! Давр ҳамма нарсаниям ўзгартирар экан. Мана биз ҳалиям уша эски костюмларда юрибмиз. Ҳеч кимдан камлик жойимиз йуқ, Худога шукур. Лекин қалбимиз, тафаккуримиз янги...

Ш о и р а (*салом-алиқдан сўнг*). Худога шукур. Шундай бир йиғилишни орзу қилиб юрардим. Минг шукур. Нега бемаслаҳат булди бунақа чақирув?

Б о т и р. “Бир балоси булмаса, шудгорда қуйруқ на қилур”. Адҳам ака, тинчликми?

А д ҳ а м. Тинчлик, тинчлик...

Б а ҳ р о м. Мен ҳайронман. Учта мустақил оила — шаҳарнинг уч чеккасида яшаётган уч оила бир-бири билан хабарлашмай, қандай қилиб бир вақтда, худди бир-бири билан олдиндан маслаҳатлашгандай, айна бир жойда тупланиши мумкин?

У ч о п а - с и н г и л ҳам ҳайратда бир-бирига тикилишиб ҳолаҳвол сўрашадилар. **Б о ж а л а р** чекиб келиш учун ташқарига чиқадилар.

Т о ҳ и р а. Бир ҳисобдан кўришиб олганимиз ҳам яхши булди. Гаплар йиғилиб қолган эди.

М о ҳ и р а. Бир ой олдингина учрашгандик-ку? Гапни яхши курсан-да, Тоҳира.

Ш о и р а. Нима булсаям, яхши бўлди. Бобойни зиёрат қилиб кетамиз.

М о ҳ и р а. Кечагина тиззаларидан тушмай, соч-соқолларини силаб утирардинг, энди бобой булиб қолдиларми?

Ш о и р а. Бор гап-да. Онамнинг вафотларидан кейин оёғим тортмайди шу ерга (*кўзга ёш олади*).

М о ҳ и р а. Йиғлама, синглим. Тақдир шунақа экан. (*Тоҳирага*) Анов кунни ёнинглардаги домла турадиган Ойшахон деган жувонни кўриб қолувдим, бозорда.

Т о ҳ и р а (*англолмай*) Қайси?

М о ҳ и р а. Кулсаям, йиғласаям, тиржайиб гураверадиган, сўхтаси совуқ аёл бор-ку, вой, уша бир дунё гапларни тукиб солса бўладими.

Т о ҳ и р а. Нима дейди?

М о ҳ и р а. Нима дерди, мана, онанглар утди-кетди раҳматлик бўлиб. Чол бечорани хор-зор қилиб қуйманглар. Бирорта узларига мосроғини топиб, бошларини иккита қилиб қуйинглар, дейди. Тан маҳрамсиз бўлмайди, дейди.

Ш о и р а. Вой, мунча майда гап булмасанглар, онажонлар.

Т о ҳ и р а. (*бирдан хушёр тортиб*). Тухта, тухта! Бу чоли қургур “уйланаман”га тушиб қолган бўлмасин тагин?

М о ҳ и р а. Ажабланидиган жойи йўқ, Биронгаси юракларидан урган бўлса ургандир...

Ш о и р а. Уялмайсизми, опа, кекса одамнинг устидан кулиб.

Т о ҳ и р а. Эй... ҳозирги дунёда ҳамма нарса ни кутса булади. Кеча телевизорда курсатди-ку, битта ювиқсиз чол невараси тенги қизалоққа уйланаман, деб нима ҳунарлар курсатмади...

М о ҳ и р а. Улиб кетсин. Узларидан бери келмасин.

Ш о и р а. Гапни калта қилинглар. Телевизор ҳар балони курсатаверади.

Т о ҳ и р а. Бенарво бўлиш ҳам ярамайди. Меҳрибон алажонимиз... бир вақтлар маҳалла адоғида турадиган Норжон хола билан гап-сўз бўлиб, онамни роса куйдирганларини эшитганмиз-ку.

М о ҳ и р а. Бас қил, эй! Иғволарингга ут тушсин!

Ш о и р а. Балки уша аёлни олиб келмоқчи булсалар, бизлардан изи сўрамоқчидирлар...

М о ҳ и р а. Гапирма-эй. Шундай кошона саройни, тайини йўқ бир кампирга бе-риб қўядиган аҳмоқ йўқ! Ордона қолсин уша шум ашвасти!

Т о ҳ и р а. Ҳар хил тахминга бораверманглар. Бирор масала юзасидан фикримизни билмоқчи булсалар керак-да.

Ш о и р а. Шу-да, бошқа нима буларди. Вой, ҳали кўрасизлар, яхши гап булади, отам — доно одам!

Т о ҳ и р а. Яхшиси, адамнинг узларидан сўраймиз, ётиги билан.

М о ҳ и р а. Йўқ, узим сўрайман, сизлар томдан тараша тушгандай, пата-паргини гапириб қўясизлар.

Ш о и р а. Оббо, сурасангиз сўрайқолинг, шуям мартаба булди-ю... Профессорнинг хотинига ҳамма нарса мумкин дейсиз-да... (*Тоҳирага яқинлашиб*) Онажон, қачон энди битта жиянча билан бизларни хурсанд қиласиз?

Т о ҳ и р а. Гапирма, синглим. (*Хурсиниб*) Булмаяпти. Бормаган табибим, қаратмаган дўхтирим қолмади. Поччанг ҳар ичганда таъна қилавериб... Қўй, дафтаримни кавлама.

М о ҳ и р а. Хафа булма, синглим, илоё, юзимиз ёруғ булсин.

Ш о и р а. Яхши гапларга ўтайлик. Ҳозир бойваччаларнинг хотинлари юз-буйин териларини таранг тортиришиб, эллик ёшдан ўтизга сакраётган эмиш... Бола куриш нима эмиш, бунинг олдида.

М о ҳ и р а. Бу гапингда жон бор. Шоира. Бирор йўлини қидирармиз.

Д и л б а р . Аммажонлар, дастурхонга марҳамат. Иссиққина чой олиб келдим. Сомсаям иссиққина. Ҳозир поччаларим ҳам киришади.

Шу пайт б о ж а л а р ҳазил-хузул гаплашиб, кулишиб кирадилар.

А д ҳ а м (*Баҳромга, кулиб*). Э, латифангиз ҳам қуриб кетсин. Ҳамма жойда гапирманг-э бунақасини... (*Она сингилларга*) Зерикмадингизларми, хонимлар. Бироз тоза ҳаво ҳам олдик-да, узр, узр.

Б а ҳ р о м. Озгина фикрлашиб ҳам олдик.

А д ҳ а м (*ҳазиллашиб*). Оббо, қассоб-эй, сизда фикр бўлар эканми, одам қуригандай...

Б а ҳ р о м. Ҳой, катта куёв, кўпам катта кетаверманг. Уйингизга тўрт кило гушт ташлаб кетсак яхши-ю... бошқа вақтга “пуф, сассиқ” экан-да.

Б о т и р. Қизишманглар, қизишманглар.

А д ҳ а м. Мана бу бошқа гап. Қани бир пиёладан аччиқ кук чой ичишайлик. Куп ўйлаш одамни ишдан чиқаради.

Б а ҳ р о м. Бир балони биласиз-да, божажон...

А д ҳ а м. Бунча жон-жонлаб қолдинг. Ташаббусни ўз қулимга олмасам булмаяпти. Қани, марҳамат, чоидан...

Б о т и р. Айни муддао, чанқаб турувдим.

А д ҳ а м. Бугунги фавқулодда тўпланишнинг сабаби-баҳонаси нимада узи? Ана шунисига ҳайрон бўлиб турибман ҳозир.

Б а ҳ р о м (*гитни чалғитиб, фойласуфона*). Асло ҳайрон булманг. Бу дунё, аслини олганда, турли-туман учрашувлар йиғиндисидан иборатдир. Ажабланидиган жойи йўқ.

Б о т и р. Шоирона гап бўлли-ку, Баҳромжон ака, қассоблигингизни билардим-у, бу ёғидан хабарим йўқ экан... Сизга меҳрим товланиб кетди.

Б а х р о м. Ҳа, энди... бир вақтлар катта кушхонанинг раҳбари булиб ишлаганим рост. Қассобчиликми, олиб сотишми, бизнесми, тadbиркорликми — қулдан келганини қиламан. Ҳозир унта хунарнинг бошини тутганлар ҳам бор. Меҳнатнинг уяти йуқ. Сизга ухшаб уч-турт бет қоғозни қоралаб, газетма-газет кутариб юрмаймиз-да, ун-ун беш сўм чиқармикин деб... ҳа-ҳа-ҳа!

А д ҳ а м. Ҳамма гапдан хабарингиз бор, Баҳромжон. Уша қалам ҳақиға икки кунлик носвой ҳам бермайди. *(Кулишадилар)*.

М о ҳ и р а. Ҳали ташқарида роса кулдиларинг-эй, қотиб-қотиб, бизлар ҳам эшитайлик.

Т о ҳ и р а. Уятли жойи булмаса.

Б а х р о м. Йуқ, энг беозорларидан бири, аёллар учун, махсус.

А д ҳ а м. Айта қол, узимизникилар-ку.

Б а х р о м. Бир аёлнинг ҳар хил қимматбаҳо матодан тикилган мингта кўйлаги бор экан-у, лекин доим эрига хархаша қилиб: “Кийинадиган кўйлагим йуқ”, — деб нола қилаверар экан...

Б о т и р. Ҳаммасига теккан касал бу.

Б а х р о м *(давом этиб)*. Хотинининг шу гапини бир оғайнисига айтган экан, оғайниси маслаҳат берибди: “Яхшиси, бир кимсасиз оролга бориб яшанглар, онадан туғилгандай табиий ҳолатда яшанглар, ушанда бу ташвишдан қутуласизлар...”

М о ҳ и р а *(уялиб)*. Вой, улмасам...

Б о т и р. Хўш, хўш?

Б а х р о м. Шунда ҳалиги эркак оғайнисига қараб: “Э, ушандаям бизнинг хотин “счинадиган ҳеч нарсам йуқ”, деб туполон қилади, дер эмиш. Ҳа-ҳа-ҳа-ҳа! *(Кулишадилар)*

М о ҳ и р а. Яхшим, бу эркакларнинг ҳар хил иғвоси учун аёллар бор, булмаса, буларнинг ҳоли хароб булади.

А д ҳ а м. Ана кўрдингизми, қилт этган шаббода ҳам бурон булиб боради хотин-қизларнинг кўнглига.

Б о т и р. Лекин, хотин-қизларимиз ҳақида бир дунё самовий мақтовлар ҳам бор. *(Уйланиб)* Мана ўшалардан биттаси, эсимга келиб қолди. Катта бир олимнинг мақоласини ўқиганман... Мана бунақа: Қодир Худойим эркак зотини яратгач, уйланиб қараса, нимадир энг муҳим нарса етишмай турибди. Аёл йўқ! Бахтга қарши одам қорадиган лой ҳам тугаб қолганмиш. Шунда, Оллоҳим Ойдан аёл жамолини, тундан қошу кузини, мажнунтолдан сочини, камалакдан ранг, гуллардан ҳид олиб баданини, кийикдан нафислик ва ҳуркакликни, тонгдан

мусаффоликни, итдан садоқатни, асаларидан бол териш хислатини, серфарзанд булсин деб, балиқдан увилдириқни. айтганлари куй, хониш булсин деб, булбулдан навони, хуллас, ҳамма парсадан бир чимдим, бир чимдимдан олиб аёлни яратибди. Мукаммал дунё тимсоли булган аёл Оллоҳ иродаси ила оламга ҳаля этилибди.

А д ҳ а м. Аёлларимиз шаънига янгротган бу қасидангиздан мақсадни, Ботирбек, сезиб турибмиз...

Б о т и р. Қанақа мақсад?

А д ҳ а м. Синглимиз Шоирахонни ийитмоқчисиз-да... Тагида гап бор, ҳар ҳолда. *(Кулишадилар).*

А д ҳ а м. Ҳамма гапдан хабарингиз бор-да, Баҳромжон. *(Кулишадилар).*

Шу гапдар асносида А к б а р о та кириб, қизлари к у ё в л а р и билан куришиб, ҳар бирга муносиб меҳру муҳаббат кўрсатади.

Ш о и р а. Адажон, жуда яхши қилибсиз-да ҳаммамизни чақириб...

Т о ҳ и р а. Бирваракайига. Ҳозирги замон шароити учун бу жула қулай...

Ш о и р а. Ҳам вақт, ҳам дастурхон тежаллади.

А к б а р *(кулиб)*. Кўймайсан-да, шайтон, қўймайсан. "Тежаллади", деганинг нимаси? Мен сизлардан жонимни ҳам аямайман. Одамлар дошқозонларни тўлдириб юртга ош бериб ётибди-ку...

А д ҳ а м. Феълни кенг қилиш керак, феълни... Ҳаммаси топилади.

Б а ҳ р о м. Жудаям сиз уйлаганчалик эмас, божа. Роса чопилади, кейин топилади!

Б о т и р. Яна қофияга утиб кетдингиз. Қойил!

А к б а р. Хуш, қани утиринглар-чи, соғинганман жуда... Ҳа, баракалла. Неваралар, уйлар, қўни-қўшнилар... ҳамма омончиликми? Ҳа, баракалла. Соғ булинглар.

М о ҳ и р а. *(меҳр билан)* Отажоним, отажонгинам. Зерикмай юрибсизми? Соғ булинг бахтимизга.

А к б а р. Раҳмат, раҳмат. Она қизларим, сизлар менинг бу дунёда топган энг қимматбаҳо бойликларимсиз. Кеча-кундуз дуо қилиб, Оллоҳимдан камолу бахтингизни тилайман.

Қ и з л а р:

— Соғ булинг, юздан ошинг, адажон.

— Бизлар ҳам сиз билан тирикмиз.

— Бахтимизга омон булинг.

А к б а р. Раҳмат. Мен ҳам сизларни ҳар куни кўрсам, жамолларингга туйиб-туйиб юрсам дейман. Болаликдаги ширин-ширин қилиқларингни эслаб, кулиб, маза қиламан. (*Моҳирага*) Сен-ку оғир, ҳалим эдинг, ўйлаб-ўйлаб гапирардинг. (*Тоҳирага*) Худди уғил болаларга ухшаб, варрак жинниси эдинг. Магазинга юборсак, йиғлаб қайтиб келардинг, қулимдаги пулимни шамол учириб кетди, деб. (*Шоирага*) Сен-ку онангни қийнаб... боғчага бормайман, деб ярим йўлдан қайтиб келардинг.

Қ и з л а р бу ҳангомаларни кула-кула эшлашади.

Т о ҳ и р а. Ада, у ёқда Ўткирбек акамлар омон-эсон юришибими? Яқинда гаплашмадингизми?

А к б а р (*фаҳрланиб*). Худога шукур. Ўша узларинг билган машҳур корхонанинг бош раҳбари бўладиган, шекилли, англашимча...

Б а ҳ р о м. У-ў-ў, жуда зур-ку. Айни муддао-ку.

А к б а р. Акангнинг ўзлариям келиб қолиши мумкин. Қизларига телефон қилиб, “борарман” деган эмиш.

Ш о и р а. Жудаям яхши буларди-да, соғинганман Ўткирбек акамни.

Т о ҳ и р а. Чақиртирган экансиз, ада? Тинчликми?

А к б а р. Ҳа, шундай, кўргим келди-да. Соғинганман дсяпман-ку... Бир яйраб кетсанглар, кунглим тоғдай кутарилади.

Ш о и р а. Барибир билгимиз келади-да.

М о ҳ и р а. Ўткирбек акамизни кутсак керак-да...

Т о ҳ и р а. Йўқ! Тополмадинглар. Адам доим сирли бир гап айтадилар.

А к б а р. То айтмагунча қуймадинглар-да, айтсам айтай. (*Қизлар ва куёвлар ота сўзларини англаш учун қулоқ тутадилар*) Сизларни чақиришдан мақсад, азиз фарзандларим...

Ш о и р а (*шухлик қилиб*). Шаҳримизга ревизор келаётир! — демокчисиз-да. (*Кулишдилар*).

А к б а р. Йўқ, тополмадинглар.

Т о ҳ и р а. Элга катта ош бермоқчидирсиздир-да, 80 ёшингизни нишонлаб?

А к б а р. Йуқ. Бунақа юбилей касалим йуқ.
Т о ҳ и р а (*уйланиб*). Булмаса... жиянимиз Дилбархонга
совчилар келаётганлигининг маслаҳатидир?

Бир чеккада турган Д и л б а р югуриб ташқарига чиқиб кетади.

А к б а р. Йуқ. Тополмайсизлар барибир. Яхшиси, шаҳар
беринглар.

Ш о и р а. Олинг-с, дунёнинг бор шаҳарлари — сизники!
Самарқанду Бухоро ҳам.

А к б а р (*кулиб*). Майли, қийналиб кетдинглар. Айтсам, айта
қолай...

Ҳ а м м а л а р и о т а н и н г оғзига жон қулоғини тикадилар.

А к б а р. Гапнинг индаллосини айтганда, маҳфий сир ҳам
йуқ. Мана шу уй масаласи, холос. (*Ҳамма ҳайрон*).

М о ҳ и р а. Уй масаласи?! Қайси маънода?

Т о ҳ и р а. Уйга нима қилибди, масала булиб?

М о ҳ и р а. Бирор кемтик жойи бор эканми? Ажаб, ажаб!

Ш о и р а. Қизиқ. Таъмирлаш керак булиб қолгандир-да.

Т о ҳ и р а. Нимасини таъмирлайди? Йилтиллаб, жаранглаб
гурибди-ку!

М о ҳ и р а. Кошонаи шоҳона!

Т о ҳ и р а. Бирор харидор чиқиб қолгандир-да кошонаи
шоҳонага!

Ш о и р а. Ҳеч кимнинг ҳаққи йуқ бу даргоҳга куз
олайтиришга!

М о ҳ и р а. Кошонинг эгаси — отамиз. Онамиз... охиратлари
обод булсин, бу жойларни ташлаб кетдилар... Ихтиёр
отажонимнинг узларида...

Т о ҳ и р а (*бирдан онасини эслаб йиғлаб урнидан туриб кетади*).
Онажоним... онажонинам... Кечиринг бевурд фарзандларингизни...
куз нурингиз, юрак қонингиз билан қурилган, бизларга атаб
қурилган уйингизни қандайдир кимсаларга уз қулимиз билан
бериб юборяпмиз... (*Йиғлайди*).

Т о ҳ и р а. Тухта, синглим. Ўзингни бос, кузингни арг. Ҳеч
кимга ҳеч нарса берилмайди!

Ш о и р а. Йуқ! Уй — ҳаммамизники. Умумий мулкимиз.
Қандайдир бегона юлғич “шип” этиб илдириб кетадиган буюм
эмас.

Т о ҳ и р а. Кук пулнинг шуъласи кузни қамаштирса-чи...

Ш о и р а. Савдогарликни йиғиштиринглар... Мен рози булмагунимча, битта гишт ҳам берилмайди бировга.

М о ҳ и р а. Чиққан қиз чиғириқдан ташқари, жимгина угир, маҳмадана.

А д ҳ а м (*аралашиб*). Палахмон тош булиб отилдингми, тушан жойингда тош қот, вассалом!

Ш о и р а. Ургилдим насиҳатчи чолдан.

А к б а р. (*Қизларнинг сузу қилиқларидан ҳайратга тушиб*) Олдин гапни эшитинглар, ойдинларим. Фол очаверманглар... Гап шундаки, (*чайналиб*) ўзларинг яхши биласизларки, акаларинг Ўткирбек кўп йилдан бери катта вилоятнинг марказидаги доврўғли, машҳур бир корхонани бошқаради.

Қ и з л а р:

— Биламиз.

— Омад тилаймиз.

— Соғинганмиз.

А к б а р (*давом этиб*). Баракалло! Уша ерда палак отиб, болачақа кўриб, кўп ҳурмату эътибор топган.

Қ и з л а р:

— Фахрланамиз.

— Мартабалари янада баланд бўлсин.

А к б а р (*давом этиб*). Акаларинг — биттагина ўғлимиз, бош фарзандимиз. Кўпдан мени ўз уйига олиб кетмоқчи булиб юрганидан хабарларинг бор.

Ш о и р а. Бор, биламиз.

М о ҳ и р а. Рози эмасмиз.

Т о ҳ и р а. Ўзимизга кераксиз.

А к б а р. Қисқаси, акангникига доимийга кўчиб боришим жудаям зарурат бўлиб қолди. Доимийга.

Ш о и р а. Доимийга?! Ё, товба, ё, товба.

Т о ҳ и р а. Нима, нима?! Бутун умрингиз утган, утаётган, меҳрингиз билан обод бўлган шундай хонадонни кимга ташлаб кетмоқчисизлар? Уйлаяписизми ўзи?

М о ҳ и р а. Бундай даҳмаза фикр қайдан кела қолди бошингизга?

Ш о и р а. “Отанг космосга учармин”, десалар ишонардим-у, лекин буниси... ё, товба, ё, товба!

А к б а р. Аввало, ташлаб кетиш ҳақида гап бораётгани йўқ. Худога минг шукурки, бошингизда (*куёвларини бир-бир кўздан*

утказиб, фахрланиб) қарчиғайдай- қарчиғайдай эрларингиз бор. Ҳар бири осмондаги юлдузни узиб оламан дейди.

М о ҳ и р а. Яхши гагларингиз учун раҳмат, отажон.

А к б а р (*Адҳамга ишора қилиб*). Бирлари, яъни Адҳамжон — ҳуқуқшунос. Адолат тарозибон.

Б а ҳ р о м (*четга*). Адолатнинг уйини куйдириб юрганлардан бири шу-ку.

А к б а р (*Баҳромни кўрсатиб*). Иккинчи кўёв — Баҳромжон эл соғлиги хизматида. Табиблар сардори! Бизнес сардори!

Б о т и р (*Адҳам қулоғига*). Сардор эмиш. Қамалиб кетишига бир баҳя қолганда, аранг олиб қолдик-ку ўртага тушиб.

А к б а р (*Ботирни кўрсатиб*). Мана бу кишим “Экосан” раҳбарларидан. Озодалик посбони.

А д ҳ а м (*четга*). Тарозибон! Сардор! Посбон! Худо бераман деса, ҳеч гап эмас! Раҳмат, амакижон.

А к б а р. Баракалло! Умрларингиздан барака топинглар.

М о ҳ и р а. Турмуш ўртоқларимизнинг борлиги, удда-буронлиги, Худога шукур, катта бахтимиз... лекин, сиз-отажон, нега бундай ҳаёлга бордингиз? Уйладингизми?

А к б а р. Уйладим. Лекин на чора? Акаларингни бошига оғир иш тушиб қолибди.

М о ҳ и р а (*ҳайратдан учиб тушиб*). Нима, нима? Қанақа оғир иш?

А к б а р. Келинойинг қаттиқ бетоб бўлиб, хастахонада эмиш. Сизларга билдирмаган эдим.

Қ и з л а р кутилмаган бу хабардан изтиробга тушиб, гарангсиб, қоладилар.

А к б а р. Демак, у ерга тезда етиб боришим зарурат бўлиб қолди. қизларим, зарураг.

Т о ҳ и р а. Уша жойларда жудаям уралашиб қолдилар-да...

Ш о и р а. Келинойимиз дарҳол жунатмайдиларми, катта докторларга кўрсатмаймизми...

А к б а р. Ишлари тигиз акангнинг. Унга ҳам осон эмас.

М о ҳ и р а. Куз тегдими дейман-да оиламизга.

А к б а р (*давом этиб*). Энди бу ёғини ўзларинг келишиб ҳал қилинглар. Хоҳланглар, бирга турунглар ёки битгаларингизга тортиқ қилинглар, ёки болаларингизни жойлаштиринглар. Барибир эргами-индин қушимча жойлар керак бўлади... Туйлар

қиласизлар... дегандай. Ёки... мерос маъносида тушуниб, майли сотинглар... (*Қизлар саросимада безовта буладилар*). Пулни булишиб олинглар. Каттагина маблағ булади. Мен розиман. Сизлардан ортиқ бойлигим йўқ.

М о ҳ и р а. Илтифотингиз учун раҳмат.

Т о ҳ и р а. Бундан зўр гапнинг бўлиши мумкин эмас.

Ш о и р а. Мен ёшман, адажон, кенжатойизман. Сизга ақл ўргатишим инсофдан эмас. Лекин... Лекин... Уй бу, менимча, тақдир масаласи. Оллоҳимдан берилган бебаҳо неъмат. У олиб-сотиб, алмаштириб юрадиган буюм эмас.

Б а ҳ р о м. Унда бутун дунёни қамраб олган олди-сотти масаласини қандай тушуниш керак. Махсус бозорлар мавжуд-ку...

Б о т и р. Тўғри, мавжуд. Ҳеч ким ишкор этмайди. Лекин аниқ, конкрет бу хонадон ҳақида гап борар экан, ҳаммамиз ўйланиб қолишимиз табиий.

Ш о и р а. Мен ҳам шуни айтяпман-да.

О т а бу сузларни осойишталик, айни замонда эътибор билан эшитади. Сўнг невараси **Д и л б а р** билан бир четга утиб, алланарсаларни гаплашиб утирган киши бўлиб, кўёву қизларининг баҳсу суҳбатини ҳам эътибордан четда қолдирмайди.

А д ҳ а м (*файласуфона*). Уй, хонадон, оила деган тушунчаларни қандайдир жисмоний, мангу қотиб қолган нарсага айлантириб, уни турт девордан иборат, бузилмас-сурилмас бир маскан деб қараш, аслини олганда, ибтидоий, жун бир гап.

Б а ҳ р о м. Оббо, роса фалсафага айлантириб юбордингиз-ку, ака. Шуни олдийча қилиб айтсангиз булармиди?

А д ҳ а м. Йўқ. Бир нарса ҳақида фикр қилиб, ҳукм чиқараётганда уша нарсанинг моҳиятига, маъзига эътибор бериш керак.

Б а ҳ р о м. Хуп, хуп. Давом этинг.

А д ҳ а м (*уйланиб*). Менинг назаримда, уй, хонадон, оила дегани, аввало, бу катта руҳий, маънавий, ҳатто илоҳий бир ҳодиса. Уни битта нуқтага боғлаб, занжирбанд қилиб бўлмайди. Оила, хонадон жойини ўзгартириши, замонга ҳамнафас булиши, шаклу шамойилини янгилаши, янгича маънолар касб этиши табиий. (*Моҳирага*) Юринг, нарёққа чиқайлик, хоним, қулоғингизга айтадиган гапим бор. (*Чиқишади*).

Ботир (*узича*). Ҳаммалари уз манфаатларини ўйлаб... (*Шоирага*) Сиз билан биз ҳушёр туришимиз керак. Гап хонадонни ўзлаштириш ҳақида боряпти.

Шоира (*ҳайратда*). Отамиз қизиқ гапни бошладилар-ку? Наҳотки, акамдан чиқяпти бу фикр? “Оила тўрт девор оралиғидаги кичик бир дунёча эмас... балки меҳру муҳаббат, қон ва жон бирлиги — жамиятнинг олтин меҳвари” деб уқиганмиз-ку буюк китобларда.

Ботир. Сиз доим шунақа уқиган нарсаларингизни пеш қилиб, ўралашиб юраверасиз, анқайиб.

Шоира. Нима қил дейсиз?

Ботир. Сиз кенжа қизларисиз. Агар отамиз айтган гаплар чиндан амалга ошадиган бўлса, уй сизнинг қисматингиз булади.

Шоира. Нега қисмат? Бу нима деганингиз?

Ботир. Ҳақиқий жанг бошланганда биласиз. Ҳар қандай об-ҳавога тайёр туришингиз керак.

Шоира. Сиздан шу гап чиқиб турса-ю... Қуйинг-э...

Моҳира (*қулиб*). Муддао аниқ-ку, нимани талашамиз, узлари ҳал қилиб берсинлар...

Тоҳира. Менимча, яхши ўйланмаган гап бўляпти.

Акбар (*урнидан туриб, ҳаммаларига бир-бир назар солади*). Майли, сизлар бу масалани обдон ўйлаб қуринглар... мен доримни ичиб чиқмасам бўлмаяпти. (*Чиқади*). Мени тугри тушунинглар, қизларим.

Шоира (*ҳис-ҳаяжонга тўлиб*). Барибир, барибир! Бу уйга онажоним келин бўлиб тушган бўлса, отажонимнинг навқирон ёшлиги утган бўлса, ҳаммамизнинг киндик қонимиз шу хонадонда тўкилган бўлса... Кимнинг бошига келди бундай мудҳиш фикр?! Мен асло ҳазм этолмайман.

Бу баҳсу тортишув гоҳ ҳазил аралаш, гоҳ жиддий тус олиб давом этаркан, **Ботир** баҳс ўзанини бошқа ёққа бурмоқчи булади.

Ботир. Келинлар, ўзимизнинг қўлдалик гапларга ўғайлик. Идоралардаги мужмал, бошоғриқ савдоларнинг ўзиям стиб ортали. Ҳуш, деганларингиздан билсак, кеча бозор айлаидим. Расталарни тўлдирган ранг-баранг мева-чеваю юз тусдаги ноз-неъматлардан кўзу кўнглим яйраб, кукрагим тоғдай кутарилди.

Алҳам. Гапни бошқа ёққа бурманг, акаси. Ҳаёт-мамот масаласи бу ўйинчоқ эмас!

Ботир. Хуш, нима қил дейсиз? Бутун дунёга жар солайинми, лод божаларнинг дастидан деб?!

Баҳром. Нима демоқчи эканлигини, наҳотки, тушунмаяпсиз, Адҳам ака? Узининг кенжа куёв, эрка куёв эканлигидан фойдаланиб, хотинчасининг кенжатоё эканлигини пеш қилиб, гапни чалгитяпти, холос.

Шоира. Вой, товба, вой, товба. Тухмат қилишдан ҳам кайтмайди-ку бу шумшук поччалар.

Адҳам (*тушунолмай*). Узинг мушуксан!

Моҳира. Уйлаб гапирсин-да эринг.

Тоҳира. Узингдан катта одамларга ақл ўргатишга уялмайсанми? Косанинг тагида ним коса борлигини билиб турибмиз-ку!

Шоира (*урнидан саччиб туриб*). Ҳей, поччалар, поччажонлар, бу гапларингиз тўғри ҳам дейлик. Лекин бу оқшомги оилавий утиришга нима алоқаси бор бу гапларнинг?

Тоҳира. Уй масаласига нима алоқаси бор деявер, уялмай.

Шоира. Тушунганингиз учун раҳмат.

Адҳам. Тўғридан-тўғри алоқаси бор. Дунё ишлари ҳақида сўз боряпти-ю... гўё... лекин ҳамманинг ҳаёлида уй!

Баҳром. Жуда қуюқлаштириб юбордингиз-ку, Адҳам ака.

Ботир. Барибир хуқуқшуноссиз-да, Адҳам ака. Тилда нима, дилда нима, билиб турасиз.

Шоира. Бошоғриқ гапларни қўйинглар, опалар, поччалар. Бу ерда ҳаёт-мамот масаласи боряпти. Йиғилишимиз сабабини тушунгандирсизлар.

Акбар (*кириб*). Вой-бой, тинмагур қизларим, ҳалиям уша можароми? (*Болаларга меҳр билан боқиб, ҳар бирини эркалайди*). Болажонларим, ҳамма хоналарни айланиб чиқиб, жойларингни тайёрлатиб кўйдим. Чарчасаларинг, дам оласизлар.

Баҳром. Айни муддао.

Адҳам. Э, ҳақиқат бор экан-ку, Баҳромжон.

Шоира. Қўшиқ айтайлик, рақс тушайлик. Ҳозирдан ухлаб, нима қиламиз.

Тоҳира. Уй масаласи-чи?

Моҳира. Қўйиб тур, Тоҳиражон, бу гапларингни.

Шоира. Барибир бу гапни жим-жим, босди-босди қилиб, айланиб утиб кетиб бўлмайди-ку.

Адҳам. “Бугунги шодликда кечаги ғамдан гапирманглар”.

Ботир (*файласуфона*). Лекин ғамдан ҳам холи яшаб бўлмайдн бу дунёда. “Азалдан ғам суви бирла суғорилган бадандир бу”.

Моҳира. Мушора булаётгани яхши. Мусиқа булса, янада яхши. Шухроғидан қўйиб юборсангиз-чи, Адҳам ака.

Адҳам приёмник тугмасини босади. Хонани қувноқ қўшиқ салолари чулғайди. Давра янада жонланиб, ҳаммалари бир-бирларини меҳр-муҳаббат билан сийлайди, кимдир рақс тушади. “Бор экансиз-ку!” “Яшаворинг!” деган сазолар.

Акбар. Хайрли тун, болаларим. Бир ёғи кексачилик, рухсат берсангизлар, дам олсам... Дори ҳам ичншим керак.

Шоира. Бемалол, адажон, бемалол.

Акбар ота чиқмоқчи бўлаётганида, телефон узоқ жиринглайди. Ота телефон гўшагини кутарали.

Акбар (*телефонга*). Во алайкум ассалом, Уткиржон. Ҳаммаси жойида. Келиним қалай? Сингилларинг, куёвларинг ҳам келишган. Салом айтишяпти. Ҳа, ҳа. Бу оқшом қолинади. Эртага — дам олиш. Сизларни кутамиз. Омон бул, уғлим... (*Телефон гўшагини жойига қўяди*) Уткирбек ўғлим эртага иш юзасидан Тошкентга келаётган экан... Худога шукур. Куришиб қолсанглар, ажаб эмас. Хурсандчиликни давом эттиринглар. Ҳозирча хайр... (*чиқади*).

Моҳира (*четга*). “Хурсандчиликни давом эттиринглар” эмиш... Секин портлайдиган бомба қўйиб кетдилар-у, “даном эттиринглар” эмиш. “Томи кетган”, деганлари рост экан-да. Курамиз!

Барчалари ланж бир ҳолатда хоналарига чиқишади.

ИККИНЧИ ПАРДА

Қизлар ва куёвлар ота-она хонадоннда қолишган. Узоқ баҳсу тортишувдан сўнг толиққан оила аҳли гуё оромга чуққандай. Залдаги кичик бир чироққина ёғду сочиб турибди.

Тун ярмидан ошганда чап томондаги эшик очилиб Моҳира ва эри Адҳам изма-из чиқишади. Улар ички либосларда. У ёқ-бу ёқни алаңлаб кузатиб, ҳамма уйқуда эканлигига ишонч ҳосил

қилишгач, диванга ўтириб, чироқларни ёқиб, чароғон зални томоша қилишади. Ҳаваслар, орзулар бир дунё.

М о ҳ и р а. Нима гаплар булаётганини сезяписизми, Адҳам ака? Чолнинг қарори қатъийга ўхшайди. Акам адамини турт-беш йилдан бери ушша олисдаги уйига типимсиз чақиргани-чақирган.

А д ҳ а м. Сезаяпман, жоним. Сизганда қандоқ. Шундай катта даргоҳни кимгадир ҳаля этиб кетиш керак бўлади. Бу — осмондан тушган бебаҳо давлат. Бундай имкониятни қўлдан чиқариш... бориб турган овсарлик.

М о ҳ и р а. Кимга қолдирмоқчи? Буниси — муаммо.

А д ҳ а м. Кимга буларди. Анови эркатой икки сингил-жонингиздан бирига-да.

М о ҳ и р а. Тугри айтасиз, сингилжонлардан бири чангал солиши турган гап.

А д ҳ а м. Сиз-чи? Сиз, ахир, каттасиз, гапингиз кесиши керак. Фақат лаллайманг-да, хонимча.

М о ҳ и р а. Нима гап бўлса, нуқул менга оширасиз. Юрист деган одам қонунни пешкаш қилиб, ҳамма ишни шартта-шартта ҳал қилиб ташламайдими...

А д ҳ а м. Осон ўйлайсиз-да.

М о ҳ и р а. Маҳалламиздаги битта кичкинагина адвокатнинг қилиб қўйган ишларини куринг. Уч қаватли қошона, ёзги-қишқи ҳаммомлари билан. Сизга торгина кулбаям булаверди.

А д ҳ а м. Мен унақа юлғичлардан эмасман.

М о ҳ и р а. Ҳамма ўзини юридик ўқишларга бекорга урмас экан-да.

А д ҳ а м. Ҳаддан ошманг ва шошманг. Бизгаям Худо бериб қолар, меҳнатимизга яраша.

М о ҳ и р а. Ҳамма нарса қил устида турибди ҳозир. Бир лаҳзани беҳуда утказиб бўлмайди.

А д ҳ а м. Хўп, хўп, хўп. Сингилларингиз ҳам тишч турмас.

М о ҳ и р а. Тоҳира деганимиз ичидан пишган. Ҳамма ишни ими-жимиди битираман дейди. Муғомбир, пихини ёрган. Болаликдан шунақа эди. Фақат...шу синглим бечорага Оллоҳим биттагина фарзанд — гирноқ бермади-да... Асранди бир ўғилчасига жону жаҳонини бағишлаб яшаяпти шўрлик.

А д ҳ а м. Бериб қолар. Даргоҳи кенг. Шу аҳволда нима қилади ўзини қийнаб. Анови пиёниста эри уни қайраб турибди-да. Муддаоси булакча. Сотиб есам дейди. Бошқа гап йўқ.

М о х и р а. Дуқонларниям шу синглим юргизади, узини утга-
чуққа уриб, у кишим пул санаб утиради, холос.

А д ҳ а м. Шоирахон-чи?

М о х и р а. Шоира ҳали ёш-у, лекин чатоқ. Маҳмадона.
Эрининг бурнидан ип утказиб олган.

А д ҳ а м. Эри “Экосан”да. Нима иш қилишади шулар, ҳалигача
билмайман.

М о х и р а. Бировдан олиб, бировга бериш. Лекин кўп
савобли, хайрли ишлар ҳам қилишади...

А д ҳ а м (*кулиб юборади*). Билмаган нарсангиз йўқ. Моҳира.
Кўйинг, энди ўзимизнинг гапларга утайлик.

М о х и р а. Узимизнинг гапларга утсак... (*Эшиклардан бирини
курсатиб*) Мана бу хонани узимизга ётоқхона қилиб оламиз.
Кенг-мўлгина. Чамалаб чиқдим. Элита пардалардан тутилса
борми, роҳатнинг кони бўлади. (*Кулиб*) Хуррагингиз ҳам,
бошқасиям эшитилмайди болаларга... (*кулади*).

А д ҳ а м (*ҳазилга олиб*). “Эл аро бордир масал: Хурракни дуррак
тортадур...”

М о х и р а. Тан олганингизга қойилман. Фаргонанинг бор
аскиясини йиғиштириб келгансиз уйимизга.

А д ҳ а м (*эркалаб*). Тушунганингиз учун раҳмат... Лекин,
менимча, тепадаги хона тузукроқми дейман ётоққа. Ҳар ҳолда,
кўздан нарироқ. Балкончасидан бутун дунё кўриниб туради. Офтоб
ҳам тушади.

М о х и р а. Гапингизда жон бор, хужайин. Ёнидаги хонани
болаларга берамиз. “Дом”нинг қаватларида туравериб эзилиб
кетишган, бечоралар.

А д ҳ а м. Бечоралар деманг. Ҳали бу уйда шунақа гўйлар
утказамизки... Мана бу зални қаранг. Баланд, баҳаво. Чолнинг
дидига қойилман. Деворлардаги сувратларни айтмайсизми. Узукка
кўз қўйгандай. Кошонаи шоҳона!

М о х и р а. Буларнинг ҳаммасини онажоним узлари уз қуллари
билан жой-жойига қундирган.

А д ҳ а м. Қойилман. Сизга ҳам аяжонингиздан анча-мунча
утган...

М о х и р а. Нега энди анча-мунча?!

А д ҳ а м. Юз фоиз утган демоқчи эдим.

М о х и р а. Лекин... (*уйланиб*) бу уйнинг савдоси осонликча
ҳал булмайди, назаримда.

А д ҳ а м. Жанг булади дейсиз-да?

М о х и р а. Булади. Булганла қандоқ.

А д ҳ а м. Менимча, яхшиси, уйни сотиб пулини булиштириб олган маъқул. Сих ҳам куймайди, кабоб ҳам.

М о х и р а. Осон ўйлайсиз-да. Анови Шоира билан Ботирни кўрдингизми? Роса жингиртоб булишди. Нафс ўлсин-а, нафс ўлсин.

А д ҳ а м. Юлиб қолай дейди-да. Жигилдон ишлаб турибди. Шоирани олишига кундиргунимизча улиб булудик. Энди хўжайин!

М о х и р а. Чора, чора, чора! Чора топиш керак!

А д ҳ а м. Сотсанг, ем булиб кетади. Булмайди. Кагга фарзанд сифатида жойнинг ўзини эгаллаш керак.

М о х и р а. Жимгина турибман-да ҳозирча. Ҳали узимни курсатаман. Иккита боламизнинг келажагини ҳам ўйлашимиз керак-ку, даласи.

Шу пайт иккинчи эшик очилиб, ундан Т о ҳ и р а ва Б а ҳ р о м чиқиб келадилар. Ухлашмагани билиниб туради. Олдингилар — М о х и р а ва А д ҳ а м чироқни учирришга улгурмай, узларини панага оладилар ва буларни кузатадилар.

Т о ҳ и р а. Кеча чироқ учирилмай қолган экан-да. (*Катта чироқни учиради*). Баҳром ака, нималар булаётганини фаҳмладингизми?

Б а ҳ р о м. Ҳа. Ута жиддий гап. Ҳаёт ва мамот масаласи!

Т о ҳ и р а. Жудаям фожавий воқеага айлантириб юборманг. Бунинг таг-тагида катта омад “манаман” деб барқ уриб турибди.

Б а ҳ р о м. Сиёсий тус берманг. Тоҳирахон. Аввало, бу уйнинг яшашга унғайлигини ўйланг. Деярли шаҳарнинг марказида. Метро бекатига тўрт қadam. Болалар боғчасию поликлиника ёнида...

Т о ҳ и р а (*кулиб юборади*). Бир аёлдан эри сураган экан: “Мени-ку яхши кўрмас экансан, ажралиб кетар экансан. Нега теккан эдинг?” — деса, аёл: “Сизларникидан ишга қатнашимга анча қулай эди”, — деб жавоб берган экан. (*Кулишадилар*).

Б а ҳ р о м. Ҳалиги гаплар, уй масаласи, айтиластганда, опаларингизнинг кўзлари ёниб, ўйнаб кетганлигини кўрдингизми? Бир дунё хазина топиб олган телбалардай...

Т о ҳ и р а. Божаларингиз-чи, божаларингиз? Бу бахт ердан чиқдим, осмондан тушдим, деб санчийман дейди-ю, узларини аранг-аранг тутишади, зурма-зўраки...

Б а х р о м. Тайёрга айёр. Нафс одамни минг куйга солади. “Урмондаги шерни улдирган мард эмас, ўз ичидаги нафс итини улдирган мард”, деб айтган экан бир доно. Буларингизда бунақа матонат етишмайди.

Т о ҳ и р а. Нафс эмас, мерос деган бир даҳмаза ҳаммани бугзидан олди, чамамда.

Б а х р о м. Айниқса, катта опангиз Моҳирахон билан Адҳам аканинг ҳолатини курсангиз. Вой, товба, одам ҳам шунча юзгубан кеталими, ёҳамни ушлабман. Ёниб кетяпти, ёниб!

Бу гапларни панада эшитиб турган М о ҳ и р а ва А д ҳ а м ўзларини қуярга жой тополмайди.

А д ҳ а м (*уларга эшиттирмай*). Докторнинг гапини қаранг. Моҳирахон. Узи дорига рецепт ёзиб беришдан бошқа ҳеч балони билмайди-ю...

М о ҳ и р а. Аптекачилар билан тил бириктириб олган-да, бу хоразмлик ёшулли поччамиз, улгидай пишиқ.

А д ҳ а м. Бу ҳам стишмагандай, яна “Малҳамий” деган таҳаллус билан ғазаллар ҳам ёзиб юради, ўзича.

М о ҳ и р а. Лекин... бугунги аҳволларини қурдингизми?

А д ҳ а м. Қурдим. Сезиб турдим. Ичлари ёниб-ёниб кетаётганиниям билдим. Улар икки қулини оғзига баравар тиқиб олганлардан. Бир танга учун томдан ташланга ҳам тайёр. Улар учун муқаддас нарсанинг узи йуқ.

Панада турган Т о ҳ и р а ва Б а х р о м бу сузларни гуё ошигмайди.

М о ҳ и р а (*уйланиб*). Аслида, сингилларимдаям айб йуғ-у... Домда яшашнинг бемаза томонлари кун-да. Жонга тегиб кетади. Бир меҳмон кутиб яйрай олмасанг. Тор йулакчалардан елкангни қисиб, қимтиниб утишинг керак.

А д ҳ а м. Кунгил кенг бўлиши керак, Моҳирахон. Иккала божаям илонни ёғини ялаганлардан. Шахсий манфаати йулида шайтонга дарс беришади.

М о ҳ и р а. Тимдалаб-гимдалаб ташлай дейман-у... яна узимни босаман. Маданиятимга тўғри келмайди, улсин.

А д ҳ а м. Унинг учун маданиятнинг узи булиши керак, ойимча

М о ҳ и р а. Бас қилинг. Кулишадиган вақт эмас.

Бу гаплардан гусе бсхабар Тоҳира ва Баҳром залнинг иккинчи бурчагида аранг-аранг ўзларини босишиб турибди. Қутилмаганда Тоҳира хандон отиб куламан дейдию узини тутиб қолади.

Баҳром. Нима қияпсиз? Нега қияпсиз? Бир нарса очилиб қолибдими?

Тоҳира. Жим...ана улар, ухлаб ётганлар эшитиб қолишмасин, шарманда бўламиз.

Баҳром. Нима, ошиқ-маъшуклик қилиб утирибмиз-да, нимаси ёмон? Тиқилиброқ утир, мунча олиб қочасан узингни.

Тоҳира. Уятсиз-эй, жойингизда утиринг. Қурдингизми опам билан синглимни. Моҳира билан Шоирани айтаман. Жизғанак булиб ёниб кетишяпти, уйни ўйлаб...

Баҳром. Сиз-ку йиғладингиз онангизни эслаб. Уларнинг кузи ўйнаб турибди. Эй одамзод.

Тоҳира. Тилда бир нарса-ю, дилда бир нарса. Қайнонаси улгандаям, атласу кимхобга чулғаниб бир катта бойваччанинг ресторандаги туйига борган! Уятсиз!

Баҳром. Вой. шарманда-ей. Одам оласи ичида деганлари шу экан-да.

Тоҳира. Анови сингилчам Шоира-ку ҳалиям узини эрка-антиқ ҳисоблайди. Ботир довдирни икки пулғаям олмайди.

Баҳром. Бу гапингиз туғри. Жуда бушанг бола. Латта. Мижғов, оғзидан гапи тушиб кетяпти. Хаёли уйда. (*Эру хотин нималарнидир чамалаб қолади*) Тоҳира, ҳа, айтмоқчи... Нега ўйланиб қолдингиз?

Тоҳира. Пастдаги икки ёндош хонани бирлаштириб, хусусий шифохона очсак, пулнинг ёғилишини ушанда курасиз...

Баҳром. Ақлингизга қойилман! Бу менинг энг азалий орзуйим-ку! Бутун мамлакатга доврўғи кетган “Баҳромшифо” даргоҳини яратамиз. Одам дегани оқиб келади. Йулларини ўйлаб куйганман.

Шу пайт тепадан Шоира ва Ботир аста-секин тушиб келадилар.

Шоира (*ҳаммаёқни аланглаб кузатиб*). Кимлардир гаплашгандай булдими-ей хаёлимда, чироқ ёниб-учгандай ҳам булди.

Ботир. Қўйсанг-чи, хотин. Сенга шундай туюлган булиши мумкин. Ҳозир қотиб ухлаб ётибди, туш кўришиб... азаматлар.

Ш о и р а. Ухлаб бупти. Ҳаммасининг ороми бузилди, пайтавасига қурт тушди, назаримда. Иккала опам ҳам типирчилаб қолишди. Эрларининг ҳам кўзлари ола-кула. Тепадан “шалоп” этиб тушган омад кимни тинчитарди. Текинхўр купайиб кетди-да ҳозирги замонда.

Б о т и р. Бу гапингда жон бор. хотин. Адҳам акани — бош божамизни айтаман... Бир қарашда туппа-тузук, бамаъни одам. Бошида шляпа, буйнида галстук. Курган одам, Худо ақлу фаросатни ҳаммасини йиғиб шу кишига берган, дейди.

Ш о и р а. Соддасиз-да, улгудай соддасиз. Опамнинг чизигилан бир қалам ҳам нари чиқолмайди.

Б о т и р. Лекин улгудай қуп-қуруқ одам. На илм юққан, на бир одамшавандалик. Беш-олтита ақлли гапни ёдлаб олиб чойхонаю майхоналарни обод қилиб юради.

Ш о и р а. Мана, жонажон опагиналаримни курдингиз. Уй масаласини эшитибоқ ўзларидан кетишди. Билдирмасликка ҳарчад уринишмасин... Лекин ич-бағирлари ёниб-ёниб кетяпти.

Б о т и р. Ёмонам безовта булишдики. қулоқларига гап кирмасди.

Ш о и р а. Нимасини айтасиз.

Панада турган опажонлар — **Т о ҳ и р а.** **М о ҳ и р а** бу гапларга арағ чидаётганини сезиб олиш қийин эмас.

Б о т и р. Э... улардан кўраям анови сутак божаларимнинг аҳволини кўрмадингиз-да, ё, пирай, ақлдан озишларига сал қолди. Худди шу иморатни қуришга беш тангалари кетгандай...

Ш о и р а. Текинхўрлик шунчаликки, бечора чолнинг изтироб билан айтаётган сузларини тинглашмади ҳам.

Бу гапларни эшитган **б о ж а л а р** аҳволини ҳам томошабин кўриб турали.

Ш о и р а. Ботир ака, отамнинг қарори қатъийга ўхшайди. Бир четда қолиб кетмаслик учун кескин чорасини топиш керак тезда!

Б о т и р. Қанақа чора булиши мумкин?

Ш о и р а. Мен, ахир, кенжатоё қизлариман-ку. Ўз-уздан, уй менга тегишли булиши керак. Қонун ҳам, минг йиллик расму русум ҳам, мерослик ҳақ-ҳуқуқи ҳам шуни тасдиқлайди.

Ботир. Йуқ. Бу камлик қилади. Мерос тенг булиниши шарт. Опаларингиз уз ҳақларидан кечишмайди, улса ҳам.

Шоира. Топинг! Йулини топинг! Эртага чой устида бу гап яна қузғалади. Қатъий фикр билан боришимиз керак.

Ботир. Эй Худо, тинчгина юрган эдим. Оёқнинг тагидан чиқиб қолди бу ғалва.

Шоира. Ғалва деманг. Осонига ургангансиз-да. Домимизни ҳам отам олиб берган эди. Ношудсиз!

Ботир. Тилингга эрк берма, хонимча. Узингни менга тиқиштиришган минг баҳонаю ваъда билан...

Шоира. Нима айбим бор экан тиқиштириб?! “Уйнаб гапирсанг ҳам, уйлаб гапир”, дейдилар. Мана бу залда утирганлар нима деб уйлайди? Дарвозамиз бусағасини ялайвериб, сирпанчиқ қилиб юборган узингиз -ку!

Ботир. Булди, булди. Деворнинг ҳам қулоғи бор...

Шоира. Лекин... Опаларимнинг мақсади булакча...

Ботир. Яъни?

Шоира. Билмаяпсизми, мана шу куркам оилавий кошонамизни пуллаб...

Ботир. Жиғилдонидан утказмоқчи...

Шоира. Йуқ. Бири уғлини уйлантириб, қизини чиқариб яна биттаси асранди арзандасини оёққа кўйиб, чет элларда ўқитиб, катта одам қилмоқчи. Ҳаммасига пул керак! Бу катта харажатни мана шу иморат кутаради. Ҳозир қуда томонга нима-нималар ҳадя этилишини биласизми? Чолларига ҳасса, кампирларига пар кўрпаю тилла кўзойнак, ёшларига қишки-ёзги соябон-зонтиккача...

Ботир. Вой, ғаламислар-эй. Лекин... Шоирахон бир томонлама ўйлаб, ўзингизча...

Шоира. Йуқ. Лекин бу савдони ҳал қилишда мен бошқача йул тутаман.

Ботир. Масалан?

Шоира. Бу — махфий. Ҳатто сизга ҳам айта олмайман.

Ботир. Махфий?

Шоира. Ҳа.

Залнинг икки бурчагига тиқилиб олган икки опа-сингил ва икки божа — Шоира ва Ботир сўзларини эшитиб, минг оҳангга тушадилар.

Ш о и р а. Агар шу гапларимизни эшитишса борми, Худо курсатмасин, икки одам ҳам узидан кетиб, “скорий”га равона бўлишади.

Б о т и р (*божаларига ишора қилиб*). Улар ҳам-да, анови икки такасалтангни айтаман. Нукул ёғлиқ жой қидиришади. Шулар билан божа бўлиб қолганимга пушаймонлигимни билсангиз эди...

Ш о и р а. Тухтанг, тухтанг. Демак, менга уйланганингизга пушаймонсиз? Вой, шарманда-эй. Еб туриб маърайсиз-а. Бизларга қушилиб одам бўлдингиз-ку. Юрган бир ипирисқи эдингиз!

Б о т и р (*бақириб*). Ким ипирисқи!

Ш о и р а. Овозингизни учиринг. Тепадагилар эшитади. Тиссс...

Мана шу гап-сузлар авж нуқтасига етганда, кимнингдир тоқати чидамай, чироқни ёқиб юборади. Ҳ а м м а л а р и бир-бирини кўришиб, гоҳ хижолат, гоҳ ҳайрат, гоҳ даҳшатга тушиб, бир-бирларини кузатадилар. Сўзсиз ҳолат бир неча дақиқа давом этади.

Т о ҳ и р а (*кузини ишқалаб*). Э, ҳа, Моҳирахону Шоирахонлар, қоронгида топишибсизлар-да, айби борлардай...

Ш о и р а (*хижолатдан кўзини бекитиб*). уйқу келмади, балконга чиққандик...

Б о т и р. Шаҳарни томоша қилдик. Вой-бу, чироқларни кўрсангиз. Маржон, маржон-маржон!

М о ҳ и р а. Чироқларни томоша қилиш учун ота-онаникига атайлаб келиш керак экан-да.

Ш о и р а. Домнинг балконида ҳеч нарса кўринмайди- да, она.

М о ҳ и р а. Опа дема, уятсиз. Бир кеча тинчгина ётсаларинг, улармидинглар. Душгача бор-ку хонанинг ичида.

Ш о и р а. Ўзингиз-чи, ўзингиз?

М о ҳ и р а. Бошим оғриб ухлай олмадим. Дори ичдим, совуқ чой бормикин, деб чиққан эдим, юлдуз санашга эмас.

Ш о и р а. Баҳонангиз қурсин. Шампану шаробни поччамиз ичсин-у, сизнинг юрагингиз қуяр экан-да.

А л ҳ а м (*саросимادا*). Эй, товбанидан кетай, тинчлик борми ўзи дунёда? Қаерга борма, қаламинг улчоғлиқ.

Ш о и р а. Унда Тоҳирахоним нима қилиб юрибдилар ярим кечада, тимискиланиб, бурчакка тиқилиб?

Т о ҳ и р а. Болалигим утган уйни обдон соғинган эканман, уйқуниг баҳридан кечиб... утирибман.

М о ҳ и р а. Унда куёвинг нима қилиб эргашиб юрибди соядай... дум булиб?

Б а ҳ р о м. Нима деяпсиз, ҳов опача? Мен икки дунёда ҳам хотин кишига дум булмайман!

А д ҳ а м. Э, товбангдан кетай... (*Пешонасига уриб*) Болаликда уйналарди-ку “бекинмачоқ” уйини. Шайтон йўлдан урмаса...

М о ҳ и р а (*Тоҳирага*). Гапира қолмайсанми, нимага чиққанлигингни бу ерга?

Т о ҳ и р а. Уйку келмагандан кейин нима қилиш керак, опажон? Сизга ўхшаб кимнинг ухлаган-ухламаганини текшириб юрайми?

М о ҳ и р а. Тилингни заҳари қурсин. Бирдан ичларингга қурт тушиб қолди, “бобой”нинг гапини эшитиб... Ул, қизғанчиқ? Нафс бандаси!

Ш о и р а. Отажонлари “бобой” ҳам булиб қолдилар...

М о ҳ и р а (*Тоҳирага*). Асли, қизғанчиқ, нафс бандаси узинг эдинг. Ушандай булиб қолдинг.

Т о ҳ и р а. Уша ўзингиз, опажон! Учига чиққан қуримсоқ, зиқна булгансиз. Ҳамма нарсани “бу — меники, бу — меники” деб бағрингизга босиб, дод солиб, шармандалик қилардингиз.

М о ҳ и р а. Вой, товба! Вой, тавба!

Т о ҳ и р а. Буни кўни-кўшнилар ҳам яхши билишарди.

М о ҳ и р а. Мусичаи бегуноҳман деб чиранишни қаранг, тирмизак!

Т о ҳ и р а. Нафсининг олдида ҳеч нарсадан қайтмасдингиз.

М о ҳ и р а. Нима бутти? Одам борки, нафс бор. Сен фариштамининг? Куёвниқидан келган сарпаннинг ичида “у йуқ экан, бу йуқ экан”, деб фарёд урганингни ҳамма эшитган, энди эса тилинг бир қарич.

Ш о и р а. Ҳой, шарманда опажонлар, ақлдан оздингларми, нима бало?! Эшитган нима дейди? Одамлар нима дейди? Одамнинг ҳар нарса булгани яхши-сй...

Т о ҳ и р а. Майли, нима деса — десин. Менга деса, бутун дунё билсин!

М о ҳ и р а. Вой, товба, “Узингдан чиққан балога, қайга борай давога”.

А д ҳ а м (*уйланиб*) Бугунги уйқусизликнинг туб маъносини топдим!

Б а ҳ р о м. Ҳуқуқшунос булганингиздан кейин, топасиз-да.

А д ҳ а м. Ҳаммамиз ҳам ўз уйларимизга ўрганиб қолган кишилармиз-да. Қай вақти ухлаб, қачон уйғониш — бу одат, кўникма натижаси, албатта!

Б а ҳ р о м. Бу гапдаям жон бор. Мен ҳам булак шаҳарларда сафарда булганимда, энг зўр меҳмонхоналарда ҳам ухлай олмайман.

А д ҳ а м. Соғинасиз-да келинни.

Б о т и р. Азиз оғажонлар, “ўтлаб” кетяпсизлар. Бу ерда тамомила бошқа сир-синоат бор.

А д ҳ а м. Қанақа сир-синоат экан?

Б о т и р. Мана шу уйнинг замирида мужассам бўлган сир-синоат уйқусизликларнинг бош сабаби!

Б а ҳ р о м. Ё Оллоҳ! Гапни кавласа, гап чиқаверади.

Т о ҳ и р а. Бу эркакларнинг билмаган нарсаси йўқ.

М о ҳ и р а. Бунақа бетайин гапни йиғиштиринглар. Эшитган одам нима дейди?!

Ш о и р а. Нима деса — десин. Бу гапни “Урага сичқон тушди — гулдир-гуп” қилиб бекитиб булмайди.

А д ҳ а м (*кузини ишқаб*). Уйқунинг белига теплинглар-да, ишқилиб. Ана тонг ҳам бузариб келяпти.

Б а ҳ р о м. Яна машмаша давом этар экан-да. Тинчлик борми узи?..

Б о т и р. Булмайди...

Ш о и р а (*бирдан узгариб*). Нега ҳаммаларингга отажонимнинг ташвиши тушиб қолди? Худди ўтказиб қуйган жойларинг бордай?

М о ҳ и р а. Ҳа, тинчликми, сингилжон? Кенжатойман деб бижиллаяпсанми? Қонунларда бунақа гап йўқ. Мана, поччанг биладилар.

Т о ҳ и р а. Бирор гап булгандаям, ҳамма нарса ўртада бўлади. Бир қадам у ёққа, бир қадам бу ёққа утиш йўқ.

А д ҳ а м. Шошманглар, шошманглар. Жаҳл келганда, ақл кетади. Нафс қутурганда, виждон қочади.

Ш о и р а. Ҳов, почча! Виждонингизни пеш қилаверманг. Нима, бу иморатнинг пойдеворини қуйишганмисиз, гомини ёпишганмисиз, фиштини теришганмисиз ё михини қоқишганмисиз? Билиб турибмиз кўнглингиздаги гапни. Юрист сифатидаги катта қўллингизни ҳам биламиз.

А д ҳ а м (*жаҳлланиб*). Юристлигимга тил тегизманг! Билдингизми?! Мен бу масалани чолнинг ўзларига қолдирайлик, деяпман. Ҳаммаларингни инсофга чақиряпман, холос...

Б а ҳ р о м. Адҳам ака тўғри айтаяптилар. Йўқ срдан мажоро чиқариш керак эмас. Тонг отсин...

Б о т и р. Яна қанақа тонг отиши керак? Отиб бўлди-ку...

А д ҳ а м. Яна озгина мизғиб олайлик. Эрталаб бўлсин. Унгача Ўткирбек акалар ҳам келиб қолишар. Бу ишларни ақду идрок билан бажарган мақбул...

Қ и з л а р. Рост, рост. Яна бир мизғиб олайлик. Қолган гап эрталаб бўлар...

Худди шу гаплар асносида эшик очилиб залга А к б а р о та киради. Бу фавқуллоҳда ҳолатдан ҳайратга тушган қ и з л а р у к у ё в л а р о тага саросима ичида боқадилар.

А к б а р. Худойимнинг узи кечирсин. Гапларингизни гула эшитгим, болаларим. Кечаси намозга туриб, уйқум қочди-ю, сизлардан хабар олмоқчи бўлдим. Кўрсам, бу аҳвол. Барча муддаоларингиз, мулоҳазаларингиз, ташвишларингиздан огоҳ бўлдим. Бу ишим учун сизлардан узр сўрайман. Ҳар бир одам ўзини ошкор этгани яхши. Мен бунга тушунаман. Бунинг учун сизларни асло айбламайман... Лекин... лекин. (*Ён чўнтагидан қандийдир дори олиб ичади*) Сув беринглар, сув, сув! (*Сув тўтишади*). Барчаси учун сизларга раҳмат, болаларим, минг раҳмат! Мен розиман. Бу дунё, у дунё розиман (*хушидан кетади*).

Ҳайрат ичида қолган ф а р з а н д л а р чуввос солиб, ота бошида парвона булалдилар: биров сувга чопган, биров телефонга югурган, биров саросима ичида... Бутун хонадон ўта безовталиқ ичида қолади.

Ҳ а м м а:

- Эй, худо, бу нима кургилик!
- Нима кори ҳол бўлди, войлод!
- Дадажон, кўзингизни очинг!
- Гапимизни эшитяпсизми, далажон?!
- Қариндошларга хабар қилинглар!

Х а м м а чирпирак бўлиб хона айланишда давом этади, қичқирқ,
йиғи-сиғи хонадонни забт этган.

Д и л б а р (*ўртага чиқади*). Ҳаммаларинг мақсадларингга
еттингизлар! Аммалар, поччалар, қора ниятларинг амалга
ошди! Ана энди уйни бошларингизга урасизларми, ер билан
яксон қиласизларми — ўз ишларингиз! (*Йиғлайди*).

Отанинг кенжа қизи Ш о и р а Д и л б а р ни юпатиб, багрига
босади. Сунг узини дадил тутиб, даврадагиларни бир-бир кўздан
ўтказди.

Ш о и р а. Йиғлама, Дилбаржон. Рост айтдинг. Бу уй, бу
хонадон ҳеч қачон, ҳеч кимга сотилмайди! Бу уй —
ҳаммамизнинг олтин беланчагимиз, гавҳар бешигимиз! Аждоду
авлодни боғлаб турадиган тилло кўприк! Билмаганлар билиб
қўйсинлар!

Б о т и р (*ҳайратда*). Шоира, нималар деяпсан?! Нега
алжияпсан! “Бошқача йул тутаман”, “махфий” деб олифтачилик
қилганларинг шунгамиди?!

М о ҳ и р а. Узини бегуноҳ мусича қилиб кўрсатяпти бу
тирмизак! Жосус!

Т о ҳ и р а. Бунинг нияти бошқа. Кошки билмасак!

Ш о и р а қатъият ва ғурур билан даврани яна айланади.

Ш о и р а. Бу хонадоннинг чирогини ёқиб, уни доимо
муқаддас ва мустаҳкам сақлаш — бу, энг аввало, бош фарзанд
сифатида, меросхур ўғил сифатида Ўткирбек акамнинг вазифаси!
Ҳаёт давом этиши керак! Бу хонадонда ҳаммамизнинг киндик
қонимиз тукилган. Бу уй — бизнинг кичик ватанимиз. Ватан
эса сотилмайди!

Д и л б а р . Дадам шу срга — марказга ишга келяпти. Кеча
телефонда айтдилар.

Бу хабар яна ҳаммани ҳар хил ҳолатга солади. Айни шу лаҳзада
эшик тақиллайди. Д и л б а р эшикни очади. Олифта кийинган семиз,
гавдали бир э р к а к ва чаққонгина бир а ё л ичкари кирадилар.

А ё л. Кечирасизлар, биз эълон буйича келган эдик...

Э р к а к. Сотиладиган уй шуми? *(хоналарга, залга куз югуртиради)* Ёмон эмас. Анча дид билан қурилган куринади. Нархи, баҳоси қанча булаяпти?

Хонадон аҳли бир-бирига ҳайрат назари билан қараб, ҳайкалдай тош қотадилар.

П а р д а

КИМ ЭЗГУ НИЯТДА
ТУТИБДИ ҚАЛАМ,
АБАДИЯТ САРИ
ҚҰЙГАЙДИР ҚАДАМ

“НАФИС ЧАЙҚАЛАДИ НАЪМАТАК...”

(Ойбек)

Нафис чайқалади бир туп наъматак
Юксакда, шамолнинг беланчагида.
Қуёшга кутариб бир сават оқ гул.
Виқор-ла ушшайган қоя лабида
Нафис чайқалали бир туп наъматак...

Бу тасвир қошида ҳар қандай оқилу доно лол қотади. Бу — табиатнинг чуқур ҳис этилган бир булаги. Уқир экансиз, бу манзарани ҳаракагда, жонли бир ҳолатда тасаввур этасиз. Унинг жонбахш шивирини ҳам, нафис хушбуйини ҳам позик бир энтикиш билан сипқораётган буласиз. Қатрада уммон акс этади деганларидек, ушбу шезърий нарчада ҳам Ойбек домланинг буткул маънавий олами барқ уриб кўринади...

Китоб жавонимдаги токчалардан бири устод Ойбек китоблари билан тўла. Булар, асосан, адибнинг йигирма жилдлик мукаммал асарлар мажмуаси. У кишининг катта ижод йули, теран маънавий олами, тинимсиз яратувчилик фаолияти ана шу асарлар йигноғида мужассам булган. Ойбек домла 63 йил умр кўрдилар. Нисбатан узоқ булмаган шу ҳаёт давомида катта, ёрқин истеъдод соҳиби булмиш адиб олам ичра узига бир олам ярата олди. Нечанеча турли-туман қиёфали, ранг-баранг тақдирли, ҳар хил тарихий даврларга оид одамлар дунёсини, руҳиятини чизиб курсата билди. Ҳар бир шахсни узига хос хислатлари, фазилатлари, зиддиятлари билан кашф этди. Уларга жон, ҳаяжон, фаолият, ҳаракат, кураш, умуман олганда, барҳаётлик ато қилди. Ҳақиқий ёзувчи дегани ана шундай беқиёс ижодкор булиши керак. Дунёни фалсафий идрок эта оладиган, унинг барча манзараларини ич-ичидан ҳис эта оладиган санъаткоргина улмас, ҳаётбахш китоблар ёза олади. Мен солиқ бир муҳлис сифатида ҳар гал ушбу асарлар мажмуасига катта ҳаяжон, ички бир фахру қувонч туйғуси билан ёндошаман. Минглаб варақлар қат-қатида абадий муҳрланган ҳаётий манзараларни, куплаб антиқа инсонларни яққол кураётгандай буламан. Буюк мутафаккир Алишер Навоий, Йўлчи ва Бектемир, Дилдор ва Гулнор, Комила

ва Гули каби унлаб, балки юзлаб ранг-баранг сиймолар куз ўнгимда гавдаланаверади. Уларга яна суҳбатдош буламан. Дардларини англайман, қўжончларига шерик буламан... Бу тенгсиз ижод қаршисида минглаб кишилар, миннатдор китобхонлар ана шундай туйгуларни бошдан кечириши аниқ. Ҳам жозибали шоир, ҳам улуғ адиб, ҳам улкан тадқиқотчи олим ва йирик жамоат арбоби булган Ойбек ўзбек ҳалқининг ана шундай азиз, ноёб, ардоқли, ўлмас фарзандларидандир. Ойбекнинг ушбу йигирма жилдлик асарлар мажмуаси — бу улкан хазина. Бу — поёнсиз олам. Бу — ҳамиша ҳаракатдаги юксак тафаккурнинг кенг қамровли парвози, авж нуқтаси.

Ойбек шеъриятида диёримизнинг тенгсиз қуёшли манзаралари жилваланиб гуради. Қоя учидаги, шамолда нафис тебранаётган наъматак, Чимён тоғининг нуқра чуққилари, ойнадай жимиллаган булоқлар, ёзи олтин селдай тошиб турган гўзал Фарғона, ажойиб фсъл-атворли одамлар гуруҳи сизни тамомила жалб этади, ҳаяжонга солади.

Ҳа, Ойбек шеърияти ниҳоятда узига хос. Ҳар гал уқиганда, янгича қирралар билан товланади. Назаримда, ҳеч ким, ҳеч бир шоир табиатни у кишичалик жонлантириб тасвирлай олмаган. Мана бу ухшатишни бир ўқинг, эшитинг, томоша қилинг, узингиз ҳам бунга гувоҳ буласиз:

“Буралиб, кукатлар ичидан чопар Узилган марварид ярқирашлари” (ирмоқ); “Олтин сепкилли қоп-қора кеча” (юлдузли осмон); “Отан илон сингари чақмоқ”; “Виқор-ла ушшайган бужур қоялар”; “Кечани оларак тақимга Савалайди шиддатли ёмғир”; “Жийдазор ёнади кумуш тутунда”; “Абадият ва умр сингари оқади сув”; “Кўзларила чақнар қора, кучли нур”; “Қулоқлардан тошар жингала сочи”; “Дарахтларнинг булути қалин”; “Япроқ нам ерни унди”; “Қирларда лолалар гуёки машъал”.

Қуёшли Ўзбекистонимиз тасвирига бағишланган “Бир ўлкаки...” шеърининг мана бу банди, масалан, одамни гўзал бир дунёга олиб киради:

Бир ўлкаки, тупроғида олтин гуллайди,
Бир ўлкаки, қишларида шивирлар баҳор.
Бир ўлкаки, сал кўрмаса, қуёш соғинар,
Бир ўлкаки, ғайратидан асаби чақнар,
Бахт тошини чақиб, бунда куч гувиллайди.

Моҳир санъаткор Ойбек домланинг насрий асарлари — алоҳида бир тафаккур ва гузаллик олами. “Қутлуғ қон” романидаги гуркираб ётган катта ҳаёт зиддиятлари, йигирманчи аср бошларидаги эски Тошкент ижтимоий муҳити бағоят реал тасвирлангани одамни мафтун этади. Тошкентдан олисдаги қишлоқ мактабидаёқ ушбу асарни ўқиб, мен азим шаҳарни анча-мунча аниқ тасаввур этганман десам, муболаға эмас. Сунг... “Навой” роман орқали буюк мутафаккир шоиримизни, уша даврлаги Ҳироту Самарқанд, Машҳаду Астрабодни, ўша давр одамларини, урфу одатлари, биною мадрасаларни, халқимиз тарихини аниқроқ ҳис этдим. Устоднинг бошқа асарлари ҳақида ҳам шундай фикрларни айтиш мумкин.

Бу роман, қисса ва дostonларнинг фақат Ойбеккагина хос бўлган дилбар тили, чевар тасвирлари, бадиий гузалликлари ўқувчи дилини антиқа туйғуларга тулдиради. Ойбек узбек халқи бағридан отилиб чиққан ҳақиқий санъаткор экаңлигига имон келтиради.

Устод Ойбек билан бўлган учрашуларимни асло унутмайман. Талабалик йилларимизда ёш ижодкор бўлиб, таҳсил олиб юрарканмиз, Ойбек — биз учун олам ичра алоҳида бир олам, Фафур Фулом сирлар тула бир дунё бўлиб, ёш қалбларимизни забт этган эдилар. Уларни катта мажлисларда, турли-туман анжуманларда куриб, сөҳрланиб юрардик. Ойбек домла Покистон сафаридан қайтиб, уз таассуротларини биз талабаларга гапириб бераркан, ҳар бир сўзини жон қулогимиз билан гинглардик...

Кейинчалик... газета топшириғи билан уйларига борганман. Ният — махсус бир саҳифа уюштириш эди. Ушандаги ҳаяжонларимни тасвирлаб беролмайман. Домла диванда ёнбошлаб утирар, оқ оралаган қалин жингала сочлари дуппидан тошиб чиққан, қўлларида арабий имлодаги қандайдир бир китоб бор эди. Алломанинг йирик жозибали қора кўзлари, паҳлавон сиймоси, болаларча беғуборлиги куркам эди. Чуқур ҳаяжон ичида у киши билан саломлашдим. “...Келинг, келинг...” деган самимий сузлардан сунг, чайнала-чайнала муддаога ўтдим...

Мен жуда бахтиёр эдим. Ҳазилми, мени болаликдан ўзига мафтуну маҳлиё этган. “Навой” ва “Қутлуғ қон”дек забардаст романларни яратган буюк Ойбекнинг рўпарасида суҳбатлашиб утирибман.

Қандай бахт! Узбек тилининг мислсиз сөҳргари, бадиий тафаккур паҳлавони булмиш устоз мендек оддий бир қаламкаш

билан суҳбатлашмоқда! Замон долғаларига мардона кукрак керган, яраланган шердек узига сиғмай, тошиб-тошиб келаётган, кўп гапларни айтишга тайёр-у, лекин неча йиллик маънавий изтироблардан сўнг дудуқланиб қолган устоз билан юзма-юз утирибман. Неча минг саҳифалар устида бедор ўтган кечаю кундузлар, ғанимлар ғарази уз кучини курсатган эди. Меҳрли кўзларнинг тафтини сезиб, ўзимни осмону фалакда ҳис этардим. У киши айтмоқчи бўлган сўзларни жон қулоғимни тикиб эшитардим...

Дунёда жасоратли ишлар, жасур инсонлар кўп. Улар ақлга сиғмайдиган ишларни бажарадилар. Фазою самовотда, ер қатламлари ичидаги сирларни очишга ўзларини бағишлайдилар. Бундай баҳодир, шерюрак инсонлар олдида ҳамиша таъзим этамиз. Лекин, назаримда, ҳақиқий ёзувчи, санъаткор меҳнати буларнинг барчасидан-да буюкроқдир.

У олам ичра олам яратади. Инсоннинг қалб дунёсига кириб бориб, ундага жавоҳирларни юзага олиб чиқади. Навоий, Шекспир, Толстойлар меҳнатини бир тасаввур этиб кўринг. Ойбек домла ҳам ушандай улуғлар сирасида тан олинган.

Президентимиз ва ҳукуматимиз қарори билан 2005 йилда Ойбек домла таваллудининг 100 йиллиги кенг нишонланиши мустақиллигимиз яратган буюк имкониятларнинг порлоқ бир куриниши бўлди.

ИЖОДНИНГ ОЛМОС ҚИРРАЛАРИ

(Ғафур Ғулом)

Устод Ғафур Ғулом — бадий адабиётнинг турли шаклу шамойилларида такрорланмас гузал, юксак даражадаги асарлар яратган адиб. Ўнлаб дилбар ҳикоялари, “Шум бола”, “Ёдгор”, “Негай” каби ҳаётий қиссалари, баланд савияда ёзилган умрбоқий тадқиқоту мақолалари, болаларга бағишланган қувноқ китоблари, таржима асарлари, айниқса, кўнгиллар мулкани забт этган фалсафий шеърияти билан ҳамиша ҳалқимиз ардоғида бўлиб келган ва абадий шундай бўлиб қолади.

Улуғ адибимиздан: “Устоз, адабиётнинг ҳамма турларида зўр асарлар ёзиб қуйгансиз-у... негадир саҳна асарлари ёзишга

кам ҳафсала қилган кўринасиз?” — деб дўстлари сурашганда, у киши ҳазил аралаш: “Айтганинг рост, “ановилар”никидан кура зур пьесалар ёзардим-у... лекин қаҳрамонларнинг саҳнага қачон кириб, қачон чиқиб кетишини билмайман-да”, — деб жавоб қайтарар эканлар.

Лекин Фафур Фуломнинг драматургия ва ўзбек театр саҳнаси равнақига қилган хизматлари беқиёс эканлигини яхши биламиз. Биргина Шекспирнинг “Отелло” ва “Қирол Лир” деб аталмиш дурдона асарлари таржималарини олиб кўринг. Бу икки асар шу қалар кучли эҳтирос ва олий маҳорат билан ўзбекчага ўгирилганки, ҳали бу ҳақда махсус тадқиқотлар яратилса, ажаб эмас. Чунки бу таржималар ўз қувваи ҳофизаси билан ўзбек саҳна санъати юксалишига катта таъсир кўрсатди. Бу таржималарда ўзбек тилимизнинг қудрати, суз ва гафакқур бойлиги, дунёдаги энг теран тушунчаларни ҳам мукамал ифода эта олиш уфқи яққол намоён бўлган. “Отелло”даги монолог ва шеърий парчаларнинг неча ун йиллар мобайнида ҳали-ҳамон севиб ижро этиб келиниши ҳам шуни курсатади.

Ёки “Қирол Лир” таржимасини бир эсланг. Шекспирона жозибани, мураккаб инсоний туйғуларни, ёвузлик ва яхшилик уртасидаги абадий зиддиятни, одам қалбининг изтиробли ҳолатларини акс эттирувчи саҳналарни уйлаб, ўзбек тилимизнинг нақадар бой, имкониятлари бепоён эканлигига яна бир марта имон келтирасиз...

“Шарқ юлдузи” журнали ва эътиборли газетамиз таҳририятида ишлар эканман, Фафур Фуломнинг ҳар бир таърифи биз учун бир байрамдай кунгилларни яйратарди.

Сийрак кумуш сочли, кенг манглай, қийиқ кўзларида донолик мавж уриб турувчи, паҳлавон қиёфали устод илму ҳикматларга тўла эди. Унинг ҳар бир ҳикояси, латифаси, ҳангомаси оғзаки ифодасининг узиёқ мукамал бадиний асар бўлиб, илҳом, истеъдод ёғдуси билан шуълаланиб турар, тарихнинг ажойиб сабоқларини куз унгимизда гавдалантирар, мураккаб инсоний оламни бутун қирралари билан хаёлимизда намоён этар, яхшилик дарси бўлиб, одамни бир поғона юксалтиргандек туюларди.

Бир куни газетамиз топшириғига кўра, Ҳамид Олимжон хотирасига бағишланган эсдаликлар ёздириш ниятида Фафур аканинг уйларига бордим. У киши муддаони англагач, ўша лаҳзадаёқ ишга ўтиришни таклиф қилдилар. Стол устидаги бир даста оқ қоғозга ишора қилиб:

— Қапи, қаламнинг учини ўткирлаб, курсига утирсинларчи, бироз уйга чумиб олайлик. — дедилар. Ишнинг силлиқ битаётганидан хурсанд булиб, устоднинг ҳаракатларини кузатиб турдим. Фафур ака китоб жавонлари билан безанган кенг хонада айланиб юрар. гоҳ бир дақиқа тўхтаб, дераза оша олис-олис кукка боқиб, фикру хаёлида йиллар ва йулларни аниқ кўрар. ёниқ қалб эгаси Ҳамид Олимжон билан ҳамкору ҳамдаст булган дамларни эслар, гоҳ кўзлари ёшлангандек изтиробли бир ҳолатда дўсти тақдирини кўз олдига келтирарди. Назаримла, унинг Ҳамид ака ҳақида айтадиган юрак сузлари жуда куп-у, шуларнинг қайси биридан бошлашни мулоҳаза қилиб, хаёлга толган эди. Бирдан тўхтаб, Ҳ. Олимжоннинг “Ҳолбуки тун” шеърининг бир неча бандини ҳарорат билан ўқидилар. Мен, нега айнан шу шеърга тўхтадилар, деб ҳайратда эдим.

— Хўш, нега ҳайрон булиб қолдинг? — дедилар менга. — Менимча, биз мақолнинг калитини топдик. Худди ана шу шеърнинг кайфиятидан келиб чиқиб, қаламни тебратамиз...

Қалам қоғоз буйлаб юра бошлади. Саҳифада Катта Фарғона канали қазувчиларининг қаҳрамонона меҳнатини акс эттирувчи лавҳалар, юлдуз тула Фарғона самосининг дилрабо оқшомлари тасвири, йунғичқазор ҳидига маст булиб, уйқудан кечиб, янги илҳомлар оғушида саҳаргача суҳбат қурган икки забардаст шоирнинг гузал руҳий олами сайқаллана борарди. Улар ўртасидаги самимий дўстлик, Ҳамид Олимжоннинг улуғвор орзулари, ижодий режалари, мукамал инсонийлик фазилатлари қоғоз юзида жонланарди. 12 — 15 саҳифалик эслалик ҳажмига бутун бир ҳаётни ситдираётган, жонли инсоннинг ўз рамзини, одатлари ва кайфиятини талқин этаётган, уни барча жозибаси билан тасвир этаётган Фафур Фуломнинг қуввайи ҳофизаси, сузга жон бағишлани, воқеаларга ҳаракат индириши мени дол этарди. “Ҳамидни эслаб” деган машҳур мақола-асар ана шундай, кўз олдимда дунёга келди. Ўшанда устоднинг юраги тулиб-тулиб, кўзлари ёшланиб, йиғлаганини курдим.

Фафур Фулом газетамизда эълон қилинган “Менинг ўғригина болам” воқеий ҳикояси мазмунини ҳам дастлаб узимизга мароқланиб сузлаб берган эди. Бизнинг ғоятда қизиқиш билан тинглаганимиздан тўлқинланган адиб, дарров уни қаламга олди. Ҳаққоний кайфияти, ҳазил-юмори, одамийлиги билан ҳаммани мафтун этган бу қувноқ ва аламли ҳикоя шу жанрдаги ноёб дурдоналардан булиб қолди...

Университет бағрида ёш ижодкор бўлиб, таҳсил олиб юрарканмиз, Ойбек — биз учун олам ичра алоҳида бир олам, Фафур Фулом сирлар тула бир дунё булиб, ёш қалбларимизни забт этган номлар эдилар. Фафур Фулом украинча ироқи кашталиқ шоҳи куйлақда, кенг пешонаси узра дупписини дол қундириб, дустлари ва шогирдлари қуршовида кучадан ўтиб қолсалар, энтикиб, довдираб, анча жойгача эргашиб ҳам борардик. Устод шеърларини ютоқиб ўқирдик, фалсафий маъноларини тушунишга интилардик. “Шухрат қолдирмоққа Геростратдек”, “Жавондан Мопассан томи йўқолса”, “Бир куни Ҳимолай тоғига чиқиб, шунча ожизманми депти Тагуро” каби сатрларда қандай мазмунлар бекинганини билиб олиш учун ўзига хос илмий изланишлар керак эди-да. Устоз ижодиётига булган бу маҳлиёлик ва мафтунликни “Тонготар куйчисига” шеъримда ифодалаб, ўзлари қатнашган бир учрашувда ўқиб берганимни асло унутмайман. Университетни бигиришдаги диплом ишимга ҳам “Фафур Фулом — тинчлик куйчиси” деган мавзунини олиб, шу баҳона устоднинг ижодий дунёсини узимча “таҳлил” этишга киришганим бежиз эмас. Шакл ранг-баранглиги, сўз уйинлари, салмоқ ва бағрикенглик, кукрак тулдириб айтилалган куйма сатрлар, фикр ҳарорати мени уз оғушига олар эди. Куйидаги шеърини бандга назар солинг. Ишлатилган ўтгиз бешта сўзнинг бирортаси ҳам ўзаро қофиядошлиқдан холи эмас:

Жондан ёзмоқ иштиёқи юракка берур мадад,
Шеър шундай шух шанлансин, булолмасин ўхшаши.
Фикр кундай равшанлансин, қаролмасин қуёши,
Кондан қазмоқнинг мароқи тилакка буларму сад,
Гўзал қўшиқ синалади булбулнинг оҳангида,
Бу галги ишқ товланади қизил гулнинг рангида.

Ушбу банддаги сатрлар — маҳорат гулханидан сачраган оташин зарралар эди, назаримда! Бу қофиябозлик эмас, сўз санъатининг сеҳрли намоиши эди.

Газетада бош муҳарриримиз Мақсуд Қориев ташаббуси билан ёзувчи-шоирларимиз ижодиётига бағишланган яхлит саҳифалар берилганлиги жуда таъсирли ҳодиса булган. Катта адал билан ёйилган йигирмадан ортиқ шундай саҳифа қўлма-қўл бўлиб ўқиларди. Бу ташаббуснинг ҳам байроқдори устоз

Фафур Фулом эди. Шоирнинг Ҳирот сафаридан қанчалик завқ-шавқ, ҳаяжон, илҳом билан қайтгани ҳамон ёдимда. Буюк Навоий қабрини зиёрат қилиб, улуғ Алишернинг ҳаёт бешиги бўлган шаҳарда у киши қурдирган тарихий ёдгорликларни куриб қайтган шоирнинг уй-хаёлларида янги-янги мавзулар жилоланар эди. Натижада, “Буюк Навоий” деган саҳифа вужудга келдики, ундаги “Ҳоки Мусалло”, “Тахти Сафар” каби ажойиб ҳикоялар, “Тун билан тонг” деган машҳур Навоий ғазалига мухаммас ва “Навоий қабри устида” деган шоирнинг уз мухаммаси, Жомий ғазали таржимаси ва бошқалар юксак санъати билан ҳаммамизни лол этган. Бахтлиманки, уларнинг кўпини устоз айтиб туриб, мен қоғозга туширганман. Урни келганда айтиб олай, Фафур Фулом ҳар гал газетамизга келиб, булим хонасига кириб, бизга атаганларини таҳрир этиб утираркан, чой узатиб, оғизларидан чиқадиган ҳар бир сўзни пойлаб, ҳушёр турардик. Баъзи-баъзида қулёзмадан бош кутариб, папирос тутатаркан, бирор қоғоз парчасига ниманидир ёзиб узатарди: “Ма, буни олиб қўй, бунақа қофия икки дунёда бир марта келади”. Кўз югуртирсак, шундай ёзилган:

Аз таъби Мирзо Абдулғафур Шоший-Қоратоший:

“Соқол қўймоқ йигитга чакки ишдур,
Энгокинг бева хотинга чакичдур”.

Яна бир галги мулоқотда: “Мана буни эшитинглар”, — деб қолдилар устоз. — Қадимда, бир мадраса талабаси бўлимиш икки муллавачча бир ҳужрада утириб олиб, оламнинг моддийлиги ёки маънавийлиги хусусида қизгин тортишаркан. Молдийлик тарафдори бўлмиш мулланачча ҳадеб уқтираркан: “Ҳеч нарса ўз-ўзидан гум бўлиб кетмайди. Одам ҳам бошқа бир қисфага (масалан, ит, эшак, товуқ) кириб, албатта, қайтади. Айни пайт кучада ўт қиртишлаб юрган бир эшак ногаҳон ҳужрага бош суқибди. Хурсанд бўлиб кетган маънавийлик тарафдори булмиш муллавачча рақибига эшакни кўрсатиб, шундай дебди:

Ҳунат падарат чанд замон гум гашта,
Аз ҳасрати ту бисёр мағмум гашта,
Ҳамаш панжат жам карда-сум гашта,
Решат аз кун буромада, дум гашта!

Яъни: ана, неча замон йуқ булиб кетган отанг келди. У сенинг ҳасратингда кун гаплар чеккан эди. Мана бугун беш папжасини битта туёққа жам қилиб, соқолини орқасидан дум қилиб чиқариб, сени йуқлаб келди!

Яна шундай мулоқотлардан бирида Фафур ака айтдилар: “Мана шу гугурт чўпини тепа бир жойга маҳкам ўрнатиб, бирорта юлдузга туғрилаб қўйиб, нақ бир йилдан сунг — уша ою йил, кун, соату дақиқада — уша юлдузга қараб боқ, юлдуз уз ўрнидан бир миллиметрча силжиганлигини сезасан. Демак, Коинот ҳаракатда!” Биз қойил қолиб эпитардик донишманд устоз сўзларини...

1959 йил январида Москвада ўзбек адабиёти ва санъати ун кунлиги буларкан, кўпчилигимиз “Украина” меҳмонхонасига жойлашган эдик. Мен ҳам ёш қатнашчилардан бири эдим. Пастдаги кенг чароғон фойеда эканмиз, Фафур Фулом: “Қани юринглар, тепа қаватга чиқиб, Юсуфжон акани зиёрат қилиб чиқамиз”, — деб қолдилар. Мен ҳам эргашдим. Машҳур қизиқчимиз Юсуфжон ота Шакаржоновни ўшанда кўрганман. Фафур ака билан у киши ўртасида жуда ғалати, кулгили гаплар бўлди... Минг афсуслар бўлсинки, бирор саҳифага ёзиб қўймаганман.

1965 йил март ойи бўлса керак, Чимкентга ижодий учрашувларга борганимизда кўпгина давраларда Фафур Фулом, Шайхзода, Миртемир домлалар билан бирга шеърлар ўқиш бахтига муяссар бўлдим. Шундай учрашувларнинг бирида “Севгим” деган шеъримни ўқидим. Унда шундай туртлик бор эди:

Муҳаббатсиз юрак зим-зиё, бушдир,
Муҳаббатсиз, дўстлар, бахтдан йироқсиз.
Муҳаббатсиз юрак бир парча гўштдир,
Муҳаббатсиз юрак уйдир чироқсиз.

Шеърни ўқиб ўрнимга ўтирганимда, Фафур Фулом домла ёзган бир парча қоғозни менга узатдилар. Шундай ёзилган эди: “Шеъринг яхши. Фақат учинчи мисрани “Муҳаббатсиз юрак сонгиров тушдир” деб ўзгартирсанг, тузук булади”. Бу фикрни, албатта, жон деб қабул қилдим.

Менинг ижодий уюшмага аъзо булишимга тавсиянома ёзиб берган устоз Фафур Фулом ижодиётини ҳаминша меҳр билан

урганаман. Унинг номи айтилганда, кузим унгида юлдузли осмон товланиб кетгандай бўлади: бир дунё бадий тушунчалар, ташбиҳлар, ҳикматлар, тарихлар, ҳақиқатлар, тонилималар олами ҳаёлимда барқ уради. Бу — камдан-кам шоирга муяссар бўладиган бахт. Тошкент zilzilасидан кейинги пайтлар эди. Уюшмамиз Навоий кучасидаги катта бионинг таг қаватида вақтинчалик жойлашган пайтлар. Шу ерда бўлиб ўтган бир мажлисда Абдулла Қаҳҳор дусту Фафур Фуломни эҳтиром ва таассуф ила эслаб: “Фафур узидаги беқиёс истеълоднинг фақат учдан биринигина намоён эта олди, холос. Купини узи билан олиб кетди. Ҳозир иттифоқдаги мана-ман деб кўкрагига уриб юрган кўпгина шоирлар унинг тиззасидан ҳам келмайди”, — деган сўзларини кўпчилик эсласа керак. Энди биламизки, шеърятни сиёсатга қурбон қилишдек машъум шуровий йул нақадар ҳалокатли бўлган. Афсуслар бўлсинки, истеъдолли романнавис адибларимизнинг йиллар давомида ўз соғлиқларини бағишлаб, эътиқод ила яратган айрим асарлари ҳам шу сиёсатнинг қурбони бўлди. Лекин Фафур Фуломнинг буюклиги шундаки, шунча ғурбатларни мардона енгиб утиб, ўзининг айтадиган катта, абадий сўзини айта олди...

2003 йил. Узтоз Фафур Фулом таваллудининг 100 йиллиги тантаналари арафасида бўлса керак, тонгга яқин бир туш кўрдим. Тушимда Фафур Фулом ҳазратлари намоён бўлдилар. Қизиқ бир суҳбат ҳам ўтди, чамамда... Сунг қабрлари куринди. Олтин суначали қабр, қизил мрамардан. Шу қабр тепасида роса йиғлабман. У кишининг Алишер Навоийга бағишланган мухаммасларидан бир мисрани тилга олар эмишман:

“...Мозоринг бошида турмакдаурман тарки хоб айлаб...”

Қабрлари устидаги лавҳада “Оллоҳ суяжак” деган сўзлар олтиндай порлаб, нурланиб турибди. Бир неча бор ўқидим. Ҳарфлар аниқ. Кириллча. Икки қатор қилиб ёзилган. Бадий шаклда. Ё тавба, бу қадар аниқлик. Худойим раҳматиға олгани рост бўлсин...

ҚОМУСИЙ БИЛИМ, ИЛҲОМ

(Мақсуд Шайхзода)

Шайхзода домла билан яқиндан танишувимизга (гарчанд 1951 ёки 1952 йилларда бир муддат мумтоз адабиётимиздан сабоқлар берган бўлсалар-да), асосан, ижодий сафар сабаб бўлган. Минг тўққиз юз олтмиш биринчи йил охирларида Шайхзода, Одил Ёқубов, мен ва яна бир-икки қаламкаш Хоразмга боралиган бўлдик. Шунда йўл-йўлакай узим учун икки нарсани кашф этдим. Биринчидан, Шайхзода домла шу қадар содда, дилкаш, самимий, тингловчини ром этарлик даражада суҳбатдош киши эдиларки, у киши билан биринчи бор танишган, биринчи бор суҳбатдош булган киши ҳам узини Шайхзода билан гуё аввалдан яхши танишдек ҳис этиб қоларкан.

Мен ҳам шу ҳолатга тушган эдим. У кишининг сўзларини тинглар эканман, уша дилга яқин, ўша мазмунан чуқур таъсирбахш шеърларини ўқиб тасаввур қилганим — Шайхзода домла билан сафардош бўлиб кетаётганимдан қувончда эдим. Ҳайратланганим яна шундан эдики, домладаги бу оддийлик, камтарлик ва самимият у кишига алоҳида улуғворлик бағишлар, алломалик, инсоний фазилатларини яна ҳам табиий даражада намоён этарди.

Уша сафар бошланишидаёқ кашф этган иккинчи тушунчам — Шайхзоданинг теран билгичлиги, тарихни, халқ ва юрт ўтмишини миридан-сирингача — йилма-йил, асрма-аср, воқеа ва номларни чалкаштирмай ҳикоя қила олиш фазилатидан огоҳ бўлдим. Бораётган манзилимиз Хоразм булганидан суҳбатимиз бу қадим ва навқирон воҳа ҳақида давом этарди. Суҳбатимиз десам, хатодир балки. Чунки фақат домла сўзлар эди. Онда-сонда савол бериб қўярдик, холос. Домланинг сузини бўлгимиз келмасди. Негаки домла бизга Хоразмни Хоразмлигича, яъни минг йиллар қадимги воқеалари, Берунийдек, Хоразмийдек буюк алломалар тақдирини, жангу жадаллари, нурли ва нурсиз кечган онларини соатма-соат аниқлик билан қўз ўнгимизда гавдалантирар, моҳир мусаввирлек тасвир этар, узининг ҳам тўлқинланганини гоҳ-гоҳ ошкор этиб сўзлар. биз эса ҳайрат ва ҳаяжон билан тинглаб борардик.

Айниқса, мен учун янги бир олам очилгандек эди. Дарсликларда, китобларда, қомусларда ўқиб, ўзим билган Хоразм билан Шайх домла тасвирлаган Хоразм уртасида ер билан осмонча фарқ бор эди... Хоразмга бўлган меҳру муҳаббатимга муҳаббат, ҳайратимга ҳайрат қушиларди. Ўзимча ўйлар эдим: “Домла шунча ҳайратомуз донишмандликка, қомусий кенг кўламли билимларга қандай эришди экан?..”

Мен бу саволимга кейинчалик... катта ҳаёт ва ижод йўлини босиб ўтган, узбек шеърлятида ўзига хос мактаб яратган, шеърлятимизни янгича ранглар, дилбар оҳанглар, мазмун терапийлиги, гузал шакллар билан бойитган, унинг имкониятларини, уфқини кенгайтирган, тўла нафас билан ёзилган, фалсафа барқ урган шеърлий, драматик ва публицистик асарлар яратган, иқтидорли шоғирдлар чаманини яшнатолган устоз Шайхзодани яна ҳам яқиндан билганимдан сунг узим жавоб топдим.

Фақат мен ва унинг талай шоғирдларигина эмас, шоир яратган улкан, кўп қиррали, бой ижодиётни, чинакам шеърлят хазинасини диққат билан куздан кечирган, урганган ҳар бир киши бу ноёб истеъдод тимсолида бутун бир оламни, гузаллик дунёсини кўради, ҳис этади. Азиз умрини поёнсиз тарихий манбалар, архив ҳужжатлари, қомус ва луғатлар билан ишлагани, тинимсиз ижод қилишига бағишлаган Шайхзоданинг йирик олим ва устоз ижодкор бўлиб етганлиги сирларини куз олдида гавдалантира олади. Алиб яратган маънавий хазина беҳад ва бепоён. У олмос қирраларидек жилдоланди, ақлларни пешлайди, фикрга қанот бағишлайди, қалбларни тулқинлантиради, кузларни ўткир қилади. Бу хазина чинакам буюк шоир, ажойиб инсоннинг тафаккур фазилатларини, юксак эътиқодини, ватанпарварлигини, қайноқ қалбини намойён этади.

...Хуллас, ушанда суҳбат билан бўлиб Хоразмга етиб борганимизни ҳам билмай қолдик. Учрашувлар, Хоразм ва унинг дилкаш кишилари билан танишувлар ва бу мулоқотларда Шайхзода домлага кўрсатилган ҳурмат ва эъзоз домланинг халқ учун, юрт учун, адабиётимиз учун қанчалар қадрли экани, қанчалар хизмати борлигининг сузсиз исботидек дилларга урнашиб қолди.

Бизни Урганч меҳмонхонасига жойлаштиришди. Домла билан бир хонага тушдик. Учрашувлардан, Хоразмнинг шаҳар ва қишлоқларидан қайтиб меҳмонхонада булганимизда ҳам тарих

ҳақида, шеърят ва ижод сирлари ҳақида суҳбатлар давом этар, мен эса сабоги оламга татирлик бундай лаҳзаларнинг охири булмасайди, леб хаёл қилардим.

Сафаримиз қариб, қайтиш учун ҳозирлана бошладик. Якшанба куни эди, шекилли, тушликни меҳмонхонада, хонамизнинг ўзида тайёрладик. Дастурхон атрофида ҳам шеърят ҳақида суҳбат бошланди. Асосан, мумтоз шеърят ҳақида, айниқса, газал ҳақида суҳбатлашдик. Хаёлимга негадир бир савол келди-ку, ўйлаб ҳам ўтирмай домлага мурожаат қилдим:

— Домла, маболо, ҳозир суҳбатимизда ҳазрат Навоий бобо пайдо булиб қолсалар, у киши билан қийналмай, бир-биримизни тушуниб гаплаша олармидик?

— Шубҳасиз, тушунардик, — деди домла кулимсираб. — Ҳа, энди анча-мунча эскичароқ сўзларни ишлатишимизга тўғри келарди, холос. Булгани — шу.

Шундай дели-да, домла дераза ёнига бориб, ташқарини кузата бошлади.

— Ҳа, — дея оғир сўлиш олди бир пайт Шайхзода домла ва менга юзланди. — Ё, Жуманиёз, манови манзарани куриг.

Деразага яқинлашиб кучага назар ташладим. Бир туп оломон елкама-елка тобут кутариб, майитни қабристон томон элтмоқда экан. Тобутга эрганганлар шошишар, бир-бирларига туртиниб кетишар, марҳумга бир нафас булса-да елка тутиб қолишга интилиб кетишмоқдайди.

— Замонанинг заб қизиқ ўйинлари бор-да, азизим, нима дедингиз? Мана, бир бандаси худди шу бугун, келиб-келиб дам олиш куни омонатини топширибди. Ке, дам олсам, бира тула дам ола қолай, деганмикин?.. Балки ҳафта бошида қанчалан-қанча ширин ниятларини худди шу бугун амалга оширишни дилига туғиб қўйгандир-у, энди бечора сўнгги манзили томон бораётганини ҳатто ҳис этишдан ҳам маҳрум...

Сал туриб домла яна ҳориғинлик билан давом этди:

— Тобут ортидан кетаётган, марҳумга хайрихоҳ анови одамларнинг орасида бечоранинг тириклигида дилига озор етказганлар йуқ дейсизми? Энди булса...

Бирдан домланинг:

Дўстлар, тирикларни авайлаб сақланг,
Салом, деган сўзнинг салмоғин оқланг.

Улганда юз соат йнглаб гургандан,
Уни тиригида бир соат ёқланг! —

деган сатрлари кунглимдан кечди. Суҳбатимиз мавзуи шу куйи умр ҳақида, қадр ва қиммат ҳақида кетди...

Шундай қилиб, Хоразмдан бир олам таассурот ва илҳом, ижодкорни нимадир ёздирмай қуймайдиган воқеа-ҳодисалар таъсирида қайтдик. Газета ўзининг уша йилги 28 декабрь сонида “Файз ила порласин Хоразм машъали, Аҳди чин пахтакор мардларга балли!” деган умумий сарлавҳа остида саҳифа эълон қилди. Бу бизнинг Хоразмдан қилган ижодий сафаримиз ҳисоботи эди. Саҳифала Ояил Ёқубов, Эгам Раҳим, Фозил Зоҳид ва бошқа муаллифларнинг публицистик мақолалари, таассуротлари босилган эди. Хоразм илқорлари суратлари ва уларга ёзилган сузлар ҳам саҳифани безади.

Домла Шайхзода эса, кейинчалик сара шеърлари қаторидан жой олган “Хоразмда қиш булмас экан...” номли шеъри билан саҳифага улуғворлик бағишлади. Шу-шу, Шайхзода домла билан яқин муносабатларимиз бошланиб кетди. Шогирдлари қатори унинг дилбар суҳбатларидан куп баҳра олардим. Домла биз шогирдларига панду насиҳатлар беришдан эринмас, вақтини аямас, аксинча, бундай кезларда ҳаяжонланиб яшариб кетгандай сезарди узини. Бироқ насиҳатлари ҳам табиийлиги, самимийлиги билан дилга шундоқ қуйилиб қолар эди.

— Шоир, дейлик, олдий сув ҳақида ёзадиган булса, уша сувнинг турли куринишларини ҳам севиб тасвирлаб тараннум этгани яхши гап, албатта! — дерди домла. — У шўх ёмғирни, уйчан кулларни, эрксевар булутларни, меҳнаткаш ариқларни, асов денгизларни, ифбатли булоқларни, интизомли каналларни, танбал ҳовузларни, дostonвори дарёларни, нозик шудрингларни куйласин, майли!

Бир куни газета идорасида ишлар эканман, халқ рассоми Урол Тансиқбоев таваллуд санаси муносабати билан шошилинч тарзда мақола зарур булиб қолди. Қасққа бош уришни билмай гажанг булиб турсам, Шайх домла келиб қолдилар.

— Э, узларидан сурасак? Бу, дейман, нима, сал асабийроқ куринадиларми? А?..

Сабабини тушунтирдим. Урол Тансиқбоев ҳақида кимга айтсам, тезроқ мақола тайёрлаб бериши мумкинлиги ҳақида маслаҳат сўрадим. Ҳайрон булдим. Домла доимий ҳамроҳи-

“Казбек” қутисидан папирос олди-да... қулида ҳали учиб улгурмай, узгасини тутатди. Сунг столга утириб ёза бошлади...

Уша кунни туни билан ухлай олмадим: редакцияда, столда Урол Тансиқбоев ҳақида мақола ёзаётган Шайхзода домла сиймоси, хатти-ҳаракатлари, ёзаётгандаги ҳолати куз унгимдан сира кетмас ва нуқул уйлар эдим: “Наҳотки, ҳаммасини ёддан ёзди?!”

Ҳақиқатдан ҳам, ўшанда домла Шайхзода бир утиришда Урол Тансиқбоев ҳақида ҳеч нарсага қарамай, ҳеч бир факт-рақамни ё асарлари номини ҳеч кимдан сурамай шундай бир ажойиб мақола ёздиларки, унда Урол Тансиқбоев ҳаёти лавҳалари ҳам, босиб утган умр йули ҳам, биринчи асари қандоқ пайдо булгану қачон, қандоқ сафарларда булган, қачон, қандай унвонларга сазовор булгану қайси асари қай савияда ва, умуман, Урол Тансиқбоев ижоди деганда қандоқ гушунини керак, асарларидаги жозибадорлик сирлари нимада, хуллас, ҳамма-ҳаммаси кичик бир мақолада жам булган эди...

Домланинг ана шундай илҳом ҳолатига кирган лаҳзаларини кўп кузатишга муяссар бўлдим ва ҳамон унинг бу қадар узлуксиз ишлаш олиш сирига ҳайратланаман.

Шайх домла ижоди, менимча, инсон руҳий оламининг тулақонли, ҳаминша бойиб, мукаммаллашиб, мураккаблашиб борувчи тимсоли эди. Бу ижодда ойдин кечаларнинг рассомона тасвири, севинч ва қайғу шиддатлари, кураш ва сингиш илҳомлари, қаҳрамонлик ва фидокорлик, замин ва замоннинг барча муаммолари, жасоратли ишлар барча жозибаси билан муҳрланиб қолганлиги аниқ. Шунинг учун ҳам унинг ҳар бир асари катта қизиқиш билан кутиб олинарди. У кичик рубойларда оламча мазмунни ошкор этар, йирик дostonлари эса ҳаётни, одамни ва оламни бутун кўлами билан жиллолантирар, сахна асарларида тарихларни тилга киргизарди. У санъати, шеърлари, нутқи, суҳбатлари жуда сеҳрли, жозибали устоз эди. Уткир навоийшунос олим, тарихчи ва устоз-муаллим сифатида гоят муҳим тадқиқотлари, илмий хулосалари, мўъжизакор қалами билан редакциялар ишида фаол қатнашар, газетани халқ билан, шеърят, адабиёт муҳлислари билан сузланиб туришнинг юксак минбари деб қадрлар эди.

Шайхзода домла умрининг сунгги лаҳзаларигача ана шундай инсон бўлди, ана шундай ижодкор бўлди, ана шундай устоз бўлди! Домла ҳаётининг сунгги йилларини даволаш санаторийларида, касалхоналарда утказди. Шу аҳволда ҳам

унутилмас асарлар яратиб қолдирди. Биргина мисол, эндиликда “Ғазал мулкининг султони” номи билан машҳур Навоий ҳақидаги мақоласини ҳам ҳасталик тушагида ётиб, газета таҳририяти илтимоси билан ёзиб берганди...

Домла олис санаторийлардан туриб ҳам, Ўзбекистонга хат-хабар йўллар, хусусан, менга ҳам бир неча бор мактублар ёзиб, Ўзбекистондаги адабий ҳаёт ҳақида сўрар с газетага бирор шеър йўллар, хуллас, ижод билан тирик эди.

Бир куни шундай мактуб йўллабдилар:

“Азизим Жуманиёз!

Мен Москвадаман. Кремль хастахонасида. Аҳволим анча яхши! Сентябрнинг охирларигача Москва атрофидаги санаторийлардан биттасида бўлурмен. Аммо 12 — 15гича бу ерданман. Бу ерда, аслида, хастахона эмас, балки юзга серсафо бир санаторийдан ҳам устундир. Ҳамма широйт муҳайё. Муолажа ҳам, ётоқлар ҳам, муомала ҳам, манзаралар (урмон, хиёбонлар), ирмоқ ҳам жойида. Мана шу широйтда яна шеърни машқ қилиб, бир “даста” ёзилди. Илк шеър кўндан бери уйлаб юрганам Ғафур Ғулом хотирасига бағишланган шеър булди. Зотан, Ғафур ҳақида бир нарса ёзиш ҳар бир Ғафур дўстининг виждоний вазифасидир. Айниқса, мен жим туролмас эдим. Уши муҳаббат юз берган кунларда шеър ёзишга тоқат ва қудрат йўқ эди. Зеро, боғда касалманд бўлиб ётиб эдим.

Шеър узунроқ туюлса, адабиёт саҳифасида ёхуд якшанба сонларидан бирида берсаларинг ҳам бўлади.

Илтимос, мисралар (12 бугинли) бўлимасдан терилсин. Лозим топилсагина, “1-Арпипоя” билан “Чигатой”га изоҳ берилсин! Менингча, ҳожат йўқ. Бу адресларни ҳамма билади-ку.

“Ҳомид” эмас. Бу Абдулҳақ Ҳамид (2.2.1852 — 12.4.1937) номли машҳур гуманист, турк шоиридир. Раҳматли Ғафур уни кўп яхши кўрар ва аксар шеърларини ёддан билар эди. Бу шоир... Нозим Ҳикматнинг устози булган.

...Мактубни, шеърни олганингиз, редакциянинг фикри ва унинг истиқболи ҳақида 12 — 15 сентябргача хастахона адресига хат ёзсангиз, улгурасиз! Авиапочта 2 — 3 кунда олиб келар экан. Аммо пурмавий телеграмма юборсангиз ҳам бўлади...

Ҳар ҳолда, мен шаҳарга кучиб, меҳмонхонада бирон ҳафта турсам-да, адресимни шу касалхонанинг почтасида қолдираман. Улар хатларни янги адресга жўнатурлар.

Хуш, шаҳарнинг аҳволи қалай? Кун иссиқдир ҳали ҳам? Бу ерларда ҳаволар совуқроқ эди-ю, ҳозир жуда мулойим ва муътадил бўлиб қолди.

Ҳамма дўстларга салом! Узларингни кучиб қоламан.

Дуойи хайр ила М. Шайхзода.

1966 йил, 2 сентябрь, Москва”.

Хатни ўқиб домла билан учрашгандай, овозларини эшитиб, ўғитларига яна бир бор қулоқ тутгандай бўлдим. Шу аҳволда ётиб ҳам ижод ҳақида, пахтакор ҳақида, шеърининг газетада қоқилмай-синмай чиқиши ҳақида қайғурганидан тўлқинланиб кетдим. Ушбу мактубга дарҳол жавоб ёзмадим. Сабаб: “Аввал шеър газетада чиқсин, сунг бирга жўнатарман” деган андишага бордим ва шундай қилдим. Мана уша хат:

“Қадрли домламиз Шайх ака!

Ассалому алайкум. Хатингизни олиб, соғлигингизни билиб, беҳад хурсанд бўлдик. Янада соғайиб кетишингизни, узоқ умр кўришингизни, тезда дийдор кўришишига орзу қиламиз.

Ушбу хатни сал кечикиброқ ёзаётганлигимнинг боиси-шеър босилган газета билан юбормоқчи эдим. Мана, шеър ҳам босилиб чиқди. Жуда катта ҳаяжон, ҳасрат, муҳаббат билан ёзилган бу шеър ҳаммамизни тўлқинлантириб юборди. Бугунги, душанба летучкамизда самимий мақтовлар айтилди...

Тошкент қуриляпти. Зилзила йиқитган иморатлар ўрнида хиёбонлар, гулзорлар яшнаяпти.

Янги шеърлар гулдастангизни ва узингизни мунтазирлик билан кутамиз.

Хатга қушиб, газетани ҳам юбордим. Тезда Тошкентда учрашгунимизгача хайр. Сизни соғиниб, чин кўнгулдан қучиб, укангиз.

12.IX.1966”

Афсуски, хатим шифохоналар алмашинганлиги туфайли домлага вақтида етиб бормаган. Шу орада яна бир мактуб олдим. Мана домланинг уша мактуби:

“Салом! Мен узоқда булсам-да, фикрим-зикрим юртга банд! Илгари юборган шеърим чиқибди ва одамларда анча

яхши таассурот қолдирибди, шекилли. Раҳмат! Бироқ буни мен шу кунлардагина бу ерга келган министрлардан билиб қолдим. Ё, шоир! Ахир, менга бу тўғрида икки энлик хат ёзишга ижодий фурсат тополмадингизми? Хун, майли. Бу асосий гап эмас!..

Мен ҳозир яхши, дуруст бўлиб қолдим. Ойнинг охирларида Москва атрофидаги санаторийлардан биттасига бориб 24 кун дам олинади. Сунгра “шаҳри ларзон”га қайтамиз!

М. Шайхзода.

1966.24. IX”

Домла Москва атрофидаги санаторийлардан бирига кучиб ўтгандан сўнг ҳам дарҳол редакцияга хат йўллади:

“Сизга ва бутун редакция коллективига соғлиқ ва ишда зўр ютуқлар тилайман.

Мен ҳозир Москва атрофида қойилмақом санаторийда дам олмоқдаман. Соғлиғим дуруст.

Бу ерда 27 октябргача бўлурман. Сиздан илтимос: пахта манзумаси текстини қирқиб ёхуд иложи бўлса, бутун сонни юборсангиз.

Умуман, Тошкентда, адабиёт оламида нима гаплар?

Мендан ҳамма ўртоқларга салом.

Эҳтиром билан Шайхзода.

9. X.1966”

Хатни ўқиб яна домланини чеҳрасини куз ўнгимга келтирдим: суҳбатларда, сафарларда, минбарларда айтганлари, газетамизда “Шоир Мақсуд Шайхзода” номли саҳифалар берилгандаги қувончлари, ёшлар билан гурунглари бир-бир куз ўнгимдан утаверди. Мактублар мазмунидаги ўқинчли бир ҳолат андоқ бепарволик бўлгани учун узимни то ҳануз кечира олмайман... Ачинарлиси шундаки, биз устозларни абалдий яшовчи, ҳеч улмас зотлар сифатида тасаввур қилганмиз. Уларни ҳаммиша ёнимизда барҳаёт буладилар, деб уйлаганмиз. Суҳбатларидан кўпроқ баҳраманд булиш, ҳатто эсдалик учун сувратларга тушиб қўйишни тасаввур этмаганмиз. Ҳаммасига улғурамиз, деб уйлаганмиз...

РОСТ СЎЗНИНГ КУЧИ

(Абдулла Қаҳҳор)

Абдулла Қаҳҳордай катта ёзувчи билан биринчи жиддий “учрашувим” университетнинг биринчи курсида ўқиётган кезларимда юз берган. Чоғроқ залдай келадиган умумий ётоқхонада эликка яқин талаба яшарлик. Турли вилоятдан келган, турли куллийётга онд “толиби илм”лар. Урушдан кейинги — дастлабки йилларнинг барча оғирлигига қарамай, кундузлари ташналик билан таҳсил олиб... Сунг ярим кечагача ётоқни бошга кутариб жушқин бахсларга шуниниб юрган пайтларимиз. Шундай кунларнинг бирида қўлимга “Сароб” романи тушиб қолди. Заъфар муқовали, логин алифбосида чоп этилган, ўқилавериб, анча-мунча уриниб қолган китоб. Кечкурун ўқингга тушдим. Ҳамма ухлагач, чироқни тунда “ўғиринча” ёқиб, гувиллаб ёнаётган голланд печкаси ёнига ўтириб олиб, Раҳимжон Саидийнинг барча изтироблари, кечмиш-кезмишларини эрталабки чой пайтига қадар мизғимамай, мен ҳам бошдан кечирдим гуё.

Ўша пайтлар, янглишмасам, ҳафта-ун кунда бир марта докторлар ётоқхоналарини айланиб, талабаларнинг соғлигини, озодалигини куздан кечиринларди... Уларнинг нигоҳи менга узоқроқ қадалиб қолди, сабаб кечаси билан ухламаганим, помидору қора нондан иборат бир парча ризку рузнинг “кучи”, кузларим киртайиб қолгани булса керак. “Соғман, касалим йўқ!” дейишимга қарамай, докторлар шитоб билан мени “Тез ёрдам” машинасига жойлашиб, шифоҳонага жўнатишди. Билсам, терлама касалига гумон қилишган экан. Ётоғимиздан ҳам каттароқ палатага урнашиб, умримда биринчи марта ун икки кун мажбурий тарзда касалхона нонини еб чиққанман.

Бу 1947 йилда эди... Албатта, анча олдиндан, яъни мактаб йиллариданоқ Абдулла Қаҳҳор номи ҳаммамизга яхши таниш. Унинг қизиқ-қизиқ новеллалари (“Алабиёт ўқитувчиси”, “Сапъаткор”, “Жонфигон” ва бошқалар), “Дардақдан чиққан қаҳрамон”, “Қизил юлдуз” қиссаларини ўқиб, бадий сўз қуввати ҳақидаги илк таассуротларимиз шакллангани сир эмас. Кейинчалик, тақдир тақозоси билан, университетни битиргач,

аниқроғи, 1953 йилда “Шарқ юлдузи” журнали редакциясида ишлаб бора-бора шу даргоҳда Абдулла Қаҳҳорни бирор нарсани сураб қолсалар, қизариб-бузариб бўлса ҳам, жавоб берадиган бўлиб қолдик. Уюшмага раис булиб ишлаган йилларида эса бундай учрашувлар ўз-ўзидан, табиий равишда, кўпроқ буларди. Қайсиyam бир катта қўл ёзма муҳокамасида Абдулла ака гапираётди, гапдан-гап чиқиб, менинг “Шарқ юлдузи” журналида босилган илк достоним “Гулшан” хусусида илиқ фикрлар айтилди. “Катта мавзуга қўл урган ва баҳоли қудрат улдалай олган”, деган сузларини эшитиб, бир неча кун ҳаяжонланиб юрганам эсимда.

Баъзан редакциямизга кириб қолардилар. Урта буй, тулага мойил, сочлари кумушланган, назаримизда, юз йиллардан бери яшаб келаётгандай кунни кўрган донишманд бир одам. Синчков кузлар, лаблари четда ҳақиқат, истеҳзо қимтиниб турган адиб. Ҳолбуки, ўша пайтларда 46 ёшларда бўлган у киши. Шу ёшда дарсликларга кириб кетган адиб, икки машҳур роман муаллифи, ўша пайтдаги иттифоқ Давлат мукофотига сазовор бўлган “Шоҳи сузана” пьесасининг ижодкори, ўзбек новелла мактабини яратган устод, моҳир таржимон, йирик жамоат арбоби сифатида танилган, довруқли ёзувчи эди.

Шундай қилиб, бора-бора шу даргоҳда Абдулла Қаҳҳорни ҳар замон-ҳар замон кўрадиган, саломлашадиган, бирор нарсани сураб қолсалар, қизариб-бузариб бўлса ҳам, жавоб берадиган бўлиб қолдик. Уюшмага раис булиб ишлаган йилларида эса бундай учрашувлар ўз-ўзидан, табиий равишда, кўпроқ буларди. Қайсиyam бир катта қўл ёзма муҳокамасида Абдулла ака гапираётди, гапдан-гап чиқиб, менинг “Шарқ юлдузи” журналида босилган илк достоним “Гулшан” хусусида илиқ фикрлар айтилди. “Катта мавзуга қўл урган ва баҳоли қудрат улдалай олган”, деган сузларини эшитиб, бир неча кун ҳаяжонланиб юрганам эсимда.

Абдулла Қаҳҳор ўзининг ижодиёти билангина эмас, балки ўта талабчан адиб сифатида адабиётда борлиги билан ҳам ҳаммани ҳушёр тортириб турарди. Ёшми ё катта, шоирми ё носир, танқидчими ё адабиётшунос — ким бўлсин, нима ёзиб, нимани эълон қилишга азму қарор этмасин, у, аввало, куз олдида Абдулла Қаҳҳорни келтирар эди: ўқиб кўриб, нима деркин? Бу фикр ёки сюжетни Абдулла Қаҳҳор қандай қабул қиларкин? Эртага куз-кузга тушганда, маъқуллаш эшитармикин ёки танбех?

Эсламан: қайсиям бир йирик асарнинг (қулёзма) муҳокамасида Абдулла Қаҳҳор ҳулоса қилиб: “Афсус, ёзувчи тер тукиш ўрнига 300 — 400 бетга сиёҳ тукиб чиқибди-да”, — деди. Яна бир ғазал тўплами куриб чиқилаётганда, арузни чуқур тушунадиган Абдулла ака: “Ўртоқ шоирлар, инсоф борми ўзи?” “Дона қилай, хона қилай, пона қилай” деб кетаверган билан, ғазал бўлар эканми? Қани фикр, қани ғазалга жо буладиган дунё?” — деб ранжиганларини уз қулогим билан эшитганман. Ёки шоир Мамарасул Бобоевнинг эллик йиллиги нишонланаётган кечада сўзга чиқиб: “Баъзи шоирлар ўзини кўрсатиш учун оёғининг тагига қанча ғишт қўйиб, бўйинини чўзмасин, барибир ўқитувчилар оламига кўринмайди, лекин Мамарасулни бўйи паст бўлишига қарамай, бутун республика кўриб туради”, — деб айтди. Қуддус Муҳаммадий юбилейида эса: “Қуддусни уйласам, бир кўча болалар билан чуваллашиб, шеър ўқиб, уларни қаёққадир бошлаб кетаётган шоирни кўраман”, — деганлари асло унутилмас, ўзига хос баҳоладир.

Кейинчалик “Совет Ўзбекистони” газетаси таҳририятида ишлаб юрган кезларимда Абдулла ака билан яна яқинроқ муносабатда бўлдик. Хусусан, ўша вақтлари анъана бўлган “Ёзувчи ижодхонасида” рубрикаси остида Абдулла Қаҳҳорга аталган саҳифа тайёрладик. Абдулла ака бу ишга катта эътибор билан қаради. Ўша кезде қўл остида бор бўлган энг яхши намуналардан бизга лутфан таклиф этди. Саҳифа тепазида редакция томонидан ёзувчи ижодиётига оид қисқача кириш сўзи ёзиларди. Икки лўқма суздан иборат шу дебочани ёзиб, Абдулла акага кўрсатдим. “Ҳар бир сўз устида узоқ, тер тукиб ишлайди”, деган тавсиф сузлари у кишига маъқул бўлмади. “гап, яъни маҳорат ҳар бир сўз устида узоқ, тер тукиб ишланадими эмас, айнан ўша сўзни топа билишдандир”, — деди. Бу гапнинг чуқур мазмунини борлигини мулоҳаза қилиб, англаш мумкин.

Янги йил ё бирор байрам муносабати билан ҳамкасб дўстлар даврасида бўлганимизда баъзан Абдулла ака ҳам Кибриёхон опаимиз билан келишарди. Ҳаммамиз катта ҳурмат билан у кишининг ҳозир нима дейишини мунтазирлик билан кутардик. Шундай, ўз-ўзича, булар-бўлмасга, бирор “юки” йўқ ёки оламларни оғзига қаратиб, ўз донолигини намойиш қилиш учун айтиладиган гап қаёқда дейсиз?! Ҳамма гап ўз ўрнида, маъноли, вазмин, айни замонда, фақат Абдулла ака айтиши мумкин бўлган гап! Мана шундай учрашувларнинг биридан завқланиб, қуйидаги шеърни ёзганман:

Даврамизда ўтирар доно, нуроний олим,
Яхшиликнинг, ёшликнинг, эзгуликнинг чанқоғи.
Кўзларида ҳаётнинг фалсафаси лиммо-лим,
Сўзларида ақлнинг ялт этгувчи чақмоғи.

Зўр фикр айтмоқликка гапдонлик бўлмас сабаб,
Жимжимадор ваъзхонлик суҳбатга бўлмагай нақш.
Ўз ўрнида айтилган оддийгина битта гап
Арасту китобидай мазмун эта олур бахш.

Яна ҳаёлимга теран урнашиб қолган бир лавҳа: Тошкентдаги катта зилзиладан сўнг, ёзувчилар уюшмамиз маълум бир муддат Навоий кучасидаги бинога (нашриётлар биносига) кучиб утди... Биринчи қават — ертўлага ўхшаш ноқулайроқ бир жой. 1966 йилнинг ёз ойлари эди. Шу ерда улуғ шоиримиз, марҳум Ғафур Ғуломнинг сунги йиллар ижодиётини мамлакатнинг доврўғли мукофотига тавсия этиш мажлис-маросими бўлди. Шу мажлиснинг стенограммаси қаердадир бўлиши керак, албатта. Навбати билан Абдулла Қаҳҳор суз олиб деди: “Ғафур Ғулом жуда катта, донишманд, файласуф шоир эди. Бугунги кунда кўкрагига уриб, мана-ман деб қариллаб юрган айрим шоирлар унинг тиззасидан ҳам келмасди. Қимматбаҳо хазина қолдирди. Лекин, афсуски, мана шундай забардаст истеъдод ... кўп гапларини ўзи билан олиб кетди... ҳали яна кўп нарсалар қилиши мумкин эди. Унинг қувваи ҳофизаси бепоён эди...”

Улкан адибларнинг бир-бирига меҳру муҳаббатини, тан беришини, ардоқлашини куриб, қойил қолганман. Абдулла Қаҳҳор катта қалб эгаси, ўлмас асарлар яратган доно адиб, ёшларнинг мураббийси, келажакка интилган мутафаккур ёзувчи эди. У абдий барҳаёт сиймолар сирасида яшайверали.

30.01.1986

КАМАЛАК КАМОЛИ

(Собир Абдулла)

Қирқинчи йилларнинг охири, дорулфунун талабаси эдик. Ёзувчилар билан навбатдаги анъанавий учрашувга тупландик. Зал тирбанд. Ҳаммамиз ҳаяжонда саҳнага тикилганмиз. Учрашув ҳайъатида бир неча меҳмонлар утиришибди. Улар ичида энг ўртадаги савлатли, қувноқ киши Фафур Фулом эканлигини яхши биламиз. Бонқалари...

Раислик қилаётган Фафур Фулом сузларини алоҳида иштиёқ, қизиқиш билан эшитардик.

“Мен сизларнинг ҳузурингизга, азиз фарзандларим, ажойиб бир шоир, утқир сухандон, замонамизнинг булбулигўёси, яъни Ҳусайн Воиз Кошифийси бўлмиш мавлоно Собир Абдуллани олиб келдим, — дедилар кулиб Фафур Фулом, ёнларидаги дўппи кийган, камтарин, куз ойнакли кишини курсатиб. Ул киши уринларидан силжиб, қўллари кўксига, енгилгина таъзим қилиб, яна утирдилар. Фафур ака давом этарди: — Собир Абдулла шеър ўқиганда булбуллар ҳам сайрашдан тиниб, қайнар булоқлар ҳам жиҳолатдан жимиб қолади.

Бағримни қилиб яро муҳаббат,
Бағтимни қилиб қаро муҳаббат, —

деган қушиқни эшитганмисизлар?” — дея сўрадилар. Биз бир овоздан “эшитганмиз” деб жавоб қилдик. “Балли! — дедилар устод. — Шу қушиқларни Собир Абдулла ёзганлар!” Кейин билсак, устод Фафур Фулом лугф қилиб, ҳазиллашиб у кишини “замонамизнинг булбулигўёси” дер эканлар. У киши, аслида, бағоят камгап, “сухандонлик”дан анча йироқ булганлари учун ҳам, Фафур Фулом уз дустини шундай тавсифлар эканлар. Дарҳақиқат, ҳали номи айтилган қушиқ уша йиллари Муқимий номидаги театр саҳнасида авж нуқтада булган “Тоҳир ва Зухра”даги машҳур қушиқлардан бири сифатида каттаю кичикка ёд булиб кетган эди.

Хуллас, Собир Абдулла билан биринчи юзма-юз учрашувимиз ана шундай рўй берган, кейинчалик эса йиллар утиб у кишини

ижодий уюшмамиздаги турли-туман мажлису анжуманларда тез-тез куриб, гузал ғазалларини эшитиб, анча-мунча танишиб олдик. “Шарқ Юлдузи” журнали ва “Совет Ўзбекистони” (ҳозирги “Ўзбекистон овози”) газетасида ишлаган йилларим-ку жуда қадрдонлашиб қолган эдик. Кичик қоғозда, машинкада зич қилиб, ҳафсала билан кучирилган тўрт-беш ғазални олиб келиб, “бир ўқиб кўринг-чи” деб қўлимга берар, мен эса сирли, сەҳрли сатрлар маъносини чақиб, билмаганимни сўраб, роҳатланиб ўқирдим. Мумтоз адабиётимизнинг катта билимдони булган шоир аруз вазни имкониятлари кенглигини уз ижоди билан исбот этарди.

Ижодий уюшмамиздаги (“Биринчи май” кўчаси, 20-уй) катта бир анжуманда раҳматлик қўшиқчи шоир Акмал Пулат ва Собир Абдулла уртасида булиб ўтган қизиқ бир шеърый мубоҳаса ҳамон эсимда. Уша пайтлар Акмал аканинг “Қорабайир отимиз” деган қўшиғи радиодан жуда кўп берилар, мусиқаси ҳам анча жанговор эди.

Чорвамизнинг савлатидир қорабайир отимиз,
Фермамизнинг фихри эрур ушал асил зотимиз, —

деган мисралар билан бошланарди қўшиқ. Уша мажлисда Собир Абдулла “Қорабайир”га бағишлаб ёзган пародиясини ўқиб, зални роса кулдирган эди. Пародия шундай бошланарди:

Радиони буравдим, отнинг баёти чиқди,
Қорабайирни миниб Акмал Пулоти чиқди.
Кўнгилга тегиб кетди, Акмало, бу полишинг,
Чидолмадим, оғзимдан сузнинг уёти чиқди.

Роса кулги булгандаи ушанда.

Навбатдаги бир мажлисда эса Акмал ака Собир Абдуллага жавобан “Собир Абдулла ғазалларининг Суфи Оллоёрниқидан нима фарқи бор?” — деб ачитиб ўтгани эсимда. Бу, албатта, ижодий жараён, беғараз ҳазил-ҳузул, узаро танқидий “санчиб” олишларнинг бўлиши табиий. Катта адабиёт — ранг-баранг истеълодлар маҳсули. Ўзбекистон халқ шоири Собир Абдулла ҳам Ойбек, Ғафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор, Яшин, Уйғун, Миртемир, Шайхзода, Ҳабибийлар даврасига мансуб, узига хос санъаткорлардан эди. У шеъроятла Муқимий, Фурқат ва Завқий

аъаналарининг муваффақиятли давом эттириб, узи ҳам мумтоз арузий вазнда замона руҳини, инсон кайфиятини акс эттирувчи гузал ғазаллар яратди, девон тузди.

Қуйидаги ғазални ушбу санъатнинг энг ноёб, дилбар дурдоналаридан деб биламан:

Қай кунки бўлди бу кўнгил ҳуснингни воласи,
Шул кун ёзилди севгининг лавҳи рисоласи.

Атр ўлди сув оқарла букуи шаҳр сойида,
Билмам, юварда тушдиму зулфингни толаси.

Ҳар йил баҳорда олма юзингдан хижил ўлиб,
Қолди далога шаҳру чаманларнинг доласи.

Раҳм этки, бу азиз кунгул ҳар кеча қийналур,
Тортарга асло қолмади оҳ ила ноласи.

Май сун, хуморман, менга, эй соқий ғўзал,
Ювгай ғамимни бода сувининг шалоласи.

Етдим деганда, ваълани бузмак не? Войким,
Борму карашма, нозу тағофилнинг чоласи?

Кўнглини олки, қолмади Собирда сабрдан,
Қолди сенга бу телба кўнгилнинг ҳаволаси.

Тулиқ ишонч билан айта оламанки, бу ғазал остига буюк Навоий ҳам, Бобур ҳам, Фурқату Муқимий ҳам катта қониқиш ва фаҳр билан имзо чекишлари мумкин эди. Бундай ғазаллар эса бир талай.

Собир Абдулла, айниқса, саҳна санъатимиз ривожига катта ҳисса қушди. Унинг “Тоҳир ва Зухра” пьесаси ўлмас, гузал, бетакрор асар. Ундаги ҳар бир қўшиқ халқ дилига жо бўлиб кетган. Бу пьеса асосида яратилган шу номдаги кино асари эса дунё экранларини айланиб юрибди. “Гул ва Навруз”, “Алпомиш”, “Муқимий” ва “Менинг жаннатим” каби ўнлаб пьесалар Собир Абдулланинг бу соҳадаги катта маҳоратидан далолат беради. Улкан алиб “Муқимий” романида XIX асрдаги

Ўзбек халқи ҳаётининг кенг манзараларини, диёримиз тарихининг муҳим нуқталарини ёритиб, ўзига хос бадиий китоб яратди. Собир Абдулла ҳажвиялари ўткирлиги, нишонга аниқ уриши билан катта қизиқини уйғотарди.

Хулласи калом, Ўзбекистон халқ шоири бўлиб тан олинган Собир Абдулла адабиётимиз ва санъатимиз тарихида ўзига хос из қолдирди. Унинг қушиқлари радио ва ойнаи жаҳон орқали янграб туради, пьесалари саҳнамиз кўркига айланган. Ҳар бир ноёб истеъдод Адабиёт қасрини яратишга ўз ҳиссасини қўшади. Мумтоз ва замонавий шеърятни узаро чамбарчас боғлашда устод Собир Абдулланинг муносиб ҳиссаси бор.

МАЖНУНТОЛ ФИҒОНИ

(Миртемир)

Бу тонг устоз Миртемир ака шеърлар китобини яна бир бор варақлаб, таниш саҳифаларини яна кўздан кечириб, ўтти-самимий мисраларни яна бир бор юракдан севиб такрорлаб, шоирнинг ёрқин сиймосини кўз олдимга келтирдим. Бугунги мислсиз тарихий узгаришларни, хусусан, Ўзбекистонимизнинг ҳақиқий мустақилликка эринганини билиб, нақадар қувонган, яйраб ижод этган бўлар эди шоир!

Шоирнинг катта шеърятни мағзида юртимиз билан, халқимиз тарихи, келажаги билан фахрланиш туйғуси барқ уриб туради. Лекин шу фахрланиш заминида уксик бир хаёл, кемтик бахт туйғуси борлигини ҳушёр китобхон ҳис этмаслиги мумкин эмас.

Диёримиз бойликларидан фахрланиб, гузаллик ва фикр жўш урган шеърлар яратар экан, бу бойлик, бу нафосатларнинг барчаси ҳам халқимизга буюрмаслигини шоир сезар эди, шу бондан жўшқин мисралар аллақандай қимтинини ҳиссидан холи эмас... ва шундай бўлиши ўша давр учун табиий бир ҳол эди.

Миртемир ака бизга бой, ўлмас, ўзига хос шеърят қолдирди. Бу шеърят ранго-ранг туйғулар, жозибали тасвирлар, инсон тақдири ҳақидаги теран уйлардан иборат.

Мен сени инжитмайман
Ва лекин тинчитмайман. —

деб бошланувчи, дардли мисраларни ва қушиқ булиб кетган шеърни ёки:

Мажнунтол тагига ўтқазинг мени,
Шу кунгача ўзни мен чеклаб булдим.
Мажнунтол тагига утқазинг мени,
Мен учун йигласин, мен йиглаб бўлдим.

Бир эсланг, қанча самимият, қанча укинч, қанча ўй-хаёл бор уларнинг ҳар бир байтида. Чуқур севги, ёрга интилиш, илтижо, садоқат ўқувчини ларзага солади. Ёки шоирнинг “Қорақалпоқ дафтари” туркуми 50-йилларнинг турғун шеърияти уфқида қандай ёрқинлик ҳосил қилганини ёдга олинг.

Бу туркум умум адабиётимиз учун катта воқеа бўлган эди. Ҳамма давраларда, адабий учрашувларда, ижодий баҳсларда шу ҳақда гап борар эди. Шоирнинг бадиий сўзга булган талабчанлиги, сўзга қувват, жило бахш этиш истеъдоди бу туркумда алоҳида куч билан кўринди.

Бу ўринда шоирнинг кенг қамровли, серқирра ижодига онд икки нуқтанигина тилга оляпмиз, холос. Уларнинг барчаси ҳақиқа фикр юритиш осон эмас, албатта. Лекин Миртемирнинг “Олег ва уртоқлари” деган катта ҳажмли бир шеъри борки, уни ўн уч ёшимда илк бор ўқиганимдаёқ, кунглимга нақш булиб қолган. Бир неча ёш ватанпарварларнинг фашизм билан юзма-юз келгандаги мардлигидан ҳикоя қилуви бу шеър ўта ҳаётий буёқларда, шиддатли ҳолат ва манзараларда, гоят таъсирчан, қатъий шакл асосида битилган эдики, у мени тамомила мафтун этган. Балки шунданлир, мен ўша шеърни то ҳануз бошидан-охиригача ёддан ўқий оламан. Мен ўқувчи сифатида шоир Миртемирни ушанда илк бор кашф этган эдим.

Шоир катта ҳаёт йўлини босиб ўтди. Кўп қийин, машаққатли, мураккаб даврни бошидан кечирди. Адолатсизлик нима эканлигини уз ҳаёти мисолида кўрди. Унинг шеъриятида мана шу йўлнинг ифодаси бор. Лекин ўз халқи бахгини уйлаган шоир ўз шеъриятининг бош йўли қилиб, юртнинг истиқболи ва истиқлоли мавзуини танлади.

Мен Миртемир ака билан “Совет Ўзбекистони” (“Ўзбекистон овози”) рўзномасида ишлаган йилларимда яқиндан биродарландим. У киши рўзноманинг ҳурматли, доимий

муаллифларидан эди. Ҳар бир шеърни маромига етказиш устида нечоғлик кунт билан ишлаши, катта масъулият туйғуси бизни ҳайратга соларди. Янгича сузлар, янгича урғулар, нозик талқинлар эскича сийқа жумлалар қолипини баралла бузарди. Сузлар маънавий қудрат касб этарди.

Бундан ташқари, Миртемир ака билан турли сафарларда бирга бўлганман. Ғоят билимдон, дилкаш, қуюнчак бу инсон ҳамиша одамлар оғирини енгил қилишга, муҳтожларга моддий ва маънавий ёрдам беришга интиларди. Қозогистон, Қирғизистон каби биродар улкаларда ҳам Миртемир ака уларнинг ўз сеvimли фарзандидай эди. Умумхалқ ҳурмати билан чулганган шоир хонадонларнинг азиз меҳмони, ёшларнинг доно маслаҳатчиси, камтар, меҳрибон инсон эди.

У кишининг салмоқли сузлари, қилган ишлари, яъни мажлисларда айтилган қизиқ бир гапни, қулоқлари оғирлигилан, ёнидаги одамдан кейинроқ эшитиб, ногаҳонда қаҳ-қаҳа уриши, ёки хаёл суриб ўтирганда ҳавога бармоқлари билан ниманидир ёзиб, сўнг уни гуё ўчириши... эҳ-ҳе, бундай ажойиб одатлари бир талай эди.

Туғрими-нотуғри, баъзан шундай фикрни минг таассуф билан хаёлдан ўтказаман: мабодо, шундай улкан шоир Мустақиллик ва Ҳақиқат замонамизда яшаб, ижод этганда эди, ўз ижодий умрининг жуда кўп қисмини турли-туман таржима ёки чекланган бағишлов шеърлар ёзишга бахш этмай, яна қанчадан-қанча дурдоналар ёзиб бериши мумкин эди-я! Лекин, барибир, устод Миртемир ака катта, салмоқли, мароқли бадий мерос қолдирди. Бу — ҳамиша барҳаёт шеърят. Ахир, ижодкорларнинг қадри-қиммати улар ёзган асарларнинг сони, миқдори билан эмас, балки улар айтган, ёзган асарлардаги теран маънолар, бадий кашфиётлар билан улчанади.

Миртемир шеърияти ана шундай улмас сарчашмалардандир.

ШОИРА АБАДИЯТИ (Зулфия)

Зулфия опа номи айтилганда, энг аввало, “Палак” каби тулақонли, етук шеърлар ва “Уни Фарҳод дер эдилар” деган ниҳоятда инсоний, дард ва самимият билан йўғрилган лирик дostonни, шоирнинг устози ва турмуш ўртоғи, буюк шоир Ҳамид Олимжоннинг бевақт вафоти туфайли дунёга келган алам ва фироқ, вафо ва эътиқод намунаси булган шеърӣ туркумни кўз олдимга келтираман. Ушбу туркумдаги “Баҳор келди сени суроқлаб” деган шеър, менинг назаримда, севгию вафога урнатилган жонли, абадий шеърӣ ҳайкалга ухшайди. У — аёл қалбини, аёл садоқатини тараннум этувчи мислсиз қушиқ. Биз бу шеърда шоир Ҳамид Олимжоннинг жонли тимсолини курамиз. Шеърнинг ҳар бир сатри, ҳар бир банди ҳарорат, меҳр, дард, изтироб билан ёзилган. Бу шеър — қалб ҳақиқати, меҳр мадҳияси, севги фожеаси бўлиб юракларни ларзага солади.

Зулфия опа номи айтилганда, кўз олдимга машҳур “Мушоира” келади. Бу шеърӣ асар шоира номини оламга ёйди, десам муболаға бўлмас. Чунки ушбу шеър мағзига дунёвий маъно сифдирилган. У одамларни дустликка, тинчликка чорлайди.

Даврамиз меҳрга тўлиқ бир олам,
Дўстлар бари жам.
Буюк мушоира этади давом,
Келингиз сиз ҳам!

Ҳиндистонга сафарим вақтида, Зулфия опа шеърда тасвирлангандай бир мушоира мажлисини уз кузим билан куриб, опамиз шеърининг буюк ҳаққониятига яна бир бора тан бердим. Битта шеърда бир оламни гавдалантириш санъати бу ҳамиша юз беравермайди. Зулфия опа “Мушоира” си шоирани бугун оламга олиб чиқди. Унинг улкан иқтидорини тула намоён этди.

Замонавий ўзбек шеърятининг ёрқин вакили Зулфия опа ижодиёти халқимиз учун бениҳоя ардоқли ва юксак эътиборга молик. У — абадиятта даҳлдор шеърят. Ўқувчини, китобхонни ўз сеҳри, жозибаси билан ҳамиша мафтун этажак абадий

ходисадир. 1932 йилда шоиранинг биринчи шеърый китоби “Ҳаёт варақалари” нашр этилганини ҳисобга олсак, умри давомида ўнлаб, балки юзга яқин китоблар эълон қилди. Ўзбек тилида ва купгина қардош тилларда чоп этилган шеърый асарлари билан опа дунёга танилди. Унинг шеърларида халқимиз ҳаёти, хотин-қизларимизнинг бой маънавий дунёси, Ўзбекистонимизнинг дилбар манзаралари ажойиб рангин буюқларда акс этди. Бу шеърый асарлар ниҳоятда узига хослиги, равонлиги, назокати, фикрий теранлиги билан китобхонни ром этади.

Зулфия опа меҳрибон мураббий сифатида бир неча сўш шоирларнинг катта шеърыйат йулига чиқишга ёрдам берди. Ўз тимсоли, ижодий намунаси билан уларни шеърыйатнинг сеҳрли оламига дадил кириб боришга кумагини, меҳрини аямади. Бу фикрни ўнлаб мисоллар билан тасдиқлаш мумкин. Урни келганида мамнуният билан таъкидлайманки, ўзимнинг илк икки китобчам қулёзмасини муҳокама этиш жараёнида мандан ҳам уз раҳнамоликларини аямасилар. Зулфия опа кун йиллар мобайнида катта жамоат ишларини олиб борди. Уттиз йилдан ортиқ фурсатда “Саодат” (“Ўзбекистон хотин-қизлари”) журналга раҳбарлик қилди. Турли-туман обрули ҳайъатлар таркибида дунёнинг кун мамлакатларини кезиб чиқди. Ўзбек қизи номн, эътибори, довругини дунёга кўз-кўз этди. Халқ ноибн сифатида яхши ишларга бошчилик қилди, халқимиз оғирини енгил этишга ҳаракат қилди. Бу ишлари учун қатор олий нишонлар, унвонларга сазовор булди. Меҳнат Қаҳрамони Зулфия она Давлат мукофотларининг совриндори булдилар.

Энг асосий томони — Зулфия опанинг гузал шеърыйати. Бу шеърыйат уч жилдлик танланган асарлар китоби булиб, қалбларимизга ҳарорат, меҳр, нур бағишлайди.

Зулфия опа билан куп йиллик қалрдон бўлганлигим билан фахрланаман. Бир шоғирд ва ини сифатида мен Зулфия опа номини катта ҳурмат билан тилга оламан. Бир неча йиллар у киши раҳбарлик қилган журналда ҳамкорлик қилдим ва муаллиф сифатида опамизнинг ишончларини оқлашга интилдим.

Ажойиб инсон, гузал шоира Зулфия опа Москвада уқиган давримизда ҳам ҳамиша молдий ва маънавий жиҳатдан қуллаб-қувватлаб турди. Бешта шеърдан иборат қушиқлар туркумимни (Фаттоҳ Назаров мусиқаси) юзага чиқариб, қалам ҳақини уз вақтида юбортириб, ҳолимизни сўраб турганлари катта мадад этди. Бу қилган яхшиликлари сира унутилмайди.

Шоира опамиз бизнинг оиламизга ҳадя этган шеърӣй китоблардан бирини очиб, бизга аталган ушбу дастхатни ўқидим:

Бу шеърлар ўзимнинг янги куйларим,
Янгигина эмас, қадимий ҳам бор.
Ҳаётимнинг бир умр мулки — ўйларим,
Қадамим тили-ла этилган изҳор.
Буни меҳрим, парча қалбим сингари
Жазм этсам, ярарми тухфа сингари?

Сизнинг Зулфия. 08.03.1976й.

Эсимда, 1965 йилда Зулфия опа билан Самарқандга бордик. Самарқанд дорулфунунидаги учрашувлар ниҳоятда унутилмас бўлди. Опамизни ёшлар, шеърӣят мухлислари нечоғлик улкан эҳтиром билан кутиб олганларини ўз кузим билан курдим... Бундай учрашувлар юзларча бўлган.

Истиқлолимизни буюк мамнунӣят билан кутиб олган шоира улкан режалар билан яшадӣ. Устозлар орзу қилган озод ва обод Ўзбекистонни чин дилдан муборакбод этди. Эндиликда шоира номи ёш ижодкорларнинг Зулфия номидаги Давлат мукофотиға айланиб, ёш авлодга илҳом манбаи булмоқда.

Ҳа. камтар инсон, машҳур шоира, меҳрибон устоз, буюк қалб эгаси Зулфия опамиз номи ҳамиша дилларимизда. Ул азиз зотнинг шаъниға Тошкентимиз марказида тикланган олтин рангли ҳайкал пойида туриб, чуқур миннатдорчилик билан ушбу газални бахшида этдим.

АЁЛ

(Зулфияхоним ҳайкали ёнида)

Келди-ю дунёға, бир дунёға айланди Аёл,
Ишқ, садоқат бобида танҳоға айланди Аёл.

Сабру тоқат, оташин сўздан умр барпо этиб,
Шеърӣят уфқин безаб, Зухроға айланди Аёл.

Энг асил туйгуларин минг мавжли ирмоқ этди-ю,
Халқ дилин сероб этиб, дарёға айланди Аёл.

Барқ уриб ҳар сатрида юрт меҳри, инсон севғиси,
Гулшан ичра булбулигуёға айланди Аёл.

Васлу ҳижрон имтиҳони минг довулдан утказиб,
Бир улуг, ардоқли нур сиймога айланди Аёл.

Янгирагиб Зебуннисою Нодирам созин баланд,
Нодирини даврон булиб, Зебога айланди Аёл.

Келгил, авлод, меҳр ила бул кун улуг зот қошига,
Мангуликка кукс очиб, тиллога айланди Аёл.

ИЖОД КУЛАМИ

(Ҳамид Фулом)

Устод Ҳамид Фулом — узбек адабиётимизда гоят салмоқли, сермаҳсул, катта истеъдод соҳиби булган ижодкорлардан. Саксон олти йиллик умрининг деярли етмиш йилини шеъриятимиз, драматургиямиз, насримиз ривожига бахш этган нурли сиймо. У киши бадий ижоднинг деярли барча соҳаларида муваффақиятли иш олиб борди. Ўйлаб шеърини китоблар, қизиқиб ўқиладиган ва томоша қилинадиган бир неча насрий ва саҳнавий асарлар муалифи сифатида халқимизнинг севимли адабларидан бирига айланди. Ўзбекистонимизни, чин инсонни бахтни улуғловчи жушқин қушиқлари, оташин публицистикаси билан қалбларга йўл топди. Тиниб-тинчимай ижод этиш, умрининг ҳар бир соатидан унумли фойдалана билиш, маҳорат чуққисига ингилиш Ҳамид Фуломнинг ҳаётини мезони эди. Устоднинг мана шундай катта меҳнат қобилиятига қойил қолар эдик. Битта “Машғал”дай мураккаб тарихий романни ёзиш, “Тошболта ошиқ”дек кулги тўла саҳна асарлари яратиш, жаҳон адабиётидан қилинган мукамал таржималар, қушиқлар, балладалар, дostonлар ва қиссалар... барчасини санаб чиқишнинг узи ҳам бир талай меҳнат. Бунинг устига, дунёнинг ярмидан купини айланиб, кезиб, уз халқига ҳикоя қилиб бериш... Бунча ишлар замирида эса, катта меҳнат, тафаккур, кеча-кундуз ҳаракатда бўлган истеъдод борлигини ҳис этиш қийин эмас.

Ҳамид Фулом номини мен узим шахсан уқувчилик вақтимда — уруш йилларида эшитганман, газеталарда уқиганман. Фашизмга қарши, ватанпарварлик руҳидаги шеърлари босилиб турган. Кейинчалик Тошкентда дорулфунунда — талабалик

йилларимда шоирлар ва адиблар билан буладиган учрашувларда у кишини тез-тез кўриб, шеърларини ўзларидан эшитиб, бир-мунча яқиндан билдим. У киши шеърларини салобат билан, ширани, таъсирчан оҳангда ўқир, тингловчиларда яхши таассурот қолдирарди. Ёзувчилар уюшмасида бўладиган ижодий мунозараларда ҳам нутқининг мазмуни, мантиқий асосланганлиги билан тингловчини лол этарди. Кейинчалик... Шу уюшма биносига Ҳамид Фуломнинг ёш ҳаваскор шоирлар билан учрашуви булди. Йигирма чоғли ёшлар орасида мен ҳам бор эдим. Бундай мулоқотлар ижодий ишга қизиқишимизни оширишда муҳим талбирлардан эди. Ушанда роса савол-жавоблар бўларди. Бадий ижоднинг нима учун зарурлиги, унинг табиати, жамиятдаги ўрни, айрим шоирлар ҳақидаги саволларимизга гоҳ кулиб, гоҳ жилдий мисоллар билан жавоб беришдан толмасдилар. Биз эса кўп нарсаларни ўзимиз учун аниқлаб олардик. Кейинчалик... 1949 ёки 1950 йилда муҳим бир санага бағишланган катта тўплам-китобга уч-турт талаба гақриз ёзиб, энг довругли газетамизга юрак кўтиб олиб бордик. Ҳамид ака газетанинг адабий котиби бўлиб ишлар эканлар. Уялиб- торғиниб кириб бордик. У киши очик чеҳра билан кутиб олдилар ва “мақолани ўқиб чиқиб, фикр айтаман”. — дедилар. Биз уйлагандикки, “ҳозирча бунақа ишларни кўя туринглар”, — дея насиҳатлар айтсалар керак... Йўқ, биз, аксинча, рағбатлантирувчи илиқ сўзларни эшитдик... ва, ниҳоят, газетанинг навбатдаги сонларидан бирида бир саҳифанинг салкам ярмини эгаллаган мақоламизни кўриб, кўзларимиз уйнаб кетди! Гуё, назаримда, бутун дунё барча бошқа ишларини йиғиштириб қўйиб, бизнинг ушбу мақоламизни ўқиш билан бандлик эди! Биз ёшлар Ҳамид аканинг бундай самимий муносабатида катта ишонч ва меҳрибонликни кўрганмиз.

Ўтган асрнинг 50-йиллари бошида Москвадаги Олий адабиёт курсларида ўқиб юрган Ҳамид ака икки йиллик таҳсилдан “Мангъл” деган романини олиб келди. Демак, ўқиш жараёнида олиб катта ижодий меҳнат билан ҳам шуғулланган. Чунки романда қамраб олинган рангин ҳаётий воқеалар, давр зиддиятлари, мураккаб тақдирлар, тарихий материалнинг ранг-баранг ва чалкашлиги романда анча теран ва маҳорат билан кўрсатилган эди. Роман ўша пайтда мен ишлаб юрган “Шарқ кўлдузи” журналининг бир неча сонларида босилди ва у жамоатчилик томонидан катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Асар қулма-қул булиб, тилга тушди. Бир неча бор қайта-қайта босилиб чиқди. Кўз олдимизда улкан адиб — йирик насрий жанр устаси намоён булганлигини ҳамма мамнунлик билан тан олди, муносиб баҳосини берди. Кейинчалик... изма-из яна бир неча роман — “Мангулик”, “Тошкентликлар”, “Бинафша атри”, “Машраб” ва бошқалар майдонга келди. Айни замонда театрларимиз сахналарини безаган “Тошболта ошиқ”қа ухшаш ўнга яқин сахна асарлари ҳам туғилди. Хуллас, Ҳамид ака ёзган асарларини, биз ўқувчилар ўқиб улгуролмасдик. Албатта, бу асарларнинг ҳаммаси ҳам юксак бадиий даражада ёзилган, деб булмайди, улар уша даврга хос ғоявий тебранишлар, тезкорлик, замонасозлик натижасида юзага келган талай нуқсонлардан ҳам холи эмас эди.

Мен бу гапларни машҳур адибнинг таржимаи ҳолини ёзиш учун эмас, балки узим гувоҳи булган учрашувлар, бевосита мулоқотлар, турли-туман сафарларда туғилган таассуротлар орқали “сувратга чизгилар” маъносида ёзмоқдаман. Шундай сафарлардан бири — 1973 йилда Қорақалпоғистонга бир гуруҳ ижодкорлар сифатида борганимиз купгина қизиқ воқеаларга, унутилмас суҳбатларга бойлиги билан ажралиб туради. Ушанда катта мукофотга сазовор бўлган қорақалпоқ адиби Тўлепберген Қайишбергенев хонадонидаги суҳбатларда Ҳамид ака ўз билими, ҳаётий тажрибасининг кўплиги, ҳозиржавоблиги билан кўнгилларга йул топар эди. Бундай давралар эса жуда куп булган. Ҳамид ака сўзларни чертиб-чертиб, маъниқий бир тарзда, ёқимли талаффуз билан гапириши, она тилимиз бойликларидан ғоят унумли-уринли истеъфода этиши, сўз бойлиги билан ҳам алоҳида ажралиб турар эди.

Ҳамид Фулом оғир ва мураккаб, кўп қиррали ёзувчилик фаолиятини катта ташкилотчилик хизмати билан кўшган ҳолда олиб борарди. У кишининг мана шу қирраси Фафур Фулом номидаги “Адабиёт ва санъат” нашриётида бир неча йиллар мобайнида раҳбарлик қилган даврида, айниқса, яққол куринади. Жаҳон ва рус адабиётининг, ўзбек мумтоз адабиётининг, замонавий истеъдодли адибларнинг энг яхши асарлари шу даврда босилиб чиқиб, маънавий хазинамизни бойитди. Гётеннинг “Фауст”, Дантенинг “Илоҳий комедия”, Фирдавсийнинг “Шоҳнома” асарлари шулар жумласидан.

“Шоҳнома” таржимонларидан бири сифатида гувоҳ булдимки, Ҳамид ака жасоратли ношир эди. У киши машҳур

шарқшунос олим ва шоир Шонислом Шомуҳамедов бошчилигидаги ижодий гуруҳимизнинг шундай таржимани (уч китобдан иборат) муносиб даражада амалга ошира олишимизга кузи етди ва масъулиятни буйнига олиб, “оқ йул” бера олди. Чунки олдимизда энг ками қирқ минг мисралик форс шеърляти дурдонасини ўзбекча жаранглага олишдек мураккаб вазифа турар эди. Ҳамид ака таржимани қайси вазиди, қай тарзда, қандай мулдатда бажара олиш ҳақидаги фикрларимизни обдан эшитиб, бизга ишонч билдирди ва ёрдамини аямади. Хуллас, тўрт-беш йил мобайнида улкан иш бажарилди...

Бунда кўп ижодий фаолиятнинг бир адиб тимсолида мужассам бўлиши — ноёб ҳодиса, албатта. Теран интизомга асосланган талант муъжизалар яратишга қодир. Бу ҳақиқатни устоз Ҳамид Фулом ўз ҳаёти билан исбот этди.

Нуроний адибимизни охириги марта 2003 йилда Фафур Фулом номидаги боғда букюк устознинг 100 йиллиги муносабати билан ҳайкали очилиши тантанасида кўрдим. У кишининг ўзлари ҳам 85 ёшлари боис “Меҳнат шўҳрати” нишони деган олий мукофот билан тақдирланган кунлар эди. У киши ҳамон дадил, ижодий ғайратга тула бўлсалар-да, кўп йиллик меҳнат, печи минг кеча-кундуз давом этган узлуксиз ижодий фаолият ҳам уз муҳрини урганлиги аниқ қуришиб турарди. Даста-даста китоблар, гузал саҳна асарлари, жушқин шеърлар яратган, уз ҳаётини халқ, жонажон Ватан хизматиға бағишлаган севимли адибнинг ҳаёти, иккинчи умри қалбларимизда абадий сақланиб қолади ва бу ёрқин ижоддан ҳали кўп насллар баҳраманд бўлади.

ИЖОДГА БАҲШИДА УМР

(Асқад Мухтор)

1953 йил куз кунларининг бирида “Шарқ юлдузи” журналининг уша вақтдаги бош муҳаррири шоир ва адиб Мирмуҳсин мени журналнинг шеърлят бўлими мудирлиги вазифасига таклиф этди. Университетни яқиндагина тугатган, яна бир йил Москвадаги олий адабиёт курсида ўқиб қайтган йигирма уч ёшли мен каби ёш ижодкор учун бу катта ишонч эди.

Ҳазилми, ёзувчилар уюшмасининг нақ бағрига жойлашган, не-не алломалар (Ойбек, Воҳид Зоҳидов, Уйғун) раҳбарлик қилган доврўғли бир журналнинг масъул ходими булиш! Бу пайтда журнал идорасида Маъруф Ҳаким масъул котиб булиб ишлар. Асқад Мухтор, Раҳмат Файзий, Ваҳоб Рузиматов, Суннатулла Анорбоев каби таниқли адиблар ҳамкорлик қилишарди.

Хуллас, мана шундай жойда илк бор ажойиб инсон, шеърларини болаликдан севиб ўқийдиган шоирим Асқад Мухтор билан яқиндан танишдим. У киши билан бир хонада ишлаб, бир хил муаммолар билан нафас олиб, Асқад акани узимча кашф этиб юрдим. Бу ерда шундай қаламқашлар даврасида бир неча йил меҳнатда булиш мен учун узига хос мактаб эди. Нимага деганда, бу ерда Худонинг берган куни “улуғлар” даврасида, уларни қисиниб-қимтиниб бўлса-да, яқиндан кўриб, сўзларини эшитиб юришимга тўғри келарди. Боз устига, адабиётимизда яратилган неки салмоқли асар юзага келса, энг аввало, “Шарқ юлдузи” “тегирмониға” келиб тушарди. Демак, уша пайтлардаги адабий- ижодий жараённинг ичида яшардим, десам хато булмас. Бу даврларда Асқад Мухтор ўзига хос камтарлиги, ҳар бир сўзни ўз ўрнида, ўйлаб ишлатиши, юморға — тағдор ҳазилға мойиллиги, бениҳоя меҳнатсеварлиги ила ҳаммамизнинг ҳавасимизни келтирарди. Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор каби устод адиблар ҳам Асқад акани ҳурмат билан тилға олишарди. Айни замонда Шухрат, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Шукрулло, Рамз Бобожон каби истисъодли адиблар даврасида ҳам уз салмоқли урниға эға эди.

Асқад аканинг ўзлари билган ёки билмаган ҳолда мухлислари ва шогирдлари кўп эди. Шеърлари ифода янгилиги, фикрий фавқулоддалиги, фалсафийлиги, ҳаётийлиги билан кунгилларға йўл топарди. Айниқса, “Чолу кампирлар”, “Теримда” деган воқеабанд шеърлари билан ҳаммамизни мафтун этган эди. Бу шеърлар манзаравийлиги, самимияти, содда, халқчил талқини, шаклий янгилиги билан ҳам “бошқача”, ғалати эди. Шунинг учун бўлса керакким, улар ҳали-ҳамон севиб ўқилади ва ўқилажак!

Асқад ака кейинчалик “Шарқ юлдузи” таҳририятидан бошқа ташкилотларға бошқа лавозимларға ишға утиб, адабиёт ва санъатимиз ривожини йулида бир неча йиллар ишлаб... 1960 йилда яна “Шарқ юлдузи”ға қайтдилар. Энди бош муҳаррир сифатида

иш бошладилар. Яна бир-икки йилча бирга ишладик. Шундай қилиб, 1953 йилдан 1962 йил сентябргача булган деярли ун йиллик фурсатда Асқад ака билан ёнма-ён ишладим... Кейинги ўттиз йил мобайнида эса, яқин муносабатларимиз янада давом этди. Ижодкор улфатлар даврасида бирга бўлиш, оилавий бордикелди, ёзувчилар уюшмаси идорасида бирга ишлаш, кўплаб ижодий сафарларда ҳамроҳ бўлиш мен учун унутилмасдир.

Асқад Мухторнинг журнал ички ишини ташкил қилишда ҳам ўз йўли, ўз услуби бор эди. Мана шу йўл ва усули биланок, майда-чуйда маъмуриятчиликдан холи бир тарзда жамоада меҳнат тартибини урнатарди, десам хато булмас. Кўлёмани шахсан ўзи жилдий ўқиб чиқини, таҳлил ва таҳрир этиши, уни меъёрига етказиш санъати ибратли эди. Унинг қисқартириш ёки қушимчаси асарни “очарди”. Ортиқча “юк”дан холи булган фикр ярқиллаб кўринарди. Мен таҳрир деган гапнинг асл маъносини, ўзига хос санъат эканлигини шунда янада аниқроқ ҳис этдим. Туғри, жимжимавий усуллар, мураккаб тушунарли жумлалар ҳам булади. Бу — бошқа нарса. Масалан, “бозордан олма олдим”, деган гапни айтиш учун ҳамиша ҳам қушиб-чатиш, қайси трамвай ёки троллейбусда, ёмғирли ёки ёмғирсиз ҳавода бозорга борилгани, йўлда кимлар билан учрашгани — булар асосий мақсадга кирмайди. Бунинг ўз ўрни бор, албатта... Кўнт ва кўним билан ишлаш, ижодий суҳбат маданияти, ўз фикрини эшитувчига эркин ва малолсиз сингдира билиш қобилияти ажойиб эди. Танқидий мулоҳазасини ҳам одамга огир ботмайдиган қилиб изҳор этарди.

Агар бирор асар (кўлёмма) у кишига маъқул ва мақбул келиб қолса, ўз хонасидан чиқиб, хонамизга кирар ёки йўлакда у ёқдан-бу ёққа хурсанд юриб, чеҳраси очиқ қиёфада ҳазил-ҳузулга мойиллик курсатиб, ўз таассуротларини айтар эди. “Бўлди, мана бу материални вергулига ҳам тегмай, босмахонага туширинглар”. деб худди ўзи ёзгандай яйраб кўринар. ҳазиллашиб, чекмасалар ҳам, бир дона сигарет тортиб, ўз мамнулиги билдирар ёки бирор теша тегмаган латифадан боладай завқланарди. Масалан, Ҳусниддин Шариповнинг “Кўёшга ошиқман”. Эркин Воҳидов ва Абдулла Ориповнинг достони ва туркумларини, яна бир неча асарларни ҳам ана шундай ардоқ билан журналга қабул қилганлари эсимда. Бу ишлари билан бизнинг хизматимизни ҳам бажариб қўйиб, “понимизни яримта” қилаётганларидан роҳатланардик.

Урни келиб қолганда мана бу жайдари гапни узр сураб, айтиб утгим келади: бир кунни журналда асари чиққан муаллифларга қалам ҳақини юбориш юзасидан руйхат тузиб. Юденич деган бир муаллифнинг уй манзилини тополмай, кимдан сурасак экан, деб бошимиз қотиб утирганлик (Юденич деган Советларга қарши курашган генерал ҳам утган). Асқад ака кириб қолдилар-у, гап нимада эканлигини билиб, худди томдан тараша тушгандай: “Шуни ҳам уйлаб утирибсанларми, буни Акмал акадан сўранглар”. — деб Акмал Пулат деган ажойиб қўшиқчи шоиримизнинг номини айтдилар. Ҳайрон булиб қолдик: “Акмал Пулатнинг Юденичга нима алоқаси бор?” Асқад ака ҳамон жиддий ҳолатда туриб, “Жудаям алоқаси бор-да. Сизлар қидираётган Юденич булса, унинг қаерда гуришини Колчак билмай, ким билали”, — дедилар. (Акмал ака, гуноҳ булсаям айтай, сочи йуқ, калласи тап-тақир киши эди. Дуппи билан шляпасини яшин тезлигида алмаштириб олганлиги учун ҳеч ким бу синоатни очик-ойдин курмаган) Колчак ҳам Советларга қарши курашган чор генералларидан эканлигини тарихдан биламиз. Бу “кашфиёт”дан ҳайратга тушиб, роса кулишганмиз.

Замонавий ўзбек шеърлятида Асқад Мухтор мактаби ҳам бор. Чунки уни бошқалардан ажратиб турадиган уз йули, ўз услуби, ўз қарши, ўз сўзи борлиги барчага маълум. Асқад Мухтор шеърляти — уйчан, тафаккур билан йугрилган, одамни хаёлга, фалсафий мушоҳадага ундайдиган санъат. Заррада заминни, қатрада уммонни кўринишга ундайдиган шеърлят. Ҳаёт маъноси, умр шиддати унинг шеърларида жилोलаниб туради. Дақиқа ва абадият, қувонч ва изтироб уйғунлиги уларда мужассам. Асқад Мухтор мактаби дедик. Шоирнинг уйлаб истеъдодли шогирдлари борлиги ҳам бу фикрни исботлайди. Шогирдлик эса фақат ташқи, зоҳирий шаклу шамойил билангина белгиланмайди, албатта.

Шеър — ҳаётгий, маънавий зарурат, деган хулосага келгунча Асқад Мухтор кагга ижодий йулни босиб утган. Унинг наздида, шеър — турмуш учоғидан олинган лаҳча чуғ, ялт этган оний туйғунинг абадийлиги, воқеа ва фикр қаймоғи... яъни у фикр, фикр, фикр! Шоир ва шеърхоннинг маънавий муштараклиги юзага келганлагина, китобхон билан энг муҳим, энг фавқулудда нарсалар ҳақида юрак-юракдан суҳбатлашиш зарурати туғилгандагина бу муддаога эришмоқ мумкин.

Ҳақиқий шеърятни муҳаббат — ёрга, диёрга, ҳаётга, инсонга булган катта муҳаббат яратади. Шоир севги ҳақида шундай самимий сатрлар бунёд этади:

Сени танидим-у, олам сирга тўлди,
Япроқни китобдай ўқий бошладим.
Қалбимда булбуллар сайрайдиган бўлди,
Ойга қараб туриб кўзим ёшладим.

Шоир бизни тобора, шеърдан-шеърга — мўъжизалар оламига бошлаб кираверади. Табиат ва ҳаёт ҳодисалари, биз илғамаган оддий, кундалик нарсалар, лавҳалар ғавқулолда маъно касб этиб, уқувчини сеҳрлайверади. Мана улардан бир нечтаси:

“Гурсиллаб йиқилди кекса қайрағоч,
Чучиб милт-милт этди тунда юлдузлар”.

“Сой бўйида мактаб — худди ошпоқ булут
Осмон парчасидай деразалар”.

“Кукни қайчи билан тилкалар чақмоқ”.

“Катта, жуда катта гулдастадай, сахий
Кучогида нур кутариб балқимоқда тонг”.

“Тонгда бир дард билан сайради булбул,
Учиб кетганида, гуллар қуйилди.
Менга уша гуллар
Кекса сиренининг
Кум-кўк ёш томчиси булиб туюлди”.

Шеърят — гўзаллик дунёси. Унга ўтмиш йиллар давомида куп мафкуравий юклар, ғоявий вазифалар ортиб кўрилди. Унинг узига хос булмаган хусусиятларни тақашга, уни уткир, жазавали нутқ даражасига кутаришга кўп уриндик. Бироқ бу ҳаракат самара бермаслиги аниқ бўлди. Шеърят ҳиссиёт, нозик фикр орқали юракка киришдир. У ижтимоий-сиёсий воқеаларнинг шеърый талқини ёки ахлоқ-одоб мажмуаси бўла олмайди. Минг таассуфки, барча авлодга мансуб кўп иқтидорли шоирларимиз ўз истеълодининг жўшқин бир қисмини шундай вазифани ҳам

“уддалаш”га сафарбар этдилар. Буни уша даврнинг “катта мақсади” ва руҳи талаб этар, бундай улугвор ишдан четда туришнинг иложи бўлмасди. Лекин ҳақиқий шоирлар ўша руҳдаги, ўша мавзудаги шеърларида ҳам ўзлигини сақлаб, қалб ҳарорати билан ёлқинланган, умрбоқий шеърлар ёза олдилар. Лекин уша вақтдаги кўпгина ижод намуналари давр ҳужжатлари сифатида маълум бир қимматга эга булар, лекин чинакам санъатлик даъво қила олмаслиги аниқ. Асқад Мухтор ва унинг тенгдонлари ҳам шундай синовни ўз бошидан кечирди. Шукрлар бўлсинки, улар ҳаёт ҳақиқатига амал этиб, ижодда ўз сузларини айтиб, чинакам шеърятга садоқатни сақлашди.

Асқад Мухтор — айни замонда қатор роман, ҳаётий қиссалар муаллифи, моҳир ҳикоянавис ва таржимон, тадқиқотчи олим, уткир мақолалар муаллифи, драматург... Унинг “Опа сингиллар”, “Туғилиш”, “Давр менинг тақдиримда”, “Чинор”, “Аму”, “Бухоронинг жин кучалари”, “Бурунларда бордек ҳаловат”, “Кумуш тола”, “Қорақалпоқ қиссаси” каби унлаб насрий асарлари ўз даври, давр муаммоларини акс эттирган асарлар сифатида тан олинган. Одам бошига тушадиган мураккаб тақдир, зиддиятли замонга зайли уларда реал лавҳаларда акс эттирилган. Бу асарлар замирида катта ижодий меҳнат, истеъдод ва зукко санъаткор нигоҳи борлиги аён кўринади.

Асқад Мухторнинг серқирра ижодиёти, унинг маҳорати ҳақида кўп гапириш мумкин.

ЎЗИГА ХОС ДУНЁСИ

(*Мирмуҳсин*)

Ҳар бир ёзувчининг ўзига хос бир дунёси бўлмаса, уни чинакам маънода ёзувчи деб бўлмайди. Мирмуҳсин ака ҳам ўз феъл-атворининг, ижод қилиш услубининг, ифода-изҳор йўналишининг, жанрий ранг-барангликка мойиллигининг ўзига хослиги билан бошқа ижодкорлардан ажралиб турарди. Кўрган, эшитган, билган, ҳис этган воқеаю тарихларнинг бениҳоя кўплигидан, у киши ёзиб улгуролмасди, вақт улчови ниҳоятда камлик қиларди. Бир томонда жуда кўп шеъру дoston, “Зиёд ва Адиба”дек катта ҳажмли асар (дарвоқе, бу асар ўзбек тилидаги биринчи шеърый роман деб тан олинган), бир томонда бир неча китобга жой бўлган қиссаю ҳикоят, бир томонда бир неча

салмоқли романлар, “Шарқ юлдузи”, “Муштум”, “Гулистон” каби доврўғли журналларнинг муҳаррири булишдек тинимсиз жамоатчилик фаолияти — булар Мирмуҳсин ижодий дунёсининг тўла булмаган манзараси, холос. Утган асрнинг эллигинчи йилларида Мирмуҳсин ака муҳаррирлик қилаётган “Шарқ юлдузи” журналида ишлар эканман, у киши Миср, Ҳиндистон, Афғонистон каби мамлакатларга кўпи билан ун кундан иборат сафарларга боргани ёдимда. У пайтлар бундай сафарлар ноёб ҳодиса ҳисобланарди. Қайтиб келганларидан сўнг борган юртларидаги халқ ҳаётидан шунча кўп асарлар ёзар эдики, ҳаммамиз ҳайрон булардик. Ё, тавба, бунча гапни қандай топдилар, бунча воқеа-сюжетни қандай “ҳазм” этиб улгурди, ўша диёр одамларининг ҳаёти, ҳолати, урф-одати, яшаш тарзини қандай дарҳол узлаштириб, яна асар шаклига сингдириб ёза билиди!

Бундай тинсиз меҳнатсеварликни ҳар қандай адиб ҳавас қилса арзийди.

Мана, ҳозир у кишининг тўрт жилдик асарлар мажмуасини варақлаб, бу гапнинг ҳақиқат эканлигига яна бир бор имон келираман.

Мирмуҳсин асарлари номини санаб чиқишнинг ўзиям бир неча саҳифани эгаллайди. “Уста Ғиёс”, “Яшил қишлоқ”, “Широқ” каби достонлар, ўнлаб балладалар, мингга яқин шеър, “Жамила”, “Чури”, “Оқ мармар”, “Тунги чақмоқлар”, “Искандария кўрфази”, “Мутилал” каби қиссалар... “Умид”, “Дегрез ўғли”, “Чиниқиш”, “Меъмор”, “Чотқол йўлбарси”, “Темур Малик” каби ўнлаб тарихий ва замонавий романлар... булар — чиндан-да катта меҳнат маҳсули. Бу гапларни айтиш ва санаш осон. Бу меҳнат замиридаги неча минг кеча-кундузлик фикрлар ва туйғулар замзамаси борлигини, қанча тафаккур ва тасаввур мавжудлигини ақл ва юракдан ўтказган одамгина аниқлайди. Ҳаётни оппоқ саҳифага олиб чиқиш, жонли одамларни ва уларнинг узаро муносабатлари, зиддиятлари, севгию изтиробларини ишончли лавҳаларда акс эттира билиш санъати-бу ёзувчиликдир.

Талабалик йилларимизда (1949 — 1951й.) ёзувчилар уюшмасида ёки дорилфунунимизда бўлган учрашуларимизни ҳисобга олмаганда ҳам, 1953 йилдан то бизнинг кунларимизгача у киши билан ҳамкорликда бўлиб келдим десам, хато эмас.

Эсимда: Москвадаги, олий адабиёт курсидаги ўқувимиздан қайтиб, энди қандай ишнинг этагини тутсам деб юрган кезларимда, 1953 йил куз кунларининг бирида “Шарқ юлдузи” журналининг. (Бу мен учун катта ишонч эди) ўша вақтдаги бош муҳаррири шоир ва адиб Мирмуҳсин мени журналнинг шеърият бўлими мудирлиги вазифасига таклиф этди. Икки-уч хонага жойлашган тахририятимиз адабий ҳаётнинг жушқин марказларидан бири бўлиб, эндигина ижод йўлига кирган ёшлардан тортиб, оқсоқол адибларгача бу даргоҳдан қадам узмасди. Қизгин мунозара, янги асарлар қўлёзмасини ўқиш ва муҳокама этиш, мушоираларда қатнашиш... умуман, жону дилимиз эди. Мана шу ижодий даврада Асқад Мухтор, Маъруф Ҳаким, Ваҳоб Рўзиматов, Суннатулла Анорбоев, Ҳайдарали Ниёзов каби бағри келг, ажойиб тажрибали қаламкашлар билан ишлаш мен учун катта бахт эди. Бу ерда сўзнинг, ҳар бир иборанинг, тилнинг гузал маънавий тебранишларини таҳлил этишга қаратилган кундалик суҳбатлар, улуғ адибларимиз билан учрашиб туришларни ҳамон энтикиб хаёлдан утказаман.

Мана шундай жамоада Мирмуҳсин аканинг узига хос таъсирили ўрни борлиги сезилиб турарди...

Шундай қилиб, 1953 йилдан 1962 йил сентябригача булган деярлик ўн йилчалик вақтим ардоқли журналимиз бағрида кечди. Қанчадан-қанча шеър у дostonларнинг юзага чиқишида озми-кўпми хизматим сингди. Бу ерда мен Мирмуҳсин аканинг талабчан, айна замонда меҳрибон раҳбарлигини таъкидлаб ўтишни истар эдим.

Талабчанликлари шундаки, узлари ижодиёт устида кучли тартиб-интизом билан мунтазам шуғулланганидек, ишда ҳам тартиб-интизомни қатъий талаб қиларди. Ишга беш-ўн дақиқа кечикиб келишимиз ҳам баъзан аччиққина “табассум” билан қарши олинардик, анча-мунча вақтгача ўзимизга келмай юрардик. Меҳрибонликлари шундаки, жуда ишонувчан, одамларга ёрдам беришга ҳар лаҳза тайёрлигида куринарди. Қизиққон, тезкор, билимдон, сиёсий хушёр бўлишига қарамай, ажойиб бир соддаликлари ҳам бор эди.

Битта мисол: ишга яқиндагина қабул қилинган, шеърият буйича менга қарашадиган ходим, минг афсуски, барвақт утиб кетган истедодли шоир Юсуф Шомансур бир куни ишга ярим соатча кечикиб келди. Энди тоза қиёмат бўлади, деб ўйладик. Ўзининг ҳам рангида ранг қолмаган эди. Бир неча дақиқадан

сўнг, албатта, Мирмуҳсин ака чақириб “имтиҳон” этиши муқаррар. Кўпчилик бўлиб, Юсуфга йўл курсатдик. Яъни Ўрда бекати атрофида троллейбуснинг “шохи” чиқиб кетган-у, кўп одам овора бўлиб қолишган, демак қандайдир хавфли йўл ҳаракати юз берган. Шу сабаб Юсуф гуё ишга кечиккан... Худди шундай қилинди ҳам. Натижа қандай бўлишини ҳаяжонда кутиб турибмиз. Бир пайт Юсуф муҳаррир ҳузуридан хурсанд бўлиб, илжайиб чиқиб келди. Сурасак, Мирмуҳсин ака унинг “узр”ини обдан эшитибди-ю... бирдан бошини чайқаб, “Э-э-э, жуда хунук иш бўлибди-ку, ҳеч ким зарар кўрмадим, ишқилиб? Ўзингиз ҳам роса қўқиб кетган чиқасиз... Сизга жавоб, уч кун уйда бўлинг, иложи бўлса, духтирга учрашинг, кейин келасиз”, — дебди... Эшитдинг-у, кулавериб, маза қилдик. Мирмуҳсин акамиз ана шунақа ажойиб табиатли катта ёзувчи эди.

ЎЛМАСНИНГ ЎЛМАСЛИГИ

(Ўлмас Умарбеков)

Вақти-вақти билан “Кундалиқлар”имни варақлаб, босиб утилган йўлларни, кўрган-билганларимни ҳаёлимда қайта гавдалантираман. Ҳар нечук, мазкур дафтарларнинг ҳар бир саҳифасида умримнинг бирор лаҳзаси — утмишга айланиб қолган маълум соатлари акс этгандир. Уларни асло такрорлаб бўлмайди. Ҳар бир дамнинг қадрини ушга оннинг узидаёқ муносиб эъозлай билиш — катта бахт.

Мана бу саҳифаларда 1965 йилнинг баҳорида Дунай дарёси буйлаб сафарда бўлганимда қайд этилган. Олти мамлакат — Болгария, Руминия, Югославия, Венгрия, Чехославакия, Австриянинг кўпгина шаҳру қишлоқларини кўрдим... София шаҳрида ёзучи дўстим Ўлмас умарбеков билан учрашган дақиқаларим унутилмасдир. Ўлмас олти ойдан бери шу мамлакатда эди. Мақсади — Болгар ҳаётидан бир китоб яратиш эди. Иордан Милев деган болгар адиби эса Ўзбекистонда шундай мақсад билан бир муддат ишлаб кетган эди. Ҳа, дарвоқе, Софияда бўлганимда, дўстим Ўлмас Умарбековни, албатта, кўрмоқчи бўлдим.

Шундай қилиб, суриштира-суриштира Ўлмаснинг “Болгария” меҳмонхонасида туришини аниқладим. Чироқлари мунаввар

кечки София кўчаларидан ўтиб, ниҳоят, меҳмонхона ичига кирдим. 103-хонада турар экан. Пастдан кўнғироқ қилдим.

— Умарбековми? — сўрадим русчалаб.

— Ҳа, узим.

— Салом, Ўлмасжон, бу менман...

Кутилмаганда узбекча сузни ва менинг номимни эшитиб, Ўлмас гўшакни апил-тапил жойига қуйиб, югуриб пастга тушди.

Кучоқлашиб куришдик. Сафарда эканимни айтдим. Хонасига кутарилиб, ракия деб аталмиш хушбуй ичимликдан хўплаб анчагача гаплашиб ўтирдик. У Тошкентдаги узғаришларни, барча дўстларни номма-ном суради. Болгария заминида олти юз чақиримдан мулроқ йўл босиб (теплоходимиз Дунай дарёсида бизни кутиб туради), кўп шаҳру қишлоқларни кўриб, баланд Витиния доволандан, Злата панета дарёсидан ўтиб, таассуротларим анча-мунча эди. Злата панета дарёси номи ҳам аламли бир ҳикоят билан боғлиқ экан. Гап орасида, Ўлмасга унга афсонани қисқача айтиб беришга шўшилдим:

...Эмишки, бир замонлар шу дарё бўйларида ғоят келишган, доно, аммо қашшоқ йигит яшаган экан. У қишлоқнинг ниҳоятда дилбар қизига ошиқу беқарор бўлиб қолибди. Қиз ҳам уни севибди. Бироқ уларнинг севгисига йигитнинг қашшоқлиги тусиқ бўлибди. Қизнинг отаси қийин шарт қўйибди. Йигит юз танга олтин топиб келиши керак эди. Ошиқ узоқ йиллар шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ кезиб, ахири тўқсон тўққиз танга олтин ишлаб топибди. Тангаларни йўқотиб қўймаслик учун қўлидаги таёқ ичига жойлаб олган экан. Шу дарё соҳилига етганда, бир кўзичоқ сувга ботаётганини кўриб, йигит узини дарёга ташлабди. Таёқ ҳам сувга тушиб, оқиб кетибди. Орзулари ушалмаган, ҳаётидан, севгилисидан ажралган йигит бенаволик билан кун кечирибди. Ниҳоят, кексайганида уз қишлоғига қайтибди. Келиб курса, дарё бўйида бир тегирмон сўппайиб турган эмиш. Шу манзилда озгина ҳорлиқ чиқармоқчи бўлиб турганида, бир кампир унга эшик очибди. У... кампирни таниб қолибди. Ёшлик орзуларининг, йигитлик севгисининг сабабкори булган гузал қиз бадавлат тегирмончига узатилган экан. Йигитнинг кўзларида ёш қалқибди. Аммо энди жуда кеч эди. Кампир унга бадавлат хонадонда яшаганлигини, аммо умрида чинакам бахтни топа олмаганини айтиб берибди. Ҳали кампир йўловчининг кимлигини танигани йўқ эди. Йигит уйнинг бир бурчагида турган ўз таёғини куриб қолибди. Таёқ оқиб келиб,

тегирмон новига тиқилиб қолган экан. Қиз таёқнинг кимники эканлигини билиб қолиб, ардоқлаб уйида сақлар экан. Йигит таёқни қулига олиб, унинг ичидаги туқсон туққиз тангани ерга тукибди. Кампир додлаб юборибди. Аламли қисса ана шу ерда тугайди. Дарёнинг номи ҳам шу ривоят билан боғлиқ экан...

Шуни айтиб бериб...

— Улмасжон, бу тап-гайёр, бутун бошли бир асарга, айниқса, гўзал бир дostonга асос бўладиган воқеа экан-да, — дедим ҳаяжонланиб. Диққат билан эшитган Улмас:

— Чиндан ҳам, таъсирли воқеа. Мен ҳам эшитганман. Бундан-да ғалати, бундан-да қизиқ ҳикоялар, ривоятлар куп бу диёрда. Урнига қараб китобимга, албатта, киритаман, насиб бўлса, — деди. Лекин бу ерда асосий мақсадим, болгар мавзуларини кенгроқ ёритиш эмас. Бу ишни болгар адиблари мenden кура ҳам яхшироқ бажаришади. Менинг мақсадим, тоғларнинг буюклиги узоқдан яхши кўринади. деганларидек, бу диёрдан туриб, Ўзбекистонимни, халқим қалбини янада чуқурроқ ҳис этиш, уни соғинч ҳисси билан янада ҳароратлироқ тасвирлашни хаёл этганман. Орзум ушалса, ажаб эмас. — деб ўз режаларини қисқача бўлса-да сўзлаб берди. Мен ўна оқшомни, ўша суҳбатни худди кечагидай эслайман.

Шундан сўнг, 1987 йилда, Россиянинг Иркутск вилоятида ўзбек адабиёти ва санъати ҳафталиги бўлиб утди. Унда Асқад Мухтор, Зикир Муҳаммаджонов, Тулепберген Қайпберганов. Ойдин Ҳожиева ва мен ҳам қатнашганмиз. Улмас Умарбеков маданият ишлари вазири сифатида бир гуруҳ санъаткорлар раҳбари булиб борди. Ёзувчилар уюшмаси раиси вазифасидан эндигина вазир бўлиб утган пайтлари эди. Ушанда менинг: — Улмасжон, оғир ишдан кутулиб, сал-пал енгиллик сездингизми? — деган саволимга жавобан:

— Қайда дейсиз, бу ердаги гаплар янада мураккаброққа ухшайди. Омон бўлсак, кўрамиз-да, — деганди жилмайиб...

Яна бир кун сўралдим:

— Улмасжон, неча-неча пьесаларингиз билан бутун бошли Умарбеков театрини яратиб қуйдингиз-ку, қойилман, — десам, кулимсираб: — Йўқ, йўқ... ҳали куп ишлашим керак, — деди у камтарона самимият билан.

Афсуски, у инсон орамиздан барвақт кетиб қолди. Бениҳоя нозик табиатли, гўзал чеҳрали, катта ниятлар билан яшаган бу ажойиб инсоннинг унугилмас қиёфаси ўз асарларида, дустлари хотирасида абалий яшайди, иншооллоҳ.

Миллий театримиз саҳнасида уйналган, ҳар бири бир воқеага айланган қатор драма асарлари, ажойиб қиссалар ва ҳикоялар муаллифи, масъул лавозимларда хизмат қилиб, катта эътибор қозонган... ва уша Болгария сафари чоғида бутун жисмидан Ўзбекистон соғинчи ёғилиб турган Улмасжонни ҳамиша ҳаракатда, ижод билан банд ҳолатда тасаввур этаман.

ЖАСОРАТЛИ СУЗ СОҲИБИ

(Озод Шарафиддинов)

Замонавий бадиий тафаккуримиз ривожда учмас из қолдирган, ҳамиша барҳаёт сиймо сифатида тан олинган Озод Шарафиддинов номи доимо юксак эҳтиром билан тилга олинади. Минбарларда, шоғирлар ва дўстлар даврасида, адабий баҳслар ва мунозараларда узига хос фазилатлари — туғри сузлиги, мурасасизлиги, билимдонлиги, ҳаётдаги ва адабиётдаги ҳар бир ҳодиса, ҳар бир ижодкор, турли замонларга мансуб санъаткорлар ва асарлар хусусида ўз шахсий фикри, шахсий талқини, танқидий қарашлари бор инсон сифатида такрорланмас шахс эди Озод дўстимиз.

“Эди” дейишга ҳамон ва ҳали куп вақт тил бормади. У кишини ҳар кун, ҳар бир учрашув, баҳсу мунозараларда ёнимизда ҳис этамиз. Маълум бир асар, воқеа ёки санъаткор ҳақида суз борганда, Озод ака бу ҳақда нима дер экан, деган фикр ҳамиша ҳаёлимизда туради. Бу соҳада улкан устози Абдулла Қаҳҳорнинг ҳақиқий вориси ва давомчиси эди унутилмас биродаримиз...

Фахрланаманки, биз у киши билан бир даврда, бир университет, бир факультетда (бир йил фарқи билан. У киши бир босқич оллинда эдилар) ўқидик. Аудитория-синфларимиз, домлаларимиз деярли бир хил эди. Талабалар орасида уқтамлиги, нуқтадонлиги билан ажралиб турадиган Озод ака атрофида доимо давра тузиб, нималарнидир қизғин муҳокама қилувчилар қаторида юрган йилларимизни асло унутмайман. Уша даврдаги яна бир кучли таассурот барча домлаларимиз — Ҳамид Сулаймон, Айюб Фулом, Ҳомил Ёқуб ва Шайхзодалар ҳам, адабий учрашувларга меҳмон бўлиб келадиган Фафур Фулону Абдулла Қаҳҳорлар ҳам Озод ака билан худди тенгқурлардек, баробар бир оҳангда: “Хўш. Озоджон, бу ҳақда сиз нима дейсиз?” деган ҳурматда муомалала

булардилар. У адабий тугараклар тузиб, қулёзмаларимиз муҳокамасини уюштирар, жамоат ишларига жон киргизар, яна қанчалик банд булишига қарамай. Ҳадралаги катта бир урта мактабда адабиёт фанидан сабоқ беришга ҳам улгурар эди.

Уша даврни тулароқ тасаввур қилиш учун бирга таҳсил олишган дустлар номини эслатиб утишни истардим. Булар: Пиримқул Қодиров, Саида Зуннунова, Эркин Юсупов, Лазиз Қажомов, Одил Ёқубов, Матёқубов Қўшжонов, Абдулазиз Ваҳобов, Шоислом Шомухамедов, Суюма Ғаниева, Озод аканинг булажак умр йулдоши Шарофатхон ва бошқалар. Кейинчалик, йиллар утиб, бу дустларнинг кўпчилиги бир яхши оилавий даврага уюшиб, турли байрамлар ёхуд таваллуд кунлари муносабати билан бир-биримизникида навбатма-навбат тупланишиб, университетда бошланган дустлигимизни давом эттирдик. Миртемир домла, Асқад Мухтор ҳам шу давра “аъзо”лари эдилар. Зулфия опа ҳам гоҳ-гоҳ меҳмон сифатида ташриф буюриб турардилар. Сухбатларимиз ҳар қандай майда-чуйда, кераксиз гаплардан холи, бегиدير ва бегараз бўлиб, асосий муддао яхши дам олиб, оилавий қадрдонлигимизни мустаҳкамлашдан иборат эди.

Озод акани ҳаётнинг турли хил ҳолатларида кўрдим, кузатдим десам янглишмайман. Эсимда, бундан уттиз йилча олдин, баҳор кунларининг бирида Оҳангароннинг ям-яшил қирларига чиқиб, кун бўйи варрак учирганларимиз... Озод аканинг боладай қийқириб, осмондан кўзини узмай роҳатлангани. “Варрак ва олим” деган шеъримни ўша воқеа таъсирида ёзганман. Унда шундай сатрлар бор эди:

Одам гўдакликка қайтаркан, яъни
Варрак бир кўприқдир унга ташланган.
Зотан, юлдузларни забт этиш фани
Варрак учуришдан бошланган.

Кейинчалик... Пиримқул Қодировнинг уша вақтда ноёб ҳисобланган “Волга”сида бориб, Паркент тоғлари этакларида ёнбошлаб ётиб, кун бўйи мушоира қилиб, неча қоғозларни тулғазганмиз...

Кейин... уша йилларда расм бўлган адабиёт ва санъат ҳафталиклари муносабати билан Москва, Туркманистон, Тожикистон, Қирғизистонларда саёҳатларда булдик. Хуллас, 1947

Йилдан бошланган танишлигимиз дустликка айланиб, умр давомида йўлларимиз гоҳ ёнма-ён, гоҳ ҳар хил кечди. Идораю турли-туман юмушларда кечди.

Озод ака билан қаерда, қайси манзилда бўлмайлик — маърифатпарвар шоир Ажизий таваллуд кунига бағишланган анжумандами, қизгин саратон кунларининг бирида Жиззах атрофидаги Муллабулоқнинг салқин оғушидами, устоз Миртемир ака иштирокида қурилган давраю суҳбатлардами, шаҳру қишлоқларимиздаги учрашувлардами — қаердаки сафардош бўлмайлик, ҳамма жойда у кишини юзлаб шоғирдлар қуршаб олар, талабалик йилларига оид ажойиб суҳбатлар буларди. Бундай мулоқотлар чоғи фахрланиб, Алишер Навоийнинг:

“Ҳақ йўлинда ким сенга бир ҳарф ўқитмиш ранж ила,
Айламак булмас адо онинг ҳақин юз ганж ила”.

деб айтилган машҳур ҳикматларини қайта-қайта эслардим. Чунки университет домласи сифатида ҳам Озод ака катта, муқаддас вазифани уддалаб қўйган эди...

Озод ака шифохонада оғир дардга гирифтор булиб ётган кезлар эди. У кишини қургани борганимизда... биз ўйлаганчалик гамгин бир ҳолатни эмас, енгилмас руҳнинг дадил кўз қарашларини, дарднинг устидан ҳам ҳазил-ҳузул билан суз очишини, кучли умидворликни, шахснинг бардам маънавий интилишларини куриб, кўнглимиз кўтариларди. Оғир хасталикнинг аёвсиз хуружига қарамай, ҳамма тadbирларда фаол қатнашар, туйларимиз турида утирар, оташин нутқлар айтар, ҳар бир сузи ўткир ҳазил, маъноли қочириқ, самимий муқояса, жозибали ҳикоятлар билан табиий равишда уйғунлашган булиб, катта давраларни жунбушга келтира олар эди.

Озод Шарафиддинов ижодий, илмий фаолияти ҳақида гапирганда доимий, мунтазам равишда юксала бориш, тинимсиз изланиш ва тафаккурда булиш тушунчаси уз-узидан қалбни забт этади. “Замон, қалб, поэзия” китобидан катта старт олган бу ижодий ҳодиса, юксалиш у киши умрининг сўнгги дақиқаларигача, жамоатчилик эъгиборини тортган “Довондаги ўйлар” деган улкан китобигача тинимсиз давом этди. Бу китоб чинакамига умр ва ижод довоғига кўтарилганлик тимсоли бўлди.

Озод ака тинимсиз ишлади. У киши ёзиб, биз ўқиб улгура олмасдик. Жаҳон адабиёти дурдоналаридан қилинган неча-неча таржималар. “Таффакур” ва “Жаҳон адабиёти” журналида изма-из босилган қатор жиддий, салобатли ижодий баҳс билан йўғрилган асарлар, ўзбек адабиётимиз муаммоларини ёритишга бағишланган салмоқли мақолалар, шарқ адабиётидан ўғирилган қатор ҳикоялар бу ижод уфқининг ниҳоят кенглиги билан ўқувчиларни ҳайратга соларди. Ва бу ишларнинг купчилигини у киши аёвсиз дарднинг узлуксиз хуружларига қарама-қарши куйган ҳолда бажарар эди. Ирола метинлиги, мақсад олийлиги, назаримизда, у кишига сунгсиз қувват бағишларди. Фақат вақт, вақт, вақт керак эди! Улгуриш керак эди. Ҳа, чинакам қаҳрамонлик йўли эди бу!

Озод ака ҳаминша ҳозиржавоблиги, қизиқ саволлари ва луқмалари билан суҳбатдошларга завқ, ҳайрат бағишларди. Муборакдаги катта, машҳур газни қайта ишлаш комбинатида меҳмон бўлганимизда, кўп ҳайбатли цехларни айланиб юрганимизда, бир улўғвор цех ишини меҳмонлар бизга таништириб, корхона ходими шундай деди:

— Бу катта цех воситасида қимматбаҳо олтингургут олинади.

Озод ака қувлик билан, узини гулликка олиб, савол қилди:

— Олтинни алоҳида, гургутни алоҳида олинса бўлмасмикин?

Самимий кулги кутарилди. Корхона хизматчиси ҳам маза қилиб кулди.

— Озод ака, бу қимматбаҳо таклифингизни амалга оширишга ҳаракат қиламиз.

Муборак заминидagi унутилмас учрашувлардан бирида Озод ака билан комбинатнинг ўша пайтдаги раҳбари Нуриддин Зайниев ўртасида жаҳон адабиёти муаммолари, хусусан, буюк рус адиби Лев Толстой ижодиёти ҳақида қизгин баҳс ҳам бўлди. Айниқса, адибнинг “Иқрорнома” деб аталмиш купчиликка яхши маълум бўлмаган асари, бу асарда инсон ҳаётининг маъносини таҳлил этувчи мураккаб дунёқараш, нозик кузатувлар ҳақида ғоят мароқли, ибратли мулоҳазалар алмашинуви бўлди.

Озод ака аниқ ҳис этдики, ҳасби ҳол жанрида ёзилган бу асар, албатта, ўзбек тилига таржима қилиниши керак! Ва бу мураккаб вазифани Озод ака катта билимдонлик билан амалга оширди. Толстой фалсафаси ва тафаккурининг нақдлар терапийлиги ҳамда умуминсоний қадриятини ифода этувчи бу асар ўзбек тилига маҳорат билан ўғирилди. “Тафаккур” журнали саҳифаларида биз уни катта қизиқиш билан ўқилик.

Лекин мени янада ҳайратга солган нарса — мазкур таржима орқали Озод ака ўзбек тилимизнинг ниҳоятда бойлигини, маънолар товланишини, энг теран фалсафий тушунчаларни ҳам изҳор эта билиш қудратини яққол кўрсатди. Асар жуда равоон ўқилади. Аммо ушбу равоонлик ва жозоба замирида таржимоннинг улкан меҳнати ва маҳорати, она тилимизга булган меҳру эҳтироми аён бўлиб туради. Бу таржима асар ҳам Озод Шарафилдиновнинг нақадар ўқимишли, фикрий уфқи кенг олим ва адиб эканлигини тасдиқлайди.

Ўз ҳаётининг ҳамма босқичларида Озод ака ҳамиша олдинги сафларда бўлди. Университет даргоҳида ҳам, адабий мунозараларда ҳам, дўстлар даврасида ҳам доимо бир фикрни айтарди, бу фикр ҳаётда туғрилиқни, адабиёту санъатда юксак бадийликни турли-туман сохталик, ялтироқ ёлғон-яшиқдан ҳимоя этишга қаратилган буларди.

Мана шу юксак тамойил умр буйи у кишига йўлдош бўлди. Ўз хато ва камчилигини ҳам, маънавиятида ҳосил булган кескин зиддиятни ҳам ҳеч ҳайиқмасдан, туғри, рўй-рост айта олиши ҳам катта мардлик эди. Озод аканинг “Тафаккур” журналининг 1997 йил 1-сонида босилган “Эътиқодимни нега узгартирдим?” деган мақоласини ўқиб чиққан ҳар бир киши бу мард инсоннинг нақадар танти ва ўз-ўзига муросасиз муносабатда булганлигини кўради.

Хулоса қилиб айтганда, Озод Шарафутдинов гоёт серқирра фаолиятли, жозибали шахс эди. Бизнинг хотирамизда ҳамиша шундай жонли, ҳаракатда булган сиймо сифатида яшайверали.

ЎХШАСА, ЎЗИГА ЎХШАЙДИ (Тоғай Мурод)

Биз кўпинча ўтмишда ўтган буюк ижодкорларимиз ҳақида ўйлаганда, уларни табиатан тайёр, шакланган ҳолда Оллоҳ толодан инъом этилган зотлар, деб биламиз ва бошқача бўлишини тасаввур ҳам қила олмаймиз. Гўё улар шундай яралганлару шу ҳолича яшаб ўтганлар. Ҳолбуки, халқ ардоқлаган ҳақиқий ижодкор бўлиш учун, аввало, илоҳий истеъдол ва ўта меҳнатсеварлик талаб қилинади. Шулар хусусида ўйлар эканман, катта бир адибнинг ижодига гувоҳ бўлганлигимдан ўзимни

бахтиёр ҳис этаман. Сурхон қишлоқларидан келган бир узбек фарзанди етук ёзувчи Тоғай Муродга айланганини поғонама-поғона баркамоллик топганини уз кузим билан кўрдим. У янги уйланган кезлари Мирзапулат Тошпулатовлар билан Эгарчи деган маҳаллада қўшни туришди. Ушша вақтлари ҳам у билан кўп гаплашганмиз: адабиётга, адиблар ижодига баҳо беришда гаплари катта-катта, яъни дадил, узига хос эди. Тоғай жула табиий, образли гапирарди. Фикрлари фавқуллодда эди. Булар — менинг у ҳақдаги илк таассуротларим.

Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида ишлаётган йилларимда Тоғай Муродни яна бир бор кашф этгандай бўлдим. Билсам, унинг асарлари ҳам гаплари каби “катта-катта” экан. Дунёда ўзига хос деган тушунчани Тоғай Мурод қиёфасида чуқур ҳис қилганман. Воқеани бошқача ҳикоя қилиб бериш услуби, ҳаётга янгича нигоҳ билан қараши, ҳар бир сўзга катта мазмун юклаши, гапларидаги маънолар қоринмаси — буларнинг бари Тоғай Муродгагина хос эди. Унинг маҳоратига қойил қолиб, асарларини қайта-қайта ўқиганман. Ушша вақтлардаёқ адабиётга янги бир ёзувчи кириб келаётганини сезиш қийин эмас эди. Шунга қарамай, Тоғай Мурод қиссаларининг нашр этилиши осон бўлмади. Ушанда қандайдир кераксиз назорат кучайиб кетганди. Шухрат аканинг бир романини чоп этишга ҳам рухсат беришмаганди. Ҳатто ушша пайтлардаги Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси Сарвар Азимов аралашиб бизга ёрдам бермоқчи бўлса-да, ижобий ўзгариш бўлмади. Қаердадир ҳамма нарсани тушунадиган, ҳаммадан кўп биладиган одам бор эди-да. “Буни нега чиқаряпсан? Нима қизиғи бор? Қани бу ерда совет кишининг хусусиятлари? Бошига фожиа тушган одамларни нега ҳадеб чиқараверасизлар? “Зафарнома”га ўхшаш асарлар нега керак? Амирийнинг девони кимга керак?” — деган устма-уст саволларни жавобсиз тинглашдан ўзга чора йўқ эди. Ноширлик вазифам билан шуғулланиш ўрнига, куним тепадагиларга корректура ташиш билан утарди. У ёқда утирганлар босмага кетишга тайёр қўлёмаларга йўл бермай, столлар устига қалаштириб қўяверарди...

Биз Тоғай билан тез-тез куришиб турардик. Менинг нима дардда изтироб чекиб юрганимни у ҳам билар эди. Вақти келиб, Тоғай Мурод асарларини чоп этмасликнинг ҳеч иложи қолмаганидан кейин, улар бошқача йўл тутишди: “Тоғай Мурод яхши, истеъдодли ёзувчи экан. Унинг шунақа асарлари бор

экан-а”, — қабилда гапларни айтиб, 180 даражали узгаришлар касб этдилар. Куряписки, ушандай қийин вазиятларда ҳам Тоғай Мурод асарлари дунё юзини кура олди.

Айтмоқчиманки, чинакамига кучли асарга ҳеч нарса тусиқ булолмайди: на мафкура қафаслари, на сиёсат панжаралари... Ҳақиқий истеъдод ҳар қандай замонда ҳам узини намоян эта олади. Тоғай Мурод қиссалари казо-казолар даврила ҳам чақнаб, тусиқларни ёриб ута олди.

Тоғай Мурод ижодни қандай суръатда бошлаган бўлса, кейин ҳам шу суръатда давом эттирди: бир-биридан гузал қиссалар, романлар ёзди. У ҳаётдан эрта кетганига қарамай, бир ёзувчи қилиши мумкин бўлган ишларни бажара олди. Унча-мунча ижодкорга насиб этмайдиган муваффақиятга эришди. Ўз услубини ярата олди. Адабиётда янги йўл кашф қилди. Тоғай Мурод ижоди, шахсиятини биргина “фавқуллодда” деган суз билан ифодалаш мумкин. У бошдан-оёқ фавқуллодда эди. Фавқуллодда инсон эди, фавқуллодда адиб эди у. Мен Тоғай Муродни жаҳон адабиётидаги фалончи-фалончиларга ўхшатишни хоҳламайман. Ўхшаса, у фақатгина ўзига ўхшайди. Шунинг учун ёзувчи Тоғай Муродни адабиётимизнинг катта авлоди вакиллари ҳам ҳурмат қилишарди.

Тоғай Мурод қиссаларида стилистик буёқлар гузал. Инсоннинг ички кечинмалари теран. “Ойдинда юрган одамлар” қиссасида фарзандсизлик балосига учраган одамнинг фожиаси орқали унинг қалб дунёси гоая таъсирчан тасвирлаб берилган. “От кишнаган оқшом”нинг тили, услуби янада гузал. “Юлдузлар мангу ёнади” қиссасидаги маънавий курашни қаранг. Бу — орият учун кураш, инсонийлик учун мангу кураш...

“Отамдан қолган далалар” романида кенглик бор. Адиб олис масофаларни, асрларни ягона гоая атрофига бириктира олган. Ота-боболаримизни қаёқдан келаётганларини, ҳаёт ва одамлар қандай узгариб кетганини чуқур илдизлари билан курсата олган. Ундаги ўзига хос, шоирона такрорий иборалар фикрни ёрқин ифодалаш учун хизмат қилали. Бу роман жуда салобатли, нодир асар эди. Асар ҳақли равишда Абдулла Қодирий номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди. Мен мукофот топшириш тантаналарида ҳам қатнашганман. Бир оз муддат ўтиб “Отамдан қолган далалар” романи асосида кино ишланди. Шўҳрат Аббосовдек катта режиссёр бунга қўл урди.

“Бу дунёда ўлиб бўлмайди” романи эса олдингиларидан тамоман фарқ қилади. Унда шуровий ғояларга берилиб кетган одамнинг фожиаси кўрсатилган. Унга раҳмингиз келади. Ҳаёти ўткинчи ғоялар билан суғорилган ва умри шу ғояларга хизмат қилиш билан ўтган инсоннинг охири ҳеч нарчасиз қолиши фожиаси ғоятда ишонарли тасвирланган ва фақат Тоғай Муродга хос санъаткорона тарзда кўрсатилган.

Ҳукуматимиз томонидан Тоғай Муродга “Ўзбекистон халқ ёзувчиси” унвони берилгани ҳам бу ҳақиқатни, унинг катта, ноёб истеъдод эгаси эканлигини тасдиқлаб турибди. Ҳали Тоғай Мурод асарлари кўп нашр этилади, чет элларда ҳам у таржимонларини, уқувчиларини топди.

Тоғай Мурод шахсий ҳаётнинг баъзи паллалари билан яқиндан танишман. Фақатгина ёзувчи Тоғай Мурод эмас, инсон Тоғай Мурод ҳам менга яхши маълум. Тоғай билан Маъсумахоннинг никоҳ туйларида бош-қош булганман. Маъсумахон Аҳмедова бизнинг нашриётда ишларди. Туйлари “Ширин” кафесида бўлган. Тоғай Муроддек катта адибнинг шундай бахтли дақиқаларида бирга бўлганимдан кўнглим қувонч ҳиссига тулади.

Айрим Тоғай Муродни билмаганлар уни жуда кўрс, уяр, гапга сира кунмайдиган одам деб ўйлашади. Лекин тил топишсангиз, у жуда очилиб, дилдан гаплашарди. Оқли оқ, қорани қора дер эди. Уртада туриб у ёқ-бу ёққа товланишларни билмасди. Ўзи жуда самимий бўлиб, олифтахарчиликка тоби йўқ эди.

Шунданми, уни тушунадиган одамлар кам топиларди. Тоғайнинг тўғри сўзлигини кўпчилик кўтара олмас эди. Кейинги йилларда ёзувчи ёлғизликни хоҳлаб қолди. Ойлаб Паркент томонларга кетиб ижод қилди. Тоғайни бирор йиғинларда ёки Ёзувчилар уюшмаси мажлисларида учратиш мушкул эди. Баъзи ижодкорлардан: “Бизни мажлисларга чақирмаяпти”, — деган нолишларни кўп эшитамиз. Тоғай эса бундай йиғилишларга чақиришмаса, хурсанд эди. Матбуотда кўринишга, радио-телевидениеда чиқишга, умуман, ўзини куз-куз қилишга унинг ҳуши йўқ эди. У тоғлар билан гаплашди, боғлар билан гаплашди, гафаккур билан гаплашди. Ҳақиқий ёзувчи бўлишнинг сири — кечаю кундуз ўтириб ишлаш, изланиш, ўқиш, ёзиш... Тоғай Муродда шундай принцип бор эди. Характердаги кескинлик, юзаки воқеаларга ва ёлғондакам ялтироқликка берилмаслик, ёлғизликка интилиш шундан келиб чиқарди.

У ҳали халқимизга қўплаб тафаккур чечакларини туҳфа қилиши мумкин эди. Бунга кучи, илми, кўнглидаги туйғулари етарди. Минг афсуски, қанча асарлар ёзилмай қолди. Тоғай Мурод эзгуликка интиладиган, ғуборлардан холи, товламачиликлардан нафратланадиган чин инсон, сўзни ҳис қиладиган, адабиётни севадиган, ўзи ҳам унга содиқ санъаткор-ижодкор эди. У ёзувчи сифатида олдига катта мақсадлар қўйди. Мақсад катта бўлса, одам шу билан яшайди. Шу маънода айтиш мумкинки, Тоғай Мурод ўзбек халқи учун, адабиётнинг ривожини учун яшаб ўтди. У билан миллатимиз ҳам, адабиётимиз ҳам фахрланса арзийди.

ШЕЪРЛАРИДА ЯШАЙДИ МАНГУ

(Саида Зуннунова)

Бундан нақ олтмиш йил ортга чекиниб, 1947 йил кузини, дорилфунун даврининг дастлабки йилини кўз олдига келтираман. Ун беш-йигирма чоғли йигит-қизлар биринчи курс талабаларимиз. Ҳаммамиз ҳар манзилдан, республиканинг турли нуқталаридан келганмиз. Илк танишув, бир-биримизга ўрганиш, билимларга ташналик турли ёш, турли савия, турли қизиқишда бўлган ёшларни бир кичик оилага айлантиргандай... Турли ёш дейишимнинг сабаби, ичимизда кечагина унинг синфни битириб келган “ғўр”лар билан бирга жанг кўриб қайтган, анча-мунча суяги қотган йигитлар ҳам бор эди.

Мана шу даврда Саида Зуннунова алоҳида ажралиб турарди. Чунки биздан ёши ҳам нисбатан улуғроқ, бундан ташқари, Андижондаги ўқитувчилар тайёрлаш институтини тамомлаган, редакцияларда ишлаган, шеърлари матбуотда чиқиб турган, адабий жамоатчиликка анча таниш, биринчи тўпланини нашриётга топширган шоира эди. Биз Саида опага катта ҳурмат, ҳавас билан қарардик. Унинг шеърият ва ижод ҳақидаги фикрларини эшитиш мароқли эди. Фақат бизгина эмас, ўқитувчиларимиз ҳам бирор фактни таъкиллаётиб, онанинг фикр-мулоҳазасини инобатга оларди. Шундай инсон, истиснодди шоира билан бирга ўқиётганимиздан ич-ичимиздан фахрланиб юрардик. Лекин Саида опа жуда камтар, нозиктаъб, ун уйлаб, бир гапирадиган, ўз имтиёзини ҳеч кимга писанда қилмайдиган одам эди. Аксинча, билмаганини сурашдан ор этмас, меҳрибон,

синчков, нигоҳида ақл ва гузалликка ташналик учқунланиб турар, буткул қиёфаси таъсирчанлик ва самимиятдан йўғрилгандай эди, назаримда.

Саида опанинг илк шеърлари табиатни чуқур ҳис этиш, ёшлик завқи, тоза инсоний туйғулардан иборат. У тонгни тилга киргазиб, япроқлар шивирини шеърга кўчира олади. Дуторнинг мунгли ноласида ҳижрон дардини, ошиқ фарёлини ҳис этади. Ойнинг шуъласи, сувнинг мавжи, булбул навоси, субҳидам шамоли унинг шеърларида жонланади. Бу шеърларнинг мағзи-мағзида инсоний ғурур, Ватанга чексиз садоқат, катта ижодий режаларга гула қалб гупуриб туради. Унинг “Ёр билиб шайдолигимни, кўрса ҳам боқмас қиё, илгига бош қўймоғимни билмадим, истарми ё” мисралари билан бошланадиган ғазали ўша вақтдаёқ машҳур бўлиб, ҳофизлар тилига ҳам кўчган эди... Ёки: “Гуллар юзинда ханда, бу боғдан ёр утдиму, Олатин қилмай канда, яна дилдор утдиму?” ғазалини эсланг. Улар узбек кўшиқчилилик санъатининг дурдоналаридан бўлиб, уларни ёд билмаган бирор инсон, улар кириб бормаган бирор хонадон бормикин? Содда, самимий, жозибали бу ғазалларда катта инсоний дард, меҳру муҳаббат мавжуд. Шу боис ҳам, улар ҳар бир қалбга яқин, ўз оҳанги, уз куйи узи билан. Мана, ҳозир тонгги радио мавжларида бу кўшиқларни маҳлиё бўлиб эшитарканман, ҳаслим бундан эллик-олтмиш йил олдинги ҳаётим манзараларига кўчади... Бизнинг кунларимизда, яъни эллик йилдан ошиқ вақтдан сўнг ҳам, машҳур кўшиқчимиз Зулайҳо Бойхонова ижросида маҳорат билан янграб, тўю гаптаналарга зеб бўлаётган “Ҳай-ҳай” радиофили кўшиғи кунгиллар мулкига айланиб кетди. Ушбу шеърлар шоиранинг китобларидан жой олган “Университет эсдаликларидан” туркумида ҳамон покиза бир жило кўзга ташланади.

Биз — курсдош талабалар Саида опа ғазалларига ҳавас қилиб, мухаммаслар боғлар эдик. Насирий, мен ва Лазизхон помидан ёзилган мана бу сатрлар у кишига бўлган катта ҳурматимиз нишонаси эди: “Сен чаманда якка гулсан, биз харидоринг учов, Гоҳ Насирий, гоҳ Ниёзий, гоҳ Лазизхон истабон”. Саида Зуннунова 1964 йилда нашр этилган “Шеърлар” китобига ёзган таржимаи ҳолида адабиётга қизиқишини, ижодга кириб келишини эслаб: “Адабиётга меҳр қўйишимга далам Эргашбой Зуннунов сабабчи бўлган. Далам ҳамма вақт биринчи танқидчим, биринчи маслаҳатгуйим эди”, — дейди миннатдорчилик билан.

Мана шу илк меҳр йиллар оша улғайиб, дорулфунун даргоҳида камолотга эриша борди. “Кунглимга дадам солган поэзия ишқи куртагининг очилишига ҳурматли уқитувчиларимнинг сабоқлари, ёзувчиларимизнинг ажойиб китоблари, Ёзувчилар уюшмасидаги қайноқ, самимий мунозаралар, мушоиралар кумаклашди”, — деганда шоира ҳақли эди.

Шоира ижодини оталарча меҳр билан кузатган Фафур Фулом унинг биринчи китобига “Қизингиз ёзди” деб ном қўйиб берди. Ўз ҳаётини севимли адибимиз Саид Аҳмад ҳаёти билан боғлаган шоира турмушнинг барча сўқмоқларидан, аччиқ-чучукларидан мардона ўтиб, ўнлаб шеърини китоблар, чиройли қиссалар, ҳаётий ҳикоялар, ғазаллар гулдастасини яратди. Ўз шеъриятида, умуман, барча назмий ва насрий асарларида аёллар оламини меҳр билан тараннум этди. Саида Зуннунова ҳақида гап борганда, куз ўнгимда бсихтиёр яна ўша талабалик йиллари гавдаланади. У гоҳ илк машқларимизни таҳлил этиб бераётган, гоҳ шикаста товуш билан тулқинланиб ўз шеърини уқийётган, гоҳ “имтиҳон” ташвиши билан куймаланиб юрган, гоҳ кимгадир ёрдам қўлини чўзишга тайёр одамий, софдил, уйчан, куюнчак қиёфада куринаверади.

Университетни битиргач, яна бир соҳада ишлаб, касбдошлик қилдик. Саида опа: “Биринчи шеърим ун бир ёшимда Андижонда чиқадиган “Пахта fronti” газетасида босилган, ўшанда шеъримнинг чиқишини эшитиб, газета дўкони олдида кун бўйи пойлаб утирганман”, — деб эслайди таржимаи ҳолида. Бу туйғуни ижод билан шуғулланган ҳар бир одам юракдан тушуна олади. Худди бутун дунё ўша шеърни кутаётганидай, газета чиқиши билан бутун олам шу ҳақда гапириб юрадигандай, ҳамма сени бир-бирига кўрсатиб: “Кечаги шеърни ёзган — мана шу шоир!” деб айтаётгандай... Адабиётга мана шундай муқаддас ҳиссиёт билан кирган Саида Зуннунова қуёшли диёримизни — Ўзбекистонимизни, гузал ёшликни, тинчликни, бахтни, меҳнатни, инсон қалбини улуғловчи жўшқин шеърлари билан мангу яшайверади. Саида Зуннунова ҳақида ўтган замон феъли билан гапириб булмайди. У, назаримда, ҳозир ҳам ижод столи қошида уйчан утиргандай, ута талабчанлик билан китобини шакллантираётгандай...

Зеро, ҳақиқий ижод ҳамиша яшашга ҳақли.

ЎЗ СУЗИНИ АЙТОЛГАН ШОИР

(*Зоҳиджон Обидов*)

Адабиётни бир ёки бир неча кишининг асарлари билангина яратиб бўлмайди. Бир неча доврўгли китоб ёки шуҳратли номлар ҳам кенг маънодаги адабиётни ташкил эта олмайди. Бадиий адабиёт ранг-баранг истеъдодларнинг катта ижодий меҳнати маҳсулидир. Насрда, назмда, саҳна ёки экран санъатида юзага келган, турли жанр ва турли талқинларда халқ ҳаётини чуқур, ҳаққоний ёритган, миллат руҳини акс эттирган кўпдан-кўп асарлар мажмуасигина маълум бир халқ адабиётини ҳосил этади.

Қиёс тариқасида азамат тоғлар силсиласини хаёл қуздан утказинг. Қанчадан-қанча ёнбағирлар, паст-баланд, бир-биридан тобора юқорилаб боровчи тоғлар замиридагина улкан чуққилар намоен бўлиши мумкин. Хулди шундай, адабиётнинг ҳам ўз ёнбағирлари, тепалик ва довоилари ва улар бағридан баланд ўрлаб, кукка санчилиб турган нурли чуққилари бўлади. Ҳозирги замон ўзбек адабиёти заҳматкашлари ҳақида ўйлаганимда, шоир Зоҳиджон Обидовнинг ҳам мана шу катта, улуғвор ишга қўшган узига хос ҳиссасини куз олдимга келтираман.

Зоҳиджон ака шەърияти билан кўпдан яхши танишман. Бу шەърият узининг равонлиги, самимийлиги, инсонийлиги билан ўқувчини мафтун этади. Ҳаммадан муҳими, бу ижод қўшиққа, куйга, оҳангга мойиллиги билан ҳаминша кўпдан-кўп бастакорларимизни мафтун этиб келган. Зоҳиджон ака, шу боисдан ҳам унлаб рангин қўшиқлар муаллифи сифатида жумҳуриятимизда кенг танилган. “Дардлашурман сени босиб кўксима”, — деб бошланадиган “Дутор” ҳақидаги қўшиқ неча-неча йилларки халқимизнинг севимли ашулаларидан бирига айланган. Бундай қўшиқлари эса анчагина. Юртимизда бирор ҳофиз бормикин, Зоҳиджон Обидовнинг янги қўшиғи матнини интизорлик билан кутмаган бўлсин? Ёки бирор туй, маърака, базм, давра бормикин, унда Зоҳиджон ака сўзлари дилларни яйратиб, янграмасин? Йўқ. Тонгдан то оқшом — ҳар ҳафтада неча бор биз у киши қўшиқларини мароқланиб, хаёлга ботиб, завқланиб эшитамиз. Зоҳиджон Обидов шەърияти ва қўшиқларисиз бугунги шەъриятимизни тулиқ тасаввур этиб

булмайди. Зоҳиджон Обидов билан дорулфунунда ўқиб юрган кезларимдан яхши танишман. 40-йиллар охири, 50-йиллар бошида биз дастлабки босқич талабалари булсак, у киши дорулфунуннинг сўнги босқичи битирувчиси эдилар. Ёши биздан анча катта, яқин- яқинда уруш майдонларидан погирон булиб қайтган, қўлтиқ таёқли бу йигит давраларнинг жони эди. Ҳар қандай тушкунликдан йироқ, аксинча, ўта қувноқ, ҳазилкаш, ҳаётга ташналиги барқ уриб турган инсон эди. Уйғун шеъриятидан диплом иши ёқлаган мажлисларида қатнашганман. Каттагина зал одамга тўла эди. Зоҳиджон аканинг маърузаси шеъриятнинг чуқур таҳлилидан иборат булиб, биз-ёшларнинг адабиётга қизиқишимизни орттирганлиги аниқ.

Зоҳиджон ака салкам 50 йиллик ижодий фаолияти давомида кўпгина шеърый китоблар ёзди, нашр эттирди. Бу даврда ҳаётнинг қувончини ҳам, турли-туман машаққатларини ҳам бошдан кечирди. Ўз ижоди билан ҳаминша халқнинг ичида булди. Халқнинг руҳини, маънавиятини, дарду орзуларини меҳру муҳаббат билан қоғозга туширди, уларни улмас қўшиқлари мағзига муҳр этди.

Кучли ирода эгаси, ўзига хос ёрқин истеъдод соҳиби Зоҳиджон ака энг қийин, мураккаб даврларда ҳам ҳаёт ҳақиқатини очик, аниқ айтишдан ҳайиқмади. Унинг “Арслоннинг ўлими” деган шеъри қўлма-қўл ўқилиб, шоир шахсига катта ҳурмат, эҳтиром келтирганини биламиз. Ўша йилларда бу шеърни каттадан-кичик ҳамма қидириб ўқиганини яхши биламиз.

Зоҳиджон Обидов катта ҳаёт йулини босиб ўтди. Кўп ижодий ишлар қилди. Ўз шеъриятини яратди. Бир неча шеърый китоблар муаллифи бўлди. Зоҳиджон аканинг самимий суҳбати, ҳазил-мутойибага мойиллиги, дилканлиги, давраларга жон бахш этувчи, шифтни ҳам ларзага солувчи қаҳ-қаҳаси, самимийлиги, меҳрибонлиги асло унутилмасдир.

Адабиётимиз гоғининг юксак мақомларида унинг ҳам ўзига хос суқмоғи борлиги катта ижодий меҳнат маҳсулидир.

ДУСТЛИККА ШАЙДО КҮНГИЛ

(Рузи Қодирий)

Эсимда: 1955 йил бўлса керак, “Шарқ Юлдузи” журналида ишлар эдим. Рузи Қодирий билан илк бор шу ерда учрашдик. У киши Уйғуристондан келиб, Тошкентда ишлаётган эканлар. Камтар, оддий инсон, қалбида бир дунё дарди бор шоир эканлигини англаб олиш қийин эмас эди. Менга “Қурбон” деб аталган достони қўлёзмасини танишиб чиқишим учун тақдим этди. Уйғур тилида ёзилган бу дoston ўзбекчага бениҳоя яқинлиги, равонлиги, ташбеҳу тимсолларга бойлиги билан мени мафтун этди. Унда уйғур халқи бошидан кечган тарихий воқеалар, халқ ҳаёти ва унинг эрк-мустақиллик учун олиб борган кураши манзаралари жонли бўсқларда, ҳаяжонли бир тарзда акс этган эди. Асар қаҳрамони — уйғур йигити Қурбон, унинг изтиробли севгиси, жасорати ишонарли лавҳаларда, ички бир самимият ва жозиба билан кўриниб, ўзбек ўқувчиси эътиборини ҳам тортиши муқаррардек туюлди. Ва тез орада бу достонни таржима қилишга киришдим... Журнал саҳифаларида босилиб чиқди ҳам. Шунга ҳам 60 йилдан ошяпти. Рузи Қодирий билан дўстона ижодий алоқаларимиз кўп йиллар давом этди. Бу даврда унинг кўпгина шеърӣ китоблари (“Икки эл меҳри”, “Унутмайман”, “Буз қиссаси”, “Мен ҳам Тошкент фарзандиман”, “Бонг ва тонг”, “Қутлуғ диёр”) ва бошқа тўпламлари босилиб чиқди. Бу китоб ва тўпламларни нашр этишда гоҳ таржимон, гоҳ муҳаррир, гоҳ тақризчи дегандай, мен ҳам баҳоли қудрат қатнашиб юрдим.

Рузи Қодирий 1925 йилда Шарқий Туркистоннинг (Хитой) Қашқар вилояти, Қашқар шаҳрида дунёга келган. Унинг қишлоғи — Тошмалик. Бошланғич маълумотдан сўнг, шу ердаги гимназияда таҳсил курган. Сўнг Урумчи шаҳридаги миллий институтда (1945 — 1947 йиллар) ўқиган. Ўз халқининг эрка, ёруғликка ташналигини ифода этувчи илк шеърлари шу ерда ёзилган.

Рузи Қодирий 1955 йилдан то ҳаётининг сўнги дамларигача Ўзбекистонда яшаб, ижод этиб халқимизга танилди. Тошкент дорилфунуни тугатиб, бу ерда чинакам ижод жараёнига йўл очди. Кўндан-кўн гўзал шеърлар, дostonлар ёзди, илмий ишини

давом эттирди. Филология фанлари номзоди бўлди. У Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими эди.

Қуюнчак ва камтар инсон, истеъдодли шоир умр бўйи қизғин ижодий ишлар билан банд бўлди. Рузи Қодирий шеърлари кишиларни дўстликка, эзгуликка ундайди. Теран фикрлари, покиза туйғулари билан кўнгилларни ром этади. Ҳар бир шоир, каттаю кичиклиги, асарларининг салмоғу даражаси нечоғлиқ улкану камтарлигидан қатъи назар, уз даврининг жонли салоси. Шундай сафда Рузи Қодирийнинг уз урни, уз сузи, уз сиймоси бор. У — армон ва орзу, қисмат ва бахт шоири. Унинг беғубор шеърляти — уйғур ва ўзбек маданиятлари чамбарчас боғлиқ эканлигининг ёрқин бир кўриниши. Чунки бизнинг сарчашмаларимиз Маҳмуд Қошғарий ва Юсуф Хос Ҳожиб каби буюк зотлардир. Илдизларимиз тутан эканлиги, тил ва дил, урф-одатлар, дин ва имон бирлиги халқларимизни яқинлаштириб туради. Рузи Қодирий Ўзбекистонимиз мустақиллигининг фидоий бир куйчиси сифатида мамлакатимиз гузаллигини, унинг дунёга юз очган салобатини, халқимизнинг меҳнат зафарларини улғувчи шеърлари билан кунчиликка маълум. Ҳар икки тилда — уйғур ва ўзбек тилларида баробар қалам тебратган Рузи Қодирий илк ижодини “Менинг халқим” (1945 й.) шеърдан бошлаган эди. Бу тасодиф эмас, албатта. У уз халқининг ҳамийша содиқ ва вафодор фарзанди бўлиб қолажак.

ОЛТИН КУПРИК

(Шоислом Шомуҳамедов)

Улкан шарқшунос олим, шоир ва алиб Шоислом Шомуҳамедов ҳақида кўп йиллик ижодий ҳамкорликда кечган йилларимиз кўз ўнгимдан ўтаверали. Буюк мутафаккир устод Жалолиддин Румийнинг қуйидаги сатрлари айнан мана шу киши ҳақида айтилгандек:

Мо баройи васл кардан омадем,
На баройи фасл кардан омадем.

Мазмуни: “Биз бу дунёга одамларни бир-бирлари билан учраштириш, яқинлаштириш учун келганмиз, одамларни бир-

бирлари фарқлаш, ажратиш учун келмаганмиз...” Нақадар пурҳикмат, абадий маъноларни мужассам этган сузлар! Шоислом Шомуҳаммедовнинг саксон беш йиллик ҳаёти, ижодий йўли, тинимсиз фаолияти — ушбу фикрнинг яққол далили. У киши бутун умри мобайнида айрим-айрим одамларнигина эмас, балки бутун-бутун халқларни, адабиётларни бир-бирларига яқинлаштириш, бир-бирлари билан учраштиришга хизмат этишдан иборат булди.

Барчага маълум ҳақиқатни яна бир бора такрор айтмоқчиман. Куп замонлар бизнинг бир неча авлод учун Рудакий, Фирдавсий, Ҳофиз, Ҳайём, Саъдий, Деҳлавий, Жомий, Бедил каби улуғ зотларнинг номларигина маълум эди-ю, лекин улар яратган инжулардан, шеърят дурдоналаридан, теран фалсафий оламдан деярли бебахра эдик. Бу чексиз хазиналарнинг олтин эшикларини қиягина булса ҳам, дастлаб очиб бера оладиган журъатли ижодкорга муҳтожлик бор эди. Шу катта, шарафли ишни бажо келтириш Шоислом ака зиммасига тушди. У киши ғоят билимдонлик, меҳру муҳаббат билан бизни қадамба-қадам бу муҳташам қошоналар силсиласига бошлаб кирди. Улуғ Навоиймиз ва барча мумтоз шоирларимиз қадимда баҳраманд булган, эҳтиром билан тилга олган бу олам, аслида, Шоислом Шомуҳаммедовнинг ижодий жасорати, саъй-ҳаракатлари, ташаббускорлиги ва ташкилотчилиги туфайли бизга — ўзбек китобхон оламига яқинлашди.

Шоислом Шомуҳамедов том маънода диллардан-дилларга, эллардан элларга олтин куприк тақиланишига боис булди. Шу олтин куприкнинг ҳақиқий бир меъмори рутбасида жонбозлик кўрсатди, истеъдодининг бор кучини ҳам олим, ҳам шоир, ҳам таржимон сифатида шу улуғ вазифага сафарбар этди ва бугун халқимиз уни ҳурмат билан тилга олиб, миннатдорчилик билдиради.

Айримгина мисоллар. Бу еруғ дунё ичра Умар Ҳайём рубоийлари деган алоҳида дунё бор эди. Бу дунёни ўзбек китобхони дунёсига айлантириш бағоят мураккаб, ақл бовар этмас иш булиб, катта жасорат талаб этар эди. Дарвоқе, Умар Ҳайём форс-тожик тилидаги рубоийни буюк шеърини санъат даражасига кўтарган, унга умрбоқийлик, абадият бахш этган улуғ шоирлардан ҳисобланади. Моддий ва маънавий оламнинг барқарорлиги, ҳаётнинг қадр-қиммати, табиатдан, умуман, ҳаётдан баҳра олиш бахти, ёрга муҳаббат, вақту замоннинг

ҳамиша ҳаракатда эканлиги, абадий ва уткинчи кайфиятлар ҳақидаги ўткир мулоҳазалар доимо одамларни ҳайратга солиб келган.

Рубоий — тўрт сатрга беркитилган дунёвий ҳулоса. У — томчида акс этган қуёш. Сузнинг қудратини, шоирнинг иқтидорини курсатадиган, тафаккур ва гузалликни мухтасар ифода этадиган санъат, уни гуё енгил шакл ҳисоблаб, рубоий ёзганлар кўп бўлган. Ҳайём, Ибн Сино, Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Алишер Навоий, Паҳлавон Маҳмуд, Бобур ва Бедил рубоийларигина абадиёт касб этганлиги маълум.

Ҳайём рубоийларини ўзбек халқи орасида кенг машҳур экан. Шоислом Шомуҳамедовнинг хизматлари алоҳида таҳсин ва ҳурматга лойиқ. Таржимон тилимиз хусусиятларига муносиб тушадиган мақбул, ўзбекча оҳанг, вазн топа билган. Қуйидаги мисолларга эътибор беринг:

Дўстлар, иноқликни қилсангиз бунёд,
Тез-тез дийдорлашиб, ўзни этинг шод.
Соқий тоза майни сузганда, айланг
Мен бечорани ҳам дуо бирла ёд,

ёки:

Дил унинг дардига тулса яхшидир,
Бош — йўлин тупроғи бўлса яхшидир.
Ғам тигин дўст отса, ундан ранжима,
Ҳар нарса дўстингдан келса яхшидир.

Абулқосим Фирдавсийнинг оламшумул “Шоҳнома” ихчамроқ ҳажмда бўлса ҳам, ўзбек тилига ўгиришдек улугвор ишга раҳнамо бўлиш, асосий юкни ўз буйнига олиш, қирқ минг сатрли уч китобни халқимизга армуғон этишнинг уддасидан чиқиш жасорат эмасми? Афсонавий, қаҳрамонлик, тарихий мавзулардаги туркум достонлардан иборат эпопея бугунги кунда халқимизнинг маънавий мулкига айланди. Асардаги тарихий сиймолар, тарихий воқеалар, номлари, тушунчалар талқини, таржиманинг вазни ўзбекча жаранги хусусида олиб борилган қизгин баҳслар, илмий-ижодий изланишлар кечагидай эсимда. “Шоҳнома” — катта олам. Лекин унинг ўзбек тилидаги илк шеърӣ таржимасини бошлаб берадиган мард керак эди. Бу ишни Шоислом ака муваффақиятли удалай олди...

Шоислом Шомухаммедов китоблари жуда қадимий маданият ва шеърят диёрлари ҳақидаги тасаввуримизни тўлдиришга, узук-юлуқ тушунча, қатра-кемтик билганларимизга яхлитлик багишлашга қодир, чуқур фаросат, ёруғ идрок, инсоний фалсафа нурига йўғрилиб яратилган китоблардир. “Шоислом Шомухаммедовга хос ишчанлик, топағонлик, бой қалб, кенг маънавий дунё мени лол қилиб келади”, — деб ёзганда ардоқли, унутилмас шоиримиз Миртемир минг карра ҳақли эди.

Шоислом Шомухаммедов халқимизга Низомий, Саъдий, Ҳофиз, Ҳайём, Бедил, Хисрав Дехлавий каби унлаб улуғвор сиймоларнинг ижоди ва номини яқинлаштирди. Турли-туман мавзуларни қамраган юзга яқин илмий, адабий ва таржима китобларини халқнинг маънавий дастурхони устига қўйди. Олим ва шоирнинг ушбу катта хизматлари 1974 йилда Фирдавсий номидаги халқаро мукофот билан тақдирланди.

Дорулфунунлар муддarrisи, хизмат кўрсатган фан арбоби, олим, шоир ва таржимон Шоислом Шомухаммедов номи унутилмасдир.

ШОИРНИНГ ИККИНЧИ УМРИ

(Нормурод Назруллаев)

Ҳар бир шоирнинг, агар у чинакам истеъдод соҳиби бўлса, шеърятимиз равнақига қўшалиган уз ҳиссаси, дастхати, мавзуи ва уз овози бўлади. Агар шу ижод юксак маҳорат билан нурланган бўлсагина, шеърятимизнинг маълум бир қиррасини ташкил этиши мумкин. Таъбир жоиз бўлса, шеърят улкан, яхлит бир мусиқий дастурдирки, унда ҳар бир чолғу ва чолғучининг ўз ўрни, ўз жозибаси бўлади. Ҳар бир истеъдоднинг ўз кўлами, даражаси, қуввайи ҳофизаси унда барқ уриб кўринади.

Нормурод Назруллаевнинг энг яхши шеърларида бу сифат алоҳида жозоба билан кўзга ташланади. Унинг ижодига хос яна бир хусусият ўринли тезкорлик ва самимиятнинг омукта, муштарақ бир шаклда кўриниши эди. Бу икки туйғу унинг кўпгина шеърларига қурк бағишларди. Нормурод қалби буюрганини оташин, уйноқи, таъсирчан шеър тилида ифодалаб, ўз гўзаллик оламини кашф этаётган шоирларимиздан эди. Унинг

қайси бир китобни олиб кўрмай, юртимизнинг бетакроп латофати, нафис инсоний туйғулар, ёшлик ва севги, олам ва одам ҳақидаги уйлар сизни мафтун этади. Унинг шеърлари замирида ҳамиша дўстларга талпинган, одамларга яхшилик соғинган, ўз қувончу эзгу туйғуларини одамлар билан баҳам кўришга шошилган безовга, беҳаловат, ҳамиша уйғоқ қалбни кўрамыз. Унинг шеърлари ва қушиқлари мағзида шоирнинг ҳаяжонли сиймоси яққол кўришиб туради. Ўз суқмоғидан бориб, катта ижод йўлига чиққан шоирнинг замин у замон ҳақидаги ўз тушунчаси, ўз талқини, ўз ифода усулини аниқ ҳис этса бўлади.

Нормурод Назруллаев кирган давралар туриллаб кетар, у ўз бийронлиги, ҳазил-мутойибаси билан ҳаммани оғзига қарагар, суҳбатлари давраларга жон бағишлар эди. Уни ҳамма жойда, барча вилоятларда, шаҳару туманларда интизорлик билан кутишарди. Чунки у қадами етган манзилга файз киргизиб, дилларга қувонч бағишларди.

Мен у билан кўп манзилларда, учрашувларда, анжуманларда, тую томошаларда бирга бўлиб, шу ҳақиқатга амин бўлдимки, шеърни фақатгина ёзиш эмас, уни ўз эгаси — ўқувчиси қалбига етказа билиш ҳам ўзига хос санъат экан. Унинг вафоти арафасида нашр этилган “Сайланма”ни варақлаб, турли йилларда ёзилган шеърларни кўзимдан, фикримдан ўтказиб, Нормурод каттагина ижод йўлини босиб ўтганига имон келтираман. “Умр фасллари”, “Ҳазалхон диёр”, “Зарралар зиёси”, “Ишқдан ҳеч кечиб бўлмас”, “Болалигим — пошшолигим”, “Кунгил дурлари” каби туркумларда мужассам бўлган шеър у қушиқларни ўқиган одам ўзгача бир завқ, маънавий лаззат олади. Нормурод Назруллаев (Нарзий) ҳам шеърятда, ижодда “йул” ғоясини кўп тилга оларди. Чунки инсоннинг умри, аслида, йулдан иборатдир. У қасрда бўлмасин, тафаккур ва ҳайрат онларида ҳам, юрганда-турганда ҳам, сокинлик ва жунбишга келган лақиқаларида ҳам — ҳамиша йўлда бўлади. Унинг энг азиз, кўркем мисралари ана шу йўлда тугилади. “Сайланма”даги шеърларни бирма-бир таҳлил этишни лозим кўрмайман. Чунки уларнинг аксари ўз ўқувчисига етиб борган, ҳофизлар тилида жаранглаган, кўпчиликка ёд бўлган оташин мисралардир. “Йул” ғояси, яъни ҳамиша изланиш, олға интилиш, инсоний мулоқотлардан завқиб бўлмоқ маъноси бу сўзда барқ уриб туради.

Шоир шундай ёзади:

Йулда гуғилади туйғулар —
Инсон юрагининг эзгу ҳислари.
Меҳр-муҳаббатга кўнгила йўғрилар,
Йуллар олиб борар мангулик сари.

Биз бутун ҳаётимиз давомида қўшиқ билан қуршалганмиз. Бешиқ узра айтилган она алласидан жанговар маршларгача, тўйнинг “ёр-ёр”ларидан севги афғонларигача, ёлғиз хиргойидан кенг давра тароналаригача — қўшиқ биз учун ёрқин, жозибадор, илҳомбахш бир олам, сувдай, ҳаводай ажралмас бир муҳит, нондай азизу муътабар маънавий ризқу рузимиздир. Ана шу нуқтаи назардан қараганимизда ҳам, Нормурод Назруллаев хизматлари алоҳида таҳсинга лойиқ.

Шу ўринда икки оғизгина бўлса-да, Нормуроднинг қисқача таржимаи ҳолини уқувчига маълум қилишни истар эдим.

Нормурод Назруллаев (Назрий) 1934 йилнинг 7 июлида Қашқадарё вилояти Касби туманидаги Хўжаҳайрон қишлоғида дунёга келган. Етти йиллик маълумотни қишлоғида олиб, сўнг Қарши шаҳридаги педогогика билим юртида ўқиди. 1956 йилда Самарқанд давлат педагогика институтининг тил ва адабиёт куллийтини имтиёзли диплом билан битирди. Меҳнат фаолияти давомида турли рўзномаларда мусаҳҳиҳ, адабий ходим, бўлим мудури ва масъул котиб вазифаларида хизмат қилди. Сўнгги йилларда у маънавий-маънавий ҳаётимизнинг турли жабҳаларида фаол ишлаб келди. Унинг бу фаолияти ижодий ишлари учун катта имконият яратди, халқ ҳаёти билан яқиндан алоқада бўлишини таъминлади. Шунинг учун ҳам унинг қўшиқ, шеър ва дostonлари одамлар қалбига жуда яқин, улар тилдан-тилга ўтиб, куйланиб, ўқилиб келмоқда.

“Алёр” деб номланган ушбу “Сайланма”ни варақлаб, қўпчилигимизга таниш, ёд бўлиб кетган шеърларни яна бир бор кўздан кечириб, шоирнинг эллик йиллик ижодий йўлини ҳаёлимда гавдалантирдим. Бу ижод йўли ҳамиша ҳам силлиқ, равон бўлмагани, шоир ўзига яраша севинач ҳамда дарду изтироблар ичида яшагани унда кўриниб туради. Биз шоирнинг қувончларига шерик, дардуларига ҳамнафас буламиз. Китобдаги ҳикматли иборалар, чиройли ташбеҳлар, топиб айтилган гузал балиҳалар дилни ром этади. “Янашси ўргатишлари мумкин, аммо севишни ўргатмайдилар” ёки “Эркак йиғламасин, унда

дунёнинг устуни қулайди” каби куплаб гузал, пурмаъно дил дурдоналари ҳам борки, уларни бефарқ уқиб бўлмайди.

Ватанга муҳаббат, жонажон улка табиатига, ўз она элига мафтункорлик туйғулари шоир шеъриятида етакчи уринни эгаллаши адабиёт ва санъат мухлисларига яхши маълум.

Багрингда очдим кўзим,
Жон элим, топдим камол
Ва танидим ер юзин.
Кулиб боққач Истиқлол! —

дея Истиқлолимизни улуғлаган эди шоир. Дарвоқе, “Ўзбекистонимиз мустақиллиги бу оташнафас шоиримизни янги ижодий парвозларга йўллади, истисъодининг янги қирраларини очди. Ўзбек гурури, янги ҳаёт сурури, меҳнат нашидаси, ижод саодати юксак парвозларга қушқанот бўлди”, — деб ёзган Ўзбекистон Қаҳрамони, халқ шоири Абдулла Орипов Нормурод Назруллаев ижодига ҳолисона баҳо бериб.

Шоир ўзининг бир шеърида:

Шеър — шоирнинг кузин нуридир,
Шеър — оловли юракнинг қури,
Халқ дилига завқ-шавқ сололса,
Шеър — шоирнинг иккинчи умри, —

деб жуда тўғри ёзганли. Ажойиб шоиримизнинг иккинчи умри шеъриятида давом этажак.

ИЖОДНИНГ ЮКСАК ДОВОНИ

(Пиримқул Қодиров)

Пиримқул Қодиров давримизнинг буюк адибларидан эканлиги барчамизга маълум. Табаррук ёшларида давлатимиз томонидан берилган “Буюк хизматлари учун” орлени ҳам буни тасдиқлаб туради.

Адиб меҳнатини яхлит ҳолда тасаввур этган киши буни яққол ҳис этади. Унинг ижодиёти кенг қамрови, тафаккур ва

таърихий воситаларининг бойлиги, тарихий ҳақиқатга садоқати билан ўзига хос бир тарзда ажралиб туради. Севимли адибимиз саксон ёшга тулган шу табарруқ кунларда, агар таъбир жоиз бўлса, бир маҳалда ўқишган, маълум маънода ҳамкору ҳамдард, даврдош бўлишган бир дуст, сафдош сифатида олтинчи йил олдинги вақт — дорилфунунда таълим олинган йилларимизга хаёлан қайтгим келади.

У пайтда САГУ (ҳозирги Миллий университет)да Саида Зуннунова, Пиримқул Қодиров, Озод Шарафидинов, Эркин Юсупов, Шонслом Шомуҳаммедов, Суюма Фаниева каби кейинчалик элу юрт ичра кенг танилиб кетган алиблар, олимлар ўқишарди.

Умуман олганда, дорилфунунда мавжуд булган қизгин бир ижодий муҳит урушдан сунгги авлод булмиш биз талабаларни уз гирдобига тортган эди. Пиримқул Қодировнинг қурувчилар ҳаётига бағишланган илк очерклар китоби ҳам шу даврда нашр этилган. Университет даргоҳидаги учрашувлар, Ёзувчилар уюшмасида буладиган уша пайтдаги гоят қизгин мажлису мунозаралар, ашаддий “найзавозлик”лардан олинган таассуротлар биз учун жудаям қизиқ, ўта мароқли эди. Уларнинг баҳсларидаги маънолар мағзини чақиб, узимиз ҳам шу баҳслар билан яшардик.

Бу 1947 — 1950 йиллардаги гаплар. Хулласи калом, ўқишни битиргач, Москвадаги Горький номли Адабиёт институти аспирантурасига бориш навбатдаги вазифам эди. Чунки бир йил олдин бориб ўқиётган Пиримқул акадан сунг, Ёзувчилар уюшмаси тавсиясига кўра, навбатим келган эди. Кейинчалик аспирантурада эмас-у, шу адабиёт институти қошида ташкил этилган ёш ўзбек ижодкорлари Олий курсида ўқишни давом эттирдик...

Ана шу Москвадаги ўқишимиз даврида бу ерда Абдулла Қаҳҳор ижодиёти буйинча илмий иш қилиб, номзодлик диссертацияси тайёрлаётган Пиримқул Қодиров билан оилавий дўстлигимиз бошланди. Пиримқул ака оиласи билан Москвада яшар, мен ҳам оилам билан кўчиб келган эдим. Борди-келдимиз, ижодий суҳбатларимиз институт даргоҳида ҳам, хонадонларимизда ҳам давом этиб, бизни руҳан анча яқинлаштириб қўйган эди. Ёзувчилар уюшмаси таркибида ишлаётиб, Пиримқул ака ҳаммамизга қулидан келганча ёрдам кўрсатарди, яхши таржимонлар билан ҳамкорлик қилишимизга имконият яратарди. Кейинчалик, 1959 йилда бўлиб ўтган ўзбек адабиёти ва санъати

декадасини муносиб утказинида ҳам, рус тилидаги китобларимиз вақтида ва сифатли чиқинида ҳам жонбозлик қилган. Масалан, Юрий Окунев деган волгоградлик шоирга менинг шеърларимни китоб шаклида таржима қилишни тавсия этганини яхши биламан. Уна даврдаги адабий нашрлардан бири “Литературная газета”нинг биринчи саҳифасида Ўзбекистон манзаралари тасвирига бағишланган шеъримнинг босилиб чиқишига ҳам у киши сабаб бўлганди. Булар ҳаммаси уз йулига. Лекин мен Пиримқул Қодиров сиймосида ижодий ишга жиддий берилган, фидоий, теран фикрли, толиқмас, катта манзилни кўзлаган адибни қурардим. Унинг “Уч илдиш” романи жасорат билан ёзилган асар бўлди. Ёшлик ва талабалик йилларини ҳаққоний ақс эттирган бу роман ҳақида буюк адиб Мухтор Аvezов катта мамнуният билан айтган сўзларни қулогим билан эшитганман. Кенг китобхонлар оммаси, айниқса, ёшлар бу асарни кўзига суртиб ўқиди. 1963 йилда Тошкентга қайтгандан сўнг ҳам Пиримқул ака ижодкор дўстларини атрофига чорлаб, яхши бир маънодаги “адабий гурунг”ларга асос солди десам, хато бўлмас. Бундай гурунгларга Абдулла Қаҳҳор Кибриё опа билан бирга, Миртемир ака, Зулфия опа, Асқад Мухтор ҳам меҳмон бўлиб келишар, самимий юрак сўзлари, ижод талқинлари ушбу суҳбатлар мазмунини белгилар эди.

Бундай йиғинлар навбатма-навбат турли байрамлар баҳонасида бошқа хонадонларда ҳам бўлиб турди. Ушбу давранинг доимий иштирокчилари бўлмиш Пиримқул Қодиров, Озод Шарафиддинов, Одил Ёқубов, Шоислом Шомухамедов, Матёқуб Қўнжонов, Абдулазиз Ваҳобов, тарихи олим Исо Жабборов, кейинчалик эса Эркин Воҳидов... ва камина бу анъанани кўп йиллар давом эттириб келдик. Суҳбатларимиз ҳар қандай майда-чуйда, кераксиз гаплардан холи, бегилир ва бегараз бўлиб, асосий муддао яхши дам олиб, оилавий қадрдонлигимизни мустаҳкамлашдан иборат эди. Устол Абдулла Қаҳҳор қатнашган даврамиз айрича салобатли, файзли буларди. У кишининг ҳар сўзини жон қулогимиз билан эшитардик...

Гапнинг аввалига қайтганда, мен Пиримқул ака ижодини талабалик йилларида ёзган “Студентлар” деган илк ҳикоясидан тортиб “Авлодлар довоми” романиригача кўпини қўлёзмалигидаёқ ўқиганман. 1972 йилдаги “Қўндаликлар” имдан кичик бир саҳифани айнан келтираман:

“Пиримқул Қодировнинг Бобур тақдирига бағишланган “Юлдузли тунлар” романи қўлёзмасини ўқиб чиқдим. Машинка ёзувида 550 бет. Балойи азим. Унинг бутун ёзувчилик кучи, қуввайи ҳофизаси, тарихчи, файласуф ва санъаткор эканлиги бу романда яққол кўринган. Пиримқул Қодиров Бобур ғожеасини, ўша замон тақозосини, оддий халқ ҳаётини, жангу жадаллар, саргузаштлар тарихини, шахс ва омма муносабларини жуда кўп ҳаётий лавҳаларда оча боради. Воқеалар, образлар ривожини ҳамма ерда мантиқий ниҳоясига етказди. Бутун китоб бўйлаб Бобурнинг жозибали, реал сиймоси ўқувчига йўлдош бўлади. Қўйил! “Навоий” романидан сўнг иккинчи шундай тарихий асар ўқишим. Бу китоб ўз муносиб ўрни ва баҳосини топажак”.

Аққисса, катта умр йўли босиб утилмоқда. Унинг ҳар нафасига шукроналар айтамиз. Шундай инсонлар, айниқса, ижодкорлар бўладики, улар билан баҳсу суҳбат асносида уларнинг фикрий таҳлили, баҳсларга муносабатини ҳис этиш кишига катта маънавий завқ бағишлайди ва бир қадар юксалишингга сабаб бўлади. Улар гарчанд кўп гапирмайдилар, ахлоқий сабоқлар бермайдилар, лекин ана шу узига хос мулоқотдан одам кўп маънолар олади. Пиримқул Қодиров билан салкам олтмиш йил мобайнида суҳбатдош бўлиб, турли-туман давралардаги суҳбатлардан орттирган хулосам — шу. Буни катта мамнуният билан тилга оламан.

Неча минглаб кечаю кундузларни китоблар, қўлёзмалар, тарихий манбалар, ижодий изланишлар устида ўтказган адибимиз бугун ҳам ижодий меҳнат билан банд. Бу ҳаммамизни хурсанд этади.

Ҳаётдаги уч маънавий илдиздан муттасил озиқланган миллионлаб қора кўзлар тақдирини қаламга олган, инсоний қадрни улуғлаган, анҳорнинг олмос камаридек кўнгиллар ирмоғига кириб борган, авлодлар довоини кашф этган улкан адиб Пиримқул Қодиров бугун умрининг саксонинчи довоида дадил турибди. Абдулла Қодирий ва Ойбек ижодий мактабининг муносиб давомчиси бўлган адибга яна анча узоқ йиллар умр тилаймиз.

АСРНИ АКС ЭТТИРГАН ШЕЪРИЯТ

(Абдулла Орипов)

Шундай ижодкорлар борки, улар уз сиймосида, бадий тафаккури ва ёзган асарларида бутун бир даврни акс эттиради. Уларнинг ижоди аср маҳсули, халқ ҳаётининг ажралмас бир қисми сифатида абадиятга дахлдор бўлади. XX аср ўзбек шеъриятининг ёрқин юлдузи Абдулла Орипов ижоди — бунинг равшан исботи. Бу ижод, бу шеъриятни одатий бир тарзда таҳлил ва тадқиқ этиш мумкин эмас. Уфқининг кенглиги, бадий қамрови, фавқуллода фикрларга бойлиги, ифода теранлиги, услубининг беқиёслиги жиҳатидан Абдулла Орипов шеърияти ғоятда ноёб ҳолисадир. Абдулла Орипов феномени (муъжизаси) ҳақидаги таърифнинг ҳаққонийлиги ҳам шунда.

Мен ардоқли шоиримиз шеърий асарларини қайта-қайта ўқир эканман, ҳамиша муъжизага дуч келавераман. Буни ҳайратлар силсиласи деб айтсак, тўғрироқ бўлади. Унинг шеърлари шу қадар табиий, шу қадар қуйма, шу қадар залворлики, улар гуё яхлит бир ҳолатда дунёга келгандай. Улар шоирнинг ижод тўлғоғида уйлаб-уйлаб топган сатрларидан эмас, балки илоҳий бир салоҳият билан бир нафасда юзага келгандай. Улардаги бирорта туртлик ёки сатрни сал бошқачароқ қилиб айтишга уриниш мумкин эмас. Фақат ва фақат ана шундай айтилиши ва ёзилиши шарт.

Ҳар бир ёзилган шеъри бир воқеа бўлиб, оғиздан-оғизга ўтиб, қисқа муҳлатда диллар мулкига айланиб кетувчи шоир камдан-кам. “Мен нечун севаман Ўзбекистонни?”, “Ўзбекистон — Ватаним маним” каби мислсиз шеърларни эсланг. Улар Республикамиз буйлаб кенг қулоч ёзган катта ижодий жараёнларнинг байроғига айланиб кетди. Еттидан етминч ёшгача бўлган барча халқимиз бу шеърларни ёд биледи. Ҳар бир сузи бир рамз, бир тимсол даражасига юксалган шеърлар шоирнинг ижод ҳазинасида юзларча. “Сен баҳорни соғинмадингми?” ёки “Биринчи муҳаббатим”-чи? Ёхуд “Оломон”, “Қуриқхона”, “Ишонч кўприклари”ни олиб кўринг. Бу шеърлар ёзилмайди, балки табиий ҳолда соф олтин булагидек дунёга келади.

Абдулла Орипов шеърларида фожейлик ва мардона руҳ, парвоз ва терапик, самимий ҳазил ва уткир, ёндирувчи ҳажв, лирик кайфият ва самовий аржумандлик, висол қувончи ва ҳижрон азоблари минг қиррали жавоҳирдай порлаб кузга ташланади.

Абдулла Орипов — ана шундай танҳо, ўзига хос, буюк ижодкор. Унинг шеърлари замиридаги қудрат нимада эканлиги ҳақида олимлар ва мутахассислар кўп гузал ва ҳаққоний фикрлар айтишган. Лекин ҳар биримиз — ҳамкасблар ва мухлислар ҳам бу ҳақда ҳамиша уйлаймиз. Менимча, томчида офтоб, заррада буюк тоғ акс этганидек, Абдулла Орипов шеърляти ўзбек халқи тараққиётининг тарихий бурилиш нуқталари, эрку озодлик йулидаги олис курашлар тарихи, изтироб ва зиддиятларга тула ҳаёти, бунёдкорлик даҳоси ва донишмандлиги акс этиб, зоҳирий бир куч билан намоён бўлишидир. Яна, бунинг устига, ташқи кўринишда жисман ихчам ва ниҳолдек туюлган бир вужудда жуда катта фикрий ақллик ва туйғулар олами мужассам топганлигидир. Яна, бунинг устига, юксак бадний тафаккур ва унинг бой ифода воситаси бўлмиш ўзбек тили барча кўркемлиги, луғат фаровонлиги, нозик қочиримлари билан унда чамбарчас бир уйғунлик билан бирлашганидир. Шоир истезодди ана шундай манбалардан қувватланиб, табиий равишда юзага чиқди. Айниқса, XX асрдаги халқимиз ҳаёти унинг шеърлятида уз акс-садосини кўришни истади. Ва бу ҳолат мукамал бир манзарада барча зиддиятлари, ғалаён ва нозик жиҳатлари билан кўринди ҳам.

Абдулла Орипов ижоди ҳақида гапириш ҳақиқатдан сўз очин демакдир, деган фикр мавжуд. Бу — жуда тўғри фикр. У ҳамиша замонасида бўлган ноҳақлик ва адолатсизлик тўғрисида ўз фони этувчи сўзини айта олди. Гоҳ баралла, гоҳ рамзлар воситаси ила бошқаларимиз айтолмаган гапларни дадил айта билди. Бунинг азобини тортишдан ҳайиқмали. Бу фикрнинг исботига мисоллар қидириб юриш керак эмас. Китоб жавоимдаги шоирнинг турли йилларда нашр этилган илк китоби “Митти юлдуз”дан тортиб ҳозирги кўп жилдли “Сайланма”ларигача бўлган элликка яқин мажмуаларини кўздан кечиран эканман, бу фикр ўз исботини топаверали. “Кутаман”, “Онажон”, “Чашма”, “Юртим шамоли”, “Ҳайрат”, “Юзма-юз”, “Йиллар армони”, “Ишюнч кўприклари” ва сўнгги йиллардаги яна ўнлаб китоблар. Уларнинг ҳар бири —

жонли ҳаёт. Уларни эҳтироссиз ўқиб бўлмайди. Улар сизни забт этади. Ҳаётнинг турфа кўчаларига олиб киради ва дунёга очиқ кўз билан қарашга мажбур этади.

Абдулла Орипов шеърятининг уфқи бениҳоя кенг. Бир томондан “Ҳаким ва ажал”, “Ранжом”, “Жаннатга йўл” каби достонлар, бир томонда “Соҳибқирон” аталмиш шекспирона тарихий драма, бир томонда “Онажон” ва “Қарини кўшиғи”, бир ёнда “Ҳаж дафтари” ва “Ҳикмат садолари”, бир ёнда ҳаётий лавҳалар булмиш “Ҳангомалар”, бир ёнда зарғарона пишиқ газалиёт, бир ён — таржимадаги жасорат, яъни Дантенинг “Илоҳий комедия” сени узбекча баланд руҳда сўзлатиш. Мен бу таржима жараёнида Абдуллажон моҳирона ишлатган ўзбек сўзининг жилосидан ҳамиша ҳайратга тушаман. Шоирнинг “Жаннатга йўл” деган драматик достони юзага келишида ушбу таржиманинг ҳам ҳаётбахш таъсири борлиги ҳаммаизга маълум. Ёки “Китобинг ичра мен борман”, “Кетмоқдан”, “Бул ажаб” каби лард тўла ғазалларни эсланг. Ушбу китобларга кирган шеърларнинг ҳар бири ҳақида бир рисола ёзганда ҳам камлик қилади.

Мен Абдуллажон билан республикамизнинг кўп гўшаларида, қатор хорижий эллардаги ижодий мулоқотларда кўн бор бирга булганман. Ҳамма жойда унга катта ҳурмат намоён бўлади. Муҳлислар даврасида, шеърӣ анжуманларда унинг шеърӣати гоҳ нафис, гоҳ гулдиракдай янграйди. Шунчалик шуҳратга қарамай, шоирнинг ута камтарлиги, солда ва одмилиги, жозибали суҳбатлари қалбларни сехрлайди. Ёшлар ҳам, кексалар ҳам унга талпинадилар, бу ижодиётдан кўпроқ баҳраманд бўлишни истайдилар.

Абдулла Ориповнинг буюк бобокалонимиз Амир Темур ҳаётига бағишланган “Соҳибқирон” драмасини Миллий театримиз саҳнасида, Қарши ва Уш шаҳри театрлари санъаткорлари ижросида томоша қилганман. Жуда мураккаб мавзунӣ талқин этишда унинг равон, пурмаъно шеърӣати ҳамиша қанот бўлади. Томошабин қалбига буюк тарихий ҳақиқатларни англаш, ҳис этиш йўлини очали. Халқона иборалар, тўла мағизли сатрлар, мантиқий узвийлик, ўтмиш ва ҳозирнинг табиӣ равишда боғланиб кетиши, ҳиссиётлар тўқнашуви унинг асарларига фалсафӣ маънолар бағишлайди.

Ўзбекистон Қаҳрамони, Халқ шоири, ижодкорларимиз сардори, Ўзбекистон Республикаси Давлат маҳфияси матннинг муаллифи, ажойиб инсон, улуғ шоир таваллудига олтмиш йил,

ижодий фаолиятига қирқ беш йил тулган шу кунларда Абдулла Ориповга янада узоқ умр, янги-янги ижодий парвозлар тилаймиз.

ГУЗАЛЛИК ТАРОНАСИ

(*Эркин Воҳидов*)

Шундай шоирлар борки, уларнинг ҳар бир ёзган шеъри, ғазали, достони, саҳна асари... ҳали сиёҳи қуриб улгурмасланоқ, оғиздан-оғизга, қулдан-қулга, элдан-элга утиб, дарҳол ўз эгасини топади ва йирик маънавий воқеага айланиб, халқ дилидан жой олади. Айни замонда айрим иборалари, ажойиб топилмалари ҳикматли сузлар сифатида давраларга, анжуманларга ва ҳар бир мухлис қалбига файз, қувонч бағишлайди. Эркин Воҳидов — ана шундай катта истеъдод соҳиби, инсон ва замон руҳини халқона содда, баланд пардаларда қуйлаб келаётган шоир.

Бу улкан истеъдодни ҳаракатга келтирувчи маънавий манбалар хусусида ўйлаганда, аввало, унинг туғма ҳиссиёт ва фикр қўламини, қуввайи ҳофизасини, кенг билим доирасини, мумтоз ва замонавий адабиётнинг барча гузалликларидан баҳраманд, ўзбек тилимизнинг бой, сирли, бепоён уммонида эркин ва дадил қулоч ота оладиган шоири замонни, ватанпарвар ва халқпарвар шахсни кўрамиз. У, чиндан ҳам, кўп диёрларни кўрган, гоят эътиборли давралар салобатини ўзига сиңгдирган кўркем шахс ва буюк шоир!

Мен Эркин Воҳидов билан, янглишмасам, 1955 йилда “Шарқ юлдузи” журнали таҳририятида илк бор учрашгандим. Шоир дўстимиз раҳматли Сайёр ўзи билан бирга келган йигитчани “ажойиб укам Эркин Воҳидов”, деб менга таништирди. Эркинжон сочлари бир ёнга таралган, тийран нигоҳли, бўйчангина йигит эди. Ўрга мактабни битириш арафасида эканлигини суҳбатдан билиб олдим. Эркинжон машҳур билим даргоҳларидан саналмиш Москва давлат дорулфунунига бағишланган “МГУга” деган шеърини ўқиб кўришим учун, менга узатди. Шеърни ўқий бошладим. Мени ҳайратга солган нарса шеърнинг бадиий жиҳатдан бақувватлиги, ўзига хос образли талқини, равонлиги, қофияю вазннинг мукамаллиги эди. Хуллас, шеър моҳирона

ёзилганди. Бу шеър журнал саҳифаларида ўз муносиб ўрнини олди, адабий жамоатчилик эътиборини ҳам топди, назаримда...

Шундан бошлаб Эркинжон қаламига мансуб шеърларни қанда қилмай, излаб, топиб, ўқиб борадиган бўлдим. “Тоғ билан суҳбат”, “Камтарлик ҳақида”, “Қора қошинг, қалам қошинг”, “Ўн саккизга кирмаган ким бор”, “Пулат”, “Шеър ҳақида шеър”, “Шоир умри”, “Гузалик”, “Асаблар”...дан бошлаб “Азгануш”, “Олимларнинг рафиқаларига”, “Уйимизга меҳмон келади”, “Шеър ва шахмот”, “Кардиограмма”, “Ҳозирги ёшлар”да давом этган юксалиш унлаб ранг-баранг шеърларни юзага келтирди. Уларнинг деярли ҳаммаси ўз ўқувчисини топди. Ва минглаб шеърят мухлислари ҳам Эркин Воҳидов сиймосида гоят нозиктаъб, донишманд, юрак-юракдан самимий суҳбатлашадиган, кўпдан кутилган шоирини кўрди.

Шундан сўнг... Эркинжон “Ёшлик девони”га кутарилди. У мумтоз адабиётимизнинг асосий вазни бўлмиш аруз вазнига янгича руҳ, янгича нафас, куркам шаклу нозик маънолар бахш эта бошлади. У қолилга тушиб, бир хилланиб қолаётган арузни янгича тўлқин, оҳанг билан шўх бир оқимга солди. Аруз эса бошқача — одамларга, айниқса, ёшларга мосу хос бир “тил”да жаранглай бошлади. Уларнинг кўпчилиги қўшиқларга айланиб кетди.

Чунки улар замирида уйноқи мусиқийлик, фикр жилваси, мафтункор жозиба бор эди. Бу девонидаги газалларда анъанавий руҳ янгича замонавий ифода билан бойиди. Одаму олам моҳиятига фалсафий қараш, газални ички бир самимий нури ва мутойиба ёғдуси билан жонлантириш унга ҳаётийлик ва умрбоқийлик ато этди.

Шеърятдаги бу кучли изланиш кейинчалик машҳур бўлиб кетган “Ўзбегим”да ўз чуққисига кутарилди. Бу салмоқли ҳажмдаги шеър қўшиқларга айланиб, узининг тарихий маъноси билан халқимиз қалбини, қадрини, қадрини бир поғона юксак кутарган асар бўлди, яъни Ўзбекистонимиз мустақиллигини қўлга киритишга бўлган кучли умумхалқ интилишининг шеърый инъикоси ҳам бўлди. Кейинчалик... теран ҳажвиёт билан йўғрилган “Олтин девор” ва мураккаб мазмуни “Истанбул фожеаси”, буюк “Фауст” таржимаси ва ранг-баранг йўналишдаги ўнлаб асарлар — буларнинг барчаси тинимсиз ижод, изланиш, кашфиёт мевалари эди.

Шоирнинг халқимиз ҳаётига чуқур сингиб кетган: “Дуст билан обод уйнинг, Гар бўлса у вайрона ҳам”, “Сенга бахтдан тахт тиларман”, “Умр-ку, шунчалар қисқадир, Шуни ҳам қилмаймиз биз қадр”, “Яхшидир аччиқ ҳақиқат”, “Севгини тортиб бўлурми?”, “Ссни ётлар тугул”, “Уртада бегона йуқ”, “Уч балодан сақлагил”... каби қанотли мисралари ҳам мазкур ижоднинг юксак ҳалқчиллигидан дарак беради.

Эркин Воҳидов билан кўп лавраларда ҳамсуҳбат, олис шаҳарларда сафардош бўлганман. Москва, Душанбе кучаларида, Тошкентнинг сафобахш кечаларида, хонадонларда кўп яхши гурунлар қурганман. Мен бу билан фахрланаман. Шундай мулоқотларда мен унинг тезкор топағонлигини, сузлар маъносини чақишдаги донолигини, ҳазилу балиҳага чечанлигини кўриб, доимо қойил қолиб келаман. Ҳа, дарвоқе, эсимга тушиб қолди. Нисбатан ёшлик йилларимиз эди. Кечки бир маҳалда, машинада, ҳурматли бир шоир оғанинг қийин-қистови билан, унинг уйига зўрма-зўраки бир тарзда меҳмонга бораётиб... тажанг аҳволда, беихтиёр, маъносиз бўлса-да, бир мисрани узимча шивирладим:

“Эй пари рухсорлар, байтал мижоз бўлмай кетинг”...

Эркинжон эшитиб турган экан, дарҳол иккинчи мисрани ясади:

“Эркину Шукруллою ҳам Жум. ниёз бўлмай кетинг”.

Мен айтдим:

“Вазн бузмаслик учун номимни чултоқ айтдингиз,

Эркино, шеър бобида қоидабоз бўлмай кетинг”.

Эркин якуний байт айтди:

“Кўп ичишдан шишангиздек бўйнингиз бўлмиш узун,

Ҳам закусқангиз каби аччиқ ниёз бўлмай кетинг”.

Ҳа, шунақа ҳазил-ҳузуллар ҳам бўлиб турарди...

Шеъриятимизда, адабиётимизда Эркинжондай дилбар, билимдон, улкан истеъдоднинг борлиги — катта бахт. Севимли шоиримизга узоқ умр, янги-янги ижодий омаллар тилаймиз.

ОЛИС ВА МУРАККАБ ЙЎЛ (Назармат)

Замонавий шеърятимизни меҳру эътибор билан кўздан кечирган китобхон ўзини улкан ва зебо бир хазина бағрида ҳис этади. Турли-туман рангу оҳанглар, тафаккур ва тасаввур ҳосиласи бўлмиш бой, кўркем шеърятимиз борлиги дилларни қувонтиради. Бу гулшанда нафосатли, зариф лирика ҳам, майин, пурмаъно аруз ҳам, ҳаёт ҳақиқатини баралла айтувчи бармоғу жушқин шаклга сифмас ҳароратли сарбаст ҳам, жимжимасиз, осуда суҳбатга мойил, лекин мағзи-мағзида самимият, соддалик яшнаб турган гузал намуналар ҳам кўп. Турли авлод вакиллари бўлмиш барча шоирларимиз истеъдодлари, иқтидору салоҳиятлари даражасида ўзлигини намоён этиб, катта, бир бутун, ҳаминша ҳаракагда бўлган ўзбек шеърятини яратишга баҳоли қудрат уз ҳиссаларини қўшиб келмоқдалар. Чунки баъдий ижод соҳаси қандайдир “ким ўзди”, “ким кўп ёзди” майлони эмас. Бу ерда ҳар ким ўз истеъдоди, ҳаётний тажрибаси, ўз дунёқарашини, уз маҳорати даражасидан келиб чиқиб, “ўз сўзини” айтади. Мана шундай кўплаб шоирлар меҳнатидан — уларнинг энг сара асарлари гулдастасидан шеърят гулшани юзига келди. Бу ишга ҳар шоир уз муносиб ҳиссасини қўшишга интилиб қўлам тебратди. Оддий томчилар қўшилиб ирмоқларга, ирмоқлар анҳорларга, анҳорлар дарёга айланингандек, бу уришда ҳам шундан жараён кечади. Улуг шоиримиз Алишер Навоий: “Бу бўстон саҳнида гул кўп, чаман кўп”, — деб бежиз айтмаганлар.

Ана шундай шоирларимиз сирасида бугун муборак тўқсон билан тўқнашиб, юз билан юзлашиб турган, катта ҳаёт йўлини ўтаб келаётган оқсоқол шоир, камтарин инсон, ўзига хос ёрқин истеъдод соҳиби Назармат акани кўраимиз. У киши деярли етмиш йиллик ижодий фаолиятида кўпдан-кўп шеърый китоблар, дostonлар, насрий асарлар ва қўшиқлар яратиб, уз она халқига, лиёри Ўзбекистонга бўлган чексиз меҳру салоқатини ифода этиб келмоқда. Устоз шоир Миртемир ака Назармат ижоди ҳақида гапириб: “Назармат олам тақдири, халқлар тақдири туғрисида. эрк учун, босқинчи асоратидан қўтилиш учун қон кечганлар туғрисида уйлагувчи шоирлар сафида. Туғилган тупроққа

муҳаббат, унинг фахри ва қадри, эрки ва мақтовви шоир шеърларида жаранглаб туради”, — деганида ҳақли эди.

Назармат 1917 йилнинг ноябрида Тожикистоннинг Хужанд уездига қарашли Нов қишлоғида туғилган. Урта маълумотни ўз қишлоғида, олий маълумотни эса Самарқанд дорилфунунида олган.

Назарматнинг беғубор ўсмирлик йиллари қадимий Буюк Ипак йулидаги, баланд қорли тоғлар олис-олислаб ярқираб турган афсонавий “Фарҳод ва Ширин” эртаклари туғилган, улкан Сирдарё кенг ёйилиб оқадиган водийда утган ва шу гузал гўшала ўзининг илк ижодини бошлаган. Унинг биринчи шеъри 1934 йилда ҳозирги “Тонг юлдузи” газетасида эълон қилинган. Ҳали ўқувчилик давридаёқ бошланган ижодий ишга интилиш дорилфунун йўлларида ҳам, тўрт йиллик жангоҳлар алангаси ичида ҳам давом этади. У ўзининг ёшлик, йигитлик кучи ва истеъдодини она юртига, улуғ ёшдаги донолик ва тажрибасини жонажон халқига багишлаб келмоқда.

Унинг биринчи шеърий туплами “Ёшлик завқи” 1941 йилда босилиб чиқди. Шундан кейинги даврда “Ватан ишқи”, “Баҳор кўшиғи”, “Сир буйи — нур буйи”, “Йўллар ва гуллар”, “Меҳрим, муҳаббатим”, “Мангу олов”, “Кўнгил тароналари” ва бошқа йигирмадан ортиқ шеърий тупламлари нашр этилган. Насрий асарлари ҳам кенг китобхонлар оммасига маълум. “Сайёд жасорати”, “Журлар баланд сайрайди”, “Оловли тонг” қиссалари, “Турналар йўли”, “Қирғоқдаги жанг”, “Бурч йўли”, “Жангоҳдан қатралар”, “Она кўрсатган йул” ва бошқа ҳикоя ва очерк тупламлари нашр этилган. Бу шеърий ва насрий асарларнинг мағзи-мағзида меҳнаткаш инсон, она юрт меҳри балқиб туради. Кези келганда айтиб ўтиш керак, мен Назармат ака билан у кишининг таваллуд саналари ёки бошқа талбирлар муносабати ила Нова борганимда у ердаги кишиларнинг шоирга булган улкан ҳурматини ўз кўзим билан кўрдим. Деярли ҳар бир куча, ҳар бир хонадон катта туйхонага айланиб кетган эди. Унинг шеърларига басталанган шеърлар-қушиқлар янграб, қушиқнинг сатрлари ёшлар тилидан тушмасди. Ўз фарзанди, ўз шоирига элнинг эътибори ва эҳтироми шунчалик самимий эдики, ҳар бир хонадонга у чин дилдан азиз меҳмон сифатида таклиф этилган эди. Демак, Назармат ака — ўз эли дилига йул топган шоир.

ЙУЛ

Кунгилдан кунгилга йул бор, дейдилар,
Бу йулни қул билан қуриб булмайди.
Юриш-чун сен унга ёлвор, дейдилар,
Кунгилнинг измисиз юриб булмайди.
Бу йулнинг манзилин кўрмас экан кўз,
Оёқлар бир умр орзуда экан.
У йулни пойларкан ҳар дилдаги сўз,
Йулдоши дил тутган кўзгула экан.
Юракнинг кузгуси тафаккур азал,
Кунгилнинг йўлида туну кун посбон.
Шу посбон ҳамдамнинг бўлсин ҳар маҳал,
Кунгилга йул топмай, йул юрма, инсон!

Шоирнинг дўсти ва тенгдоши Туроб Тула Назармат ижодини таърифлаб: “У оддий сўзларни шеърӣй, бадний шаклга солишда кўпроқ ўзи ўсиб-унган вагани, ўзи вояга етган юрти лаҳжаларидан... халқ тили лугфларидан келиб чиқувчи”, — деб ёзган эди. Чиндан ҳам Назармат асарларининг қаҳрамонлари фидойи, заҳматкан, бунёдкор замондошларимиз бўлиб, муаллиф инсон ўз элига, ўз юртига қилган меҳнати билан бахтли эканлигини тасвирлайди. Назарматнинг ҳаёт йули оддий ўзбек кишисининг турмуш тарзига қиёслилir.

Назармат халқимиз назаридаги ижодкор, унинг шеърӣй ва насрий асарлари форс-тожик адабиётидан, хусусан, Фирдавсий ва Бедил ижодиётидан қилган таржималари халқимиз томонидан севиб ўқилиб келинмоқда. Кўшиққа айланган кун шеърлари юргимизда ва ундан ташқарида машҳур. Шоирнинг “Табиат гулларга ранг танлаганда”, “Кулиб чиқсанг уйингдан” каби ушлаб шеърлари санъаткорларимиз томонидан севиб айтиладиган кўшиқлардир. Кундан-кун ижодкор ёшлар у киши номини меҳрибон устоз-мураббий сифатида катта ҳурмат билан гилга оладилар.

Назармат ака қутлуғ 90 ёшга тўлмоқда. Салкам 60 йиллик ижодий фаолияти меваси булмиш унларча шеърӣй ва насрий китоблар, кўшиқлар ва достонлар ўз мухлисларини топди. Бу китобларда шоирнинг бедор туллари, ҳаёт ҳақидаги уй-туйғулари мужассам. Шоир катта ҳаётӣй ва ижодий меҳнат мактабини утади. Даврнинг барча мураккаб кечинмалари, иссиқ-совуғи, яхши ёмони унинг қалбидан угли, саҳифаларида муҳрланди.

У киши ҳамон қизгин меҳнат ва ижод оғушида. Пири балавлат инсоннинг ҳали одамларга айтадиган қизгин сўзлари кўп. Биз Назармат акага янада узоқ умр ва янгидан-янги ижодий кутуклар орзу қиламиз.

ЯХШИЛИК (Мақсуд Қориев)

Мақсуд Қориев — таниқли адиб, жамоат арбоби ва журналист. Саксон ёш довонидан ладил утиб, туқсон сари мардона бораётган адибнинг тинимсиз ижодий меҳнати таҳсинга сазовор, камолоту донишмандлик фасли бор саховати билан куз унгимизда намоён бўлиб турибди. Мана, столим устида у кишининг қатор китоблари: “Ойдин кечалар”, “Жийда гуллаганда”, “Афросиёб гўзали”, “Қиз узатиб борганда”, “Сўғд ўғлони”, “Ибн Сино”, “Ғазнавийлар”... ажойиб қиссалар, катта қамрўв ва илҳом билан ёзилган романлар. Буларнинг замирида салкам олтмиш беш йиллик мураккаб ижодий меҳнат, тафаккур ва уйқусиз тунлар мужассам. Бу асарларнинг бир нечаси қандай дунёга келганлигига ўзим гувоҳ бўлганман. Дастлабки лирик қиссаларнинг машинкадан чиққанидаёқ биринчи ўқувчиларидан бўлганман. Ушанда ўқувчи сифатида мени хурсанд қилган илк таассурот бу асарларнинг юракдан отилиб чиқиши, самимий соддалиги, тилининг уйноқчилиги, ҳиссиётларининг табиийлиги бўлган. Муаллифнинг одамларга айтадиган уз гапи, уз сузи, уз воқеалари, уз кузатишлари бор эди. Ёшлик сеҳри, муҳаббат шавқи уларда бўртиб кўриниб турар, тасвирдаги айрим нотекисликлар ҳам билинмай кетгандай бўларди. Кейинги йилларда Мақсуд ака тарихий мавзу билан жиддий шуғулланди. “Афросиёб гўзали”да бошланган бу уриниш “Сўғд ўғлони”, “Ибн Сино”, “Ғазнавийлар”да давом этди. Олис тарихимизнинг купгина воқеалари, ботир аждодларимиз сиймоси уларда узига хос бир тарзда акс этди. Тарихий роман яратиш нақадар оғир иш эканлигини биламиз. Юзлаб манбаларни кунт билан қиёсий урганиш, ҳужжатлар ва тахминлар устида бош қотириш, тарихий ҳақиқатни бузмай ифода этиш — бу чинакамига жасорат талаб қиладиган иш. Булардан ташқари, анча-мунча дилбар кўшиқлар, кино соҳасида олиб борилган бир неча ишлар ҳам Мақсуд ака

ижодий изланишларининг яхши самараларидир. Ахлоқ-одоб мавзуидаги ҳаётий ҳикоялар, санъаткор қўли билан ёзилган эсселар ҳам уз ўқувчиларини топган.

Шулар ҳақида уйлаштиб, Мақсул Қориев раҳбарлигида “Совет Ўзбекистони” (“Ўзбекистон овози”)да бирга ҳамкорликда ишлаган йилларимни куз олдимга келтираман. 1964 йилнинг март ойида у киши таклифи билан шу рўзномага ишга утдим. Адабиёт ва санъат бўлимига мудирлик қилдим. Кейинчалик бош муҳаррир уринбосари вазифасини бажардим. Ана шу йилларда Мақсуд ака фаолиятини яқиндан кузатдим. Ниҳоятда ишчанлик, талабчанлик ва айни замонда меҳрибонлик уйғунлашган эди у кишида. Улкан ижодий жамоани моҳирлик билан бошқарарди. Ходимларга нисбатан жуда сезгир эди. Бирор ходимни ноҳақ жеркигани ёки камситганини билмайман. Аксинча, ижодий вазиятни барқарор олиб борар. ҳар бир қаламкашнинг уз иқтидори ва имкониятидан келиб чиқиб муносабатда буларди.

Қўл остида ишлаётган ходимларнинг иссиқ-совуғидан огоҳлиги, яхши-ёмон кунда ёнида бўлиши, қўлидан келганча уларга яхшилик қилиши билан ҳаммамизнинг ҳурматимизни қозонган эди. Бу пайтда ҳозирги ажойиб адибу шоирларимиз Худойберди Тухтабоев, Охунжон Ҳақимов, Эътибор Охунова ижодлари, марҳум Самар Нуоров, Саъдулла Кароматов, Уктам Усмонов ва Анвар Эшонов истеъдодлари ҳам шу рўзнома жамоасидаги қизғин жараёнда шаклланганлигини айтиб утиш жоиздир. Бу хайрли ишда Мақсуд ака узларидан олдин шу жамоани маҳорат билан бошқарган устодлар анъанасини муносиб давом эттирди.

Мақсуд Қориев кагга рўзноманинг бош муҳаррири сифатида адабиёт ва санъатимиз жамоатчилиги орасида ҳам чуқур эҳтиромга сазовор эди. Фафур Фулом, Ойбек, Мақсуд Шайхзода, Абдулла Қаҳҳор, Зулфия, Миртемир, Собир Абдулла, Файратий, Комил Яшин, Ҳамид Фулом, Мирмуҳсин, Асқад Мухтор ва Саид Аҳмад каби устод адиблар бу рўзномага узларининг энг сара асарларини инъом этишарди. Бу ишда, албатта, бош муҳаррирнинг жозибали ижодий қиёфаси муҳим бўлганлигини сезиб турардик. Сиёсий ва ижтимоий воқеликни аке эттиришга даъват этилган расмий газетада ёзувчи ва шоирларга бир саҳифадан жой ажрагилиши ўша вақт учун жуда дадил қадам эди. Улкан адибларимиз кун ора бўлмаса ҳам, ҳафтада бир келиб, уз эзгу туйғуларини биз билан уртоқлашарди.

Улуғ олим Қори Ниёзий домла, бастакорлар пири Юнус Ражабий, атоқли файласуф Воҳид Зоҳидов ва улкан адабиётшунос олим Иззат Султонларни ҳам шу ерда учратиш мумкин эди. Адабиётимизнинг улкан арбоблари ижодига бағишланган саҳифаларни бирма-бир куздан кечираман. Улар — йигирмалан ортиқ ранг-баранг мазмунли, гўзал, жозибали саҳифалар. Қанча кўркем фикрлар, шеър ухоялар мажмуаси. Фафур Гуломнинг Ҳирог сафаридан қанчалик завқ-шавқ билан қайтиб, Навоий қабрини зиёрат этиб келгани ҳақидаги “Ҳоки Мусалло”, “Тахти Сафар” мақолалари, Навоий ғазалига бағишланган машҳур “Тун била тонг” мухаммаси ёки Шайхзода ижодидан сараланган гулдастани яна бир қайта ўқиб, улуғ устодларни ҳурмат билан ёдга оламан. Уларни Оллоҳ раҳматиға олган булсин.

Ўз ҳаётини, фаолиятини яхшиликка бағишлаган азиз инсонлар бўлади. Улар она-Ватанга, ўз халқиға фидоий хизматлари, одамларға кўрсатган меҳру оқибатлари билан кузға таниланиб турадилар. Мақсуд ака ана шундай куюнчак, камтар, меҳрибон, одамлар тақдириға бефарқ эмас эди. Рузномаға келувчи минглаб хатлар ортида у киши инсонни, унинг танивиш ва муаммоларини кўра билар ва улар мушкулени осон этишға интиларди. Йигирма йилдан ортиқ вақтдаги бош муҳаррирлик хизмати, ундан олдинги катта ишлари ва ҳозирги кундаги улкан адабий ишлари билан халқимиз, истиқлолимиз хизматида камарбаста бўлиб турган, ҳамон куч-ғайратға, илҳомға тула, истиқлолнинг “Эл-юрт ҳурмати” ордениға сазовор булган Мақсуд оғамизға қараб: “Устод, умрингиз зиёда, бахтингиз янада баркамол булсин. Янги-янги асарлар билан бизни хушнуд этаверинг!” — дейман.

ОПШОҚ ТОНГЛАР ИЛҲОМИ

(*Ҳусниддин Шарипов*)

Бир гуруҳ ижодкорлар билан уч-тўрт йил бурун Фарғона водийси вилоятларини айландик. Гуруҳимизда Ҳусниддин Шарипов ҳам бор эди. Қанчадан-қанча учрашувлар, суҳбатлар, давралар, шеърят оқшомлари ҳамон куз унгимда. Уларни худди кечагидай куриб, ҳис этиб турибман. Бир ҳафталик мулоқотлар пайтида Ҳусниддинни шоир ва инсон сифатида яна бир бор кашф этгандай бўлдим. У ҳар гал шеър уқиш учун минбарга кутариларкан, дарҳол мухлислар давраси билан ўзига хос бир тарзда “тил топишиб” кетарди. Мен бунинг сирини ўзимча изладим. Бу сир унинг шеърлари мағзи-мағзидаги осуда бир самимиятда эди. У қулоч кериб, баланд овоз билан шеър айтмайди. Балки оҳиста-оҳиста, қадамба-қадам одамлар қалбига кириб борали, даврани қамраб олади, уларга кундалик ҳаётнинг ажиб жумбоқларидан ҳикоя қилиб бера бошлайди. Чунки шоирнинг одамларга айтадиган ўз гаши, уртоқлашадиган ҳис-ғуйғулари бор. Бу фикр, ҳис-туйғулар майин бир юмор, халқона бир ҳазил-мутойиба билан нурланганки, бсихтиёр сизни ҳам мафтун этади.

Ҳусниддин Шарипов билан биз бир даврда, яъни 40-йиллар сўнги ва 50-йиллар бошларида ўқиганмиз, деярли бир авлод вакилимиз. Гарчи ўқув даргоҳларимиз бошқа-бошқа булса-да, (у қинлоқ ҳужалиги институтида ўқир эди) бир хил муҳит, бир хил шароитларда ижодий иш билан шуғулланганмиз. Бир-биримизнинг илк шеърларимизни кузатиб борганимиз аниқ. Биз Ҳусниддинни ўзимизча ҳазиллашиб “урмончидан чиққан шоир”, деб юрардик. Чунки у ўрмончилик куллийстининг талабаси эди-да. Унинг шеърларида одамни ўзига тортадиган илиқ кайфият, оҳанрабо, қувват бор эди. Жонли ҳаёт лавҳалари, гузал табиат манзаралари, одамлар аро муносабатлардаги нозик қирралар, севги дақиқалари ўқувчини бефарқ қолдирмасди.

Юмшоқ шудгор узра юриб кетди секин
Сочини турмакляб, дуррасин танғиб...

У баҳорнинг илк қадамларини шундай тасвирлайди. Унинг наздида ҳаво кемаси — “кўк барқутини қавиб бораётган чуғланган игна”, “чақмоқ қиличидан парёстикдай тўзгиган булутлар”, “тонг олдидан ухлаётган шамол” — ўқувчини реал ҳаракатлар оламига бошлайди. Бундай жонли лавҳалар эса Ҳусниддин шеъриятида исталганча топилади.

Булар, албатта, антиқа тасвирий воситалар. Лекин Ҳусниддин шеъриятининг туб магизида бесарапжом, ҳамиша изланувчан, фикрловчи, ёниқ қалбли, одам ва олам ташвишлари билан яшаётган лирик қаҳрамон туради. Ҳар бир шеърга зарра-зарра сингдирилган фазилатлар ва хислатлар нировард натижада бирга қўшилиб, уюшиб, ягона мукамал инсонни гавдалантиради.

Ҳусниддин Шарипов — бадиий сўзга бениҳоя талабчан шоир. У воқеабандликдан фалсафий ҳулосаларга моҳирона ута олади. Шеърятимизнинг аруз вазири назокатини ҳам чуқур ҳис этади. Ўқувчи билан бамайлихотир, кунгилни кенг очиб гаплаша олади. Шеърят мўъжизаси ҳам, аслида, шунда. У кунгина йирик дostonлар, баиладalar яратди. Шеърый романдек мураккаб жанрда ҳам қалам тебратди. Чиройли саҳна асарлари устида кунг билан иш олиб борди. Унинг қўшиқлари қулоғимиз остида ҳамиша жаранглаб туради. Кунгина улуғ шоирлар ижодидан кўркам намуналарни ўзбекчага утирди. Кўриб турибсизки, жуда салмоқли, катта ижодий меҳнат қаршимизда буй кўрсатиб турибди. Мен ушбу мақолада бу асарларни номма-ном санашни лозим топмадим. Чунки улар шоирнинг икки жиллик таиланган асарлар мажмуасида, йигирмалан ошиқ китобларида тулиқ акс этган ва улар адабий жамоатчилик томонидан муносиб баҳоланган. Биз мураккаб даврда яшадик, шеърлар ёздик. Ҳамма нарсани уз оти билан аташ гоят қийин булган замонни кўрлик. Истанг-истаманг, бу давр ижодларимизга уз муҳрини урмоғи табиий бир ҳол эди. Лекин шунга қарамай, Ҳусниддин Шарипов ҳамиша ўз йулидан бориб, юрагидаги эзгу туйғуларни халқига айта олди. Унинг қирқ йиллик ижодий меҳнат самарасини хаёлан кўздан кечирган киши бунга ишонч ҳосил қилади.

Ҳусниддин Шарипов бугун улуғ бир ёшда. Мен бу табаррук санани ижодий баркамоллик, кўркам донолик ва тиниқиш фасли деб атагим келади. Камтар, заҳматқани, чистеъдолли дустим Ҳусниддинга қараб: “Ҳорма, азизим, яна купдан-кўп ошпоқ тонгларни ижод завқи билан кутиб ол, иншоолло, китобхонларининг жозибали, сеҳрли сўзинг ила узоқ-узоқ йиллар мафтун этавер”, дегим келади.

ЁНИҚ ҚАЛБ ШУЪЛАЛАРИ

(Эътибор Охунова)

Бадиий ижодиётнинг, жумладан, шеъриятнинг бош маъноларидан бири ҳар бир ижодкорнинг узига хос бир тарзда намоён була олишидир. Яъни муаллифнинг ўз қарашлари, ифода усули, синчков нигоҳи, мавзунини ич-ичидан ёритиш санъати мавжуддигидир. Шундай муштарак қувват мавжуд бўлсагина, у шеърият ихлосмандларига, ўқувчилар дунёсига ўз қалби ва тафаккурининг инжа неъматларини ҳаля эта олади.

Эътибор Охунова шеърлари билан неча ўн йилларки, яхши танишман. У, чиндан ҳам, шеърият меҳнатидан узини аямайдиган, борлигини шеърларига сингдира оладиган истеъдол эгаси, суюкли шоира. Эътиборхоннинг энг яхши шеърларидан ласталанган “Сайланма”сида мана шундай самимий мисралар бор:

Парпираб ёнаман — шамчироқ,
Тун буйи сочиб нур, қисқариб.
Ёнаман, ҳар сатр-тәмғида
Ёшлигим, энг азиз ҳисларим.

Шеърият — замон ва замондош ҳақида юракдан суз айтиш, жушқин фикр юритиш, ҳаёт воқеалари ва инсон тақдирини қалб тугёни бўлмиш нозик туйғулар билан тараннум этиш санъатидир.

Шоиранинг шеърлари билан яқиндан танишган киши унинг завқу эҳтиросга бой, ҳамиша изланишда булган, камолот касб этаётган истеъдодини ҳис этади. Одамлар қалбига йўл топа олиши, инсон тақдирини билан яшашини, табиат гўзалликларини чуқур идрок этишини, кўнгилнинг нозик, кўз илғамас гебранишларини ҳаққоний сатрларга кўчира билишини муҳлисларини хурсанд этади.

У, шоирлар, санъаткорлар диёри Англижон шаҳрида санъаткор оиласида дунёга келди. Шоиранинг отаси Қосимжон Охунов Ўзбекистон халқ ҳофизи эди. У кишининг вилоятдагина эмас, республикада обрў ва нуфузи баланд булган.

Айтиш мумкинки, шоиранинг дастлабки машқлари дорилфунунда ўқиб юрган кезларида қоғозга тушди. Бу машқлар сайқалланиб, газета ва журнал саҳифаларига кучди. Ёшлик завқи, севги ва висол, уфқларга интилиш, Ватанга муҳаббат, талабалик йиллар романтикаси, тиниқ орзулар шоира яратган машқларнинг бош мавзуси эди. Дорилфунундан сўнг у “Шарқ юлдузи” журнаliga ишга қабул қилинди. Бу ердаги қизгин ижодий муҳит шоирани ўз устида мугассил ишлагига, ҳаёт гузалликларини мукамалроқ идрок этишга даъват этди. Энди унинг шеърлари нашр қилиниб, кенг китобхонлар диққатига ҳавола қилина бошлади. Бу эса янада катта эътибор, кунт билан ишлагани тақозо этарди.

“Ўзбекистон овози” рўзномаси таҳририятида хизмат қилиш шоира учун ҳаёт дорилфунуни булди, дейилса хато булмас. У бу даргоҳда ҳаётга, одамлар орасига яқинроқ юрди. Замондошлар қалбини меҳр билан тинглади, англади. Уларнинг қувончу дардларини юракдан ҳис этди. Ажойиб тақдирларни бадиҳа, ҳикоя шаклларида ёритишга бел боғлади. Рўзнома йўлланмаси билан далалар кезди, қурилишларни кузатди, меҳнат кишиларининг жасоратини ўз кузи билан курди. Уларни севди, ардоқлади, мисраларининг қатига кучирди. Тонгни, зиёни, мунавварликни ғоят севган шоира тонг сувратини шундай чизади:

Тонг отар... ифорлангай, бог тулгай саноларга,
Нур ҳарир қанот бўлгай мудраган саболарга.

Яхши биламизки, адабиётни ёки шеъриятни турли-туман йўналишдаги истеъдодли ижодкорлар яратишади. Унинг қасрини бунёд этишда барча авлод ва даврларга мансуб қалам эгалари қатнашади. Биров бу бинога ўн “ғишт”, биров кўпроқ ёки камроқ “ғишт” қуяр, ҳар ким ўз истеъдоди, имконияти даражасида ҳисса қўшмоғи табиийдир. Мана шундай мезондан келиб чиққандагина, шеъриятимизнинг анча холис ва мукамал манзарасини яратиш мумкин. Шеъриятимизда ана шу ранг-баранглик барча назокати билан акс этиб гуриши айни муддао. Шу нуқтаи назардан баҳоласак, Эътибор Охунованинг элимиз, юртимиз, маънавиятимиз, ёшлар тарбиясига, адабиётимизга қўшган ҳиссаси салмоқлидир.

Шоира шеърларининг лирик қаҳрамони — тиниқ фикрли,

яхшилик мафтунни бўлган кишилар. Шоира инсон қадр-қимматини улуғлайди. Унинг қалбида тонглар, урмонлар, далалар гузаллиги, тоғлар виқори, дарёлар тўлқини, юлдузлар жимжимаси, шуъласи бор. Шабнамлар марвариди, чашмалар кўзгуси, еллар қўшиғи, булбуллар хониши унга олам-олам қувонч бағишлайди. У, Ватанни, она-юртни, халқини жону дилдан севади, улуғлайди. Одамлар сиймосида эзгу ҳаёт ошиқларини, фидойиларини, меҳнат заҳматкашларини, яратувчиликка ошуфталарни кўради.

Табиатнинг, унинг ҳар ниҳоли, гули, куртаги, ғунчасининг мафтунни бўлган шоиранинг деярли ҳар бир шеърида борлиқнинг рангин зарралари бор.

Ғунчага термулдим... ул хандон булди,
Дилимдан ранг олиб минг чандон бўлди,
Сарин еллар боғда саргардон булди,
Гулнинг сувратини чиза олмадим.

Гулларнинг юзида шудринг — ёш кўрдим,
Майсалар юзида биллур қош курдим,
Ойнинг баркашини нурдан чош кўрдим,
Шудринг сувратини чиза олмадим.

Осмонда тулпорин ўйнар гулдирак,
Маъюсгина титрай бошлади терак.
Лаҳзалар учарлар... учар чирпирак,
Вақтнинг сувратини чиза олмадим.

Боғлардан талотуп айлаб ел утди,
Бир зумда дарёлар тошди — сел утди.
Гул ўтди, нур утди, гармсел ўтди,
Умрнинг сувратин чиза олмадим.

Бу манзараларда чинакам шоир юраги, дарди, армони, завқи, ҳайрати, рассом қилқаламининг иншолари сезилиб, кўзга ташланиб туради. Шоира йиллар давомида ўз ижодисти устида мунтазам ишлади, маҳоратини ошириш йўлида кўп ўқиди, ўрганди, янги-янги ифода воситаларини топишга интилди. Хуллас, уз ижодий тамойилларига ҳамиша содиқ қолди. Буни

“Сайланма” билан танишган китобхон яхши англайди. Шоира “Мавсум” шеърида Ўзбекистон боғларининг тукин-сочин манзарасини рассомларга хос нозик рангларда чизса, “Қалам соҳибининг ҳаёти”да ижодкорларнинг тинимсиз изланишларини ифода этади. “Дафтар ва қалам”. “Одамлар, мени тошбурон қилинг”, “Ўзим билдим”, “Розимни айтай” каби унлаб шеърларида юксак инсоний эътиқодни улуғлайди. “Одамлар, мени тошбурон қилинг” шеъридаги мана бу сатрларни ўқиганимизда, шоиранинг самимий, эҳтиросли сўзларидан таъсирланамиз:

Одамлар,
Мени тошбурон қилинг,
Мен синдириб қўйдим
Гуллаб турган дилафрузнинг шохини.
Тингламадим, вақтим зиқ деб
Дили забун бир кимсанинг оҳини.
Асрамадим
Уясидан йиқилган қуш полапонини.
Асрамадим
Ўқ сган мажруҳ кабутарнинг жонини.
Олиб қўймадим мен
Йўл устида ётган бир тошни,
Қоқилганинг оҳи урсин мен бағри тошни.
Катта йулда кўрдим
Кўзи ожиз кекса одамни.
Ёрдам учун тезлатмадим қадамни.
Кимман ўзи?
Юракми бу, темирми бу ё парча сопол?
Нималигим билолмайман мен афтодаҳол.
Не қилайин,
Кукрагимга тигдай қадалган тошни?
Қайга урай,
Хижолатдан эгилган бошни?

Бу шеър ҳар бир инсоннинг одам ва олам ҳақидаги улкан масъулиятини кўрсатади. Унда самимият, шоиранинг безовта қалби яққол кўриниб туради.

Шеърят учун олий мезон — бу юксак бадиийлик. Агар шу бўлмаса, мавзунинг олижаноблиги ҳам, фикрнинг кўркемлигига ниятнинг порлоқлиги ҳам ҳақиқий шеърятни ярата олмайди. Шоиранинг кун шеърлари абадий мавзу-муҳаббатга бағишланган.

У севгини олижаноб инсоний туйғу, гузаллик қушиғи сифатида талқин этади. Бу севги ташқи безаклар мафтунлиғи эмас. У — теран ва инсоний ҳиссиёт. У инсоннинг улуғворлигини курсатади.

Қора қошим учун севма ҳеч,
Чунг бардошим учун сев, севсанг.
Қиров қунар қошга эрта-кеч,
Ҳамдард бошим учун сев, севсанг.

Бир томчи тиниқ сувда бутун коинот акс этади деганларидек, Эътибор Охунова лирикасида ҳам хилма-хил туйғулар жилосини куриш мумкин. Унинг юрак тароналарида табассум ва қувонч, дўстлик ва севги, ҳаяжон ва сокинлик, дард ва маъсудлик туйғулари бир-бирига чирмалиб кетади, бир-бирини тулдиради.

Шоиранинг узи таъкидлаганидек, унинг умри — шамчироқ, тунлари бедор нур сочади. Шу боисдан, унинг ҳар сатрида ёшлик, инсонийлик ҳислари мавжланади.

Аслини олганда, шеър ёзилмайди, балки туғилади. Қалб элагидан сизиб ўтади. Гоҳ маъюс, гоҳ тулқинли, гоҳ хаёлчанлик, тафаккурига мойил қалб тебранишлари чинакам шеърга қанот бағишлайди.

ЯЛТ ЭТГАН ЛАҲЗАЛАР

ЙУЛАКДАГИ УЧРАШУВ

(Иzzат Султонов)

Ҳаётда шундай лаҳзалар борки, улар худди чақмоқдай ялт этиб, бутун бир умрни, улкан бир шахсни куз олдинда бутун салобати билан намоён этади. Сенга бевосита дарслар берган домлаю мударрислардан ташқари, уз билим дунёси ёки китоблари орқали онгу шуурингга чуқур таъсир утказган инсонлар ҳам бўлади. Шундай сиймолардан бири атоқли адабиётшунос олим, улкан адиб ва драматург Иzzат Султон домладир.

У кишининг “Адабиёт назарияси” китоби ёшликдаги билимларимиз сарчашмаси булгани ҳеч кимга сир эмас. Шу уринда Иzzат ака билан булган сунгги учрашувимизни тилга

олгим келади. 1999 йил. Августнинг охири кунлари. Поликлиникамизга борган эдим. Кенг йулакдаги уриндик-оромкурсилардан бирида хаёл суриб ўтирсам: “Ёш йигитчаларга ким қўйибди шифохоналарда юришни!” деган гапни эшитдим. Қарасам — Иззат ака. Сакраб ўрнимдан туриб, саломлашдим. Бир неча фурсат ижодий суҳбатлашдик. Ушбу суҳбат мазмунини “Кундаликлар”имдан айнаб кўчираман:

— Ҳозир столим устида иккита пьеса бор. Ёзиб бўлинган, — дедилар туқсон ёшли адиб. — Биттасини Ҳамза театрига берган эдим. Ёқубжон Аҳмедов (директор)нинг юраги дов бермай турибди. Оилани сақлаб қолиш муаммоси. Пахта иши билан қамалиб кетган одамнинг аёли гуё бошқа бир киши билан “юриб” кетади. Эри ниҳоят азоблардан қутулиб қайтади. Қайтиб келиб кўрасаки, аҳвол шунақа. Хуш, нима қилиш керак? Оила бузилиб кетсинми ёки уни сақлаб қолиш керакми? Шу саволларга жавоб берганман. Иккинчи пьесам юз эллик саҳифа атрофида. “Гулистон” журнали қабул қилиб олди, насиб бўлса, ўқирсиз. Ҳозирги куннинг гаплари, муаммолари. Уни фақат қисқартириб саҳналаштириш мумкин. Келаси йил туқсон ёшга туламан. Энг камин уч жилдлик асарларим жамланиб қўйилган. “Шарқ” нашриёти билан гаплашиб турибмиз...

Домла ёзган янги асарлар мазмуни ва баъдий даражасидан хабардор эмасман, албатта, лекин ҳайратга солувчи нарса, ёпирай, 90 ёшли, кичик жуссали бу инсондаги ғайрат, яшашга ташналик ва умидворликнинг сунгисизлиги эди.

— Иззат ака, Сиз XX асрни деярли мукамал куриб келяпсиз. Агар хотира китоби ёзсангиз, Илья Эренбург ёки Садриддин Айний асарларидек қимматбаҳо китоб бўларди-да, — дейман.

— Мен бу ишни бошлаб, анча-мунча бошлаб қўйганман, — дедилар домла, — бунини анжомига етказиш керак. Агар биз ўз асаримиз қандай бўлишлигини ёзиб қолдирмасак, бу ишни ким қилади? Мураккаб замоннинг сувратини ҳар биримиз ўз имкониятимизча чизиш қолдиришимиз шарт. Хўш, узингиз-чи, узингиз? Нималар қилияпсиз ҳозир?

Озгина ўз ишларимдан гапириб берган ҳам бўлдим.

— Сиз ёшсиз, кун ишлар қилишингиз керак, — дейди домла. Мени ўзларига нисбатан ёш деб уйлардилар-да, албатта. — “Адабиёт назарияси” китобимни қайта ишланган тарзда нашр эттириш ниятим бор. Ҳозир шу ҳақда уйлаяпман, — деди ва бирдан. — Сиз янги бир опера либреттоси, гуғурироғи, шешърий драма ёзганингиздан хабарим бор, газеталарда ўқидим. “Ал-

Фарғоний”даги асосий моғиўларни ёхуд Шайх Санъон тақдирига ухшаш ҳолатни нима асосда ёздингиз, — деб бирма-бир сўраб кетдилар. Умуман олганда, бу суҳбатдан кўп маънолар уққандай бўлдим. Устоз Фафур Фулом Иззат Султон домлани “бунча иззат, бунча қад Султонда йўқ”, деб таърифлагандилар. Бу таърифда катта маъно бор. Миқти гавдали, калта буйли ва йирик бошида кўп тариху замонлар, не-не билимлар мужассам домла билан суҳбатдошлик ҳам роҳат, ҳам ўзига хос ҳаяжонли имтиҳон лақиқалари булур эди. Бирон нарсани фавқулодда сўраб қолсалару, сен бақрайиб турсанг, буздан ёмони йўқ. “Ўзбеклардан чиққан биринчи филология фанлари доктори” деган хабарни газетадан ўқиб, қанчалик фахрланганимиз эсимда. Домланинг уз сафдонлари ва бошқа соҳа олимлари тан беришиб “ҳаракатдаги жонли қомус” деб тавсиф этганлариниям кўп эшитганимиз. Иззат Султоннинг “Адабиёт назарияси” китоби адабиёт нима эканлигини кўп авлодларга танитган илк дарслик булганлигиям сир эмас. Саҳнамиз кўрки саналмиш “Алишер Навоий” пьесасининг бош ижодкорларидан бири ҳам шу устод адибдир. “Номаълум киши”, “Билмайин босдим тиконни” каби ўнлаб саҳна асарлари ҳам домла қаламига мансуб. Абдулла Қодирийнинг “Утқан кунлар” романини ҳаётимизга қайта олиб киришда ҳам жонбозлик кўрсатдилар. Лекин ҳар тўқисда бир айб, деганларидек, шўро даврининг “партиявийлик”, “синфийлик” назарияларига суяниб, баҳсли фикр-мулоҳазаларга бордилар...

У киши билан қурилган ўша охирги суҳбат асло унутилмасдир.

“ШУ ГАПНИ УҚИБ ОЛИНГ”

(Мамарасул Бобоев)

Баъзан хаёлга толиб, ўзинга хайрихоҳлик қилган, меҳрини, ёрдами аямаган азиз қаламкаш оғаларимизни ички бир соғинч билан ёдга оламан. Вақтида уларга далда, малҳам була олишимни-ку қўйинг, яхши сўзлар билан ҳам кўнглини кутара олмаганимдан афсусланаман. Улар узига хос одат — фазилатлари билан ҳам такрорланмас кишилар эди. Улар ҳам шу даргоҳда қалам суриб утган зотлар эди. Гарчанд Фафур Фулом мамарасул Бобоев шеъриятидаги айрим ғадир-будирликларни кўзда тутиб: “Ва ё “Мезон ул-авзон” чеккалаб утган қирғоғингда”, дея ҳазил мисралар битган бўлсалар-да, Мамарасул аканинг юракка яқин

шеърлари кун эди. Масалан, “Эрон дафтари” туркумидаги айрим шеърлар ҳамон кулоғимда, қалбимда янграйди:

“Туқир-тўқир” — гилам туқир болалар,
Шу азобга туққанмикан оналар?!
Гилам қизил, ранглар сулгин, қаҳрабо,
Ўз қони-ла тўқишарми, ажабо!..

Ўки шоирнинг: “Олға юргил, аммо менинг ортимдан” дея уз шогирдларига йул курсатувчи худпараст устоз ҳақидаги ғоят таъсирли шеърини сатрлари адабиёт жамоатчилигимизни ҳам, шеърини мухлисларини ҳам кун хурсанд этган эди. 1965 йил баҳорда шифохонада ҳасталаниб ётган Мамарасул акани кургани борганимда, ўз аҳволининг ночорлигини билиб, лекин яшашга булган интилишини ифода этиб айтган аламли сузларини ҳамон эсламан: “Юракни аймабман, укам, юракни. Унинг елкасиги керак-нокерак юкларни беҳуда қалаштирибман. Шу гапларни уқиб олинг...”

Шоир “Дафтарим” шеърда шундай ёзган эди:

Тилсиз сураг бўлиб қоларман
Олтин ромда, эсда, албомда.
Бора-бора унутиларман,
Изим қолмас мен ичган жомда.
Бир кун уйлаб мени, ватандош,
Кўрмоқ бўлсанг агар юзимни.
Шу дафтарни варақла ёввош,
Топажаксан қалбим, ўзимни.

Ушбу шеър менга Бобур Мирзонинг қуйидаги сатрларини эслатади:

Ҳар вақтки, кўргайсен менинг сузимни,
Сўзимни ўқиб, соғингайсен ўзимни.

Бу уринда шоирлар тақдиридаги куз илғамас ички бир ўхшашлик, дард яктолиги, ҳаёт йўналишининг мантиқий давомийлиги кузга ташланади. Александр Сергеевич Пушкиннинг шундай мисраларини қачонлардир уқиб, ўзимча таржима қилиб қуйганимни эслаб. “Кундаликлар”дан қуйидаги шеърини парчани кучирмоқдаман:

“Гузал бир иттифоқ ҳукмида булар
Шоирлар юраги ўзаро боғлиқ,
Ягона музага муҳибдир улар,
Ягона оташдан қалблари ёниқ.
Гарчи тақдирлари бўлса-да ҳар-хил,
Илҳому ижодда қардошдир, аҳил”.

“ШИРИН ВА АЧЧИҚ”

(Асқарали Чархий)

Бир гал Қўқонда эканимизда Адҳам ака бир гуруҳ адибларни таклиф этиб, “Юринглар, отани курсатаман”, деб Чархий домла ҳузурига бошлаб борган эди. Домла Муқимий уй-ҳужраси музейининг соҳиби хонаси эканлар. Илк бор Чархий домла билан шу ерда ганишдим, суҳбатлашдим. Уша пайтлаги қиёфалари ҳамон кўз унгимда: ўрта бўй, икки юзлари қип-қизил, кўзлари меҳр билан боққан, камтар, кулиб турган, фаришталик, самимий инсон... Юзларининг қип-қизиллигини Фафур Фулом писанда этиб, “Чархий Қўқоний — гипертоний” деб лақаб урганлари бежиз эмас экан. Муқимий ҳаёт пайтларида ишлатилган жиҳозу ашёларни, китобу қўлёзмаларни кўз қорачиғидай асраб, устозига буюк ҳурмат изҳор этиб, соҳиби хона булиб утирган домланинг суҳбатлари менда катта таассурот қолдирган.

Кейинчалик турли йилларда, турли сабабларга кура булган мулоқотларда, масалан, Наманган томонларга қилган ижодий сафарларимизда (1964 йил) яна уша машҳур Адҳам ака воситаларида у киши билан эмин-эркин суҳбатлар қурдик. Хусусан, “Ширин ва аччиқ” деган китобларига муҳаррирлик қилиш жараёнида ижодий санъатлари билан бирмунча теранроқ танишишга муяссар бўлдим. Шу муҳаррирлик асносида домланинг узларини ҳам янада яқиндан билдим.

Чархий домла ута нозик лирик шоир. Сузларни шундай маҳорат билан тизиб, сайқал-жило бериб, ажиб ғазаллар, мухаммаслар яратганларки, гузал маъно ва гузал шеърӣй шакллар уйғунлиги ўқувчини қойил қолдиради. Шу ўринда шоирнинг машҳур “Қиёлаб ўтди” деган ғазалини курсатиб утишни истардим. Бу шеърни ўқиш эмас, худди суврат курсатилаётгандай томоша қилиш керак:

Тонг чоги сарвинозим аста қиёлаб ўтди,
Тушгач нигоҳи, менга таъзим бажолаб ўтди.

Таъзимига эгиб бош, ҳурмат ишора қилсам,
Мастана кўз учинда шарму ҳаёлаб ўтди.

Сунбулнинг буйи тарқаб олам муаттар ўлди,
Сочи магар чамандин гулни аролаб ўтди.

Кўз эрди интизори, кўрмакка зор кўнгил,
Кўрсатти ой жамолин, қалбим жилолаб ўтди.

Дуч келса шум рақиблар, ағёр бенасиблар,
Қаҳру итоби бирлан бағрин яролаб ўтди.

Бир зумда кўздан учди, гўё фалакни қучди,
Ё гул уни ёшурди, ёким ҳаволаб ўтди.

Ишқ оламида Чархий сабрингга офарин деб,
Нозик табассум-ла ишқим баҳолаб ўтди.

Қаранг, нақадар гузал шеър! Унда ажойиб манзара, ҳаракат, лавҳа, ҳолат мужассамлашган. Ҳаё, назокат, ибо қушиғидай янграйди. Шу шеър маъзида висол қувончи, мафтунлик, юксак эҳтиром бор. Гулзор оралаб ногаҳонда ўтиб қолган санамни, кузлар кузга туқнаш келган сеҳрли дамни, шарқий одобу ахлоқ намойишини кураимиз. Бу шеър ўз воқеабандлиги билан менга Алишер Навоийнинг:

Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,
Хироми шиддатидан юз уза ҳайдин гулоб айлаб, —

деб бошланувчи, ажойиб учрашув, арзиҳол дақиқаларини акс эттирувчи юксак ғазалини эслатади. Демак, Чархий домланинг энг яхши ғазалларида Навоий, Лутфий, Бобур, Муқимий ва Фурқатнинг шеърӣй аънаналари муносиб равишда давом эттирилди. Хусусан, Лутфий ғазалига мухаммас тарзида битилган “Бу кўнгилдир, бу кўнгил” шеъри баланл маҳорат самараси. Шоир ўша мухаммасида Лутфий ғазалидаги маъноларни янада чуқурлаштиради, унга сайқал, кулам, теран мазмун бағишлайди.

Бундай мисолларни қўлаб келтириш мумкин. Чархий домланинг ҳажвиялари ўткирлиги, ўзига ҳослити, нишонга аниқ уриши билан ажралиб туради. Улар айни замонда ҳам долзарб, ҳам доимий аҳамиятга молик. Ҳаётдаги бирорта камчиликни фош этувчи ҳар бир шеър ноёб сўз уйинлари воситасида санъат даражасига кўтарилади. “Ҳаммом”, “Кучанинг шикоят”, “Эзма ҳақида” каби шеърларини ўқир экансиз, ҳам куласиз, ҳам қуясиз...

Чархий домла, худди одамлар айтгандай, чиндан ҳам анча-мунча тортинчоқ, андишали, камгап киши эканлар. У кишининг ўта соддалигига бир мисол келтирадилар. Домла хонада ёлғиз ўтирсалар, мабодо телефон жиринглаб қолса, гушакни кутармас эканларки, гап тополмай қоламан деб. Бу ҳам майли. Телефон жирингласа, дарҳол ҳовлига чиқиб кетар эканлар.

— Нега ундай қияпсиз? — деб сурасалар, “Телефон қилган одам трубкани кутармаётганимни кўриб турган булса, мендан ранжийди”, — дер эканлар. Ана шунақа гаплар... Адҳам ака билан Чархий домла уртасида булиб ўтган қалтис ҳазилларни фурсати билан айтармиз...

“КИМГА КЕРАКМАН?”

(Султон Акбарий)

Ўзида қўп фазилатларни жам этган меҳрибон инсон Султон Акбарий ҳақиқий туғма шоир эди... Икки оёғини стол тагида узлуксиз қимирлатиб, бир қўлида сигарета, бир қўлида ручка билан, айни пайтнинг ўзида телефонда ҳам гаплашиб, неча хил юмушларни бажариб, ҳам ижодий, ҳам инсоний ишни вобаста этиб уддалай оладиган ўта тезкор, ўта ғайратли, дилбар инсон... Мен у кишини ҳаминша шундай тасаввур этаман. Мен унинг шеъриятига шайдо эдим. Қофиялари фавқулудда тулиқ, вазни раван, уйноқи, бахшиёна тиниқ, халқчил шеърлари билан ром этарди. “Гирдоб” ва “Менинг маҳаллам” дostonларини ўқиган одам бунга яна бир бора ишонч ҳосил қилади. Унинг:

Ёш йўловчи, интиқ булоқдай
Қайнасам, кимга керакман?

Дардли қушиқ, ширин гуноҳдай
Қийнамасам, кимга керакман?
Барқ урмасам, кимга керакман?
Баҳс қурмасам, кимга керакман?
Кайф сурмасам, кимга керакман?
Улгурмасам, кимга керакман?

каби жушқин сатрларида шоирнинг кенг қамрови, мақсад улуглиги яққол кўриниб турибди. Одамнинг кузига қараб туриб, нима демоқчи эканлигини, дилидаги дардни сезарди. Катта, доврўгли газета котибиятида ишларди. Бир куни (анча олдинги гаплар) ёнига кириб қолиб, салом-аликдан сўнг, чиқиб кетаётсам, тўхтанг, деб қолди. Тўхтадим. Утиринг, деди. Утирдим.

— Бир нарса демоқчи эдингиз, шекилли, гапирмадингиз-ку, — деди.

Ҳайрон бўлдим. Қасрдан билди? Бу ҳақда бирор ишорат ҳам қилмаган эдим-ку.

— Уй-жойингиз борми? — деб қолди Султон ака. Мен ижарада, бировлар ҳовлисидаги кичик бир хонада туришимни айтдим.

— Сизга участка — ер олиб берсам, бир амаллаб қура оласизми? Ватанлик бўлиб қолардингиз-да. Керак бўлса, ёрдам ҳам бераман...Хурсанд бўлиб кетдим.

— Ер-жой беришармикан? — дедим ишониб-ишонмай.

— бу ёғини менга қўяверасиз, — деди-ю, дарҳол Октябрь (ҳозирги Шайхонтоҳур тумани) район ижроқўми раиси Шоисмоилов деган киши билан телефонда гаплашди. Кимлигимни ва ҳоказоларни айтди. Хуллас, ариза билан ўша жойга фалон куни борадиган бўлдим. Бордим ҳам. Катта комиссия қабул қилиб, ёшлигим, озғинлигим, ҳолатимга қараб, бош чайқашиб, уй қура олармикан, дея иккиланишди. Бирдан дадилланиб кетиб:

— Қураман, шёрларимга анча-мунча пул оламан, китобим ҳам чиқяпти, — деб юбордим. Шу-шу булди-ю, ватанлик бўлиб қолдим...

МУНДАРИЖА

КЕНГДИР ШЕЪРИЯТНИНГ БАҒРИ, САМОСИ, ВАТАН МЕҲРИДИР У, ЮРАК САДОСИ

Энг олий ишонч	4
Шодиёна	5
Оила	6
“Одам-ку мислсиз бир санъат...”	7
Ташналик	8
Ишқий шеър	9
Ният	10
Ҳаётни сев	12
Минг шукур	13
Лаҳза туйғуси	14
“Ойдин, фароғатли...”	15
“Милдир-милдир биллур томчилар...”	16
“Ҳар бир отган янги тонг...”	16
Ой	17
“Йўллар... тоғ йўллари...”	18
“Она фарзандига булиб парвона...”	18
“Кечаги совуқдан, ёмғир, намдан сўнг...”	19
“Коинот сунгсиздир...”	19
“Ташкил қилинади”	20
Одамни одам	21
Илтимос	22
Агар... ..	22
“Сен қалбимни сурадинг...”	23
Ақл ва юрак	23
Бир куни... ..	24
Биринчи дарс	24
Шеър	25
Абадий ёғду	26
Тўйчи халқ	28
Тошкент қасидаси	29
“Яқинлар йироққа интиладилар...”	31
Довон	32
“Умрини ғафлатда утказди биров...”	33
Умр мазмуни	34
Хуш келдинг	35
Орзу	36
Йул	37
“Бордир ҳар бир касбнинг ўз иштиёқи...”	38

Аёл	39
Ушоқ шеърлар	40
Туй	42
“Ён дафтар”дан сатрлар	42
Тўртликлар	44
Туюқлар	57
Саккизликлар	58
Саксонбойнинг дегани	62
Эҳтиёткор насиҳати	63
Ойна	64

АРУЗ ГУЛШАНИДАН, ЯХШИ ҲАВАСДА, ТУЗМОҚ НИЯТ ЭТДИМ КАМТАР ГУЛДАСТА

Манзара	70
Навой дунёси	71
Чиройлик	72
Мақом	73
Сенга Тангрим ҳусн бермиш	74
Аёл	75
Истадим	76
Фаҳрия	77
Чотқол бағрида	78
Чортоқ ичрамен	79
“Тонг ҳижолатдан қизарди...”	80
Шифо булоғим	81
Муҳаббат	82
Кўнгил кўзгуси	83
Тоғлар қизи — дилбар Сафина	84
Урикли сой	85
Икки лавҳа	86
“Умр қадрин ўлчагайдир ақлу ҳуш...”	87
Яхши ният	88
Кўнглимда олий сувратинг	89
“Эй Ватан, сен — меҳримиз сарчашмаси...”	90
Тонг отур	90
Савол ва жавоб	91
Насиб этсин сенга	91
Сирожиддин Саййидга	92
“Меҳрингиздан истадим...”	93
Сизники	94
Севиб қолдим чоғи	95
Муҳаббат чоғи	96
Кезсанг чаманда	96

Мангулик иззат менга	97
Наврўз келибон	98
Ажлодлар	99
Томошо қилар эрмиш	100
Ёр ўтганда	100
Тенг ёритгайдир қусш	101
Истамбулда ёзилган ғазал	102
Парижда ёзилган ғазал	103
Деҳлида ёзилган ғазал	104
Тошкент ғазали	105
Жаноби расули акрам Муҳаммад Мустафо тавсифида бир неча дил сўзлари	106
Питсунда илҳоми	110
Форос боғидаги бир неча кунлар	111
Улфатлар мадҳияси	113
Йуқлаш	115
Туман босмиш ҳаёлимни	117
Майхўрнинг тазарруси	118
Гўшт таърифида	119
Қоласан	120
Қаён кетдинг?	121
Гулоб ичра	122
Қизил, сориг, яшил	123
Тортайн	124
Наврўз	125
Ул санамким, сув яқосинда	126
Ўландан сўр	127
Навбаҳор	128
Келинчак	129
Ҳинд гўзали	131
Дустлар	132
Наврўз бугун	133
Ёнингиздан ўтсалар	135
Куклам мухаммаси	136
Келажак орзуси	137
Илтижо	139
Субҳидам	140

Замондош алибларга дустона ҳазиллар

Тошпўлат Аҳмадга	141
Ҳабиб Саъдуллога	142
Жонибек Субҳонга	143
Нормурод Назруллаевга	144
Охунжон Ҳакимга	145

Жонрид Абдуллахоновга	146
Носир Фозилга	146
Маҳмуд Тойирга	146
Зулфия Муминовага	147
Сирожиддин Саййидга	147
Усмон Азимга	147
Тўра Сулаймонга	148
Тулан Низомга	148
Ошиқ Эркинга	148
Тура Жуманга	149
Омон Мухторга	149
Фарида Афрузга	150

ЙУЛДАН ИБОРАТДИР ИНСОННИНГ УМРИ, ЙУЛ – ИНСОН ҲАЁТИН ЕТАКЧИ ЎУРИ

Йулдаги ўйлар	152
Кўёш юрти	172

УСТОЗЛАР СУЗИДАН ЁРИШАР ОЛАМ, УЛАР – АҚЛГА КУЧ, КЎНГИЛГА МАЛҲАМ

Ал-Мааррий

“Кундузлари гам-алам ичида қотса бошим...”	198
“Олим зоти қолмади...”	199
“Оллоҳга ҳамду сано...”	200
“Жафокашларни эрка йўллаш...”	201
“Қимки оғир пайтда...”	201
“Ўз фойдани ни уйламай...”	202
“Ёлғиздирман...”	202
“Мисрда ўлат кезар...”	203
“Эй қаламкаш маддоҳлар...”	203
“Беркингил ўз-ўзинга...”	204
“Олдинги мардликлардан қолмади...”	204
“Қизларни ўргатингиз...”	205
“Эҳтиросин босгали эр борар...”	205
“Дунёда яшайсанки...”	205

Фирдавсий

Ҳинд рожасининг Нушинравонга Шатранж юборгани	206
Барзўйнинг Ҳиндистондан “Калила ва Димна”ни келтиргани	213

Жалолиддин Румий

“Кўрқ” радифли ғазали	224
“Ранж чекма, эй, биродар...”	224
“Бор, бошинг қўй болишга...”	225
“Келди” радифли ғазали	226
“Бўлиб” радифли ғазали	227
“Кеча шундоқ ичибман...”	228
“Маст булай...”	228
“Эй чехраси оташ ниҳон...”	229

Ҳоқоний Ширвоний

“Бўлолмассан” радифли ғазали	230
“Қилдинг” радифли ғазали	231
“Ҳоқоний, давлатга кўп мағрур булма...”	232
“Қилмадинг” радифли ғазали	233
“Булмади” радифли ғазали	234
“Эрур” радифли ғазали	235
“Ҳоқоний, дил берма...”	236

Убайд Зоконий

“Эрмас” радифли ғазали	237
“Булмагай” радифли ғазали	238
“Кўп саз булурди...”	239
“Кўраман” радифли ғазали	240
“Яхшидир” радифли ғазали	241
“Суман баргин сабо упиб...”	242
“Йўқ” радифли ғазали	243
“Оқди” радифли ғазали	244
“Келгил, жонон...”	245
“Жафо қилма...”	246
“Тутадир” радифли ғазали	247
“Қиладир” радифли ғазали	248
“Жудолик ҳаддан ошди...”	249
“Биз қаландар қавмидан...”	250
“Олма юзингда ул шўх...”	251
“Иста” радифли ғазали	252
“Ўртар” радифли ғазали	253

Ҳофиз Шерозий

Мужда келди	254
-------------------	-----

“Курмасман” радифли ғазали	255
“Ҳавасдир” радифли ғазали	256

Камол Хўжандий

Гопмади	257
---------------	-----

Абдураҳмон Мушфиқий

Мерос тақсими	258
Агар булсам саломат	259
Наргис кўзидан кунгил	260
Этма мени беқарор	261
Жоним гулшани, эй ёр	262
Мутриб кеча ҳуснингни	263
Бовар қила билмас	264
Меҳрибон булмади	265
Ҳусни нечоғлиқ ортса	266
Қайси томон борурсан?	267
На хуш давлатки	268
Дилимни бир нафас	269
Бир кунгина кел десам	270

Мирзо Фолиб

“Розиман” радифли ғазали	271
“Истарам” радифли ғазали	272
“Дилимнинг бул шеvasи...”	273
“Не сўз демай...”	274
“Ишқ майдонига...”	275
“Қайским, сахрою даштда...”	276
“Ғалат” радифли ғазали	276
“Ғар денгиз чайқалса...”	277
“Жамолинг торож айлар...”	278
“Нурли офтоб бодасин...”	279

Байрон

Муҳаббатнинг сўнги хайр-маъзури	280
Севгининг илк бўсаси	281

Лермонтов

Ҳузурингда чўкмагайман тиз	283
Сашка (<i>Ахлоқий достон</i>)	285

ЗАМОНЛАР ҚАЪРИДАН КЕЛУР САЊЪАТИМ, У МЕНИНГ БАХТИМДИР, ДАРДУ ҲАЙРАТИМ

Менинг оппоқ кабутарларим	336
Уйқусиз кеча	391

КИМ ЭЗГУ НИЯТДА ТУТИБДИ ҚАЛАМ, АБАДИЯТ САРИ ҚЎЙГАЙДИР ҚАДАМ

“Нафис чайқалади наъматак...”	422
Ижоднинг олмос қирралари	425
Қомусий билим. илҳом	432
Рост сўзнинг кучи	440
Камалак камоли	444
Мажнунтол фиғони	447
Шоира абадияти	449
Ижод кўлами	453
Ижодга бахшида умр	456
Ўзига хос дунёси	461
Ўлмаснинг ўлмаслиги	464
Жасоратли сўз соҳиби	467
Ўхшаса, узига ўхшайди	471
Шеърларида яшайди мангу	475
Ўз сўзини айтолган шоир	478
Дўстликка шайдо кўнгил	480
Олтин куприк	481
Шоирнинг иккинчи умри	484
Ижоднинг юксак довони	487
Асрни акс эттирган шеърят	491
Гузалик таронаси	494
Олис ва мураккаб йўл	497
Яхшилик	500
Оппоқ тонглр илҳоми	503
Ёниқ қалб шуълалари	505

Ялт этган лаҳзалар

Йулагдаги учрашув	509
“Шу гапни уқиб олинг”	511
“Ширин ва аччиқ”	513
“Кимга керакман?”	515

Жуманиёз ЖАББОРОВ

КЎНГЛИМ КИТОБИ


*(Шеърлар, дostonлар, таржималар,
пьесалар ва хотиралар)*

Муҳаррир *Шукур Қурбон*
Бадий муҳаррир *Акбарали Мамасолиев*
Техник муҳаррир *Аслиддин Жураев*
Мусахҳиҳ *Жаҳонгир Қунишев*
Саҳифаловчи *Беҳзод Ирисбоев*

Босишга 2010 йил 14 апрелда рухсат этилди.
Бичими 60x84^{1/16}. Ҳажми 32,75 б.т. Адали 1000 нусха.
Times Uz гарнитурасида офсет усулида босилди.
Буюртма № 240.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси нашриёти.

Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий
кутубхонаси босмахонасида чоп этилди.
Тошкент шаҳри, Истиқлол кўчаси, 33.



Бир оғиз сөз, юздан
юкса, сур кўнмал,
Бир яхши каломдан
анида унар гул.
Бир оғиз яхши сўз —
жонингда розат,
Бир оғиз ёмон сўз —
бит, нас жарозат.
Одамлар, авай, тане
бир-бирингизни,
Арангиз келажак —
тақдирингизни.
Ўрақдан юракка
нур ёғсин фаражат,
Ватанги бағишча
незру, музиббат.

Ўзбекистон Республикаси



ISBN 978-9943-06-279-9

